
Чаёнлар сўқмоғи
Набижон Хошимов

Мазкур асарда мустақил Ўзбекистон республикасига таҳдид солган ички ва ташқи ганимларнинг фаолияти, ҳаётда адашиб юрган баъзи ёшларнинг аянчли қисмати, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ҳамда умумий душманга қарши ҳамжиҳатлик билан олиб борган курашлари, ёшлар ўртасидаги она-Ватан ва севимли ёрга бўлган самимий муҳаббат туйғулари бадий бўёқлар ҳамда саргузаштли воқеалар тарзида қизиқарли баён этилган.

Уни мутолаа қилар экансиз, ўзингизни асар қаҳрамонлари билан бирга юртимизнинг мафтункор табиатини, қолаверса, Ўзбекистон сарҳадларидаги кўркам тоғлардан уфураётган зира ҳидларини ҳис этасиз. Афсуски, яқин ўтмишида бу гўзаллик замирида мамлакатимиз ва қўшни ҳамдўстлик давлатларининг барқарорлиги учун умумий хавф бўлгани ёдингизга тушади. Ҳозирги тинч ва осойишта кунларга етишиш, мустақилликни асраш юртдошларимиз учун осон кечмагани, балки ватан хоинлари ва душманлари билан мурасасиз кураш олиб борилганига яна бир бор амин бўласиз.

Асар Ўзбекистон озодликка эришгач, эндигина тараққиёт сари дадил қадам ташлаётган даврда бўлиб ўтган реал тарихий воқеаларга асосланган бўлиб, у муаллифнинг бадий тўқималари билан янада бойитилган.

Маслаҳатчи: **Мизроб БЎРОНОВ** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими.

Тақризчилар: **Ориф ФАРМОН** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, адиб;

Ойбек ВЕЙСАЛ ЎҒЛИ – кинорежиссёр, санъатшунослик фанлари номзоди.

*«Бизга тинчлик ва
осойишталик керак. Биз
ҳар бир оиланинг тинч
тотув яшаши
тарафдоримиз ва шунга
интилаётган, шуни
таъминлайдиган
сиёсатни қўллаб-
қувватлаймииз».*

ИСЛОМ КАРИМОВ

СЎЗБОШИ

Жуда янги гап бўлмасада, ота-боболаримиз, кекса онахонларимиз оғзидан тушмайдиган, йиллар, асрлар давомида муқаддас дуо бўлиб такрор ва такрор айтилиб келаётган бир ҳикматни ички бир хўрсиниш ва ёлғиз Яратганнинг ўзига шукроналик билан айтиб, қўлингиздаги китобни ўқигандан сўнг ҳаёлимдан кечган ўй-хаёлларни сиз билан ўртоқлашмоқчиман. "Илоҳим, дунёмиз тинч бўлсин. Юртимизни турли бало-қазолардан Аллоҳнинг ўзи асрасин!"

Дарҳақиқат, инсон учун, қолаверса дунёдаги жамики жонзод учун озодликдан кўра кадрлироқ нарса йўқ дунёда. Қафасга солсанг қуш ҳам, йирткич йўлбарсу бир чимдим жони бўлган ҳашарот ҳам талвасага тушиб, ўзини қафаснинг тўрт деворига ура бошлайди. Фақат кўрага қамаб ёки бўйнидан арқон билан боғлаб, текин овқат берсанг мол, қўй бемалол ўт, ем еб, семириб ётаверади. Чунки у текин овқат еб, эртага бўйни пичоққа етишини билмайди. Аммо бировнинг қўлидан емиш ея бошлаган, ўз ҳалол меҳнати билан емиш топмай нопок йўл билан томоқ алдаган онгли мавжудот билмоғи керакки, албатта бир куни унинг ҳам томоғига пичоқ келиб санчилади.

Жоннинг жисмдан ташқарида ватани бўлмаганидек, ақли расо одамнинг туғилиб ўсган, тупроғидан, дов-дарахтларидан, бетакророна табиатдан қувват, ноз-неъматларидан озиқ олган Ватанидан ўзга ватан бўлмайди.

Инсонда Ватан битта бўлади. Ватан бу мен ва сен учун ҳаётимиздаги ҳамма нарса, умримизнинг мазмуни, ҳаётимизнинг маъни ва маъносидир. Ватан бу — сархил ифорлари билан дилингни сархуш қилган меҳр сарчашмаси, димоғингга

ором берган турфа гуллару, боғ-роғлар, оёғингга чирмашиб санчилган тиканлар, ғижир-ғижир тошчалардир. Ватан бу – ота-боболаримизнинг хоки ётган муқаддас тупроқ. Биз эъзозлайдиган жамики кадрли нарсаларнинг макони.

Бу дунёда нафас олаётган жонзод борки ўз Ватанини ҳимоя қилади. Ҳатто, қушлар ҳам полопонлари чуғурлашиб ётган инини турли ёвуз ниятли мавжудотлардан асрайди. Ер юзининг қайсидир ҳудудларида яратилган иқтисодий шароитларни деб ўзга юртда яшаш эса, бу – вақтинчалик умргузаронлик қиладиган бегона макондан бошқа нарса эмас.

Ватандан ўпкалаб бўлмайди. Ватанга қўл кўтариш онага қўл кўтариш каби нобакорликдир. Ватанга хоинлик қилиш, ўзи танасидан ажралиб чиққан онага хиёнат қилишдан ҳам ёмон жиноятдир. Чунки Ватан онанинг ҳам, улуғ момоларимизнинг ҳам Онасидир.

Ватандан таъма қилиб бўлмайди. Ватандан ниманидир талаб ҳам қилиб бўлмайди. Бу – Онанинг кўкрагидан ҳаётбахш сутни симириб, вужуд тоғни урса талқон қиладиган даражага етиб, қирққа киргандан кейин ҳам Онадан кўкрак талаб қилган мисоли ғаламисликдир.

Инсон улғайгач, меҳнат қилиб ота-онасига нон-насиба олиб келгандек, Ватанини севган ориятли фарзанд унга беминнат хизмат қилади, гўшаларини обод қилади, ёмон кўзлардан асрайди. Яхши ниятли одамлар ота-боболарининг хоки ётган тупроқни оёқости қилинишига мутлақо йўл қўймайди. *"Ватанга жон садақа! Бу Ватан меники, шу азиз тупроқдан яралдим, унинг ноз-неъматларидан симириб улғайдим, ақлимни таниб, одам бўлдим. У мени ардоқлаб, вояга етказди. Мана шу муқаддас заминда ота-боболарим яшаб ўтган, бугун мен, ота-онам, фарзандларим, мен севган ва мени севган ёри биродарларим, ватандошларим яшайди!"* деган улуғ туйғу Ватанини сидқидилдан севган ҳар бир ақл-хушли инсоннинг юрагидан чуқур жой олиши ва уни ўқтин-ўқтин тўлқинлантириб туриши бу қадим дунёда исбот талаб қилмайдиган ҳаёт ҳақиқатидир!

Азиз китобхон! Сиз кўлингиздаки китобни ўқир экансиз, ҳеч шубҳа йўқки, албатта ҳаёлингиздан ана шу ва ундан ҳам кўп фикр-ўйлар кинофильм тасмасидек тизилиб ўта бошлайди. Чунки Сиз китоб ўқияпсиз. Китоб ўқиган инсоннинг тафаккури бой, фикрлаши тиниқ, Ватанга муҳаббати чексиз бўлади. Китоб ўқиган инсон эзгулик нурлари қалбига йўғрилган инсондир. Ёмонлик қилиш, одамларга, жонзодларга озор бериш фақат китоб ўқимайдиган ёвуз кишиларга хосдир.

Юртимизнинг гўзал ва мафтункор гўшалари жуда кўп. Баъзан уларни кўргинг, гўзал табиатидан баҳра олгинг келади. Бир гали мен Тангри халқимизга гўзаллик инъом этган ана шундай гўшалардан бири – Бўстонлик туманидаги тоғ қишлоқларидан Бурчмуллода истиқомат қиладиган танишимнинг уйида бўлдим. Танишимнинг уйида кичикроқ бир маросим бўлаётган эди.

Маросимга кекса отахонлар, ёшлар ва ўрта ёшдаги эркаклар йиғилгандилар. Тадбирда дунёдаги нотинчлик, давлатимиз раҳбарининг тўғри ва оқилона иш олиб бораётганлигидан шукр қилиб, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, маъмурчилик, қолаверса шаҳар-қишлоқларимизнинг кундан-кун обод бўлиб, одамлар, оилаларнинг яшаш шароитлари тобора яхшиланиб бораётганлиги, қишлоқнинг кунчиқар томонидаги тоғ ортида яшаётганлар бўлса, бизга ҳавас билан қарашлари, у томонларда умуман ривожланиш ортда қолиб кетганлиги, уларда замона нотинч бўлиб қолганлиги ҳақида қизгин гап борди.

Одатдагидек, маросим якунида дуои фотиҳага қўл очишдан олдин, давра тўрида ўтирган, тўқсонни қоралаб қолган отахон суҳбатга якун ясади:

– Юртбошимиз Ислон Каримовнинг давлатимизда Бош бўлиб туриши Яратганнинг бизларга қилган беҳад иноятидир. Бу инсон бизларни жуда ёмон, хавфли кунлардан эсон-омон олиб ўтдилар. Ёдларингизда бўлса тўқсонинчи йилларда бошимизга не-не қаро кунлар тушиши мумкин эди. Худо ярлақан бу инсон бизларни нақд аждарҳонинг оғзидан олиб чиқиб кетди, – деди отахон ва кафтларини дуога очди:

– Илоҳим юртбошимизнинг умрлари узоқ бўлсин! Кўп йиллар бошимизда турсинлар. Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод, дастурхонларимиз тўкин бўлсин! Давлатимизга кўз тегмасин! Илоҳим, мана шу тинч, осойишта, кундан-кун обод бўлиб, қувватга тўлиб бораётган азиз юртимизда баҳра олиб, чопқиллаб юрган набира-ю абираларимиз бошида Ислон Каримовдек доно йўлбошчи турсин! Омин!"

Ҳамма чин юракдан "Омин!!!" дея қўлларини юзларига тортди.

Энди юқоридаги фикр-мулоҳазаларни ғужғон ўйнатган қўлингиздаги **"Чаёнлар сўқмоғи"** деб номланган китобнинг мавзуси, шиддатли, таҳликали воқеалар ва қаламга олинган давр ҳақида айрим мулоҳазаларга тўхталсам.

Ҳаммамиз яхши биламизки, 1991 йили 31 августда Ўзбекистонда ва кейинчалик Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларда мустақиллик эълон қилинди. Бундан халқимиз чексиз қувонди ва қон тўкилмасдан, йўқотишларсиз, сиёсий йўл билан мустақиллик қўлга киритилганлиги халқимиз учун жуда буюк тарихий ғалаба эканлиги қайд этилди. Аммо тоталитар тузумдан воз кечилиб, жамиятга озодлик, ҳурлик шамолининг кириб келишини ҳамма ҳам тўғри қабул қила олмади. Мустақилликка эришилгандан сўнг бир йил ҳам ўтмай – 1992 йилдаёқ қўшни Тожикистонда "сунний" ва "шиа" исломий диний оқимлари ўртасида ўзаро фуқаролар уруши бошланиб кетди.

Афғонистонда эса толибонлар ҳаракати ғалаба қозона бошлади. Оқибатда Ўзбекистоннинг атрофи жиддий таҳликали ҳолатга тушиб қолди. Мамлакатимиз ичкарасида эса эркин, демократик давлат барпо этиш борасида қизғин ва тизимли иш олиб борилаётганди. Аммо ҳали чегараларимиз мустаҳкам эмасди. Шу боис қўшни мамлакатлардаги бузғунчи гуруҳларнинг гумаштаси бўлган айрим диний-экстремистик кайфиятдаги "юртдошлар"имиз яширин равишда улар билан ўзаро тил бириктириб пул, бойлик ва бошқа манфаатлар илинжида конституцион ҳукуматни ағдариб, янги давлат барпо қилиш мақсадида ғимирлаб қолишди.

Узоқ йиллар қуллик психологияси исканжасида сақланган, сиёсий қарашлари, етук маънавий дунёси ва умуман тафаккури шаклланмаган айрим ёшлар ислом динини ниқоб қилиб олган ваҳҳобизм ва "Ҳизбут-таҳрир" деб аталувчи норасмий реакцион ташкилотлар таъсирига тушиб қола бошлаётгандилар. Чунки бу пайтда ана шу ёшларда ислом дини ҳақида, шунингдек ушбу динни ниқоб қилиб олган экстремистик гуруҳлар, уларнинг ғоялари, ҳийла-найранглари тўғрисида мутлақо тушунча, ҳатто ахборот ҳам йўқ эди.

Давлатимиз раҳбари – Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов вужудга келган ана шу мураккаб вазиятни дарҳол тўғри баҳолаб, мамлакат мустақиллигини асраш, ёпирилиб келаётган бало-қазодан халқимизни қутқариш учун ёвуз ниятли гуруҳлар билан кескин ва муросасиз кураш олиб борди. Жумладан, ёшларни диний-экстремистик оқимлар таъсиридан

кайтишларига даъват қилиб, давлат ва халқни тўғри йўлдан бошлади. Ёш давлатнинг чегараларини зудлик билан мустаҳкамлаш, унинг муҳофаа қудратини ошириш чораларини кўрди.

Ёшларимизнинг бузғунчи ғоялар таъсирига берилиб қолишдан асраш мақсадида жамоатчиликни оёққа турғизди. Ҳеч нарсадан тап тортмай, ҳатто ғалаёнчи, кўзи қонга тўлган, нияти бузуқ исёнчи тўдаларнинг ичига кириб борди. Ўша пайтларда Президент халқимизга қарата қилган мурожаатларнинг бирида ёшларнинг бундай номаъқул йўлга кириб қолишига маҳалла, қолаверса, фарзандларини тўғри тарбия қила олмаган, уларни назоратсиз қолдирган оталар ҳам бевосита жавобгар эканлиги, нотўғри йўлдан қайтишни ихтиёр қилганларни бўлса, ҳукумат авф қилишга тайёр эканини алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Албатта, бу даъват кўпчилиكنи, айниқса ота-оналарни хушёр торттирди. Баъзи ота-оналар бузғунчи диний оқимларга билиб-билмай кириб қолган ўғил-қизларини ёмон йўлдан қайтариб, ҳукуматдан авф сўрадилар. Натижада, бир қанча ёшлар тўғри, соғлом ҳаётга қайтдилар. Афсуски, мияси заҳарланиб, зомби бўлиб қолган, инсоний қиёфасини йўқотган, тафаккурдан мосуво мутаассиблар ҳам бор эди...

Мамлакатдаги мавжуд демократик-конституцион тузумни ағдариб ташлаб, унинг ўрнига ибтидоий халифаликка асосланган ислом республикасини барпо қилиш ниятидаги бу ватанфурушлар мамлакатнинг ҳам ичкарасида, ҳам ташқарисида фаол ҳаракат олиб бораётгандилар. Улар ёшларни алдов-кистовлар билан, ихтиёрий-мажбурий тарзда, кўп микдорда пул бериб, чет элда ўқитишни, келгусида турли амалларни ваъда қилиб, ўз бузғунчи қарашлари таъсирига тортаётган, уларни "Ислом лашкарлари" деб аталувчи диний-экстремистик гуруҳга кўшаётган эдилар.

Дунёнинг нотинч ҳудудлари, жумладан айрим араб мамлакатлари ва Чеченистонда махсус тайёргарликдан ўтган, катта пул эвазига ёлланган каллакесар, жоҳил кимсалардан иборат бу диний-экстремистик гуруҳларнинг ғаразли нигоҳи асосан ўз йўлидан оғишмай, тобора илдамлаб бораётган, табиий, маданий бойликларга бой бўлган Ўзбекистонга қаратилган эди.

Қирғизистоннинг Боткен вилояти душман ҳарбий истехкомлари барпо қилиш учун, қолаверса Тожикистоннинг Бадахшон вилояти орқали Афғонистон томонидан қурол-яроғ ва наркотик моддалар билан, гўё чаёнлар каби ўрмалаб, кириб келишлари учун жуда қулай жойлар эди. Энг хавфлиси, жиноятчи гуруҳлар шаклланиб, сафини кенгайтираётган, қурол аслаҳа йиғайтган Қирғизистоннинг Боткен вилояти томонлардан Фарғона водийси гўё кафтдагидек кўриниб туради.

Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида 1989 йилдаги Фарғона, 1990 йилдаги Қирғизистоннинг Ўзган, 1992 йилдаги Наманган, 1999 йилда содир этилган Тошкент шаҳридаги террористик хуружларга барҳам берилди. Кўплаб диний-экстремистик кайфиятда бўлган гуруҳ ва шахслар қўлга олинди, жануб томондан кириб келадиган қурол-аслаҳа ва оғу сўқмоқлари аниқланди, яширин омборлар йўқ қилинди.

Масалан, 2000 йилда қўшни Тожикистон ҳудудидаги Сирдарёнинг Қайроққум сув омборига қуйилиш қисмидан қайиқлар ёрдамида кириб келган қурол-яроғларни махсус жанговар отряд қўлга олди. Мазкур операцияда "Дарё инспектори" сифатида иштирок этиб оёғидан яраланган миллий хавфсизлик хизмати зобити алоҳида жасорат кўрсатди ва давлатимиз томонидан тақдирланди.

Ватан сарҳадларини душманлар таҳдидидан асрашда қурбонлар ҳам бўлди. Лекин Ўзбекистон ҳукуматининг оқилона сиёсати, кўплаб ватанпарвар юртдошларимизнинг жасорати ва матонати туфайли юртимизга пана-пасткам жойлардан чаёндай ўрмалаб кириб келаётган ёвуз гуруҳлар йўқ қилинди.

Бироқ дунёдаги, ён атрофимиздаги давлатлардаги сиёсий, ижтимоий, қолаверса иқтисодий вазият бизни доим хушёр, огоҳ бўлишга ундайди. *Бу дунёда дўстларимиз кўп, лекин ўрни келса ниш санчаман, деб пайт пойлаб турган душманларимиз ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.*

Таниқли ёзувчи Набижон Хошимовнинг мазкур асаридаги Ўзбекистон фуқаролари Нормурод Тўйчиев, Иброҳим Асқаров, Бахтиёр Тўраевлар, Нурмат муаллим, тожикистонлик Муҳаммад овчи, қирғиз қизи Гулбиби, рус йигити Алексей Сорокин каби турли миллатга мансуб инсонлар ўз юртига жонини бахшида этган жасур ва ватанпарвар замондошларимизнинг бадиий образларидир. Уларнинг тақдири, кўрсатган қаҳрамонликлари ватанимиз ёшлари учун ибрат бўлиши шубҳасиздир. Зеро, ҳозирги кунда шундай шижоатли, билимли, ватанпарвар ёшларимиз улғаймоқдаки, улар туфайли юртимиз осойишта, халқимиз фаровон ва чегараларимиз мустаҳкамдир. Уларни кўрганда кишида мамлакатимиз, халқимизнинг ёрқин келажагига ишонч туйғуси ўн қарра ортади.

Муаллифнинг **"Чаёнлар сўқмоғи"** деб номланган ўткир сюжетларга бой асарини мутолаа қилган ҳар қандай китобхон қалбида Ўзбекистон деб аталмиш бебаҳо ва бетакрор юртга нисбатан меҳр-муҳаббати жўш уради, унинг Марказий Осиё минтақасида энг қудратли ва салоҳиятли мамлакат эканини чин дилдан ҳис қилади. Мазкур романни ўқиган инсон она-Ватан, тинчлик ва осойишталик қадри ҳамма нарсадан ҳам устун эканлигини яна бир қарра юракдан ҳис этади.

МИЗРОБ БЎРОНОВ,
*журналист,
"Халқ сўзи" ва "Народное слово"
газеталари таҳрир хайъати аъзоси.*

БИРИНЧИ ҚИСМ **"ЗИРА ХИДИ"**

1 боб. АЛДАНГАНЛАР

Минг тўққиз юз тўқсон олтинчи йилнинг август ойлари эди. Нормурод ўрта мактабни тамомлагач, ўртоғи Карим билан университетнинг «жисмоний тарбия ва спорт» йўналиши бўйича ҳужжат топширишди. Лекин омадлари чопмади. Ҳар иккиси ҳам имтиҳондан ўта олишмади. Шундан сўнг икки йигит нима қиларини билишмай университет ҳовлисида бир неча кун тентираб юришди. Уларнинг назарида ҳали ҳам бирор "илинж" бордек эди.

– Нор, анавини қара, қанақадир қизиқ эълон бор экан, – деб қолди бир пайт Карим улкан чинор дарахтига ёпиштирилган бир варақани кўрсатиб.

Эълон матни ўқишга қира олмай қолган ёшларга мурожаатнома тарзида диний қироат услубида битилганди. Унда ўқишга ўта олмай қолган ёшлар асло надомат чекмасликлари, Аллоҳнинг қарами кенг эканлиги ва ислом илмини

эгалламоқ ниятида бўлган диёнатли ва билимга чанкоқ ҳар қандай мўмин-мусулмон ёшларни ўз паноҳида асраб, уларни хориждаги Ислом университетида имтиҳонсиз қабул қилинишлари ҳақида баён этилган ва ҳужжатларни топширишга талабгорлар Саид Ғани аталмиш шахсга мурожаат қилишлари лозимлиги қайд этилган, тагига телефон рақами ҳам ёзиб қўйилганди.

...Нормурод билан Карим ўз қишлоқлари Сарчинорга ўқишга ўта олмаганлари туфайли юзлари шувут бўлиб эмас, балки ўзгача кўтаринки шукуҳ билан қайтдилар. Саид Ғани уларнинг ҳужжатларини қабул қилиб оларкан, "Яна бир кун кеч қолганларингда гуруҳ тўлиб қолган бўларди. Демак йўлларингиз очиқ, "Аллоҳ" деган йигитлар экансизлар, "қабул қилиндик" деб ҳисоблайверинглар", – деб уларни бениҳоя хурсанд қилди.

Нормурод билан Каримнинг хориждаги олий ўқув юртига қабул қилинганликлари ҳақидаги хушхабар, айниқса ота-оналари ва қариндош-уруғлар томонидан хушнудлик билан кутиб олинди. Табрик устига табриклар икки навқирон йигитчани ниҳоятда руҳлантириб, шодлантириб юборди. Ҳаётларидаги дастлабки довондан ўтишда омадлари кулиб боққанидан улар бағоят бахтиёр эдилар.

Нурмат муаллим ўғлининг бу ютуғидан бир томондан хурсанд бўлгиси келса-да, бироқ юрагининг бир чети жуда хижил эди. "Қизик, нега энди ҳаммаси осонгина?... – дея ҳаёлидан ўтказди у. – Болалар ислом илмидан хабардор бўлишмаса, араб тилини-ку..., алифни калтак дейишса", – деб, кўнглидаги шубҳаларини ўғлига ошкор қилган бўлди.

– Тўғри, дада, – деди Нормурод ишонч билан. – Аввало бизни вақтинча бир жойга олиб бориб тайёрлов курсида тил ўргатишаркан. У ерда ислом илмидан сабоқ оларканмиз. Кейин, бепул уст-бош, овқат, ётоқ, ҳатто, стипендия ҳам беришармиш, – деди Нормурод бамайлихотир ўзидан ҳам қўшиб.

– Ҳа, ундай бўлса дуруст. Давлатимиз бекорга пул сарфламаётгандир..., – дея хотиржам бўлди Нурмат ака соддалик билан.

У бошқа бу ҳақида оғиз очмади. Энди унинг фикри-ҳаёли хорижга кетаётган ўғлига янги уст-бош, қўлига бир оз маблағ қилиб беришда эди. "У ёқларда Америка пули ишлайди дейишади" – дея фикрлади ота ва ҳаёлига келган бир ўйдан кайфияти кўтарилди. Ён қўшниси Раимжоннинг эрталабки гапи ёдига тушиб қолди: нима эмиш, Қирғизистоннинг Боткен мол бозорида қўй-моллар долларга сотилаётганмиш. Райимжоннинг бир таниши у ёққа ўнта қўй олиб бориб, чўнтагини "кўки"га қаппайтириб қайтганмиш. Энди у янги чиққан "Жигули"дан сотиб олармиш. Қўйларини тилло конини топган аллақандай хорижий геологлар сотиб олиб, айтган баҳосига пулни дангал ташлашганмиш.

Муаллим шу маҳал боткенлик қирғиз ошнаси Сапарқулни эслади. Баъзи-баъзида Сапарқул униқига шанба кунлари келиб, эртаси бозор қилиб кетарди. Нурмат ака ҳам Сапарқулникига бир неча марта борганди. Ўтган йили бўлса уларникида бутун оиласи билан меҳмонликда бўлиб, "Қорабулоқ" деган сўлим жойларда дам олиб қайтишди. Ён кассалари тўлганича зира уруғидан сидиришди. Сапарқул меҳмонлар шарафига қўй сўйиб "Шуни еб бўлиб кейин кетасанлар" деб туриб олди. Қимизга ҳам роса тўйдирди...

Нурмат ака ўша кунларни мамнунлик билан эсларкан, ширин энтикиб қўйди. Ўйларини чой қуйиб узатган хотини бузди.

– Шанба куни қўйларимизни сотгани Сапарқулникига борамиз, – деди Нурмат ака ўз азму қарорини яширмай. – Ўғлимизнинг қўлига оз-моз дастмоя қилиб бермасак бўлмайди.

– Ҳа-я, мусофир юртда пулсиз юриб бўлармиди, дадаси, – деди Каромат ая уни тасдиқлаб.

Аммо шу тобда аёлнинг хаёлида "Нега энди қўйларни Қирғизистонга олиб бориш керак? Тавба, ўзимизда ҳам жониворлар яхши пул-ку?.." – деган ўйлар кечди.

Ота аёлининг фикрини ўқиб олгандек ғудраниб қўйди:

– У ёқда қўйлар долларга сотилаётганмиш. Ўғлингга ўшанақа пуллар керак бўлади-да!

Каромат аяга ҳам эрининг бу қарори маъқул тушди шекилли, меҳмонхонада арабча луғатни халитдан ҳижжалаб ўқиб ётган Нормуродга қарата қичқирди:

– Эшитдингми Нор, шанба куни отанг билан қўйларимизни Боткенга олиб бориб сотиб келаркансизлар!

Ичкаридан "Ҳа, эшитдим!", деган дўрилдоқ овоз келди.

Нормуроднинг хаёлини энди китобдаги тушунарсиз сўзлар эмас, балки боткенлик Сапарқул аканинг қизи – ёноқларида чиройли кулгичлари бор, бодомқовоқ Гулбиби банд этди. "Қизиқ, Гулбиби ҳозир нима қилаётган экан?... У ҳам мактабни тугатгучи эдику", – дея фикрлади йигит. Нормурод шу зайл Гулбиби билан чегара жойлардаги тоғ этакларида зира териб юрганларини, Қорабулоқда қимиз ичганларини эслади. Биринчи гал қимиз ичгани учун Нормурод анча хижолат чеккан, қорни оғриб қолганди, ўшанда...

Қорабулоқнинг бошқа жойлардан фарқли ўлароқ мафтункор табиати ўзгача эди. Тоғдан зиранинг хушбўй, димоқларни китикловчи бўйи уфуриб турарди. Қиз-жувонлар тоққа ёпирилиб тоғ гуллари ичра зира ўсимлигини ажратиш олишар ва унинг ҳали етилмаган донини этакларига сидиришарди. Айтишларича, кейин уни салқинда қуриштиришарди. Қорабулоқнинг зилол сувлари тошлар орасидан шаршара бўлиб отилиб чиқиб, сойга айланиб, шарқираб оқиб ётар, отилаётган жойида бўлса, табиат бежирим камалакнинг суратини кўз-кўз қиларди...

Нормурод, ўша ўтган йили меҳмондорчиликка борган Қорабулоқдаги ширин дамларини эслаб мутлақо тушунарсиз бўлган арабча китобга бошини қўйганича ширин уйқуга кетди.

Оилавий борди-келди, дўстлик ўз йўлига бўлиб, Нормурод жиккаккина, аммо чакқон Гулбиби билан дастлаб мактаблараро ўтказилиб туриладиган спорт мусобақаларида яқинроқ танишганди. Гулбиби спортнинг кўпкураш бўйича мусобақаларида иштирок этиб, ўз жамоасига ғолиблик даражасини олиб берган бўлса, Нормурод фарғонача кураш ва кикбоксинг бўйича ўз вазни тоифасида ғолиб бўлганди. Чунки у ўқишдан сўнг бўш пайтлари туман марказида ташкил этилган спорт тўғарагида фаол иштирок этар ва туман жамоаси таркибида республика мусобақаларида қатнашиб, унинг шарафини ҳимоя қилиб келарди. Шу туфайли ҳам у кўп медал ва совринлар соҳиби, спорт усталигига номзодлардан бири бўлди. Сўнгра уни муваффақиятли тугаллагач чегара қўшинларида хизмат қилувчи ҳарбий зобит бўлиш унинг орзу-истаги бўлиб, дастлаб университетнинг жисмоний тарбия соҳаси бўйича ўқишга кириш эди. Афсуски, аниқ фанлардан билими саёзроқ бўлгани учунми, орзусига эришолмади. Гулбиби бўлса тоғликлар оиласидан

чиққан абжир ва чакқон, чавандоз ва мерган қизлардан бири бўлиб, спортчилик иқтидори унинг туғма хислатларидан бири эди. Аммо уни ўқишга юборишмади.

Нормуроднинг кўз ўнгидан болаликнинг ана шу қувноқ дамлари бир-бир ўтаркан, икки ғолиб спортчи ёшлар худди ҳинд фильмларидагидек гўё ясатиғлик отларга миниб гуллар билан бурканган тоғ ёнбағирлари бўйлаб елиб боришарди... Онаси Каромат ая "Овқат пишди, турақол ўғлим" деб уни уйғотиб юбормаганида, ким билади, у тушида қўшиқ ҳам айтиб юборган бўлармиди...

* * *

Сапаркул ака бу сафар ҳам ўзбек дўстини қучоқ очиб кутиб олди. Нормурод билан ҳам самимий кўришаркан:

– Эҳ-ҳе, ўғлинг бул, паҳлавон жигит бўлыбдирку! Қатын алыб бербысинбы? – деб қўйди ҳазиллашиб.

– Э йўқ, у ўқишга кетаяпти, чет элга, – деди Нурмат ака ғурур билан.

– Ў-ҳў, амад яр бўлсын! Келингиздер, марҳумет! – Лутф этди Сапаркул ака меҳмонларни ичкарига таклиф қиларкан.

Хуллас меҳмондорчилик қуюқ бўлди. Улар тоғдан-боғдан, нарх-наводан ва бошқа турмуш икир-чикирларидан қизгин суҳбат қуришди. Ўша онда Нормуроднинг икки кўзи "олма терар" ва Гулбибини кидирарди. Қиз илгаридек жиккаккина эмас, балки тўлишиб қолган, кўкраклари етилиб полапонлардай учмоққа шай эдилар.

Қиз ҳар замонда дастурхонга ул-бул олиб келиб қўяр ва жилмайиб "Алышып ўтирингиздер", – деб Нормурод билан бирров кўз уриштириб, чиройли ишва қилиб кетарди. Бу ҳолатни Нурмат муаллим ҳам сезгандай бўлди.

– Қизингни ўқишга бермадингми? – деб сўради у дўстидан.

– Э жўқ, у эжесига қарашватыр. Эжеси геологдерге заказной тамақ пишириб жатыр.

– Улар тамаққаям доллар билан ҳисоб-китоб қилишаяптими?

– Бе жўқ, долдер не кирек? Қирғиз пули аламыз.

– Бизга бўлса доллар керак, – деди Нурмат ака ўғлига жиддий бир назар ташлаб олиб. – Нормуродга хорижда керак бўлади-да. Шунинг учун опкелган кўйларимизни ўша геологларингга сотиб берасанми, дегандим.

– Гап жўқ. Сардариға айтамын, биринши бўлуб сени кўйингдерды алад...

* * *

Мол бозорининг таърифи йўқ... Боткенда ундан ҳам баттар экан. От, эшак, мол, қўй, эчки аралаш-қуралаш бўлиб кетибди. Бадбўй ҳид ва оёқ остидаги ифлослик одамни дастлаб беҳузур қиларди. Лекин даллоллар бундан ҳузур қилишса керак. Айниқса, сотувчининг қўлини "Рака топинг!" – деб узиб юборгудек даражада силкишлари жуда қизиқ бўлади. Нурмат акага эса даллол билан жағни-жағга қўйиб баҳслашиш насиб қилмади. Сапаркул тез орада қора соқол, оқ дўппили, кўзлари уккиникидай чақчайиб қарайдиган барзанги икки кишини бошлаб келди.

Улар қўйларни у ёқ-бу ёғини ушлаб кўришди:

– Отахон, қўйлар қаерники? – Сўради улардан бири тожикча лаҳжада.

У соқолининг тагини тез-тез қашлаб оларди.

– Сарчинорники. Ўзим ем бериб боққанман, – деди Нурмат ака сергакланиб.

– Мешавад, бгрем! – деди у шеригига.

Хуллас, қўйлар ўзбек, рус, тожик, қирғиз тилларида ўзаро баҳоланди. Нурмат ака савдонинг кўнгилдагидек бўлганидан хурсанд бўлди. Долларларни санаб олиб "барака топ" қилишди.

Куёш бош кўтармасданоқ бозорни якунлаган икки дўст бу сабабни "ювиб" нишонламоқчи бўлишди. Фурсатдан фойдаланган Нормурод отасидан Қорабулоққа бирров бориб келишга рухсат сўради.

– Ҳай майли, ҳаялламай тезроқ қайт, уйга қайтишимиз керак, – дея рухсат берди ота ўғлига.

Нормурод Сапарқул аканикига қараб ошиқди. У йўл-йўлакай Гулбибини қандай қилиб уйдан чақириб олиб кетишга баҳона изларди. Хайрият, онаси Кунсулув опа сигир соғаетган экан, қизни ошхонадан топди.

– Юринг, Қорабулоққа бориб келамиз. – Таклиф қилди йигит Гулбибига шивирлаб.

– Йўк. Энди у ерларга бориб бўлмайди, – деди қиз афсусланиб.

– Нега энди? – сўради йигит ажабланиб.

– У ерда тилла кони топишганмиш. Қорасоқолли одамлар автоматли туришибди. Ҳеч кимни ўтказишмаяпти.

– Биз ҳали қўйларни ўшаларга соттикми? – деди Нормурод ачинган бўлиб.

– Майли, сиз чиқиб кетаверинг. Мен ортингиздан етиб оламан, хўпми? Биз бошқа томонга – Қоратошга бора қоламиз.

Йигит нима бўлса ҳам қизни кўндира олганидан беҳад қувонди.

Улар чегара тоғ этакларида учрашдилар. Бу учрашув аввалгисидан кўра ўзгача фарахбахш бўлиб, йигит ва қиз қалбига ширин ҳислар, нозик туйғулар тухфа этарди. Нормурод тоғ гулларида гулчамбар ясаб Гулбибига тақдим қиларкан, хориждан, албатта, тез-тез хат ёзиб туришга ваъда берди.

– Қачон кетасиз? – сўради қиз хомуш.

– Янаги ҳафтага.

– Эссиз, эжем Тошкентга борганларида, бирга кетиб йўл-йўлакай сизларникига тушиб, хайрлашиб келган бўлардим, – деди қиз ерга қараб.

– Овора бўлманг, Гулбиби.

Улар қушнинг тумшуғи каби тепаси «Г»симон чиқиб турган улкан харсангтош олдида келишди ва тепасига чиқиб ўтириб ширин орзуларга берилишди. Нормуроднинг хаёлига қандайдир фикр келди-да, ўтирган тош устидан чаққонлик билан пастга сирғалиб тушиб келди ва бир ўткир оқ тошни топиб харсангтош сиртига ниманидир ёза бошлади. Гулбиби бўлса тош устида қирғизча алёр айтиб ўтирарди:

Тўмарым, ай-ай тўмарым,

Аясениши мени суйгўн тўмарым...

Нихоят у ҳам тош устидан аста туша бошлади. Нормурод унга қўл узатди. Қўллар туташди. Қиз «Ай!» дея бир сакради. Аммо йигит негадир унинг қўлларини қўйиб юборгиси келмасди. Тошга "Мени кут. Н+Г" деб ёзилганди. Буни кўриб қиз йигитни "чўлп" этказиб ўпиб олди ва ўзи қочиб кетди. Улар бир-бирларини қувалашиб кетишди. Бахтиёр ёшлар ортидан қоратош харсанглари "ҳай-ҳайлаганича" қолаверишди...

* * *

Нурмат муаллим ўғлини хорижга кузатиш маросимини ҳам ўтказиб берди. Хайрлашиш учун мактабу жамоа хўжалигидан ва ҳатто, қишлоқ масжид имом-хатиби ҳам ташриф буюрди. Нормуродга оқ йўл тилаб дуои фотиҳа қилишди.

Бундай маросим Каримларникида ҳам бўлиб ўтди. Икки ёшнинг хорижга ўқишга кетишлари қишлоққа шов-шув бўлди. Аммо ўша куни қишлоқда бир ноҳуш воқеа ҳам содир бўлганди. Нурмат аканинг яқин жўраларидан бўлган, зиёли Олимжон аканинг политехника институти 2-курсида ўқийдиган Раҳматилла исмли ўғли давлат тузумига қарши қандайдир диний китоблар, варақалар тарқатаётганида қўлга олинганмиш. Шу туфайли ҳам маросимларни унчалик чўзиб ўтиришмади. Кўзда тутилган "амри-маъруф" ўрнига ёшларга тез оқ йўл тилаб қўя қолишди.

Ота-она билан хайрлашув оғир кечди:

– Ой бориб, омон қайтгин, болам! – дея Каромат ая йиғлаб юборди.

Кечикиб бўлса-да, тулпорини миниб Сапаркул ака ҳам етиб келди. У ҳам "Омон қайт, паҳлавон жигит", – дея қучоқлашиб хайрлашди.

* * *

Нормурод билан Карим вилоят марказининг белгиланган жойига келганларида бир хусусий автобус уларни кутиб турарди. Унда ўзлари қатори яна йигирма чоғли йигитлар бор эди. Барчалари хурсанд, юз-кўзларида ёшлик шукуҳи жилва қиларди.

– Самолёт Хўжанддан учадиган бўлди, – деди ўша гуруҳни шакллантирган чўққи соқолли Саид Ғани деган киши, – Шунинг учун автобус билан ҳозир ўша ёққа кетадиган бўлдик.

Улар тушган автобус Нормурод ва Каримларнинг қишлоғи депарасидан юриб, Боткен чегарасидаги адирлар ёқалаб ўтган йўлдан елдек бораркан, Нормуроднинг кўз ўнгида Гулбибининг хайрлашаётгандаги ёниб турган шахло кўзлари "ярқ" этиб намоён бўлди. Хаёли севган қизида бўлиб, Ўзбекистон чегараларига етиб келишганини ҳам англай олмай қолди.

Ўзбекистон божхона постига яқин қолганида Саид Ғани автобусни тўхтатди ва салонга ўтиб ҳар бир йигит билан бирма-бир ним айёрона жилмайиб ҳол-аҳвол сўраб чиққан бўлди. Сўнгга тантанавор равишда сўзламоққа тушди:

– Ислон йигитлари! Сизларнинг ватанимизга эсон-омон қайтишингизга Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин! Фақат бир илтимос, манзилимизга тезроқ, бош оғрикисиз етиб олишимиз учун божхона постидан ўтилаётганида ортиқча гап-сўз қилмасанглар. Масалан, хориж тўғрисида умуман оғиз очманглар, хўпми? Мабодо "қаерга кетаяпсан?" деб сўраб қолишса, "иш билан" ёки "қариндошларимизникига кетаяпман", – деб жавоб беринглар. Чунки, ортиқча расмийатчилик вақтни олади, асабни бузади, тушунарлими?!

– Тушунарли!! – деди йигитлар бараварига.

– Ундай бўлса бир тиловат қилайликда, Аллоҳдан сафаримиз беҳатар бўлишини сўрайлик.

Қуръон сурасидан тиловат қилиниб, яхши тилаклар билдирилди. Автобус яна йўлда давом этди.

Автобус ҳақиқатан ҳам божхона кўригидан ўтказилди, юклар текширилди. Хорижга ўқишга кетилаётганлик "аҳиллик билан" яширилди. Йигитлар божхонадан эсон-омон ўтиб кетганларидан гўё уларни тангри қўллаб, омад ёр бўлганидек хурсанд бўлдилар. Ёшларнинг қизиқувчан нигоҳларида кўтаринки рух

пайдо бўлгани яққол сезилиб турарди. Йўлда яна бир чойхонада тўхтаб тамадди қилиб олишди. Хожат учун ўтиб келган Карим Нормуроднинг қулоғига оҳиста шивирлади:

– Саид Ғанининг рацияси бор экан... Хув ануви ерда бир тепаликка чиқиб, аллақайёққа телефон қилаётганини, эртага ҳам бир гуруҳни Намангандан жўнатишини айтди.

– Ҳа, нима бўпти? – деди Нормурод бепарво.

– Шу десанг, нимагадир оёғим тортмаяпти-да. Қайтиб кета қолсакчи-а!...

– Ўле, жинни-пинни бўлдингми? – дея жеркиб берди Нормурод жаҳли чиқиб.

– Уйдагиларга нима деймиз? Худойи қилиб, оқ йўл тилашган бўлишса!...

– Нега бўлмаса бизни божхонадан бунақа олиб ўтишди?

– Қанақа?

– Яширинчага ўхшаб-де.

– Ишинг бўлмасин. Ўпкангни бос, тўйдан олдин ногора чалмагин. Биз ҳали узоқ хорижда эмасмиз-ку!... – деди Нормурод "Кўнглинг тўқ бўлсин, қайтишга улгурамиз" деган маънода.

* * *

Хўжанд аэропортига яқин жойда Саид Ғани йигитларни тўплаб, қисқача маъруза қилди ва уларни Душанбе аэропортида тайёрлов курси муаллимлари кутиб олишини ва дастлабки исломий ўқув марказига олиб кетишларини, у ерда бепул ётоқ-жой, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашларини айтди. Карим ҳам шундан сўнггина тинчланган бўлди.

– Сизлар фақат ҳақиқий мусулмон фарзандларидек одобли бўлиб, уларнинг айтганларидан чиқмай яхши сабоқ олишларингиз керак. Чунки, у ерда оладиган билимларингиз хорижда ислом илмини ўзлаштиришда жуда керак бўлади. Кейин ватанимизга муносиб илмли ўғлонлар мақомида қайтиб, яхши-яхши амалларнинг эгаси бўлишлик насиб этади. Сизлар ватанимизнинг келажагисизлар, энди унинг равнақи, тақдири сизнинг қўлларингизда бўлади! Ислон илмини эгаллаган, бу муқаддас йўлни танлаб, ундан қайтмаган бандасини Аллоҳнинг ўзи асрайди!

Саид Ғани уларни самолётга чиқариб "оқ йўл" тилаб қолди.

Душанбеда йигитларни ошқовоқ саллалди, чўзинчоқ соқолли, ола чопонли ёшини аниқлаб бўлмайдиган бир мўйсафид ҳамда тўрт нафар қора соқолли, чала харбийча кийимдаги кишилар кутиб олишди ва уларни бир четга сафга турғизишди. Бу қорасоқоллилар Нормуродга негадир Боткендаги геологларни эслатди. Лекин у ҳамон бефарқ эди. Хаёлидан "Одам-одамга ўхшайди-ку!" – деган ўй ўтди. Йигитлар рўйхат бўйича текшириб кўрилди. Паспортлари йиғиб олинди. "Ҳаммаси жойида" деган имо қилинган, "Машинага тез чиқинглар!" – дея харбийча буйруқ берилди.

Йигитлар ўзларини гўё харбий хизматга чақирилгандек кўтаринки ва жанговар кайфиятда ҳис қилдилар. Уларни ёпиқ фургон машинага чиқаришганда икки автоматли қорасоқол аскар ҳам улар билан бирга, ортларидан чаққонлик билан чиқиб олишди. Чопонли киши, чамаси, кабинада борарди. Бу ҳолат ажабланарли ва хавотирли бўлиб, ҳеч ким чурқ этишга ботина олмади. Йигитларнинг нигоҳи қўндоғига кўк изолента ўралган автомат қуролида бўлди...

Шаҳарнинг текис асфальтланган йўллари тугаб эгри-бугри ва сўқирлама тоғ йўллари бошланди. Қора соқоллилардан бири йигитларга қараб иршайди ва

шеригига тожикчалаб бир нималар деган бўлди. Шериги қорайиб кетган кемшик тишларини кўрсатиб беўхшов кулиб қўйди ва чўнтагидан "Беломор" папиросини чиқариб узатди. Шериги папиросни олиб, уни тиккалатиб тутатаркан ҳузур қилиб тутунини тортди ва оғзидан қайтариб чиқариб, чиққанини ҳам усталик билан яна бурнига қайтиб симирди. У бу томошани йигитлар кўрсин учун атайин қилаётганди.

– Бачаҳо, нағз меретонми? Яхши келяпсизларми?! – дея тўсатдан қичқирди у.

– Ҳа!!! – деб жавоб беришди йигитлар бараварига ўртадаги сукунат барҳам топганидан кўнгиллари таскин топиб.

– Ҳаммаш нағз мешавад. Худоёр, – деди у шеригига қараб, – бачахобаям те.

Худоёр ўрнидан туриб даврага "ўқланган" папирос пачкасини айлантирди.

– Марҳамат, гиретон. Олинглар, бемалол.

Йигитларнинг кўпчилиги чекса-чекмаса мулозамат учун, қолаверса, нотаниш, совуқ нусха аскарлар билан ҳар ҳолда яхши муносабат ўрнатиш мақсадида қўл қайтаришмади. Тез орада фургон ичи димиқ тутунга тўлди. Баъзи чекмайдиганлар ўласи бўлиб йўтала бошлашди.

Узоқ йўл, теварак-атрофни кўра олмай кетаётган йигитларга наша тутуни ўз таъсирини кўрсатди. Кимдир суяниб, кимдир узала тушиб, чала маст ҳолатга кириб қолди. Кимдир кулар, кимдир ўзича бетўхтов алжирарди...

– Бачаҳо тайёр шуд, – деди Худоёр шериги тамон иршайиб қараб. Сўнгра ёнида турган сумкаларини қўли билан оҳиста пайпаслаб тита бошлади.

Шу маҳал Нормуроднинг ортида чурқ этмай, чекмай, аммо наша тутунидан сармаст келаётган Одилжон исмли йигит қора соқолли аскарнинг шубҳали ҳаракатларини сезиб қолди.

– Ҳой, нима қиляпсиз?! Бу менинг сумкам-ку!

– Э, шунакаме, бачажон. Бирор егулик борме, дедем.

– Тепасида туршак бор. Бемалол олаверинг, – деди Одилжон ўзини босиб, "пайти келсаку сенга ўғирлик қилишни кўрсатиб қўяман-а", деб қўйди у хаёлан ва ҳозирча у билан суҳбатлашиб кетишни лозим кўрди.

– Исмिंगиз нима, ака?

– Меники Худоёр, шеригимники Раҳмонзода – деди у. Туршакдан оғзига ташлаб тили билан беўхшов айлантира кетди.

Нормурод ва Карим бу пайтда бир-бирларига суяниб олган ҳолда машинага монанд силикина-силкина боришар, Карим мункайиб котиб қолган бўлсада, Нормурод анчагина ҳушёр, Одилжон билан Худоёр ўртасидаги суҳбатга гўё эътибор бермагандек тинглаб борарди.

– Қаёққа кетаяпмиз ўзи, Худоёр ака? – сўради бир пайт Одилжон.

– Қаёққа бўларде, лагерга-де, – деди Худоёр бепарво.

– Қанақа лагерь?! – сўраб қолди йигит тўсатдан.

Нормуроднинг ҳам кўзлари "ярқ" этиб очилиб кетди. "Лагерга", дедими? Ахир бизни ўқув марказига олиб боришмоқчи эдику! Бу автоматлилар кимлар бўлди экан? Ёки бизларни гаровга олишмоқчимизми? "...", деган ўйлар хаёлидан яшин тезлигида ўта бошлади.

У дўсти Каримни туртиб уйғотишга уриниб кўрди, аммо у қўлини худди мастлардек силтаб алжираб қўйди. Шу маҳал Раҳмонзода дегани ўрнидан туриб Нормуродга олайиб қараб қўйди ва бошқа йигитларни ҳам бир-бир кўздан кечириб чиқа бошлади. Унинг ёвқараши Нормуроднинг шубҳаларини янада кучайтирди.

Одилжонга қараб "Нима гап?" дегандек имо қилиб сўради, у "билмасам" дегандай ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

Улар жуда узоқ йўл юришди. Энди текисроқ йўллар ҳам тугаб, аллақандай баланд-паст, эгри-бугри, тушунарсиз йўллардан боришар, йўловчи йигитлар силтанавериб гўё тахланган пиёз қопларидай узала тушиб қолишганди. Ўзига келганлар машина бортининг хиёл тирқишларидан қаерда кетаётганликларини чамалаб билишга ошиқардилар. Йигитлар ўзларининг нотаниш, қандайдир серқоя ва бепоён тоғлар орасида боришаётганини тахминан ҳис қилиб туришарди. Ҳар ҳолда Нормурод билан Одилжон ўзларининг алданганлигини ёки гаровга олинганликларини биринчилар қаторида англаб етишди ва энди қочиш ҳақида ўйлай бошлашди. Карим ҳам анча ўзига келиб қолди. Нормурод унинг кулоғига "Карим сен ҳаққа ўхшайсан", дея оҳиста шивирлаб қўйди. Унинг ҳам олазарак кўзлари мўлтираб, уларда "Энди нима қиламиз?" деган савол пайдо бўлди.

– Ҳой ака! – дея қичқирди Нормурод бир пайт, – шеригимнинг кўнгли айнияти, машинани тўхтатинг, илтимос!

– Ҳа. Заҳар танг қилиб кетди-ку, Худоёр ака, бир зумга тўхтанглар! – Қўшилди Одилжон ҳам.

Бу гапга бошқа йигитлар ҳам ғудраниб қўшилишган бўлишди.

– Йўқ. Чидайсанлар! – дея хитоб қилди Раҳмонзода.

Унинг кўзлари ёвуз чақнади.

– Мени қорним очди, – деди бир ёшроқ йигитча йиғламсираб.

Ниҳоят Раҳмонзода қўли сиққулик тешикка қўлини тиқиб кабина томини тақиллатди. Машина бир томони жарлик, бир томони баланд тоғ бўлган ва қоя остида булоқ суви чиқиб турган жойга тўхтади. Шофёр тезлик билан капотни очиб қизиб кетган радиаторга сув қуйишга киришди.

– Бачаҳо, бист дақиқа дам бгретон! – деди Раҳмонзода қичқириб. – Йигирма дақиқа холос. Тушунарлими?! У ёқ-бу ёққа кетиб қолишни ўйламаларинг. Йўқса хафа қиламан-а!

Олдиндаги енгил машина ҳам тўхтаб ундан икки қуролланган аскар ва уларнинг сардори ҳам тушиб келишиб йўлнинг икки томонига автоматларини шай қилиб туриб олишди.

Одилжон "Мен қочдим" дегандай Нормуродга маъноли қараб қўйдида, гўё ўзини қорни оғриётгандай кўрсатиб жар ёқасидаги бир улкан тош ортига томон шошиб кета бошлади.

– Ҳой, тўхта! Сен қаёққа?! – қичқирди Раҳмонзода.

– У ёққада, ҳалиги...

– Кўз олдимда ўтирасан!

– Хўп, – деди Одилжон.

Аммо у тош ортига ўтдида, қочиб кетиб бошлади. Раҳмонзода автоматини шарақлатиб унинг ортидан чопди ва осмонга қарата тариллатиб отди. "Тўхта, дедим!" дея қичқирди у... "Ист!" деди Худоёр ҳам.

– Ўзимга қўйиб беринглар у мочағарни! – дея ўшқирди сардор ва ёнидаги тўппончасини чиқариб енгил машинани ортга буришни буюрди.

Сув ичиб-ичмаган, саросимада қолган йигитларни яна мажбуран фургонга тика бошлашди. Қорни оч йигитча бақириб йиғлаб юборган эди, чаккасига мушт тушди ва зарбадан йиқилиб боши бир тошга тегдида, ўзидан кетди.

Одилжон узоқ кетолмади. Жарлик тик эди. Сакрай деса ўлими муқаррар. Ортидан отилган тўппонча ўқларидан бири оёғининг сонини ялаб ўтди. Шунинг учун иложсиз таслим бўлди. Жаҳли жунбишга кирган Раҳмонзода уни йигитларнинг кўз ўнгида дўппослаб, тепиб ташлади ва аскарлар бир қоп картошкани юклагандай йигитни борт ичига иткитишди. Шундан сўнггина йигитлар кимларни қўлига тушиб қолганини, қочиш энди бефойдалигини, тақдирга тан бериш кераклигини тушуниб етишди.

Машина нотаниш тоғ даралари оралаб яна узоқ юрди. Йигитларнинг тинкаси қуриди. Одилжонга қўлларидан келганича тиббий ёрдам кўрсатиб, ўқ ялаб ўтган сонини боғлаб қўйишди.

Ниҳоят машина аллақерда тўхтади. "Тушинглар!" – деган буйруқ бўлди. Эшик очилди. Кўзлар қуёш нуридан қамашди. Йигитлар машинадан аранг сакраб тушишди. Нормуроднинг ҳам боши айланиб кетди.

Улар қандайдир чорва қўрғонига ўхшаш номаълум ҳарбий лагер ичига келиб қолишганди. Ҳалиги салла-чопонли киши ўзини Оллоқул қори деб таништирди ва янги келганларнинг "Муборак қадамлари" билан қизгин кутлади. Теварак-атрофда бўлса ингичка қора соқолли, аммо мўлаби қиртишлаб олинган, афғонча тегарак бош кийим кийиб олган аллақандай бадбашара, ярим ҳарбий одамлар ҳам уларни катта қизиқиш ва синчковлик билан кузатишар, баъзилари тушунарсиз тилда уларни масҳара қилишмоқда эди. Чунки йигитлардан 3–4 нафари ўқишга келаётганлари учун чиройли кийинишиб, галстук ҳам тақиб олишганди. Бир четда бир гала лашкарлар ерда чордона қуриб ўтиришар ва ҳеч ким билан ишлари бўлмагандек зўр бериб қарта ўйнашарди. Уларнинг ҳам наша чекиб ўтирганлиги яққол кўриниб турарди.

Оллоқул корининг нигоҳи сирли ва ўткир бўлиб, ҳаётнинг ҳали аччиқ-чучугини тотмаган йигитларни ўзининг сўзамоллиги билан тезда маҳф эта олди. У қироат билан маъруза қиларкан, маърузанинг айрим сўзларига алоҳида урғу берар, ўзи гўё роль ижро қилаётган театр артистларига ўхшаб кетарди. Қўлидаги тасбех доначалари ҳам нутқ овозига монанд бир-бир шиқиллаб ўтиб турарди:

– Аллоҳнинг мўмин бандалари! Аввало ўқув даргоҳимизга иншооллоҳ хуш келибсизлар! Бугундан эътиборан сизлар муборак исломнинг шарафли химоячилари сафидадурсизлар! Сизларнинг вазифангиз нималардан иборат? Сизларнинг вазифангиз ислом илмини чуқур эгалламоқлик, илло, кофирларга қарши жиҳод қилмоқлик учун жисмингизни тайёрламоқликдур! Бу ерга сизлар ана шу мақсадда сабоқ олмоқ учун келдингиз. Қани омин! Илоҳим, пойи қадамларингиз қутлуғ келган бўлсун! Аллоҳ берган жисму танингизни яна Аллоҳга бахшида қилмоқ ниятинда қилган қарорларингиз муборак бўлсун! Аллоҳ сизларни ўз паноҳида асрасун! Облоҳу акбар!

Қарахт бўлиб қолган йигитлар қандай қилиб қўл очиб фотиҳа қилиб юборганларини ўзлари ҳам сезмай қолишди. Шундан сўнг, басавлат, хўппа-семиз, қорасоқолли, ола-була ҳарбийча кийим кийиб олган киши нигоҳларини чакчайтириб сўз бошлади:

– Мен, мана шу лагернинг бошлиғи полковник Жўра Журжоний бўламан! Ҳозир Оллоқул қори жаноблари айтганларидек, санлар бугундан эътиборан муқаддас ислом лашкарлари сафига кириб келдинглар! Санларга шуни эслатиб қўймоқчиман. Бу ер катта холагни уйимас – махсус мактаб. Бу ерда муқаддас исломнинг буюк келажаги учун замин яратилмоқда. Тушундингларми?! Худо

хоҳласа санлар, халифалик ўрнатилажак она – юртимизнинг бўлғуси ҳукмдорлари бўлиб етишасанлар. Санларга бу ерда энг кучли мураббийлар сабоқ беришади. Устозинглар Покистон, Арабистон, Афғонистон ва Чеченистондан келишган. Улар бу ерга кофирларга қарши жиҳод бошланган уруш ўчоқларидан таклиф қилинган. Шунинг учун билиб қўйларинг, машғулотларда ҳеч кимни аяб ўтиришмайди. Иншооллоҳ, худо хоҳласа, она Туркистон албатта, ягона халифалик ислом давлатига айланажак! – деди у ўз маърузасининг бу сафар бошқачароқ чиққанидан ўзича мамнун бўлиб: – Тушундингларми?!

– Тушундик! – дейишди йигитлар. Аммо жавоблар узук-юлук чиқди.

Журжоний шу пайт киссасидан бир тахлам АҚШ доллари чиқарди-да, йигитларнинг ҳар бирига муғомбирона қараш билан 200 доллардан пул тарқатди.

– Бу ҳали хамир учидан патир, чой пули холос. Жиҳод кунлари ҳар бир кунларинг учун 800–1000 доллардан нақд оласанлар! Чунки санлар энди камбағал оиланинг фарзандлари эмас, балки Аллоҳнинг суйган, унинг муқаддас йўлига ўз жонини тиккан, шаҳидлик йўлини танлаган бандасанлар! Хўш, Аллоҳ йўлида муқаддас исломни ҳимоя қилишга тайёرمىсанлар?! "Тайёرمىз!" денглар, қани! "Тез!", деяпман. Ҳой, ман санларга айтаяпман! Нон-пон еганмисанлар, ўзи?! – Ўшқирди у жаҳл билан.

– Тайёرمىз!!! – дейишди йигитлар базўр.

– Бўлмаса ҳозир мен айтган иборани қайтарасизлар: "Ё Аллоҳ!" – дея кичқирди бошлиқ муштини баралла кўтариб.

– "Ё Аллоҳ!!!" – дея кичқирди йигитлар баравар.

– Ё Аллоҳ, ё жиҳод!!!

– Ё Аллоҳ, ё жиҳод!!!...

Бу жазавали бақир-чақир анча вақт давом этди. Бу тадбирлар билан йигитларнинг онги дастлабки руҳий тайёргарлик машқидан ўтганди.

Шундай сўнг, Жўра Журжоний ҳар бир машғулот ва олишувда "Ё Аллоҳ" – дея кичқириш кераклигини ва ана шунда Аллоҳ ўзи мададкор бўлишини алоҳида таъкидлаб, ҳарбий лагердаги ўзига хос ички тартиб-интизом ҳақида гапирди.

– Билиб қўйларинг сўфининг азони "подъём!" дегани. Санлар таҳорат қилиб улгуришларинг шарт! Таҳоратни биласанлар-а?

Йигитлар "Ҳа!" дея кичқиришди. Оллокул қори "Баракалло..." деб қўйди...

– Бугундан бошлаб соқол олмайсанлар! Фақат мўйлаб қирилади холос. Ислон лашкари, шу белгиси билан ажралиб туради.

* * *

Йигитлар бошқа янгилар қаторида дастлаб алоҳида баракка қабул қилинишди. Лекин бир ҳафта ўтгач, уларнинг жисмоний соғломлиги ва бошқа кўрсаткичларига кўра тахминий гуруҳ сардорлари томонидан сараланиб, бошқа умумий баракларга бўлиб юборишди. Улар фақат таҳорат, намоз ва ҳарбий машғулотлар пайтидагина учрашишар, ўткир назорат ўрнатилганлиги туфайли ўзаро мулоқот қилишнинг ҳам деярли иложи йўқ эди.

Яшаш жойлари ҳарбий казармалардагидек эмасди. Балки, йигирма чоғли наshawандлар яшаётган димикқанхона бўлиб, ҳаммага биттадан кўрпача ва одеал берилди. Бу ёғи "ит ётиш-у, мирза туриш" бўлиб, йигитлар бир кечадаёқ ёввойи олам бағрига кириб келдилар.

Нонушта ва овқатланишлар ўша ётоқ жойларида – кимдир ўз ҳолича, баъзилар бўлса гуруҳ-гуруҳ бўлиб даврада қўл билан овқат тановул қилишарди. Баъзан зўравонлар ўртасида муштлашув ҳам бўлиб кетар, овқат қолиб кетиб тарафлар олишувига айланар, зўр чиққанлар овқат ейишар, калтакланганлар бўлса оғзи-бурнидан келган қонни артиб қолаверишарди.

Янги келганларга ярим ҳарбий, ярим афғонча уст-бош берилди. Улар эскилардан фақат соқолларининг ўсмаганлиги билан фарқланишарди. Лекин тез орада бу фарқ йўқола борди. Чунки, соч-соқол олиш қатъиян ман этилганди. Соқолини ўстирмаганлар, намоз ва машғулотлардан кечикканлар, гап қайтарганлардан амалий машғулотларда "душман" сифатида фойдаланишарди. Бундай ҳолатда устозлар муллаваччаларга "Мана бу олдимизда турган "душман"дан ўч олиб жиҳод қилмоқлик учун мана бундоқ қилмоқ керак" деб мушт билан уришни ёки ёғоч пичоқ санчишни кўрсатишар, сўнгра бошқалардан шу ҳолатни такрорлашни талаб қилишарди. Уни такрорлай олмаган ёки бунинг уддасидан чиқмаганлар ҳам гоҳида ўзлари "душман"га айланардилар. Гуруҳ жанги машғулотларида, яъни жангларда ҳеч ким аяб ўтирилмас, покистонлик ва чечен мураббийлар, айниқса аёвсиз эдилар. Улар шогирдларининг тилини тушунишмас, шу туфайли хорижий устозлар ўз сабоқларини амалий ҳаракатларда тушунтиришга уринишарди. Энг даҳшатлиси, бу ерда мусулмончилик сабоғи ва ислом илмини ўрганиш билан бир қаторда Қуръони каримда тақиқланган одам ўлдиришнинг турли-туман усуллари очикдан очик ўргатиладди.

Қочиб кетишнинг ҳеч қандай имкони йўқ эди. Қочиб, қўлга тушганларга қандай азоб берилиши ҳар куни эслатиб туриларди. Яъни инсонни турли ҳолатларда осиб қўйиш, қон чиқармай азоблаш, саф олдида "Ё Аллоҳ" деб пичоқ билан бўғизлаш ва ҳоказо. Ўша кунлари қочоқлардан бири бўлган Одилжонни тутиб келишди ва уни атайин майдон ўртасида осиб қўйиб аямай савалашди. Ёш йигит бу фоний дунёни тарк этди. Ўлик сасигунича, уч кун осилиб турди... Бу ҳол Нормурод ва унинг ҳамфикр дўстларининг қалбида мужоҳидларга нисбатан нафрат ва қаҳр уйғотди.

...Энг "ёқимлиси", бу ерда тўйиб-тўйиб истаганча наша чекиш мумкин эди. Янги келган йигитлар тез орада "қолипга" тушиб қолишди. Улар руҳан синдирилиб, мажбуран бўйсундирилаётган, ота-оналарини, юртини ҳам унута бошлагандилар. Мужоҳидлар армиясига ана шундай бефаҳм ислом лашкарлари керак эди.

* * *

Алдов йўли билан Жирғатолдаги махсус ҳарбий лагерга келтирилган йигитларга дастлабки кунлари жуда оғир кечди. Нормуродга ҳам бу ёввойи муҳитга кўникиш осон бўлмади. Тайёрлов курсининг бунчалар уқубатли ва бемаъни бўлишини у хаёлига ҳам келтирмаганди. "Унинг ўй-фикрига фақат бир савол ҳукмронлик қилиб олганди: Бу азоблар қачон тугаркин? Мен кимман, ўзи?..."

Бир пайт Нормурод ўз-ўзига ана шундай сўнгсиз саволлар бериб, аммо жавоб тополмай, руҳан эзилган ҳолда бир лочин қуши парвоз қилаётган қорли тоғнинг чўққисига қараб хаёл суриб қолди. Унинг кеча тепки еган чап кўкраги ва автомат кўндоғи теккан ўнг қулоғи зирқираб оғрир, ўсиб кетган соқоли аралаш қулоғини қафтлари орасига қўйиб олганди. Бу пайтда, унинг орқа томонида одатдагидек сайр

килиб юрган икки мужоҳид зобит ўзаро суҳбатлашиб ўтиб боришарди. Уларнинг бири хиринглаб кулгандек бўлди. Нормурод уларга эътибор ҳам бермай ҳаёлга ғарк бўлиб, ўз ёғига ўзи қовурилаётганди. Ортикча гап-сўздан қочдими, ҳар ҳолда уларни кўрмаганга олди. Лекин тўсатдан орқа кураги ўртасига берилган кучли зарбадан оғиз-бурни баробар ерга қапишди. Пешонаси тошга тегиб кўзидан ўт чакнаб кетди. Кимдир унинг устига келиб оёқларини белига тиради ва ўзини тутолмай кула бошлади. Нормурод яна тепки ейишдан кўрқиб бошини тўсишга ҳаракат қилди. Кулаётган киши уни чалқанча ағдарди.

– Ту тожики, ё ўзбаки? – дея сўради у кулгидан ўзини тўхтатиб.

– Ўзбекман, – деди Нормурод аранг, пешонасидан сизилиб чиқаётган қонни кафти билан артаркан.

– Ортингдан келаётган хавфга нега бефарқсан? Нима учун ўзингни ҳимоя қилмадинг? Қанақа лашкарсан, ўзи?

Нормурод ўрнидан аранг кўзғалди ва тепасида турган икки мужоҳиднинг зобитлардан эканлигини, унинг ҳаёл суриб қолганини кўриб атайин "ўз-ўзини ҳимоя қила оладими-йўқми" деган фикрда синаб кўришмоқчи бўлишганини англади.

– Янгиларданмисан? – сўради иккинчи мужоҳид.

– Ҳа, – деб жавоб берди Нормурод ўрнидан тураркан уст-бошини қокқан бўлди.

– Ҳечқиси йўқ, ўрганиб кетасан, ҳадеб ҳаёл суравермай спорт билан шуғуллан, – деди у кулиб. – Қаерликсан ўзи?

– Ўзбекистондан, сарчинорлик...

Иккинчи мужоҳид негадир бир сесканиб тушди:

– Сарчинор дейсанми? Кимнинг ўғлисан?

– Нурмат аканинг.

– Нурмат муаллимними?

– Ҳа. Уни танийсизми?! – деб юборди Нормурод ҳайратланиб.

– Нима, сен ҳали мени танимадингми? – деди у саволга-савол билан.

Нормурод унинг афт-башарасига тикилди. Ўзига ярашиб турган коп-қора соқолли бу йигитни у кимгадир ўхшатди, овози ҳам таниш эди. Лекин "Бу мужоҳид менинг отамни қаердан таниркин?.." деган ўй ўтди.

– Мен Раҳматилламан-ку, овсар. Олимжон аканинг ўғлиман-да!

Нормурод ҳамюртини учратганидан севиниб кетди. Баданидаги оғриқлари шу заҳотиёқ унутилди. У дадасининг жўраси Олимжон акани жуда яхши биларди. Унинг ўғли Раҳматилла билан болалигида бир-икки кўришганди. Раҳматилла Нормуроддан икки ёш катта ва ўтган йили политехника институтида ўқирди чоғи... "Бу ерга қандай келиб қолдйкин? Уни қамалди дейишгандику?!" – дея ҳаёлидан ўтказди Нормурод.

– Сиз бу ерга қаердан келиб қолдингиз?

– Ўқишни ташладим, – деди Раҳматилла куруқ қилиб. – Энди сенга ўхшаб ўзимни Исломга бағишлаганман. Сен билан мени Аллоҳнинг ўзи учраштирди, худо деган бандалармиз-да, деб қўшиб қўйди у ғурур билан, – Сен ўзинг-чи? Уйдан қочдингми-а?

– Э йўғе, мен хорижга, Ислом университетига ҳужжат топширгандим, тайёрлов курсида ўқиш учун шу ерга олиб келишди.

Раҳматилла ҳайрон бўлиб шеригига назар ташлаб олди.

– Тушунари, – деди шериги ва мийиғида сирли қилиб кулимсиради, – Сизга кейин тушунтириб бераман. Демак, ҳамқишлоқ экансизлар-да, оббо сизлар-ей! – деди у гапни буриб.

– Бу киши Саид.

Саид Нормуродга кулиб қўлини узатди:

– Узр, сени танимабман.

– Мен Нормуродман, ҳечқиси йўқ.

– Биз зобитлар барағида турамыз. Сен янги муллаваччалар билан бўлсанг керак-да-а? Хўп, майли, сардор билан гаплашиб сени ўз гуруҳимга олишга ҳаракат қиламан. Қишлоқдан яна ким бор?

– Карим.

– Қайси Карим?

– "Гузар" маҳалласидан, Абдусалом тегирмончининг ўғли!...

– Э, бўлди-бўлди. Унияма оламан. Кароче, биров хафа қилса менга айтинглари, хўпми? Бунақа калтак еб юришни бас қилларинг. Ўз-ўзларингга ҳамоя қилишни ўрганинглари. Бўлмаса бу ерда асфаласофилинга кетишинг ҳеч гапмас. Ҳеч нарсадан қўрқманглари. Худо хоҳласа ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Қочиб кетишни ўйлама, машғулотлардан кеч қолма. Мен ўзим санларни топиб оламан, – деди Раҳматилла. Сўнгра улар хайрлашиб кета бошлашди.

– Раҳмат, – деди Нормурод ҳимоячиси топилганидан мамнун бўлиб, – Раҳматилла ака, сиз билиб беролмайсизми, тайёрлов курси қачон тугаркин? Кейин бизлар қачон бу ердан кетамиз? – деб сўраб қолди ўсмоқчилаб.

Раҳматилла мийиғида кулиб қўйди:

– Сен бола энди ўқиш ҳақида, кетиш ҳақида ўйлама. Иншоллоҳ, худо хоҳлаган куни ўзи ҳамма нарса равшан бўлади. Қишлоқни ҳам, ота-онанингга ҳам энди унут!...

– Нега?! – Ажабланиб сўради Нормурод.

– Ахир сен ўзингнинг жисмингни Исломига бағишлагансан, тўғрими?... Сени ота-онангмас, олло-таолло яратган. Улар бир сабабчи бўлишган холос. Шунинг учун, сен унинг йўлида хизмат қилишинг керак. Наҳотки, шу оддий нарсаларни ҳам тушунмасанг, галварс. Илминг етишмагани учун Аллоҳнинг амри билан шу ерда турибсан, малакангни оширяпсан-да, тушундингми?

– Ахир Қуръони каримда "одам ўлдириш гуноҳ" дейилган-ку! Бу илмининг бизга нима кераги бор?

– Нима дединг?! Сен куфр кетма! – деди Саид гапга аралашиб, – Шуни билки, худонинг йўлида, ислом йўлида тўсиқ бўлаётган ҳар қандай кофирларга қарши жиҳод қилмоқлик – уни ҳимоя қилмоқликдир! Исломни ҳимоя қилиш бўлса ҳар қандай мўмин-мусулмон учун фарз. Шу туфайли, сен Исломни танладингми, энди унга ўзингни бахшида қилмоғинг керак.

– Тўғри, – дея гапга қўшилди Раҳматилла ҳам. – Ахир отанг муаллим-ку! У ўз ўғлини қаерга юбораётганини жуда яхши билган. Демак, отангга бир пайтлар худо ўғил берган бўлса, уни яна худога қайтиб беришга ихтиёр қилган ҳақиқий мусулмон бандаси экан...

Нормурод бу икки "ақли пешланган" чала муллалар ортидан анграйиб қараб қолди. Раҳматилла тўхтади-да, унга қарата яна қичқирди:

– Сен бунақа беаъни хаёлларга бошқа берилма, ислом илмини чуқурроқ эгалла, қуролларни ишлатишни ўрган, ўзингни ҳимоя қилишни бил, тушундингми?

Ҳали сен билан кўп ажойиб ишлар қиламиз, кўрасан, бойиб кетамиз! Қишлоққа қуруқ қайтмаймиз, бориб катта амалларни эгаллаймиз!

Нормурод баракда Раҳматилла ҳақида кўрган-билганларини Каримга шивирлаб гапириб берди. Карим ҳам бу хабардан танг қолди.

– Йўқ, менга бу нарсалар ёкмаяпти, бир илож қилиб бу ердан қочишимиз керак. "Бир бошга – бир ўлим" деганлар, – деди Нормурод.

– Нима, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмай ўлиб кетаверамизми? "Бошга тушганини – кўз кўрар" деганлар. Сабр-тоқат қилишимиз керак, – деди Карим.

Нормуроднинг жаҳли чикди. Шу пайт "Нормурод Тўйчиев ким?!" – деган овоз келди. Бу Журжоний котибининг югурдаги шапкўр Козим эди.

– Мен! – деди Нормурод ҳушёр тортиб.

– Котиб ҳузурига тез етиб бораркансан.

– Хўп бўлади!

– Нима бало, Раҳматилла бирор нима дедимикан-а? – деб сўради Карим ўйчан.

– У бизни ўз гуруҳига олмоқчи, шекилли. Лекин бунчалик тез, ҳайронман. Хўп, мен бораинчи...

II боб. ТАҲЛИКАЛИ ДАМЛАР

Нурмат муаллим ўғлидан уч ой давомида фақат биргина хат олди. У ҳам бўлса дастлабки кунлари эди. Хатда ўғли вақтинчалик тайёргарлик курсида ўқиётгани, бу ерда улар араб тили ва ислом илмини ўрганаётганликлари ҳақида ёзиб, ўзининг соғ-саломатлиги, ҳеч қандай хавотир олмасликларини сўраган эди. Лекин бу хат матни дўсти Каримнинг хати билан бир хилда эканини, уни янги борган барча "муллавачча"ларга домлалари айтиб туриб ёздирганлигидан беҳабар эдилар.

Нурмат ака мактабда ўқитувчи бўлгани учун қишлоқ зиёлиси сифатида обрў-эътиборли инсон эди. У ҳам маҳалла, халқ орасида турли диний оқимларга қарши олиб борилаётган тарғибот ишларида фаол иштирок этарди. Аммо юрагининг бир чеккаси жуда ғаш эди. Ўғли қаерда экан? Сўраганларга "Ҳа, яхши ўқиб юрибди", "Ўқишлари яхши, сизларга салом деяпти" дер эди-ю, ўзи эзилиб борарди. Кўнглидаги хавотирликни, ҳатто хотинига ҳам сездирмасди. "Юрагининг мазаси йўқ, яна бир кори-хол бўлмасин тагин", – дерди у фикран. Бугун ҳам хотини ўғлини сўрайвергач, "телефонда гаплашдим, яхши юрганмиш, сенга салом айтди", – деб ёлғон гапирди.

У ёлғиз қолгач, костюмининг ички чўнтагида сақлаб юрган ўша ягона мўъжаз хатни яна нечанчи бор кўлига олди. Уни яна қайта ўқиб чикди. "Орқа манзили кўрсатилмаган, қизиқ", – деб кўйди у таажжубланиб. Чирокқа тутиб конверт орқасидаги почта штампасини синчиклаб ўқиди. Унда хира-шира "Душанбе" деб ёзилганди. "Қизиқ, Нормурод Душанбеда нима қилади? У ерда фукаралар уруши кетаётган бўлса...". Юраги ғаш бўлди. У энди телевизор, газета ёки одамлар гапидан Тожикистондаги воқеаларга доир хабарларни синчиклаб ўрганадиган бўлди.

Афсуски, хорижга ўқишга кетган ёшлар ҳақида ҳеч қаерда лом-мим дейилмаётганди. Бугунги Россия телевидениясидаги "Время" дастурини кўрди-ю, кўнглига баттар ғулғула тушди. Кадр Тожикистоннинг Жирғатол деган жойидаги жангариларнинг яширин ҳарбий лагери кўрсатилган бўлиб, унда қора соқолли, тегарак дўппи кийган афғонлар ва турли банги одамларнинг иршайиб турган афт-

башаралари акс эттирилганди. Улар тиш-тирноқларигача куролланган, ғирт каллакесар одамлар эди.

"...Бу ерда Боткен орқали Ўзбекистон сари юриш қилиш учун мужоҳидларнинг ҳарбий лагери ташиқил этилди, – деди Москва телевидениесининг суҳандони кўрсатув давомида, – Ислом лаишкарлари сафида афғон мужоҳидлари билан бир сафда Тожикистон, Ўзбекистон, Чеченистон, Афғонистон, Покистон ва бошқа давлатлардан келиб ихтиёрий ёлланган ёшлар ҳам бор. Ислом лаишкарларига Покистон ва Саудия Арабистонлик зобитлар мураббийлик қилишмоқда. Асосий мақсад, Ўзбекистонда ҳалифаликка асосланган Ислом республикасини барпо қилишдир..."

– Воҳ! Обба, баттоллар-ей!... Жирғатол, ахир бу Тожикистонга қарайдику, – дея ўзига мулоҳаза қиларди Нурмат ака. – Қолаверса, бизга ҳам бир қадам!... Ё худойим-ей, ишқилиб тинчлик бўлсин-да... – деди-ю хаёлига келган ёмон фикрдан бир сапчиб тушди: – "...Йўғ-е, нималарни ўйлаяпман ўзи, мен-галварс", деди ўз-ўзига танбеҳ бериб.

– Ҳа тинчликми, дадаси? – деб сўради, шу пайтда чой кўтариб кирган хотини эрининг дили хуфтон эканини кўриб.

– Э, кўявер, сен сиёсатга тушунармидинг?!

– Шундай дейсизу хавотир олаяпман-да, дадаси.

– Нимадан? – деб сўради Нурмат ака қовоғини хиёл кўтариб.

– Югославия деган жойда уруш бўлаётганмиш-да?

– Э, хотин, Югославия қаёқда-ю, тавба!...

– Арабистонга яқин экан-ку, ахир! Мундоқ ўғлингизга телефон қилиб, ҳол-аҳвол ҳам сўраб қўймайсиз.

Нурмат ака жавоб бермади, чой ҳам ичмади, "Югославиямиш. Ҳамма иш бурнимизнинг тагида эканку", деди у ғудраниб ва ташқарига чиқди. У шу тобда ўзини қаёққа қўйишни билмаётганди. Кўчага чиқиб оғир хўрсиниб қўйди. Ортидан чиққан хотини уни нафаси қисилганига йўйди ва гапини яна давом эттирди:

– Анави Шўркўрғон маҳалласидаги ўртоғингиз Олимжон ака бор-у, – деди аёл Нурмат аканинг "Ҳа" ишорасини кутиб. – Кенжа ўғли Раҳматилла ваҳобий бўлиб кетганмиш-да-а, қаранг. Отасига жабр бўпти-да. Обрўли одам эди.

Нурмат ака ҳамиша ҳушчақчақ ва улфатбоз Олимжонни кўз ўнгига келтирди.

– Ҳа-а..., – деб қўйди "Кейин нима бўпти?" – демоқчидай.

– Унга "Ўзингиз ҳам ота сифатида жавобгарсиз. Ўғлингизни бу номақбул йўлдан қайтаринг, ҳукуматдан кечирим сўрасин", – дейишибди. Ўғли ўлгур "Қайтмайман" деганмиш... Энг ёмони, "Бу йўлдан ўғлимни ўзим қайтараман, уни қўйиб юборинглар", деб тилхат ёзиб бериб, ўғлини ҳибсхонадан олиб чиққан экан. Ношукур ўғли бўлса қочиб кетганмиш...

– Ё астағфируллоҳ!... Бу қандай кўргулик бўлди-а? Аттанг..., шайтон васвасасига тушиб қолибди-да.

– Бориб ошнангиздан бир ҳол-аҳвол сўраб келсангиз бўлармиди.

– Ҳа майли, ҳозироқ бораман.

Нурмат муаллим Олимжонникига кела туриб йўл-йўлакай Нормуроднинг дўсти Каримларникига ҳам бош сукди. Уларникида ҳам ўша гап – фақат биргина хат олишганмиш. Қувониб олиб чиқиб кўрсатишди. Нурмат ака уни шоша-пиша ўкиб чиқди. Ўкиб чиқди-ю, ич-эти музлаб кетди. Хат матни ўғлидан келган ва қайта-қайта ўқийвериб ёд бўлиб кетган нома билан бир хил эди.

– Тинчликми, Нурмат ака? – сўради хатни олиб чиққан Каримнинг Раҳим акаси отанинг безовталигини сезиб.

Муаллим бир сапчиб тушди. Хатни қайтиб бериб Раҳимни ажаблантирганича лом-мим демай беш-олти кадам нари кетди-да, сўнгра тўхтаб, ортига қаради:

– Раҳимжон! – Уйингдагиларга айтиб қўй, мен эрта-индинга болаларни кўргани ўзим бориб келаман. Негадир улардан бошқа хат-хабар келмаяпти? – деди-да, жўраси Олимжонникига қараб равона бўлди.

Олимжон аввалги Олимжон эмасди. Бир неча кун ичида у синиб бўлибди. Эркатоё ўғлининг қилмишлари унинг қаддини эгиб қўйибди. У Нурмат акани ҳам унсиз қарши олди.

– Кўрмайсизми жўра, бу балои касофат қаердан илашди, хайронда қолдик, хайронда..., – дея куюнди у тиззаларини шаппилатиб.

– Бу ҳам бир кўгулик-да, дўстим, бардам бўлинг, худо сизга қувват берсин... Ўғлингиз ақлли, эсли-хушли йигит, албатта ўзи қайтиб келади, мана кўрасиз.

– Уни тунлари уйдан чақириб кетишса, мен-галварс эскича, мусулмончилик илмини ҳам ўрганиб олса ёмон бўлмас, деб ўйлабман-да. Энди бўлса ғафлатда қолдим, ғафлатда... – деди у чуқур хўрсиниб "аттанг" дегандек бошини чайқаркан кўшиб қўйди: – Лекин сиз ўғлингизни эҳтиёт қилинг, жўра. Хорижда бўлса ҳам иложини қилиб ундан хабар олинг. Боринг, ким билан юрибди, турибди, аниқланг. Ёшлар назоратсиз қолмаслиги керак экан... Бўлмаса, кейин кеч бўларкан, – деди у ички туғёни жўш уриб, – Ғафлатда қоларканмиз, ғафлатда...

Орадан бир неча кунлар ўтди. Олимжон аканинг ўғли бошқа адашганлар қатори Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий тузумга қарши ҳаракат олиб боришда айбланиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинди. Олимжон ака бўлса, эл-юрт, ҳукумат олдида, шармандаи-шармисор бўлгани учун виждон азобига чидай олмай ўз-ўзини осиб қўйди ва бу фоний дунёни тарк этди. Ноқобил ўғил унинг юзига оёқ босди.

Бу воқеа Нурмат муаллимни ларзага солди.

– Мен Нормуроднинг ё ўлигини, ё тиригини, албатта, топиб келаман! Кечдим ўша ўқишидан! – дея қатъий хитоб қилди у.

Бу пайтда унинг шаштидан ҳеч ким қайтара олмасди.

Эрининг тўсатдан сафарга отлангани учун Каромат ая ҳам шошиб қолди.

– Сўраганларга айт, – дея буюрди Нурмат ака хотинига киноя билан уйдан чиқиб кетаркан. – Санаторияга "горячий" йўлланма униб қопти, дам олгани кетди де!... Хайр! Мен тез кунларда қайтаман!

Хотини минг хавотирлик билан эрининг ортидан ҳай-ҳайлаб қолаверди. Аммо уни ўғлидан хабар олишга кетаётганини жуда яхши биларди ва кўнгли хотиржам эди.

* * *

Пойтахт сокин кўринади. Фавворалар суви биллур каби жиловланади. Одамлар ҳар доимгидек турмуш юмушлари билан банд. Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари Миллий Хавфсизлик хизмати қўмита бинолари шаҳарга ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Ёш мустақил республикага бўлаётган ташқи таҳдид кўринишдан сезилмасди. Аммо ходимлар ҳаёлини сиёсий вазият банд этган, шу туфайли ҳам улар жиддий кўринади. Кутилаётган таҳдид, хавф ҳар бир мутахассиснинг эзгу қалбида хавотирлик уйғотган.

Миллий хавфсизлик хизмати қўмитасида туну кун иш қизғин. Ватан ҳимояси учун ҳар ким нима биландир ўз ҳиссасини қўшишгиси келади. Ходим Бахтиёр Тўраевнинг ҳам фикри-ўйи фақат шунда бўлиб қолди. У Осиё харитаси ёнига келиб Фарғона водийси ва уни қуршаб турган ҳар бир гўша, тоғ ва дарёларни синчиклаб ўрганади, ўзича мулоҳазалар қилади. Фикр нуқтаси айланиб келиб Сўхга қадалаверади. "Боткен, Жирғатол, Калайхум у ёғи Афғонистон. Бизга бир қадам экан" деб қўйди ички ўқинч билан. "Покистоннинг Пешовари ҳам унчалик узоқмас. У ерда бўлса мужоҳидлар тайёрловчи махсус лагерлар бор. Афғонистонда бўлса героин ишлаб чиқарилмоқда, марихуана етиштирилмоқда. Улар эвазига истаганларича қурол-аслаҳа сотиб олишмоқда. Сотиб олинган қурол албатта отилиши мумкин ва бизга қарши...".

Тўраевнинг хаёлини бир сержант бузди:

– Ўртоқ капитан бошлиқ ҳузурига! Фавқулудда йиғилиш, тез кираркансиз!

* * *

Бошлиқ Акрам Азизхўжаевичнинг ҳам чехраси ўта жиддий кўринар, қизариб кетган кўзлари, чаккасига тушган ажинлар унинг тунлари мижджа қоқмаётгани ва жуда толиққанидан далолат берарди. У ҳам ўзи хавотирга солган фикрини баён қилиш мақсадида кўрсаткични олиб улкан дунё харитаси олдида келди.

– Ўртоқ ходимлар! Вазият сиз билан биз ўйлагандан ҳам жиддийга ўхшаб қолди. Биз билган маълумотларга кўра қўшни Тожикистон давлатининг Жирғатол ҳудудида мужоҳидларнинг махсус лагери фаолият бошлаган. Бунақа лагер нима экани ва нима мақсадда ташкил этилиши ҳақида сизларга тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Ташқи ғанимларимиз яна мана бу ерларда, яъни Қирғизистоннинг Боткен, Тожикистонда Сурхондарёнинг Узун тумани, Қирғизистонда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманлари чегараларига яқин жойларда ҳарбий истехкомлар барпо қилишни режалаштиришмоқда. Уларнинг мақсади ҳам ташқари ҳам ичкаридан бизнинг конституцион тузумдаги ёш республикамызга ҳужум қилиб, уни ағдариб ташлаш ва халифаликка асосланган ислом республикасини эълон қилишдир. Албатта, улар бу ишни амалга оширишда ўз ичимиздаги гижжа қуртларга, яъни "Ҳизбут-таҳрир" деб аталган норасмий реакцион оқим тарафдорларига ва вахҳобийлар деб аталмиш ислом динини ниқоб қилиб олган диний-экстремистик кайфиятдаги фуқароларимизга суянишмоқда. Тўғри, уларга қарши кураш чоралари кўрилмоқда, аҳоли ўртасида тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилмоқда, лекин шунга қарамай "Ҳизбут-таҳрир" тобора фаоллашмоқда. Чунки хориждаги ғанимларимиз бу ишга жиддий бел боғлашган. Уларда пул маблағи мўл-кўл, қолаверса, уларни бундай маблағ билан доимий таъминлаб турадиган манбалар: хориждаги ҳомийлар бор, героин бор, қора дори бор!... Бундан ташқари, улар фуқароларимизнинг онгига дин ниқобида руҳий таъсир ўтказиб айниқса ёшларимизнинг миясини захарлашга эришмоқдалар. Уларни пул билан ҳам қизиқтиришмоқда. Энг ёмони шуки, махсус лагердаги мужоҳидлар сони бизнинг фуқароларимиз, ёшларимиз ҳисобига кўпаймоқда. Ихтиёрий равишда кетмаганларни ишга, ўқишга деб алдов йўли билан ёки зўрлаб олиб кетишмоқда. Бизларнинг бугунги вазифамиз республикамыз учун кутилаётган ана шу ташқи ва ички хавфни бартараф қилишдир. Демак, ҳар бир ходим, ҳар бир мутахассисга бугун жиддий масъулият юкланади. Ватанимиз хавф остида, ўртоқлар!...

Бошлиқнинг самимий ва чин кўнгилдан айтган маърузаси ва умумий сиёсий вазиятга қўйган баҳоси кўпчилик қатори капитан Бахтиёр Тўраевни ҳам алланечук қилиб юборди.

* * *

Нурмат ака энди қандай қилиб Душанбе шаҳрига тезроқ етиб олиш чорасини изларди. Жуда кўплардан суриштирди. Биров "Конибодомга бориб поездда кетинг" деса, бошқаси "Анзоб довони орқали киракашда кетган маъкул" – дерди. Хўжанддан самолётлар учармиш. У киракашни маъкул кўрди. Бироқ Хўжанд шоҳбекатида кечгача қолиб кетди. Чунки мамлакатда содир бўлаётган фуқаролар урушининг ҳаракатлари кетаётган жойларга боришга ҳеч кимнинг юраги бетламасди. Фақат кечки пайтгина уйига қайтиб кетиши керак бўлган бир кўрғонтепалик киши ўз йўловчилари қаторида уни ҳам олиб кетишга рози бўлди.

– Душанбе катта жой, қаерига бормоқчисиз, отахон? – сўради ҳайдовчи Хўжанд шаҳридан елдек кетиб бораркан.

– Ўғлим ўша ерда, ўқишда. Уни кўргани кетяпман.

– Ие, ҳозир ҳар қанақа ўқишлар тўхтатилган-ку! Қаерда ўқийди ўзи, ўғлингиз?

– Хорижга кетаётганди, аввал тайёрлов курсида ўқитиш учун уни шу ёққа олиб келишган шекилли.

– Қизик, – деб гапга қўшилди яна бир йўловчи, – бунақа подкурс борлигини биринчи бор эшитишим.

– Йўқ у, Ислон университетида кирмоқчи, шунга, менимча, араб тили билан ислон илмини ўрганиши керакмиш-да.

– Ҳа-а, шундоқ демайсизми? – деди йўловчи, – Демак сиз катта мадрасага бораркансиз-да-а!

– Билмадим, – деди Нурмат ака чиндан ҳайрон бўлиб.

– Нима, ҳали борар жойингизни ҳам билмайсизми? – деди ҳайдовчи қулиб.

Нурмат ака ўйланиб қолди.

– Худо пошшо, ахир бир йўлга бошлар..., – деди ота хўрсиниб. Лекин ичини бир нима тирнай бошлади, "Ҳа-я, уни қаердан қидираман? Тожикистонга биринчи бор келишим бўлса, узоқ қариндошларнинг уйини билмасам. Булар айтишгандек катта мадрасага бора қолсаммикан...", – деди у ҳаёлан.

– Ундай бўлса мени ўша мадрасага ташлаб кўярсиз.

– "Мавлуд пирим"гами?... – Сўради йўловчилардан бири.

– У ёқларга йўл берк. Кечаги куни ўша томонларда қаттиқ отишма бўлган деб эшитдим, – дея гапга аралашди яна бир тожик йўловчи аранг ўзбекчалаб.

– Мен бўлса Қўрғонтепага кетишим керак. "Мавлуд пирим" бошқа томонда, олиб боролмасам керак... Хоҳласангиз сизни Ёвон йўлидаги мадрасалардан бирига ташлаб ўтиб кетаман. Шундоқ йўлимда.

– Тинч жойларми, ишқилиб?

– Ҳа. Бир ҳафта аввал бу ёққа ўша ердан ўтиб келгандим, тинчлик эди. У ерларда жанг қилишга кўрқишади, чунки Жўра Журжонийнинг ўша ерга яқин тоғда лагери бор. Уни "боевик"лари титиб ташлашади, агар...

– Маъкул, – деди Нурмат ака қандайдир илинж билан бамайлихотир. Ўша Журжоний деганингиз ҳам мусулмон боласи-ку, жилла қолса ўша кишини одамларига учрашсам ёрдам беришар...

– Бе, нима деяпсиз, ҳазиллашяпсизми? – Яна гапга қўшилди тожик йўловчи,
– Унинг "боевик"лари одам эмас. Улардан бир нима сўраб ҳам бўлмайди.

Орага жимлик чўкди.

– Ким билан ким урушяпти ўзи? Журжоний қайси тарафда? – деб сўрашга ботинди Нурмат ака.

– Мусулмончиликдаги икки хил қараш тарафдорлари урушишмоқда, яъни суннийлар билан шиалар.

– Сизлар кимсизлар?

– Душанбе атрофи суннийлар, ғармликлар, иннайкейин, афғон толибонлари шиалар, – деб меҳмонга тушунтиришга ҳаракат қилди ҳайдовчи, – Журжонийга қолса, унинг мақсади бутунлай бошқа. У дин ниқобида Марказий Осиёни босиб олиб янги исломий давлат тузмоқчи. Унинг "боевик"лари асосан афғон мужоҳидларидан иборат.

Бу маҳалда автоулов доволон чўққиси сари оғир интиларди. Йўл тобора ёмонлашиб борарди. Фуқаролар уруши ва давлат тизими издан чиқиб кетганлиги туфайли, йўлларнинг ҳам эгасиз, қаровсиз қолгани шундоқ кўриниб турарди. Совуқ ёмғир ёғар ва юксакликка кўтарилгани сайин у қорга айлана бориб, йўлларда сирпанчиқлик пайдо бўла бошлади. Айрим жойларда тош ва қор кўчкилари тушиб йўлни торайтириб юборган, фақат биргина машина аранг ўта оларди.

Йўл тобора машаққатлашиб борди. Ҳатто, бир жойда қарама-қарши ҳаракатдаги транспортлар бир-бирига йўл бера олмай узоқ вақт қолиб кетишарди. Изғирин совуқ ич-этларини еб ташларди. Тунда бу ерда қолиб кетиш хавfli эди. Ҳеч қандай ДАН ходими кўринмасди. Буни тушунган ҳайдовчилар ниҳоят бир жойга тўпланишди. Улар орасида қурол кўтарганлари ҳам бор эди. Енгил машиналарни 30–40 киши кўтариб йўл четига олиб қўйишиб аввал бир томондаги автоуловларни ўтказиб, сўнгра ҳалиги машиналарни яна қайтиб жойига олиб қўйишга қарор қилишди.

Нурмат ака оломоннинг қудратига ўшанда тан берди. Катта-катта машиналарни ҳам "ҳа-ҳа"лаб ҳамжиҳатлик билан кўтариб 2–3 метр четга олиб қўйишарди. Бу жараён икки-уч соат даволон этди. Хуллас, жуда оғир қийинчиликлар билан икки суткада Варзобга кириб боришди. Нурмат ака поездда келмаганига афсусланди. Варзобга кираверишда уларни бир гуруҳ қораниқоб ва бронжилетли, қуролланган ҳарбийлар тўсишиб ҳужжатларни, юкларни титкилашди.

– Сиз қаерга кетаяпсиз? – деб сўради уларнинг сардори Нурмат акани бир четга тортиб.

– Ўғлимни кўргани келяпман, у сизлар билан хизмат қилса керак, – деди Нурмат ака ўзидан ёлғон қўйишга жазм қилиб.

– Яхшиси қайтиб кетинг, ўғлингизни топа олмайсиз, кейин бундай юришингиз хавfli, – деди ҳарбий унинг фарғонача дўпписига ишора қилиб.

– Ахир у ҳам сизларга ўхшаган йигит, мен унинг отасиман, шу ерга келиб, қайтиб кетсам бўлмас.

– Ўғлингизнинг қисмини топа оласизми?

– Ҳа, албатта, – деди Нурмат ака ҳовлиқиб чўнтагини кавлади ва Нормуроднинг хатини чиқариб кўрсатди.

– Мана бу ерда ҳаммаси ёзилган.

Сардор хатга тез кўз югуртирган бўлди ва почта штампасини ағдариб кўрдида, яна хатни такрор ўқиган бўлди.

– Ўзбекча тушуниш қийин экан. Жирғатолдаги лагерга борар экансиз. Ўғлингиз Журжонийнинг махсус ҳарбий лагерида экан. Майли бора қолинг, отахон. Омадингизни берсин. Лекин айтиб қўй, ўғлингиз "боевик" экан. Агар "боевик" бўлмаганида, гапнинг очиги, постдан ўтказмаган бўлардим.

Нурмат ака "раҳмат" деди-ю юраги "шувв" этиб кетди ва машиналари томон беихтиёр келаркан: "Нима?! Жирғатол?!... Нормуродни "боевик" дейдими?" – деди у ўз-ўзига гапириб, "Э худо, ишқилиб ёлғон бўлсин-да...".

Постдагилар нариги йўловчилардан ҳам баъзи "ишқал"лар топиб ўтказмаслик учун бирор баҳона қидираётган ва таъмагирлик қилишаётганди.

– Ўтказиб юборинглар, бу кишининг ўғли "боевик"лардан экан! – дея кичқирди сардор.

Ҳайдовчи ва йўловчилар бир-бирларига "ялт" этиб қараб олишди. Улар бу ёғига негадир чурқ этмай кетишди ва шаҳарга етгач йўл-йўлакай бир-бир тушиб қолишди.

– Тоға, сизни Ёвонгача олиб кетаверайинми? – деб сўради ҳайдовчи ниҳоят тилга кириб.

– Бу лагер дегани қаёқда, ўзи?

– Лагерми? Ҳм-м, Жирғатол томонда. Илгариги тоғ орасида ҳарбий полигон бўларди. Лекин мен у ёққа бора олмайман. Майли, бирор машинага миндириб юбораман. Сизни постгача ташлаб қўяди. Ўғлингиз ўша ерда бўлса..., – деди у бошини хиёл тебратиб.

– Нима, у ерлар хавфлими?

– У ерда мужоҳидлар тайёрланадиган махсус мактаб бор. Аввалги ҳарбий полигонни Журжоний ўзиники қилиб олган... Ундан ҳамма, ҳатто ҳукумат ҳам кўркади.

Ҳайдовчи ўз билганларини ихтиёрсиз равишда гапириб, узоқ юриб чарчагани учун ўзини чалғитиш мақсадида гурунг бериб борар, лекин унинг гурунги аввалгидек самимий бўлмай, нималарнидир айтгиси келмасди. Чунки отанинг ўғли "боевик" эканлиги уни ҳам хавотирга солиб қўйган, шу туфайли бўлса керак, мўйсафидни энди хушламай қолганди.

* * *

...Таксист отахонни бир юк машинасига чиқариб қўйди-да: "Хўп, тоғажон, яхши қолинг", – деб тезгина жўнаб қолди. Фақат шундагина Нурмат ака тоғларнинг ваҳимаси ва салобатини ҳис қилди. Улар жуда узоқ юришди. Қоронғулик туша бошлади. Теварак-атрофда ҳеч зог кўринмас, бир тарафи қора тошли тоғ, бир тарафи эса чуқур жарлик эди. Юк машинасининг ҳайдовчиси уни постга қандай бориши мумкинлигини тез тушунтирган бўлдида, ўз кўп тўхтамай тезда йўлида жўнаб қолди. Нурмат ака у ёғига пиёда кетди. Узоқ юрди. Ниҳоят шлангбаум билан тўсилган постга етиб келди. Постда тиш-тирноғигача қуролланган, юзларига қора ниқоб тортиб олган, бронжилетли уч-тўрт нафар ҳарбийлар туришарди. Улар хушёрликни ошириб автомат оғзини Нурмат ака томон қаратиб тургандилар. У постга томон қадам ташлашга журъат этган ҳам эдики, "Истед! Ин тарафба мумкин не!" – дея бирови кичқирди.

– Менинг ўғлим Нормуроджон шу ерда!... – дея базўр кичқира олди ота.

– Яқинлашманг, кетинг! – деб бақирди бирови ўзбекчалаб. – Отиб ташлаймиз! Шундай буйруқ бўлган!

Нурмат ака бир сапчиб тушди ва бир қадам ортга тисланди.

– Илтимос йигитлар, бошлиқларингда гапим бор! Мен атайин Ўзбекистондан келдим! – деди у жон алпозда ялиниб.

Бир ниқобли иккинчи ниқоблига тожикчалаб алланималар деган бўлди. У бориб йўл ёқасидаги бир уйчага кириб кетди. У ердан бир оздан сўнг бир қора соқолли гавдали ҳарбий чиқиб келди ва Нурмат акага яқин келмаган ҳолда:

– Нима ишингиз бор! – деди ўшқириб.

– Ассалому алайкум! Мен ўғлимни қидириб келувдим. Уни Ислон университетига кириш учун тайёрлов курсига шу ёққа келган деб эшитдим..., – дея Нурмат ака энди қўлини чўнтагига олиб борган ҳам эдики, тўсатдан ниқобли аскарларнинг унга қараб бақиринларидан чўчиб тушди:

– Қўлингизни кўтар! Руку подними!... – деди бирови югуриб келиб автоматни ўқталганича. Бошқаси эса чаққонлик билан отанинг уст-бошларини тинтиб кўрди.

– Хужжатлар борми? – деб ўдағайлади қорасоқол.

– Ҳа, ички чўнтагимда, – деди Нурмат ака қўлини туширмай.

Қорасоқолнинг ўзи отанинг ички чўнтагидан паспорти ва Нормуроднинг хатини чиқариб синчиклаб кўра бошлади.

– Нима мақсадда келдингиз? – деди қорасоқол хужжатлардан бош кўтармай.

– Ўғлимни кўргани келувдим.

– Ўғлингиз қаерда?

– Ш...шу ерда бўлса керак.

– Демак, аниқ билмайсиз. Исми, фамилияси?!

– Тўйчиев Нормурод.

– Нормурод! – деди у ўйчан, – Ҳм-м, бунақаси ҳали бизда бўлмаса керак... Сиз тоғажон, яхшиси изингизга тез қайтиб кетинг. Бу ерда бекорга ўлиб кетишингиз мумкин.

– Илтимос, жон ака, бир суриштириб беринг, – деди ота ялинишни давом эттириб. – Яхшилигингиз мендан қайтмаса худодан қайтсин. Мусулмон бандалармизку, ахир!

– Хўп, суриштириб кўраман, индинга келасиз. Манави хужжатларингизни олиб қоламан. Энди тез жўнанг бу ердан!

Нурмат ака қорасоқолга беҳад миннатдорчилик билдириб, тез ортга қараб юрди. У шошиб постдан анча нари кетди. Бу маҳалда окшом кўнгани учунми, қаерда турганини англай олмай қолди ва узокда милтираб кўринаётган чироқлар томон таваккал бораверди.

Тун жуда ваҳимали кўринарди. Қаердандир автоматнинг тариллаган овозлари эшитилиб қоларди. Аксиға олиб бирорта йўловчи ёки транспорт учрамасди. У хориб-чарчаб ўша милтираган чироққача аранг етиб олди. Бу ер уч-тўрт хўжалик яшайдиган кичик қишлоқчага ўхшар, лекин бирорта ҳам инсон зоти кўринмасди. У нима қиларини билмай йўл четидаги бир тош устига чўккалади. Шу пайт лагер томонда бир жуфт чироқ пайдо бўлди. Нурмат ака минг хавотирлик билан уни тўхтатишга қарор қилди, "отиб кўйишмасмикан, ишқилиб", дея хаёлидан хавотирли фикр ҳам ўтди.

Ҳарбий машина экан. Ҳақиқатан ҳам унда бир тўда қуролланган соқолли аскарлар бор эди. Машина анча нарида тўхтади. Отахон: "Қуролим йўқ!" – дегандек икки қўлини баланд кўтарди. Чироқ ёруғи унинг кўзларини қамаштирарди.

– Ки шумо?! – дея қичқириб сўради аскарлардан бири.

– Мен Ўзбекистондан келувдим, меҳмонман!

– Кужо меретон?!

– Билмадим, борадиган жойим йўқ.

– Машинага чиқинг, – деди биров ўзбекчалаб, – Жирғатолга ташлаб қўямиз.

Аскарлар уни қўлидан тортиб олишди.

– Кимни олдига келдингиз, тоға? – деб сўради аскарлардан бири.

– Тўйчиев Нормуродни, у мени ўғлим бўлади, сарчинорлик, – деди ота умидли кўзларини порлатиб.

– Бизни гуруҳда бундай бола йўқ, – деди анча сукутдан сўнг аскарлардан бири. – Биз уни танаймаймиз.

– Сизга бир маслаҳат, отахон, – гапга қўшилди уларнинг сардори. – Жирғатолда "Воҳури" деган кафе бор. Хўжайинининг исми Худойдод, ўша Худойдоднинг укаси Худоёрхон Журжонийнинг котиби бўлади. Ўша кишига учрашиб кўринг, ёрдам беради.

Отанинг юрагида умид учкунлари жилолангандай бўлди.

– Э, раҳмат ўғлим, умрингдан барака топ!

Шундай қилиб ярим ҳарбийча кийинган исломий аскарлар Нурмат акани Жирғатолнинг марказига ташлаб кетишди. Ота омади чопганига минг шукрлар қилди. Энди у қаердадир тунаш ва эртаси куни ўша Худойдодни суриштириш кераклиги ҳақида ўйлади. Лекин...

Нурмат муаллим гузарнинг қоронғу кўчаларидан бирига кириб эндигина бир неча қадам ташлаган ҳам эдики, орқасидан "Тўхта, кимирлама!" – деган овоз келди.

– Хужжатингиз?! – деди, қоронғуликдан чиқиб келган автоматли кишилардан бири жиддий туриб.

– Хужжатларимни постда қолдирувдим.

– Қайси постда?!

– Ҳалиги, нима дейди, ёшларни ўқишга тайёрлайдику. Ўша лагерни постигада.

Автоматли киши отага бошидан оёқ синчков разм солди. Гаплари шубҳали туюлди.

– Нега?! – дея сўради у.

– Мен меҳмонман, ўғлимни қидириб келувдим.

– Суриштирамиз. Қани, бўлинмага юринг-чи.

Улар милиция таянч пунктига ўхшаб кетадиган бир бинога кириб кетишди. Лекин у ерда милиционер кийимида ҳеч ким учрамади, балки соқоли ўсган олабула ҳарбийча бетартиб кийимдаги сержантлик юзидан шундоқ кўриниб турган бошлиғи ўтирарди.

– Ўртоқ сардор, биз мана бу шубҳали шахсни тутиб олдик. Хужжатларини лагеръ постига ташлаб келганмиш...

Видеофильм томоша қилиб ўтирган сардор Нурмат акани юзига қайрилиб ҳам қарамади.

– Камерага олиб кириб қўйинглар, кейин гаплашамиз, – деди у пинагини ҳам бузмай.

Бир зум ўтмай Нурмат ака ўзини димиқ ва зах, қоронғу хонада кўрди. Ёруғликдан қоронғу хонага кирганлиги учун дастлаб камерада нима, ким борлигини англай олмади.

– Инжа биед, бшнет, – деган овоз келди бир бурчакдан.

Нурмат ака туртиниб-суртиниб, овоз келган томонга бориб бир жуфт кўзлари милтиллаб кўринган кишининг ёнига ўтирди. Секин-аста кўзи қоронғуликка кўниккани сайин у ерда яна ўн чоғли одамлар борлигини англади...

* * *

Боткен аҳолисининг ҳам ташвишли кунлари бошланди.

Сапаркул акалар хонадони ҳам кўпга келган "тўй"дан қуруқ қолмади. "Геолог"ларга томоқ пиширгани бориб келаётган хушрўй Кунсулув опа тўсатдан бетоб бўлиб, тўшакка михланди. Гулбиби онасининг атрофида парвона бўлиб қолди.

– Сизга нима бўлди, эже? Қаерингиз оғрияпти? Дўхтир чақириб келайинми? – дея зорланди қизи.

– Йўқ, керакмас. Тузалиб кетарман... Бу аёлларни касали, ўтиб кетади, қизим.

– Ўрнингизга, ишга мен бориб кела қолай, бўлмасам.

– Йўқ-йўқ, асло бора кўрма! – ҳаяжон билан сапчиб туриб кетди она, – Умуман уларнинг олдига боришни ҳаёлингаям келтирма! Улар ҳайвондан ҳам баттар, ёвуз одамлар. Сени бадном қилиб қўйишади!

– Улар кимлар ўзи? Кондан бирор нима топишибдими?

– Йўқ, уларнинг мақсади бошқа, ниятлари бузук, – деди она яна ёстиққа бошини қўярган, – Улар одам эмас, қароқчиларга ўхшайди. Ҳозир яна янгилари келишди. Уйнинг куйгурлар кундан-кунга кўпайишяпти. Қурулларини, юриш-туришларини кўрсанг кўрқиб кетасан. Улар кон қидиргани эмас, худди уруш қилгани келганга ўхшайди. Ораларида анави телевизорда кўрсатишаётган афғонлар ҳам бор. Бир фалокатни бошлашмаса, деб кўрқаман. Берган пули қуриб кетсин уларни, иккинчи у ёққа бормайман.

– Нариги маҳалладаги қизларчи, улар нима қилишяпти, боришмаяптими?

– Э қизим, мен сенга тўғриси айтсам, уларнинг ишлари чатоқ... Дастлаб, бири идиш-товоқ, бири кир ювиб, супуриб-сидириб юришганди. Уларга ҳам долларда яхши пул тўлашаётганди. Энди бўлса, ҳаммаси тамом!

– Нима бўлди?

– Уларни бадном қилиб бўлишди, ҳаётлари расво бўлди! Сен асло у ёққа боришни ўйлама, улар ёмон одамлар, қизим. Тушундингми?...

– Тушундим, эже, – Гулбиби волидасининг бошини силаркан, нариги маҳалладаги "бузилган" дугоналари ҳақида ҳаёлан қайғуларди.

– Поликлиникага борайлик, эже! – деди қиз ялиниб.

– Йўқ, дўхтирга ахир нима дейман? – Аёл кўзига ёш олиб оҳ тортаркан. – Ахир шарманда бўламан-ку!... Отангни қулоғига етса... Сен отанга асло оғиз оча кўрмагин, хўпми?...

– Хўп бўлади..., – деди Гулбиби маъюс ва онасининг қай аҳволда эканини эндигина тушунгандай бўлди.

Унинг мурғак қалбида ўша "геолог"ларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғонди. Чунки, улар оилаларининг шаънини оёқости қилишганди.

– Қайси гўрдан чиқди экан бу касофатлар?! Илоҳим, ўлигинг қузғунларга ем бўлсин! – дея бутун вужуди билан қарғади Гулбиби.

Бир ташвиш иккинчисини ҳам бошлаб келаверар экан. Уларнинг сут-қатик, сариёғ билан таъминлаб турган тарғил ола сигирлари ўша кунлари тоғдан қайтиб келмади.

Сигир ҳар куни тонгда сути соғиб олингач, подага қўшилиб кетар ва кечки пайт қорнини шишириб, ўзи қайтиб кириб келарди. Қўни-қўшнилари ҳам бировнинг қўйи, бировнинг эчкиси, яна кимнингдир бузоғи йўқолганидан нолий бошлашаётганди.

Сапаркул ака сигир ҳақидаги хабарни қизидан эшитгани замон боғлаётган отини яна ечди-да, уни кўча томон етаклади.

– Ота, – деди Гулбиби хавотирлик билан, – Сабр қилайлик-чи, сигиримиз ўзи келиб қолар.

– Қаёқда, келса аллақачон келарди. Қорабулоқ томонга ўтиб кетган бўлса керак-да.

– Ахир у ёқ кон-ку, бориб бўлмаса керак.

– Таваккал қиламан-да, геологлар ҳам одам-ку, тушунишар, – деди у отга минишга чоғланиб.

От "оббо, яна қаёққа?" – дегандек безовталиқ билан бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

– Онам бетоб ётибдилар. Бир олдиларига кириб кўрсангиз бўлармиди?

– Унга нима қипти?!

– Билмасам..., – деди қиз ерга қараб. – Анчагина мазалари йўқ.

"Буни ушлаб турчи!" – дея Сапаркул ака отнинг жоловини Гулбибига тутқазиб, уй ичкарасига шошилди.

Бир оздан сўнг ота хавотирлик билан қайтиб чиқди:

– Онангга қараб тур, қизим! Мен тезроқ қайтишга ҳаракат қиламан. Сигиримизни топсамоқ қайтаман, хўпми, – қизининг пешонасидан ўпиб қўяркан, Сапаркул отга миниб "чуҳ" деди. Озгина юрди-да, ортидан мунғайиб қараб қолган қизига ўгирилиб қаради:

– Мен тезда қайтаман, қизим.

– Хўп, яхши боринг, ўзингизни эҳтиёт қилинг, ота!

Лекин Сапаркул ака шу кетганича ўша куни ҳам, эртасига ҳам ва умуман қайтиб келмади.

Уй ишлари билан чарчаган Гулбиби онасининг уйкуга кетганидан хотиржам бўлди ва отасининг жойини солиб қўйди. Унга аталган овқатни товоққа солиб иссиқ туриши учун қалин сочикқа ўради. "Чойни келсалар дамларман", – деб ўз хонасига кириб ётди. Ширин хаёлларга берилди. Россияга ишлагани кетган акаси Хўжакулнинг юборган хати ва суратига тикилиб негадир Нормуродни эслади.

"Қизик, нимага у киши хат ёзмаптикин? – дея хаёлидан ўтказди қиз, – Ваъдалари бошқача эди. Ё хатлари йўлда ушланиб қолаётганмикин?! Қизик, ҳозир у нима қилаётган экан-а? Ўзиям суқсурдек йигит бўлгандир?! Ё бирортасини топиб олдимикин? Йўғе, нималар деяпман!... У ҳеч қачон мени ёдидан чиқармаса керак? Қанийди, хат кела қолсайди, мен ҳам тез-тез унга жавоб ёзиб турган бўлардим. Ҳа-я, дейлик хат келди. Нима деб жавоб ёзаман?.. Биринчи навбатда соғлиқларини, ўқишларини сўрайман, сўнгра тоғда зира териби юрганимизни, гуллардан гулчамбар қилиб бошимга тақиб қўйганини эслатаман. Сўнгра, биз учун азиз бўлиб қолган ўша Қоратошни ҳам!...".

Қиз шундай ўйлар билан ширин уйқуга кетган эди. Бир пайт қаттиқ, вариллаган товушдан сапчиб уйғонди-ю ташқарига отилди. Улкан қора вертолёт шундоқ уйлари тепасидан тоғ томонга ўтиб кетди. Қизнинг уйқуси қочди. Дахлиз чироғини ёқиб онаси ётган уйга мўралади. Мўралади-ю, хавотирдан қотиб қолди. Отасининг ўрни бўш эди. Ўроғлиқ дастурхон ҳам шундоқ турар, онаси бўлса ўқтин-ўқтин ихраб ётарди.

– Вариллаган нима экан, болам? – деди аранг онаси.

– Ҳарбий вертолёт экан, кон тарафга кетди. Бемалол ухлайверинг.

– Отанг келдими?

– Ҳа, – деди қиз ёлғон гапириб, – Меҳмонхонада ётибдилар.

Қиз қайтиб келиб яна ўз жойига ётди. Лекин энди унинг уйқуси келмади. Чунки у отасидан қаттиқ хавотир ола бошлаганди.

* * *

Эри Нурмат ака ўғлини излаб кетганидан бери Каромат аянинг ҳам ҳаловати йўқолди. Турса ҳам, юрса ҳам фикр-хаёли мусофирликда юрган яқинлари ҳақида бўлиб қолди. "Нормурод ҳозир қаерда экан? Нега у хат ёзмапти? Отаси бориб уни топдимикан, ишқилиб?" каби ўйлар уни қийнаётганди. Бунинг устига кечаги кунни кўшниси Қумринисодан эшитган гапи унга қаттиқ таъсир қилганди.

– Ҳой эшитдингизми, ўртоқжон, одамларнинг Боткендан олиб келган пуллари қалбаки чиқаётганмиш, – деди Қумринисо ҳовлиқиб.

– Вой, қанақасига?

– Анаву маҳалламиздаги Мамарасул даллол борку, ўша мол-қўйларни одамлардан ўзи сотиб олиб Боткенда пуллаб келаётган экан. Бизниям йигирмата қўйимизни олувди. Яхшигина фойда қилибди. Кейин машинабозорга бориб ўзига "Жигули" сотиб олибди. "Жигули" сотган одам машинанинг пулини банкка топширган экан қалбаки чиқиб қолганмиш. Уни суриштириб милициядан келишипти. Ҳозир тергов бераётганмиш.

– Вой ўлмасам! – деб юборди Каромат ая. – Ер юткурлар-ей! Бу кимнинг иши экан-а?... – деди хаёлига келган ёмон фикрни аранг яшириб. "Мениям эрим қўйларимизни Боткенда сотиб Нормуродга ана шунақа пул қилиб берувди", деган гапни айтиб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди ва ўз ёғига ўзи қовурилиб ташвиш билан уйига қандай қайтиб чиққанини билмай қолди.

– Э худо, ишқилиб боламини ўз паноҳингда асрагин-да! Бечора болагинам пули қалбаки чиқиб қолиб қай аҳволда қолдйкин-а?... Ҳозир нима қилиб юрибдйкин? Мусофир жойларда пулсиз юриб бўлармиди? Ишқилиб эрим етиб борган бўлсинда. Бечора болам, дея хаёлидан ўтказди.

Шундан сўнг у ҳаловатини батамом йўқотди. "Тик" этса кўча эшигига қарайдиган бўлиб қолди. Юраги ҳам сиқила бошлади. На ўғлидан, на эридан дарак бор эди.

Бунинг устига ўша кунлари кишлокда "Боткенга мужоҳидлар бостириб келаётганмиш, кейин Ўзбекистонга ҳужум қилишармиш" деган ваҳимали миш-мишлар ҳам тарқалганди. Радио, телевидение, газеталарда ҳам динни ниқоб қилиб олган аллақандай оқимлар, ватанфурушлар ҳақида турли хабарлар тарқала бошлади. Маҳаллаларда халқ посбонлари тузилди ва кўча бошларига шлагбаумлар ўрнатилди. Тунги навбатчиликлар ташкил қилиниб, келган бегона машиналар ва улар эгаларининг ҳужжатлари текширилди. "Ваҳҳобий"лик ва "Ҳиз-бут-тахррир"

каби норасмий диний экстремистик оқимларга аъзо бўлиб кетганлар, конституцион тузумга қарши турли бўҳтондан иборат варақаларни тарқатаётганлар аҳоли ёрдамида ушланиб, маъмурий чоралар кўрила бошланди. Шунингдек, бу йўлдан қайтганлигини ва гуноҳидан ўтишни сўраб тавба-тазарру қилганлар бўлса ҳукумат томонидан авф қилинди. Йўлларда ҳарбий техникалар ҳаракати кўзга ташланар, осмонда бўлса чегаралар узра парвоз қилаётган ҳарбий вертолётлар пайдо бўлиб қолди. Улар ҳар куни шундоқ Сарчинор қишлоғининг тепасидан чегарадаги Қорабулоқ тоғлари томон учиб ўтишарди.

Бу ҳолат, албатта, маҳаллий аҳоли қатори Каромат аянинг ҳам ташвишини орттирмай қолмади.

III боб. ЎҒИЛ ИЗИДАН

Нурмат ака тушиб қолган умумий камера бадбўй ҳидли, совуқ ва зах эди. Ҳар бир кишига фақат биттадан минг кўлдан ўтиб чиққан одеял берилган бўлиб, уларни ҳам камерада ким зўравон бўлса ўша икки-учтадан эгаллаб, тагига тўшаб олганди. Нурмат акани чақириб ёнидан жой кўрсатган киши бўлса, "ўртамиёна" зўравонлардан бири бўлиб, унинг иккита одеяли бор экан, бирини янги келган ҳамроҳига тортиқ қилди.

– Э, раҳмат, умрингиздан барака топинг, ука, – дея миннатдор бўлди Нурмат ака эски одеялни елкасига ташлаб оларкан, яхши ҳамроҳ топганидан хурсанд бўлди.

– Менинг исмим Омонзода, янгибозорликман, сизникичи?

– Менинг исмим Нурмат, ўзбекистонлик меҳмонман.

– Ие, шундоқ демайсизми? Бу ерга қандай тушиб қолдингиз-а?

– Ҳужжатларим йўқ эди.

– Э, тушунарли.

– Ўзингизчи?

– Ҳа, менми? Мен ҳалиги нима дейди, тирикчиликнинг айби йўқ дегандек, бир ишқал иш қилиб кўювдим-да..., – хиринглаб кулди Омонзода.

– Ҳа, тушунарли, – деди Нурмат ака аслида ҳеч нарсага тушунмаган бўлса ҳам. – Бу ҳам худонинг бир синовиди, сабр қилсак ўтиб кетар, ахир.

– Албатта-да, бунақа синовларнинг кўпини кўрганман, тоғажон. Бу ёғини сўрасангиз панжара ортида икки маротаба ўтиришимга тўғри келган.

– Ҳа энди, пешонангизда бор экан-да. Бола-чақалар борми, ишқилиб?

– Ҳа-де, шуларни боқаман, бир-икки танга топаман, деб юрибман-да. Ўзим турмадан яқинда чиққандим. Қиладиган иш йўқ, бу ёғи уруш, бозорлар берк, одамлар деярли кўчага чиқмай қўйишган. Тирикчилик қилиш жуда ҳам қийин бўлиб қолди-да, – деди ҳамроҳи нолиб.

– Бу ерга қандай тушиб қолдингиз, ўзи? – деб сўради Нурмат ака шеригининг ким эканлигини янада яхшироқ билиб олиш мақсадида.

– Сизга "тирикчиликни айби йўқ" дедим-ку, мол бозорида бировнинг ён чўнтагига шундоқ кўлимни солсам..., – деди у икки бармоғини қўшалок қилиб Нурмат аканинг ён чўнтагига тикиб, – шундоқ кўлимни ушлаб олса бўладими. Бақувват экан, азамат. Мени дарров тутиб берди. Яхшиям посбонлар бор экан мени қутқариб қолиб бу ерга олиб келиб қўйишди. Бўлмасам оломон мени олакалтак қилиб ўлдириб юборишарди.

Нурмат ака бир чўчиб тушди. Чунки, Омонзода гапира туриб, икки бармоғини ён чўнтагига тикқанида, унинг бармоқларига қўшилиб бир тахлам ўзбек пули чиққанди.

– Ў-хў, – деди Омонзода, – пулингизни эҳтиёт қилинг. Бу ерда қанча бор, ўзи?

– Қайтиб кетишга, йўлкирага яраша-да, – деди Нурмат ака чўчиб.

– Бу ердан қутулиб чиқиш учун-чи? – бамайлихотир сўради ҳамроҳи.

– Тушунмадим...

– Ахир, бу ердан чиқиб кетмоқчи бўлсангиз, анавиларга ҳеч бўлмаса, 200 доллар беришингиз керак бўлади. Бўлмаса қуёш кўрмай пўпанак босиб ўтираверасиз.

– Йўғе! – деб юборди Нурмат ака. – Нима учун?!

– Қоидаси шунақа. Бу ер милиция эмас, посбонлар булар. Уларнинг ўз қонунлари бор. Уларга барибир, пулни ким берса ҳам фарқи йўқ, лекин айтган суммаларини ўзингиз ёки сиз учун кимдир келиб тўламас экан, ўтираверасиз. Бу ер шунақа даргоҳ, отахон, – деди Омонзода хи-хилаб кулиб.

– Сиз-чи, ўзингиз нима қилмоқчисиз?

– Мен уларга акамнинг манзилини бердим. У агар келиб тўласа, худо хоҳласа, мени қўйиб юборишади, бўлмаса бошқа бирор қариндошимни топишгунича ўтиравераман-да.

– Ахир қонун-қоида бор-ку!...

– Бе, қанақа қонун? Булар ўзларини "махаллий адолат посбонлари" деб аташади-ю, аслида одамларни гаровга олиб пул ишлашади. Бу ҳам пул ишлашнинг бир йўли-да...

– Ҳукуматчи, уларга чора кўрмайдими?

– Қанақа ҳукумат? Ҳозир бу ерда ҳеч қанақа ҳукумат ҳам, қонун ҳам қолмаган, шунинг учун отам, бор пулингизни уларга беринг-да, бу ердан тезроқ чиқиб кетинг. Қанча пулингиз бор, ўзи?

– 50 минг ўзбек пули, яна 100 доллар.

– Ие, бу ахир бир суткага ҳам етмайди-ку! Бу ерда бирор таниш-билиш ёки қариндошлар дегандек, кимингиз бор ўзи?

– Ҳеч кимим...

– Бу ёққа нима учун келгандингиз бўлмаса?

– Ўғлимни қидириб юрибман. Айтишларича, у ҳарбий лагерда эмиш, Журжоний деганнинг хизматидамиш. Ўғлимни кўриш учун Худойдод деган киши билан учрашишим керак экан.

– Э-ҳа, тушунарли, лекин бу ерларнинг қонуни бошқача. Тушдингми – тўлайсан. Ҳатто, Худойдоднинг одами бўлса ҳам, бу қонунга амал қилади. Бу ернинг бошлиғи Журжонийга ҳам улуш бериб туради.

Нурмат ака хавотирга тушиб қолди. "Демак мени бу ердан чиқиб кетишим учун яна пул керак эканда, бу ёғи неча пулдан тушди энди? Нима бўлса ҳам постдан қайтиб келмаслигим керак экан", – дея хаёлидан ўтказди.

– Худо ўзи бир йўлга бошлар. Омон бўлсак кўраверамизда, – деди у ҳамроҳидан ўз хавотирини яшириб.

– Майли, яхши дам олинг, мабодо эртага чақириб сўраб қолишса, бор пулим шу деб бериб, нима мақсадда келганингизни айтсангиз қўйиб юборишса ажабмас.

– Хўп майли, сиз ҳам яхши дам олинг, биродар.

Бир оз ўтгач Омонзоданинг хурраги эшитила бошлади. Нурмат ака ҳам ташвиш чўғида думалай-думалай тонгга яқин кўзи илинди.

* * *

Нонуштага бир бурда нон билан кружкада чой беришди. Чой узатаётган кишига Омонзода тожикчалаб ниманидир шивирлади ва пул узатиб ҳамроҳининг олдида хурсанд бўлиб қайтди.

– Акамни топишибди. Худо хоҳласа мен бугун чиқиб кетсам керак. Буни эшитиб суяунчи бердим, – деди у кружкадаги чойдан мириқиб хўпларкан.

– Э яхши, омадингизни берсин. Нима дейсиз, мени қачон чақирар экан-а? Мен ҳам хизматини берарман, ахир.

– Мен чиқиб кетаётиб айтаман. Сизни ҳам чақирарди, албатта. Нурмат аканинг хуфтон дилини бир оз ёруғлик шуъласи ёритгандек бўлди. Ҳақиқатдан ҳам бир оздан сўнг Омонзодани чақиртиришди.

– Кўришмасак хайр, тоғажон, – деди у Нурмат аканинг қўлини сиқиб. – Хайр набошар, жўраҳо! – деди у бошқа камерадоларга.

Лекин ўша куни ҳам, эртасига ҳам Нурмат акани ҳеч ким йўқламади. Энг ёмони, Омонзода Нурмат акани чув тушириб, чўнтагидаги бор пулини ўмариб кетгани бўлди.

– Тавба, шунчалик ҳам содда бўламанми-а? – деди у ўз-ўзига. – Ўғрилигини билиб туриб эҳтиёт бўлмабман-а. Одамларда диёнат ҳам қолмапти, энди нима қиламан? Ҳе, балогоа йўлиққур ўғри. Тагин у Омонзодамиш...

Ниҳоят кейинги куни уни чақирди.

– Сиз меҳмон Нурмат акамисиз?

– Ҳа, – деди у базўр худди айбдордек ерга термулиб.

– Озодсиз, кетаверинг!

– Ие, қандай?... – каловланиб қолди Нурмат ака.

– Сизни Омонзода деган жўрангиз опкетгани келди. Ўтган куни у шу ердан чиқиб кетганди-ку!...

Нурмат ака кўчага чиққанида дарахтга суяниб иршайиб турган Омонзодани кўрди. Уни уришишни ҳам, сўкишни ҳам билолмай хайронда қолди.

– Худойдодни гаплашиб келдим. У сизни кутаяпти, – деди Омонзода мийиғида кулиб.

Нурмат ака бу гапни эшитиб Омонзодага бўлган бутун қаҳру аламини бир сониядаёқ унутди-қўйди.

– Э, кўп раҳмат сизга!

– Сизга ҳам раҳмат.

– Нимага!

– Менинг ҳеч қандай акам келмагани, чунки уни яқинда ўлдириб кетишган. Шунинг учун пулингизга аввал ўзимни кутқардим, кейин бўлса мен сизни. Мана, пулингизни олинг. Ундан бир оз ишлатдим, узр. Қоида бўйича аслида фоиз опқолишим керак эди-ю мусофир экансизда, – деди у мийиғида кулиб.

Нурмат ака кўз олдида илк бор инсофли ва диёнатли ўғри турганидан лол қолди.

* * *

Омонзода Нурмат муаллимни бир бойвачча одамнинг уйига бошлаб борди.

Худойдод мўйсафидни ҳеч кутилмаганда очик чехра билан кутиб олди:

– Ие-ие, келсинлар, азиз меҳмон! Хуш келибдилар! – деди у сохта мулозамат билан.

– Ассалому алайкум! Хуш кўрдик, раҳмат! – деди Нурмат ака унинг ўзгача муомаласидан айнаи чоғда ҳам ҳайрон, ҳам хурсанд бўлиб.

– Менга Омонзода бўлган ишларни айтиб берди.

Уй соҳиби Нурмат ака билан Омонзодани дастурхон ёзилган хонтахта қўйилган сўрига бошлади.

– Сизни анча қийнаб қўйишибди-да, меҳмон. Бу ишларнинг ҳаммаси учун мен сиздан узр сўрайман.

– Э қўйсангизчи, ҳаммаси яхши. Бир англашилмовчилик бўлди-да.

– Ҳой, ким бор! Меҳмонларнинг қўлига сув келтиринлар! – деди Худойдод ичкари томонга қичқириб.

Елкасига сочиқ ташлаб олган бир болакай обдаста билан чилопчин кўтариб чопиб келди. Нурмат ака юзини ҳам ювиб олди ва ўзи хижолат бўлди. Чунки, уч кундан бери камерада ўтириб юзи сув кўрмаганди. Ярим соат аввал камерада ўтирган маҳбусни мулозамат билан уйнинг тўрига чиқариб ўтказишлари ўзига эриш туюлди.

– "Аввал таом, бадъаз калом" деганлар.

– Овора бўлманлар, қорним тўқ, – деди Нурмат ака хижолат бўлиб.

– Нурмат тоға менинг ҳаққимниям еб чиққанлар, – дея ҳазиллашди Омонзода.

Гуррос кулгу кўтарилди.

– Қорнингиз "тўқ"лигини биламиз, меҳмон. Ҳеч хафа бўлманг. Бундан баттари ҳам бўлиши мумкин эди. Қани омин, – деди Худойдод ҳамма жойлашиб олгач, – дўстлар кўпаяверсин, душманлар камаяверсин, дастурхонларимиз ҳамиша тўкин-сочин бўлиб, меҳмонимизнинг пойқадамлари қутлуғ бўлсин, омин Оллоҳу акбар! Қани меҳмон, бисмиллоҳир-рахмонир роҳийм, олсинлар.

Омонзода чойнақдан бир пахта гулли пиёлага чой қуйиб унга узатди. Тўрқовоқда бедана беозор сайради. Нурмат ака бир оз тамадди қилиб олгунча, Худойдод бедана ҳақида билганларини гапириб берди.

– Жуда ажойиб қушда, бу жонивор..

Мезбон гапини якунларкан Нурмат акага юзланди:

– Қалай меҳмон, Ўзбекистонда тинчлик-хуррамчиликми?

– Ҳа, албатта, – деди Нурмат ака шўрвани хўплаб оларкан, – тинчликка не етсин. Тинчлик бор, шунинг учун ободончилик ҳам бўлаяпти. Халқимиз хотиржам, маъмурчилик. Ишқилиб, илоҳим шундай бўлсин.

– Илоҳим, айтганингиз келсин. Ўғлингизни адашмасам шу ерда деб эшитдим.

– Ҳа-ха, шу ерда бўлса керак. Лекин аниқ билмайман. Шу масалада сизга учрашиб кўришимни маслаҳат қилишувди.

– Ким айтди, агар сир бўлмаса...

– Лашкар болалар. Лагерда хизмат қилишаркан. Мен постга борувдим. У ёғига ўтказишмади. Кейин ҳужжатларимни постнинг начальниги олиб қолиб: "Индинга келинг, ўғлингиз тўғрисида билиб қўяман, ҳозир кетаверинг" деганди. Шу маҳал ичкаридан бир машинада аскар болалар чиқиб қолишди. Кейин улар мени шу ерга ташлаб кетишди. Ана ундан кейин Омонзода мени топиб олди.

– Ҳа, яхши, – деди Худойдод. – Ҳаммаси худо хоҳласа, яхши бўлади. Ўғлингиз шу ерда бўлса, албатта учрашасиз. Ҳеч хижолат бўлманг.

– Раҳмат, ука! Агар бир мусофирга ёрдам қўлини чўзсангиз, худо ёрлақаб жуда савобга қоласизда.

– Майли, мен бугун укамдан суриштириб кўраман. У ҳали кеч қайтади. Ҳар ҳолда у билса керак. Агар билса дарров айтади, билмаса бир кун бориб суриштириб келиб айтади.

– Э, раҳмат ука, бу яхшилигингиз илоҳим мендан қайтмаса худодан қайтсин.

– Шунинг учун, сиз бемалол бир-икки кун меҳмон бўласиз, дамингизни оласиз. Худо хоҳласа, агар ўғлингиз шу ерда бўлса сизларни учраштириш биз учун фарз. Омонзода, бўлмаса бу кишини меҳмонхонага олиб чиқинг, яхши жой қилиб беришсин, ювиниб-тарансинлар, дамларини олсинлар. Биз сиз билан шу ерда бир оз гурунглашамиз. Ундан кейин меҳмон шарафига бир ош дамлаймиз.

Нурмат ака Худойдодга кўпдан-кўп миннатдорчилик билдирди ва меҳмонхонага бошлаган Омонзодага эргашди.

Нурмат ака инсофли одамлар борлигидан кўнгли таскин топиб кечгача яхши дам олди. Уни яна ўша сўрига бошлаб бордилар. Дастурхонга лаганда палов сузиб келишди.

– Қалай, яхши дам олдингизми, меҳмон?

– Шукур, раҳмат.

– Ҳали сиз дам олаётганингизда лагердан бир зобит йигит келувди. Ундан ўғлингиз ҳақида маълум қилишини сўраб укамга айтдириб юбордим. Худо хоҳласа, шу бугуноқ бирон жавоб айтади.

– Ие, минг раҳмат сизга. Бу яхшиликларингизни бирор кун мендан ҳам яхшилик билан қайтиши насиб қилсин, илоҳим.

– Барибир одам-одамга керак бўлади-да. Мана бугун сиз бизникида меҳмонсиз, эртага сизни кига эҳтимол мен ёки дўстим Омонзода бориб қолар, тўғрими?

– Тўғри-тўғри, – деди Нурмат ака чин кўнгилдан, – Сизлар ҳам, албатта, биз томонларга боринглар. Бош устига кутиб оламиз, хизматларинг бўлса бажонидил бажарамиз.

– Раҳмат, отахон. Қани, ошдан олсинлар-чи.

Нурмат ака анчадан буён бундай меҳмондўст даврада мириқиб овқатланмаганди. Шундай меҳрибон одамларга дуч келганидан худога минг қатла шукроналар айтди.

– Бизда ҳам сизга бир кичкинагина хизмат бор-да, акахон, – дея сўз бошлади Худойдод ош ейилиб бўлингач.

– Бемалол, бош устига, – деди Нурмат ака бир оз таажжубланган ҳолда.

– Сиз Тошкентни яхши биласизми?

– Ҳа, энди нима десам экан, уч-тўрт марта борганман, нимайди?

– Шу десангиз ўша ерга биздаги мана бу ола-тасир тўполонлардан қочиб бир оғайнимиз бориб қолган. Шунинг билан йўқлаб, ҳол-ахволини сўраб қўйишимиз керак-да.

– Ие, бемалол, манзили аниқми ишқилиб? Тошкент орқали кетавераман.

– Ҳа, адреси бор. Уни топиш жуда осон. Тошкентда "Чорсу" бозори бор, биласизми?

– Ҳа, албатта. У ерни ким билмайди, дейсиз?

– Унинг исми Аҳмадхўжа. Ўша "Чорсу" бозорида ҳар хил зираворлар сотиб ўтиради. Ҳалиги бир улкан тўнкарилган қозонга ўхшаган гумбаз бино бор экан-ку! Ўша ерда қуртфурушларнинг қаторида экан.

– Ҳа-ҳа бўлди, топамиз, – деди Нурмат ака самимийлик билан.

– Худо хоҳласа, мана ўғлингизни соғ-омон учраштириб қўйганимиздан сўнг, албатта сизни ўзимиз кузатиб қўямиз. Биз бор эканмиз, худо хоҳласа, сизни бировга хафа қилдириб қўймаймиз. Чегарадан ҳам олиб ўтиб, бирор танишларга қўшиб Тошкентга жўнатиб юборамиз.

– Ие, раҳмат-раҳмат, мени жуда эркалатиб юборяпсизлар-ку! Сизларни анча овора қилиб қўймайманми-а? Бу ёғи замон нотинч бўлса... – деди Нурмат ака чуқур хўрсиниб.

– Йўқ-йўқ, меҳмонни, ҳаттоки, пайғамбарлар ҳам сийлаган экан. Сизни эсон-омон юртингизга кузатиб юбориш бизнинг ота-боболаримиздан қолган азалий одатимиздир.

– Демак, сиз айтган ўша Аҳмадхўжага учрашишим керак экан-да. Унга нима деб қўяман?

– Унга аввало, биздан, дўстларидан, қавми-қариндошларидан кўпдан-кўп дуои салом айтасиз. Яхши жойлашиб олдимикан, қийналмаяптимики, сўрайсиз? Шу холос...

– Э бўлди, гап йўқ

– Яна кўрамиз, бирор совға-салом, болаларига ул-бул, қанд-курс дегандек. Агар малол келмаса...

– Гап бўлиши мумкин эмас, лекин дўст қадрини тушунадиган инсон экансизлар, раҳмат. Сизларни менга йўлиқтирган худойимга минг қатла шукур! – деб юборди Нурмат ака қувончини яширолмай.

* * *

Лекин Нурмат аканинг хуш кунлари ўтиб энди нохуш дамлари бошланган эди. У Омонзода билан бозор айлангани чиқиб кетишганида Худойдодникига Журжонийнинг котиби Худоёрхон келиб кетганмиш. У Нурмат аканинг ҳужжати билан 100 доллар пул ҳам ташлаб кетибди. Нурмат ака бу хабарни эшитиб хурсанд бўлди, лекин...

– Ўғлингиз бошқа ҳамкурслари билан куни кеча бошқа жойга ҳижрат сафарига жўнаб кетганмиш. Менимча Қирғизистонга бўлса керак. У ердан келгач хорижга жўнаб кетишаркан. Сиз ҳеч хавотир олмай уйингизга қайтиб кетавераркансиз, – деди Худойдод Нурмат аканинг тарвузини қўлтиғидан тушириб. – Мана бу пулни йўл харажатига ишлатишингиз учун курс маъмурияти бериб юборибди. Ўғлингиз ҳақида жуда яхши фикрда эканлар...

– Э, аттанг, – деди Нурмат ака ҳужжатини ва пулни оларкан, – ўғлимнинг дийдорини ҳеч бўлмаганда бир бор кўришим керак эди-да! Лекин ноилож... Сизларга катта раҳмат. Бўлмаса энди менинг сафарим қариди, шекилли. Агар рухсат берсангизлар, қайтсам.

– Майли, меҳмон. Лекин, узр, ўғлингизга учраштира олмадик.

– Ҳечқиси йўқ, сизларда не айб?

– Худо насиб қилса, албатта кўришарсизлар.

– Ҳа, албатта.

– Сизни Омонзоданинг ўзи кузатиб, чегарадан ўтказиб келади.

– Анави Тошкентдаги одамга...
– Ҳа-ҳа, бизлар озгина совға-салом тайёрлаб қўювдик. Агар малол келмаса...
– Демак қуртфуруш Аҳмадхўжа?!...
– Йўқ-йўқ, – деди Худойдод мийиғида кулиб, – қуртфурушлар қаторидаги зираворфуруш...

– Э бўлди-бўлди, – деди Нурмат ака қувониб. – Топиб оламан, худо хоҳласа. Унга учрашаман-да, тўғри уйимга жўнайман. Бирор кун дам олиб сўнгра ўғлимни суриштираман. У Қирғизистоннинг қаерида бўлиши мумкин-а?

– Қаерида бўларди, бирор масжид ёки мадрасида-да.

– Ҳа-ҳа, эсим курсин.

Улар самимий хайрлашдилар.

Омонзода киракаш машиналардан бирига йўлиқиб нималарнидир келишишди. Ҳайдовчи кўнмай аввал тоза тарангликка олди. Сўнгра, қанчадир пул талаб қилди. Ниҳоят бунга Омонзода ҳам рози бўлди. Улар тоғу адирлар оралаб чамаси Сурхондарё томон йўл олдилар. Узоқ йўл юрилди. Асфальт йўл, тош йўллар ортда қолиб, қандайдир, ўнқир-чўнқир, ёмғир сувларидан ўйилиб кетган тупроқ йўллардан одамни ҳолидан тойдирадиган аҳволда йўл босишди.

– Бу йўллар жуда ёмон эканми, бошқа йўл йўқми? – деб сўради Нурмат аканинг тоқати тоқ бўлиб.

– Энди сизни хавфсиз йўлдан олиб кетаяпмиз-да, ота. – деди Омонзода қисқа қилиб.

Ниҳоят бир дарё бўйига етиб келишди.

– Бу қайси дарё, Амударёми? – деб сўради Нурмат ака.

– Йўқ буни Ширкент дейишади. Бу Сурхондарёга қуюлади, Сурхон бўлса Амуга. – жавоб берди Омонзода. Бироқ ҳафсаласи пир бўлиб тўсатдан қичқириб юборди:

– Оббо! – деди у бузилиб ётган кўприкни кўрсатиб. – Ишимиз пачава-ку!

Кўприк бошига келиб машинани тўхтатишди ва тушиб ваҳимали оқаётган дарё сувларига тикилишди. Нурмат ака ва ҳайдовчи ҳайронлигидан чурқ этмай туришарди, негадир Омонзода бетоқатлик билан у ён-бу ён юрар ва тожикчалаб бўралиб сўкинади.

– Узунга энг қисқа йўл шу эди. Буни атайлаб бузишган кўринади, – деди Омонзода ниҳоят тақдирга тан бериб.

– Нима, бошқа кўприк йўқми? – сўради ҳайдовчи гапга аралашиб.

– Йўқ фақат Шартузга яқин жойда борлигини биламан, бу томон бўлса тошлоқ – деди у дарё оқиб келаётган тоғ томонни кўрсатиб, – фақат орқага қайтиб Хисор орқали Регарга бориш мумкин. Лекин орқага яна шунча йўл босишимиз керак бўлади.

– Агар Шартуз томонга борилса-чи? – деб сўради Нурмат ака.

– Йўл дарё ёқалаб кетган деб бўлмайди. Бу томонларга ҳеч юрган эмасман.

– Яхшиси қайтақолайлик, – деди ҳайдовчи. – Эҳтиёт балонимнинг ҳам мазаси йўқ, бензин ҳам оз қолди.

Омонзоданинг негадир қайтгиси келмасди. У улкан тошлар билан қопланган дарёнинг нариги қирғоғига ва ўша томондаги адирларга узоқ кўз тикиб алланималарни хаёлидан ўтказарди.

– Ота, – деди у ниҳоят тилга кириб, – дарёни пиёда кечиб ўтсак нима дейсиз, у томондан бирор транспорт чиқиб қолар, Ўзбекистон чегарасига жуда оз қолган.

– Сувнинг шаштини қаранг, – деди Нурмат ака дарёни кўрсатиб, – кейин жуда совуқ бўлса керак. Оёғим оғриқ, томирим тортишиб қолиши мумкин.

– Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрманглар, – деди ҳайдовчи.

Омонзода "сен гапга аралашмай тур!" дегандек бир ўкрайиб қараб қўйди:

– Сиздан сўраётганим йўқ?

– Майли қайтсак, қайта қолайлик, яхшиси мени келган Анзоб доवони йўлига чиқазиб қўйсангизлар ўзим у ёғига кетаверардим, – деди Нурмат ака тортишув бошланишининг олдини олиб.

– Довонда ҳам уруш ҳаракатлари бошланган, сизни ўтказишмайди, – деди Омонзода чўрт кесиб. – Таваккал қиламиз, қирғоқ бўйлаб кетаверамиз. Бирор кўприкми ёки паромми учраб қолар.

– Мен таваккал қилолмайман, – деди ҳайдовчи иккиланиб.

– Нега энди?

– Оёғим тортмаяпти-да.

– Биз сиз билан келишганмизми?

– Келишганмиз, албатта.

– Унда ҳаққингизни ўша манзилга борганингиздан кейин оласиз-да, қайтиб кетадиган бўлсак бир тийин ҳам бермайман!

– Бўпти, менга кўприк топиб беринг бўлмаса! – деди ҳайдовчи тутоқиб.

Омонзода бетоқат бўлиб дарё қирғоғига борди, гўё бир илинж қидиргандек атрофга аланглади, калласига яхши бир фикр келди, шекилли, шаҳдам қадамлар билан изига қайтди.

– Ота! – деди у Нурмат акага, – Сиз шу ерда бир оз ўтириб туринг, биз машина билан дарё қирғоғини кўриб келамиз. Мабодо бирор йўловчи ўтиб қолса ундан дарёдан машина билан қаердан ўтиш мумкинлигини сўранг, хўпми? Ока, рафтем! – деди ҳайдовчига қараб.

Улар дарё қирғоғи бўйлаб жўнаб кетишди. Нурмат ака нима қиларини билолмай машинанинг чангида қолаверди, сўнгра сув бўйига тушиб юз-қўлини ювмоқчи бўлди. Шиддат билан сувлари ёйилиб оқаётган дарё қирғоғида ҳеч зог кўринмасди. Дарё суви қандайдир сирли ва синоатли оқарди.

Нурмат ака сув бўйига эҳтиётлик билан тушиб бораркан димоғига қандайдир бадбўй ҳид урилди ва беихтиёр бурнини беркитди. Бир оёғи сирпаниб кетиб йиқилиб тушаёзди. Хайрият, бахтига бир улкан қояли тош бор экан, уни базўр ушлаб қолди. Сувга икки-уч қадам чамаси қолганди, холос. Тўсатдан қоя ортидан иккита улкан ўлаксахўр қуш попиллаб учди. Улар қадам товушидан чўчиган бўлишса керак, мўйсафиднинг юраги тушаёзди. Кўрқиб кетганидан юзига сув сепиб олиш мақсадида яна олдинга интилди, лекин... илвираб кетган инсон мурдасига кўзи тушдию, ҳайратдан тош қотиб қолди...

Мурда сувда оқиб келган бўлса керак, қирғоқдаги қуруқ дарахт шохига илиниб қолган ва сув пасайгани туфайли ярми қуруқликда қолган ҳолатда пашша босиб ётарди...

Нурмат ака ҳосиятсиз дарё соҳилини тезроқ тарк этишга жазм қилган ҳолда қирғоқ тепасига шошилиб чиқа бошлади. Лекин аксига олиб йўли ҳеч кўпаймас, оёқ остидаги шағал пастлик томон сирғалиб кетаверарди. Бир-икки бор ўнг тиззасини ҳам тошларга қаттиқ уриб олди. Шими ҳам ифлос бўлиб, бир оз йиртилди ҳам. Тиззаси билан йиқилганида қўли янтоққа илинган ва тиканлари қафтига қадалганди. Лекин оғриқни сезмасди.

Юқорига чиқиб олдида, машина билан келган йўллари бўйлаб ортига қайтиб кета бошлади. Агар шу маҳалда бирор машина учраб қолганида албатта уни тўхтатиб чиқиб кетган бўларди.

Бир чақиримча чамаси юргач ортидан ўз киракаш машиналари етиб келди. Лекин рулда Омонзоданинг бир ўзи эди.

– Ие, ҳа меҳмон, сизни нима жин урди?! – деди Омонзода истехзо билан. – Шу сизни ҳам менга ўхшаб ҳеч сабрингиз чидамайди шекилли-да-а?

– Дарёнинг бўйида бир ўликни кўрдим, чириб кетибди, – деди мўйсафид хансираб.

– Э-ҳа, кўрқиб кетибсиз-да! Ахир бу ерларда уруш кетяпти-ку! Уруш курбонсиз бўлмайди. Биз унақаларни кўравериш пишиб кетганмиз. Қани ўтиринг машинага, шунинг учун тезроқ юртингизга қайтиб кетинг... Лекин одамни бунақа овора қилмангда, инжиқ киши экансиз.

Нурмат ака ўз қилган ишидан хижолат бўлди.

– Ҳа тўғри айтасиз, узр. Сиз мени кузатиб чиққан бўлсангизу, мен бўлсам одамгарчилигингизни ҳисобга олмасам, айб менда. Бошқа бундай қилмайман. Шунчаки чўчиб кетдим.

Улар қайтдилар. Машина яна соҳил бўйлаб кета бошлади.

– Ие айтгандай, анаву ҳайдовчимиз қани?

– Ҳа, уми?... – деди Омонзода бир оз ўйланиб туриб, – Гапнинг очиғи, у дарёнинг нариги қирғоғига ўтишга кўнмаяпти. "Сиз у қирғоққа ўтиб кузатиб қайтгунингизча шу ерда дам олиб ўтираман", – деб бир чўпоннинг қўтонида қолди. Қорни оғриётганмиш...

– Ие, буни қаранг-а!... – деди Нурмат ака қандайдир шубҳага бориб, – Хўш, кейин кўприк топдингизми?

– Йўқ, машинани соҳилга қўйиб ўзимиз сувни кечиш ўтамыз. Саёз жойни мўлжаллаб келдим. У қирғоқда бирор бошқа машинага ўтирамыз. Тошкентга тўғри борадиган машина учраса, сизни ўтказиб юбораман.

– Ҳа, яхши, – деди ота ёйилиб оқаётган дарё суви ҳамда соҳилга кўз тикиб.

Аммо унинг назарида ҳозир яна бир мурда сув юзига қалқиб чиқиб қоладигандек туюларди. У энди машинанинг орқа ўриндиғида эмас, балки олдинги ўриндиқда борар ва Омонзоданинг рулни бошқараётган, гоҳ-гоҳида тезликни алмаштириш тутқичига бораётган кўлига сезилар-сезилмас назар ташлаб кўярди. Бир пайт ёмғир ювиб кетган шағал ариқдан машина кучаниб ҳаракатланди. Омонзода машинани қийинчилик билан олиб чиқа олди ва жаҳли чиқди. Ана шу маҳали Нурмат аканинг кўзи унинг ёнидаги пичоқ қинига тушди. Қин бўм-бўш эди.

– Пичоғингиз қани? – деб сўради тўсатдан.

– Ие... – деди Омонзода бир оз ўйланиб, – Ҳа, эсим курсин, чўпон қўй сўймоқчи экан, сўраб олувди, эсимдан чиқиб қолаверишди, қаранг.

– Ўша чўпонингиз қаерда ўзи!

– Ҳув анави тепалик томонда, – деди Омонзода. Лекин у ёқда ҳеч қандай қўтон кўринмасди. Шу пайтда Нурмат аканинг кўзи ҳақиқатдан ҳам сувда қалқиб турган бир мурдага тушди.

– Тўхтатинг, анавини қаранг! – деди у ҳаяжонланиб.

– Бе..., сизга айтдим-ку, бу дарёни Ширкент дейдилар. Бунақа ўликлар тўлиб ётибди, аҳамият берманг, дедим-ку!

– Ана, қаранг, унинг кўйлаги худди бизнинг ҳайдовчиниқидақа эканми?! Тўхтатинг уни тортиб олайлик, бир мусулмон бандаси-ку, ахир!

– Э тоғажон, ўзингизни ўйласангизчи! Эсон-омон уйингизга етиб олишингизни ўйланг. Ҳадемай қош қораяди.

Нурмат ака негадир тез-тез Омонзоданинг бўшаб қолган пичоқ қинига қараб-қараб кўярди... "Йўғе, нима хаёлга бораяпман мен ўзи? Бир меҳмонни кузатиш учун бу ишни қилмаса керагов. Мен унга ким бўлдим-у..." – дея хаёлидан ўтказди у ва сертакаллуф ҳамроҳидан беҳуда шубҳаланаётгани учун ўзидан ранжиди.

Ниҳоят улар дов-дарахтлар гуркираб турган дарё соҳилига етиб келишди.

– Мана шу ердан кечиб ўтамиз. Суви жуда саёз. Мен сизни опичлаб оламан, – деди Омонзода.

– Йўғе, қандоқ бўларкин? Сиз яхшиси қайтаверсангиз ҳам бўларди.

– Нималар деяпсиз? Менга сизни эсон-омон юртингизга етказиш топширилган. Сизга бир гап бўлса Худойдод менинг калламни олади-я!...

– Худойдод жуда олижаноб инсон экан. Яхшилиги мендан қайтмаса худодан қайтсин, илоҳим.

Омонзода машина аккумуляторини чиқариб аллақерга яшириб келди ва эшикларини яхшилаб маҳкамлади. Туфлисини ечиб, почаларини тиззасигача қайтарди.

– Кетдик, тоғажон!

Омонзода ҳақиқатан полвон йигит экан. Мўйсафидни опичлаб олди.

– Сумкани эҳтиёт қилинг, ичида шакари бор. Сувга тушса ҳаммаси расво бўлади, – деди у. Нурмат ака сумкани олд томонига илиб маҳкам ушлаб олган бўлишига қарамай ҳар эҳтимолга қарши Омонзода унинг тутқичидан тишлаб ҳам олди. Бундан Нурмат ака хотиржам бўлди.

Соҳилнинг у юзига эсон-омон ўтиб олдилар. Ҳеч зоғ кўринмасди.

– Қизик, – деди Омонзода, бу ерлар қаерга қараркин, Ўзбекистонмикин ёки Тожикистон?

– Бирортасидан сўраш керак. Кейин машина йўлига чиқишимиз лозим.

– Ҳа тўғри. Бу ерларда фақат чўпонлар ёки чегарачиларгина бўлиши мумкин, холос.

Улар ғарб томонга қараб адирлар оралаб яёв кетишди. Ниҳоят узоқда бир қўтон кўзга ташланди. Теварак-атрофга қўй ва эчкилар ёйилганди. Улар яқинлашиб боргач итлар бетиним хурий бошлашди. Отлиқ чўпон кўринди.

– Ассалому алайкум отахон, ҳорманг! – деди Омонзода.

Чўпон аввал уларга шубҳа билан қаради ва хавфли одамлар эмаслигига ишонч ҳосил қилди.

– Ҳа, йўл бўлсин, сизларга?

– Кечирасиз, бу ерлар қайси туманга қарайди, биз Ўзбекистонга кетаётувдик, кўприк бузуқ экан. Дарёни кечиб ўтдик.

– Бу ерлар Шартузга қарайди. Хеле дўнгнинг орти Узун райони. Лекин бу ерларда юришларинг хавфли.

– Нега энди?

– Қандайдир қуролланган одамлар юришибди. Тўрт кўйимни зўравонлик билан олиб кетишди. Хув анави адир оралиғида нимадир қуришяпти. Кейин у ерни қаттиқ кўриқлашяпти. Шубҳаланган одамни аямай отиб ташлашяпти. Кечаги куни нариги қўтондаги Эшматнинг ўғлини отиб кетишибди. У отини қидириб

кетган экан. "Тўхта!" – дейишса тўхтамай қочган экан, орқасидан снайпери билан урибди.

– Бизга нима маслаҳат берасиз?

– Мана бу ёққа юринглари, – деди у қуёш ботаётган тарафни кўрсатиб.

– Машина йўли борми? – деб сўради Нурмат ака.

– Эҳ-ҳе, у жуда узоқ, яёв 20–30 чақирим юришингизга тўғри келади.

– Қаердан чиқамиз?

– Узун районидан. У ер Сурхондарёга қарайди.

– Отахон. Сиздан илтимос, бизга 2 та от топиб берсангиз. Сиз билан бирга бориб бу кишини ташлаб қайтамыз. Ҳаққини яхши тўлаймиз. Кейин ишонмасангиз дарёнинг у соҳилида машинамыз ҳам қолган...

– Иложим йўқ. Қўтонни ташлаб кетолмайман. Ундан кейин айтаяпман-ку бу ерда қуролланган қорасоқоллилар юришибди деб. Хотин-халажни ёлғиз қолдириб бўладими?

– От топиб беринг бўлмаса.

Чўпон бир оз ўйланиб қолди.

– Майли, меҳмонни ҳурмати учун фақат битта от бераман. Лекин эвазига нима берасиз?

– Мана машинамни калити, – деди Омонзода хурсанд бўлиб.

Улар қўтонга қараб бордилар. Йўл-йўлакай Нурмат акани Тошкентга қандай жўнатиб юбориш мумкинлиги ҳақида маслаҳат сўрашди.

– Узундан Тошкентга юк қилишади. Ўша "Камаз"лардан бировига чиқариб юборсангиз бўлади, – деди чўпон, – Менинг ўғлим ҳам Тошкентда ўқийди. Бир-икки бор шунақа қилиб кетганди.

* * *

Улар отга мингашиб олиб ғарб томонга қараб равона бўлишди. Қуёш ботиб борар, эрталабдан буён туз тотмаганлари учун қоринлари жуда очикқанди. Орқа томонда сумкани маҳкам ушлаб кетаётган Нурмат ака сумка ичига оҳиста қўлини тикди. "Зора совға-саломнинг ичидан бирор егулик илинса", – деб ўйлади у. Лекин бармоқлари юмшоқ салафан пакетларга тегди. "Қизик! – деди у хаёлан, – Бу нима экан-а, шакарми ё унми? Товба, Тошкентда бунақаси серобку, шу ердан жўнатиш шартмикин?".

– Омонзода, қорнингиз очдими?

– Ҳа, лекин ноилож. Ҳозир бирор қўтонга етиб олайлик егулик сўраб, чой-пой ичиб олармиз.

Лекин шу пайт тўсатдан "Тўхтанглар!" – деган овоздан чўчиб тушишди. Уларнинг олдида учта қуролланган посбонлар туришарди.

От бир хуркиди-ю такка тўхтади.

– Кимсизлар? Қаёққа кетяпсизлар?! – деди гавдали мўйловли аскарлардан бири.

Уларни аскар деса аскар эмас, кўпроқ қуролланган халқ посбонларига ўхшаб кетишарди. Чунки бетартиб кийинишган, оддий фуқаро кўйлаги устидан ола-була ҳарбий кийим кийиб олишган, автоматларининг тутқичи ва ўқдони устидан кўк изолента қоплаб олишганди.

Мўйловли киши шубҳали кўринган йўловчиларнинг ҳужжатларини кўздан кечиаркан, ҳар иккисига зимдан тикилиб қараб қўйди. Уларнинг ёнларини ҳам

тинтув қилиб қўришгач, хотиржамлик билан бошлиқларининг буйруғини кутишди. Сумка бўлса отнинг эгарига илиб қўйилган бўлиб, бу томондан қараганда кўринмаётганди.

– Бу киши меҳмон, – деди Омонзода хотиржам. – Мен уни Ўзбекистонга кузатиб қўйишим керак.

– Нега энди божхона постидан ўтмадингизлар?

– Қандай борамиз, узоқ-ку, бирор транспорт ҳам йўқ, кўприк бузуқ эмиш...

– Ҳозир қаерга кетаяпсизлар?

– Ленин колхозига борамиз. У ерда бир танишимникида тунаймиз, кейин сахар бу кишини Узунга олиб бориб қайтаман.

– Ленин колхозида бўлаётган жанглардан хабарингиз борми?

– Ҳа. Оз-моз қулоғимга чалинганди. Лекин билмадим, ким-ким билан урушмоқда...

– Улар биз билан урушишмоқда, – деди мўйловли кесатик оҳангда.

– Нега? – деб юборди кўққисдан Нурмат ака.

– Улар сотқин, ифлос одамлар. Уларнинг сардори, айниқса жуда ҳам муттаҳам одам.

– Қодир деганими? – сўради Омонзода.

– Ҳа, Қодир кал. У бир пайтлар сардоримизнинг пинжига кириб, унинг ишончини қозониб, энг кадрдон дўстига айланганди. Энди бўлса, янги ҳукумат билан тил бириктириб, бизни тор-мор қилмоқчи бўлаяпти. Бебурд, сотқин!.. Биз уларни бола-чақаси билан қириб ташлаймиз, уруғи ҳам қолмайди, ҳали, – деди куюниб мўйловли ва ҳужжатларни қайтариб туриб қўшиб қўйди: – Мабодо уларнинг одамларига дуч келсангизлар, айтиб қўйинглар, агар яхшиликча таслим бўлишмаса, биз кишлоқларининг кулини кўкка совурамиз.

– Ким айтди, деб қўййлик? – сўради Омонзода отга минатуриб.

– "Ибод айтди" денглар! – деди мўйловли жиддий оҳангда.

– Сиз Ибодмисиз?

– Йўқ мен унинг ишонган хизматчиларидан бири – Карим мўйловман, – Сизники Омонзода-я?

– Ҳа-ҳа...

– Бўлмаса, сизларга рухсат. Лекин қайтишда менга ёки менинг одамларимга учрашиб кетасиз, ҳайми? Ленин колхозидаги аҳвол ҳақида маълумот бериб, "Карим мўйловга етказинглар" деб айтасиз, ҳайми?

– Ҳай, – деди Омонзода осон қутулишганидан мамнун бўлиб.

Улар отга мингашиб жўнашмоқчи эди, посбонлардан бирининг кўзи сумкага тушди.

– Тўхтанглар, сумкани текширмабмиз-ку? Унда нима бор?!

– Нима ҳам бўларди? Меҳмон Қодир кал учун бомба олволганлар, – дея Омонзода бир оз тараддудланиб, сумкага қўл тикиб бир пакетдаги туршакни кўрсатди.

– Бола-чакаларга, совға-салом дегандек..., – деди Нурмат ака ва вазиятни юмшатиш учун кулиб қўйди.

– Ҳа майли, – деди Карим мўйлов ҳам кулиб, – кетаверинглар, оқ йўл. Лекин эҳтиёт бўлинглар, улар сизларни шаҳарликлар деб ўйлашлари ҳам мумкин.

– Чух, – дея отни қамчилади Омонзода.

От итоатгўйлик билан олдинга интилди.

IV боб. "БОЕВИКЛИК"

Нормурод Козимнинг ортидан эргашди. Котиб уни сирли қараш билан қарши олди ва ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

– Сени чақиришимдан мақсад – бир масалани ойдинлаштириб олмоқчимиз. Айт-чи, келганингда ёнингда қанча пулинг бор эди?

– 2000 доллар.

– Хўп, қанақа пуллар эди?

– 18 дона 100 долларлик, 4 дона 50 долларлик.

У улкан сейфни очиб ичидан бир папкани олди. Папкадан бир конвертни олиб, ичидан Нормуродга таниш АҚШ долларларини чиқарди.

– Тўғри, – деди котиб пулларни санаб ва синовчан тикилди. – Фақат менга тўғриси айт, бу пулларни сен қаердан олгансан?

Нормурод гўё ўзини ўғри деб ўйлашяптимики, деган хаёлга борди.

– Сендан "тўғриси айт", деб сўраяпти! – дея ўшқириб берди ортида турган Козим.

– Булар ҳалол. Боққан қўйларимизни сотганмиз. Отам "Хорижга борсанг керак бўлади" деганди.

– Қанақа Хориж?! – ортидан бақирди яна Козим. – Сендан...!

– Сен аралашма, – деди котиб мулойим оҳангда. – Яхши, сенга ишонаман. Лекин ўша қўйларни қаерда сотгансизлар?

– Боткен бозорида.

– Боткенда дейсанми? – деди котиб таажжублангандек.

– Ҳа. У ер бизнинг қишлоққа чегарадош, – деди Нормурод гўё айб иш қилиб қўйгандек.

– Сен у ерларни яхши биласанми?

Нормурод "ҳа" ишорасини қилди ва котибга савол назарида қаради.

– Пулларинг қалбаки эканлигиниям биласанми?

Нормуроднинг кўзлари "ярқ" этиб очилиб кетди.

– Мана қара, бу ёққа кел, – деди котиб ўзига чорлаб ва пулларни стол устига ёйди, – Номерларига эътибор қил, кўраёпсанми, ҳаммаси бир хил-ку...

– Бил-билмасам, – деди Нормурод довдираб ва ранги оқариб кетди.

– Нега қараб, текшириб олмадиларинг? Кимга сотган эдиларинг қўйни?

– Геологларга, қора соқолли. Ҳалиги...! – дея қичқириб юбораёзди йигит, лекин қора соқолли котибнинг ҳамиятига тегиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, тезда ўзини ўнглаб олди.

– "Қорасоқолли" дегин? – деди котиб мийиғида кулиб. – Хўп, бўлса бордир. Сен ҳозир мени қабулхонада кутиб тургин, мен бошлиқ олдига кириб чиқай, кейин чақираман, хўпми?

Нормурод Козимнинг назорати остида қабулхонада кутиб турди. Бир оздан сўнг уни йўқладилар.

– Сен билан шахсан хўжайиннинг ўзи қизиқиб қолдилар. Ҳозир унинг хузурига кирасан, – деди котиб ҳалиги папка ва аллақандай ҳужжатларни олиб, – Қани юрчи, саломни унутма, ўзингни мўмин мусулмонлардай тут. Гап қайтарган одамни бошлиқ ёмон кўради, астойдил хизмат қилаётганлар бўлса ёрдамини аямайди, тушундингми?

– Тушундим?
– Тушундим эмас, "Алҳамдулиллоҳ" де!
– Алҳамдулиллоҳ...
– Саломни ҳам "Ассалому алайкум ба раҳматуллоҳи барокатух" дея тўлик айтишинг керак...

Кўп ўтмай улар Журжоний ҳузурига кирдилар.

– Ассалому алайкум ба раҳматуллоҳи барокатух, – деди Нормурод одоб билан.

– Воалайкум... – деди бошлиқ куруқ қилиб ва тезда мақсадга ўтиб қўя қолди.

– Эшитдим, сизларни бошлаб лақиллатишибди-да, – деди у кулиб ва столи устидаги қалбаки долларларга ишора қилди. – Агар Аллоҳ йўлида виждонан хизмат қилишга сўз берсанг бу пулларни ҳақиқийсига алмаштириб, ота-онангга ҳам ҳар ой пул жўнатиб туришга ваъда бераман. Ўқишинга ҳам тезроқ кетасан.

– Иншоллоҳ, яхши хизмат қиламан, – деб юборди Нормурод.

– Яхши, – деди бошлиқ. – Сен ўз садоқатингни хизматда кўрсатишинг керак. Биламан, ҳали ҳаётда сенга кўп пул керак бўлади... Худоёрхон, бу йигитнинг отасининг номига ҳар ойда 100 доллардан пул жўнатиб туринглар! – деди у котибга юзланиб ва қалбаки пулларни олиб йиртиб ахлатдонга ташлади. – Кейин бу бола яхши, садоқат билан хизмат қилса кетишида қўлига 2000 доллар ҳақиқий пулдан берасиз.

– Хўп бўлади, сардор! – деди котиб алланималарни дафтарига ёзиб олди.

– Кейин бу болани ҳижрат сафарига тайёрланг! Менга қара, – деди у Нормуродга юзланиб, – мен ҳали ҳеч кимга бундай мурувват қилган одаммасман. Сен менга маъқул бўлиб қолдинг, шунинг учун сени амалиётда синаб кўрмоқчиман. Агар шилт-пилт қилсанг каллангни оламан, тушундингми? – деди у кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб.

– Алҳамдулиллоҳ, хизматингизга тайёрман!

– Баракалла! Сен менинг ҳамюртим экансан. Шунинг учун сенга ёрдам қилмоқчиман, билдинг. Менга ўз ишончли одамларим керак, сени ҳам ўз одамларим қаторига оламан. Яқин кунларда сени одамларим билан қўшиб ҳижратга сафарига жўнатаман. У ерда муҳим ишларни бажарасизлар, уқдингми?

– Уқдим, – деди Нормурод итоатгўйлик билан.

– Ундай бўлса бор. Агар биров хафа қилса ё менинг тўғримда бирор номаъқул гап айтса, менга айт, ўзим жазосини бераман.

Нормурод қуллук қилиб унинг ҳузуридан ташқарига чиқиб кетди.

– Тактикангизга қойил, тақсирим! – деди котиб Журжонийга лаганбардорлик билан мийиғида кулиб, – муллаваччаларни "одам қилиш"ни жуда яхши биласизда-а... Лекин унинг отаси келганлиги тўғрисида лом-мим демадингиз-ку?

– Нима кераги бор болани ҳардамхаёл қилиб, – деди у кафтига нос солиб тилининг тагига ташларкан. – Умуман олганда биз бир иш қилишимиз керак экан, шекилли. Бу йигитларнинг ота-оналари энди кучукка ўхшаб, думини ликиллашиб битта-битта келишаверади. Биз бунинг олдини олишимиз керак.

– Нима қилайлик, дейсиз?

– Йигитлар ҳеч бўлмаса бир-икки ойда бир маротаба уйларига хат ёзишини ташкиллаштиришимиз керак. "Яхши юрибман, соғман, ўқишларим яхши, ўқишдан кейин ишляпман. Шунинг учун хат ёзишга унча вақтим бўлмаяпти, мендан

хавотир олманглар" дейишсин, хўпми? Кейин ҳар бир конвертга 100 доллардан пул солиб жўнатишсин.

– Хатни Хориждан жўнатишган бўлишсинми ё шу ерданми?

– Менимча, бирор Хориждан бўлгани маъқул. Баъзи-баъзида денгизда чўмилишаётганини ҳам ёзиб қўйишсин, – деди Журжоний масхараомуз кулиб.

– Лекин бу хатларни бу ердан жўнатсак почта штампасидан маълум бўлиб қолади-ку. Нормуроднинг отаси ўша штамп ёрдамида топиб келганмиш.

– Бўлмаса Ўзбекистондаги вакилларимиз орқали уларнинг уйлариغا варақага қўшиб тарқатишсин.

– Хўп бўлади, тақсир! – деди котиб бошлиғининг айёрлигига яна бир бор тан бериб. – Ануви боланинг отасини нима қиламиз?

– Ҳужжатини беринг-да, ўзини қайтариб жўнатиб юборинг. Муллавакчалар ҳар хил давлатларга ҳижрат сафарига жўнаб кетишди. Шу жумладан, ўғлингизни ҳам кетди, деб етказинг. У ерда бу бола бизга керак бўлиб қолиши мумкин. Жиход кунлари оз қолди, иншооллоҳ..., – деди у ўйчан.

* * *

Карим Журжонийнинг Нормуродга бўлган муносабатини эшитиб ҳангу-манг бўлиб қолди.

– Демак, улар пулларимизни ҳам текшириб кўришибди-да-а? – деди у ўйчан.

– Қизиқ, мақсади нима экан бу одамнинг?

– У ўз атрофига ишончли одамларини тўплаб нимадир қилмоқчи, шекилли. Лекин мен буни билолмадим, – деди Нормурод.

– Қизиқ, сени қаерга жўнатишмоқчи, ўзи?

– Билмасам, Афғонистонга бўлса керак-да.

– Эҳтимол Покистонгадир. У ёқда ҳам шунақа махсус лагер бор, деб эшитганман. Устозимиз Аҳмад Нурий шундай деганди.

– Бўлиши мумкин. Ҳижрат сафари бўлса керак-да. Армияда буни "учение" дейишади-ку!

* * *

Оқшом уларни Раҳматилла йўқлади. Нормуроддан бошлиқнинг қабули ҳақида эшитиб у ҳам дастлаб ҳайрон бўлди, сўнгра уни кутлади:

– Омадинг бор экан, – деди Раҳматилла Нормуроднинг елкасига қўлини қўйиб, – сенга ҳизрнинг ўзи назар қилибди. Демак, сен Оллоҳнинг суйган бандаси экансан. Билсанг, сени ҳизрга рўбарў қилиш учун худойим-тоалло атайин ўша долларларни қалбаки қилиб кўрсатган. Йўлинг очиқ йигит экансан. Сен билан ўтга ҳам, жангга ҳам бирга борса бўларкан.

Улар кулишдилар. Нормурод ўз хаёлидаги жумбоқни ўртага солди:

– Ҳижрат сафарига малакамизни ошириш учун юборишаётганмикин?

– Албатта-да. Демак, сени ҳам зобитлар сафига олишса керак. Энди сенинг вазифанг бошлиқларнинг ишончини қозониш. Майли, бу ишлар ҳаммаси яхшилик йўлига бўла қолсин. Мен сизларнинг олдингизга бир иш билан келдим. Хуллас, оз-моз чойчақа ишлаб олишларингиз мумкин. Пул ҳозирги замонда ҳеч қачон ортиқчалик қилмаган. Аксинча, йигит киши бўлиб, оқ-қорани таниб, ўзларингизни амалиёт синовида кўрсатишга имконият яратиб беришим мумкин.

– Қанақа иш экан? – дея қизиқсиниб сўради Карим.

– Бир оддий операция. Лекин, агар хоҳламасангизлар бу ишга мен любой бошқа одамларни олишим ҳам мумкин. Нима бўлса ҳам ўзимнинг одамларимсизлар, иш ўрганинглари дейман-да...

– Ҳа, албатта, – деди Нормурод ҳар қандай хизматга тайёр эканлигини кўтаринки руҳ билан намоёни қилиб.

– Демак, розисизлар. Бўпти, мен ҳозир курс раҳбарларингга айтиб эртанги машғулотлардан сизларни озод қилдириб қўяман. Бомдод намозидан кейин нонуштани қилиб бизнинг барак олдига бориб туринглари, кейин операцияни ўтказгани бир ерга ўтиб келамиз.

– Бўпти! – дейишди йигитлар чин юракдан.

Улар эртаси келишилганидек барак олдига боришди. Раҳматилла чиқиб йигитларни ичкарига олиб кириб кетди ва уларнинг қўлига бронжилет ҳамда қораниқ тутқазиб кийинишни буюрди. Қўлларига автомат ва пичоқ ҳам берди.

– Бу сизларга "1-курсовой иш", – деди кулиб Раҳматилла. – Хуллас, бир "душман"ни ўз уйида қўлга олишимиз керак. У қаршилиқ қилиши, бизга қарши ўқ узиши ёки қочмоқчи бўлиши ҳам мумкин. Буйруқ берилса аяб ўтирмайсизлар. Уй атрофини қуршаб оламиз. Бугунча сизлар ана шу қуршовда хизмат қиласизлар, тушунарлими?!

– Иншооллоҳ, тушунарли! – деди йигитлар.

– Операцияда яхши қатнашсангизлар мукофот пули оласизлар. Ўзларингизни кўрсатиш учун бу ҳам бир имконият. "Жанг майдонидаман", деб фараз қилинглари. Лекин унутманглари, жанг қурбонсиз бўлмайди, ўзларингизни эҳтиёт қилсаларингиз Аллоҳнинг ўзи ҳам мадад беради. У ёқ-бу ёққа ташлашни ҳаёлларингга ҳам келтирманглари.

* * *

Эртаси улар билан яна қуролланган ўн чоғли лашкарлар ҳарбий машинага чиқдилар. Машина постдан чиқиб, тоғ ёнбағридаги йўлдан олиб кетди...

Нормурод ва Карим ўзларини худди Америка киноларидагидек гўё воқеа ичидаги қаҳрамонлар қаторига кириб қолгандек ҳис қилиб бу жараёнга жон деб киришдилар.

...Қишлоқ чеккасидаги хонадонлардан бири қуршаб олинди. Эшиклар ва деразалар олдида биттадан қуролланган соқчилар қўйилди. Раҳматилла бошчилигидаги беш киши уй ичкарасига бостириб киришди. Нормурод ва Карим ўз постларини эгаллаб қуршов чизиғини маҳкам ушлаб турган лашкарлар қаторида эди. "Душман", яъни хонадон эгаси бўлмиш хўппа семиз киши майкачан ҳолатида уйдан олиб чиқилди. Икки автоматли уни нишонга олиб туришарди.

– Сизни кеча огоҳлантиришганимиди?! – дея дўқ-пўписа қилди ниқобли Раҳматилла.

– Ҳа, – деди аранг у қўндоқ еган бошидан оқаётган қонни артиб.

– Қани ўша пул?!

– Ахир менинг бунча пулим йўқ, бола-чақамга раҳмингиз келсин, ака!... – деди у ёлвориб.

Ичкарида бир аёлнинг додлагани ва бола йиғиси эшитилди.

– Вой-дод! Ёрдам беринглари, мусулмонлар, эримни ўлдиришяпти!...

Шу пайт ичкаридан оғзига латта тикилган аёлни ҳам сочидан судраб чиқишди. Икки болани ҳам ўртага олиб чиқиб тўрттовини бирга боғлашди. Оғзига

латта тикилган болалар кўрқувдан қалт-қалт титрар ва кўзлари косасидан чиқиб кетаёзганди.

Уй ичкариси тинтув қилинди. Қимматроқ кўринган нарсалар олиб чиқилди.

– Пул, тиллаларни топа олмадик, – деб ҳисобот берди лашкарлардан бири. Шундан сўнг Раҳматилла семиз кишининг қорнига қарата тепиб юборди.

– Қани пул, итвачча?! Агар ҳозир топиб бермасанг бола-чақанг билан қириб ташлайман! – деди у автоматини ўқталиб, – Учгача санайман, бир...

– Бўлди-бўлди, ҳозир-ҳозир...

Лашкарлар арқонни ечиб кишини бўшатиб олишди. Бир автоматли болаларни пойлаб қолди. Шу пайт бошқа бир каттароқ бола томда писиб ётган бўлса керак, кўчага томон сакраб қоча бошлади.

– От уни! – дея қичқирди кимдир Каримга қараб.

Никобли Карим довдираб каловланиб қолди. Бақирган аскар тез чопиб келди-да узоқлашиб бўлган болага қараб ўқ узди.

– Қочиб кетди, ифлос! – дея қичқирди у ва Каримга қараб "Сен нега отмадинг, хайвон!" – деди у ўшқириб.

– Ахир у душман эмас-ку!.. – деди базўр Карим.

– Нега душман бўлмас экан?! Бу ерда ҳамма душман, ҳамма кофир! Нима бало янгиларданмисан?! – деди у жаҳл билан Каримнинг никобини суғуриб олиб афт-башарасига назар ташларкан.

– Раҳматилла аканинг одами бўлмаганингда ҳозир абжағингни чиқарардим?! – дедида, нари кетди.

Ичкаридан ҳалиги семиз кишининг фарёди ва ялиниб-ёлворган овози келди, сўнгра автомат овози бир бора тариллаб ўчди. Ичкаридан Раҳматилла бир бўғчани кулиб кўтариб чиқди.

– Кам берди, тўнғиз, – деди у норози бўлиб. – Нарсаларни олинглар!

– Анавиларни нима қилайлик? – деди никоблилардан бири аёл ва болаларга ишора қилиб, – Бир ўғли қочиб кетди, томда экан.

Бу даҳшатли томошадан вокиф бўлиб турган Нормурод гўё қарахт ҳолга тушиб қолганди. Рўбарўсида турган аёл ва болаларга жуда раҳми келиб "Булар қанақасига душман экан?!" – деган ғалати саволга жавоб топа олмаётганди. Лекин сокчилик қилаётган жангчи болаларга ишора қилиб "Анавиларни нима қиламиз?" – деганида унинг "дод" деб юборгиси келди. "Болаларда нима гуноҳ, ахир?!". дея хайқирди у хаёлан.

Раҳматилла ҳеч нарса демади, лекин ўша автоматли мужоҳид нишонни болалар томонга қаратганида Нормурод чидай олмади:

– Отма уларни! Уларда нима гуноҳ! – деди қичқириб.

– Ие, бу салабон ким бўлди? Тили чиқиб қоптими? Вей, сен ҳали...

Орага Раҳматилла тушди:

– Бу менинг одамим, қўявер. У билан ўзим гаплашиб қўяман.

– Яна биттаси бор, – деди бирови Каримни кўрсатиб. – У бир болани қочириб юборди.

– Булар ҳали ёш, бунақа ишга биринчи марта келишлари. Ҳали пишиб сенлардан ҳам ўтиб кетишади. Мана кўрасан, улар ҳали каллани шундоқ узиб кўлингга тутқазиб қўйишадиган бўлишади, – деди у хиринглаб.

Аёл ва болалар омон қолишди. Кўзлари жикқа ёшга тўлган: оғзига латта тикилган аёл Нормуродга нигоҳ ташлади. Бу нигоҳ йигитнинг юрагини ларзага

солди. Унда ҳам қахр, ҳам меҳр бор эди. Кейинчалик ётганида ҳам, юрса ҳам, турса ҳам бу нигоҳ унинг кўз ўнгида бир умр муҳрланиб қолди.

– Бунақа эмас-да, мени анави шерикларим олдида мулзам қилдиларинг-ку!... Кўрқоқ экансанлар, – деди Раҳматилла қайтиб келишганидан сўнг. – Мана олларинг, лекин энди буёғига ҳақни ҳалоллаб олишни ўрганинглар, – деди у Карим ва Нормуруднинг қўлига бир оздан пул тутқазди.

– Пулингиз керакмас, Раҳматилла ака, – деди Карим уни қайтариб бераркан.

Нормуруд ҳам пулларни қайтарди. Раҳматилланинг жаҳли чикди.

– Нима, сенларга ҳали пул керак бўлмай қолдимиз? Салабонлар! Ҳали кўрасанлар, қани менга хизмат қилмай кўрларингчи, бурунларингни ерга ишқайман! – деди у ўшқариб.

Икки йигитни кейинги тунда ҳам Раҳматилланинг одамлари безовта қилишиб яна бир "операция"га мажбуран олиб кетишди.

– Тез туриглар, машина кутиб турибди, – деди улардан бири ухлаб ётган Нормуруд ва Каримга.

– Биз бошқа бормаймиз, – деди Карим жиддий.

– Нима? Бормай кўр-чи, дабдалангни чиқариб ташлаймиз, билдинг!

– Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон, – деди шериги. – Раҳматилла ака сизларни кутиб турибди.

Йигитлар норози бўлдилар, лекин ноилож яна бронжилет, ниқоб кийишга тўғри келди. Лекин энди шаҳар тарафга қараб боришди. Шаҳар банкларидан бири экан, шекилли. Нормуруд билан Каримни кўчага қоровулликка қўйишди. Ўн чоғли мужоҳидлар бўлса "операция"ни банк ичкарасида ўтказишди. Қуролли қоровуллар отиб ташланди. Бир сочига оқ оралаган зиёли кишини енгил машинада бошқа пистолет ўқталган ниқобли кишилар олиб келиб уни банк ичига олиб кириб кетишди. Тез орада ичкаридан бир қопчада пул олиб чиқилди.

– Бу ерда бори шу, бошқа йўқ. Сизларга берган ваъдамни бажардим. Энди мени қўйиб юборинглар, – деб ёлворди ҳалиги киши.

– Йигитлар, кетдик! – деди Раҳматилла.

Тунги шаҳар хиёбонида чўккалаган алпозда ўша зиёли киши қолаверди.

"Демак, бу ишлар олдиндан режалаштирилиб, сўнгга амалга оширилган экан-да!" – дея ҳаёлидан ўтказди Нормуруд. Лекин бир одамнинг омон қолганидан кўнгли бир оз таскин топди.

Нормуруд лагерь ҳаётига охиста кўника борди. У энди ўзини анчагина бардам ва хотиржам тутарди. Унинг азалдан спорт билан машғул бўлгани, жисмонан бакуват экани, фарғонача кураш сир-асрорларини пухта билгани туфайли ҳарбий машқлар ва қўлаки жангларида яхши иштирок этиб, устозларининг назарига туша бошлади. У шуни яхши билардики, бу ерда ҳаёт-мамот учун кураш борар, ҳаёт нашидасини ҳис қилмай туриб беъмани, бемаврид ўлиб кетиш ҳеч гап эмасди. Бунинг устига мужоҳидларнинг мақсад муддаоси исломни ҳимоя қилиш эмас, балки ёшлар онгини заҳарлаб ҳокимиятни қўлга олишга қаратилган экани ва бунинг учун ҳар қандай ҳунрезликдан қайтмасликларини у англаб етди.

Қоидасиз жангга ўхшаб кетадиган мусобақаларнинг бирида лагерь бошлиғи Журжоний ҳам иштирок этди. Чунки у муштлашувларни тамоша қилишни жуда ёқтирарди. Ўшанда Нормурудни бир ғармий йигит билан уруштиришди. Жангда Нормуруд енгди. Бундан қувонган Журжоний юз-кўзи моматалоқ бўлиб шишиб кетган Нормурудни шахсан қутлади:

– Яшавор, ўғил бола! Жангда ҳам ўзингни шундай тута бил. Сендан ҳали жуда яхши жангари чиқади. Бугундан эътиборан сени ўнбоши этиб тайинлайман!

Бу воқеа бошлиқлар ишончи томон дастлабки қадам эди. Сўнгра у бошқа машғулотларда ҳам ўзининг фаоллиги ва қобилиятлилигини намойиш қила бошлади. Яна бир воқеа содир бўлдики, у бошлиқнинг тўла ишончига эришди.

Топшириқ мазмуни шундай эди:

Тоғли қишлоқларнинг бирида Хидирмат исмли ашаддий нашаванд бир гиёҳфуруш бўлиб, у Журжонийнинг одамларидан 3 кг атрофида марихуанани хорижга олиб бориб сотиб келишни ўз зиммасига олган ва бунинг учун уй-жойи ҳамда оиласини гаровга қўйган экан. У маълум муддат ўтгач бориб келган бўлсада, бу ҳақида ҳали ҳам ҳисоб бермай, яшириниб юргани маълум бўлиб қолибди.

Бундан хабар топган бошлиқнинг жиғибийрони чиқди ва кўз олдида машқ қилаётган Нормуродни ёнига чақириб унинг гуруҳига шу ифлоснинг ё ўлигини, ё тиригини топиб келишни буюрди. Нормурод бошлиқдан илк бор бундай жиддий мустақил топшириқ олди. Бундан хабар топган Раҳматилла "Бу овсарнинг кўлида ҳеч вақо келмайди, ҳали" деб қулиб қўя қолди.

Карим ана мана шу вазиятдан фойдаланиб қочиб қолишлари мумкинлигини дўстининг қулоғига аста шипшиди. Аммо Нормурод кўнмади.

– Йўқ Карим, – деди у жиддий, – биз аксинча бошлиқнинг янада ишончига кириб, ўз атрофимизга яхши йигитларни тўплаймиз. Кейин лагер ичкарасидан зарба беришга ҳаракат қиламиз. Бу уларни енгил учун бизникиларга ёрдам бўлади.

Карим ҳам ниҳоят дўстининг фикрини маъқуллади. У ҳам энди машғулотларда кўтаринки кайфият билан қатнаша бошлади.

Албатта, гуруҳ таркибида бошлиқнинг "қулоқлари" ҳам борлиги маълум эди. Шу туфайли икки дўст бошлиқнинг топшириғини "синов иши" деб қабул қилишди.

Нормурод ўз тактик режасини амалга оширишда гуруҳидаги ғирт каллакесар, ислом учун ўта фидойи бўлган мужоҳидлар билан гўё "бамаслаҳат иш" юритди. Натижаси ёмон бўлмади. Мужоҳидларнинг ҳаётий тажрибаси, қочкин Хидирматни ушлаш ва ундан оғунинг катта миқдордаги пулини ундиришда қўл келди. Уларнинг маслаҳатига кўра гуруҳ иши Хидирматнинг қария отаси ва оила аъзоларини гаровга олишдан бошлашди. Хидирматнинг акаси Аширматга бир кун муҳлат берилди. Аммо у укасини тополмаганини айтди. Шунда мужоҳидлар ҳеч иккиланмай унинг кўз ўнгида қариянинг томоғига пичоқ тортишди. Нормурод билан Каримнинг эслари оғиб қолаёзди. Яхшиямки қора никоблари бор эди. Уларнинг дил изтироблари сезилмади. Шундан сўнггина Аширмат Хидирматнинг яширинган жойини маълум қилди. Уни қийинчиликсиз тутиб келишди.

Шундай қилиб Нормурод бошчилигидаги жангарилар гуруҳи Журжонийнинг лагерига айбдор ва унинг катта миқдордаги пули билан кириб келишди. Бошлиқ топшириқни аъло даражада бажаргани учун Нормуроддан беҳад хурсанд бўлди ва Нормурод лагерда яхши мавқега эга бўлди. Бу ҳол Раҳматилланинг алами кучайишига ҳам сабаб бўлди.

Аммо бошлиқ Хидирматни ўлимга маҳкум қилмади. Бундан котиб Худоёрхон ажаблангандай бўлди.

– У ҳали жиҳод учун, Аллоҳ учун хизмат қилади.

– Қандай қилиб? – сўради котиб.

– Ундан ҳалиги нима дейди, пайти келганида "камикадзе" сифатида фойдаланамиз.

– Кўнмасачи?

– Кўнмай қаёққа борарди. Мен ундан ҳеч бўлмаса муштдеккина жонини Аллоҳ йўлига бахшида қилишини илтимос қиламан холос, – деди Журжоний айёрона ва тўсатдан ҳо-ҳолаб кулиб юборди. Кулгуси шундай жарангдор эдики, ҳатто стол устида турган чилим ҳам қимирлаб, устидаги эндигона тутай бошлаган наша пояси сочилиб тушди.

– Демак ҳаётида бир марта бўлсаям "яхшилиқ" қилиб кетар эканда-а? – деди котиб ва у ҳам "ҳе-ҳе"лаб кулиб қўйди.

V боб. ТУТҚУНЛИК

Омонзода билан Нурмат ака тоғ даралари оралаб узоқ юришди. Қош қорая бошлаган, от ҳам чарчади. Ниҳоят бир қишлоқ кўринди.

– Хайрият, етиб келдик, – деди Омонзода. – Шу ерда бир хонадонда тунаб қоламиз. Уй эгаси эски танишим бўлади.

– Сиз бу ерлардан олдин ҳам юрганмисиз? – сўради муаллим.

– Ҳа, лекин унда кўприк соз эди, машинада ғизиллаб келиб-кетаварардим.

Қишлоққа кириб келганларида оқшом чўккан эди. Кўчаларда ҳеч бир зог кўринмас, атроф хувиллаб қолган, дарахтлар ҳам ваҳимали шитирларди.

– Нимага бу ерда ҳеч ким кўринмайди-а?

– Одамлар тунда кўрқишади. Яқинда бу жойларда қирғинбарот жанглари бўлган-ди! Анавини қаранг! – деди Омонзода куйиб кетганидан қорайиб кўринаётган тепаликдаги бир хароба уйни кўрсатиб. – Бир пайтлар бу данғиллама ҳовли эди.

– Бу ерда кимлар-ким билан урушяпти, ўзи – ўша суннийлар билан шиаларми?

– Э йўқ, шаҳарликлар билан қишлоқликлар келиша олишмаяпти.

– Қайси шаҳар?

– Регар-да, Турсунзода ҳам дейишади-ку...

– Мақсадлари нима ўзи?

– Шаҳарга эгалик қилиш, чунки регарда катта алюминий заводи бор. Шаҳарни бошқариш, заводга ҳам эгалик қилиш дегани. Бу эса, жарақ-жарақ пулни қўлга қиритиш билан баробар.

– Қизик, қишлоқликлар қандай қилиб бу ишга аралашиб қолишди?

– Э, бу ерда гап кўп, отахон. Шаҳарда ҳалиги Карим мўйлов айтган Ибод дегани ҳукмдорлик қиларди. Унинг Қодир кал деган энг яқин ёрдамчиси ҳам бор эди. Қодир кал мана шу қишлоқда яшайди. Шунақа қишлоқлардан бир нечтаси Ленин колхозига бирлашган. Нима бўлди-ю Ибод билан Қодир ўртасида кескин низо чиқди. Шундан сўнг Ибоднинг лашкарларидан Қодирнинг Ленин колхозилик лашкарлари ажралиб бир-бири билан шаҳарни эгаллаш учун жиққамушт бўлиб ётишибди.

– Ҳозир тинчиганми, ишқилиб? Шаҳар кимнинг қўлида?

– Ҳозир Ибоднинг қўлида бўлса керак. Яна билмадим. Бир кун униси эгаллайди, бир кун буниси. Нима бўлганда ҳам оддий халққа жабр бўлаяпти-да...

– Ҳа, нимасини айтасиз, ёмон бўлибди.

– Умуман бу ерларда юриш жудаям хавфли.

– Нега? – сўради Нурмат ака.

– Чунки, бизни ҳам шаҳарлик деб ўйлашлари мумкин-да, – деди Омонзода атрофга олазарак ҳолда қараб олиб.

Нурмат аканинг ҳам юраги бирдан "шувв" этиб кетди. У ҳам беихтиёр атрофга хавотирли қиёфада боқди. Назарида аллақандай шарпалар уларни кузатаётгандай туюлди. От ҳам қандайдир нохушликни сезгандай бир-икки бор безовта кишнаб қўйди. Ниҳоят, ана шу кўрқинчли оқшом қўйнида Омонзоданинг танишининг эшигига рўбарў келишди. Омонзода атрофга яна бир бор диққат билан назар ташлаб олди-да, қамчисининг дастаси билан эшикни астагина қоқди.

– Каримберди ака! Ҳо, Каримберди ака!...

Бирдан ит ваҳимали акиллай бошлади. Кўчанинг нариги томонидаги пастқам девордан бир нима тушгандек бўлди. Ҳар икки йўловчи у томонга "ялт" этиб қарадилар. Лекин ҳеч ким кўринмади. Омонзода яна бор кучи билан эшикни тақиллата бошлади. Ниҳоят, ичкаридан кимнингдир йўталгани ва "Ким у?" – деган сўроғи эшитилди.

– Мен, Омонзодаман! Очинг, эшигингизни.

– Қайси Омонзода?! – деган товуш чикди ичкаридан.

– Янгибозорлик. Эсингиздами, келиб турардим-ку! Мени жирғатоллик Худойдод юборди, меҳмоним ҳам бор.

– Қанақа меҳмон.

– Ўзбекистонлик, Худойдод аканинг меҳмони-да.

– Яна ким бор?

– Бошқа ҳеч ким йўқ!...

Чамаси, мезбон уларни тиркиш орқали зимдан кўздан кечириётганди.

– Кўчада ким бор экан?

– Ҳеч ким?

– Мабодо сизларни орқаларингдан ҳеч ким кузатиб келмадимми?

– Йўқ, – деди Омонзода шивирлаб ва ишонч ила ва атрофга яна бир бор назар ташлаб олди.

Ичкаридан милтиқнинг ўқлангани ҳамда эшик занжирининг туширилгани эшитилди. Омонзода эшикни оҳиста итарди ва ичкарига бошини суқди.

– Ассалому алайкум, узр!

Ичкаридан ориқдан келган, эгнига ола йўлли чопон кийиб олган, милтиқ кўтарган ўрта ёшлардаги бир киши чиқиб келди ва эҳтиётлик билан кўчага чиқиб атрофни кузатди. Фақат шундан кейингина меҳмонлар билан қўл бериб кўришди.

– Қани, тезроқ ичкарига кира қолинглар. Рост, сизларнинг меникига келганингизни ҳеч ким кўрмадимми?

– Э, йўқ! – деди Омонзода отнинг юганидан тортаркан, – Узр, сизни бемаҳалда безовта қилдик. Дарё кўприги бузилган экан. Машинани қирғоқда қолдириб, сувни кечиб ўтишимизга тўғри келди.

У отни бостирма устунига чаққонлик билан боғлади-да, келиб Нурмат аканинг қўлидан оқ сумкани олди.

– Бу киши меҳмонлар. Менга бу кишини чегарадан Ўзбекистонга кузатиб қўйишни тайинлашган.

– Ҳа, анча йўл юрибсизлар-да, – деди уй эгаси самимий гапириб эшикни қулфларкан. – Қани, марҳамат қилсинлар! У томонлар қандай, тинчиб қолдимми?

– Э, қаёқда, ҳаливери тинчишидан дарак йўқ... Бу уруш дегани бутун республикага ёйилди.

– Ҳа, бизда, айникса, ёмон бўляпти. Қанча бегуноҳ одамлар аёвсиз нобуд бўлишди. Оддий халққа жабр бўлди. Бу бойваччалар нимани талашади, ҳайронман.

– Нимани бўларди, заводни-да!...

– Ҳа, бу заводи курғур халқнинг бошига битган бало бўлди. Унинг дастидан деҳқончилигимиз ҳам расво. Шундай чиройли анорларни ёрсанг ичи қоп-қора курум чиқади. Бу йил, ҳатто бўғдойларга ҳам таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Бошоқлари шундоқ пуч...

Мезбон одамлар аҳволидан нолий-нолий, меҳмонларни алоҳида қурилган чоғроқ меҳмонхонасига таклиф қилди. Улар жойлашиб ўтириб олишгач, замонга тинчлик-хотиржамлик тилаб, юзларига фотиҳа тортишди ва бир-бирларидан ўзаро ҳол-аҳвол сўраган бўлишди.

– Мен ҳозир, – деди Каримберди ака суяб қўйган милтиқни хижолатлик билан қўлга олиб ўрнидан кўзгалар экан. – Қандай кунларга қолдик-а, астағфируллоҳ, уйингга келган меҳмонни милтиқ билан кутиб олсак-а...

– Ҳа, нимасини айтасиз, замон нотинч-да. Лекин сиз ҳеч нарсасига уринманг. Бизлар сахар туриб яна йўлга чиқамиз.

– "Меҳмон – атойи худо" деганлар. Ҳеч хижолат бўлмай бемалол ўтираверинглар. Мен ҳозир чой дамлайман.

Каримберди чиқиб кетгач Омонзода сумкани олди-да, уни қаергадир қўймоқчи бўлиб, жой излади. Уй тўрида турган диван суянчиғини кўтариб, ортига яшиаркан:

– Ёмон кўздан нарироқ, – дея у Нурмат акага қараб кулиб қўйди.

– Ҳа, албатта, – деди Нурмат ака самимий ва Омонзоданинг бу ҳаракатини ўзича ҳазилга йўйиб, хушёрлик деб ўйлади.

Мезбон билан меҳмонлар ўртасида бир оз қизгин гурунг бўлди. Каримберди ака қишлоқдаги ҳозирги аҳвол тўғрисида Қодир калнинг жангарилари Регарни қўлга олишга уринишаётгани, баъзида ғалаба қилгандек бўлишса, баъзида енгилаетганликлари, бу ерларда ҳаёт тобора издан чиқиб бораётганлиги ҳақида қисқача сўзлаб берди.

– Ҳа, биз дарё кечувидан ўтаётиб, ўликларни кўрдик, – деди Нурмат ака. – Эссиз одамлар, хор бўлиб чириб ётишибди.

– Ҳа, жуда ёмон бўлди, – мезбон тасдиқлаб, оғир хўрсинди, – инсон умри бир чақага ҳам арзитай қолди. Бу жангарилар ҳам бирор кун инсофга келиб қолишар...

Шу пайт эшик қаттиқ тақиллаб, ит хура бошлади.

– Оббо, – деди Каримберди безовталаниб, – Яна биров келдимикан-а, бемахалда...

У чироқни ўчириб қўйди.

– Мен ҳозир секин хабар олайинчи.

– Мен ҳам бораинми? – сўради Омонзода.

– Йўқ, сизлар бемалол ўтираверинглар. Мен нарвондан қарайман, – деди у кетатуриб.

– Бўлмаса биз ҳам ёта қолайлик, – деди Омонзода ва қоронғуликда дастурхонни йиғиштирган бўлди. – Сиз отахон, анави диванга чўзила қолинг. Мен шу ерда мизғиб оламан. Ғира-ширадаёқ бу ердан чиқиб кетамиз.

– Хўп майли, – деди Нурмат ака ва дастурхонга ўзича фотиҳа қилган бўлиб сўради. – Тинчликмикан, ишқилиб?...

Бу пайтда Омонзода деразадан ташқарига олазarak қараётган эди. Унинг кўзи деворга суялган нарвон орқали кўчага оҳиста қараётган Каримбердига тушди. Шу пайт девор устида бир нечта қандайдир қора шарпалар пайдо бўлишди ва бир-бир пастга сакрай бошлашди.

Каримберди ака эса нарвонда турганича қотиб қолди. Акиллаётган ит бир-икки вангилладию тинчиди.

– Нурмат ака, қочдик! – дея жон алпозиди қичқирди Омонзода.

– Қаёққа? – деди Нурмат ака ҳайрон.

– Тез бўлинг, ярамаслар изимиздан тушишган экан!

– Сумкачи?

– Тураверсин!

Улар меҳмонхонадан оҳиста чиқиб молхона олдидаги ғўзапоё ортига яширинишди.

Ниқобли кишилар Каримбердини бирпасда нарвондан тушириб олишди.

– Келган одамлар қани? – сўради ниқоблилардан бири паст овозда.

– Анави меҳмонхонада, – деди у шивирлаб.

– Улар кимлар?

– Бирови эски танишим, иккинчисини тўғриси, танимайман, ўзбекистонлик экан.

– Қуролланганми?

– Йўқ, сезмадим...

Улар секин келиб меҳмонхонани қуршаб олишди ва Каримбердини ичкарига киришга ундашди. У ичкарига кириб чироқни ёқди.

– Қани улар?! – дея яна дўқ урди ўша ниқобли.

– Билмадим, шу ерда тунаб қолишганди.

– Қочишибди. Узоққа кетишмаган. Ушланглар уларни!

Шу пайт жангарилардан бири молхона ичкарисига аста бошини сукди ва ичкари кириб кетди. Жангариларнинг бирови ҳовли томонга, бошқаси Каримберди турадиган уйга, қолганлари бўлса кўчага қараб чопишди.

Фурсатдан фойдаланган Омонзода Нурмат акага молхона томини кўрсатди ва ўзи оҳиста бориб ташқарига туртиб чиққан хариға осилди ва томга чаққонлик билан чиқиб олди. Лекин бу пайтда молхонадан ҳалиги жангари чиқиб қолди ва Нурмат акага кўзи тушди.

– Тўхта! Отаман!

Нурмат ака қўлини кўтарганича кўрқувдан дағ-дағ титраб, қотиб қолди. Омонзода бўлса қочиб кетмоқчи бўлиб, бостирма томига сакради. Лекин чириган ғўзапоё босилган бостирманинг омонат томи панд берди. Том тешилиб икки оёғи белигача пастга осилиб тушди. У яна тирмашиб чиқиб қочмоқчи бўлганди, ҳалиги жангари автоматини ишга тушириб юборди ва Омонзоданинг баданини тилка-пора қилиб ташлади...

– Эй аҳмоқ, нега отдинг! Уни тириклайин ушлаш керак эди? – дея қичқирди бирови.

Ниқоблилардан бири келиб даҳшатдан қотиб қолган Нурмат аканинг қўлини орқасига қайириб боғлаб ташлади ва Каримберди икковига автомат тумшукларини қаратганича олдиларига солиб олиб кетишди.

"Эссизгина Омонзода, худо раҳмат қилсин, яхши бола эди. "Мени кузатиб кўяман" деб ёш жонига жабр қилди-я..." – дея хаёлан сўзлаб борарди Нурмат ака. –

Булар ўша Қодир калнинг одамлари бўлишса керак. Бизларни ҳақиқатдан ҳам Ибоднинг одамлари деб ўйлашгани аниқ... Оббо, энди нима бўлади? Э худойим, яна қандай синовларинг бор? Ишқилиб бу дўзах оловига айланган юртда ўлигим хор бўлиб қолиб кетмасайди? Ким олиб кетарди? Бу ерларни ким ҳам топиб кела оларди?..” Нурмат ака ана шундай нохуш ўйлар остида қоронғу йўлакда туртина-суртина босқинчилар қистови билан тез-тез юриб борарди. Унинг ёнида қорама-қора бораётган Каримберди ҳам миқ этмасди.

Асирларни пахса билан қурилган полсиз, захкаш, зим-зиё кулбалардан бирига киритишди-да устларидан занжирни илишди. Хона тутқунларни ушлаб туриладиган ва ҳатто уларни ҳожатга ҳам олиб чиқилмаслиги сезилиб турар, чунки сассиқ қўланса ҳид ҳавосини димиқтириб юборганди.

– Асқар! – деди босқинчиларнинг бири, – Сенлар Акрам икковинг буларга пойлоқчилик қиласанлар! Биз Қодир акага хабар қиламиз. Мабодо, у киши дам олаётган бўлсалар, эрталаб келамиз.

– Хўп бўлади! – деди Асқар дегани.

– Билиб қўйларинг, қочириб юборсанглар нақ териларингни шилиб оламан-а? Уларнинг кетишган шарпалари эшитилди.

– Э худо!... – дея илтижо қилиб нолий бошлади Каримберди, – Қандай кунларга қолдик-а?... Сизлардан сўрадим-ку, ахир "ортларингдан ҳеч ким тушмадими", дедим-ку!...

Нурмат ака оғир хўрсиниб қўйди:

– Қайдан билайлик, кўргулик экан-да...

– Ҳе, ўша кўргулик курсин, энди бекордан-бекор ўлиб кетишимиз мумкин.

– Пешонада борини кўраверамиз-да...

– "Пешона-пешона" дейсиз, ахир бола-чақаларнинг аҳволи не кечади? Уларни энди ким боқади?

– Билмасам, – деди Нурмат ака оғир хўрсиниб, – Худо ўзи бир йўлга бошлар...

– Ҳой Асқар! – дея қичқирди Каримберди шу маҳал. – Мен сенинг поччангни тоғасининг ўғли бўламан-а, биласанми?

– Ҳа тоға, биламан. Ахир нима қилай, кимни бўлса уйингизга олиб кираверасизми? Кўриб турибсиз-ку аҳволни!... Сизларни эрталаб қўйиб юборишади, кўркманглар.

– Ҳеч бўлмаса қўлимизни бўшатиб қўй, номард!

Орага бир оз жимлик чўкди. Ниҳоят кулфга солинган калитнинг китирлаган овози эшитилди.

– Қани биттадан келинглари! – деди Асқар. – Лекин айтиб қўяй, эрталаб яна боғлаб қўямиз. Бошлиғимиз келса гап тегади.

– Кўркма, сенга гап тегмайди, – деди Каримберди пичинг қилиб.

Уларнинг қўллари ечилгач, эшик яна одатдагидек кулфланди. Бу сафар "меzbон ила меҳмон" тим қоронғулик оғушида қолишди. Бир оз нима қилишларини билмай тик туришгач, қўл билан тимирскилаб ўзларига маъқулроқ жой излай бошлашди.

– Ух-ухх, иш падарингга лаънат! – дея Каримбердининг жаҳли чиқиб, сўкинди.

Чамаси у пешонасини рўпарасидаги устунга қаттиқ уриб олганди...

* * *

Омонзодадан хадеганда дарак бўлавермагач, Худойдоднинг оёғи куйган товукдек тинчи йўқолди. "Тик" этса эшикка қарайди. Ўз-ўзидан хавотирланиб кўчага чиқади. Узоқдан келаётган ҳар қандай машинага кўз тикади. Ёнидан тўхтамай ўтиб кетгач эса, ортидан то кўздан йўқолгунича тикилиб қолади. У ёқ-бу ёққа бетоқат юриб охири яна уйига қайтиб киради.

"Нима қилсам экан? Қаерларда юрибди бу мочағар, ўғривачча?!" – деб савол беради ўз-ўзига.

Режа бўйича у ўша куни Нурмат акани чегарадан ўтказиб қўйгач, сўнгра Тошкентгача уни кузатиб, кетидан изма-из бориши, Аҳмадхўжани топиб, иложи бўлса, "юк"ни ўз қўли билан топшириши, Худойдодга бу ҳақида хабар бериши ва зудлик билан ортига қайтиши ёки бошқа топшириқ олиши керак эди. Мана уч кундирки, у бетовфиқ на қўнғироқ қилади, на хабар. "Ё чегарада қўлга тушиб қолдимикан-а? – дея фикрлай бошлади Худойдод сўрида ўйчан ўтираркан, – бу бўлиши мумкин эмас, чунки қўлга тушса ануви Нурмат ака тушарди. Кейин Омонзодада Ўзбекистонда ҳам яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжат бор. Демак, бу ҳолатлар бўлиши қийин. Фақат бошқа икки ҳолат бўлиши мумкин. Ё Омонзода "юк"ни олиб ўзи Россияга сурворган ёки бирор ҳалокатга дучор бўлган. Таксида кетишган эди, қизиқ. Ҳа айтгандек, киракашни танийман-ку, ўшани топиш керак, уларни қаерга ташлаб келди экан?"

– Акои Шариф, ҳо Шариф ака! – дея қичқирди у ҳовли томонда рўзғор ишлари билан уймалашиб юрган хизматкорини чақириб.

– Лаббай, хўжайин! – деди ака Шариф итоатгўйлик билан чопиб келиб.

– Гузардаги Жомий кинотеатрининг олдида киракаш машиналар туради-ку! Ўша ерга тез борингда, Шомирза деган "06" оқ жигулиси бор киракашни топинг. Ундан "ўтган кунги Омонзода билан бир меҳмонни қаерга олиб бордингиз?" деб сўранг. Э, яхшиси, мени олдимга бирров келиб кета қолсин. Ўзим сўрай қоламан, хўпми?

– Хўп бўлади, хўжайин! – деди-да у эшик томон чопди ва яна тўхтаб сўради: – Ҳа, мабодо уни топа олмасам-чи?

– Ҳа йўқ бўлса, уй манзилини топингда, уйига бориб келинг. Уни ҳамма киракашлар яхши танийди.

Лекин қўп ўтмай Шариф ака тунд киёфада кириб келди. Шомирзани ҳеч ким кўрмабди, уйига ҳам қайтмаган. Уйдагилари ҳам хавотир олиб ўтиришганмиш. Бу хабар Худойдодни янада бетоқат қилди ва маслаҳат учун укаси Худойбердини чақирди.

Худойберди Омонзода билан бир марта ўша йўлдан бориб бир оз "юкни" ўтказиб келишганди. Унда "юк элтувчи" вазифасини Омонзода бажарган, ўз ҳаётини таҳликага қўйиб таваккал қилганди ва ишни яхши бажариб Худойдоднинг ишончига кирганди. "Нурмат ака" фикри аслида Омонзодадан чиққан бўлиб, бу сафар Худойдод ўз укасини бу ишга аралаштиргиси келмади. Худо кўрсатмасин, бир балога гирифтор бўлса, ўз укасидан айрилиб қолмасин тагин...

Шундай қилиб, Худойдод Худойбердидан Омонзода изидан Узунгача бориб келишни илтимос қилди. Ҳар эҳтимолга қарши котиб Худоёрхон укасининг ҳузурига бориб, аҳволни тушунтириб, уч-тўрт "боевик" бериб туришни илтимос қилмоқчи эканлигини ҳам айтди.

– Ҳозирча "боевик"лар шарт эмас, – деди Худойберди акасининг мулоҳазасини тинглаб, – мен ўзим бир ўртоғим билан Омонзоданинг изидан бориб

келамиз. Агар зарурат бўлса уяли телефон орқали сизга хабар қиламан. Ҳар эҳтимолга қарши Худоёрхон акамни бу ҳақда огоҳлантириб қўйинг. Улар бирор жойда қамалиб қолган бўлиши мумкин. Унда қутқаришга тўғри келади.

– Ҳа дарвоқе, Регарда Ибод билан Қодир кал ўртасида уруш бораётибди. Улар ишқилиб шу ишга аралашиб қолишмадимикан?

– Ҳар нарса бўлиши мумкин. Бўпти, мен бориб тайёргарлигимни кўрай. "УАЗ"да борамиз, йўллар ёмон.

– Ҳа майли, эҳтиёт чораларини ҳам кўринглар. Эҳтиёт бўлинглар. Менга кетаётганингда хабар қил.

– Хўп, хавотир олманг, Омонзодани яхши биламан. У мендан қочиб кутулолмайди. Ҳа, зарурат бўлиб қолса, мен Термиздан Тошкентга учиб кетаман ва Аҳмадхўжага ўзим учрашиб келаман.

– Майли, яхши. Бу ишни ўзинг охиригача етказоқол. Ҳозирги замонда бегоналарга ишониб бўлмай қолди. Шуни билиб қўй, агар "юк"ни тополмасанг Журжоний Худоёрхон акангнинг калласини олади-я! Унга панд бериб қўймаслигимиз керак, тушундингми?

– Тушундим, бўпти, мен икки соатдан сўнг йўлга чиқаман.

Худойберди кетди. Худойдод ҳам тараддудланди-да, укаси Худоёрхон хизмат қилаётган Журжонийнинг лагерига отланди. Чунки, бўлаётган ишлар ҳақида у албатта Худоёрхонга шахсан хабар бериши ва навбатдаги режаларни тузиб олишлари керак эди.

Худоёрхон акаси Худойдодни илиқ қарши олди, лекин Омонзоданинг бедарак кетганини эшитиб у ҳам бетоқатлана бошлади:

– Сиз келиб-келиб бир ўғриваччага ишондингизми, ака! "Юк" қўлдан кетса, менинг ҳолим нима кечишини биласизми, ўзи?

– Ахир, бу дунё таваккал дунёда...

– Сизнинг бу таваккалийиз менга қимматга тушади. Журжонийнинг олдида нима деган одам бўламан, ахир! – деди хуноби ошиб Худоёрхон.

– Хабар келиб қолар, кутайлик-чи!...

– Хўш, келмаса-чи? Ўша Омонзодани юборишингизни билганимда эди, ундан кўра менинг ўзим бориб қўя қолардим, ака!... Ё ундан кўра ўзийиз бормаисизми! Бир миллион долларлик товарга-я?! – деди у бетоқат у ёқ-бу ёққа юриб.

– Ўзингни бос, ука. Мен унинг изидан Худойбердини юбордим. Шу бугуноқ соткасида хабар қилади. "Зарур бўлса, уч-тўрт "боевик" керак бўлиб қолади. Бу ҳақида Худоёрхон акамни огоҳлантириб қўйинг" деб айтди.

– Хўп, – деди Худоёрхон ниҳоят ўзини босиб ва ҳолатга жиддийлик билан қаради. – Демак, нима қилишим керак?

– Биринчидан укангни қўнғироғини кутамиз, иккинчидан улар Регардаги уруш ҳаракатларига аралашиб қолган бўлиши мумкин. Ибодни топиб гаплашишимиз керак.

– Ибоднинг мен билан муносабати яхши. Тўртта БМП олиб беришда ёрдамим теккан эди.

– Телефони борми?

– Ҳа, бор, – деди Худоёрхон ва блокнотини варақлай бошлади.

Топди шекилли, рақамларни терди.

– Алло, бу Ибод аканинг қароргоҳими? Мен лагердан, Журжонийнинг котиби Худоёрхонман, сардорда зарур гапим бор эди.

Бир оз сукутдан сўнг Ибоднинг хириллаган овози эшитилди:

– Эшитаман, хизмат?..

– Ассалому алайкум, Ибод ака! Хуллас, бизнинг одамимиз, бир ўзбекистонлик меҳмонни кузатиб қўйиш учун кетувди. Уч кундан буён дараги бўлмаяпти.

– Исми?...

– Омонзода.

– Шериғи-чи?

– Нурмат ака. Кексароқ киши.

– Бўпти. Бугун кечгача аниқлаб, сизга хабар қиламан.

– Раҳмат, саломат бўлинг..., дея – алоқани узаркан Худойдодга ўгирилди:

– Бўпти, ака. Сиз уйга бораверинг, хабарлашамиз. Мен ҳар эҳтимолга қарши уч-тўрт "боевик"ни тайёрлаб қўяман.

Кечга яқин Худойберхон қўнғироқ қилди:

– Ака, Ибод ака хабар қилди. Унинг одамлари уч кун аввал икковини бир отга мингашиб кетишаётганида тўхтатиб текширишган экан. Улар Ленин колхозига тарафга кетишибди. У ерда Қодирнинг одамларидан суриштириш керак, – деб айтди.

– Хўп майли, раҳмат ука! Энди Худойбердидан хабарни кутайлик-чи, шунга қараб иш қиламиз.

– Яхши, унинг хабарини менга тез етказинг. Мен туни билан ўз кабинетимда бўламан.

– Хўп келишдик, – деди Худойдод ва трубкани қўйиб Худойбердининг уяли телефони рақамини тера бошлади.

– Алло, Худойберди, мени эшитяпсанми?

– Ҳа-ҳа, биз Ширкент дарёси қирғоғидамиз. Ануви "Жигули"ни топдик. Улар дарёни кечиб ўтишган кўринади.

– Кўприк-чи?

– Кўприк бузилган экан.

– Бўлмаса тезда айланиб ўтиб Ленин колхозига жўнанглар. Уларни охириги марта уч кун бурун икковини отлик ҳолда кўришган экан. Қодир калнинг одамларидан суриштиринглар.

– Бўпти, биз кетдик бўлмаса...

– Етиб бориб менга хабар қил.

* * *

Ниҳоят ярим тунда Худойберди қўнғироқ қилди.

– Алло, эшитяпсизми? Хуллас, икковини Қодир калнинг одамлари ушлаб олиб, қамаб қўйишибди. Эртасига эрталаб биттасини чиқариб юбориб иккинчисини, яъни ўзбекистонликни гаровга олиб қолишибди.

– Омонзодани қўйиб юборишибдими?

– Шунақа бўлса керак. Қодир "Ўзбекистонликни бирор асирга алмаштирамиз, ё эвазига ким 5000 доллар берса олиб кетаверсин" – деганмиш.

– Бошимизга урамизми уни! Хўш, Омонзода қаёққа кетибди?

– Билмайман.

– Сен "юк"ни топ, "юк"ни! – дея қичқирди Худойдод хуноби ошиб.

– Хўп. Мен суриштириб сизга яна хабар қиламан.

Худойдод ҳам, Худоёрхон ҳам ўша кечаси мижжа қоқишмади. Икки кўзлари телефонда бўлди. Ниҳоят тоқати тоқ бўлган Худойдод ўзи телефон рақамларини терди.

– Қаерда юрибсан, ярамас?! Нега кўнғироқ қилмайсан?! – дея ўшқириб берди у жаҳли чиқиб.

– Иш чаток, ака!

– Хўш-хўш, гапирсанг-чи!

– Омонзодани ўлдиришибди.

– ...Э худойим-ей! Худо раҳмат қилсин.

– Хуллас, ака, гап бундай, Омонзода қамалмаган экан. У қочиб кетмоқчи бўлганида отиб ташлашибди. Қамалган Нурмат ака билан уйнинг эгаси экан.

– Сумкачи, сумка?!...

– Улар миниб келган от турибди, лекин сумка йўқ. Уйни эгаси Каримберди ака деган одам "Улар келганида кўлларида алланима бор эди, кейин билмайман" – деб айтяпти. Ўликни бугун эрталаб қабристонга омонат кўмиб келишибди.

– Нурмат акадан сўрамадингми?

– Йўқ, унга яқинлаштиришмади. "Залог бериб, олиб кетавер" – дейишди.

– Аблах, ит эмганлар! – деди жаҳли чиқиб Худойдод ва телефон гўшагини уриб пачоклаб юборишига оз қолди. – Вей, менга қара, "мен Журжонийнинг котиби Худоёрхоннинг укаси бўламан" демадингми?!...

– "Бизга деса Худоёрхоннинг ўзи бўлмайсанми, биз бошлиқнинг буйруғини бажарамиз, яхшиликча туёғингни шиқиллат" дейишди.

– Бўпти, тушунарли, сен Регар йўлидаги постда бўлиб тур, мен Худоёрхоннинг олдига кетдим. Йигитларни Қодирнинг олдига юбораман. Яхшиликча кўнишмайди шекилли, мочағарлар!

* * *

Худоёрхоннинг тўсатдан ярим тунда Раҳматиллани йўқлаши уни ажаблантирди. "Тинчликмикан ишқилиб, ё бизникилар жиходни бошлаб юбордимикан?" деган ўйга борди. У котиб ҳузурига шошиб бораркан, униб-ўсган она-кишлоғи ва оила аъзоларини кўз олдига бир-бир келтирди. "Худо хоҳласа мен шундай ғолиб бўлиб қайтайинки, ҳамма қойил қолсин. Душманларим, менга ғайирлик қилганларнинг барчаси оёқларим остига йиқилсин. Ҳатто, бурни кўтарилиб, бировга гап бермайдиган Соли эчки ҳам унга қуллук қилсин... Уларга кўрсатиб қўяман ҳали!" Раҳматилла ана шундай хом хаёллар оғушида ўзича минғирлаб котиб ҳузурига кириб келганини ҳам билмай қолди.

– Фаросат борми ўзи сенда, ука? Салом йўқ, рухсат сўраш йўқ! – дея ўшқириб берди котиб.

– Э узр. Салом-алайкум тақсир. Хаёлим сал паришонроқ бўлиб...

– Ҳа, пулингиз кўпайиб қолгандир-да-а! – деди котиб пичинг қилиб.

– Йўғе, ҳаммасини баҳоли қудрат хазинага топширяпман-ку. Йўқ эмас, оз-моз тушум ҳам бор, албатта. Тирикчилик дегандай...

– Ҳа, дуруст. Мен сени мана шу тўғри сўзлигинг, мардлигинг учун ҳурмат қиламан-да.

– Бирор хизмат бормиди, тақсир?

– Ҳа, бор. Лекин бу сафар жиддийроқ!

– Кимнинг калласини олиб келиш керак, тақсир? – деди Раҳматилла мийиғида кулиб.

– Ҳа, айёр. Биламан сени калла эмас, салла қизиқтиради. Хуллас, йигитларинг билан топшириғимни қойиллатиб бажарсанглар 5000 кўкидан оласан.

– Хизматингизга тайёрман, тақсир! – деди Раҳматилла икки қўлини кўксига қўйиб итоатгўйлик билан.

– Хуллас, бизнинг бир ўзбекистонлик меҳмонимизни Қодир калнинг одамлари ушлаб гаровга олишибди. Унинг қўлида бизнинг Ўзбекистондаги биродарларга етказиш керак бўлган махфий пакет бор. Уни бировга совға-салом сифатида олиб бориб беринг, деб сумка ичига яшириб бериб юборганмиз. Қисқаси, бу ёғи сени қизиқтирмаслиги керак.

– Мен нима қилишим керак?

– Сен ўзингни йигитларингдан олиб Қодир калнинг ҳузурига борасан, кейин гаровдаги кишини озод қилиб уни ишончли йигитлар билан бирга Ўзбекистонга ўтказиб юборишинг керак. Ўзинг борсанг ҳам бўларди-ю, лекин сен у ерда қидирувдасан-да!...

– Улар қаерга бориши керак?

– Чегарадан Узун ёки Деновга ўтиб аввало, меҳмонни сумкаси билан кузатиб қўяди, сўнгра, ўзи Тошкентга изма-из етиб бориб сумкани ўша киши томонидан бизнинг Аҳмадхўжа исмли одамимизнинг қўлига берилганини кўргач, ортига қайтади. Бир йўла у ердаги сиёсий вазиятни ҳам билиб келади.

– Тушунарли. Демак, мабодо текширувлар бўлиб қолса ўша меҳмон кишини ўзи жавоб бераверади. Менинг одамим кузатувчи бўлиб боради холос, шундоқми?

– Ҳа. Шундоқ.

– Ўша киши текширувда қўлга тушиб қамалиб қолса-чи?

– Менга деса ўлиб кетмайдими? Биз учун муҳими – сумка. Сенга мана бу пулни нима учун тўлаяпман, ахир! – деди Худоёрхон тутоқиб, стол устига бир талай долларни ташлади. – Агар одамнинг топшириқни аъло даражада бажариб келса яна шунча оласан. Бу ёғи сенинг ишинг.

– Бўлди, тушундим, – деди Раҳматилла аста пулга қўлини узатаркан. – Ўша кишини махфий пакетдан хабари борми, ўзи?

– Йўқ. Агар хабардор бўлиб қолиб, бирор ножўя ҳаракат қиладиган бўлса, у кишини дарҳол гумдон қилишларинг мумкин.

– Хўп, бу ишга қачон боришимиз керак?

– Ҳозирок!

– Қодир кал билан келишув қандай бўлади?

– Буни уч йўли бор, биринчиси, ё унга мана бу пулни тўлаб, асирни осонгина гаровдан озод қилиш, иккинчиси, яхшиликча келишиш, учинчиси жанг қилиш. Шу холос.

Раҳматилла ковоғини уйиб ўйлаб қолди:

– Ҳм-м..., масала жиддийга ўхшайди. Хўп, қаерга боришимиз керак?

Худоёрхон харитани олиб унга тушунтира бошлади ва постларнинг бирида унинг укаси Худойберди кутиб турганини, шунинг учун тезлик билан етиб боришлари лозимлигини уқтирди ва бошқа топшириқларни ҳам берди.

– Ҳа айтгандай, – деди котиб кетаётган жангарига, – у кишини сен танийсан.

– Ия! Қаердан?!... – деди Раҳматилла таққа тўхтаб.

– У киши сенинг ҳамқишлоғинг, Нурмат ака деган одам бўлади.

– Ие, Нормуроднинг отасими?

– Ҳа, лекин бу ҳақида унга асло айта кўрма, хўпми?

Раҳматилла бир оз ўйланиб қолди.

– Мен бўлсам ўзим билан Нормуродни ҳам олволмоқчи эдим.

– Уни асло ола кўрма. У йигитга хўжайин бошқа топшириқ бермоқчи, – деди Худоёр ўйчан чўққи соқолини оҳиста силаб қўяркан.

Раҳматилла котиб ҳузуридан ўзгача кўтаринки руҳ билан чиқиб бараклар томон чопиб кетди ва йўл-йўлакай лагер ҳарбий техника бошқонига учрашиб зудлик билан бир яхши бронемашинасини чиқаришни тайинлади. Йўл-йўлакай машқ қилаётган жангариларга кўзи тушди. Улар ичида ҳамқишлоқлари Нормурод ва Карим ҳам бор эди.

– Бўпти, яхши қолинглар, – деди у Каримга қўл бериб. – Мен сафарга кетаяпман.

Карим унга ихтиёрсиз қўл берди, гапига жавоб ҳам қайтармади. Бу унинг Раҳматилланинг қилаётган ишларидан норози эканлигидан далолат эди.

– Отанга салом айтаман, – деди у Нормуродга рўбарў бўлиб дабдурустан.

– Нима, мен отамни тушингизда кўрдингизми? – деди Нормурод ҳам гаплашгиси келмай кесатиб.

– Ҳа энди, айтдим-қўйдим-да, жўра. Мабодо... – деди сирли қилиб иршайиб қаради ва чўнтагига қўлини тикиб бир пачка пулни сийпаб қўйди-да, тезда нари кетди.

– Ифлос, тўнғиз! Мени масҳара қилаяпти, – деб ижирғаниб қўйди Нормурод.

– У ҳақиқий каллакесар, у билан ҳамқишлоқ бўлганимдан ор қиламан, – деди Карим ҳам.

* * *

Раҳматилланинг жангарилари Қодир калнинг ҳузурига тонг ғира-ширасида етиб келишди. Улар йўл-йўлакай Худойберди тузиб қўйган режа асосида иш тутишиб, дастлаб Қодир калнинг поччасини қўлга олишди ва уни Сардорнинг олдида жўнатишди. Қодир калнинг опаси ва ҳали уйқудан уйғонмаган жиянлари ўз уйида гаровда қолишди. Уйнинг эшиги кулфланди ва атрофига бензин сепилиб ўт кўйишга шай қилиб қўйилди.

Қодир кал Журжонийнинг жангарилари келганини эшитиб капалаги учиб кетди:

– Нима мақсадда келишибди?!

– Гаровдаги бир ўзбекистонлик кишини талаб қилишяпти. Кейин уларнинг одамини нима учун ўлдиришганини аниқлашмоқчи, шекилли! – деди унинг поччаси билан бирга кириб келган соқчи.

– Солибек қани? – деди у ўзининг ёрдамчиси билан маслаҳатлашиб олиши зарурлигини кўзлаб.

– Бомдодни ўқиётган бўлса керак.

– Э, чақиринг уни. Намозга бало борми шу тобда? Бомдодмиш-а...

Бир оздан сўнг юз-кўзидан зиёлилиги шундоқ сезилиб турган, чўққи соқолли кўзойнак таққан Солибек ҳозир у нозир бўлди.

– Не гап, хўжайин, тинчликми?

– Эшитганингиз, – деди Қодир кал қуруқ қилиб, – Хўш, нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

– Ҳай-хай, Журжоний билан ҳазиллашиб бўлмайдими-я, "Душманинг битта бўлса ҳам кўп" деганлар. Билишимча, Ибод улар билан ҳам яхши муносабатда. Агар бирлашиб қолишса, худо кўрсатмасин...

– Хўп ануви кишини ҳозироқ чиқариб юборамиз, лекин ўлган одам ҳақида нима деймиз?

– Қочмоқчи бўлиб, бизнинг одамга ҳужум қилди, у ўзини ҳимоя қилмоқ ниятида билмасдан отиб қўйибди. Бахтсиз ҳодиса, вассалом...

Қодирнинг тунд чехраси бирдан ёришди.

– Ҳе, бормисиз, ака!

– Лекин улардан узр сўраш керак. Товон пули ҳам тўланса яхши бўлади. Улар билан иноқ бўлиш ҳозирги кунда биз учун жуда ҳам муҳим.

– Хўп майли, лекин қанча тўлаймиз?

– Энди кўринг-да... Пул кетса кетар-да. Шунинг деб тагин бизнинг одамларимизнинг бошлари кетиши ҳам мумкин, – деди у маъноли қилиб.

– Хўп, келишдик! Ҳой Суннат! – деди у соқчига, – Бор, тезда бориб анави кишини бўшатиб, поччамникига олиб боринглар. Ҳеч ери дабдала бўлмаганмикан, ишқилиб?

– Йўқ, унга яхши қарашган, – деди соқчи шошиб кета туриб.

– Бўлмаса, сиз – Солибек, мана бу пулни олинг-да ўзингиз бориб "разбор" қила қолинг. Бир гап бўлса хабар қиларсиз. Мен ҳар эҳтимолга қарши атрофда снайперларни тайёрлаб тураман. Почча, бориб "меҳмон озод қилинди, уни ҳозир олиб келишади" деб айтинг. Қўрқманг, ҳаммаси яхши бўлади. Болалар уйдайдими? – деб сўради сардор уларга ачинган бўлиб.

– Ҳа, – деди поччаси базўр. – Улар уйимизга ўт қўйишмоқчи, шекилли...

– Қўрқманг, биз улар билан келишамиз, яъни сулҳ тузамиз, товон ҳам тўлаймиз.

* * *

Раҳматилла жангарилари билан Худойберди анча нарироқда оқ байроқ кўтариб келаётган бир тўда одамга кўзлари тушди. Снайперлар шай бўлишди. Қолган ниқобли жангарилар ҳам пистирмада сергакланишди. БМП пулемётининг стволи яқинлашиб келаётган тўда томон қаратилди.

Тўда олдида Солибек ва Қодир калнинг поччаси билан бирга, уларнинг ортидан эса Нурмат ака салмоқланиб келишарди. Унинг ҳолдан тойганлиги узокдан ҳам кўриниб турар, у баъзан ўқчиб-ўқчиб йўталиб қўярди. Ниқобли Раҳматилла теваарак-атрофга бир назар ташлаб олдида, оқ латта кўтариб келаётган Солибекка пешвоз чиқди.

– Қодир калнинг ўзи қани?! – дея қичқирди у узокдан туриб.

– Ассалому алайкум! Қодир ака беҳол ётибдилар. Кечаги жангда бир оз яраланганлар. Мана сўраган одамингиз. – деди у Нурмат акага ишора қилиб.

– Мурда қани?!

– Ҳай-хай, бу бир бахтсиз ҳодиса бўлибди. У киши негадир қочмоқчи бўлиб бизнинг одамга ҳужум қилган экан, ўзини ҳимоя қиламан деб...

– Қани у қотил, ифлос?!...

– ...К-кеча жангда у ҳам ҳалок бўлди, – деди Солибек ўзини йўқотиб – Б-биз албатта товон пулини тўлаймиз.

– Саидакбар! – деб чақирди Раҳматилла. Бронемашина олдида турган ниқобли жангарилардан бири – Сайдакбар унинг ёнига чопиб келди.

– Нурмат акани бир четга тортиб сўранг, Омонзода қандай ўлган экан? Буларнинг гапи тўғрими ё йўқми, аниқланг? – деди Раҳматилла паст овозда.

Саидакбар Нурмат акани бир четга тортиб ундан алланималарни сўради, Нурмат ака тасдиқ ишорасини қилди. Саидакбар Раҳматилланинг олдига югуриб келди-да қулоғига бир нима деб пичирлади.

– Исмингиз нима, ока? – деди у Солибекка қараб.

– Солибекман, тақсир!

– Хўп, Солибек, сиз айтганча бўлақолсин. Лекин ўлган Омонзода бизнинг энг яхши фаол одамларимиздан эди.

– Ҳа албатта, тушунамиз, кейин келишамиз ҳам.

– Қанча бермоқчисиз, ўзи?

– Мана 2000 доллар.

– Нима, ҳазиллашяпсизми?

– Ахир у қочмоқчи бўлганди, анави меҳмонга ўхшаб таслим бўлганида эди...

– Сизларни худо асради. Агар бу меҳмонга бир гап бўлганида қишлоғингизнинг кули кўкка соғурилган бўларди. Бу киши азоблангани учун ҳам, йўлдан қолгани учун ҳам, Омонзоданинг бевақт ўлгани учун ҳам жами 10000 доллар тўлайсиз!

– ...Хўп, келишдик! – деди Солибек босиқлик билан.

– Кейин меҳмонни бизнинг одам билан чегарадан ўтказиб қўйиб, у қайтганидан сўнг марҳумни ўраб-чирмаб ватанига жўнатасизлар.

– Хўп, бунга ҳам келишдик!

– Агар ўзларингизни у ёқ-бу ёққа ташлайдиган бўлсангизлар, биздан Ибоддан кўрмаган кунни кўрасизлар.

– Ҳай-ҳай, худо асрасин! Биз сизлар билан ҳамкорликка тайёرمىз. Нима хизмат бўлса, бош устига.

Саидакбар Нурмат акани бронемашина ортидаги Худойберди ўтирган "УАЗ"га бошлади ва уни машинага чиқариб ўзи Раҳматилланинг олдига келди.

– Саидакбар, сизлар кетаверинглар. Демак, ҳамма нарсани тушундингиз, пулни, ҳужжатни олдингиз, шундайми?

– Шундай, ҳамма нарса жойида.

– Сумкани топингда, тез жўнанглар, сотовой телефон билан мени хабардор қилиб тулинг, хўп, яхши боринглар.

Саидакбар чопиб бориб машинага ўтирди. Машина Каримбердини томон жўнади. Чунки Худойберди Нурмат акадан сумка ҳақида сўраб билиб бўлганди ва кўнгли жойига тушиб Худойдодга қўнғироқ қилаётганди.

Улар сумкани топиб олиб чиқишди ва бу ёғига ҳеч қандай қийинчиликсиз Узун чегараларигача етиб келишди. Йўл-йўлакай Саидакбар ниқобини ечди ва қуролларини ҳам машинада қолдирди.

– Буларни ҳаммаси сизни қутқариш учун қилинди. Буни "маскировка" дейишади, – деди Саидакбар Нурмат акага қараб қулиб, – Шундай кўрқитмаганимизда сизни қўйиб юборишлари қийин эди. Булар бир айёрлик, холос. Тағин ўйламанг бизларни жангарилар экан, деб.

– Э йўқ, раҳмат сизларга. Лекин раҳматли Омонзодага жабр бўлди-да, яхши йигит эди, бечора.

– Ҳа-ҳа, мен сизни Тошкентга кузатиб машинага ўтказиб юборгач, қайтишда марҳумнинг мурдасини ота юртига олиб кетаман. Эшитдингиз-ку!...

– Ҳа-ҳа, шундоқ қилсангиз, жуда катта савобга қоласиз. Раҳмат сизга...

Улар Каримберди билан хайр-хўш қилишиб, сумкани олишиб у ёғига чегара сари пиёда кетишди.

VI боб. АЖАЛ УЯСИ

Лагерга янги келганлар ёки бирор сафарга жўнаб кетаётган лашкарлар сафи олдида маъруза ўқиш ва фатво қилиш вазифасини одатда мударрис Оллоқул қори бажарарди.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Ярим тун бўлишига қарамай бошига лайлак уясидай салла ва эгнига қават-қават ола чопон кийиб олган қори руҳан эзилган, юзларига яра-чақа тошган, афт-башаралари кўкарган ва баъзиларининг лаблари калтакдан ёрилиб, шишган йигитлар ёнида пайдо бўлди ва дабдурустдан ўз маърузасини бошлаб юборди:

– Аллоҳнинг мўмин бандалари! Иншооллоҳ сиз-азизлар, бугундан эътиборан ислом илмидан хабардор бўлган ва уни чуқур эгалламоқни дилдан туюб, кофирларга қарши жиҳод қилмоққа тайёр бўлган ишончли лашкарлар дурсизлар! Бу ерда озми-кўпми ислом илмидан воқиф бўлдингиз, душманга қарши курашиш сир-асрорларини эгалладингиз, туз-намак бўлдингиз! Энди олган сабоқларингизни, жону танингизни Аллоҳ йўлига бахшида қилмоқлик, еган тузингизни оқламоқлик, динимиз душманларига қарши жиҳод қилмоқлик фурсати келди. Илоҳи омин, Сизларни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин! Сафарларингиз беҳатар бўлсин! Илоҳим, она-юртингизга соғ-омон ғозий бўлиб қайтиш насиби инъом айласин! Оллоҳу акбар! – дея юзига фотиҳа тортди. Сўнгра Оллоқул қори ҳар бир жангари йигитлар сафи олдидан тасбеҳини ўгирганча уларнинг кўзларига сирли нигоҳини тиккан ҳолда бир-бир қараб чиқди.

Шу пайт котиб Худоёрхон ҳам етиб келди ва ҳар бир йигит қўлига 500 доллардан пул улашди.

– Бу пуллар хамир учидан патир, – деди у йигитларга қарата. Бундан буён ҳар бир одатий кунингиз учун 200 доллардан, жанг ҳаракатларида иштирок этган матонатли онларингиз учун 500 доллардан ҳақ оласизлар! Сизлар ўз юртингизга ғолиб бўлиб борганингизда бу ҳалолдан топган пуллариингиз ўзларингизга керак бўлади ва ўша ернинг ҳукмдорларига айланасизлар!

Ниҳоят вертолётнинг оёғи ердан узилди ва тун қўйнидаги тоғлар сари парвоз қилди. Лекин йигитлардан ҳеч ким қаёққа кетаётганларини билишмас ва бу уларни қизиқтирмаётган ҳам эди, чунки яна наставандлик бошланганди...

Узоқ парвоздан сўнг чироқлари милтираб кўринаётган тоғ дараларидан бири устида вертолёт доира ясади ва қўна бошлади. Йигитлар вертолётдан тушарканлар ўзларини бир ажиб сўлим тоғ оралиғида кўрдилар. Тонг ёришаётган бўлишига қарамай тоғ булбули дилни вайрон қилгучи даражада сайрамоқда эди. Теварак-атрофдан ёқимли шабада эсар ва гуллар бўйини олиб келарди. Бу ажиб бўйлар ичида Нормурод учун жуда таниш бўлган ўша Ўзбекистон чегараларидаги тоғларда ўсадиган зира ҳидлари ҳам уфурмоқда эди.

Лекин у бу ҳиднинг ниманики эканлигини мушоҳада қилишга улгурмаёқ, ўзларига ўхшаган жангарилар қўриқлаётган бир кўрғонга кириб келишди ва

хушбўй хидлар ўрнини яна бадбўйлик эгаллади. Қўрғон ичи ифлос ва бесаранжом эди. Ҳам ҳарбий, ҳам афғон мужоҳидлари кийимидаги елкаларига автомат илиб олган, тишлари қорайиб кетган, бадбашара кимсалар янги келганларни иршайиб кузатишаётганди. Янгиларни қўрғон ўртасига сафга тизиб бу ернинг сардори аввало йўқлама қилиб чиқди.

Қориндор, қорасоқол бу кишининг исми Хўжа Аҳмадулло экан. Унинг қаеридир Нормуродга танишдек туюлди. Лекин эслай олмади.

– Ислон лашкарлари! – деди Хўжа Аҳмадулло қўлини белига тираб, у ёқ, бу ёқ бетоқат юаркан. – Сизларни, бу ерга шахсан Журжоний жанобларининг ўзлари катта ишонч билан юбордилар! Сизларнинг зиммангизга ниҳоятда шарафли вазифа юклатилган. Сизлар, кофирларга қарши жиҳод қилиб душманларимизни ер билан яксон қилишга мўлжалланган муҳим истехкомдадирсиз. Мана шу истехкомни қўриқлаш, уни ғанимлар қўздан асраш, Аллоҳ йўлида виждонан хизмат қилиш сизларнинг муқаддас вазифангиздир! Эслатиб қўяй, базамиз атрофида уймалашган ҳар қандай бегона шахс ғаним ҳисобланади. Уларни асир олишингиз, қочмоқчи бўлганларни аямай отиб ташлашингиз керак! Чунки, душман базамизни йўқ қилиш учун ҳар қандай чоралар қўриши мумкин. Қочмоқчи бўлганларнинг териси шилинади! Ҳеч қандай асир бу ердан тирик қочиб кетмаслиги керак. Қочоқ ҳам, қочириб юборган ҳам ит азобига гирифтор қилиниб, танаси кузғунларга ташланади! Ёдларингизда бўлсин! Булар қўрқитишмас, балки, Аллоҳнинг хоҳиш иродасидир! Хиёнаткорлар, соткинлар, қочоқлар жазога мустаҳикдирлар! Бундай нобакорлар шахид кетишга ҳам нолойиқ, ер ҳам уларни қабул қилмайди, балки таналаридан қон чиқарилмай, азоб билан ўлдирилажак, ўликлари куйдирилажак! Бу ишларни жаллодларимиз бажаради. Улар хорижда махсус тайёргарликдан ўтиб келишган. Илоҳим, сизларни ана шу жаллодларимизнинг қўлига тушишликдан ўзи асрасин!

Сардор бир оз сукут сақлаб томоғини қаттиқ қириб, бир четга чаксадай тупуриб олгач, яна ваъзида давом этди:

– Яна бир гап... Бу ерда қўлга олинган кофирлар ҳам бор. Улар бизнинг асирларимиз. Ислонга хизмат қилишдан бўйин товлаган италоқлар улар. Улар ер остидаги янги бункеримизни бунёд қилишга жалб этилган. Бизнинг бункерга, худо хоҳласа, ҳеч қандай ёвуз куч, ҳеч қандай бомба раҳна сола олмайдур! Сизларга асирлар билан мулоқот қилиш, уларга бирор кўмак бериш қатъиян ман этилади! Уларга раҳмсиз, шафқатсиз бўлинг! Улар худо урган бандалардир. Уларнинг ўликлари анави жарликка улоқтирилади. Гапнинг қисқаси, сизлар, Журжоний жанобларининг ишончларини оқламоқликларинг керак! Саволлар борми?

Йигитлар жим эди. Ҳеч ким савол беришга ботина олмади. Бундан ташқари нашанинг кучи ҳам ўз таъсирини ўтказгани уларнинг саросимадаликларидан маълум эди.

– Саволлар бўлмаса, ислон йўлига, Аллоҳ йўлига виждонан хизмат қиламизми?

– Хизмат қиламиз!!! – дея қичқирди йигитлар баравар.

– Ё Аллоҳ!

– Ё Аллоҳ!!!

Йигирма чоғли лашкар болалар тоғнинг тоза ҳавоси қолиб энди зах ва димиққан ғорсимон ораликдан ер ости йўлаги бўйлаб кетишди. Нормурод ва Карим ҳам бу ҳолатдан қарахт бўлиб гўё ўзларини аждарҳонинг оғзига қириб

кетаётгандай ҳис қилдилар. Нашадан тўйгунича чекиб олган баъзи йигитлар ё хиринглаб кулишар ёки кўрқувдан дағ-дағ титраб бақира бошлашган эди. Лагерда ҳар ҳолда нимагадир умид қилиш, қочиб кетиш, ҳеч бўлмаганда очиқ ҳавода чуқур нафас олиб ўлиш мумкин эди. Бу ерда-чи? Тош босиб қолиши ёки бирор фалокат юз бериши ва ўлигинг аросатда қолиши ҳеч гап эмасди.

Ёшлар гиёҳванд таъсиридан мосуво бўлишгач, ўзларининг қаттиқ алданганликлари ва тузоққа тушиб қолганликларини бутун вужудлари билан ҳис қилдилар, иложи борица қочиш илинжида бўлишди. Айниқса, асирларнинг ер остида ит азобида ишлатилаётгани, уларда инсон қиёфаси қолмаганлигини ва жонларига азоб берилаётганини, мурдалар хўрланаётганини кўриб, юраклари орқага тортиб кетди. Зах, чанг ва қўланса хид... Мўлтираб, ялтираб кўринаётган жуфт-жуфт кўзлар, синчков нигоҳлар... Соч-соқоллари ўсиб, ориқлаб кетган, эссиз одамлар...

* * *

Ер остида иккита бункер бўлиб, уларнинг бири қуриб битказилган, ёруғлик ва ҳаво тозалагичлари жойида эди. Ушбу бункерда ҳарбий қурол-аслаҳалар, турли портлатгичлар, ҳатто захирадаги озиқ-овқатлар ҳам сақланарди. Шунингдек, лашкарлар учун ғорсимон ётоқхона ва машғулот хоналари ҳам бўлиб, темир-бетон тиргаклар қўйилганди. Уни бунёд қилиш учун кимларнингдир қанча маблағлари сарф бўлгани, неча-неча одамларнинг бошига етганини тасаввур қилиш қийин эмасди.

Иккинчи қисми эса, янги бунёд бўлаётган бункер бўлиб, асирлар (қуллар) асосан ўша ерда ишлашар ва яшашарди. Уларнинг устидан назорат қилиш, ишлатиш, базани кўриқлаш жангари лашкарларнинг вазифаси эди. Лашкарлар, ва ҳатто, қуллар орасида Хўжа Аҳмадуллонинг ўз айғоқчилари бўлиб, кунлик ахборот унга етказилиб туриларди. Яна алоҳида жазоловчи кимсалар гуруҳи бўлиб, мазкур жаллодларнинг вазифаси ўта ваҳшийликлардан иборат эди. Спорт ва бошқа жанг машқлари асосан ер сиртида бажариларди.

Базага қоровуллик қилувчилар очиқ ҳавода бўлгани учун фақат энг омадли лашкарларга, яхши хизмат қилиб ўзини кўрсатиб келаётган, турли муштлашувлар ва ўзаро жангларда ғолиб бўлган, қочокни тутиб олган ёки ўлдиргангагина рағбатлантириш сифатида насиб қиларди.

Бу ерда яна асира аёллар ҳам бўлиб, улар асосан кир-чир ювиш ва овқат пишириш, сардорларга овунчоқ бўлиш ҳамда кўнгилларини хушнуд қилиш билан банд эди. Сардорлар бўлса, ер сиртидаги алоҳида бинода истикомат қилишарди.

Базанинг теваарак-атрофи улкан тоғ қоялари ва қалин дарахтзорлар билан қопланган, бир четидан шарқираб сой оқиб турадиган гўзал гўша эди. Аммо бу гўзаллик алдамчи бўлиб, унинг бағрида юзлаб одамлар азоб чекаётгани ва минглаб одамларнинг ёстиғини қуришиш қудратига эга бўлган ажал қуроллари сақланаётганлигидан ва катта қирғинга тайёргарлик кўрилаётганлигидан ҳеч кимнинг, ҳатто шу гўзал гўшадан бир неча чақиримгина наридаги сарчинорликларнинг ҳам ҳали хабари йўқ эди. Мазкур ёвузлик уясида хизмат қилаётган Нормурод ва Каримлар ўз она қишлоқларига қурол кўтариб боришлари мумкин эканлигидан ҳам ҳали беҳабар эдилар.

Инсон зоти ҳар қандай шароитга ҳам аста кўникиб боради. Нормурод билан Каримнинг ҳар ҳолда омадлари келиб қурол-аслаҳаларни тушириш, омборларга

жойлаш, рўйхатлаш каби хўжалик ишларига қўйилишди. Чунки бу ишларни, сардорнинг фикрича, ҳеч қачон қулларга ишониб бўлмайди. Бу иш ҳар икки йигитга ҳам хуш келди. Ҳар ҳолда ит азобида меҳнат қилаётган одамларни назорат қилишмайди, ўликларни ташиб, ёкишмайди. Асирларнинг аянчли нигоҳларидан нарироқда бўлишди. Пайти келиб қочиб кетишга ва ичкаридан туриб зарба беришга ҳар ҳолда имконият бўлади. Лекин кун сайин қурол-аслаҳалар келиши кўпайиб борар, миш-мишларга қараганда, Жирғатол томондан мужоҳидларнинг катта армияси Қирғизистон сари яқинлашмоқда эди.

Ўша кунлари тоғ чўққисидаги халқаро метеорологик станциясининг ҳам пачоқлаб ташланганини Нормурод омбордаги икки мужоҳид зобит суҳбатидан билиб олишди. Лекин бу станция қаерда жойлашганлигини ҳам, шунақа станция борлигини ҳам эслай олишмади. Ҳар куни янги-янги лашкарлар гуруҳлари ҳам кела бошладилар. Улар орасида афғонистонликлар, араблар ва чеченлар бор эди. Ниҳоят, базага Журжонийнинг ўзи ҳам ташриф буюрди. У барча зобитлар, сардорлар, лашкарларни очик майдонга тўплаб, кофирларга қарши буюк жиҳод бошлангани билан муборакбод қилди.

– Жиҳод онлари етиб келди! – дея қийқирди у оғзидан тупугини сачратиб. – Шонли лашкарларимиз Қирғизистоннинг бир қисмини эгаллаб бўлдилар. Эндиги навбат Қўқон халифалигини тиклашга. Бу борада Аллоҳнинг ўзи бизга мададкор бўлғай! Худо хоҳласа, бизлар шимолдан Фарғона водийси томон муқаддас юриш бошлаймиз. Жанубдан – Узун томондан, бизнинг иттифокчиларимиз Бухорои Шарифга, Бўстонликдан Тошкентга томон юриш қилишга, тайёр! Ўзбекистон ичкарасида ҳам, бизнинг ҳамфикр одамларимиз шай бўлиб туришибди. Биз албатта ғалаба қиламиз! Худо бизга мададкор бўлсин! Ё Аллоҳ!! – дея қичқирди у.

– Ё Аллоҳ!!! – дея жавоб қайтарди лашкарлар.

– Ё Аллоҳ, ё жиҳод!

– Ё Аллоҳ, ё жиҳод!!!...

Нашаванд лашкарларнинг бир мунча сония жавабалари тутди ва бу жаваба садолари тоғларда акс садо бериб, уларни янада шуқуҳлантирди.

– Кофир асирларни ушлаб туришга энди зарурат йўқ. Бизлар жангни шу ерда бошлаймиз!... Сардорлар! Ислон йўлида хизмат қилишга майли борларини саралаб олиб, жангга тайёрланглар! Нолойиқларини гумдон қилинглар! Маҳаллий аҳоли орасидан ҳам ислон лашкарлари сафига йигитларни жалб қилмоқ керак. Ислон йўлидаги жиҳодга қарши чиққанлар, хизматдан бўйин товлаганлар аяб ўтирилмасин!

* * *

Ўша куни Журжоний билан бирга Жирғатол лагерининг маъмурлари ва зобитлари ҳам келишганди. Улар орасида Раҳматилла ҳам итоат билан ғоз турарди. Ҳар бир сардорларга алоҳида топшириқлар берилди. Раҳматилла маҳаллий аҳоли ўртасида иш олиб бориш бўйича гуруҳ сардори этиб тайинланди. Ишғол қилувчи сардорларга уч кун ичида Сўх туманини эгаллаш, Фарғона водийсининг шимолий чегараларини ишғол қилиш топширилди. Ҳар бир сардор ўзлари учун "команда" йиға бошлади. Раҳматилла албатта, ҳамқишлоқлари Нормурод ва Каримни ўзининг одатдаги жангарилари сафига қабул қилди.

– Билиб қўйларинг, мен сенларга ёрдам бераётганимни унутмаларинг, бўлмаса мана шу зах бункерда чириб кетасанлар! Менга яхши хизмат қилишларинг

керак. Агар шилт-пилт қилсанглар ўз қўлим билан сўйиб ташлайман! Ҳамқишлоқ бўлганларингга ҳам қараб ўтирмайман. Бу ер сенларга Сарчинор эмас. Худо хоҳласа, мен у ернинг амири бўламан, сенлар бўлса, менга муовин бўласанлар. Яқинда у ерларда қирғинлар бўлади. Билиб қўйларинг, ота-оналаринг, қариндош-уруғларинг фақат сенлар туфайлигина омон қолишлари мумкин. Тушундиларингми?

– Тушундик!!! – деди иккови иложсиз.

– Менга қара, Нор. Сенлар бу ёққа келган кунларинг, отанг Регарга борган экан. Уни гаровга олишибди. Мен йигитларни олиб бориб у кишини қутқариб, уйларингга жўнатиб юбордим. Так что, мендан бир умрга қарздорсан, билдингми?

– Қ-қандай қилиб? – сўради Нормурод эсанкираб.

– Кейин тушунтириб бераман. Ҳозир жойларингга борларинг. Мени қўмондон кутяпти, – деди Раҳматилла маъмурий бино томон кетаркан: – Билиб қўйларинг, чақиртиришим билан, как штик шу ерда бўласанлар!

Йигитлар бир сония анграйиб қолишди.

– Нормурод! – деди ниҳоят Карим ўртадаги жимликни бузиб, – ишлар чатоқ-ку, бу юртимизга қарши уруш дегани эмасми?

– Ҳа, ёмон бўлди. Наҳотки, бизникилар бу ишлардан беҳабар бўлишса?!...

– Билишади. Улар ҳам қўл қовуштириб ўтиришмагандир.

– Лекин бу ердаги сирни билишмайди-ку! – деди Нормурод шивирлаб.

– Ҳа, тўғри. Шунинг учун биз тезроқ бу ердан қочишимиз керак, шекилли.

– Тс-с... – деди Нормурод атрофга аланглаб, – Ёнимизда айғоқчилар бор. Бу гапни бошқа такрорламайлик.

– Раҳматилланинг "командаси"га кирганимиз бир жиҳатдан яхши бўлди.

– Нега?

– Ҳар ҳолда бу ерда димикмай қишлоқларга ўлпон йиққани чиқиб кетар эканмиз-ку!

– Ҳа, бошимизда борини кўраверамиз-да. Лекин ҳалиги гап учун имконият кўп бўлади.

Икки ўртоқ дардлашиб бир яшикни кўтаришди-да бункер сари йўл олишди. Чунончи, бу пайтда омбор сардори узокдан туриб "бўлмайсанларми тезроқ?!" – дея кичкираётганди.

* * *

Раҳматилланинг "командаси" база яқин атрофидаги қирғиз кўрғонларини оралаб ўзига хос "рейдлар" қила бошлади. Кўзига бақувватроқ кўринган кишилар ва йигитларни лашкарлик хизматиға мажбуран ёллашаётганди. Бу ишни ихтиёр қилмаганлар бўлса, асирликка олинар, ёлланганлар ва асирлар юк машинасида базаға олиб келингач, қайтадан сараланарди. Бу тадбирдан ҳатто, чўпон болалар ҳам четда қолишмади. Кўнмаган чўпонларнинг баъзилари ҳатто отиб ташланиб, моллари ҳайдаб кетилди. Бу синоатларнинг дарагини эшитган маҳаллий аҳоли саросимаға тушиб, турли томонларға қоча бошладилар.

Раҳматиллани асирлар ичидаги ва атрофдаги бой одамлар кўпроқ кизиқтирарди. Чунки, бой одамларнинг ўзини ёки бирор оила аъзосини гаровға олиб катта суммадаги пул талаб қилиш йўли билан бойлик орттириш унинг азалий одатига айланган эди.

Лекин бу пайтда Ўзбекистон ҳукумати ҳушёрликни ошириб, чегараларини мустаҳкамлаб, керакли миқдордаги қуроли кучларни ҳимоя учун ташлаган, ваҳхобийлик ва "Хизбут-таҳрир" оқимиға қарши курашиш йўли билан кутилаётган хавфни бартараф этиш учун фурсатни қўлдан бермай вертолётлар чегара бўйлаб ҳаводан туриб мужоҳид лашкарлари ва уларнинг истеҳкомларини йўқ қилиш мақсадида парвоз қила бошлагандилар.

Бомбардимондан сақлаш мақсадида жангарилар базани яхшилаб ниқоблашди. Унинг ташқи томони гўё улкан чорва қўрғонига ўхшаб қолди. Ҳарбий техникалар устига хашак бостирилди, ҳудудиға мол-қўйлар озод қўйиб юборилди. Қоровулларға бўлса қирғиз қалпоқ ва узун чакмон чопон кийдирилди. Чакмон ичида бўлса автомат ва гранаталар шай турарди. Бир гал рақиб томон вертолётларини чалғитиш учун "тўй" маросимини уюштиришди. Асира аёллар ва қалпоқли асирлар "гўё давра қуриб шоду хуррамлик" қилдилар. Яшириниб, писиб ётган банги мужоҳидлар бу томошадан мириқиб завқ олишди.

Туман ҳудудида бўлса маҳаллий ҳукумат кучсизланиб қолган ва ҳеч қандай қонунчилик амал қилинмай қўйилган, ҳуқуқ-тартибот ходимлари гўё "сичқон уйини минг танга" дегандек қаёққадир ғойиб бўлишганди. Шу туфайли юрт пароканда ва саросимада эди.

– Биз бугун туман прокурори Жапиевни қўлга оламиз. Биламан, у барибир порахўр, пули кўп. – деди Раҳматилла иржайиб, – Унга товон тўловини тўлаш учун уч соат муҳлат бердик. Тайёргарликларингни кўриб, нонушта қилиб олинглар.

– Агар шартни бажармаса-чи? – сўради йигитлардан бири.

– Кофир албатта жазосини олади. У не-не бегуноҳ мўмин-мусулмонларни каматиб юборган, қанча камбағаллардан пора олиб битиб кетган. Пулни топади. Топмаса бола-чақаси билан қириб ташлаймиз, – деди сардор бамайлихотир.

– Болаларида нима гуноҳ, ака?

– У кофир. Кофирнинг боласи ҳам кофир бўлади-да, овсар!

– Раҳматилла ака, агар сир бўлмаса, уни қанча пулга аъзо қиласиз? – деб сўради йигитлардан бири сап-сарик тишини кўрсатганча тиржайиб.

– Эллик мингга! – деди у қуруқ қилиб.

– Сўмми?

– Эй, аҳмоқмисан! – деди бошқаси жеркиб, – ҳозир сўм коптими, долларғада.

– Бизға ҳам чой пули бўладими, ока?

– Албатта-да, 200 дан 500 гача сизларники, агар ундира олсак, албатта.

– Йўқ, у барибир бермайди, – деди кимдир.

– Нега энди?

– Чунки, биз бу ерда муддатни кутиб ўтиргунимизча, у киши қуённинг расмини чизиб, сурворади.

– Гапинг жуда тўғри, яшавор! – деди Раҳматилла, – Йигитлар, "сухой поёк"ни олингларда, кетдик. Ҳамма жанговар кийимини кийсин!

Ўн дақиқалардан сўнг Раҳматилланинг командаси навбатдаги "рейд"ға жўнади.

* * *

Машина туман маркази томон йўл олди. Ниқоб кийиб олган Нормурод ҳам теварак-атрофни кузатиб, чурқ этмай томоша қилиб борарди. Аслида эса қочиш учун кўзига кўринган ҳар бир тош, ҳар бир ковақдан паноҳ қидирар, йўлдаги тоғ,

сой ва дов-дарахтларни мўлжал қилиб бораркан, иложи борица ҳар бир улкан дарахт, қоятошлар ва қўтонларни эслаб қолишга тиришарди. Мабодо қочса қаёққа юриб, қаерга яшириниши мумкинлигини чамаларди.

Карим ҳам кўзларини унга маъноли тикканча борар, у ҳам ўзича чора излаётганди. Энг муҳими, улар бирданига, тўсатдан қочишлари, биргаликда ўзларини ҳимоя қилишлари, қувганларни эса аямай отиб ташлашлари лозим эди.

"Қани энди, ҳозир ҳарбий вертолётлар келиб қолса-ю машиналарини ўққа тутишса! Шу баҳонада қочишга имкон бўлармиди?!" Нормурод ана шундай "ширин" ўйлар билан самога қараб-қараб қўярди. Қаергадир келганларида машина сойдан ўтиши керак бўлди. Кўприк бузуқ экан, машина сув ўртасига бориб торта олмай қолди.

– Йигитлар, тушинглар. Машинани итаринглар. Бўлинглар тезроқ! – дея буюрди сардор.

Йигитлар сувга сакраб тушишди-ю сесканиб кетишди. Чунки, сув жуда ҳам совуқ эди. Оёқлари муз қотди.

Бакувват йигитлар учун машина ортиқ "эркалик" қила олмади. Бир-икки "норози" гуриллади-ю нариги соҳилга чиқиб олди.

– Қани, машинага!

– Оёғимизни ечиб олайлик.

– "Машинага" дедим! – ўшқирди Раҳматилла.

Йигитлар машинага чиқиб кетишаркан, ҳаммалари оёқ кийимларини ечиб, пайпоқларини сиқиш ва ботинкаларидаги сувни тўкиш билан овора бўлдилар. Карим Нормуродга маъноли қараб "Қочдик!" – демоқчи бўлди. Лекин аксига олиб Нормурод ҳам оёқ кийимини ечиб-кийиш билан овора эди. Карим оёқ кийимини ечмаганди. Дўстининг лоқайдлигидан унинг фиғони ошди. Лекин бу ҳолат никоб остида сезилмаётганди.

– Нормурод! – дея маъноли чақирди ниҳоят сабри чидай олмай ва у қарагач, – Анави тоғларни қара, қандай чиройли-а!

Лекин Нормурод унинг нимага шаъма қилганини тушунмади.

Атрофга бокди, тоғлар ҳақиқатан ҳам гўзал эди.

– Ие йигитлар, ҳув анави қизларга қаранглар! – дея қичқирди ҳамроҳларидан бири.

– Қани!!! – дея гувв этиб ҳаммаси қаради.

– Ана, тоғ тепасида. Эҳе, кўряпсизларми, улар кўпчилик экан-ку.

– Этак тутиб бир нима теришяпти.

– Пахтами?

– Э овсар, бу ерда пахта нима қилади?

– Нима бўлмаса?

– Зира! – деди орқа томонда биров.

Нормурод "ялт" этиб қаради. Унинг кўзига таниш жойлар намоён бўлгандек туюлди, юраги ҳапқириб кетди. "Нима, "зира" – дедими?" Ие, бу ерлар ҳам Боткендаги Қорабулоққа ўхшаб кетарканми?" – дея хаёлидан ўтди ва Гулбибини, у билан зира терган дамларни кўз олдига келтирди.

Йигитлар тоғдаги қизларга қарата хуштак чалиб, қийқира бошладилар. Кимдир ҳовлиқиб осмонга қарата автоматдан тариллатиб ўқ узди. Қиз-жувонлар кўрқиб, қий-чув қилиб қоча бошладилар. Қайси биридир пастликка қараб думалаб кетди.

– Бас қилинглари! – дея ҳайқирди Нормурод тоқати тоқ бўлиб.
– Ҳов, сени ишинг нима? Йигитлар дам олишмаяпти. Ҳаммаси захда занг босиб кетган, билдинг.

Машина тўхтади, кабинадан сардор шошиб тушиб келди.

– Ким отди?!

Ҳамма жим қолди.

– Нима, қиз кўрмагансанларми? Ҳозир улар бориб "муҳоҷидлар уруш бошлади" деб шов-шув кўтаришади. Кейин операциямиз барбод бўлади, аҳмоқлар! Нор, ким қийқирса ё отса менга айтасан, ўша заҳоти жазосини бераман.

Йигитлар энди Нормуродга ҳайиқиб қарашди. Карим ҳам энди бамайлихотир пойабзалини ечиб, оёғини қурита бошлади. Улар кетишлари билан тоғда яна аёлларнинг қизил либосли жуссалари у ер-бу ердан пайдо бўлишди. "Бу ерлар Боткенга ўхшаркан... Аммо ўхшаш жойлар ҳам бўлиши мумкин-ку, ахир!" – дея ўзича ҳардамхаёллик билан ўй суларди Нормурод.

* * *

Ниҳоят жиҳод юриши онлари етиб келди. Уларни тўла жанговар ҳолатда чегара олдидаги тоғ тепаликларига олиб келишди. Машина бир улкан қоратош олдида тўхтади ва "Сафланинглари!" – деган буйруқ бўлди.

– Ҳозир гуруҳларга бўлинамиз, – дея қичқирди гуруҳ сардори Раҳматилла, – Олти киши мана бу тош атрофида пистирма қурасизлар. Бу ерга икки соат ичида Жапиевнинг лашкарлари келишлари мумкин. Агар улар бизга қарши ҳужум қилишадиган бўлишса ҳужумни қайтариб, уларни йўқ қиласизлар. Бу гуруҳга Нормурод бошчилик қилади. Тушунарлими?!

– Тушунарли! – деди Нормурод.

– 2-гуруҳ Жапиев турадиган овулни икки томондан ва атрофдан ўрайди. Иложи борица шовқин кўтарилмаслиги керак. Снайперлар, шай турасизлар! Ҳар бир кўчада бир кишидан соқчи турсин. Ўйлни тўсиб, келган машиналарни ўтказмайсизлар. Ким сўраса, "ўқув машғулоти бўляпти" дейсизлар. Бу гуруҳга Карим бошчилик қилади. 3-гуруҳ ишғол қилувчиларга менинг ўзим бошчилик қиламан. Тўрт киши Жапиев уйи атрофини ўрайди, тўрт киши ичкарига бостириб қиради, икки киши ҳар эҳтимолга қарши кўча эшиги ёки бирор ҳовли эшиги олдида туради. Ким қочиб кетадиган бўлса орқасидан отинглари. Сўнгра нариги гуруҳларга қўшилиб Жапиевни тириклайин асир олишимиз шарт! Фақат шундагина душман чегарасини бемалол ёриб ўта оламиз! Тушунарлими?!

– Тушунарли!!!

– Бўлмаса рацияларингнинг овозини паст қилиб ишга тушириб олинглар. Ҳамма номерини биладими? Нормурод, сеники нечанчи эди?

– "13-".

– Сеники-чи, Карим?

– "14-".

– Мен "Марказ 1-" ман, биласанлар. Бўпти йигитлар, Аллоҳ омадингизни берсин, ҳамма ўз позициясини эгалласин! Ё Аллоҳ!!!

– Ё Аллоҳ!!!

Нормуроднинг гуруҳи улкан қоратош олдида қолди. Бошқалар машинага ўтириб, жўнаб кетишди. Шу пайт Нормуроднинг рацияси ишлаб қолди. "13" – "1-"га жавоб беринг.

– "13-" эшитади.

– Хўп, яхши, текшириб кўраяпман. Пистирмани яхшилаб куринглар. Йигитлар жойлашганидан сўнг, ўзинг одамлар келадиган томонга бориб, уларнинг қандай жойлашганини текшириб кўр. Улар умуман кўринишмасин, сизларни сезишмасин! Биз икки соатда қайтиб етиб келамиз. "13-" тушундингми!

– "1-", сизни тушундим. Гуруҳ жойини эгалляпти.

Нормурод йигитларни қоратош атрофига таркатди ва ҳар бирига нима қилиш кераклигини тушунтириб чиқди, ўзи сардор топшириғига кўра узоқдан бу ҳолатни кузатиш учун пастга қараб чопди. Шу пайт қаердандир бир Ўзбекистон ҳарбий вертолёт пайдо бўлди ва уларга қарата ота бошлади. Нормуроднинг атрофида ўқ ўйнади. У ўзини ҳарсанг остига отди. Йигитлардан ҳам ким ўлди, ким қолди, ҳали номаълум эди. Вертолёт яна айланиб кела бошлади. Кимдир унга қарата ота бошлади.

– Отма! – дея қичқирди Нормурод, – Ўзингни ўликка сол, операцияни барбод қиласанлар!

– Алло "Марказ", "13-"га жавоб беринг!

– "Марказ" эшитади.

– Бизга бир вертолёт ҳужум қиляпти.

– Дамларингни чиқармай ётларинг. Чегарадагилар позивкани сезиб қолишибди шекилли. Бошқа рацияни ишлатмаларинг!

Вертолёт яна қайтиб "тата-пата" қилиб ўқ ёғдириб кетди. Ҳаммалари яшириниб улгуришди ва вертолётга қарата бошқа ўқ узишмади. Вертолёт учиб кетгач аҳволни билиш учун Нормурод эҳтиётлик билан ўрнидан кўзгалди. Унинг юрагида негадир Ўзбекистон вертолётига нисбатан фахр туйғуси уйғонган эди.

– Йигитлар, тирикмисизлар? Рақам билан чақираман, жавоб беринглар! – деди у бир оз ўтгач.

– 15-.

– Мен.

– 16-.

– Я здесь!

– 17-.

– ...

– 17-деяпман. Анвар, қаердасан, жавоб бер!

– У яраланибди!

– Тирикми?

– Билмадик!

– 18-.

– Мен, – деди кимдир узоқдан.

– 19-.

– Ман инжанба. Манба ёрдам даркор! – дея арчалар тагида ингради кимдир.

Бу Шайх Акбар исмли хўжандлик тожик йигит эди.

Нормурод арча тагига қараб чопди. Шайх Акбарнинг кўлига ўқ тегиб титиб юборган экан. Елкасидан қон кетарди. Нормурод қонни тўхтатиш учун йигитнинг кўлини юқори қисмидан қаттиқ сиқиб боғлади.

– Раҳмат, бача! – деди ранглари оқариб кетган ярадор базўр ва аллақаякка қараб: – Ина бин, – деди у кўзларини ола-кула қилиб, тушаётган парашютчиларни кўрсатди.

– Нор, парашютчиларни отайликми? – кичқириб сўради кимдир.

Нормурод тушаётган десантчиларнинг отиб қўйилишидан қўрқиб кетди.

– Йўқ, "отма" дейилди-ку сенларга! Биз бу ердалигимизни уларга билдирмаслигимиз керак!

– Агар жуда яқин келиб қолишса-чи?!

– Тириклайин қўлга олинглар!

Нормурод бир нимадан жуда хавотирда эди. Демак, десантчилар бу ерга уларни йўқ қилиш учун ташланган. Икки соатдан кейин бўлса, бу ерга Раҳматилланинг гуруҳи етиб келади ва десантчиларга қарши аёвсиз жанг олиб боради. Бу десантчиларни олгани яна ўша вертолёт қайтиб келиши мумкин. Демак, вертолёт ҳам қўлга олиниши ёки уни портлатиб юборилиши мумкин. "Бу воқеа содир бўлмаслиги учун нима қилиш керак?" Унинг боши қотди. Умумий аҳволни ўзича таҳлил қилди. Бир киши ўлган, бир киши яраланган. Демак, Нормуроддан ташқари яна уч жангари бор. "15-" бу хоразмлик Нортой, уни қочишга кўндирса бўлади. Бир марта гаплашганида уйини соғинганини ва бу ерларга келганидан пушаймонда эканлигини айтган эди. "16-" бу чечен Довудбек. У ярамас пул учун ёлланган каллакесар, "17-" бухоролик йигит ўлди. "18-" ким бўлди экан. Нормурод уни ҳеч эслай олмади. Э тўхта! Шевасидан наманганликка ўхшаётгудди, шекилли. Демак, кўндирса бўлади. 19-ярадор. Ҳаммаси тушунарли. Бу пайт парашютчилар битта-битта тушиб позицияларини эгаллаётгандилар. Улар ўн чоғли эди. Шу пайт кутилмаган ҳолат юз берди. Раҳматиллалар қайтиб келишиб, ўртада отишма бошланди.

– Нор, биз нима қилайлик, отайликми?

– Йўқ, бизга кимирламай ётиш буюрилган.

– Давайте будем стрелять и помогать! – деди чечен Довудбек.

– Нет, ни в коем случае. Нам такой приказ ещё не давали. Нам приказано взять их в живых, – деди Нормурод қаҳр билан ва ўзини ҳар ҳолда рус тилини "чўкилаётганидан" хайрон қолди. "Ишқилиб бу ярамас бирортани отиб қўймасин-да!" дея кўнглидан ўтказди у, – "Агар отадиган бўлса мен унинг ўзини отаман".

– "13-" – дея ишлаб қолди рация.

– "13-" – эшитади.

– Вазият бўйича ахборот бер!

– Вертолёт ўқидан "17-" ўлди, "19-" оғир ярадор. Десантчилар биздан узоқда.

– Бизлар десантчиларни йўқ қиламиз ё чалғитиб бошқа ёққа олиб кетамиз, сизлар кимирламай буйруқни кутинглар!

– Что он говорит? – деди Довудбек кичқириб.

– Я же вам говорил, не стрелять и ждать приказа!

– Черт, – деди чечен, – надо было мне с ним идти...

Отишмалар давом этмоқда эди. Ким енгаяпти, ким талафот кўряпти – билиб бўлмасди. "Карим нима қияпти экан, ишқилиб омонмикан?" У таваккал қилиб рацияни қўлга олди:

– "14-", "13-"га жавоб беринг.

– "13-", мен "14-"ман.

– Менга қара. Мен "Марказ"ман, рацияда гаплашишни бас қилларинг!...

"Хайрият, омон экан" деди Нормурод ўзича кўнгли таскин топиб.

Шу пайт арча тагида ётган ярадор Шайх Акбарнинг инграган овози эшитилди.

– Об тиетон... Сув!..., – дея ингради у.

Нормурод улкан қоратош тагидан сув сизиб чиқиб оқаётганига кўзи тушганди. Бўшаб қолган сувдонни ечди-да эҳтиёт бўлиб пастга туша бошлади. Унга карата қаёқдандир ўқ узилди. Шундоқ ёнидан чийиллаб ўтиб тошларга тегди. Демак, уни десантчи снайперлар пайқаб қолишган. У ётиб олди ва эмаклаб пастлик томон силжий бошлади. Тиканли бутага дуч келди. Бута икки улкан тош оралиғидан ўсган бўлиб, унинг устидан судралиб ўтиш мушкул эди. Нормурод таваккал қилиб бута устидан бир сакради. Яна унга томон ўқ отилиб ёнидаги тошга тегди. Бу ёғи пастқамлик эди. Тезда судралиб тушиб, чакқонлик билан ўша улкан қоратош тагига ётиб олди. Чамаси, энди уни снайпер кўздан йўқотганди. Нормурод жилдираб оқаётган сувдан, аввало ўзи ётган ҳолда тўйиб ичди, юзини ювди, сўнгра, сувдонини тўлғазди. Энди яна тепаликка чиқиши ва не машаққатлар билан арча тагига етиб бориши керак эди. Яна снайпер кўриб қолса-чи ё унинг ўзига ҳам ўқ тегса-чи? Унда нима бўлади? "Яхшиси, бир оз шу хавфсиз жойда кутганим маъқул" – дея хаёлидан ўтказди у.

Шу пайт рациядан "13-", "15-", "16-", "18-", эшитяпсизларми, "Марказ"га жавоб беринглар, деган чақирув эшитилди

– "13-" эшитаман.

– Икки десантчи сизлар томонга қараб кетди. Уларни йўқ қилинглар.

"Будет сделано" деган овоз келди. Нормуроднинг ўрнига Довудбек жавоб берди.

Демак, Нормуродга қараб ўқ узганлар ўшалар экан-да! Улар шу яқин атрофда бўлишса керак. "Уларга бир иложини қилиб таслим бўлишим керак. Бунинг учун курул-яроғни ва ниқобни ечиб ташлашим лозим. Лекин улар ишонармикан, отиб қўйишмасмикан?" – дея фикр қилди Нормурод ўзича.

Улар-ку отиб қўймас, лекин анави мужоҳид жангарилари-чи, "Соткин" деб отиб ташлашлари ҳеч гапмас. Карим билан маслаҳатлашсаммикан? Йўқ, таслим бўлиш хавфли бўлса керак. Яхшиси, булар бир-бирлари билан овора бўлиб турган пайтда Карим билан қочиб қолганимиз афзалроққа ўхшайди. Демак, ҳозир айна пайти. Каримни рация билан шу ерга чақираман-да, у келгунча Довудбекни чалғитиш учун Шайх Акбарга сув олиб бориб бераман.

– "14-", жавоб беринг.

– "14-" эшитади.

– "14-", қоратош олдига етиб кел. Мен яраландим, ёрдам бер.

– "14-", бу мен "Марказ"! У ёққа борма, у ерда десантчилар бор, сени лақиллатишяпти. Эй "14-"ни чақирган, сени онангни кўрсатаман!!!

Нормурод чакқонлик билан арча томон, тепалик сари гоҳ юриб, гоҳ эмаклаб чиқиб борарди. Хайрият, унга ўқ узишмади. Демак, сезишмаган. Арчага ўн метрлар чамаси яқин қолди.

– Шайх Акбар, бардам бўл кетяпман! – дея арча томон қичқирди у. Лекин не кўз билан кўрсинки, Шайх Акбар тепасида Довудбек унга автомат ўқталиб турарди ва шу лаҳзада "тақ" этказиб уни аёвсизларча отиб ташлади.

Нормурод жойида қотиб қолди. Сувдонидagi сув оқа бошлади.

– Зачем нам лишние хлопоты? – деди Довудбек бамайлихотир, совуққонлик билан, – Мы всё равно не сможем ему оказать помощь. Бедный, и так замучился, Аллах акбар.

Нормурод тезлик билан Шайх Акбарнинг жасади тепасида ҳозир бўлди. Довудбек унинг қоқ пешонасидан отиб ташлаган, мурданинг жағи тушиб, оғзи ва

кўзи очилиб қолганди. Нормурод қалбида мужоҳидларга нисбатан ғазаби жўш урди.

– Зачем вы его убили?! – деб сўради Нормурод қаҳрини яшира олмай.

– Дорогой, я сюда пришел, чтобы деньги зарабатывать. Таскать раненных или мертвых в мою функцию не входит, понял?! – деди-да жасаднинг ён чўнтақларини қавлаштириб анчагина доллар топди ва ярмини Нормуродга узатди. – На возьми, пригодятся.

– Нет, мне не нужны чужие деньги! – дея ўшқирди Нормурод.

– Да ладно, дорогой! – деди у Нормуроднинг елкасини қоқиб, – Не обижайся, Акбар же тебе никто. Твоего друга я знаю. Сказать тебе, кто он?

Нормурод Довудбекка сирли қаради.

– Он же "14-й" – Карим, которого только что ты позвал, а командир рассердился... Я не знаю что сейчас в твоём уме, но я умею молчать, – деди у масхараомуз.

Нормурод Довудбекнинг нимага шама қилаётганини тушунди ва ҳозирги ҳолатда у билан баҳслашиб ўтиришнинг фойдасиз эканлигини англади. Чунки, Карим келиб қолиши мумкин эди. У минг ачиниш билан Шайх Акбарнинг кўзини юмдирди.

– Ладно, мы когда его закопаем?

– Как это все кончится, закопаем как положено.

Шу пайт уларга қарата яқин атрофдан ўқ отилди. "Ложись!" дея қичқирди Довудбек.

– Вот видишь, ту маленькую ёлку, – деди у ўзларидан ўттиз метрча наридаги бир оз қимирлаб турган арчани кўрсатиб, – ты меня перекрывай, а я пойду по кругу и покажу этому кефиру.

"Қизик, гуруҳидаги шериклари ҳозир қаёқда экан?"... – деган фикр ўтди Нормуроднинг кўнглидан ва рациясини ёқиб чақира бошлади.

– "15-", "16-"! "13-"чига вазият тўғрисида ахборот беринглар.

– "13-"! "15-" гапиряпти. Икки десантчининг бири ўлдирилди, иккинчиси сиз томонга қараб кетди.

– "16-" қаердасиз?! Сизда нима гап?

– Мен "16-" тепароқдаман, биз томонга узоқдан учта вертолёт келаётганини кўряпман.

– Мен "13-", ҳамма ўз позициясида қимирламай ётсин.

– Десантчини нима қилайлик?

– Тириклайин кўлга олинглар! Бизга гаров учун керак, – деди Нормурод қатий ва нимадир ёдига тушди-да, Довудбек томон қичқирди: – Довудбек ака, оказывается его взять живём. Он нам как залог пригодится!

Рациядан "13-"ый, я вас понял", деган овоз келди ва Нормуроднинг кўнгли таскин топди. "Ишқилиб уни ўлдириб қўйишмасе бўлгани", деди Нормурод ўзича.

Шу пайт вертолётлар етиб келишди ва тоғнинг турли томонларига қарата ота бошлашди.

Шу жумладан, уларнинг йўлда турган юк машинаси ҳам ёндирилиб, йўқ қилинди. Нормуроддан ўн метрча нарига тушган ракета тошларни парчалаб ҳавога учирди ва атрофга тош ёмғири ёғди. Арчалар эса, чирсиллаб ёна бошлади. Демак, чегарадаги тоғларда ғимирлаётган мужоҳидларни йўқ қилиш операцияси бораётганди. Нормурод арча тагига яшириниб олди. Чунки, яна вертолётлар қайтиб

келаётганди ва бош кўрсатиш хавфли эди. "Ишқилиб, Карим омонмикан, яшириниб ололдимикан?" – дея дўсти хақида фикран қайғурди у ва беихтиёр рацияни қўлига олди:

– "14-" қаердасан, жавоб бер!

– ...жавоб ўрнига тсиллаган овоз келарди. Нормурод кўркиб кетди. "Наҳотки?!...".

– "14-", деяпман.

– Ҳой "14-" деган! Мен "Марказ"ман, қисиб ўтир, билдингми! Вертолётларни ўзингга жалб қилипсан, ярамас!

– Мен "14-", яқинлашиб қолдим, – деган овоз келди шу пайт.

Нормурод дўстининг овозини эшитиб қувониб кетди. Ҳатто, атрофида юз бераётган даҳшатли портлашларга ҳам қандайдир бефарқ қарай бошлади. Демак, дўсти келяпти. Вертолётлар қайтиб кетиши биланок қочишлари керак. Лекин ўзидан йигирма метрча нарироқдаги кичик арча тагида писиб ётган десантчи йигит ким бўлди экан? Қандай қилиб у билан мулоқот қилса бўларкин? Нормурод баланд овозда у билан гаплашмоқчи бўлди.

– Эй, ўртоқ десантчи! Фақат ўрнингиздан кўзғолмай жавоб беринг. Кўзғолсангиз бизникилар отиб қўйишади. Кимсиз? Қаердансиз?

– ...

– Ҳой арча тагида ётган. Сиз ўзбекистонликмисиз?

– ...

– Мен ўзбекистонлик – сарчинорликман, отим Нормурод. Мени алдаб бу ишга ёллашган. Ҳеч кимни ўлдирганим йўқ! Ўлай агар...

– Мен қўқонликман, отим Аҳро! – деган бир тош ортидан жавоб овози келди шу пайт.

"Э бор экансан-у, азамат!" – деди ўз-ўзига Нормурод қувониб.

– Агар менга Ўзбекистонга қайтишимга ёрдам берсангиз, мен ҳам сизга ёрдам бераман!

– Унда таслим бўл! Қуроолларни ташлаб, қуроолдан беш қадам берироқ кел!

– Очикда мени отиб қўйишади-ку!

– Қўлингни кўтариб ўтириб тур! Мен олдинга бораман.

– Эҳтиёт бўлинг, юқори томондан сизни кузатишяпти. У жуда ёвуз одам!

Нормурод аввал тик туриб чикди-да қуроолларини ташлади, ниқобини ечиб итқитди.

Қўлини кўтариб арча олдидан теварак-атрофга аланглаган ҳолда нари кетди. Шу пайт кимдир Нормуродга қараб ўқ отди.

– Ёт! – дея бақирди десантчи.

Нормурод турган жойига ётиб олди.

– Бу мен эмас, юқоридан отишди. Ўнг томонингдаги арча тагига бор, хавфсизроқ!

Нормурод "овоз"нинг айтганини қилди.

Бир шарпа сезилди. Зум ўтмай десантчи йигит пайдо бўлди. У ҳарбийча далакийим ва ниқобда эди. Аскар ўтирган ҳолатида автоматнинг стволини мўлтираб турган кўзларига қаратиб турарди. У қўл кўтариб турган Нормуродни зимдан синчиклаб кузатди ва тўсатдан орқага тисланди.

– Анави нима? Гранатами? – деди у жангари асирнинг ёнида осилиб турган нарсани кўрсатиб.

– Буми сувдон-ку, сув...

– Ичиб кўр-чи!

Нормурод сувдонни олиб қопқоғини очди-да, ичиб кўрсатди.

– Мен ҳам ичсам майлими? – деди йигит куролсиз бўш қўлини узатиб.

Нормурод сувни узатди. Аскар йигит аввал уни хидлаб кўрди, сўнгра бир културм ичди, ишонч ҳосил қилгач, сувдонни паққос кўтарди. Юзидаги ниқобни олиб ташлади-да, юзига ҳам сув сепди.

Қора сочли, сабза мўйловли хушрўйгина йигит экан, Нормурод унинг бу ҳаракатидан самимий кулди. Аҳрор ҳам қўшилишиб мазза қилиб кулишди.

– Зўр сув эканми, жуда чанқагандим-да... Худодан сув сўраб, писиб ётувдим, хайрият...

– Яхшилаб сўрасанг, ана шунақа, душман томондан ҳам келаверади.

Улар кулиб юборишди.

– Э, тушир кўлингни. Сарчинорликман дейсанми? Қандай қилиб мужоҳидларга қўшилиб қолдинг?

– Бунинг тарихи узоқ. Бизни хорижга ўқишга деб алдаб Жирғатолдаги махсус лагерга ташлаб қўйишди.

– Билиб-билмай алданиб, уларга қўшилиб қолганларни Президентимиз авф қилапти-ку, хабаринг борми?

– Ҳа эшитувдик, лекин қочишнинг ҳеч ҳам иложини қила олмадик. Бир-икки киши қочувди. Уларни ушлаб келиб калласини олиб, Ўзбекистон чегараларига ташлаб келишди. Хуллас, бизга сизни йўқ қилиш буюрилган. Хув анави тепаликда бир каллакесар чечен изингиздан тушган, жангариларимиз бир-бири билан рация орқали гаплашади. Мен "13-" ман, ҳозирча мана шу кичик гуруҳнинг бошлиғиман. Қоратош олдида ҳозир мени ҳамқишлоғим Карим келиши керак эди. Биз сизларга кўлимиздан келганича ёрдам берамиз.

Нормурод шундай дея ён чўнтагидаги рацияни олиб ёқди:

– "14-", қаердасан?

– Айтилган жойда.

Нормурод тезда рацияни ўчириб қўйди ва хурсанд бўлиб кетди.

– Ўртоғим кепти. Қоратошнинг орқасида мени кутаётган экан. Сиз бўлмаса шу ерда турунг. Мен бориб сиз ҳақингизда уни огоҳлантириб, келишиб олишимиз керак.

– Бу ерда нечта жангари бор?

– Уч киши, холос. Хув анави пастликда 15 киши бор. Ҳозир бир соатдан кейин бу ерга қирғиз маҳаллий лашкарлари етиб келиши мумкин.

– Демак, бири чечен, яна иккитаси-чи?

– Бири хоразмлик, бирови наманганлик.

– Улар таслим бўлишмайдими?

– Уларнинг эътиқодини яхши билмайман. Лекин кўндириш мумкин.

– Тушунарли, бўлмаса гап бундай. Кечки пайт соат 18:00 да хув чўққи ёнидаги майдонга бизларни олгани вертолётимиз келади. Ҳозир соат 14:00. Бу мужоҳидларни гумдон қилиб ёки асир олиб ўша ерга етиб олишимиз керак бўлади.

– Агар вертолётдан қолиб кетилса-чи?

– Унда мана бу томонга қараб юрилса, – деди Аҳрор ғарб томонни кўрсатиб, – Сўх дарёси келади. Бизнинг қисмимиз Сўхда. Мабодо менга бир нима бўлса, ок

латта, ҳам қўлларингизни кўтариб қуролсиз боринглар ва менинг номимни айтинглар. Манави ҳар эҳтимолга қарши, дея Ахрор кўкрак нишонини ечиб берди.

– Бу ерда туришингиз хавфли. Нариги қоялар томондан айланиб ўтиб, чўқкироққа чиқиб олишимиз керак. Бунинг учун қоратош олдига тушиш керак бўлади.

– Хўп майли. Ўртоғинг кутиб қолмасин, бора қол.

– Хўп, мен қайтиб келаман.

Қуролсиз ва ниқобсиз Нормурод илк бор ўзини қушдай енгил ҳис қилди. У илиниб қолган тузоқдан қутулиб кетиш чорасини топганидан шод эди. Лекин унга қараб ўқ уздилар. Ўқ шундоқ кўзи олдида чийиллаб ўтиб кетди. У ётиб олди.

– Нормурод, сенга нима бўлди? Омонмисан?

Кўрқиб кетган Нормурод нима қиларини билмай гарангсиб қолди "Ҳа!" – дея олди у аранг.

У бир оз ётди ва ётган ҳолатида бурни олдида ўсиб шабадада тебраниб турган беозор зира ўсимлигининг пояларига кўзи тушди. Ундан оҳиста узди-да эзгилаб хидлаб кўрди. Бу хид уни алланечук қилиб юборди. Қалбида ҳаётга бўлган иштиёқ уйғонди. Кўз ўнгида зира териб юрган Гулбибининг кулиб турган чехраси намоён бўлди. "Туринг Нормурод ака, Қоратошга борамиз!" – дегандай овоз қилди. Нима, "Қоратош!" – дедими? У анави тошга ўхшарди шекилли. Унда қандайдир кўтаринки куч пайдо бўлди. Ўзини пастга томон отди ва думалаб кетди. Лекин боши билан ўша улкан тошга қаттиқ урилиб ҳушидан кетди...

* * *

Нормурод беҳуш ётганида ўзини гўё наркоз остидаги бемордай ҳис қилиб, енгил парвоз қиларди. Қаҳ-қаҳ уриб тоғ гулларини бир-бир терарди. "Менга зира, зира териб беринг" дерди гўё пахта тераётган теримчи қиздай этак тутиб олган Гулбиби. Нормурод зира ўрнига гул терарди ва ётиб қотиб-қотиб куларди... "Нормурод туринг, тирикмисиз, кўзингизни очинг!" дея қичқирарди қиз.

– Ҳой кўзингни оч, тирикмисан! – дея қаттиқ бақирарди биров. "Нега у сансирайди, яна эркакча гапираяпти?" – дея Нормуроднинг хаёлидан ўтди ва кўзини очиб ғира-ширада бировнинг тикилиб турган ниқобли башарасини кўрди.

– Бу мен, дўстинг Каримман, тузукмисан?

Нормурод қаттиқ оғриётган пешонасини ушлади. Уни латта билан боғлаб қўйишибди. Нима бўлганини бир оз эслай олмай гарангсиб турди. Уни қоратош олдида бошқа четроққа олишиб, бошига ниманидир ёстиқ қилиб қўйишибди.

– Хайрият, тирик экан! – деди Карим кимгадир.

Карим унинг тепасидан тургач, Нормуроднинг кўз ўнгида улкан қоратошнинг бир қисми намоён бўлди. Унда бир канча ёзувлар бор эди. Нормурод кўзини ёзувлардан узолмади. Негадир шу пайтда Гулбиби билан бирга ёзган ўз ёзувини кўриш истаги лотереясига ютуқ чиқиши умидида интиқлик билан тиражни текшираётган ишқибознинг ҳолатига ўхшарди. Лекин Яратганга ҳамду санолар бўлсинки, Нормуроднинг хаёлидаги рўёлар "Н+Г. Мени кут" деган ёзув тош устидаги ўша бахтиёр дамларни эслатиб турган битик тарзида намоён бўлди. Нормурод хурсандлигидан қандай қилиб ўрнидан туриб кетганлигини, қийқириб Каримни кучоқлаб кўтариб олганини ўзи ҳам билмай қолди.

– Карим, биз озодмиз! Бу ер Қорабулоқ, Боткен экан! Уйимиз бир қадам! – дея қичқиради ва бу пайтда бутун борлиқни ва мавжуд хавф-хатарни унутганди.

– Что, у него крыша съехала что ли? – деган Довудбекнинг овози кулоғига чалинди шу маҳал.

Бир сония шодлик, бахтиёрлик ўрнини энди қаҳр-ғазаб эгаллади. Оёқ-қўли боғланган Аҳрорнинг пешонасига автоматини тираган ҳолда Довудбек бамайлихотир наша тутатиб ўтирарди.

– Товарищ маленький командир. Вы же приказали взять живём, вот и взял. Сколько за этого заплатите?... Потом Карим, я спасал твоего друга, понял. Этот мудақ, – деди у Аҳрорни бир тепиб, – хотел его убить. Видишь, он взял даже его оружие.

Каримнинг жаҳли чикди. Бориб у ҳам Аҳрорни яхшилаб дўппосламоқчи бўлди.

– Тегма унга! – дея бақирди Нормурод. – Менинг ўзим йиқилиб тушдим.

– Қуролларинг, рациянг унинг қўлида нима қилади бўлмасам?! – дея ўшқирди Карим ҳеч нарсани тушунмай. Чунки, Нормурод унга ҳали айтиб улгурмаганди. Довудбек эса, уларнинг ортидан роса пайт пойлаган экан.

– Нормурод, ты же сам сдался, – деди у киноя билан иршайиб. – Я всё видел. Вы даже смеялись, хохотали... Зачем-а? Ребята, это же...

– Правильно, – деди аранг Аҳрор ва Нормуродга кўз қисиб қўйди. Карим ҳали ҳеч нарсага тушунмаган бўлса-да Нормурод Аҳрорнинг кўзидан алланимани ўқиб олди.

– Да, я хотел просто перехитрить и убежать от него. Но, упал. Вот и всё.

– Ладно ребята, через 20 минут сюда должны прийти люди Жапиева. Мы не должны здесь торчатся, а должны быть на своих позициях. Что будем делать с этим кефиром? Может быть, лучше убьём его-а?

– Нет, он нам пригодится, – деди Нормурод бошини ушлаб.

– Нормурод, рус тилини қаердан ўргана қолдинг-а? – Ажабланиб сўради Карим. – Ҳечам гапиролмасдинг-ку?

– Ўзим ҳам хайронман, Карим. Ҳозир буни сенга тушунтириб беролмайман.

– Довудбек ака, раз меня Раҳматилла назначил старшим группы, значит за всё отвечаю сам. Этого пленника мы куда-нибудь спрячем, а вы идите на верх. Как киргизы появится, мне сообщите по рации. Я выйду навстречу к ним на переговоры. А вы за всем наблюдайте, понятно?

– Так точно, мой маленький командир! – деди-да Довудбек асирнинг бикинига яна бир тепди.

– Аблах, сен мени ҳали ўлдирмоқчи бўлдингми? – деб Нормурод ҳам унинг юмшоқ жойига келиштириб бир тепиб қўйди.

Довудбек масхараомуз кулиб қўйди-да юқорилаб кетди.

– Карим, оёғини еч! – деди Нормурод Каримга Довудбекка атайин эшиттириб ва Аҳрорга автоматини ўқталиб бақирди: – Нима, бу кофирни кўтариб кетмоқчимисан?!

Шу зайл икки ўртоқ учинчи ўртоқни тош ортига олиб ўтдилар ва Довудбек кўздан нари бўлгач, Нормурод Каримга бор гапни тушунтириб берди. Довудбек уларни пойлади.

– Карим, бу бола Аҳрор, қўқонлик, бизнинг халоскоримиз. Биз ҳаммасини келишиб олганмиз. У бизни вертолётларида олиб кетади. Довудбекнинг олдида жўрттага расмиятчилик қилдим. Узр, Аҳрорбек, қаттиқ тепмадимми?

– Ўзбекистонга борганимизда, бирга ҳаммомга кирамиз. Мен ҳам орқаларингни супурги билан бошлаб савалаб қўяман.

Йигитлар кулишдилар. Хиёлатли ҳол бир зумда ўртадан кўтарилди.

– Хўш, энди нима қиламиз? Вазият жуда жиддий, ҳозир бу ерга Раҳматиллалар етиб келишади. Довудбекдан эҳтиёт бўлиш керак. Унга барибир ишониб бўлмайди.

– Ҳа, у профессионаллардан экан, – деди Аҳрор.

– Хув анави қояни кўряпсизларми? Ҳозир очикқа чиқамиз-да, Довудбекнинг кўзига гўё асирни ўша ёққа олиб кетган қилиб кўрсатамиз. Кейин ишимизни ўша ерда режалаштирамиз, – деди Нормурод.

– Кетдик бўлмаса, сен – Аҳрор олдинда, биз орқангдан автомат ўқталиб борамиз.

Улар кадрдон қоратошдан очикқа чиқишди.

– Карим, сизлар бораверинглар. Мен тепаликни бир кузатиб қўяй. – деди Нормурод ва қуёшдан кўзини қўли билан пана қилиб, атрофни кузатди. Нормурод "Н+Г. Мени кут" деган ёзувни меҳр билан аста сийпалади. У ҳатто бир ўпиб ҳам қўйди.

Бу ерда мерган десантчилар ҳам бўлиши ва уларга қараб ўқ узишлари мумкин эди. Қоратош тепасидан майда тошлар тушгандек бўлди. Кимдир борга ўхшади. Бу Довудбек эди. У қўлида арқон билан худди айғир отни ушламоқчидай пайт пойларди.

Қаердандир сиртмоқ келиб Нормуроднинг бўйнига тушди ва бўйнидаги таранглашган арқонни чиқаришга уринаётган йигитни шиддат билан қоратош тепасига томон торта бошлади.

Нима ҳодиса рўй бераётганини англаб етмаган Нормуроднинг қўлидан курули тушиб кетди. Ўша лаҳзада бор кучи билан бўйнидаги сиртмоқни бўшатиб олишга уринди, бироқ уринишлари бефойда бўлиб, оёқлари типирчилар ва гўё дорга осилиб қолганди. Улкан бир тошнинг "Г"симон эгик жойи бўлиб у қўлларини ва оёқларини тош томонга илинтириб олиш учун жон талвасасида ҳаракат қилаётганди. Тошга илашишнинг иложи бўлмади, энди қўлини сиртмоққа олиб бориб, бутунлай бўғилиб қолмаслиги учун жон алпозда чиранарди. Тош соясининг тепасида кимнингдир улкан қўланкаси пайдо бўлди. Қўланка ўз ўлжасининг тепасига келиб эртақлардаги асроил каби уни мазах қилиб, қаттиқ кула бошлади. Нормуродга ўлим соя ташлаётганди...

Йигит "Ёрдам беринглар!", – дея бақирмоқчи бўлар, типирчилар, лекин овози чикмасди. Қўлларини бир илож қилиб томоғи остига қистириб олди, лекин бармоқлари ҳам қисилиб увиша бошлади. Боши ҳам айланиб, кўз олди қоронғилашди. У шундагина бу фоний дунёни тарк этаётганини ҳис қилди ва бошқа типирчиламай ҳам қўйди. Қандайдир ўқ овозлари ва уларнинг тошга тегиб чийиллаётганини ҳам эшитмади. Нимадир гурсиллади. Овозлар келди. Ажал билан қуршаётган йигит учун энди бу товушларнинг аҳамияти йўқ эди...

VII боб. ВАТАНГА ҚАЙТИШ

...Нормурод кўзини очди ва ўзини нариги дунёда деб ҳис қилди. Осмон кўм-кўк, беғубор эди. Унда бир калхат айланаётганди. Ёқимли шабада эсар ва у ўзи билан зира ҳидларини олиб келаётганди.

"...Жигиттер, журигдер, жунйбыз!" – деган аллақаёқдан овоз келди. Отлар кишнади, туёқлари тақиллади, арава ғилдирагининг ғирчиллаши эшитилди. Бу товушлар Нормуроднинг қулоғи тагида акс-садога ўхшаб элас-элас эшитиларди. У ҳали атрофда нима бўлаётганини англай олмаётганди. "Наҳотки, жаннат деганлари шу бўлса?" – дея гўё ўй сурарди у.

Шу пайт унинг назарида гўёки ер қимирлай бошлади. Ниманидир ушлаб қолиш учун нажот излади. Қўли бир тахтага илашди. Бир қўли бўлса, ёнидаги кимнингдир иссиқ бадани ва кийимига ёпишди, қўрққанидан уни маҳкам ушлаб олди. Ёнидан инграган овоз келди. "Бу нима, бу ким бўлди экан? Ер қимирляпти, ёрдам беринглар!" – деб бақира бошлади, лекин овози чиқмади. У баттар қўрқиб, терлаб-пишиб кетди. Ёнидан тахтанинг "тақ-тақ" овози ва кучлироқ ингрок эшитилди. От пишқирди.

– Ота, аравани тўхтатинг, анави йигит кўзини очибди, – деди бир болакай.

Силкиниш тўхтади. Нормуроднинг кўз ўнгида бир қирғиз чол ва бир аёлнинг башаралари кўринди.

– Ўғлим, тузуквы? Эй аялдер, сут минен яғни ала келингиздер! – деб кичқирди у кимгадир, – Ма ўғлим, тура қол, манавини ичиб ол.

Нормуроднинг бошини кўтаришди.

Шундагина у томоғи бойланганини ва унга сариёғ қуйилган сутни ичкизишаётганини, ўзи бу ёрдам кўрсатаётганлар қаёққадир кўчиб кетаётган қирғиз оиласининг аравасида эканини англади. Ёнида боши ва чап қўли бинтга чирмаб ташланган бир ярадор ҳам ётган экан. Тезда аравани қиз-жувонлар ва болалар қуршаб олишди.

– Ич, ичиб ал, балам. Аман қалдинг, кўп жашайсын, – деди бир кампир уни папалаб.

– Қаерден бўласан, жигит? – деб сўради мўйсафид.

Нормурод гапирмоқчи бўлиб чиранди, овози чиқмагач ручка, қоғоз беринг, дея ишора қилди.

– Эй Жулдас, қоғоз билан қалам олиб кел... Мана, ёз!

– "Мен сарчинорликман, исмим Нормурод", – деб ёзди у катта-катта қилиб.

– Э, сен ҳам Сарчинорданми? – сўради у хайрон бўлиб ва "Нимаиди?" – деган савол назари билан қараб турган Нормуродга ўзи жавоб бериб кетди.

– Ўтовга келаётсам олдимдан бир босмачи чиқиб қолди. Манави йигитни опичлаб олган экан, – деди у ярадорни кўрсатиб. – Мен қўрқиб кетдим, унинг автомати, гранатаси бор экан. "Отажон, қўрқманг, биз сизга тегмаймиз. Сарчинор қайси томонда? Кўрсатиб юборинг" – деди. Мен "Ана бу ёқда" деб Ўзбекистон тарафни кўрсатдим. У мана бу йигитни ерга ётқизиб қўйди-да, кейин ўша томонга қараб чўккалаб олиб йиғлади. Қўшилиб мен ҳам йиғладим...

Нормуроднинг хаёлига "Карим" деган сўз келди. У кўзидан ёш оқаётган чолнинг қўлларини ушлади. "У Карим эди. Ҳозир қаерда?", – дея бақириб сўрамоқчи бўлди, лекин томоғида кучли оғриқни ҳис қилиб, чурқ этолмади. Чолнинг йиғлаётганини кўриб, кампири ҳам йиғлаб юборди. Нормурод шошиб қоғозни беришларини сўради ва унга тезда "У Карим, менинг ўртоғим, у қаерда?!" – деб ёзди.

– Худо раҳмат қилсин, жойи жаннатда бўлсин, уни ўша сени осиб қўйишган қоратош яқинига кўмдик, – деди кўз ёшларини рўмолчаси билан артиб.

Нормурод Каримнинг ҳалок бўлганини эшитиб, афсусланди, лекин ўзининг ҳали ҳаётлиги ва яхши одамлар қўлида эканлигидан тангрига шукроналар қилди.

"У қандай ўлди?" – ёзиб сўради Нормурод.

– Вертолётлар келиб қолишди. Мен унга "қочинглар, отади!" дедим. Ўзим манави болани судраб тошларнинг тагига яшириндим. У бўлса Сарчинор тарафга қараб сажда қилаверди. Кейин қуроллари ерга ташлаб вертолётга бағрини очиб берди. Уни отиб ташлашди. Мен унинг олдида чошиб бордим. Бола жон беряпти-ю хурсанд эди: "Отажон, ўқ бегона эмас, ўзимизники", деди-ю...

Чол ортиқ гапира олмади. Аравадан нари кетди. Нормуроднинг кўзидан ҳам тиркираб ёш оқа бошлади. "Эҳ Карим, Карим. Нималар қилиб қўйдинг", – деди у фикран. Шу пайт ёнида ётган ярадор унинг қўлини тимирскилаб топиб маҳкам қисиб қўйди. Бу ҳамдардлик белгиси эди.

– Мен Аҳрорман, – деди у зўрға.

Нормуродга ғойибдан ғайриоддий куч келди ва ўрнидан туриб ўтирди. У дўсти Каримни йўқотганлигини ўйлаб бир томондан қайғурса, иккинчи томондан Аҳрорни омон кўриб шодланди. У ярадор ўртоғининг қўлини маҳкам қисиб хайкириб бақиргиси, "дод" дегиси келди. Лекин...

– Бизларни қаёққа олиб кетишяпти? – деб қоғозга ёзиб сўради Нормурод ўзини босиб олгач.

– Сўхга. Ўзлари Ҳайдарконга қараб қочиб кетишяпти.

– Қаерингиздан яраландингиз? – деб сўраб ёзди Нормурод.

– Қўлим, биқиним, кейин бошим, – деди у аранг. – Ўша аблах чечен сени осиб қўйгач, бизга қараб ўқ узди.

Нормуроднинг кўз ўнгида Довудбекнинг башараси намоён бўлди. "Аблах, итэмган", – дея ичида ғижиниб қўйди у.

– Кўнглинг тўқ бўлсин, Довудбекнинг ўзи ҳам ўлди. – деб қўйди.

– Уни ким ўлдирди?

– Қирғиз лашкарлари. Сени ҳам ўшалар қутқаришди.

– Мужоҳидларнинг гуруҳини бизнинг десантчилар, ҳам маҳаллий лашкарлар қисиб қўйишди. Бу ишларни Жапиев уюштирибди. Унинг ўзи Довудбекни отиб ташлади. Мени мана бу қочоқлар қарвони олиб кетишаётганди. Йўлда Жапиевнинг одамлари сени ҳам қўшиб қўйишди. Бир аравага тушиб қолганимизни қара, тавба... Бўлмаса мингта арава бор..

Аҳрор Нормуроднинг қўлини қисиб қўйди.

– Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Дарёга етиб олсак, у ёғи ватанимиз, мана кўрасан, соғайиб кетамиз.

Нормурод ўзининг бошқа жойлари соғми-йўқми, текшириб кўрмоқчи бўлди. Оёқ-қўли ишляпти. Фақат боши ғувиллаб қаттиқ оғриётганди. У оҳиста ўрнидан туриб, аравадан тушмоқчи бўлди. Қирғиз чол уни кўриб тезда отнинг жоловини тортди. Билишича, у осиб қўйилган арқонни ўқ билан узишибди. У ерга қаттиқ йиқилибди. Боши яна шикаст ебди.

– Ҳой йигит, нима қиляпсан, ётавер.

– Йўқ, пиёда юриб кўрмоқчиман, – дея ишора қилди у.

– Эҳтиёт бўл. Бошинг айланса яна ётиб ол, хўпми?

"Хўп, раҳмат" ишорасини қилди ва араванинг Аҳрор ётган томонидан ушлаб кета бошлади. Аҳрор унга самимий жилмайди. Бу табассумдан "Энди бизлар бир умр дўст бўлиб қоламиз", – деган маънони уқиб олиш қийин эмасди. Кўп ўтмай

Нормурод энди аравани ушламай ҳам оқсоқланиб қадам ташлай бошлади. Унинг қалбида ҳаётга бўлган ишонч жунбиш урмоқда эди.

Мўйсафид йигитнинг ўзини яхши ҳис қилаётганидан кўнгли тўлди. "Фақат гапира олмапти. Ҳечқиси йўқ, бу вақтинчалик, тузалиб кетади ҳали" – дея кўнглидан ўтказди у, – "Бечора йигит азоб чеккан кўринади. Қизиқ, бу томонларга қандай келиб қолди экан-а?...".

* * *

Нихоят, тепаликдан орзиқиб кутилган оппоқ сувлари шарқираб, биллурдек жило бериб оқаётган Сўх дарёси кўринди.

Чол Нормуродни ўзига чорлади-да дарёни кўрсатди:

– Биз соҳилдан Сўхга томонга юрамиз. Агар хоҳласанг сен дарёни кечиб ўтавер. У ёқда катта асфальт йўл бор. Ўша йўлдан озгина юрсанг, Чўнғара қишлоғи келади, машиналар кўп. Уйингга тез етиб оласан.

Улар соҳилда хайрлашдилар. Чолнинг исми Тиркаш бўлиб, Ҳайдаркондаги акасиникига оиласини олиб кетаётган экан. Ҳаммаёқ тинчиса яна Боткенга қайтиб келишармиш. Аҳрорни бўлса Сўхдаги ҳарбий қисмларига топшираркан. Демак, уни госпиталга олиб кетишади. Нормурод Тиркаш амакининг барча оила аъзоларига кўлини кўксига қўйиб, чуқур миннатдорчилик изҳор қилди ва Сўх дарёсини кечиб ўта бошлади. Саёз, лекин суви ёйилиб оқаётган дарёнинг нариги соҳилида ҳақиқатдан ҳам катта йўл бўлиб, уни Нормурод яхши биларди. У кечувнинг ўрталиғига борганида йўлда – секинлик билан баландликдан тушиб келаётган "Камаз"га кўзи тушдию машина томон сувларни шапирлатганича чопиб кетди...

* * *

Нурмат ака билан Саидакбар майин шабада елиб турган адир тепаликлари оша Ўзбекистон чегаралари сари унсиз боришаркан, жимликни аҳён-аҳёнда Нурмат аканинг йўтали бузиб қўяр, у қувватсизлигидан судралиб, ҳадеб ортда қолиб кетаётганди. Йўл бошлаб бораётган ва сумкани кўтариб олган Саидакбар эса анча олдинлаб борарди. У бетоқат бўлиб мўйсафиднинг секин қадам ташлашига аранг бардош бераётганди.

– Тезроқ юрақолинг тоға, ватанингизга жуда оз қолди, – деди Саидакбар ниҳоят ўз тоқатсизлигини яшира олмай. – Чегарачиларнинг кўзи тушмай туриб ўтиб ола қолайлик.

"...Ватанингиз" сўзи Нурмат акани анча дадиллаштиргандай бўлди. У теварак-атрофга умид билан аланглади, лекин адир тепаликлари-ю, уларнинг юзида қовжираб, шабада елидан силкинаётган ўт-ўланлардан бошқа ҳеч нарсани кўрмади.

– Чегарачилар бирор нарсa дермиди? Нега энди улардан қочишимиз керак? – деди Нурмат ака йўталиб олиб.

– Ҳа энди, бошни оғритишлари мумкин-да. Ёш-ёш болалар отаси тенги одамларни сўроқ-саволга тутиб турса яхши эмас-да. Хуллас, тоғажон, гап бундай, биз барибир чегарачиларга дуч келсак керак. Улар ҳужжатларни, кейин манави сумкани текшириб қолишлари мумкин. Сиз "Сумка меники, бола-чақаларга озгина совға-салом олиб кетяпман" деб айтинг, хўпми? "Нима мақсадда келувдингиз?" деб сўраб қолишса "қариндошларникига совуқ маъракага келувдим" денг.

– "Омонзодани кўмиб келяпмиз" десамчи?

– Ҳа, яшанг! Шундоқ дейилмаса "Нимага? Қаерга? Кимникига?" – деб бошимизни оғритишади-да, занғарлар.

– Хўп таксир, нима десангиз шу, фақат мени эсон-омон ўз юртимга ўтказиб қўйсангиз бўлгани.

– Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади, ҳужжатларингиз жойида-ку!...

– Лекин ўғлимни кўра олмай кетаётганим яхши бўлмади-да...

– Ўғлингиз қаерда эди?

– Лагерда, Журжонийнинг қўлида эди.

– Нима дедингиз?! – деди Саидакбар унга "ялт" этиб қаради. – Ким эди ўғлингиз?

– Нормурод.

– Сарчинорликми?

– Ҳа! Нима, сиз уни танийсизми?!

Саидакбар ўйланиб қолди: "Нега ўғлини бу кишига кўрсатишмади экан? Бир гап борга ўхшайди...".

– Э, йўқ, бир кўргандай бўлувдим шекилли..., – деди Саидакбар мужмаллик қилиб.

– Қаерда?! – деб сўради мўйсафид бетоқат.

– ...Янги келганларида Душанбе аэропортида бир суҳбатлашиб қолувдик. Улар кўпчилик эди. Ўқишга келишган экан, шекилли.

– Ҳа-ҳа, улар хорижга Ислон университетига боришмоқчийди, лагерда тайёрлов курсидан ўтадиган бўлишганди.

– Сиз у ерга бордингизми?

– Ҳа, уларни хижрат сафарига жўнатишганмиш.

Саидакбар мўйсафид билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш кераклигини ва Раҳматилла атайин ўзини танитмаслик учун уни кузатувчи қилиб жўнатганини англади.

– Ҳечқиси йўқ, ўғлингиз ҳали ўқишларни битириб қайтса, тўйлар қиларсиз, бизларни тўйга айтарсиз, тоғажон...

– Худо хоҳласа, албатта борасизлар... Ўзбекистонга ҳали узоқми, ҳеч йўлимиз кўпаймаяпти-да.

– Йўқ, анави тепаликдан кейин адирлар тугайди. Кейин бир километрча юрсак асфальт йўл келади. Ўша йўл Ўзбекистонники – давлат йўли, – деди Саидакбар гап ниҳоят бошқа мавзуга ўтганлигидан мамнун бўлиб.

Тепаликдан ҳам ўтишди. Уларнинг кўз ўнгида ям-яшил текислик намоён бўлди. Узоқ-узоқларда машиналар қўнғизлардай ўрмалашар, далалардаги меҳнаткаш одамлар бўлса, чумолидай ғимирлашар, гўё осмонида осойишталик ҳукмрон бўлган Ўзбекистон бағрини кенг очиб турарди.

Нурмат ака буни кўриб қувониб кетди. Баданларидаги оғриқни унутди. Ёш боладай пастлик сари югургилаб кетгиси ва тезроқ ватан тупроғига етиб олишни хоҳлаб Саидакбарни хайрон қолдириб тез-тез юриб кетди. Лекин аллақадан келган "Тўхтанглар!" деган овоздан бир сапчиб тушиб, таққа тўхтади. Чегарачилар экан. Салом-аликдан сўнг Саидакбар айтгандай ҳужжатларни талаб қилишди.

– Сумкада нима бор? – сўради уларнинг бирови.

– Ҳа, бола-чақаларга совға-салом дегандай, – деди Нурмат ака хотиржам ва Саидакбарнинг қўлидан олиб очди-да бир салафан халтада майиз-туршак чиқариб, аскар болаларга узатди.

- Йўқ, тоғажон, раҳмат! – деди уларнинг бирови.
- Бемалол олаверинглар, менинг ўғлим ҳам сизларга ўхшаган ўктам йигит.
- Тожикистонга нима мақсадда борган эдингизлар?
- Совуқ маъракага, – деди Саидакбар.
- Ҳа, бир қадрдонимизни отиб қўйишган экан, исми Омонзода эди раҳматли, – деди Нурмат ака самимий.
- Нега божхона постидан ўтмадиларинг? – деб сўради чегарачиларнинг бирови.
- Ахир у томонлар нотинч эмиш. Ибод дегани билан Қодир деганлари бири бири билан жиққамушт бўлишаётганмиш, боргани кўркдик, – деди Саидакбар.
- Ҳа, тўғри, – деди чегарачиларнинг бири, бизда ҳам шунинг учун вазият кучайтирилган.
- Тожикистонда аҳвол жуда оғир экан, мен ҳам бир ўлимдан қолдим, Ширкент дарёсида ўликлар оқаётганини кўрдим.
- Хўп Карим ака, Нурмат ака, сизларга оқ йўл. Бу сафардан кейин албатта божхона постидан ўтинлар, хўпми? Бошқа бу ерлардан юрманлар! – деди чегарачилар сардори паспортларни қайтиб бераркан. – Сарчинорга яхши етиб олинглар, ҳамқишлоқ экансизлар-да-а?
- Ҳа-ҳа, раҳмат! Сизлар ҳам хизматни яхши ўтказинглар. – деди Саидакбар.
- Чегарачилар нари кетишди.
- Сизни "Карим" дейишяптими?
- Э-ҳа, ҳужжат бўйича "Карим", лекин мени болалигимдан "Саидакбар" деб чақиришга ўрганишган-да.
- "Ҳамқишлоқмисизлар" дейдими?
- Э айтаверади-да, ёш болалар нимани фарқига боришарди. Бундай пайтда "Хўп" дейсизу, кетаверасиз-да, отахон.
- Ватан тупроғига қадам қўяётгани учун кўтаринки руҳ пайдо бўлган Нурмат ака "Карим" ҳақида бошқа суриштириб ўтиришни эп кўрмади. Аслида эса Саидакбар қўлидаги ҳужжат ҳақиқатдан ҳам Нормуроднинг ўртоғи Каримники бўлиб, фақат сурати алмаштирилиб қалбакилаштирилганди. Бу ҳолат кейинчалик криминалистика бўлимида аниқланади.
- Улар ниҳоят ўша орзу қилиб интилган Денов йўлига чиқиб олдилар. Саидакбарнинг ишораси билан бир "Дамас" келиб тўхтади ва ҳайдовчи йўловчиларга синчковлик билан тикилди. Саидакбар атайин унинг шубҳага бормаслиги учун яшил паспортларни қўлида ушлаб турарди.
- Қаерга борасизлар?
- Деновга, кейин Тошкентга.
- Ҳужжатлар жойидами?
- Ие, ока, уялтирвотсиз-ку! – минғирлади Саидакбар атайин тошкентча шевада.
- Чиқинглар, – ҳайдовчи хотиржам бўлиб, – Ҳар бирларингга минг сўмдан бўлади.
- Хўп ока, от билан туя эмас экан-ку!
- Қаердан келяпсизлар?
- Тепалик орқасидан, – деди Саидакбар Тожикистон томонни кўрсатиб, – бир қариндошимиз қазо қилган экан.
- Бу ерлар қаерга қарайди, ўғлим? – деб сўраб қолди Нурмат ака ҳайдовчидан.

– Худога шукурки, Ўзбекистонга! – деди ҳайдовчи ғурур билан ва радионинг мурватини бураб, бир мумтоз кўшиқни топиб, баландлатиб қўйди.

– Э, хайрият-е! Худога минг қатла шукур! – деди муаллим ва кўзларидан беихтиёр бир неча ёш томчилари думалаб тушди.

У кўшиқ оҳангига берилиб бораркан, ўзини озод бўлган қушдек эркин ҳис қилди. Ватаннинг нақадар азизлигини, ҳаётнинг нақадар гўзаллигини ва осойишталикнинг кадр-қимматини у бутун вужуди билан ҳис қилди. Лекин сарсон юрган ўғлини эслаб юраги сиқилди. Афсус, уни кўра олмади. Шунча сарсон бўлди. Ҳаёти хавф остида қолди. Бир соат аввал қаерда эди-ю, ҳозир қаерда?... Ўша бир соат олдин ўлиб кетиши ва ўлиги Омонзодага ўхшаб қайсидир гўрларда ёки кафансиз қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Уни ҳеч ким тополмасди ҳам...

У охириги воқеаларни бир-бир кўз олдига келтирди. Қоронғу, зах ҳидли хонада совуқдан тукларигача дилдираб чиқишлари, хавотирлик, қўрқув ва ниҳоят озодлик, ниқобли кишилар... Нурмат ака шулар ҳақида эсларкан, юраги сиқилди. Ўпкаси тўлиб кетди. Ич-ичидан тўхтамай йўтала бошлади. Бели ва оёқларида қаттиқ оғриқни ҳис қилди. Оғриқлари гўё уни эркинликка чиқишини кутиб тургану энди душман каби ғиппа томоғидан олаётгандай эди.

– Ҳа, тоға, мазангиз йўқми дейман-а? – сўради ҳайдовчи йўталаётган ҳамроҳига қараб қўяркан.

– Ҳа, шамоллаб қолганга ўхшайдилар, – жавоб қилди Саидакбар унинг ўрнига.

– Уйингизга етиб боргач, ўзингизни албатта дўхтирга кўрсатинг, – маслаҳат берди ҳайдовчи.

– Ҳа албатта, раҳмат ўғлим! – дея олди Нурмат ака базўр.

У тобора ҳолдан кетиб бораётганди ва Деновга қачон кириб келганини пайқамай ҳам қолди. Бир пайт Саидакбар ҳамроҳининг елкасига туртиб ўзига келтирди.

– Туша қолинг, тоға, бирга тамадди қиламизда, кейин сизни Тошкентнинг машиналаридан бирига чиқариб юбораман.

Мўйсафиднинг қуввати кетган, қорни оч бўлса-да, томоғидан негадир овқат ўтмади. Баданидан ички бир титроқ келар, ўқчиб-ўқчиб йўталарди. У чой ичиб тургунча Саидакбар киракашни гаплашиб келди ва олдига хурсанд қайтди.

– Ана бўлди, ҳув анави оқ "Жигули" сизга мунтазир. Яхши боринг, уйдагиларни сўранг, ҳа айтмоқчи, сумкангизни эҳтиёт қилинг. Уни ҳар ерда қолдириб кетманг-а. Омонатда-омонат, бировнинг нарсаси, ахир.

– Ҳа-ҳа, мен уни Тошкентга олиб бориб эгасига топшираман, албатта...

Машинага яна уч йўловчи олинди. Бу орада Саидакбар бошқа машиналар олдида ҳам нималарнидир сўраб юрди. Ниҳоят машина жўнайдиган бўлди. Саидакбар Нурмат ака билан кучоқлашиб хайрлашди ва унинг уст-бошидан келаётган аллақандай ҳиддан беҳузур бўлди.

– Яна дийдор кўришгунча, тоғажон! – деди бурнини тўсиб оларкан.

– Раҳмат сизга, соғ бўлинг, саломат бўлинг. Юртимиз тинч бўлсин, инсонийлигимиз йўқолмасин, илоҳим. Бола-чақангизни орзу-ҳавасини кўринг, қилган яхшилигингиз мендан қайтмаса худодан қайтсин!

Улар ёш йўловчилар билан бирга фотиҳага қўл очишди. Машина жойидан кўзғалди. Нурмат ака орқа ўриндикда сиқилиб ўтириб, сумкани оёқлари орасига олволганди. Мазаси йўқлиги, оғир толиққанлиги ва қувватсизлиги туфайли тезда

пинакка кета қолди, лекин бу маҳалда изма-из яна бир "Волга" машинаси йўлга чиққанидан ва унда Саидакбарнинг бир ўзи орқа ўриндикда ёнбошлаб келаётганидан беҳабар эди.

"Жигули"даги йўловчилар асосан ёш-ёш талабалар бўлиб, улар машина юраётганидагина ўтиришганди ва қўзғалганларидан сўнггина салондаги бадбўй хидни туйдилар. Ҳатто, ҳайдовчи ҳам буни кутмаганди. Неча кунлаб қамокда ювинмай ўтириш... ўз ишини кўрсатган, Нурмат аканинг мазаси қочган, унинг уст-бошига зах ва ёқимсиз хид ўтириб қолганди. Бу ҳолат аввало орқада ўтирган талабаларни безовта қила бошлади.

– Ака, тўхтатинг! – деди улардан бири бурнини беркитиб.

– Ҳа, тинчликми? – сўради ҳайдовчи ҳеч нарса сезмагандай.

Машина йўл четига тўхтади. Икки талаба ундан сакраб тушишди. Бирови чуқур нафас олди.

– Нақадар гўзал бу ҳаёт!

Иккинчи йигитча ҳам "Ҳа!..." дея ҳазиллашиб энтикиб қўйди.

– Ака, ахир бунақада Тошкентгача бўғилиб ўлиб қоламиз-ку! – деди бирови машинадан тушиб келган ҳайдовчига.

– Нима бўлибди? Ойналарни очиб кетамиз. Мениям отам шу кишига ўхшаган чўпон.

– Э, йўқ, ака, тўғри келмайди. Айтган пулингизни тўлаяпмиз-ку!...

– Ахир ўзингиз тушунинг-да, – деди иккинчи йигит ҳам.

Ҳайдовчи нима қиларини билмай ҳайронда қолди. Бу орада учинчи йўловчи ҳам тушиб келди. Мўйсафид эса, парвойи палак уйқуга кетган, бу етмаётгандек варанглашиб хуррак ҳам отаётганди...

Талабалар билан ҳайдовчи узоқ тортишишди. Ниҳоят уларнинг бири қарши тарафдан келаётган микроавтобусни тўхтатди. Уни кўриб ҳайдовчининг жаҳли чикиб кетди ва тўсатдан микроавтобус ҳайдовчисига дағдаға қила кетди:

– Агар мана шу болаларни олиб бир қадам юраркансан, кунингни кўрсатаман!

Микроавтобус ҳайдовчиси ор-номусли бакувват киши эди. Кутилмаганда эшитган бу гаплардан тутаб: "Мен билан сенинг нима ишинг бор!" – деб ёқалашиб кетишди. Энг ёмони, микроавтобусчи боксёр экан шекилли, бир уриб киракашни нокаут қилди-қўйди. "Жигули" ҳайдовчиси йўл ёқасида беҳуш ётиб қолди. Талаба болалар ишнинг бу томонга айланиб кетганидан ҳангу манг бўлиб қолишди.

"Волга"да ўзича ҳузур қилиб ёнбошлаб келаётган Саидакбар йўлдаги бу баҳсга кўзи тушиб довдираб қолди.

– Э, тўхтатинг! Тинчликмикин?

Машина жанжалкашларни оралаб ўтиб олдинга тўхтади. Бу пайтда талаба йигитлар беҳуш ҳайдовчини ўзига келтириш билан овора эди. Аксига олиб шу пайт тўсатдан қарши тарафдан ДАН машинаси ҳам келиб қолди...

Хуллас, ҳайдовчиларнинг ҳужжатлари олинди. Талабаларнинг ҳам ҳаммаси гувоҳ бўлиб Денов тумани ИИБ бўлинмасига равона бўлишди. Албатта "хуррак отар киши" ҳам бу дунёнинг ишларидан беҳабар, машина ичида қолиб кетди. Фақат рулни бир милиционер бошқариб борди. Воқеаларнинг бу алфозда ривожланиб кетганидан Саидакбар ташвишга тушиб қолди. Бунинг устига "Оббо жўжахўрозларей" – деб қайтиб келган "Волга" эгаси рулга ўтириб машинани жадал ўт олдирганида Саидакбар "дод" деб юборай деди:

– Тўхтанг, илтимос!

– Ие, нега ака, йўлимиздан қолмайлик, узоқ йўл ахир.
– РАФнинг ҳайдовчиси менинг бир қариндошимга ўхшайди-да!
– Нега тушмадингиз бўлмасам?
– Танимабман-да... Жанжал нимадан чиқибди, ўзи?
– Ким билади. Икков ҳайдовчи ниманидир талашиб қолишибди-да, кетдикми?
– Орқага ҳайданг, илтимос. Ҳаққингизга қўшиб бераман.
– Ие, унақа эмас-да, ака. Мен ҳали Тошкентга бориб, яна қайтиб келишим керак.
– Мен хижолатпазлик билан қандай кетаман, ахир!
– Уф-ф... – деди ҳайдовчи ортга қайтаркан. – Энг ёмон нарса – бу йўлдан қайтиш. Нимага тўхтадим ўзи?..
– Мелисахонага ҳайданг. Ҳойнаҳой улар ўша ерга кетишган бўлишса керак.
– Нима, энди мелисахонама-мелисахона юрамизми? – тўнгиллади ҳайдовчи кесатиб.
– Бўғилманг, ҳаққингизни икки баробар тўлайман.
– Ортиқча пулингиз керакмас, ака. Йўлдан қайтиш ҳосиятсиз бўлади, дейишади-да!

Улар бўлинма олдиға етиб боришгач, Саидакбар тезлик билан "Жигули" ичида ухлаб ётган "ҳамроҳи"га қўзи тушди ва уккиникидай нигоҳи билан сумкани излади. Эшикни очиб аста олмоқчи эди, талабалардан бирови чиқиб қолди. Саидакбар ўзини машина олдида нари олиб, гўё улардан хавотирда орқаларидан келганини айтиб, нима гаплигини билиб олди..

– Хуллас, яна бир йўловчи оламиз – деди у "Волга" ҳайдовчисининг олдиға бориб. – У киши орқада ётиб кетади, мен эса олдинда кетаман. Ҳаққини мендан олаверасиз. Фақат сиздан илтимос, у кишини мазаси йўқроқ экан. Олиб келиб ўзингиз ётқизиб жойлаштирсангиз, савоб бўларди.

Киракашга бу гап хуш ёқди. Нурмат акани авайлаб олиб келиб ётқизаркан, сумкани болиш қилиб берди ва чопонини устиға ёпиб ётқизиб қўйди. Саидакбар ҳам гўё ўзини ота атрофида парвона бўлгандай кўрсатиб, унинг сумкасини баландроқ қилиб қўйди.

– Синадиган нарсаси йўқмикин, ишқилиб, – деди Саидакбар кулиб, – Хўп бизлар жўнадик, сизлар "Жигули"да ортимиздан етиб оларсизлар. Йўлдан духи сепган бирор жононни олволинглар, хўпми?

Йигитлар кулишди. Умумий кайфият кўтарилди. Ҳайдовчи яхши мусикани топиб қўйди. Саидакбар машина ойнаси тагида турган киракашнинг қора кўзойнагини ҳар эҳтимолга қарши тақиб олди.

...Ниҳоят Тошкент шаҳри азимға етиб келишди. Нурмат ака етиб келгунича ўрнидан турмади, балки ўқчиб-ўқчиб йўталиб келди. Машина Чорсу бозори дарвозаси олдиға келиб тўхтади. Саидакбар икки киши учун ҳисоб-китоб қилди.

– Раҳмат ака, мана бу кишини уйғотиб юборинг, фақат сумкасини унутиб қолдирмасин, хўпми?

Ҳайдовчи Нурмат акани кўзғатаётган пайтда Саидакбар кўздан ғойиб бўлган, у Аҳмадхўжани қидириб кетганди.

* * *

"Эскижўва" (Ҳозирги "Чорсу") ўзининг салобати билан Тошкентдаги бошқа бозорлардан ажралиб туради. Бу ажиб савдо гузари не-не даврлар ва одамларни

кўрмади, тарихий воқеаларни гувоҳи бўлмади, дейсиз. Бозор шаҳарнинг қок марказида жойлашганданми, транспорт, ҳатто метронинг қулайлигиданми, доимо гавжум ва файзли кўринади. Ҳазил қилиб айтганда бу ерда "анқо"нинг уруғи ҳам, қуруғи ҳам топилади ёки бўлмаса, кўнглингдан ўтган бирор танишинг тўсатдан олдингдан рўбарў келиб қолганини ўзинг ҳам сезмай қоласан...

Улкан "Тўнкарилган қозон" тагида турли-туман рўзғорбоп зираворлар сотилади. Одинахон ҳам шу ерда савдо қилади. У ўзининг Қўқон шеvasида "келсинлар", "олсинлар" дея каттаю кичик харидорларга ўта хушмуомалада илтифот қилиши, қалин қошларини чимириб доимо кулиб туриши, серғайрат ва чаққонлиги билан бошқа сотувчилардан фарқланиб туради.

– Мана, марҳамат қилсинлар. Зиранинг зўри бор. Боткеннинг Қорабулоқ деган жойидан келтирилган. Адашмасинлар, – дейди у навбатдаги харидорга одатдагидек сўзлаб қўлига бир чимдим хушбўй зирани тўқаркан, – Ҳидлаб кўрсинлар, арзонгина... Қанча оладилар?

Бугун ҳам Одинахоннинг қўли-қўлига тегмасди. У бурро тили билан харидорлар эътиборини жалб қилиб, бировга зира, бошқасига ҳар хил зираворларни чаққонлик билан ўраб бераркан, унинг бу ҳаракатларини бир четда зимдан кузатиб турган унниқан уст-бош кийимли нотаниш кишига ҳар замонда нигоҳ ташлаб қўярди.

Нотаниш одам жуда ҳорғин кўринарди. Кўзларидаги сезилиб турган ғам, пешонасидаги қаватлашган ажинларидан, оқ аралаш соқолининг анчадан бўён олинмаганидан девонасифат бўлиб кўринар, кам қувватлигидан пештахтанинг бир четига суяниб базўр турарди. "Қизик, бу киши ким бўлдийкин?" дея Одинахоннинг кўнглидан ўтди. "Илгари кўрмагандим. Ё доvon ошиб келган бирор қариндошларимданмикан-а?".

Негадир эслолмади. Савдосини давом эттираркан, эрининг узок қариндошларидан билганларини ҳам бир-бир кўз ўнгига келтириб чиқди.

Ниҳоят, харидорлар сийраклaшгач, нотаниш кишининг ўзи Одинахоннинг олдига оҳиста яқинлашди:

– Қизим, зира қаерники дедингиз?... – сўради у титроқ қўлини халтача томон беҳол узатаркан.

– Вой, ассалому алайкум отахон, келсинлар! Мана, кўрсинлар. Боткенники, "Қорабулоқ" деган жойдан бир қирғиз танишим доим олиб келиб бериб кетадилар.

Бу Нурмат муаллим эди. Унинг кўзлари "ярқ" этгандай туюлди. Ота зирани кафтларига оларкан, негадир ранги "қувв" ўчди. Қўлларига қўшилиб энди қуришиб, ёрилиб кетган лаблари ҳам титрай бошлади. Чимдим зирани у қандайдир ички бир изтироб билан димоғига олиб борди ва кўзларидан бир томчи ёш думалаб тушди. Ҳамиша хушчақчақ Одинахон бу нохуш ҳолатни сезиб қолди ва хушёр тортди. Сўнгра чаққонлик билан йўлак томон айланиб ўтди-да, отахоннинг қўлтиғидан олди.

– Вой отажон, сизга нима бўлди, бетобмисиз? Қани юрсинларчи... Чой бераман.

Одинахон уни аста етаклаб сотув пештахтаси ортига олиб ўтаркан, бу киши одатдагидек гадоЙлик ёки мастлик қилиб юрадиганлар хилидан эмас, балки бошига бирор мушкуллик тушган мусофир эканлигига ишончи комил эди.

Одинахоннинг ёнидаги ҳамсоЯ сотувчи аёллар ҳам бу ҳолатга бефарқ қараб турмадилар. Бири кўрпача, бири қоп тўшаб мўйсафидга жой ҳозирлаб беришди.

Қўлидаги бозор халтани олиб қоплар ораллиғига қўйиб қўйишди. Мўйсафид иссиқ-иссиқ чой хўплади, бир тишлам нон ва бир дона узумдан еган бўлди, сўнгра аёлларга миннатдор бокди. Лекин беҳол бўлиб кўзлари юмилиб кетаверди. Аёллар уни қопга суяб қўйдилар. У мизғий бошлади.

– Бечора, узоқ йўлдан келган кўринадилар, – деди аёллардан бири ачиниб.

– Майли, бир оз дам олиб, ўзларига келиб олсинлар, – деди Одинахон ўз ишини давом эттираркан, кўнглидан ҳар хил фикрлар ўта бошлади. "Қизиқ, бу кишига зира нега бунча таъсир қилди экан-а?". У мўйсафиднинг чехрасига яна бир разм солди "Раҳматли отамга ўхшаб кетарканлар" деган фикр хаёлидан ўтди.

– Бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, Одинахон, – деди Салима исмли қўшни сотувчи аёл бир хўрсиниб оларкан, – Бирор ташвиш билан юргандирлар-де. Яхши қилдингиз, савоб бўлади.

– Ануви Кунсулув деган қирғиз эже бор эди-ку, ҳар ой зира олиб келардилар. Анчадан буён келмай қолдилар-да...

– Боткен нотинчмиш-ку, ахир! Йўллар тўсиқ бўлса керак-да.

– Ҳа-я! – деди Одина ёдига тушиб, – Ишқилиб соғмиканлар?! Нотинчлик ёмон-де, осойишталикка не етсин.

– Ҳа, нимасини айтасиз, аскар болаларга ҳам қийин бўлди.

– Менинг жияним Абборниям Чирчиқдан Сўхга олиб кетишганмиш. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да..., – деди Одинахон дилидагини яшира олмай навбатдаги харидор билан мулоқотини давом эттирди.

* * *

"Чорсу" милиция таянч пунктнинг профилактика инспектори капитан Юсупов ёрдамчиси сержант Саидов билан бозор расталарини оралаб, паспорт режими бўйича суриштирув ишларини олиб борардилар. Чунки бозорга ҳар хил одамлар не мақсадларда келишади. Бу ерда баъзан қидирувдагиларга ҳам, ғараз ниятли кишиларга ҳам ва ҳатто қўшни давлатлардан ноқонуний келиб қолган кимсаларга ҳам дуч келиш мумкин.

Милиционерларнинг назари қопларга суяниб беҳол ёнбошлаб мизғийган ва баъзида калта-калта йўталиб кўяётган ўрта ёшли кишига тушди.

– Одина опа, бу киши ким бўлди? – деб сўради инспектор бир оз шубҳа билан зирафуруш аёлдан.

– Ҳа, бу кишими? Бир мусофир экан, толиқиб мазаси қочиб қолибди, "савоб бўлади" деб чой берувдик, ухлаб қолдилар.

– Ҳужжатлари бор эканми?

– Вой билмадик, туппа-тузуклар-ку, – жавоб берди аёл. Милиционернинг синчковлигига унинг ғаши келди.

– Ҳушёр бўлинглар, – деди инспектор қўшни сотувчи аёлларга эшиттириб, – Ҳозир ҳар қанақа одамларга ишонаверадиған замонмас... Ким шубҳали кўринса дарров бизга хабар қилинлар, хўпми? Ҳозир турли қочоқлар кўпайиб кетишган, ораларида террорчилар ҳам бўлиши мумкин. Кейин панд бериб қўйишади.

– Хўп бўлади!!! – дейишди аёллар гапни қисқа қилиш маъносида.

Синчков инспектор мўйсафид кишига яқин борди ва унинг бир аҳволдаги уст-бошларига, юз тузилишларига эътибор бериб, оҳиста унинг елкасидан туртиб кўрди.

– Тоғажон, ҳой тоға!...

Киши бир безовталаниб бошини кўтармоққа шайланди, лекин мастлардек яна қайтиб ётиб қолди.

– Бу кишининг соғлиғи чатоққа ўхшайди-ку! Ичгани йўқ, касал бўлса керак... Саидов! Ануви ўзимизни доктор опани чақириб келинг, мен шу атрофда бўламан, хўпми?!

– Хўп бўлади! – деди сержант ва шошиб қаёққадир кетди.

* * *

Доктор опа мусофир кишини обдон текшириб кўраркан, унинг қон босими тушиб кетгани ва аҳволи оғирлигини айтди.

– Ўртоқ инспектор, бу кишини тезда касалхонага ётқизиш лозим, соғлиғи ёмон, бирор юқумли касали ҳам бўлиши мумкин, текширтириш керак бўлади, – деди у бир оз хаяжон билан.

Инспекторнинг рация орқали чақирган "тез ёрдам"и кўп ўтмай етиб келди. Замбилни кўтаришга яна бир одам керак бўлиб қолди. Инспектор аравада коп ташиётган бир ҳаммол йигитни чақирди. Ҳаммолнинг томоғи боғланган ва ўзини гунгдек тутарди. Инспекторнинг топшириғини бекаму кўст бажарди. У касал кишини машинага юкларкан, беморга қараб бир зум анграйиб қолди. Аммо ҳайдовчи эшикни ёпиб тез жўнаб қолди.

Йигит ўша ерда бир муддат довдираб турди ва Одинахонга бир ғалати қараш қилди "Тавба, бу бола нега менга бунақа олаяди?" – деб хаёлидан ўтказди аёл.

– Демак, бу киши ҳақида ҳеч нарса билмайсиз, тўғрими? – сўради инспектор унинг хаёлини бузиб.

– Йўғе, худо урсин, аммо одамгарчилик ҳам керак-ку, – деди Одинахон чинакамига аччиқланиб.

– Хўп-хўп, майли, бирор нарса эсласангиз, менга айтарсиз, опажон.

Инспектор шундай деб ўз иши билан нари кетди.

Кўп ўтмай Одинахоннинг рўпарасида ҳалиги беморни юклашга ёрдам берган ҳаммол бола пайдо бўлди. У қийналиб нимадир демоқчи бўлди, лекин томоғи хириллади, холос.

– Нима деяпсиз, тушунмадим? – Ҳайрон бўлиб сўради сотувчи аёл.

Йигит соқовлардек нималарнидир тушунтирмақчи бўлиб ишора қилди. Қўли билан ҳадеб "У киши ким эди?" – деб сўрамоқчи бўларди. Одинахон ҳам "Мен билмайман", – дея ишора қилди ва йигитнинг кўзида қандайдир бетокатлик ва хавотирликни пайқади. Ҳаммол аёлдан ручка ва қоғоз сўради. У фартугининг чўнтагидан тезда чиқариб берди. Тез орада қоғозда "У кишини танийсизми? Бу ерда нима қилиб юрибди?" – деган ёзув пайдо бўлди. Ёзув жуда чиройли ва хошияли эди.

– Билмайман. Мен у кишини биринчи кўришим, – деди аёл елкасини қисиб.

Йигит индамади ва негадир маъюс бўлиб қолди. Шу пайт уни копнинг эгаси "Ҳой юкчи бола, бу ёққа келмайсанми тезроқ?! – деб чақириб қолди. Ҳаммол маъюс кўзлари билан аёлга маъноли қараб қўйдида, беихтиёр нари кетди. Одинахон унинг кўзларида қандайдир изтиробни ҳис қилди. "Қизик, нимага бу бола менга бунақа қарадийкин?" – деб ўйлади ўзича ва нариги пештахталар қаторида ҳужжат текшириб юрган инспекторга кўзи тушиб беихтиёр у томонга юрди.

– Ҳой ука, анави сиз ёрдамга чақирган ҳаммол йигит ғалатиروقқа ўхшаяпти-да. Менга шундай тикилдики, этларим жимиллаб кетди, – деди Одинахон ўзидан кўшиб ва унинг ёзиб кўрсатган хатини узатди.

– Ҳалиги гунг болами?

– Ҳа, лекин у соқов эмас, томоғи оғриқ экан, холос.

– Сизга раҳмат, опа, буни албатта текшириб кўрамиз, – деди инспектор ҳам хиёл таажжубланиб.

* * *

"Чорсу" милиция таянч пункти. Сержант Саидов бўйнини кир рўмол билан боғлаб олган, уст-боши юпун, аммо ўзи бақувват ўша ҳаммол йигитни бошлаб кирди.

– Ўртоқ бошлиқ, топшириғингизга биноан мен уни топиб келдим. Лекин унинг ёнида ҳеч қанақа ҳужжати йўқ экан.

– Томоғингга нима қилган? – Сўради инспектор.

Йигит нимадир демоқчи бўлди. Томоғи хириллади, лекин товуши эшитилмади, оғриқдан эса юзи қизариб кетди, тушунтиролмади.

– Қани еч-чи!

– ... ?

– Нима, қулоғинг ҳам карми?! Бўлмаса ўзимиз ечамиз! – дея пўписа қилди капитан.

Ҳаммол бўйнидаги оқ рўмолни оҳиста ечди. Бўйни кўкариб шишиб кетган, баъзи жойлари қизарган ва тирналган эди.

– Кўйлагингизга еч!

Йигит беихтиёр кирлаб кетган этаги узун афғонча кўйлагини ечди. Милиционерлар унинг бақувват баданидаги турли доғлар ва моматалоқ жойларни кўриб ҳайрон қолишди.

– Э-ҳе, роса дабдала қилишибди-ку! – деди инспектор уни айлантириб кўраркан ва елкасидаги кўкиш-қизғиш изга эътиборини қаратди: – Мана бу ниманинг изи?

Йигит индамади. Унинг ўрнига сержант Саидов бошлиқдан рухсат сўраб ўз фикрини баён қилди:

– Бу бирор қурол тасмасининг изи бўлса керак, ўртоқ капитан.

– Яхши. Хўш йигитча, шу фикр тўғрими?

Йигит ерга қаради ва "Ҳа" ишорасини қилди.

– Қаерликсан, ё аскарликдан қочиб юрибсанми?

Йигит бир оз тургач яна "Ҳа" ишорасини қилди.

– Қайси қисмдан? Қаерда хизмат қилаётгандинг? Қани, менга мана бу қоғозга ёзиб жавоб бер-чи!

Йигит узоқ ўйланиб қолди, фақат "Ёз!" деб дўқ эшитганидан сўнггина бир сапчиб тушди-да, сўнг "Ислон армиясидан", – деб ёзиб қўйди.

– Нима-нима, қаердан?!... – ҳайрат билан сўради инспектор ҳангу манг бўлиб.

Йигит "Сўхдан" деб ёзиб қўйди.

– Э-ҳа, ишлар каттага ўхшайди-ку!... Ҳалиги бемор кишини қаердан танийсан? – Сўради инспектор унинг кўзларига синовчан боқиб.

"Хамқишлоғим" деб ёзди йигит қўллари қалтираб. Унинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Ҳаяжондан юраги гупиллаб ураётгани шундоққина сезилиб турарди.

– Ўртоқ сержант, бу йигитнинг шахсини аниқлаш учун вақтинча ушлаб туриш бўйича хибсхонага расмийлаштиринг. Экспертиза қилдириш. Кейин хамқишлоғидан хабар олиб, у киши ҳақида ҳам маълумот йиғинг.

– Тушунарли, ўртоқ капитан, кетишга рухсат этинг!

– Рухсат. Бу йигитни ҳозироқ олиб кетинг.

Сержант Саидов ёнидан кишан олдида, эндигина кийиниб бўлган ҳаммолнинг чап қўлини ўзининг ўнг қўлига тақиб, уни олиб чиқиб кетди.

Капитан Юсупов ўйланиб қолди.

– Масала жиддийга ўхшайдику, – деди у ўзича ва Ўзбекистан харитасига қараб "Сўх" деган жойни топди. Боткен, Жирғатол деган жойларга ҳам суқланиб кўз югуртириб чиқди ва бир қарорга келиб қаёққадир телефон рақамларини тера бошлади.

– Алло, бу Миллий хавфсизлик хизматиданми?... Менга Бахтиёр Тўраев керак эдилар... Алло, Бахтиёржон, қалайсиз, хизматлар яхшими? Сизбоп бир иш чиқиб қолганга ўхшайди-да. Маслаҳатингиз керак бўлиб қолди-да. Ҳозирми?... Ҳўп бўлади.

* * *

Кейинги кунларнинг бирида профилактика инспектори Юсупов ҳузурига миллий хавфсизлик хизмати ходими капитан Бахтиёр Тўраев гўё лотореясига ютук чиққандек хурсанд ҳолда кириб келди.

– Ички ишлар ходимларига алангали саломлар!

– Э, келинг, Бахтиёржон! Қалай, яхши юрибсизми? Димоғингиз чоғ кўринади.

– Ҳа, албатта, – деди Бахтиёр стулни ўзига тортиб ўтираркан, – Сиз берган ануви ҳаммол йигит ҳақидаги маълумотлар бизга жуда қўл келаяпти-да. Кейин, энг муҳими сизга яхши хабар олиб келдим.

– Ие-ие, қани эштайликчи...

– Ўша йигит, яъни госпиталда даволанаётган Тўйчиев Нормурод билан касалхонада ётган Тўйчиев Нурмат ака икковлари ота-бола чиқиб қолишди!

– Ие, ё тавба! – деб юборди Юсупов таажжубланиб, – наҳотки, у ўз отасини ўшанда танимаган бўлса.

– Ҳа, бўлса бордир. У жуда оғир "стресс" ҳолатида экан. Бошидан қаттиқ лат еган. Ҳозир ҳам ўзига кела олганича йўқ, шифокорлар овоз пайлари чўзилган, мияси ҳам чайқалган, дейишди.

– Қизик, Тошкентга қандай қилиб келиб қолди экан-а? Яна шаҳарнинг қок маркази "Чорсу"га-я!...

– Буни ҳар ҳолда аниқладик. У кўп нарсаларни эслай олмаётган бўлса-да, лекин бу ерга қандай келиб қолганлигини айтиб берди.

– Қандай келиб қолибди? Биз буни билишимиз керак. Шаҳар бедарвоза эмас-ку, ахир!

– Тўғри шунча чегара постлари, милиция бўла туриб ҳужжатсиз қандай келиб қолган демоқчисиз-да...

– Ким ахир уни ўтказиб юбориши мумкин? – деди куюниб Юсупов.

– Ҳа, ҳамма гап шунда-да... Лекин буни аниқладик.

– Хўш-хўш...

– Унинг айтишича, у мужоҳидлардан қочиб келаётиб Сўх дарёсини кечиб ўтибди. Сўнгра, адирдан секин тезликда тушиб келаётган машинага чиқиб олибди. "Камаз"га пиёз ортилган экан. Пиёз қоплари орасидан йўл очиб, олд томонига ўтиб ётиб олибди. Сўнгра ухлаб қолган. Машина бўлса бир суткадан сўнг "Чорсу"га кириб келибди. Албатта ҳайдовчи буни билмаган. У қандай бўлмасин жанг майдонидан уйи томонга қочмоқчи бўлган.

– Қизиқ, пиёзнинг эгаларичи, наҳот сезишмаган бўлишса?...

– Унинг айтишича, машина бозорга ярим тунда кириб келган. Пиёзни тез тушириш керак бўлган, Нормуродни ҳаммол деб ўйлашган. Сиз ўша пиёзнинг эгаларини топиб бу ҳақида аниқроқ маълумот олиб берсангиз ёмон бўлмасди.

– Унинг келганига неча кун бўлибди?

– 15 кун. Тўғри, бу даврда пиёз улгуржи сотилиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда текшириб кўрилса дегандим-да. Агар "Камаз" эгасини топа олсак яхши бўларди.

– Томоғига нима қилган экан уни?

– Мужоҳидлар уни қийноққа солишган кўринади. Дорга осиб қўйишган. Кимдир уларни кутқарган ва қочириб юборган.

– Эҳ, бечора... Нима, яна бир қочоқ бор эканми?

– Ҳа, бўлган экан, шекилли. Лекин унинг айтишича, шериги чегарада вертолётларимиз ўқиға ўзини тутиб берганмиш.

Улар Ўзбекистон харитасига қараб бир оз сукутда қолишди.

– Ҳа, – деди Юсупов афсусланиб. – Болаларга жабр бўлибди. Лекин қизиқ, улар қандай қилиб Боткенга, мужоҳидлар хизматиға тушиб қолишди экан-а? У ерда яна қанча йигитларимиз бор экан?

– Уларни "Хорижға ўқишға олиб кетамиз", деб алдашибди. Кейин бизга қарши қурол кўтаришға мажбур қилишибди, – деди Тўраев чуқур хўрсиниб олиб.

– Унда анави мўйсафид Нурмат ака-чи? У бу ерга қаердан келиб қолди? Ўғлининг шу ерда эканлигини қандай билди экан?

– Сиз шуни иложи бўлса, аниқлаб берсангиз. Лекин буни у кишидан сир тутинг, хўпми! Ишларим жуда кўп. Сарчинорға бориб келишим керак. У йигит баъзи масалаларни аниқлашда бизга қўл келадиган кўринади. Сиздан илтимос, Нурмат аканинг олдига ўзингиз бирров ўтиб қўйсангиз, сўнг менга қўнғирок қиларсиз.

– Хўп бўлади. Мен шу бугуноқ ўтаман.

Бахтиёр миннатдорчилик билдириб хонадан тезгина чиқиб кетди. Капитан Юсупов харитаға тикилганича чуқур ўйға толди ва Нурмат акадан нималарни сўраш кераклиги ҳақида ўз саволларини режалаштирди. Сўнгра сержант Саидовни чақириб пиёз бозори бўйича баъзи топшириқларни берди.

* * *

Профилактика инспектори капитан Юсупов тушлик қилиб бўлганидан сўнг касалхонадаги мўйсафиддан хабар олиш ниятида мева-чевалар растасига йўл олди. Олма, нок, узум каби ҳар хил мевалардан оз-оздан харид қилиб пакетға жойлади-да, ёнига икки дона иссиқ ширмой нон ва маъданли сув ҳам қўшиб қўйди. Сўнгра рацияни олиб ёрдамчисига ўзининг касалхонаға кетаётганини айтиб қўймоқчи бўлди:

- "526-", "525-"га жавоб беринг.
- "526-" эшитади.
- Тинчликми?
- Ҳа, ўртоқ бошлиқ. Бу ерда сизни бир аёл кутиб турибди.
- Ким экан?
- Зирафуруш Одина опа.
- Кутсин! Ҳозир кетаяпман.

"Қизик, Одина опа қандай янгилик топди экан?" – дея хаёлидан ўтказди инспектор ўз таянч пункти томон шошилиб бораркан.

– Ассалому алайкум, келинг опа, хизмат! – у ўз хонасига аёлни бошлаб киргач "мақсадга ўтинг" дегандек назар солди.

– Бир шубҳали шахс келувди, – деди Одинахон бир оз эсанкираб. – Мендан ануви бемор киши ҳақида сўради. Бу ерни одами эмас, ўзбекчани бузиб гапиряпти.

– Хўш, хўш, қизик-ку?! Қани ўтиринг, бир бошдан шошилмасдан гапиринг-чи! – инспектор халтани тумбочка устига авайлаб қўяркан.

– "Шеригимни йўқотиб қўйдим. У киши сизнинг олдингизга келиб гаплашиб тургандек бўлувди. Мен зиявор бозорида бир танишимизни қидираётувдим. Уни исми Аҳмадхўжа, бугун ишга келмабди. Кейин шеригимга шу ерда туриб тулинг дегандим, йўқолиб қолди. Қўлида оқ сумкаси ҳам бор эди" деди. Мен унга у кишининг мазаси қочиб қолганини, иннайкейин дўхтир чақирганимизни ва "тез ёрдам" уни касалхонага олиб кетганини айтдим. У "Қайси касалхонада?" – деб сўради... Мен билмайман, бозорнинг ҳамшираси билади, ўша жўнатди" – деб айтдим. "Қўлидаги сумкани нима қилдиларинг, уни сизга ташлаб кетган бўлса, менга беринг", – деб ғалати гапирди. Мен "вой, у кишининг қўлида ҳеч қанақа сумка кўрмадим", – десам, хуноби ошиб, жаҳли чиқиб тожикчалаб бир нималар деб сўқинди. Кейин мўйсафиднинг қаердалигини билиб беринг, илтимос, опажон!" – деб ялинишга тушди. Уни ануви кишидан кўра кўпроқ сумкаси қизиқтираяпти, чоғим...

– Э-ҳе, қизик-ку!... Опажон, ҳушёрлигингиз учун сизга мингдан-минг раҳмат.

– Ҳа ўша "хушёр бўлинглар, ҳар хил одамлар юрибди, шубҳали одамларни кўрсангизлар, дарҳол хабар қилинглар", деганингиз учун "Мен ҳозир ҳамширанинг олдида бориб, билиб келаман", деб олдингизга чопиб келганим.

– Ҳозир у қаерда?

– Ўша менинг растам олдида-да. Сўппайиб турибди.

– Бўлди, опажон. Ҳозир бир дақиқа... Ҳой, посбонлардан ким бор?! – дея қичқирди у очиқ қолган эшик томонга.

– Эшитаман, ўртоқ бошлиқ, – дея фуқаро кийимидаги бир норғул йигит кириб келди.

– Кел, Жаҳонгир. Яна сизлардан ким бор?

– Ана, ташқарида Дониёр билан Баҳодир туришувди.

– Тез чақир, уларни!

Зум ўтмай хонада уч норғул йигитлар пайдо бўлишди. Уларнинг халқ посбонлари эканлиги ва бошлиқнинг буйруғига шай, ғайратлари жўшиб тургани вужудларидан сезилиб турарди.

– Хуллас, муҳим иш бор. Мана бу опанинг растаси олдида бир мусофир фуқаро киши турибди. Шунинг бозор ичида тўполон қилмасдан, силлиқ қўлга олиш керак.

– Аввало опанинг олдида қўлга олсак, у киши буни уюштирган бўлиб қолиши мумкин, – деди Жаҳонгир зукколик билан.

– Вой, ҳа-я! – деб гапга аралашди Одинахон, – Қочиб кетиб кейин менга зуғум қилмасин тагин.

– Хўп, опажон! Сиз ҳозир медпунктга кетгансиз, шундайми?

– Ҳа, шунақа дедим.

– Бўлмаса унга бориб айтинг. Бу болалар ҳам албатта уни топиб олиш учун ул-бул харид қилган бўлиб боришади. Сиз унга "Ҳамшира бировга осма укол қилаётган экан. Меҳмоннинг ўзини олдимга юборинг. Ўзим яхшилаб тушунтириб кўяман" – деб айтди, дейсиз. Биз уни медпунктнинг ичида қўлга оламиз. Мен ҳам ўша ерда дўхтирнинг ёнида бўламан, хўпми?

– Демак, тузоқ қўямиз, – деди йигитлардан бири кулиб.

– У ичкарига кириши биланоқ ортидан киринглар-да, ушланглар. Мен у ердаги бегона одамларни чиқариб юбораман.

* * *

"Операция" жуда чиройли чикди. Сих ҳам куймади, кабоб ҳам. Шубҳали шахс, яъни Саидакбар камерага олиб кириб қўйилгач, инспектор посбон йигитларга миннатдорчилик билдирди. У қўлга олинган кишининг ҳужжатларини кўздан кечирар экан, кейинги ишларни режалаштирди. Нима қилиш мумкин? Уни шу ерда ушлаб тураверсинми ё терговчиларга оширсинми! Йўқ, бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Бахтиёр билан бамаслаҳат иш қилмаса бўлмайдиган кўринади.

Шу пайт эшик тақиллади.

– Рухсат этинг, ўртоқ капитан! – деди ёрдамчиси сержант Саидов.

– Рухсат.

– Мен сизнинг топшириғингизга биноан пиёз бозорида бўлдим ва Сўхдан пиёз олиб келган одамни топдим.

– Хўш-хўш?

– Унинг айтишича, тунда соат учлар чамаси бозорга кириб келишибди. Шофёр уларни шошилтирибди. Ҳаммол керак экан, лекин у вақтда қаёқданам бўлсин. Машинанинг олдида анави йигит қаердандир келиб турган экан. Ўзлари биргаликда туширишиб, йигитга 2000 сўм пул беришибди. "Лекин полвон йигит экан", – дейди. Мана ёзма баённомаси.

– Ҳа, тушунарли. Демак, улар ҳеч нарсани сезишмабдими?

– Йўқ, "мизғиб ухлаб келдик" дейишди.

– Хўп, майли. Бўлмаса сизга бошқа муҳим топшириқ бор.

– Эшитаман, ўртоқ бошлиқ.

– Ануви қуртфуруш, гуручфурушлар растасида бир Аҳмадхўжа деган одам бор экан. Сиз у ҳақида маълумот тўпланг. Тожикистондан келиб қолганлардан бўлиши керак. Қисқаси, бу ерда у қачондан буён фаолият кўрсатади, қаерда туради, кимлар билан алоқада бўлади?... Лекин айтиб қўяй, сизнинг бу суриштирувингизни у зинҳор-базинҳор билмаслиги керак, тушунарлими?

– Тушунарли, ўртоқ капитан.

– Мен бўлмасам касалхонага бир беморни кўргани кетаяпман. Бирор соатларда қайтаман. Сиз посбон болалар билан шу ишларни қилиб туринг, хўпми?

– Хўп бўлади, ўртоқ капитан! Кетишга рухсат этинг!

– Рухсат...

Инспектор Юсупов бажарилган ишлардан кўнгли тўлиб, касалхона томон кетди. "Аввало ота билан суҳбатлашиб олайинчи, сўнгра Бахтиёрга кўнгирик қиларман". – деган фикр кўнглидан ўтди.

* * *

Нурмат ака асаб касалликлари бўлимида экан. Дўхтирнинг айтишича, у ўта оғир шок ҳолатларни бошидан кечирганмиш. Умумий ҳолати ҳозирча яхши эмас, бирор ой ётиб тўла текширув ташхисидан ўтармиш.

– У кишининг уйига хабар қилайликмикан? – деди невролог дўхтир.

– Йўқ, ҳозирча мумкин эмас. Ўзимиз хабар қиламиз. Сиздан илтимос, фақат у кишига яхши қаранглар. Бу киши тезроқ соғайиб кетишлари керак. Бизнинг суриштирув ишларимизда унинг берган маълумотлари жуда зарур бўлади.

Дўхтир инспекторни Нурмат аканинг ҳузурига бошлаб кирди. Бемор инспекторни таний олмади ва бир оз безовталанди. Ўрнидан турмоқчи эди "Қўзғалманг, бемалол ётаверинг, тоғажон", дея милиционер унинг елкасига қўлини қўйди.

– Қалай, тузукмисиз! Ўтган кунгидан анча яхшисиз! Анча кўрқитиб юбуровдингиз, хайрият, – деди у кўнгил олиб.

– Раҳмат-раҳмат, лекин сизни таниёлмаяпман.

– Э, ўша "тез ёрдам"ни мен чақирганман-да, тоға. Қарасам, анча мазангиз қочиб қолган экан.

– Шунақами, раҳмат, умрингиздан барака топинг, ука. – деди Нурмат ака "хўш, хизмат?" – деган маънода савол назари билан қараб.

– Энди хизматчилик-да, тоғажон. Бошингизга бирор мушкуллик тушган бўлса, ёрдам қўлини чўзиш бизнинг вазифамиз... Мен, ўша бозорнинг профилактика инспектори Юсупов бўламан. Ўзингиз тушунасиз, хизматчилик тақозоси деганларидек...

– Ҳай бемалол. Яхшилигингизга раҳмат. Ёмонларни ҳам кўриб келяпман..., – деди-ю жавоб тариқасида кўзларида бир томчи ёш думалади.

– Ҳай-ҳай, хафа бўлманг, тоға. Ҳаммаси яхши бўлади... Нима иш бўлди ўзи? Мундоқ ўзингизни таништирамангиз. Кимсиз? Қаердан келяпсиз? Ҳар ҳолда ёрдамимиз тегиб қолса зора. Мана, энди хабар олиб турамиз. Дўхтирга ҳам сизга яхшилаб қарашларини тайинладим...

– Мен, сарчинорлик Нурмат муаллимман. Ўғлимни йўқотиб қўйдим. Уни ахтариб шу аҳволга тушиб қолдим, – деди бемор ота ва ўпкасини боса олмай йиғлаб юборди.

Инспектор унга сочиқ узатди:

– Тоғажон, бардам бўлинг. Ўғлингиз топилади. Ҳеч хавотир олманг. Мана биз ёрдам берамиз.

Улар узоқ суҳбатлашишди. Инспектор керакли маълумотларни блокнотига қайд қилиб қўярди. Энди бемор суяниб олган ва ўзини анча бардам ҳис қиларди. У бу дунёда ўзидан ҳол-аҳвол сўрайдиган инсонлар ҳам борлигидан кўнгли тонг каби ёришганди.

– Тоғажон, айтингчи, Тошкентга келганингизда қўлингизда бирор нима бор эдими? – деб сўради инспектор жиддий.

– Ҳа, оқ сумкам бор эди.

– Ўша сумкангиз қани?

Мўйсафид каравотини у ёқ-буёғини қаради. "Йўқ" деб хайрон бўлди.

– Каравотнинг тагини қарангчи!

Инспектор ўриндикнинг тагини ҳам, шкаф-тумбочкаларини ҳам бир-бир қараб чикди. Сумкадан ном-нишон йўқ эди.

– Унда нимангиз бор эди?

– Йўқ, сумка меники эмасди. Уни мендан бериб юборишганди. Ичида қанд-курс, туршак, шакар бўлса керак, лекин очиб кўрмадим.

– Шакар дедингизми? "Очиб кўрмадим...?".

– Гапнинг очиғи, кўлимни тиксам, салафан пакетларга тегди, лекин олиб кўрмовдим, – деди Нурмат ота соддадиллик билан. – Кейин ўзимча шакар бўлса керак деб ўйладим-да.

– Уни ким берувди?

– Жирғатолда Худойдод деган киши "Чорсу" бозорида қуртфуруш Аҳмадхўжа исмли тожикистонлик кишига биздан совға-салом сифатида бериб қўйинг, деб илтимос қилувди.

– Ҳозир сумка қаерда бўлиши мумкин-а?

– Билмадим... Ё ўша зираворфурушларни олдида қолувдимикан?! – деди эслашга ҳаракат қилиб.

Инспектор рацияни ишга солди.

– "526-", "525-"га жавоб беринг.

– "526-" эшитади.

– "526-", зудлик билан йигитларни олингда зираворфуруш Одинахоннинг растасини орқасига ўтиб, бир сумкани қидириб кўринглар.

– "525-", қанақа сумка?

– Тоғажон, қанақа сумка эди?

– Ҳалиги, бозор сумка, ранги оқ эди.

– Оқ, бозор сумка.

– Кичикроқ, – деди мўйсафид кўшиб.

– Кичикроқ, "526-", тушундингизми?

– "525-", тушундим.

– Менга кейин бу ҳақда зудлик билан ахборот беринг.

– Хўп бўлади, ўртоқ капитан.

– Хўш, отахон. Кейин ўша Аҳмадхўжани топдингизми?

– Йўқ, уни шеригим қидириб кетувди.

– Қанақа шерик?

– У мени чегарадан ўтказиб, кузатиб қўйди. Бизлар хайрлашдик. Бозор ичига кириб келсам, мендан аввал ўзи етиб келган экан..., – деди у хайронлик билан.

– Нега? Бу қизиқ-ку!...

– Билмасам, у қайтиб кетиши керак эди.

– Қаерга?

– Худойдоднинг олдига-да!... Ҳалок бўлган Омонзоданинг ҳам ўлигини ватанига олиб кетиши керак эди.

– Қайси Омонзода?

– Худойдод дастлаб мени кузатиб қўйишни Омонзодага топширувди. У йўлда ҳалок бўлди. Тўғрироғи уни отиб ташлашди.

– У раҳматли Омонзода деганингиз Аҳмадхўжани танирмиди?

– Ҳа, биларди, шекилли.

– Анави сизга кейин ҳамроҳлик қилганни-чи?
– Билмасам. Менимча танимаса керак. Чунки, мендан "У кишини қаердан излайсиз, танийсизми?" – деб сўраганди.
– Тушунарли, – деди инспектор ўйчан нигоҳда.
Шу пайт рация ишлаб қолди.
– "525-", "526-"га жавоб беринг.
– "525" эшитади.
– Сумкани топдик, қоплар орасида қолиб кетган экан.
– Яшавор, хўроз! – дея қувониб инспектор, – Қарачи, ичида шакари ҳам бор эканми?
– ...Бор экан ўртоқ бошлиқ! Шакарки, бу ёғи "асал" экан! – деган шодон овоз келди.
– Ие, шунақами?! Бўпти, тоғажон, мен чопдим! Мен олдингизга яна келаман, хўпми...
Инспектор беморлару соғларни ҳайрон қолдириб, худди ҳозиргина хотини ўғил туққан отадай севиниб касалхонадан отилиб чиқиб кетди.

* * *

Миллий хавфсизлик хизмати ходими Бахтиёр Тўраев Сарчинорга сафарга кетганлиги туфайли, ҳамкори инспектор Юсуповнинг эришган муваффақиятларидан ҳали беҳабар эди.

У Нурмат аканинг ҳовлисини тақиллатганида уй эгаларидан ҳеч ким йўқ экан. Шу туфайли қўшниларида сўради.

– Ие, келинг меҳмон! – дея бир қишлоқ аёли уни хушфеъллик билан қарши олди.

– Ассалому алайкум! Узр, опажон, менга анави қўшнингиз Нурмат ака керак эдилар.

– У киши курортга кетганлар, эрта-индин келиб қоладилар.

– Курортда денг, ўғиллари-чи?

– Ўғиллари ўқишга кетган, хорижда. Кеча шу десангиз Нормуроддан хат келган экан. Анчадан бери хат ёзмаётганди. Эгачим шунга пича хавотирга тушиб турувди. Кеча бирам қувониб, "суюнчи" деб бизникига чиқувдилар. Ўқишдан кейин ишлаб пул топаётганмиш. 100 доллар пул ҳам жўнатиб юборибди, боласи тушмагур...

– Ие, яхши-ку!...

– Ўзингиз ким бўласиз, меҳмон? Танаймайроқ турибман...

– Мен ўша... Нормуроднинг муаллимларидан бўламан. Сафарга келувдим, йўл-йўлакай бир кириб ўтайин, деб...

– Ие-ие, хуш келибсиз! Қани, бизникига кириб тура қолинг. Чой-пой ичиб тулинг.

– Йўқ. Раҳмат, мен туман марказига ўтиб кетаётгандим. Бўлмаса, икки соатлардан сўнг қайтишимда кириб ўтарман. Шундоқ деб қўярсиз.

– Ҳай майли-майли, бемалол. Кирсангиз бўларди.

– Раҳмат, опажон! – деди-да Бахтиёр хизмат машинасини ўт олди.

У қишлоқдан туман маркази томон бораркан, ўзича кулиб қўйди.

– Одамларимиз жуда ҳам содда-да!... "Курорт"миш... Қизик, 100 доллар қаердан келди экан? Нормурод "уйга умуман хат ёзганим йўқ", деганди чоғим. Бу

ерда бир эмас, кўп гап борга ўхшайди, назаримда. Ё бу ҳам ваҳҳобийларнинг навбатдаги, ҳали биз дуч келмаган найрангларида биримикан?...

* * *

Бахтиёр Сарчинорга қайтиб келганида Нурмат аканинг эшиги олдида от етаклаган истараси иссиқ бир қирғиз қиз турарди. Отнинг узоқ юргани, унинг терлаб кетгани ва танасидан чиқаётган ҳовуридан маълум эди.

– Сиз ҳам шу ҳовлигами! – деб сўради Бахтиёр салом-алиқдан сўнг.

– Ҳа, – деди қиз хиёл бўйнини эгиб.

– Нега кирмай турибсиз, бўлмаса?

– Еч ким жўқ экен, – дея қирғизчалаб жавоб берди қиз.

Бахтиёр беихтиёр эшикни итариб кўрди. Эшик очилди. Уйчасида ётган қора ит ҳурпайиб вовуллай бошлади.

– Ҳов ока, Нурмат ока!!...

– ...

Бахтиёр ичкарини кўздан кечирди. Оддий қишлоқ ҳовлиси бўлиб, ишком тагида сўри бор эди.

– Мен ҳалигина келиб-кетувдим. Қўшниларига тайинловдим. Эгалари ҳали келишмаган шекилли... Нима қиламиз, кириб сўрида ўтириб тура қолайлик, узоқдан чарчаб келган кўринасиз?

Қиз нима қилишини билмай, жимгина елкасини қисиб қўйди.

– Юра қолинг. Кўчада турмайлик, мен ҳам сизга ўхшаган бир меҳмонман.

– Итлари бор экан-ку...

– Боғлоқ экан.

Қиз кўчадаги кекса толга отини боғлади ва эгар устига хуржун каби ташлаб қўйилган сумкаларни туширди.

– Сиз бемалол кираверинг, – деди қиз ийманиб.

Бахтиёр кириб сўрига омонатгина ўтирди. Уни қиз ҳам қизиқтириб қолганди. "Ҳойнаҳой, Боткендан бўлса керак?" – деди у хаёлан.

Қиз ҳам сумкаларни ичкарига олиб кириб, эшик олдида қўйди-да, ийманиб келиб сўрига ўтирди.

– Яхши бўлди, зерикмайдиган бўлдим, – деди Бахтиёр кулиб, – Опа келгунларича у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирамиз-да. Булар қариндошларданми дейман-а?...

– Жўқ, атамдын дўсти бўлўт.

– Ким, Нурмат аками?

Қиз "ҳа" ишорасини қилиб бош силкиди.

– Исмингиз нима?

– Гулбиби.

– Меники Бахтиёр, тошкентликман. Сиз-чи?...

– Қўшни жайдан.

– Боткенданми?

Қиз яна боягидай "Ҳа" ишорасини қилди.

– Э, ҳа..., – деди Бахтиёр ўзини хайрон қолгандай кўрсатиб, – Бу урушлар тинчиб қолдими?

– Азыринче жўқ.

Бахтиёрга ҳар бир воқеа нарса тўғрисида сўраб, камгап қиздан гап олавериш ноқулай туюлди ва уй эгасидан келса сўраб олишга аҳд қилди. Шу туфайли ҳам гапни бошқа ёққа буриб кўрмоқчи бўлди.

– От минигга уста экансиз. Мен, масалан, умримда ҳечам от минмаганман.

– Ниге?

– Кўркаман-да.

Қиз ним табассум қилди. У жудаям чиройли жилмаяркан. Қуруқшаб кетган ёноқларида Нормуродни шайдо қилган ўша кулдиргичлар пайдо бўлди.

Бахтиёр сезилар-сезилмас унинг афт-ангорига боқди ва қизнинг пешонасидаги тириш ва шаҳарли қизларга ўхшаб юзига оро берилмаганидан унинг боши турмуш ташвишларидан ҳоли эмаслигини тушуниб етди. Юқларига қаради. "Тирикчилик туфайли, эркак кишининг ишини қилиб юрганга ўхшайди", деб ўйлади у.

– Отангиз ҳозир қаердалар, ўзлари бирга келмадими?

– Атам жўқалиб қалды.

– Ие, қаерда? Анча бўлдими?

– Тоғда, жигирма кун бўлут, – деди қиз ерга боқиб.

– Ҳа, ташвиш қилманг, келиб қолишар... Тоғ бепоеъ бўлса..., – деди-ю, у ерда мужоҳидлар ҳаракат қилаётганлари ёдига тушиб жим қолди.

Каромат ая уйига қайтганида, эшиклари олдида Тошкент шаҳрининг номеридаги машина ва отни кўриб, "хўжайиним келибди, шекилли" дея севиниб кириб келди-ю сўрида ўтирган икки меҳмонни кўриб ҳайрон қолди.

– Вой, келинлар, хўжайин ҳам келдиларми!

– Йўқ, мен Тошкентдан, буёқ Боткендан, – деди Бахтиёр ўрнидан туриб.

Опа шошиб уйига кириб кўрпачалардан олиб чиқа бошлади. Гулбиби ҳам унга елиб-югуриб қарашди.

– Вой яхши юрибсанми, қизим, яхши келдингми?... Яхши келдингизми меҳмон, уй ичилар тинчми?...

– Раҳмат, ўзларингиз тинчмисизлар?

Улар фотиҳага қўл очишди. "Мен ҳозир" – деди Каромат ая чойга ҳозирлик кўриб.

– Йўқ-йўқ, овора бўлманг.

– Ашханангиз қайда, мен дамлайман, – деди Гулбиби уларни ҳоли қолдирмок ниятида.

– Ҳай майли, айланай қизим. Хув ана ошхона. Яхши келдингизми, меҳмон?

– Мен Нормуроднинг муаллимларидан бўламан. Шу томонларга йўлим тушганди, бир хабар олайин деб...

Каромат ая хурсанд бўлиб кетди ва унинг елкасини сийпалаб кўзларига суртди.

– Вой болам яхши юрибдими? Шундоқ хавотир олаётувдим-ки... Шу десангиз кечагина ундан хат келувди-да, шундоқ қувондим... Бугун бўлса мана сиз...

– Нурмат ака ҳам яхши юришибди. Эрта-индин келиб қолишади.

– Вой, хайрият, соғ-саломатмилар ишқилиб? "Ўғлимни топиб келаман, ўқиши куриб кетсин" деб кетувдилар, яхши, энди хотиржам бўлибдилар-да. Ўзингиз яхши юрибсизми, тан-жонингиз соғми? Мен ҳозир жиянимни чақириб чиқа қолай, болалар ўқишда, далада дегандек...

– Йўқ, опажон, мен Тошкентга қайтиб кетвотувдим, ҳалиям бир келиб, қўшнингизга учрашиб кетувдим, вақтим тиғизроқ-де...

- Бугун бизникида меҳмон бўласиз энди...
- Бошқа сафар, опажон.
- Кейин, хорижга кетасизми?
- Йўқ, ҳозирча озгина ишларим бор, кейинроқ.
- Вой, жуда қизиқ бўлдику! Ҳа айтгандай, тоғангиз қаердалар?
- Тошкентда, санаториядалар. Нормуроджон билан баъзан менинг кабинетимдаги телефон орқали гаплашиб турибдилар.
- Вой тавба, кетатуриб "Сўраганларга мени курортга кетди деб айт" дегандилар. Барибир айтганини қилибди-да, чоли тушмагур...". Мен бўлсам бу ерда ота-болани ташвишида сарғайиб ўтирибман. Ҳай майли, омон бўлсинлар ишқилиб.
- Ҳа айтгандай, бу қиз қариндошларингизданми? – деб сўради Бахтиёр Гулбиби чой дамлаб қўйиб кетгач.
- Йўқ, бу қиз хўжайинимни бир қирғиз ошнаси – Сапарқул аканинг қизи бўлади. У кичкиналигида отаси билан бир-икки бозор қилгани келишганди. Кап-катта қиз бўлиб қолибди. Отаси нега келмади экан, билмадим.
- Йўқолиб қолганмиш.
- Вой ўлмасам, ҳа-я уларда уруш бўляпти, дейишади. Вой бечоралар-ей! Каромат ая қизнинг олдида борди.
- Вой сени танимабман, қизим. Яхши келдингми? Кел ўтир, биз билан чой ич. Қиз омонат ўтирди ва камзулининг чўнтагидан бир хат чиқариб Каромат аяга узатди. У хатни узоқ ҳижжалаб кўрди, лекин тушуна олмади.
- Менга берингчи, мен ўқиб бера қолай, – деди Бахтиёр.
- У ҳам қийналиб ўқиди. Хуллас, хатни қизнинг онаси Кунсулув ёзибди, аввало дуои саломдан сўнг, у турмушлари оғир кечаётгани, бетоб бўлиб қолгани ва Тошкентга ҳам зира олиб боролмай қолгани, аҳвол нотинчлиги, шу туфайли қизини вақтинча яшаб туриш учун юбораётганини, уни Тошкентга жўнатиб юборишга ёрдам беришларини, отаси қайтиб келгач ўзи қизини олиб келиши ҳақида ёзибди.
- Бахтиёр қўлидан келганича хат мазмунини тушунтириб берди.
- Тошкентга нега боришингиз керак? – деб сўради у киздан.
- Анави қурт билан зирани сотиб келаман, – дея жавоб берди қиз.
- Онасининг улгуржи топширадиган эски таниши бор. Чорсу бозорида туради, – деб қўшиб қўйди Каромат ая.
- Сиз у кишини топа оласизми?
- У киши улкан гумбазнинг тагида туради, исми Одина опа. Тополмасам бошқасига бераман.
- Мен сизни опкетақолай бўлмасам, – деди Бахтиёр дадиллашиб, – йўлкира ҳам керакмас, йўлдаги текшир-текширларда ҳар ҳолда "менга қарашли" деб айтаман.
- Ҳа, тўғри. Меҳмон тўғри айтяптилар, қизим. Омадинг чопганини қара... Бориб товарингни сотиб тўғри бизникига қайтиб келаверасан, хўпми, айланай қизим.
- Қиз ер остидан Бахтиёрга синовчан қараб қўйди.
- Қайтишда Нурмат ака билан ҳам бирга келаверишади. Мен уни олдида олиб бораман, кейин Қўйликдан таксига ўзим чиқариб юбораман.
- Вой, сизни жуда қийнаб қўймаймизми, меҳмон?

– Йўқ, ҳечқиси йўқ, йўлим-ку!... Бўлмасам, опа, мундоқ қиламиз, мени вилоят марказида озгина қиладиган ишим бор эди. Бир-икки соатлардан кейин қайтишда кириб ўтаман. Агар Гулбиби тайёр бўлиб турса олиб кета қоламан. Сиз ҳам боришингиз мумкин, опажон, – деди Бахтиёр Каромат аянинг кўнгли учун.

– Э йўқ, ҳозир болалар қайтишади. Уларга қарашим керак.

Бахтиёр дастурхонга фотиҳа қилди.

– Бўпти, мен кетдим, ўйлаб кўринглар. Мен, албатта, кириб ўтаман, – деди. Эшик олдида боргач бир нимани унутгандай: – Э-ҳа, узр опа, ҳалиги Нормуроддан келган хатни берингчи, мен ҳам бир ўқиб кўрайин.

– Вой майли, мен ҳозир..., – дея аёл уйга чопиб кириб кетди.

– Ўқиб, ҳали қайтишда ташлаб кетарман, майлими?

– Ҳай майли. Лекин бу хатни ёнида яна бир ғалати хат ҳам бор экан. Уни кўшнилар "варақа" дейишди.

– У қани?

– Бунақа бемаза қоғозни йўқ қилиш керак, – дейишганди, – тандирга тутантириқ қилиб юборибман, қаранг.

– Нима деб ёзилган экан?

– "Халифалик" дейдими-ей, ишқилиб ҳукуматга қарши бемаза гаплар-да, ваҳҳобийларники бўлса керак.

– Ҳа, тўғри қилибсизлар, унақа ифлос қоғозларни уйга йўлатмаслик керак, – деди Бахтиёр жиддий, – Хўп, ҳозирча...

Бахтиёр қишлоқдан чиққач хат билан яхшилаб танишди. Мактуб "Хориждан салом!" деб бошланибди. Унда Нормурод ўқишлари ва ишлари тўғрисида мактаниб ёзган ва баъзи-баъзида денгизда чўмилаётгани тўғрисида ҳам битганди. Бахтиёр беихтиёр хохолаб кулиб юборди.

– Оббо қизталоклар-ей, денгизмиш-а!..., – деди у кулиб машинани вилоят маркази томон йўналтирар экан. – Мен бундан ксерокопия олиб ҳали Нормуроднинг ўзига ҳам ўқитаман, ё аввал Нурмат акага ўқитсаммикан-а?! – деб кўйди.

VIII боб. ҲЕЧ КИМ КУТМАГАН КУН

Гулбибининг Сарчинорга келиши ва тасодифан Миллий хавфсизлик хизматининг ходими бўлган Бахтиёрга дуч келиб қолиши айтиш мумкин бўлди. У қизни ўз машинасида Тошкентга бирга олиб келаркан, Боткенда шу кунларда содир бўлаётган сиёсий вазият ҳақида яхшигина муҳим ахборотга эга бўлди. Бу билганларини эса, Нормуроднинг кўрсатмалари билан ўзича таққослади.

Қиз орқа ўриндикда хотиржам келар, омади чопиб яхши ҳамроҳга дуч келганидан мамнун эди. Шу туфайли бўлса керак, қизгин самимий суҳбатга тортишга ҳаракат қиладиган ҳайдовчи ҳамроҳига билганича жилмайиб жавоб қайтарди.

– Сизларда ҳам тоғлар мана шунақа гўзалми? – деб сўради у Қамчик довонидаги тоғларни томоша қилиб келадиган қизни гапга солиб.

– Ҳа, лекин бизники булардан-да чиройлироқ!

– Нега?

– Бизнинг Қорабулоқда арча кўп, кейин улар баландроқ ўсади, чўплари ҳам баланд.

- "Чўп" деганингиз нима?
- Сизларда буни "хашак" дейди. Бизда қизлар ёз бўйи зира терамиз, йигитлар бўлса чўп ўришади.
- Нима учун?
- Нимага бўларди, чорва учун, қишга ғамлаймиз-да.
- Э-ҳа, шундоқ денг. Ҳозир ҳам тераяпсизларми?
- Йўқ, ҳозир у жойлар нотинч.
- Анави олиб келаётган зирачи, уни қачон тергансиз?
- Анча бўлган, урушдан олдин.
- Ҳа... Ҳалиги бир газетада ўқиб қолувдим, Жапиев деган одам ҳақида. Ким ўзи у?
- Жапиевми, у туманимиз прокурори.
- Унинг лашкари бор дейишадими?
- Ҳа, у бизни ануви мужоҳидлардан ҳимоя қилиш учун кўнгиллилардан лашкар тўплаган. Унинг боласини ўғирламоқчи бўлишган экан.
- Нега?
- Пул талаб қилишган-да!...
- Сиз ўзингиз ўша мужоҳидларни кўрганмисиз?
- Ҳа, улар ёмон одамлар.
- Геологларчи?
- Ҳаммаси бир гўр, – деди Гулбиби ва бу мавзуда гаплашгиси келмай, унинг ўзи Бахтиёрдан ниманидир сўрагиси келди: – Сиздан бир нима сўрасам майлими, байке?
- Майли, бемалол. Йўл узоқ, гаплашиб борамизда ўша Тошкентга...
- Сиз Нормурод тўғрисида гапириб беринг. У қандай юрибди, ўқишлари қанақа?
- Э, Нормуродми, яхши юрибди. Сиз уни яхши танийсизми?
- Ҳа, – деди қиз бошини эгиб. – Бизникига дадаси билан бориб турарди.
- Қўй сотганими?
- Ҳа, сизга айтганмиди?
- Ҳа, ўша сотган қўйлари эвазига олган пуллари қалбаки чиққанмиш.
- Вой! Ростданми?.. Бечора, кейин нима қилди?
- Нима қиларди, ишга ҳам кирди, яшаш керак-ку!
- ...Каромат ая ундан жуда хурсанд. Ўқиб, ишлаб пул ҳам юбораркан. Лекин менга ҳеч хат ёзмапти.
- Бахтиёр унга "ялт" этиб қаради ва қизнинг жовдираб турган кўзларига боқди.
- У нима, сизга хат ёзишга ваъда берганмиди?
- Қиз "ҳа" ишорасини қилди.
- Уни ёқтирасизми?
- ...
- Уни охирги марта қачон кўргандингиз?
- Ўша, ўқишга кетаётганида хайрлашгани келувди.
- Қўй сотган куними?
- Ҳа..., – деди базўр қиз ийманиб.
- Вой номардей, хат ёзмади денг. Кўнғироқ ҳам қилмадими?
- "Йўқ" ишорасини қилди қиз.

– Агар хоҳласангиз шу бугуноқ у билан телефон орқали гаплаштираман. Қулоғини чўзиш керак у болани...

Қизнинг кўзлари порлаб кетди. Энди унинг руҳиятидаги қўрқув, ийманиш ўрнини аллақандай кўтаринки жонланиш эгаллаганди.

– Вой, рости биланми! Сиз унинг телефонини биласизми-а?

– Ҳа албатта, у билан баъзан гаплашиб ҳам тураман. Яқинда учрашаман ҳам.

– Сиз ҳам хорижга кетасизми?

– Йўқ, Нормуроднинг ўзи келади.

– Вой, рости биланми?!

– Ҳа айтмоқчи, у шу кунларда ўқув амалиётига чиқаётганди. Менинг қўлимда иш ўрганади. Ҳа айтгандай, бугун қайси кун ўзи?

– 20 ноябрь.

– Ие, анавини қаранг-га, ахир у 21-да Тошкентга учиб келиши керак эди-ку!... Тавба, кунларнинг тез ўтиб кетганини. – деди Бахтиёр атайин. – Демак, сизлар учрашишингиз ҳам мумкин.

Қизнинг қалбини кутилмаган қувонч қоплади. Бу унинг мурғак ҳаётидаги оғир кунларнинг бахтиёр дамлари эди. Унинг порлаётган кўзларида эртанги кунга умид ва ишонч пайдо бўлганди.

Улар Ангренда бирга тушлик қилишди ва қуёш пастлаётган маҳали Тошкентга кириб боришди. Бахтиёр машинани тўғри "Эски Жўва"га ҳайдади.

– Сиз кимга учрашишингиз керак эди?

– Одина опага.

– У кишини яхши танийсизми?

– Беш ёшлигимда онам бирга олиб келувди. Улар катта гумбазнинг тагида савдо қилар эканлар.

– Яхши. Унда сиз машинада ўтира турунг, мен у кишини қидириб кўраман, – деди Бахтиёр машинани бозор ичига олиб кириб тўхтатаркан.

– Раҳмат, сизни овора қилиб қўйдимку.

– Ҳечқиси йўқ. Мен ҳозир...

Бахтиёрга зираворфуруш Одина опани топиш қийин бўлмади. Аниқроғи, у савдо қиладиган жойни ҳеч қийинчиликсиз топиб борди. Лекин унинг ўзи йўқ экан.

– Одинахон ҳозир кеп қоладилар. Госпиталга кетдилар, – деди ёнида савдо қиладиган аёл.

– Госпиталга?! Нега?

– Бир қўқонлик жиянлари армиядан ярадор бўлиб келганмиш. Анча оғирмиш. Шунинг учун ҳар куни бирров хабар олиб келадилар.

– Жиянига нима қилган экан?

– У йигит Чирчикда десантчи қисмда хизмат қиларди. Кейин, уларни Сўхга олиб кетишган экан. Ўша ёқда ўқ тегибди, шекилли.

– Жиянларининг исми нима экан?

– Аҳроржон эди, шекилли. Аввал бу ерга у бир келгандиям.

– Тузукмикан ишқилиб? – деб сўради Бахтиёр Нормуроддан эшитган алланималарни ёдига олиб.

– Юролмаётганмиш. Белидаги бир нерв томири шикаст еган дейишади. Одинахонда нима ишингиз бор эди?

– Ҳа, мен у кишининг бир танишини машинада олиб келувдим. Боткенлик.

– Ҳа, у ёқда танишлари бор эди. Келаверсин, шу ерда ўтириб туради. Одинахон ҳам ҳозир келиб қоладилар.

– Унга айтсангиз, мен Гулбибини бир-икки соатлардан кейин бу ерга олиб келаман. Кетиб қолишмасин, тагин...

– Хўп майли, айтиб қўяман, бемалол...

Бахтиёр тўппа-тўғри профилактика инспектори, милиция капитани Юсупов ҳузурига жўнади. Чунки, охириги маълумотларни билиши ва ишхонасига қўнғирок қилиб қўйиши лозим эди. У ишлари анчагина жонланаётганидан мамнун эди. "Демак, Нормуроднинг айтганлари тўғри экан. Унинг оқланиши учун тўлиқ асос бор. Агар, ўша ярадор Аҳрорни топиб улар юзлаштирилса, ҳаммаси аён бўлади. "Ўқув амалиёти" баҳонасини яхши ўйлаб топдим. Шундоқ қолавергани дуруст. Кейин отаси Нурмат ака билан учраштириш ҳақида пухта ўйлаб кўриш керак бўлади..." дея фикр қилиб борарди у.

* * *

Инспектор Бахтиёрни ўзининг минг йиллик қадрдонидек хурсанд кутиб олди ва бу ҳаракати билан ишларининг ёмон эмаслигини маълум қилаётганиди.

– Раҳмат, шукур! Қуруқ қайтмадим.

– Э яшанг, биз ҳам қуруқ ўтирганимиз йўқ, беш кило илинтирдик!

– Ие, балиқми? – деб сўради Бахтиёр тушунмай. – Мазза қилибсизларда бўлмаса-а!..

– Балиқки, наҳанг балиқ! – деди инспектор жиддий.

– Беш килоли наҳанг қанақа бўларкан? – сўради Бахтиёр кулиб.

– Беш кило "гера", Нурмат аканинг сумкасидан чиқди!!...

– Йўғе! – ҳайратланди миллий хавфсизлик хизмати ходими. – Бу зўр-ку! Табриклайман! – дея инспекторнинг қўлини самимий қисиб қутлади.

– Лекин... Тоғанинг ўзини бундан хабари йўқ, – таъкидлади инспектор ўрнига ўтириб Бахтиёрга бир пиёла чой қуйиб узатаркан. – Ундан фақат "ташувчи" сифатида фойдаланмоқчи бўлишган, холос. Уни кузатиб келган одамни ҳам ушладик. Бироқ "юк"ни қабул қилиб олувчини ҳали қўлга ололганимиз йўқ. Унга нисбатан кидирув эълон қилдик. У қуртфуруш Аҳмадхўжа деган одам экан. У бир хонадонда ижарага тураркан. Кузатувга одам қўйиб қўйганман. "Бу ёғига нима қилсак экан?" деб сизнинг келишингизни кутиб тургандим.

– Буёғини тегишли бўлинмаларга топшира қоламиз. Бизнинг ҳозирги вазифамиз – Боткендаги сиёсий вазият. У ердан чаёнлардай ўрмалаб чиқаётган ва мамлакатимизга таҳдид солаётган мужоҳидлар ҳаракатини йўқ қилишга ҳисса қўшиш. Ўйлайманки, бизда бу ишда жуда қўл келадиган одам бор.

– Нормуродни айтяпсизми?

– Ҳа, – деди Бахтиёр илинж билан ва қўшиб қўйди. – Яна битта мен ушлаган "балиқ" ҳам бор.

– Э-ҳа, сиз ҳам қуруқ келмагансиз чоғим!

– У ҳозир машинада ўтирибди. Нормуродникига тўғри Боткендан келиб турган экан. Кейин бу ерга келиб, зирасини Одина опага улгуржи бермоқчи экан, бирга олиб келавердим.

– Ие, бу жуда қизиқ-ку!

– Ҳа..., қизиқ.

– Тавба!.. – дея таажжубланди инспектор. – Калаванинг бутун учлари ўша Одина опа атрофида чувалашаяпти-я!

– Ҳа, бу ҳали ҳаммаси эмас. Яна бир гап. Ўша Одина опанинг бир жияни бизнинг жангчи сифатида Сўхда хизмат қилаётган экан. У мужоҳидлар ўқидан оғир яраланибди. Ҳозир у шу ерда – госпиталда экан. Исми Аҳроф. Нормурод гапларининг бирида менга жанг майдонида танишиб, топишиб қолган ана шунақа исмли йигит ва унинг ярадорлиги ҳақида гапирганди. Унга ҳатто кўкрак нишонини ҳам берган экан. Шу болани тезроқ топиб гаплашишимиз керак.

– Анави Каримничи?

– Қайси Карим?

– Нурмат аканинг изидан келган Карим-да, сарчинорлик...

– Лекин уни Нормурод ўлган деганди-ку!

– Йўқ, у шу ерда камерада ўтирибди. "Гера"нинг эгаси ўша-да.

– Йўғе!!! Наҳотки Нормурод алдаган бўлса!.. Нурмат ака нима деяпти?

– Нурмат ака уни "Саидакбар, паспорт бўйича Карим бўлса керак, танийман".

– деяпти.

– Қизиқ, анча ишларимиз чигалга ўхшайди? – дея ўйланиб қолди Бахтиёр. – Ҳай майли, аниқлаймиз, мен анави қизни Одина опага топширай, кейин Нормурод билан гаплашиб кўраман.

– Ҳа айтгандай, дўхтирлар, "Отанинг соғлиғи анча дуруст, жавоб бераверайликми?" – деб сўрашапти.

– Шунақами, бўлмаса сиз ўша дўхтирларга бемор яна бирор ҳафта бемалол яхшилаб даволанаверишини илтимос қилсангиз. Кейин у кишига "балиқ" учун мукофот сифатида бир қатор уст-бош қилиб берсангиз ҳам арзийди.

– Ҳа албатта, ўғлига ҳам олиб берамиз. Уларни бирор кун учраштирамиз, ахир.

– Албатта, анави қиз билан ҳам учраштирамиз. Чунки, Нормурод адашганлиги учун ҳукуматимиздан авф қилишларини сўраб ариза ёзган.

– Ҳа, ҳозир унга ўхшаган қанча йигитларимиз адашиб, алданиб юришибди, нечтаси ҳали оқ-қорани танитай, ҳаёт лаззатини тотитай жувонмарг бўлиб кетишаяпти, – деди инспектор хўрсиниб.

– Энг ёмони, бу ваҳҳобийлик оқими уларнинг мияларини заҳарлаб, "зомби"га айлантириб, ўз ватанларига қарши, ҳатто курул кўтариб келишларини уюштирмақда. Нормурод Раҳматилла деган ҳамқишлоғи ҳақида менга гапириб берувди. Қаранг, ўзи туппа-тузук йигит, бир зиёли одамнинг фарзанди экан. Ваҳҳобийлик таъсирига кириб, уйдан қочиб кетибди. У ҳозир умуман исломга зид бўлган каллакесарлик ва қароқчилик билан шуғулланаркан. Бу билан ислом армиясининг ғазнасини бойитмоқчи эмиш, муттаҳам.

– Менинг эшитишимча, жанг майдонидаги ислом лашкарларининг ҳар бирига кунига 500 доллардан пул тўлашаётганмиш, яъни ёшларни пул билан алдашмоқда.

– Лекин қанақа денг, қалбаки пул билан. Ана ишонмасангиз, Нормуроддан сўранг.

– Қалбаки бўлмаганида ҳам қошки бу пуллар ҳалол бўлса. – деди инспекторнинг жиғи-бийрони чиқиб.

– Ҳа, улар ўз ҳаётларини мана шу бемаъни бир парча қоғозларга алишишмоқда. Лекин ҳалол, ўз вақтида хатосини ёки алданганлигини тушунган, қочиб келган ёки қочишга ҳаракат қилиб бемаъни ўлим топаётган йигитларимиз

ҳам кўп... Нима ҳам қила олардик. Бу ёғига энди огоҳ бўлишимиз керак. Хўп майли, мени анави қиз кутиб қолди. Ҳали хабарлашамиз, – дея Бахтиёр шошиб чиқиб кетди.

* * *

Нормурод ўзининг ҳукуматдан авф сўраб ёзган аризасида "Мен мужоҳид босқинчиларни тор-мор қилиш ва кутилаётган хавфни бартараф этиш учун ёрдам беришга, керак бўлса, жонимни қурбон қилишга ҳам тайёрман" деб қўшиб қўйган эди. У навбатдаги сўроқ пайтида ҳам бу ҳақида эслатди.

– Бахтиёр ака, менга бир имкон берсангизлар. Қорабулоқдаги мужоҳидларнинг қурол-аслаҳа омборини жуда яхши биламан. У жуда мустаҳкам қурилган. Ҳатто, бомба ҳам таъсир қилмайди. У чуқур ер остида...

– Сиз ўша омборнинг тахминий жойлашган ўрнини харитадан кўрсатиб бера оласизми? – деб сўради ва стол устига чегарадаги туманнинг стратегик харитасини ёзди.

– Бемалол кўрсата оламан, – деди йигит жон-дили билан. – Мана Боткен, мана Қорабулоқ, мана бу тоғнинг бу чеккаси, чегарамизга яқин, – дея у бир нуқтага кўрсаткич бармоғини қўйди. Бахтиёр ўша нуқтага бутун эътиборини қаратди ва қоғозга ёзиб олиб аллақайққа қараб шошилиб кетаркан, қўшиб қўйди: – Сиз энди ўша базанинг ички тузилиши схемасини тахминан чизиб тулинг, мен ҳозир келаман, – дея ходим Нормуродга қоғоз ва қалам узатди-да чиқиб кетди.

У қайтгунча собиқ "мужоҳид" ўзи хизмат қилган ўша жирканч ҳарбий истехкомнинг ер ости базасининг тахминий чизмасини, чорва фермасига ўхшаб кўринадиган ташқи кўринишининг шаклини чизди, ҳатто соқчилар турадиган жойларни ҳам белгилаб чиқди.

Бир оздан сўнг Бахтиёр хонага хурсанд ҳолатда кириб келди:

– У ерда чорва фермаси бормиди?

– Ҳа албатта, мана схемаси. База шунинг тагида-да.

– Э қойил! Жуда яхши. Хуллас, сизнинг айтганларингиз билан биздаги маълумотлар бир-бирига тўғри келяпти. Бу ферма одамларига зарар етмасин деб шу пайтгача бомбардимон қилинмаган экан. У ерда ростдан ҳам маҳаллий аҳоли йўқми, ишқилиб?

– Асирлар бор, улар асосан ер остида. Бир-иккитаси бирор иш билан чиқиб қолиши мумкин, албатта. Лекин ферма бомбардимон қилингани билан базани йўқ қилиб бўлмайди, дедимку.

– Ҳа, – дея Бахтиёр ўйланиб қолди жиддий. – Унда нима қилсак экан-а?

– Фақат бир йўли бор.

– Қандай йўл?

– У ерга вертолётлар юборилмаслиги керак.

– Нега энди?

– Биринчидан, у ер қаттиқ кўриқланмоқда. Уларнинг кўлида ҳатто самолётларни уриб туширадиган "Спингер" типдаги ракетаalar ҳам бор. Иккинчидан, арининг уясини кавлаб қўйишнинг нима кераги бор?

– Бу ҳам тўғри, лекин...

– У ерни ичкаридан йўқ қилиш керак.

– Ҳа, демак, махсус гуруҳни алоҳида топшириқ билан юбориш керак экан-да.

– Ҳа. Сизлардан ана шу гуруҳга мени ҳам қўшиб юборишларингизни сўрайман. Мен ўзимни оқлашим керак. Кейин улардан дўстим Карим учун қасос олмоқчиман. Сиздан илтимос, Бахтиёр ака! Мени бу ерда ушлаб туришдан кўра, тезроқ ўша ёққа юборсангизлар, шу фойдалироқ бўлармиди. Майли, агар ишонмасангизлар қурол берманглар. Мен йўлбошчилик қиламан, холос. Ҳар ҳолда у ернинг кемтик-ковагини яхши биламан. Қурол омборида ишлаганман, ахир.

– Яхши, Нормурод. Сизнинг бу таклифингизни бошлиққа айтаман. Уни тезликда ўрганиб чиқамиз. Лекин бир нарсани менга тушунтириб берсангиз. Сиз, дўстингиз Каримнинг ўлганини аниқ биласизми?

– Мен уни ўз кўзим билан кўрганим йўқ, албатта. Менга Тиркаш амаки айтди. У киши ҳозир Ҳайдарконда бўлиши керак.

– Яна гувоҳ борми?

Нормурод ўйланиб қолди. Бахтиёр энди имтиҳон пайтида талабага ёрдам бераётган домладек унга бир туртки берди.

– Аҳрор деган йигитни танийсизми?

– Э-ҳа, – деб юборди Нормурод. – Яхши эслатдингиз. Ахир улар охириги дақиқаларда бирга эди-ку!

– Бўлмаса, сиз нариги хонага чиқиб туринг.

У чиқиб кетгач, Бахтиёр телефоннинг тугмаларини терди.

– Ассалому алайкум, ўртоқ капитан! Узр, безовта қилганим учун, анави Аҳрор деган йигит ҳақида бирор нима билдингизми?

– Ҳа, билдим, – деган овоз келди гўшакдан, – у ҳақиқатдан ҳам Одина опанинг жияни, десантчи йигит, Боткенда яраланган экан.

– Ҳозир аҳволи қандай?

– Оёқлари ишламаётганмиш, лекин коляскада юраркан, эс-хуши жойида.

– Бирга бориб кўрайлик, бўлмаса.

– Қачон?

– Бир соатдан сўнг госпитал дарвозаси олдида кутсангиз!

– Хўп бўлади!

Бахтиёр қўшни хонани очиб маҳбусга "киринг" дея ишора қилди.

– Нормурод, биз сизни ҳозир бир одам билан учраштирамиз. Сиз уни ёки у сизни таниши керак бўлади. Ўйлайманки, сиз ақл-фаросатли йигитсиз. Ундан кейин менга бир нарсани ойдинлаштиришда ёрдам берсангиз.

– Нима экан?

– Яна Карим масаласи. Мен бекорга "унинг ҳақиқатдан ҳам ўлганини кўрганмисиз?" деб сўраганим йўқ. Гап шундаки, бизда бир сарчинорлик Карим деган шахс қўлга олинган. Қуруқ эмас, беш килограмм гера билан...

Нормурод бир сесканиб кетди:

– Ажабо, қандай қилиб?!...

– Биз ҳам ҳайронмиз! – деди Бахтиёр ва кулиб қўшиб қўйди. – Биз оғуни фақат Афғонистонда етиштирилади деб ўйласак, арши-аълода ҳам бўлар экан.

– Нима, сиз уни тирик демоқчимисиз?

– Ҳа, мана унинг сурати, – дея Бахтиёр Нормуроднинг олдида бир фотосуратни ташлади.

– Ие! – дея таажжуб билан ўрнидан туриб кетди Нормурод, – Ахир бу Саидакбар-ку!

– Қайси Саидакбар?

– Раҳматилланинг ёрдамчиси, каллакесар. У ўша лагерда хизмат қиларди, зобит.

– Демак, унинг Карим эмаслигини тасдиқлайсизми?

– Ҳа, албатта.

– Бўлмаса, манави қоғозга икки оғиз шунақа деб баёнот ёзиб беринг-да, кейин сиз билан бир жойга бирга бориб келамиз.

Нормурод Саидакбарнинг суратига ижирганиб қараб қўяркан, баёнотномани билганича ёза бошлади. Бу пайтда Бахтиёр ўзининг икки ёрдамчисини чақириб, машинасини шай қилиб туришларини топширди.

– Қизик, – деди Нормурод баёнотномани узатаркан. – Бу ифлос Каримнинг исмини нима учун ўзлаштирди экан?

– Биз ҳозир ана шуни аниқлагани сиз билан бир жойга бориб келамиз. Унгача сизнинг таклифингизни ўрганиб чиқишади. Кейин яна ишни давом эттирамиз. Кетдик бўлмаса...

Уларни госпитал дарвозаси олдида "Чорсу" профилактика инспектори капитан Юсупов қарши олди. Бахтиёр уни бир четга тортди:

– Биз анави бола билан госпитал боғидаги фаввора олдида ўтириб турамиз. Сиз бориб айтинг, ҳамшира Аҳрорни коляскада ўша ерга келтирсин. Негалигини айтманг. Ўзингиз ҳам узоқроқда кузатиб туринг.

– Хўп, тушунарли. Кетишга рухсат этинг! – дея инспектор госпитал ичкарасига йўл олди.

Бахтиёр энди ёрдамчиларидан бирини чақирди.

– Видео камера ёнингиздами?

– Ҳа, ўртоқ бошлиқ.

– Биз фаввора олдидаги скамейкада уч киши ўтирамиз. Бизга кўринманг. Бир йигитни коляскада олиб келишади. Тўлиқ суратга олинг, овозини диктофонга ўзим ёзиб оламан, боринг.

Бахтиёр, Нормурод ва яна бир ходим фаввора олдидаги скамейкага бориб ўтиришди. Улар узоқ кутишмади. Узоқдан коляска итарган бир ҳамшира кўринди. Бахтиёр теварак-атрофга қараб камерачи ходимга "тайёрланинг" – дегандек ишора қилиб қўйди. Профилактика нозири ҳам бир таниш беморни учратиб қолиб гурунглаша бошлаганди. Нормурод эса, бамайлихотир теварак-атрофга қизиқсиниб қараб, тоза ва қадрли она-юрт хавосидан тўйиб-тўйиб нафас олмоқда эди. Чунки у димиқ камерада қуёш кўрмай анчадан буён ўтирганди.

Бахтиёр қўйнидан бир газетани чиқариб ўзича ўқий бошлади. Объект дақиқа сайин яқинлашиб келаверди. Ёнларидаги ходимга эса, маҳбуснинг қочиб кетмаслиги ёки унинг ортиқча ҳаракат қилмаслиги ва хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилганди.

Ҳамшира парвойи-палак сигарета чекаётган бемор аравасини оҳисталик билан итариб келар, мижозини нимадир деб гапга солгиси келарди. Лекин асабийлашган беморнинг ўзи гап бошлаб қолди.

– Уф-ф... Қаёқда кетаяпмиз, опа?

– Фаввора олдида-да.

– Анави боғ томонга бормаймизми?

– Йўқ, фаввора сувига бир оз термулиб турсангиз асабларингизни тинчлантираркан. Даволовчи дўхтир шундай деб айтдилар.

– Сувга термулса-я! – деди Аҳрор масхараомуз ва сув ичгиси келди.

- Ўша сувдан ичса бўлармикин?
- Ҳа, бўлади, лекин қандоқ қиламиз, сувдонимиз йўқ-ку!
- Ҳув ана, одамлар ўтиришибди-ку! Сўраб кўрармиз.

Шундай бўлди ҳам. Бу пайтда Нормурод ҳам ёнидаги газетадаги бир мақолани кўшилиб ўқимоқда эди. Бахтиёр объект яқинлашганини кўриб, ён чўнтагидаги диктофонни ёқиб қўйди.

– Кечирасизлар, сув ичмоқчийдим, сизларда бирор идиш топилмайдими? – дея уларнинг фикрини бузди Аҳрорнинг овози.

Нормурод уни кўриб ҳангу манг бўлиб қолди. Унинг ўрнидан кўзғалганини сезиб, ёнидаги ходим унинг елкасини босди. Бу "Қимирламай ўтир" дегани эди.

– Т-топилади..., – дея олди у аранг.

Аҳрор аввалига унга тикилиб, талмовсираб турди ва тўсатдан ўрнидан туриб кетиб, Нормурод томон бир қадам ташлаб юборди.

– Нормурод! – деди қувонч билан, – Дўстим!...

Энди Нормуродни ҳам ҳеч қандай куч тўхтатолмади. У ҳам Аҳрорга ташланди. Ходим эса уни ушлаб ажратиб олишга интилиб, куч ишлатмоқчи бўлди. Хайриятки, буни Бахтиёр пайқаб қолди ва унга "Тегма" ишорасини қилди. Капитан Юсупов ҳам "ёрдамга" чоғланиб, фаввора олдида тўппончасини дастасини тутганча шай турарди. Фақат икки дўстгина ташқи дунёни бир сония унутишган ва ўзаро қизгин суҳбатга берилиб, секин-асталик билан фаввора томон юриб борардилар. Ҳамшира қиз бўлса бирдан қувониб кетди ва суюнчи олиш учун даволаш биноси томон чопди.

– Аҳрор ака юряптилар!.. – дея шодликдан кичқирарди у.

– ...Яна сенга сув керакми? – ҳазиллашди Нормурод ва кўзларидан қувонч ёшлари думалаб тушди.

– Мен ҳаётимда фақат икки марта чанқаб, икки маротаба худодан сув сўрагандим, сени рўпара қилди-я, – деди Аҳрор.

– Яна мендан сўрадинг-га? – деди Нормурод ҳам беихтиёр уни сенлаб. – Бунинг учун ўша жойингга яна тепишим керак, шекилли. Ҳаммомга қачон борамиз?

– Э-ҳа, эсингдами? Калтак егинг келибди-да-а?! – деди Аҳрор ҳам шодон кулиб.

Зум ўтмай дўхтир ва ҳамширалар чопиб келишди. Уларни икки дўст суҳбатидан ҳам кўра Аҳрорнинг юра бошлагани қизиқтираётганди. Уларнинг ўзаро суҳбати Бахтиёр учун жуда муҳим эди, лекин ҳамширалар шовқинини қандай тинчлантиришни билолмай хуноби ошаётганди. Хуллас, бу учрашув Нормуроднинг ҳақ эканлигини тўла исботлади. Дўстлар яна кучоқлашиб хайрлашдилар.

– Бўпти, Аҳроржон, тезроқ тузалиб кетинг, – деди Бахтиёр ҳам кучоқлашиб кўришаркан. – Сизлар ҳали кўп иш қилишларинг керак. Биз Нормурод билан олдингизга келиб турамиз.

– Йўқ, энди бу ерга келишларинг шарт эмас, – деди даволовчи дўхтир гапга аралашиб, – энди Аҳрорга жавоб берсак ҳам бўлаверади.

– Унда Қўқонга бирга олиб кетамиз, тўғрими Нормурод? – деди у ишонч билан қувониб. – Нурмат ака ҳам, Гулбиби ҳам ҳаммамиз бирга кетамиз.

Нормурод хайрон бўлиб "ялт" этиб қаради. Уларни кузатиб ҳиссиётга берилмай ҳушёр турган капитан Юсупов гапни чалғитиш учун томоғини маъноли

кириб қўйди. Ҳар икки дўстни қўл бериб табриклади. Қолганлар ҳам уларни қутладилар. Ҳамшира қизлар эса Аҳрорни ўпиб-ўпиб олишарди.

Каердандир Одинахон пайдо бўлди ва жиянининг тик турганини кўриб, у ҳам қувониб кучоқлаб олди. Лекин кўзи Нормуродга тушиб, ғалати бўлиб кетди.

– Ҳалиги "гунг йигит"ку – шивирлаб сўради у профилактика инспекторидан.

– Ўша, лекин энди у гунг эмас. Бу ўша бемор кишининг ўғли бўлади.

Жиянингизнинг ўртоғи экан. Улар бирга хизмат қилишибди.

– Вой, буни қаранг-а! Ҳаёт жуда қизиқда-а..., – деди Одина опа ҳаяжон билан ва Нормуроднинг елкасидан олди.

– Опа, яхши юрибсизми? – деди Бахтиёр ҳам.

– Вой, сиз ҳам шу ердасизми?

– Ҳа, қаҳрамонимизни бир йўқлаб кетай дегандим-да.

– Вой раҳмат, шунчалик...

– Гулбиби қаерда?

– Ҳа, уми, шу ерда, бирга келувдик, – деди у теварак-атрофга қараб. – Жиянимдан бир хабар олайин деб келсак, жойида йўқ. Ҳамширалар шу ёқда дейишди.

– Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Мана кўрасиз, ҳали бу икки йигитнинг тўйларини қиламиз.

– Илоҳим айтганингиз келсин... "Қандай уйлантирар эканмиз", – деб илҳақ бўлаётгандик.

Бахтиёр инспекторнинг қулоғига бир нима деб шивирлади. У эса, Одина опани бир четга тортди.

– Гап бундай, – деди инспектор. – Эртага эрталаб соат ўнларда биз учун озгина вақт ажратсангиз.

– Вой, яхшиликками, ахир?

– Ҳа, албатта. Ҳалиги, Нурмат ака бор-ку, касалхонадаги.

– Ҳа-ҳа, ўтган куни у кишини йўқлаб келувдим.

– Гулбиби биланми?

– Йўқ. Нима, сиз ҳам бу қизни танийсизми?

– Ҳа, кеча борсам ўрнингизда турган экан.

– Нима эди?

– У қизни ҳам олволсангиз, иложи бўлса яхши кийиниб олсангизлар. Аввал Нурмат акани кўриб, кейин у кишини ҳам олиб бир жойга меҳмондорчиликка борасизлар. У ерда яна Нормурод, манави танишингиз Бахтиёр, агар иложи бўлса жиянингиз Аҳрорни ҳам келиб олиб кетамиз.

– Вой рости биланми? Ажойиб байрам бўлар экан-да-а!

– Ҳа, биз ҳали кутмаган ажойиб кун бўлади. Сўнгра, уларни водийга ўз уйларига кузатиб қўямиз.

– Вой, қандай яхши! Мен ҳам бораман. Ўзим бориб опамдан суюнчи оламан!

Бир қарорга келинган Бахтиёр бошлиқ "гуруҳ" госпитални тарк этишга чоғланди. Улар хайр-хўш қилганларидан сўнг дарвоза томон келабошладилар.

Шу пайт Бахтиёрнинг уяли телефони жиринглаб қолди.

Бошлиқ экан:

– Анави Нормурод деганингизга ишонса бўладими? – сўради у жиддий.

Бахтиёр бир четга чиқди. Қолганлар уни дарвоза олдида кутиб туришди.

– Ҳа, ўртоқ бошлиқ! – деди ходим ишонч билан.

– Кафолат берасизми?

– Ҳа, кафолат бераман!

– Бўлмаса, ҳозироқ унинг ҳужжатларини олдимга олиб киринг. Мен муҳофаа вазири билан гаплашдим. Унинг таклифи маъқулланди. Йигитга айтиб қўйинг, у оқланди. Бир-икки кун тайёргарликдан сўнг, биз уни зудлик билан ўша режа асосида ортга юборамиз. Қисқаси, тез етиб келинг, маслаҳатлашамиз.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлик.

Бахтиёр Нормуродни табриклаш учун у томон хурсанд интилди. Лекин орқа томондан бир қизнинг қичқиргани эшитилди.

– Тўхтенгдер! Нормурод аке! Бахтиёр байке!...

Нормурод не кўз билан кўрсинки, унга томон гўё парвоз қилмоқчи бўлган оққушдай қанотларини ёзиб, ҳам қувониб, ҳам севинчдан кўзлари ёшланиб Гулбиби чопиб келарди. Йигит ҳам қиз томон талпинди. Лекин соқчилар уни тўхтатиб қолдилар.

– Қўйворинглар уни, Нормурод оқланди! Энди у маҳбус эмас! – дея ҳайқирди Бахтиёр.

Йигит қизнинг ёрилиб кетган ёноқларию, юпунлигига эътибор бермагандек, қиз ҳам унинг ўсиб ётган соқолигаю, қуёш кўрмай оқариб кетган юзларига парво ҳам қилмасди. Бу онлар бир-бирларини оғушига олган икки ёшнинг ҳаётидаги энг гўзал дамлар эди...

ИККИНЧИ ҚИСМ "МУЖОҲИДЛАР ИЗИДАН"

IX боб. ҲОР ЙЎЛИ

Нурмат ота уйига сафардан димоғи чоғ бўлиб қайтди. У эгнига янги кастюм-шим, оқ кўйлак кийиб, йўл-йўл бўйинбоғ ҳам тақиб пўрим бўлиб олган, ранглари тиниқ, бир оз тўлишиб ҳам қолганди. Қўлида эса, бир талай совғаю салом. Уйининг остонасига қадам қўяркан хотини на севиниши, на куйинишини билолмай лол қолди. Лекин барибир дилидаги дарди устунлик қилдими, тилини тия олмади:

– Сиз мана шунақа, курортма-курорт юраверинг. Мен бўлсам..., – деди у беихтиёр кўзига ёш олиб.

– Қалайсан, Каромат? Ўзи сениям опкетсам бўлар экан, – деди кекса муаллим ҳазиллашиб.

– ...На бир хат ёзасиз, ё хабар оласиз. Мен бўлсам сизни Нормуродни кўргани кетган, деб юрибман, – деди аёл энги учи билан кўз ёшларини артиб оларкан.

– Ҳа, тўғри ўйлабсан, хотин. Билсанг ўғлинганиям кўрдим, курортдаям дам олдим.

– Қўйсангизчи ҳазилни...

– Мана қара, – деди Нурмат ака янги кастюмининг чўнтагини пайпаслаб бир талай фотосуратлар чиқарди.

– Вой-бў..., – деб юборди аёл ҳаяжон билан.

Каромат ая суратдаги яп-янги уст-бош кийиб олган ўғли Нормурод, Нурмат ака, Гулбиби, яна аллақандай аскар йигит (Аҳрор), тўладан келган аёл (Одина), бир милиционер (капитан Юсупов) ва уйларига келган Бахтиёрларни кўриб лол қолди.

– Вой, Гулбиби келмадими?! – сўради у ҳаяжон билан.

– Ташқарида турибди. Бор, кутиб олмайсанми меҳмонни?

Каромат ўзини кўчага отди ва у ерда кулдиргичларини ўйнатиб жилмайиб турган Гулбибига кўзи тушди.

– Вой, айланай сендан, қизалоғим. Эсон-омон бориб келдингми? Яхши, тоғангни учратиб қолибсан.

– Ўзингиз ҳам жахсы ўтирибсизми?

Каромат ая гирдикапалак бўлиб сўрига жой қила бошлади. Унинг қувончи чексиз эди. Сўнгра ўтириб фотиҳа қилишди.

– Вой, жуда улуғ иш қилибсизда, дадаси. Кечагина Нормуроддан хат олувдим, деб севиниб турсам, хат билан қанақадир варақа ҳам келганига кўнглим сал хижил эди.

– Ие, хат дейсанми? – деб сўради Нурмат ака ҳайрон. – Ўғлимиз менга ҳеч нима демади-ку!

– Вой, 100 доллар пул ҳам жўнатибди-ку, барака топгур. Уни манави домласигаям айтувдим, – деди ая фотосуратдаги Бахтиёрни кўрсатиб.

– Нима, бу йигит уйимизга келганмиди?

– Ҳа. "Нормуродни домласи бўламан", деди.

– Бўлса бордир, ҳа-ҳа, шунақа бўлса керакда? – деди Нурмат ака ўйчан ва ҳаёлан: "Оббо лаънати-лар-ей, пул ҳам жўнатишибди-я! Ҳойнаҳой хатниям ўзлари ёзишгандир".

– Ҳа, айтмоқчи, ўша хатни олиб чиқ-чи, мен ҳам бир ўқиб кўрай.

Каромат ая ҳовлиқиб ичкарига кириб пул ва хатни кўтариб чиқди.

– Мана, дадаси. Ўғлим бечора ҳам ўқиб, ҳам ишлаётганмиш. Ўзи ишлаб пул топадиган бўп қопти-да, қаранг.

Нурмат ака ижирғаниб пулни бир четга иткитиб, хатни тезлик билан ўқиб чиқди ва дастлаб кўзлари мошдақ очилиб, ажабланди: "Оббо, қисталоқлар-ей" дея бошини сарак-сарак қилиб кулиб қўяркан, хатни Гулбибига узатди. Гулбиби ҳам уни ўқиб оғзини тўсиб унсиз кула бошлади.

– Вой, нега кулаяпсизлар? – дея сўради Кароматхон ая ҳайрон.

– Ахир ўғлинг сузишни билмайдику! – деди Нурмат ака кулгусидан ўзини тия олмай. – Лекин денгизни кўргани рост бўлса керак-а. У Гулбибига маъноли қараб кўйди-да чўнтагидан Худойдод берган 100 долларликни чиқариб нариги пул билан ҳар иккаласини синчиклаб солиштира бошлади.

– Қалбакимасмикан ишкилиб? – деб сўради Каромат ая.

– Бўлиши мумкин, текшириб кўрамиз. "Оббо пулфурушлар-ей", – ижирғанди муаллим.

– Қизим, бор, нарсаларингни жойлаб чиқ, – деди ая Гулбибига.

Қиз ичкарига кириб кетди.

– Бечора қизга қийин бўлибдида, дадаси.

– Ҳа, Сапарқул ошнам бедарак кетибди, сигирлари йўқолиб қолганмиш, – деди Нурмат ака хўрсиниб. – Умуман бу уруш деган ёмон офат эканда, халқ қаттиқ жабр кўраркан. Бизни осойишталигимизни сақлаб турган ҳукуматимизга минг раҳмат-е!

– Ҳа, тўғри айтасиз, дадаси.

– Лекин уруш ҳаракатлари бизнинг тарафга ҳам ўтиб кетиши мумкин. Унда жудаям ёмон бўлади. Не-не айбсиз одамларнинг қони тўкилади, – деди мўйсафид бошини сарак-сарак қиларкан.

- Вой, дадаси, нафасингизни иссиқ қилинг, бизга ким ҳам уруш қиларди?
- Улар жуда ёвуз, гитлерчилардан ҳам баттар. Агар илоннинг боши янчиб ташланмас экан, уруш дегани давлатимизга таҳдид солаверади.
- Ишқилиб, тинчлик бўлсинда, тинчликка не етсин!...
- Ҳа, ана шу тинчликни сақлаш учун бугун ҳар ким қўлидан келганини қилиши керак бўлаяпти-да.
- Вой, сиёсат қияпсизми, дадаси? Муаллимлигингизга борасиз-да-а?!
- Йўқ, унақамас. Мана, ўзинг ўғлимиздан мана бу хат, пул ва яна қандайдир варақа келди деяпсан-ку, онаси.
- Вой, ҳа. Варақада ҳукуматимизга қарши ёмон гаплар ёзилган экан, дарров тандирга тутантириқ қилиб юбора қолдим.
- Тўғри қилибсан, хотин. Аслида тутантириққа ҳам арзимади бу қоғозлар, – деди Нурмат ака ва оғир хўрсиниб қўйди.
- Мундоқ тушунтириброк гапирсангизчи, дадаси.
- Хўп. Билсанг, бу қоғозларни Нормурод юбормаган.
- Вой ўлмасам! Унда ким...?!
- Муаллим бир сония сукут сақлаб турди-да, деди:
- Уни душманларимиз юборишган. Бу сиёсат, билдингми? Нормурод энди хориждаги Ислон университетида ўқимади. У ўқишини ўзгартирди. Лекин буни ҳеч кимга айта кўрма, хўпми?
- Вой, унда қаерда ўқийди?
- Давлат хизматида бўлади. Энди у ишончли жойда – ҳарбий соҳада ўқийди. Кейин бизларни ҳимоя қилади. – деди Нурмат ака жиддий.
- Яхши бўлибди. Ўғлимиз энди ўз йўлини топиб олибди.
- Бу пайт Гулбиби келиб дастурхон тузай бошлади. У ҳар замонда эр-хотиннинг суҳбатларига эътибор қаратиб қўймоқда эди.
- Гулбиби бизникида яшаб тураверади. Ойиси Кунсуллов шуни илтимос қилиб хат ёзиб юборибди.
- Майли, лекин мен эртага у билан Боткенга бирга бориб келмоқчиман.
- Вой, ахир у томонлар нотинч-ку, дадаси?
- Бир хабар олиб келмасам бўлмайди, шекилли. Мана бу пулга уларга бирор сугир сотиб олиб бермоқчиман. Агар қалбаки бўлмаса, албатта... Бугун қанақа кун ўзи?
- Жума.
- Демак, эрта ётиб борсак, индинга сахар мол бозорига чиқаман. Бўлмаса ун-гуруч қилиб ошнамнинг оиласидан хабар олиб қўяман-да. Ахир уларга шунақа оғир пайтда ёрдам қилмасак...
- Шу пайт Гулбиби чой олиб кирди.
- Гулбиби, эртага тоғанг билан уйланингга бориб келар экансизлар. Кейин бирга қайтиб келаварасизлар, хўпми?
- Хўп.
- Зираларингни сота олдингми, ишқилиб?
- Ҳа.
- Яхши пул бўлдимми?
- Дуруст...
- Ўша пулни ҳам ойнангга ташлаб келгин, майлими?
- Хўп.

Лекин Нурмат ака чойдан хўпларкан, хаёлида бошқа саволлар ғужғон ўйнамоқда эди. "Қизик, Сапаркул қаерда бўлиши мумкин? Ишқилиб боши омонмикан? Бориб уни кидириб кўрсаммикан? Ўғлимни кидирган эдим, топдим-ку! Ажалнинг оғзига кириб бўлса ҳам мақсадимга эришдим-ку! Бу ер ҳар ҳолда яқин, ўзимга таниш жойлар. Таваккал қилиб кидириб кўрсам, савоб бўларди-да..." – деди у ўз-ўзига.

Каромат ая овқатга уннай бошлади. Фурсатдан фойдаланиб у Гулбибидан сўради:

– Отанг қаерда бўлиши мумкин-а, қизим?

– Анави геологлар олиб кетишган бўлишса керак!

Нурмат ака тўсатдан жаҳли чиқиб кетди:

– Улар геологлар эмас, улар мужоҳидлар, душманларимиз!

Қиз бир сапчиб тушди ва ранги оқариб кетди.

– Демак, отанг душманларнинг қўлида экан-да. Уни иложи бўлса тезроқ қутқаришимиз керак, – деди Нурмат ака юмшаб.

– Мен, ҳалиги, геологлар турган жойга олиб борадиган ғор йўлини биламан, – деди қиз шоша-пиша.

– Нима, шунақа йўл борми?

– Ҳа, бор.

– Буни Бахтиёржонга айтганмидинг?

– Йўқ.

– Бўлмаса унга тез хабар қилишимиз керак, қизим. Ҳар ҳолда бир нафи тегар. Бўпти, унда мен бориб ҳозироқ Тошкентга қўнғироқ қилиб келаман.

Нурмат ака кечки пайт хурсанд кириб келди ва тўғри Гулбибини ёнига кирди.

– Ҳаммаси яхши бўлди, қизим. Хуллас, биз сизларникига бориб уч-тўрт кун меҳмон кутадиган бўлдик. Сўнгра сен уларга ўша йўлни кўрсатиб берар экансан, хўпми? Баракалла, қизим!

– Қанақа меҳмон?

– Нормурод аканг ўртоқлари билан Қорабулоқда "дам олишмоқчи", шекилли-да.

Гулбибини кулгичлари ўйнаб кетди.

– Вой, рости биланми?

– Ҳа, улар отангни қутқаришмоқчи. Лекин бу гапни ҳозирча ҳеч кимга айта кўрма, хўпми?

– Хўп, – деди қиз ичига сиғмай.

* * *

Нормуроднинг таклифи билан Боткендаги мужоҳидларнинг яширин қурол-аслаҳа омборини йўқ қилиш мақсадида махсус отряд алоҳида топшириқ олди. Улар йигирма чоғли жанговар ва чиникқан спортчи зобит йигитлардан иборат "Бургут" номли гуруҳ эди. Дастлабки режа бўйича қурол-аслаҳасиз, гўёки "мужоҳид" Нормурод ва "Карим"ларни қўлга олган қирғиз маҳаллий лашкарлари каторида асир қилиб олинган ҳолатда лагер ичкарасига кириб боришлари ва у ерда пайт пойлаб, ҳужум уюштириб қурол-аслаҳаларни қўлга олишлари, асирларни қутқаришлари ва омборнинг кулини кўкка совуришлари керак эди.

Операцияга пухта тайёргарлик кўрила бошланди. Жангчиларнинг соқоллари ўстирилиб, грим қилинди ва баъзиларига қирғизча уст-бош ҳам кийдириб кўрилди.

Ишнинг энг қизиғи марҳум Каримни "тирилтириш" ва унинг ўрнига айнан ўхшаш қиёфадаги йигитни зудлик билан тайёрлашда эди. Компьютер орқали Каримнинг сурати ва биографияси олинди. Ниҳоят бу топшириқ Иброҳим Асқаров исмли асли марғилонлик бўлган зобит йигитга насиб қилди. Нормурод уни тезлик билан ишга тайёрлай бошлади. Унга лагердаги зобит мужоҳидлар ҳақида маълумот бериши, улар билан ғойибдан "таништириб" чиқиши лозим эди.

Улар туну кун бирга меҳнат қилишди. Энг хавфлиси, зобит Раҳматилла ва лагер бошлиғи олдида Карим ролини ижро этиши бир неча бор синаб кўрилди. Мухими, унинг кўлида жанговар қуроллари бўлади ва уни "асирларга" ўқталиб боради, керак бўлса уларни ҳимоя ҳам қилади. Унинг қулоғи гўё яралангандек қилиб эски латта-лутталар билан боғланади ва ичида кичик алоқа воситалари ўрнатилган бўлади.

Хуллас, операцияга бир ҳафтагина тайёргарлик кўрилди. Чунки вақт жуда ҳам зик эди. Боткенда уруш ҳаракатлари давом этар, мужоҳидлар тор-мор этилиб, уларнинг кўпчилик қисми ўзлари кириб келган Тожикистон тоғлари ичидаги қайсидир номаълум сўқмоқлар орқали Афғонистон томонга қочиб кетмоқда эдилар.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматининг навбатдаги вазифаси ана шу коридор – сўқмоқларни аниқлаш ва уни доимий назоратга олиш эди. Чунки бу ердан мужоҳидлар қурол-аслаҳа билан истаган пайтда худди чаёнлардай яна қайтиб кириб келишлари ёки наркотик моддалар карвони бемалол Қирғизистон орқали Ўзбекистон ҳудудига ўтиб келиш хавфи йўқ эмасди. Бунинг ҳам ўзига хос тактикаси ишлаб чиқилди. Боткенда қурол-аслаҳа омбори йўқ қилингач, қолган-қутган мужоҳидларни ўша сўқмоқ орқали қочишларига гўё имкон "яратиб" берилади. Нормурод ва "Карим"лар ҳам мужоҳидлар изидан гўёки "қочадилар". Улар Афғонистондаги лагерда хизматни давом эттириб, у ердан турли маълумотлар юбориб турадилар. Терроризм, гиёҳванд моддалар транспортировкasi, мужоҳид-газандаларнинг навбатдаги иш режалари, ҳомийлари, ватанфуруш хоину сотқинлар, қолаверса, бошқа турли йўллар билан адашиб бориб қолган ватандошларимиз ҳақида маълумот тўплаш уларнинг вазифасига айланади.

Лекин ҳаётда шундай тасодифлар бўлар эканки, ҳатто давлат аҳамиятидаги режалар ҳам баъзан амалга ошмай қоларкан. Бу ҳақида кейинроқ, албатта...

Нормуродга кичик сержант унвони берилди ва у топшириқни аъло даражада бажариб қайтса, албатта ҳарбий академияга сиртдан ўқишга қабул қилиниши мумкинлигини эслатиб ўтишди.

Нурмат аканинг Қорабулоққа борадиган яширин ғор – сўқоқ йўл ҳақидаги хабари айтилиб муддао бўлди. Уни Гулбиби биларкан. Демак, Гулбиби йўлбошловчилик қилади. Уни ҳам ҳар эҳтимолга қарши тайёрлаш ва эҳтиёт қилиш чораларини кўриш лозим. Махсус отряднинг энди борар жойи аниқ: аввало Гулбибиларникида яширинча яшаб турилади. Эҳтимол бу ердан туриб жапиевчи халқ лашкарлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича мулоқот ҳам қилиб кўрилади. Вазиятни ўрганилиб шунга кўра иш тутишга ва ҳаракат режалари ҳақида "Марказ"га хабар қилиб турилишига келишиб олинди.

* * *

Нурмат ака билан Гулбиби ота-болалардай отга миниб Боткен сари йўл олишди. Кекса муаллим ўзининг Ўзбекистондан эканлигини билдирмаслик учун

эски уст-бошларини ва Сапаркул совға қилган қирғиз қалпоғини кийиб олди. Йўлда деярли тўсиқларга дуч келишмади. Гулбибиларникига тун қоронғусида кириб келишди. Анчагина ўзига келиб қолган Кунсулув қизининг келганидан қувониб кетди.

– Отамдан хабар борми? – деб сўради қиз отдан тушибок.

– Йўқ, – деди онаси ва Нурмат ака билан ҳол-аҳвол сўраша бошлади.

– Худо хоҳласа, ошнамдан дарак топамиз. Сиз ҳечам хавотир бўлманг, синглим, – деди муаллим.

– Раҳмат, байке! Айтишларича, кўп одамларни "геологлар" мажбурлаб ишлатаётганмиш.

– Улар геологлар эмас экан, – деди қиз, ўзини тутолмай.

– Унда ким экан улар?

– Душманлар, мужоҳидлар экан...

– Вой, улар бу ерда нима қилиб юришибди?!

– Ўзбекистонга қарши уруш очишмоқчи. Кейин Қўқон халифалигини ўрнатишмоқчи, – деди Нурмат ака гапга қўшилиб.

– Вой, гўрингда чиригурлар-ей!

– Ойи, бу гапларни қўя турайлик, меҳмонхонани йиғиштириб, тозалаб қўйишимиз керак экан.

– Нима, шунақа алғов-далғов замондаям меҳмон келарканми?

– Ҳа, келади. Нормурод акам ўртоқлари билан...

– Сизнинг ўғлингизми, байке?

– Ҳа, ўғлим, – деди муаллим кулиб.

– У ўқишга кетганди, чамам?...

– Ҳа, таътилга чиқибди, Қорабулоқда ўртоқлари билан бир дам олиб кетмоқчи.

Кунсулув анграйиб қараб қолди. Бу ҳолни кўриб Гулбиби онасини ичкари етаклади ва қулоғига шипшиди:

– Улар отамни қутқаришмоқчи. Фақат бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этманг, хўпми?

* * *

Нурмат ака эртаси тонг саҳари молбозорга чикди. Бозор илгаригидек эмас, файзсиз эди. Фақат пулга зориққан уч-тўрт сотувчигина чиқишибди. Улар ҳам кўзлари олазарак бўлиб бир нима бўлса қочиб қолишга шайдек ҳайвонларининг арқонларини маҳкам тутиб туришарди. Бозорга соғин сигир чикмабди. Нурмат ака бир даллолнинг олдига бориб, мақсадини айтди.

– Ҳозир ҳеч ким соғин сигир олиб чикмайди, – деди у. – Уни фақат ўтовлардан суриштириш керак.

– Сиз топиб бера оласизми?

– Ҳа, лекин бугун эмас. Янаги бозор чиқсангиз топиб қўяман, – деди даллол киши.

– Хўп, келишдик, – деди Нурмат ака. – Сизни шу ердан топаманми?

– Ҳа, сизчи, бу ерликка ўхшамайсиз?

– Мен Сапаркулнинг дўсти бўламан. Унинг оиласига ёрдам қилмоқчиман. Майли, бир ҳафта кутсам кутарман.

– Э, шунақами? Раҳмат сизга, байке. Яхши инсон экансиз. Меникига юринг, меҳмоним бўлинг.

– Раҳмат, жўра.

– Менинг исмим ҳақиқатан ҳам Жўра, Жўра – даллолман.

Улар келишиб олгач, қучоқлашиб, самимий хайрлашдилар. "Яхши бўлди, – деди Нурмат ака ўз-ўзига, – Бир ҳафта ичида меҳмонларни кутиб оламиз, ўғлимни яна бир кўриш насиб қилади, эҳтимол уларга бирор ёрдамим тегар. Бу ифлос душманларни тезроқ даф қилмоқ керак. Бўлмаса бу ерда ҳам, бизда ҳам одамларнинг ҳаловати бўлмайди".

Икки кун ўтгач, "меҳмонлар" прессланган хашак ортилган юк машинасида пресслар ичида кириб келишди. Кабинада қирғиз қалпоқ кийиб олган Нормурод ва ҳайдовчиси, бошига бесўнақай шляпа қўндириб, қора кўзойнак тақиб олган Бахтиёр Тўраевлар боришарди. Нурмат ака уларни дарров таниб, отхона дарвозасини ланг очди.

– Э, яшанглар! Хашакни тўғри отхонага тушираверинглар! – деди у.

Машина орқаси билан отхона ичига кириб кетди.

* * *

Маълум бўлишича, прокурор Жапиевни мужоҳидлар қўлга олишган ва маҳаллий ҳукуматдан етмиш чоғли мужоҳидга унинг бир ўзини алмаштириш ҳақида таклиф беришган экан. Бахтиёр бошчилигидаги отряд бу ҳолатдан қандай фойдаланиш ҳақида бош қотирдилар. Бундан ташқари, Қорабулоқдаги "ферма-лагер"да сиқувда қолган жангарилар таҳликага тушиб, ўз қўлларидаги асирлардан эндиликда ҳимоя воситаси – "жонли девор" сифатида фойдаланишар экан деган гап бор эди.

– Демак, улар енгилганликларини тан олгилари келмай охирги чораларини кўришмоқда. Уларнинг мақсади бункерни сақлаб қолиш ёки у ердан қурол-аслаҳаларини олиб кетиш. Биз бунга асло йўл қўймаслигимиз керак, – деди Тўраев.

– Қирғиз лашкарлари билан ҳам музокара олиб бориб ҳамкорлик қилсак ёмон бўлмасди, – деди Иброҳим, унинг фикрини маъқуллаб.

– Рухсат берсанглар мен гаплашиб кела қолай. Ҳар ҳолда бу ернинг одамларини яхши биламан, – деди Нурмат ака суҳбатга аралашиб.

– Гулбиби билан бирга боришсин, – деди Нормурод.

– Лекин бизни бу ерда эканлигимизни зинҳор ва зинҳор билмасликлари керак, – дея таъкидлади Бахтиёр. – Чунки бу бошқа мамлакатнинг ички ишларига аралашув дейилиб, сиёсий шов-шувга сабаб бўлиши мумкин.

Гулбибини чақириб келишди.

– Жапиевларникини биласизми?

– Ҳа, биламан.

– Ҳозир уни қўлга олишган, ўрнида ким бўлиши мумкин?

– Укаси бор, терговчи-мелиционер. Исми Қонибек, – деди Гулбиби.

– Қонибекни яхши биласизми?

– Ҳа, у акамни синфдоши бўлади.

– Акангиз ҳозир қаерда?

– Россияга ишлагани кетган.

– Яхши, бўлмаса ҳозироқ Қонибекни ҳузурига боринглар. Жапиевни қутқариб, омборни йўқ қилиш бўйича режамиз борлигини баён қилинглар. Лекин бу ҳақда ҳеч ким сезмасин, эҳтиёт бўлинглар.

– Қонибек билан ўзингиз гаплашганингиз маъқул шекилли, – деди Нурмат ака Бахтиёрга юзланиб.

– Яхши. Бўлмаса учаламиз бирга бора қолайлик.

– Гулбиби, бор отангни чакмони билан қалпоғини олиб чиқ!

Қиз Бахтиёрнинг қўлига бир қамчинни ҳам тутқазди.

– Ҳақиқий қирғиз жигити қамчисиз юрмайди, – деди у жилмайиб.

Кўп ўтмай уч отлиқ Жапиев Жонибекнинг укаси Қонибек ҳузурига йўл олишди. Бахтиёрнинг ичида бронжилети борлиги, чакмон ва қалпоқ кийиб ўрганмагани учунми, ўзини ҳаммомдагидек ҳис қила бошлади.

– Шўрва ичган калдек намунча терламасангиз-а? – деди Нурмат ака ҳазил қилиб, белбоғини чиқариб узатаркан.

– Раҳмат, ака, яхшиям сиз борсиз.

– Ўзбекча гаплашмай юринглар, – деди Гулбиби шивирлаб.

– Ҳа-ҳа, узр қизим, биз ахир чет элдамиз-ку! – деди Нурмат ака ҳам қамчин билан "жим" дея ишора қиларкан.

Жапиевлар уйига муюлишда уларни соқчилар тўхтатишди. Гулбиби олдинга чиқди ва қирғизчалаб Қонибекда шахсан ишлари борлигини, ўзи Қонибекнинг синфдоши Хўжақулнинг синглиси, Сапарқулнинг қизи эканлигини маълум қилди.

– Қанақа ишларинг бор?

– Пойтахтдан меҳмонлар бор, – деди қиз мужмал қилиб Бахтиёрни кўрсатди.

– Бишкекданми?

– Ҳа, – деди қиз жиддий.

Бахтиёр қамчин ушлаган қўлини кўксига қўйиб "Салаватсизвы?" деб қўйди. Уларни обдон текширган бўлиб соқчи назоратида бир уйчага олиб киришди. Бу ер Қонибекнинг уйи эмас, балки дастлабки назорат пункти эканлиги шундоқ билиниб турарди.

Орадан анча вақт ўтгач бир йигит кириб келди ва Гулбибини олиб кетди. Албатта ундан келган меҳмон ким ва мақсади нима эканини, улар билан қизнинг қандай алоқаси борлигини билгилари келганлиги сезилиб турарди. Кўп ўтмай меҳмонларни ҳам бошлаб кетишди.

Қонибек уларни очик чехра билан кутиб олди:

– Э-ҳе, сизга қирғизча чакмон жуда ярашибди-да, ака!

– Ҳа, белим оғирди. Энди доим кийиб юраман шекилли, – деди Бахтиёр чаккасидаги терларни артаркан.

– Бу бизнинг миллий саунамизда, ака. Фақат бронжилет русларники.

Улар хо-холаб кулишди.

– Сизни "меҳмон пойтахтдан экан" дейишса Бишкекдан Боткенга кўрқмай келадиган мард қирғиз ким эканми, деб ҳайрон бўлувдим, – деди Қонибек соф ўзбекчалаб, кулиб.

– Ҳа, мен ҳақиқатдан ҳам пойтахтданман, лекин Тошкентдан – Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходими Бахтиёр Тўраевман, – деди Бахтиёр ёнидан гувоҳномасини чиқариб.

– Бош устига, меҳмон. Унда чакмон, қалпоқни ечиб, бемалол ўзбекча гаплашаврайлик, акахон. Бу киши ким бўладилар? – деб сўради Нурмат акани кўрсатиб.

– Бу киши Нурмат ака, чегара туманда турадилар. Менинг йўлбошловчим. Сапаркул ака, яъни Гулбибининг отаси бу кишининг яқин жўраси экан, – деди Бахтиёр кўпол уст-бошларини ечаркан. Сўнгра бронжилетни ҳам ечмоқчи бўлди:

- Снайперлар йўқдир.
- Снайперлар ҳаммаси ўзимизники. Бемалол ечаверинг.
- Ўқни бегона қилмас экансизларда-а?
- Ҳа-да, ён кўшни-жон кўшни деганлар, ахир, – деди Қонибек кулиб.

Меҳмонларнинг олдида чой-нон ва томоқ (овқат) келтиришди. Қонибек кўринишидан жуда ҳазилкаш ва жиддий йигит кўринар, гўёки акасининг ҳозирда душманлар кўлида гаровда эканини унутгандек эди. Сўнгра Бахтиёр иккиси кўшни хонага ўтиб кетишди ва тактик ҳамкорлик тўғрисида музокара олиб боришди. Бахтиёр душманларнинг қурол-аслаҳа омборини йўқ қилиш ҳақидаги режалари борлиги ва бу ерда ўзининг махсус отряди турганлиги тўғрисида атайин лом-мим демади. Балки, умумий хавфсизлик, душманларни бутунлай тор-мор қилиб, Қирғизистонни озод қилиш ва Афғонистондан ўтиб келадиган коридор – сўқмоқни аниқлаш мақсади бор эканини баён қилди. Шундан сўнг акаси прокурор – лашкарбоши Жапиевни қутқариш бўйича Қонибекнинг режаларини сўради.

– Акам етмишта мужоҳидга бир ўзини алмаштиришимизга кўнмаяпти, – деди у маънос.

- Нимани таклиф қилаяпти?
- Бункердаги барча асирларни қўйиб юборишсин, деяпти.
- Уларчи?
- Улар бунга кўнишмаяпти.
- Мақсад?
- Асирлар уларга гаров сифатида керак бўлишармиш.
- Сўнгги чора, денг?
- Ҳа, шундай.
- Хўш... Хуллас, мен сизнинг олдингизга аниқ бир таклиф билан келдим.
- Қандай таклиф экан?

– Сиз акангизни бемалол алмаштираверасиз. Айни пайтнинг ўзида бизлар асирларни қутқариш операциясини ўтказамиз. Алмашув амалга ошиши билан сиздаги етмиш асирнинг кўлига қурол-аслаҳа тегмай туриб бу ишни бир пайтда бошлаймиз.

– Хўш, уларни кейин кириб ташлаймизми?

– Йўқ, уларни Қирғизистон ҳудудидан эркин чиқиб кетишига имкон берасизлар. Улар албатта Тожикистон орқали Афғонистондаги уйлари томон қочишади. Биз бўлса уларнинг изидан ўз одамларимизни қўямиз ва террорчилар, наркотиклар олиб ўтиладиган сўқмоқ – коридорларни аниқлаб оламиз. Бу ишда Афғонистон чегараларини қўриқлаётган Россия чегара кўшинлари билан ҳам халқаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишув бор.

– Яхши, лекин сизнинг одамларингиз бу ердаги лагер ичкарасига кириша олмайди. Оқибатда асирлар нобуд бўлишлари мумкин.

– Биз ўз ишимизга қафолат берамиз, қолаверса лашкарларингизнинг ташқи томонидан бизни қўллаб юборишларига ҳам ишонамиз. Фақат алмаштириш қачон, қаерда ва қайси вақтда амалга оширилишини бизлар ўзаро келишиб олиб, душман томон билан бу ҳақида музокара олиб боришингизга тўғри келади.

– Мана, ҳозир дўст томон билан музокара олиб бориб ишни ҳал қилаяпмизку, душман томон билан ҳам "тил топишамиз" албатта, – деди Қонибек жиддий.

– Жуда хурсандман.

– Мақсадингизни тушундим, акахон. Чаённинг бошини янчмоқчисиз, тўғрими?

– Ҳа, шундай қилмасак у яна каваклардан ўрмалаб чиқиб мамлакатларимизга таҳдид солавериши мумкин.

Хуллас Қонибек Хўжа Аҳмадулло билан музокара олиб борадиган, сўнгра натижасини Гулбибига етказадиган бўлди. Бу ерда Бахтиёр, Нормурод, Иброҳимлар Гулбиби йўл бошловчилигида лагерга борадиган ўша яширин ғор йўлини бориб кўздан кечириб келишга қарор қилишди. Махсус отряд эса, сомонхона ичида шай бўлиб, кутиб турадиган бўлишди. Нурмат акага уй қоравуллиги топширилди. У ўзини жанговар ҳолатда ҳис этар, зиммасига масъул вазифа топширилганидан, қўлидан келган ёрдами учун мамнун эди.

Қонибекнинг одамлари бир-икки бор Сапарқулникига ташриф буюриб меҳмон – Бахтиёрака тўғрисида атайин суриштиришди. Лекин Нурмат ака "У келган жойига кетган, қачон, ким билан келишини айтмади" деб жавоб берди. Бирови бу гапга ишонмай атайин уй ичларига бош суқиб кўрди ва Кунсулудан ҳам сўради. Аёл ҳам "Билбайм, эч ким жўқ" жеб жавоб қайтарди.

Махсус отряднинг бу ерда экани ўта сир сақланмоқда эди.

* * *

Нормурод билан Гулбиби жамиятга, одамларнинг тинч ва осойишта ҳаётига таҳдид солаётган жангариларга қарши курашишда биргаликда ҳисса қўшаётганларидан жуда ҳам бахтиёр эдилар. Улар шуни жуда яхши билар эдиларки, душманни бир тарафли қилмай туриб ҳар икки мамлакатда ҳам ҳаловат бўлмайди. Одамларга эртанги кунга ишонч йўқолади, меҳр-оқибат кўтарилади. Ҳар икки ёш ўртасида муҳаббат риштаси оғир кунларда янада тобланиди. Улар кураш майдонида сафдошга ҳам айланиб бордилар.

– Нормурод ака, сизни узоқ сафарга кетади деб эшитдим, – деди Гулбиби ғор-йўлакда қўл ушлашиб боришаркан.

Улардан сал нарида йўл ёриткичларни ёқиб Бахтиёр билан Иброҳим келишар, ҳар бир муюлиш, ҳар бир эътиборли тошни синчиклаб кўриб олға интилмоқда эдилар. Ғор-йўлак тор, зах ва кўрқинчли эди. Бир пайт Бахтиёрлар ниманидир топиб олишди шекилли, йўлда туриб қолишди. Уларга томон ўгирилган Нормурод бошини шифт тошига каттиқ уриб олди.

– Вой, ёмон тегдими? – деди Гулбиби унинг пешонасини силаб.

Нормурод эса унинг иссиқ қўлларига тафтли кафтини босди ва беихтиёр бир-бирларини оғушига олишди. Фақат Гулбибининг қўлидаги йўл ёриткичи тўсатдан тушиб кетиб, чил-чил сингачгина ўзларига келишди.

– Нима гап, тинчликми?! – дея қичқирди Иброҳим.

– Ҳа, Гулбибининг фонари қўлидан тушиб кетди.

– Ҳушёр бўл, сеникиям тушиб кетмасин.

– Ахир, ўзинг ўйлаб кўр-а, – деди Бахтиёр кулиб, – Ёш йигит билан қизни қоп-қоронғу ғорга қамаб қўйишса нима ҳам бўларди?

– Нима бўларди, тўй бўлади-да, – деди Иброҳим ҳам бир нимага шама қилиб.

Йигитлар кулишди.

– Биласанми, нима учун кемага хотин кишини олишмайди, – деди Бахтиёр Иброҳимга.

– Нима учун? – деб сўради Иброҳим йўлда давом этар экан.

– У аёл бировни топиб олади-да сўнгра бир-бирларига бўса ҳадя қилишни бошлашади. Шу даражада ўпишадики, ҳатто кема чўкиб кетганиниям пайқамай қолишади. Команда ўлиб кетаверади. Улар бўлса омон қолишади. Чунки бир-бирларига тўхтамай ҳаво бериб туришади-да.

Шарақлаб кулги кўтарилди ва у ғор ичида бўлиниб-бўлиниб акс-садо бера бошлади.

– Ҳой, жиминглар, соқчилар эшитиб қолишади! – деди Гулбиби жиддий.

– Яқин қолдикми?

– Ҳа, яна шунча юрамиз...

Ниҳоят урилиб-сурилиб, эгри-бугри, паст-баланд йўлакдан узоқ юрилгач, оқиш туйнук кўринди. Улар жарлик тубидан чиқиб қолишди. Юлдузлар беозор милтиллар, ой нури оқариб оқаётган саёз сув юзида жилоланиб акс этарди. Теварак-актроф эса ниҳоятда кўрқинчли бўлиб, бу ерда зирали тоғнинг хушбўй хиди эмас, балки аллақандай ўликнинг қўланса хиди уфуриб турарди.

– Бу қанақа хид? – деб сўради Иброҳим оғзи-бурнини беркитиб.

– Бу жарга ўликларни ташлашади, – деди Нормурод.

– Ҳа, бу ердан 50 метрча наридаги жарнинг тик қирғоғи лагернинг чегараси бўлади, – деди Гулбиби шивирлаб, – Хувв ана, соқчи турибди, – деди тепаликда қорайиб турган нуқтани кўрсатди.

Шу пайт Бахтиёрнинг радиотелефони сигнал бера бошлади. У тезлик билан ғор ичига кириб кетди.

– Ўртоқ бошлиқ!

– Эшитаман.

– Гулбибини зудлик билан сўрашяпти.

– Сизни тушундим.

Бахтиёр ҳаммаларини ғор ичига чорлади.

– Гап бундай. Демак, Жапиевни алмаштириш вақти аниқ бўлганга ўхшайди. Гулбиби ҳозирок қайтиб бориб Қонибекнинг одами билан учрашиши керак. Вақт зикка ўхшайди. Хўш, Нормурод билан Иброҳим, яъни "Карим", сизлар шу ерда қоласизлар. Мен йигитларимизни бошлаб келаман. Сизлар қандай бўлмасин лагерга чиқиб бу ерга арқон ташлашни уюштиришларинг керак. Мана бу радиотелефон сизларга. Бир гап бўлса тезликда хабар қиласизлар.

– Йигитларни асир сифатида олиб борамизми?

– Йўқ, бу хавфли.

– Демак биз ҳозирок чиқиб бориб у ернинг рафти – омадини ўрганиб, шу пайтгача қаерда бўлганимизни маълум қилиб туришимиз керак экан-да!

– Ҳа, баракалла. Лекин эплай оласизларми?

– Ҳозир уриниб кўрамиз-да, – деди Нормурод ва ғордан ташқарига чиқиб тўсатдан юқоридаги соқчига қараб қичқира бошлади.

– Ҳой биродар!! Мени эшитяпсанми?!... Мен Нормурод бўламан!!...

Тепада автоматнинг шарақлаши эшитилди:

– Қайси Нормурод?! – сўради у бор овозида.

– Раҳматилланинг ҳамқишлоғи, кичик командирман!

– Бекорни айтибсан, Нормурод ўлган!

– Йўқ, мен ўлганим йўқ, тирикман!! Карим ҳам тирик!! Мана ёнимда турибди!!...

– Дарвозадан келинлар!!...

– Ҳой ярамас, жиннимисан!!... Унда яна 10 километр айланиб ўтишимизга тўғри келадику! Мен беҳазил!!...

– Ўликхонада нима қиялсан бўлмаса?! Ё арвоҳмисан?!...

– Бизлар қуршовда қолувдик, аранг қутулдик!! Қорнимиз оч, сассиқ жойда турибмиз!! Бўл тезроқ, арқонни ташла!!...

– Бошлиқларга хабар беришим керак!!

– Мени чиқариб ол, бирга кирамиз!!

– Қуролинг борми?!!

– Қанақа қурол? Ўзи энамни кўрдим-ку!...

– Лекин айтиб қўяй, найранг қилсанг арқонни қўйиб юбораман-а!... Кейин сен ҳам сасиб ётаверасан!!

– Бўпти, бўл тез деяпман, асабимни ўйнатма!!

Бир оздан сўнг "шип" этган овоз келди. Бу арқон эди. Бахтиёр Нормуроднинг уддабуронлигига тан бериб елкасини қоқиб қўйди.

– Бўпти, сизларга омад ёр бўлсин, – деди Бахтиёр шивирлаб.

Гулбиби Нормуродни ўпиб қўйди. Йигит қизнинг кўзларига меҳр билан боқиб, сочларини силаб хайрлашди. Сўнгга бориб арқонни аста тортиб кўрди, у маҳкам эди.

– Хўв овсар, маҳкам ушла!!... – деди қичқириб Нормурод ва юқориликка томон чаққонлик билан кўтарила бошлади. Бир оздан сўнг тепаликда энди иккита қора нуқта кўринди. Энди Иброҳим – "Карим"нинг навбати эди.

– Ё Аллоҳ! – деб қичқирди у ва Бахтиёрга: секин "Хайр" деди-да у ҳам тезликда чиқиб кета бошлади. Нуқталар учтага етди. "Тап-тап" деган сокин овоз эшитилди. Сўнгга нуқталардан бири пастга – сассиқ жарга томон гурсиллаб кулади. Гулбиби кўрқиб қичқириб юборди. Бахтиёр унинг оғзини маҳкам беркитди ва бориб арқонни оҳиста тортиб кўрди. Арқондан ҳам "жавоб" келди. Бу "ҳаммаси жойида" дегани эди. Соқчининг жойини юзига ниқоб тортиб олган "Карим" эгаллади. Арқон жойида қолди. Бу махсус отряд учун ягона йўл эди...

* * *

Жапиевнинг ўзини етмиш нафар мужоҳид жангари асирларга алмаштириш тонги саҳар соат 6-00да амалга ошириладиган бўлди.

– Бахтиёр ака қаерда? – деб сўради Қонибек Гулбидан.

– Қўқонда бўлсалар керак.

– Унга хабарни етказа оласанми?

– Ҳа, албатта.

– Айтиб қўяй, беш соат вақт қолди. Агар ишни барбод қилсанг, ўзингдан кўр. Уйингга ўт қўйдираман!

– Ҳаммаси яхши бўлади, сўз бераман!

– Майли, қирғизсан, ўзимизни одам бўлганинг учун сенга ишонаяпман. Унга айтиб қўй, соат 6-00да тошкўприкда алмаштириш бўлаётган пайтда менинг лашкарларим омборга ташқаридан ҳужум уюштиришади. Агар у аҳдида турса менинг ҳам айтганим бўлади. Чин эркак сўзим!

– Хўп бўлади, байке. Айтаман.

Гулбиби Қонибекнинг олдида чикқанида тунги соат бир эди. У соқчи ушлаб турган отига чаққонлик билан миндида, "Чух!" дея қамчи солиб, чоптириб кетди. Сомонхонадаги Бахтиёрнинг отряди ҳар эҳтимолга қарши шай турар ва операция олдида овқатланишмоқда эди. Гулбиби уйига етиб келгач, кўчада пойлаб ўтирган Нурмат акага от жilовини бериб атрофни аланглаб кузатди. Айни паллада хушёрлик жуда ҳам зарур эди. Нурмат ака буни тушуниб кўчада қолди. У ҳар эҳтимолга қарши Сапарқулнинг бешотарини ўклаб олганди. Ҳар ҳолда бегона шарпа сезилмади. Бир оз ўтгач қирғиз кийимидаги қуролланган отряд йўлга отланди. Бахтиёр алоқа воситаси орқали "Карим" билан боғланди ва "Ҳаммаси жойида" деган жавобни олди.

– Барча соқчиларни гумдон қилинглaр ёки тириклайин боғлаб ташланглaр. Озод бўлган мужоҳидларга қурол етиб бoрмаслиги керак. Асир одамларни эҳтиёт қилинглaр, иложи бўлган тақдирда уларни арқон билан жарга туширинглaр. Омбор соат 8-00да портлатилади. Бу пайтда бизнинг юк машинамиз ғор-йўл олдида кутиб туради. Агар улгура олмасанглaр жар ёки ғор ичида қолиб кетишларинг мумкин.

– Демак, яна қўшимча арқонларни ташлаб қўйишимиз керак, – деди отряд сардори Ғаниев.

– Ғор йўлагидан ҳозир ўтиб келишимизга бир соат вақт кетади, шуни ҳисобга олинглaр. Майда-чуйда ишларга аралашманглaр. Улар Қонибек лашкарларининг иши. Шундай қилинглaрки, гўё операцияда бизлар мутлақо иштирок этмадик, балки "ҳамма ишни қирғиз лашкарлари амалга оширган" бўлишсин, тушунарлими?

– Тушунарли!!!

Операция тузилган режадагидек амалга оширила бошланди. Тепаликка биринчи чиқиб олганлар пастга яна қўшимча арқон ташладилар.

* * *

Опиумдан ҳидлай-ҳидлай айш суриб ётган Раҳматилланинг кўзига Нормурод арвоҳдай бўлиб кўринди...

– Н-нима?!... Сен тирикмидинг? Қ-қоч, кет!...

– Раҳматилла ака, мен ахир ўлганим йўқ эди.

– Довудбек сени ўлдирганмиш-ку!

– Довудбекнинг ўзи ўлди-ку.

– У сени "с-соткин", дебди. Сен аблаҳ, ит эмган экансан! – Ўшқирди у ва ҳамюртига қарата автоматнинг стволини тўғрилади.

– Сиз наҳотки қандайдир келгинди, фақат пул ишлаш учун келган бир чеченни гапига ишониб, ўз ҳамкишлoғингизга ишонмасангиз.

Раҳматилла бошини силкиб, пешонасини тириштириб лабларини беўхшов кийшайтирди.

– Ш-шунақами?

– Ҳа, шунақа.

– Яна ким бор?

– Карим.

– Карим дейсанми? – деб сўради у беўхшов иршайиб, – Бўпти, эрталаб гаплашамиз... Билиб қўй, ҳар битта қ-қўйган қадаминг учун ж-жавоб берасанлар, ҳали. Уқдингми?

Нормурод соқчилар турган жойларни бирма-бир кўздан кечирди. Баъзилари ўтириб мудрашмоқда эди. Махсус отряд жангчилари ҳаракат қилиш учун қулай

бўлган тўсиқларни излади. Энг муҳими, маскировка қилинган бункер олдида соқчилар бўлиб, улар жуда ҳушёр туришарди.

– Ҳой жўра, қуруғидан борми? – дея шивирлаб сўради Нормурод улардан бирининг олдида бориб.

– Ҳа, уйқунг келмаяптими, дейман-а?

– Йўқ хотинни соғиндим.

– Ана, асира аёллардан бирини олиб чиқавер, – деди у "Беламор"га тайёрланган папиросдан узатиб.

– Лекин жўра, жа савобга қолган бўлардинг-да! – деди Нормурод атайин ялтоқланиб, беўхшов хиринглаб ҳам қўйди.

– Қаерликсан?

– Қўқондан.

– Ҳа, буёғи яқин экан, лекин ишларимиз пачавага ўхшайди-ку..., – деди у афсусланиб.

– Нега энди, Жапиев қўлимизда-ку!

– У иш бермайди.

– Ҳой, сен кимсан? Бор жойингга! Соқчиларга гаплашиш мумкин эмас! Ярамас, ит эмганлар! – деб қичқириб қолди биров.

Бу Хўжа Аҳмадулло эди. У тонгда бўладиган алмаштириш жараёни қандай кечишидан хавотирланиб ташқарига чиққанди. Папиросни тутатиб олган Нормурод йўтала-йўтала барак томон кетди ва уни эзгилаб ташлади-да, барак ичида пишиллаб ухлаётган мужоҳидларни тахминан санаб чиқди.

– Ҳой бача, хоб кун! – дея қичқирди кимдир.

Нормурод ётиб олди ва эътиборини Хўжа Аҳмадулло ва соқчилар ўртасидаги мулоқотга қаратди.

Сардорнинг ўзи соқчиларни бир-бир текшириб чиқаётганди. "Ишқилиб Иброҳимни сезиб қолишмасмикан?" – дея хавотир бўла бошлади Нормурод. Ярим соатлардан сўнг ташқаридан шипиллаган оёқ товуши эшитилди ва зобитлар барагининг эшиги очилиб-ёпилди. "Хайрият, сезмади" деб қўйди Нормурод ва охиста ўрнидан турди.

– Ҳой бачча, ту гужо мери? – деб сўради ҳалиги киши.

– Ҳожат ба, – деди Нормурод қиска қилиб.

– Ист, манам мерам.

У ҳам ўрнидан турди ва ташқарига қуролсиз чиқиб келди. Нормурод тўғри жарлик томон юра бошлади.

– Мамади, ту чи хели? – дея "Карим"га қўл кўтарди ўша киши ва жарлик томон Нормурод билан чоптира бошлашди. "Карим" "нағз" дея жавоб қайтарди. Шу маҳал Нормурод унинг уйқу нервига бир урди. Бу ҳунарни унга Жирғатолдаги махсус лагерда покистонлик устозлар ўргатишганди.

Хушсиз мужоҳидни жарлик томон қулатди-да, ўзи Иброҳимнинг олдида келиб охирги хабарлардан воқиф бўлди. У "Карим"га бараклар, бункер ва соқчиларнинг турган жойлари ҳақида керакли маълумотларни берди. Ҳар иккиси лагерни ишғол қилиш режасини тахминан тузиб чиқишди.

– Биз эрталаб соқчиларни тинчитиб, уларнинг ўрниларини эгаллаймиз. Қолганларга тегмаймиз. Улар Жапиевни олиб чиқиб кетишганидан сўнгра ҳужумга ўтамыз ва омборни миналаштирамиз.

– Асирларничи?

– Уларни жарга тушириш хавфли. Ундан кейин асирларни яхшиси қирғиз лашкарларининг ўзлари қутқарганлари маъқул.

– Омбор портлатилгунча уларни олиб чиқиб кетиб бўлармикан?

– Бу ҳақида Қонибекни огоҳлантиришга тўғри келади.

– Ҳа, фақат миналаштириб бўлингач.

– Бахтиёр ака нима деркин?

– Аввал операцияни эсон-омон ўтказиб олайлик-чи!

Шу маҳал пастдан арқон тортилиб "сигнал" етиб келди. "Карим" теварак-атрофни хушёр кузатди. Нормурод арқонни тортиб-тортиб "Чиқаверинглар" дегандек сигнални берди. Бирма-бир қора ниқоб таққан, қуролланган абжир йигитлар чиқиб кела бошлашди.

– Фақат соқчиларни..., – деди Иброҳим шивирлаб. – Сўнгра ўрниларига туриб, бўйруқни кутинглар.

Шундай қилинди. Соқчилар эҳтимол лагердаги тунни, ўзга юртдаги тўлин ойни сўнги маротаба кўришди. Овоз чиқарилмай, шовқинсиз бункер олдидаги ва дарвоза соқчиларидан ташқари ҳаммаси тинчитилди. "Қоровул неча соатда алмашади?" – дея шивирлаб сўради "Карим" Нормуроддан.

– Ҳар саккиз соатда. Булар соат 1-00 дан туришган.

– Унда яхши. Бу ерда соат 8-00 гача ишлаймиз, холос.

– Сўнгра йигитлар нима қилишади?

– Жарликка тушиб ғордан қайтиб кетишади. Уларни машинамиз кутади.

* * *

Тонги соат 5-00 да Қонибекнинг лашкарлари тошкўприк олдида етиб келишди. Етмиш нафар қўллари орқаларига боғланган мужоҳидларни Қорабулоқ сойи бўйига олиб келиб ўтказиб қўйишди. Ярим соатдан сўнг узоқда оқ байроқ кўтарган Хўжа Аҳмадилло бошчилигидаги йигирма чоғли мужоҳид қўли боғлиқ Жонибекни олдиларига тушириб, олиб кела бошладилар. Қонибек акасини бу аҳволда кўриб алланечук бўлиб кетди, кўзлари намланди. Халқ манфаати, юрт осойишталиги учун ўз жонини тиккан фидойи акасига қараб хўрлиги келди. Чунки уни ҳар дақиқада ўлдириб қўйишлари ҳеч гап эмасди. Шу маҳал радиотелефон сигнал берди.

– Алло, Қонибек!

– Лаббай, эшитаман!

– Мен Бахтиёрман. Биз ишларни келишганимиздек бажардик. Асирлар қутқаришга тайёр. Лагер ичи назоратимизда. Мени қандай тушундингиз!

– Жаксы.

– Унда жавобингизни кутаман.

Бу пайт нариги қирғоққа мужоҳидлар яқинлашиб келишди.

– Салом, Қонибек! – дея тантанавор қичқирди Хўжа Аҳмадилло.

Қонибек "Салом" дегандек қўлини кўтарди.

– Байке, тузукмисиз?! – дея қичқирди акаси томон.

– Яхшиман. Лекин бу ишингдан қайт. Мен сендан норозиман!

– Йўқ, байке. Улар лагердаги ҳамма асирларни қўйиб юборишмоқчи. Тўғрими, Хўжа Аҳмадилло?

– Астағфируллоҳ..., асло йўқ!

– Ўтиборингиз учун улар аллақачон озод қилиб бўлинди! Лагер бизнинг қўлга ўтди. Сизлар ҳам қуроолларингизни ташланг-да, таслим бўлинглар!

– Нималар деб алжираяпсан, мочағар! – қичқирди сардор автоматини Жонибекнинг пешонасига тираб олиб.

Халқ лашкарлари ва мужоҳидлар сергакланиб бир-бирларига қуроолларини тўғрилаб тошлар панасига ётиб олдилар. Танг ҳолат вужудга келди. Жонибек бундай ҳолатни кутмаганди.

– Ука, буларни отиб ташланглар! – дея қичқирди у.

– Йўқ, байке. Агар улар қуроолларини ташласа, бизнинг элимизга бошқа зиён-заҳмат етказишмай Қирғизистондан чиқиб кетишга рози бўлишса, биз уларга тегмаймиз!... Хўжа Аҳмадилло! Чин эркаклик сўзим! Биз сизларга тегмаймиз! Қирғизистондан ҳозирок жўнаб қолинглар! Тожикистон чегарасигача сизларни одамларим кузатиб қўяди.

Хўжа Аҳмадилло бу таклифни кутмаганди. Нима дейишини билолмай довдираб қолди. Шу маҳал отлик кимдир кела бошлади. Бу Раҳматилла эди. У сардорнинг олдида шошиб келиб, бир нима деб пичирлади. Сардорнинг ранги бўзариб кетди. Улар бир четга чиқдилар ва бир нималар деб тортиша бошладилар.

– Ҳой, Аҳмадилло! – дея қичқирди Қонибекнинг сабри чидамай. – Мен сендан жавоб кутяпман?!

У ишлар кўнгилдагидек бораётганидан ич-ичидан мамнун бўла бошлади. Чунки бу ғалаба дегани эди. "Ниҳоят она юртига тинчлик ўрнатилади. Яна тинч-тотув ҳаёт бошланади. Не-не беозор, бегуноҳ одамларнинг бошига етди, бу ифлослар, – дея фикрларди Қонибек. – Лекин Бахтиёрга гап йўқ, баракалла, мард йигит экан".

Бир оздан сўнг Хўжа Аҳмадилло сой соҳилига келди. Унинг ранги "қувв" ўчиб кетганди.

– Ҳой, Қонибек, сен ютдинг! Биз розимиз! Одамларимни қўйиб юбор!

– Аввал, қуроолларингизни ташланглар! Акамнинг қўлини ечиб олдимга юборинглар.

Хўжа Аҳмадилло қўлидаги автоматни итқитди. Темир аслаҳа тошларга шарақлаб тушди. Раҳматилла ҳам ҳолатни тушуниб, автоматини ташлади. Сўнгра Жапиевнинг қўлини бўшатди. Тошлар ортида писиб ётган мужоҳидлар ҳам бир-бир келиб қуроолларини ташлаб, бир жойга тўплана бошладилар. Қонибек ҳам асирларни бўшатишга буйруқ берди. Озод бўлганлар тошқўприкдан чопиб ўтиб ўз биродарлари билан қучоқлашиб кўриша бошлашди. Қонибек ва унинг лашкарлари бу қирғоққа ўтиб мужоҳидларни ўраб олишди. Қонибек акаси билан қучоқлашиб кўришди.

– Яшавор, ука! Қутлуғ бўлсин!

– Ғалаба муборак, акажон!

Сўнгра Қонибек асирларни битта-битта тинтув қилишга буйруқ берди. Ўзи Аҳмадиллонинг олдида келди.

– Хўжа Аҳмадилло, яхшилаб эшитиб олинг! Сизларни бу сафар Қирғизистондан чиқариб юбораман, лекин қайтиб қадам босадиган бўлсангиз ўша оёқларингизни жириб ташлайман, билдингизми?!

Сардор ерга қаради. "Бизга шафқат қилди, отиб ташлаши мумкин эди" дея фикр қилди у.

– Раҳмат ука, бизлар қирғизистонликларга озор бериш учун келмагандик. Ниятимиз бутунлай бошқа эди, лекин бизни тангри қўлламади, на илож...

Шу маҳал радиотелефондан сигнал келди.

– Алло, Қонибек, ишларимиз қалай кетяпти?

– Ҳаммаси жойида.

– Лагер сизнинг қўшинларингиз томонидан тўлиқ эгалланди, асирлар озод этилди.

– Ўзингиз қаердасиз?

– Чегарадаман.

– Бир, меҳмон бўлиб кетинглар, бўлмаса.

– Раҳмат, кейинроқ, иш охирига етаверсин. Лекин Қонибек сизда муҳим гап бор.

– Қанақа гап?

– Одамларингиз зудлик билан лагерни тарк этишсин. У ерда ҳеч зоғ қолмасин.

– Нега энди?

– У ер миналаштирилган. Соат 8-00 да портлайди. Ҳозир соат 7-00.

– Хўп бўлади!

Қонибек акасининг қулоғига алланималар деб шипшиди. Жонибек унинг елкасини миннатдор қоқиб қўйди.

Мужоҳид асирлар қирғиз лашкарлар қуршовида жануб томон йўл олдилар. Келишилгандек Игла дарёси ёқалаб кетилади ва Зардолу қишлоғига етгач, улар қўйиб юборилади, сўнгра эса Тожикистоннинг Жирғатоли сари ўзлари йўл олишади. У ёғи номаълум...

Нормурод билан Иброҳим – "Карим"ларни режа бўйича улар Сўхдаги ҳарбий қисмга элтиб қўйишди. Маълум тайёргарликдан сўнг керакли воситалар билан таъминланишди. Сўнгра Ҳушёр қишлоғидан афғон мужоҳидлари кийимида кузатиб қўйилишди.

Уларга тўртта эшак, керакли қуроллар ва икки ҳафтага етарли озуқа, иссиқ кийимлар ҳам берилди.

Йигитларнинг вазифаси Зардолуга етмасдан қоятошлар орасида пистирмада ётиш, мужоҳид асирлар ўтаётганида эса, қирғиз лашкарларининг командири Серсенбай ёрдамида уларнинг орасига қўшилиб олишлари керак бўлиб, бу ҳақида Серсенбай огоҳлантирилган эди. Лекин у панд берди. Режа бошқача тус олди. Раҳматилла ҳамма ишни барбод қилди...

Х боб. МУҲАММАД ОВЧИ

Сапарқулнинг топилгани бир жиҳатдан Гулбибилар учун шодлик келтирган бўлса, иккинчи томондан уларга бир олам ташвиш ҳам олиб келди. Сапарқул асирлик азоби туфайли озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб қолган ва аллақандай касалликларга ҳам чалинган эди. Хуллас, доктор уни узоқ яшай олмайди, деб айтди. Бу Гулбибида мужоҳидларга нисбатан қасос алангасини ёқди. "Наҳотки шундай барваста-бақувват отамни ўлимга маҳкум этишган бўлса?!..".

Гулбиби Нормурод билан хайрлашаркан, негадир энди ўзининг ҳам жанговар ҳаракатнинг бир қисмига айланиб қолганлигини, ватанини газандалар оёғидан ҳимоя қилиши кераклигини бутун вужуди билан ҳис қилди. Айниқса, у

Нормуроддан айрилгиси келмас, яхши ва ёмон кунларида доимо у билан бирга бўлишни жуда-жуда истар, хулласи калом, бирга кетгиси бор эди.

"Бунинг нимаси ёмон, бирга бўлишса яна ҳам яхшироқ хизмат қилишади, оғирликни, заҳматни бирга тортишади. Ҳам сеvimли ёр, ҳам жанговар ҳамкор. Қандай яхши" – дея хаёлга берилган эди Гулбиби. Лекин бу фикрни Нормуродга айта олмади. Яхши таклифи айтилмай дилда қолиб кетди. Йўқ, у айтди, албатта. Лекин кеч бўлганди. Қизнинг кичқириғини Нормурод "Мени ҳам олиб кетинг! Бирга бўлайлик!" – деб эмас, балки "Яхши боринг, ўзингизни эҳтиёт қилинг!" деб тушунди ва чиройли қилиб қўл силтаб қўя қолди. Машина тез юриб кетди. Фақат шундагина қиз ўзининг ёлғиз қолганини, энди Нормуродсиз яшай олмаслигини, уни чиндан ҳам севиб қолганини ҳис қилди. Қани энди шу онда қанот чиқара олсайди, ортидан парвоз қилмоққа тайёр эди.

Бу истак отасининг аҳволини кўрганидан сўнг янада жунбишга келди. Ўзини кўярга жой тополмай қолди. Тунда ухлай олмади ва қисқа-қисқа йўталиб ётган отасининг ёнига қатик олиб кирди.

- Ота, манавини ичиб олинг.
- Раҳмат, қизим, умрингдан барака топ. Нурмат тоғанг ухладими?
- Ҳа, ухладилар.
- Сен эртага у билан кета қол. Ҳар ҳолда у томонлар тинч.
- Сиз-чи? Сизга ким қарайди?
- Онанг қарайверади, она қизим. Биздан хавотир бўлма. Ким билади, яна анави душманлар қайтиб келиб қолишса, аҳволимиз не кечади?
- Улар энди қайтиб келишмайди.
- Сен қаёқдан билардинг? Уларнинг йўлини тўсиб бўлармиди? Чегара катта, ҳукуматимиз бўлса, жуда ночор... – деди у яна ўқтин-ўқтин йўталиб.
- Тўсиб бўлади. Нормурод акам шу иш билан кетди, – деди қиз ўйчан.
- Нима, қайси Нормурод?
- Нурмат тоғани ўғли-да! Ахир сизларни ўшалар кутқазди-ку!
- Йўғе!!!
- Ҳа, мен ҳам ёрдам бердим.
- Қандай қилиб?
- Ўзбекистонлик махсус отрядни лагерга мен бошлаб бордим.
- Қаердан?
- Ғор йўлидан. Ўликларни ташлайдиган жар ичидан чиқдик.
- Ростданми?
- Ҳа, рост.
- Унда Нормурод қаердан келиб қолди?
- Ўша отряд билан. Улар тўрт кун бизникида отхонада яшашди. Қонибек билан музокара олиб боришди.
- Э-хе, бу ишлар ўз-ўзидан бўлмабди-да-а! Қойил! Лекин Нормуродни мен учратмадим-ку! У бу ерга қандай қилиб келиб қолди? Қизиқ!
- Бунинг тарихини ошнангиздан сўрайсиз.
- Ахир уни ўқишга кузатишга ўзим борувдим-ку! У хорижга кетувди, шекилли...
- Ҳа, тўғри. У афғонча кийимда, мужоҳидлар билан бирга эди.
- Ҳеч нарсага тушунмадим.
- Хуллас. У махсус хизмат одами, разведкачи, тушундингизми, энди?

– Йўғе, оббо азаматей. Шунака де! – деди Сапаркул қизининг айтганларига чиндан қойил қолиб, – Зўр йигит эканку унда.

– Ҳа, мен ўша зўр йигитни яхши кўраман-да, – деди қиз томдан тараша тушгандек.

– Нима дединг? Рости биланми? – деди ота ва ўрнидан туриб ўтириб олди. У қизининг бундай масаланинг тез кўндаланг қилиб қўйганига ҳайрон эди.

– У-чи? У ҳам сени яхши кўрадим?

– Билмасам, – дея ерга қаради қиз. – Бизлар кўпдан бир-биримизга хат ёзишиб турамиз. Қоратошга номимизниям ўйиб ёзиб қўйганмиз...

– Э, шундоқ дегин? Яхши, ундай бўлса ошнам билан қуда бўларканмиз-да! У нима деркин-а?

Қиз жавоб бермади.

– Баракалла, – деди ота қизининг сочларини силаб, – Ўзингга яхши қаллик танлабсан. Шахзоданг мард йигит.

– Мен ўша мард йигит билан бирга хизмат қилмоқчиман. Агар рухсат берсангиз, албатта.

– Тушунмадим. Қанақа хизмат?

– Ўзбекистон билан қирғизистонликларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун...

– Бу оғир иш. Сенга тўғри келмайди, қизим. Ўғил бола бўлганингда...

– Лекин нима биландир ёрдамим тегишига ишонаман. Мана сизларни кутқаришда йўлбошловчилик қилдим-ку! Менинг айбим қиз болалигимми? Милтиқ отишни, каратэни, чавандозликни яхши биламан.

– Оббо, азаматей! Буни қара-я! – деди Сапаркул хурсанд бўлиб, лекин шу пайт уни узоқ йўтал тутди. – Нормуродни қаердан топасан?

– Улар Зардолуга кетишди. У ердан Жирғатолга ўтиб кетишармиш.

– Кейин-чи?

– Кейин Афғонистон чегарасигача боришса керак-да.

– Қўй, қизим. Қўлга тушиб қолсанг мужоҳидлар сени бурдалаб ташлашади. Улар қонхўр, нашаванд. Одамийлик қиёфасини йўқотишган. Улар аёлларни ҳам аяб ўтиришмайди.

– Мен уларнинг орасига кирмайман.

– Унда нима қиласан?

– Орқаларидан изма-из кетавераман. Акамнинг дурбинини, сизнинг милтиғингизни олволаман-да.

Сапаркул кулиб юборди ва уни яна йўтал тутди.

– Оббо қизим-ей, худди кинолардагидек гапирасан-а. Бундан Нормуродга нима фойда?

Қиз ерга қараб кўзларига ёш олди ва пиқ-пиқ қилиб йиғлай бошлади:

– Агар у яраланса, ким қарайди?... Уст-бошини ким ювиб беради?...

Шу маҳал Кунсулув кириб келди.

– Ҳа, ота-бола жуда соғинишиб қолдингизларми дейман-а?

– Йўқ хотин, қизинг жўнаб кетяпти, – деди Сапаркул жиддий ва қисқа қилиб.

– Қаёққа?

– Давлат хизматига.

– Нима? Тушунмадим!

– Нимасини тушунмайсан? Ҳукуматга хизмат қилармиш-да.

– Ҳа, буни сиздан кўра яхши биламан. Ҳали прокурор Жонибекнинг одами келиб раҳмат айтиб кетди. Қизимизга мукофот ҳам беришармиш.

– Эҳ-ҳе, шунақами? Жапиевларнинг назари тушибдими, демак, сен ҳам яхши разведкачи бўп қопсан-ку-а!

– Вой, бу нима деганингиз? – сўради Кунсулов.

– Ҳа, қизинг куёви билан бирга хизмат қилармиш.

– Куёви!... Қанақа куёв?!

– Бегонамас, ўзимизни Нормурод-да! – деди Сапаркул бепарво, гўё бу гапдан беш йил илгари хабари бордек.

– Ануви ошнангизни ўғлими?

– Ҳа, қудангни яхшилаб меҳмон қил, хўпми.

– Қанақа қуда? Совчи қўймадику, ё опқочиб кетишадими?!

– Уларда опқочиб кетишмайди, қизинг ўзи куёвнинг орқасидан боради, билдингми? Уларда удум шунақа, – деди Сапаркул ўзидан ҳазил қилиб қўшиб қўйди.

Гулбиби отасининг жон куйдираётганидан шодланиб кетди ва уни суюб ўпиб олди.

– Раҳмат, отажон!

– Вой, сиз ҳали ҳазиллашмаётганмидингиз?

– Ҳазилга бало борми? – деди Сапаркул ғудраниб.

* * *

Эртаси саҳарда Гулбибини узоқ сафарга жўнатиб қолишди.

– Тезроқ қайтинглар, қизим, тўйларингни кўриб қолайин, – деди Сапаркул кўзларига ёш олиб.

– Ўзларингни эҳтиёт қилинглар. Узоқ қолиб кетманглар, – деди Нурмат ака ҳам ҳайрат билан жовдираб.

– Бахтиёр ака орқали хабар бериб турамиз, телефонини биласиз-ку!

– Ҳа-ҳа, лекин хабар бериб турмасанглар, ўзим қидириб бораман-а, – деди Нурмат муаллим кулиб.

– Йўқ, энди борманг, ўзимиз келамиз, – деди Гулбиби отга чакқонлик билан миниб олди.

– Ой бориб омон қайт! Сизларни худонинг ўзи асрасин, қизим! – деди Кунсулов ҳам кўзларига ёш олди.

– Хўп, яхши қолинглар! – деди Гулбиби отга қамчи босаркан.

Отга хуржун илинган, унда қуруқ озуқа, иссиқ кийимлар бор эди. Спорт палаткаси ва одеал ўралиб, от ортига боғланган. Ўзи эса эркакча пўстин ва қирғиз қалпоқ кийиб олди. Елкасида бешотар милтиқ, белида эса овчиларнинг ўқдони тақилган эди.

Отхонада диққинафас бўлиб тоғ-тошларни соғинган от бир кишнаб олди-да, зира хидлари уфуриб турган Қорабулоқ тоғлари томон енгил елиб кетди. Икки чақиримча юрилгач, қорли тоғ бошланди. Бу айни муддао бўлди. Чунки унда бир тўда асирларнинг излари бўлиши керак. Қиз изларни топишга қийналмади ва излар узра кетаверди. Чошгоҳга яқин мужоҳидлар тўхтаб ўтган эгасиз бир қўй қўтонига дуч келди. Қўтон ўртасига гулхан ёкилибди. Қўтон атрофида эса, от излари. Бу қўриқчиларники бўлса керак. Лекин қўтондан четлашиб кетган бир пиёданнинг изи Гулбибини эътиборини тортди. "Қизик, бу кимнинг изи бўлди? Бирови қочиб

қолган кўринади" деган фикрга борди у ва из устидан бир оз юрди. Ерга судралганлиги яққол кўриниб турган жойлар ҳам бор эди. Бу, аниқ кимдир қочган..."

Гулбиби яна кўтонга қайтди ва изларни яна бир бор синчиклаб ўргана бошлади. Қиз "Яна бирови қочмадимикан?" деган ўйда борарди. У теварак-атрофга назар солди. Баланд чўққи яқин қолган улкан сой бўйидан чиқиб қолди. Соё ёқалаб кетилса халқаро метеорологик станция жойлашган Игла музлиги томон кетилар, жуда оғир ва хавфли йўллар орқали Жирғатолга чиқиш мумкин эди. Игла сойига қурилган омонат ёғоч кўприкдан ўтилганида эса, Зардолу томон кетиларди.

* * *

Халқаро гидрометеорологик станциянинг мужоҳидлар томонидан пачоқланиб ташланганидан сўнг унинг фаолияти тўхтаган ва тоғлардаги қутилаётган об-ҳаво, қор кўчкилари, сув тошқинлари каби табиий офатлар тўғрисида ҳеч қандай хабар берилмай қўйилгани оқибатида Помир – Олой ва Тяньшань тоғ тизмаларида жойлашган Марказий Осиё Ҳамдўстлик мамлакатларини кўплаб аҳолиси талафот кўра бошлаганди. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг энг сўлим гўшаларидан бири ҳисобланмиш Шохимардон ва мазкур Оксой йўналишидаги бир неча қирғиз қишлоқлари сув офатига дучор бўлиб, бир неча юзлаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келганини унутиб бўлармиди?

Ким билади, бу бир тасодифми ё табиатнинг мужоҳидларга нисбатан ғазабими, уларнинг оғизларидан кўпикларини сачратиб "Ё Аллоҳ!" – дея бақиришларини кўриб Яратгanning ўз "суюкли" бандаларига кўрсатган қароматими, ҳар ҳолда мужоҳид асирлар ва уларни кузатиб бораётган йигирма чоғли қирғиз лашкарлари ҳам табиий офатга дуч келишди. Баланд тоғли чўққидан тушиб келаётган улкан қор кўчкисига кўзи тушган асирлар ўтақалари ёрилиб турли томонга тум-тарақай қоча бошлашди. Уларнинг ортидан эса, аскарлар отаверишди. Кимлардир ер тишлади. Лекин кўчки тўлқини ким асиру ким аскарлигига қарамади, аяб ўтирмади...

Кейинчалик маълум бўлишича, ўшанда икки тараф одамлари кўчки остида қолиб ҳалок бўлди. Омон қолган мужоҳидлар кўпчилик бўлгани учун ҳалок бўлган аскарларнинг қуроолларини топиб олишди ва қолган аскарларни ҳам отиб ўлдиришиб, қуроолларга эга бўлишди. Озод бўлган йигирма чоғли мужоҳид Хўжа Аҳмадилло бошчилигида Зардолу томон йўл олишди. Йўлда дуч келган чўпон кўтонларига ҳужум қилиб талон-торож ва хунрезликлар қилиб кета бошлашди. Уларнинг салб юриши ҳақида Қирғизистон ҳукуматига хабар қиладиган бирорта ҳам тирик жон қолмаганди. Фақат Зардолу қишлоғига уюштирилган ҳужумдан сўнг Қирғизистон Мудофаа вазирлигининг чегара қўшинлари ёрдамида бу ердаги қунпаякунга барҳам берилди. Мужоҳидларнинг ўлгани ўлди, қолгани қочди...

* * *

Узоқ йўл чарчоғидан Гулбиби мудрай бошлаган, ақлли тулпор эса, юзлаб излар бўйлаб ўзи кетиб борарди. Бир пайт узоқдан қандайдир гумбурлаган қаттиқ шовқин кела бошлади. Милтиқларнинг отилгани ва кимларнингдир бақиргани ҳам эшитилди. От кишнаб юборди-да, жойида тўхтаб қолди. Яна одамларнинг бақириғи эшитилди. Нимадир жуда қаттиқ гумбурлади, ер титраб ларзага келди.

Бир неча қоятошлар кўчиб туша бошлади. Гулбиби ҳадеб депсинаётган отнинг жиловини хавфсизроқ жойга бурди. Бир оз ўтгач яна жимлик ҳукм сурди. "Қизик, нима бўлди экан, тинчликмикан? Зилзила шекилли..." – деган гап ўтди қизнинг хаёлидан ва атрофни хушёрлик билан кузатиб, йўлида давом этди. Аммо бир оз юргач осмонўпар тўсиққа дуч келди. Юзлаб янги излар ана шу баландликнинг усти кўринмаётган қорли тўсиқ ичига сирли равишда кириб ғойиб бўлганди. От пишқириб кишнаб юборди. Шу маҳал кимнингдир бўғиқ қичқирик товуши эшитилгандай туюлди. Гулбиби отдан тушиб яхшилаб қулоқ солди. Кимдир "Жардам берингде!" дегандек бўларди. Овоз қор ичидан келмоқда эди. қиз жон ҳалпида "Мана ҳозир. Бир зум чиданг!" – дея бақириб қорни қўли билан титкилай кетди.

– Қаердасиз, байке?!..., – дея яна қичқирди.

– Бу ерда! Ҳозир ўлиб қоламан, қутқаринглар! – деган яна бўғиқ овоз келди.

Қиз устидаги чопон-пўстинларини ечиб ташлади. Қор каттиқ ва ёпишқоқ эди. Шу туфайли уни гуваладай-гуваладай юмалоқлаб атрофга отиб йўл оча бошлади.

– Мана ҳозир йўл очаяпман! – дея қичқирди қиз.

Беш метрлар чамаси кавлаб борилгач бир этик чиқиб қолди. Қиз уни бор кучи билан ўзига тортди. У ердан оғзи-бурни қорга тўлган бир қирғиз лашкар йигит чиқиб келди. У қип-қизариб кетган, зўрға нафас оларди. Қиз унинг юзларига шапиллатиб урди. У ўзига келди.

– Раҳмат, синглим..., – деди у ҳансираб. – Сен бўлмаганингда ўлиб қолардим.

– Ўзи нима бўлди?

– Кўчкида қолдик.

– Қолганлар қани?

– Ҳамма шунинг ичида қолди, шекилли.

– Уларни қутқариш керак.

– Ҳой, ким бор! – дея қичқирди лашкар ўтирган ҳолатида. – Овоз беринглар, тирик жон борми?

– Ким бор, сизларни қутқарамиз! – дея қичқиди қиз ҳам.

– Фойдаси йўқ шекилли. Бульдозерсиз ҳеч нима қилиб бўлмайд.

– Ахир улар ўлиб кетишади-ку! – деди Гулбиби нима қиларини билмай изтироб билан у ёқ-бу ёқ чопа бошлади.

Улар шу зайл анча вақтгача қичқириб ўзларининг ёрдам беришга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади.

– Ноилож, – деди ниҳоят лашкар йигит. – Ҳеч нима қўлимиздан келмайди. У ёғи худога аён.

– Қутқарувчиларни чақириб керак.

– Қаердан? Ким ҳам келарди? – деди лашкар афсус чекиб.

– Кўпчиликмиди?

– Юздан зиёд мужоҳид аскарлар. Кейин менинг одамларим. Улар 18 киши. Биз уларни чегарагача кузатиб кетаётгандик.

– Кейин қўйиб юбормоқчи эдинглар, тўғрими?

– Ҳа, лекин сен буни қаёқдан биласан?

– Менга ҳам сизларни ортингиздан бориш топширилганди.

– Сенга?! Қиз болага-я?

– Ҳа.

– Ким топширганди?

- Қонибек байке.
- Исминг нима?
- Гулбиби, Сапарқул оғанинг қизиман.
- Мен Серсенбай, қўриқчилар сардориман.
- Яхши сардор эмас экансиз!
- Нега энди?
- Бировини қочириб юборибсиз-ку.
- Серсенбайнинг ранги "қувв" учди.
- Билибсан-да. Ҳақиқий изқувар экансан.
- У ким эди?
- Хўжа Аҳмадиллонинг ёрдамчиси, исми Раҳматилла дегани бўлса керак.
- Нега орқасидан отмадингиз?
- Серсенбай чуқур хўрсиниб қўйди, бўзариб ерга қаради.
- Мендан ўтди. Бўшлиқ қилдим. У мени ғиппа бўғиб томоғимга пичоқ тиради.
- Сўнгра курулларимни олиб қочиб қолди.
- Ҳеч ким сезмадими?
- Йўқ.
- Қандай қилиб?
- Серсенбай қорни бир тепди.
- Кулмасанг, сенга тўғрисини айтаман.
- Айтаверинг.
- Бир четга ҳожат қилгани боргандим... Орқамдан келиб ғиппа бўғди...
- Жонимни аранг сақлаб қолдим.
- Энди нима қиламиз?
- Қайтиб кетамиз, нима ҳам қила олардик!
- Мен қандай бўлмасин Зардолуга боришим керак, – деди қиз чакмон ва қалпоғини кияркан.
- У ёқда нима қиласан?
- Муҳим ишим бор.
- Тавба, Қонибекка ҳайронман, бирор эркак қуриб кетганмиди?...
- Мана, сиз эркаксиз-ку.
- Серсенбай яна бир хўрсиниб қўйди. Унинг дилини нимадир қийнар, қизга ниманидир айтмоқчи бўлардию "Демак қизни ортимиздан қўйган экан-да. Бир жиҳатдан бу ҳам тўғридир. Ҳарҳолда мени ўлимдан қутқариб қолди-ку! Қонибекнинг отасига раҳмат! Лекин ануви қочиб кетган Раҳматиллага Зардолуга етмасдан тўдага қўшиладиган икки асир ҳақида бекор айтдим-да. Бу гап жуда муҳим бўлса керак-ки, мени бўғизламай қўйиб юборди", – деган гаплар ўтарди унинг хаёлидан... Гулбиби ўшаларнинг олдида кетмаётганмикан?
- Хўш, Зардолуга бирга жўнаймизми? – деб қолди тўсатдан Гулбиби.
- Ахир, мана бу бўлган ҳодисани Қонибекка етказиш керак-ку!
- Ҳа, лекин уларнинг омон қолгани ҳам бўлиши мумкин.
- Бу ёғи чегара яқин, омон қолгани ўзи кетаверади.
- Наҳотки сиз шунчалар калтафаҳмсиз. Уларнинг ҳар бири ватанимиз учун хавфли-ку.
- Хавфли бўлса нега қуйиб юборишяпти? Уларни қаматиб юбориш мумкин эди-ку?

– Мужоҳидларнинг Афғонистондан ўтиб келадиган сўқмоқларини аниқлаб, уни тўсиш учун.

– Эҳ-ҳе. Шунга шунча асирни қўйиб юбориш шарт эканми?

– Ҳа, буни ҳарбий тактика дейишади.

Улар ортга томон узоқ жим кетишди. Серсенбай чуқур хаёлга ботган, уни нимадир безовта қилаётган эди.

– Синглим, – деди у ниҳоят ёрилиб.

– Ҳа, байке. Отга сиз ҳам миниб олинг, чарчадингиз.

– Эссиз, менинг отим ҳам жуда яхши эди, қор тагида қолиб кетди. Лекин гап отда эмас, балки ануви қочиб кетган итда.

– Қайси ит?

– Мужоҳид Раҳматиллани айтяпман. У менинг қуролимни ҳам олиб кетган.

– Ҳа, бу хавфли.

– Ундан эҳтиёт бўлиш керак. Кейин ҳалиги, йўлда қўшиладиган одамларни хабардор қилиб қўйиш керакмидан?

– Қанақа одам? Кимларни айтяпсиз?

Қиз хаёлида бир нохушликни сездими, отнинг жоловини тортиб ҳамроҳига терс юзланди.

– Мундоқ тушунтириброк гапиринг, байке!

– Хабаринг борми, йўқми бизга йўлда икки асир мужоҳид қўшилмоқчи эди. Буни менга Қонибек топширганди. Бу эҳтимол муҳимдир. Тилим курсин, мен улар тўғрисида Раҳматиллага билмай айтиб қўйибман.

– Нима?! – деб юборди қиз жаҳл билан, – Вой нима қилиб қўйдингиз, одам бўлмай кетинг! Аҳмоқ экансиз! – деди Гулбиби ҳайқариб.

– Жон синглим, буни Қонибекка айтмагин...

– Ҳамма ишни расво қилибсиз-ку! Улар қаерда қўшилишмоқчи эди?

– Сўх дарёси бўйидаги йўлда, Зардолуга етмасдан, Қизилтош қоясида.

– У ерга қандай борсам бўлади?

– Ноилоҳ. Ҳалиги нимаиди, у одамлар керакли одамларми ўзи?

– Ҳа, бири эрим, иккинчиси акам бўлади!

Серсенбай шошиб қолди. Бир оз анграйиб турди-да, ҳовлиқиб деди:

– Нима?!... Ундай бўлса шошил, синглим. Раҳматилланинг вазоҳати ёмон "Сотқин, сотқин" дегандай бўлди.

– Сиз-чи?

– Мен Боткенга етиб оламан. Қонибекка аҳволни тушунтираман. Мени кутқариб қолганингни ҳам айтаман.

– Бўпти, яхши қолинг.

– Ўзингни эҳтиёт қил, милтиғингни ўқлаб ол!

Қиз уловига қамчи босди. Сарсенбай оппоқ қорлар орасида унинг ортидан "хайр" дегандек қўл кўтариб қолаверди.

* * *

Нормурод билан Иброҳим – "Карим" Қизилтошга келиб икки кечаю кундуз қолиб кетишди. Тундаги изғирин совуқда, айниқса, қаттиқ азоб чекишди. Форга ўхшаш бир тош орасига кичик палатка тикиб ўт ёқиб навбатма-навбат Боткен томондан келадиган сўқмоққа тикилавериб кўзлари толди. Фақат эшак минган уч-

тўрт йўловчидан бошқа ҳеч ким ўтмади. Бир оз тамадди қилиб олишгач, Иброҳим мизғий бошлади.

– Нор, сен ҳам ухлайвер, улар энди келишмайди.

– Нега энди?

– Улар ҳам қердадир тунашади-да.

– Йўқ, бир гап бўлганга ўхшайди, узоқ қолиб кетишди. Саксон километр йўлни наҳотки икки кун босилса?!...

– Тоғ йўл билан асфальт йўлни фарқи бор-да. Ўртада доволар бўлиши мумкин.

– Ҳа, тўғри айтасан. Лекин тунда юришлари ҳам мумкин. Шунинг учун навбатчилик қиламиз. Сен дамингни олавер.

– Эҳ, қани энди ҳозир ўз уйинг, иссиққина сандал бўлсайди...

Шу зайл улар минг азоб билан тонгни қарши олишди. Кун қизариб қуёш нурлари тароват қила бошлаганида Нормурод ғижимланиб қотиб ётган Иброҳимни туртди:

– Тур, мен ҳам бир оз мизғиб олай.

Шу пайт қандайдир тош юмалагандек туюлди.

– Нима экан?

– Ҳушёр ҳайвонлар уйғонишди, шекилли.

– Ов қилсаммикан-а?

– Нима қилсанг, қилавер. Фақат анувиларни ўтказиб юборма! – деди Нормурод чуқур эснаб рюкзакнинг устига бошини қўяркан.

– Бугун ҳам келишмаса нима қиламиз?

– Марказга хабар берамиз. Сўнгра Сўхга қайтиб кетамиз.

– Ҳа майли, яхши дам ол, – деди Иброҳим ва тошлар орасини айланиб кетди.

Иброҳим бир оз нари кетиб қордан каклик, қуён ва шу кабилар қолдирган изларни қидира бошлади. Янги излар керак эди. Ниҳоят улар топилди. Лекин бу одам излари эди. "Қизик, тунда мен бу ёқларга келмаган эдим-ку... Нормурод шу ёқларга ҳам келибди, шекилли-да" – дея хаёлан фикрлади у. Шу пайт орқа томондан шарпа сезилди. Бир тош думалади. Нарироқда қушлар безовталаниб, қанот қоқишди. "Бу нима бўлди? Ёввойи эчкимикан? Кийик бўлса-я" – дея хаёлидан ўтди ва беихтиёр қўйнидан тўппончасини чиқарган ҳам эдики, қаршисидан милтиқ овози варанглаб чиқди. Иброҳим елкасида иссиқни туйди. Қўлидаги тўппончаси қорга тушди. Қўлидан кип-қизил қон оқа бошлади. Тошлар орасидан стволи чиқиб турган милтиқ яна варанглади. Иброҳим ерга қулади...

Эндигина кўзи илинган Нормурод милтиқ овозидан уйғониб кетди. "Қизик Иброҳимнинг милтиғи йўқ эди-ку!" – деган фикр яшиндек ўтди ва тўппончасини олиб палаткадан чопиб чиқди. Теварак-атрофни аланглади. Қизғиш қуёш бош кўтариб совуқ қортепаликлар узра ўзининг ўткир тигини сочмоқда эди. У нима қиларини билмай атрофга аланглади. У ёқ бу ёққа чопди, тошлар орасини қараб чиқа бошлади.

– Иброҳим, қаердасан?! – дея қичқирди у ниҳоят сабри чидамай.

– Қуролингни ташла! – деди ортидан кимдир.

Уни овозидан таниди. Бу ўша амирликни орзу қилган ҳамқишлоғи Раҳматилла эди.

– Ташла деяпман, ит эмган! Миянгдан итдек отиб ташлайман!

Нормурод иложсиз тўппончасини ерга ташлади ва ортига қаради. Бир қояга суяниб олган ҳолда унга милтиқни ўқталиб важоҳат билан Раҳматилла турарди.

– Иброҳим деб кимни чақирдинг, ифлос?!

– Шеригимни.

– Каримними?

– ...

– Паразит, ҳайвон!... Мен сени ҳамқишлоғим, отамнинг дўстининг ўғли деб шу пайтгача "паддержка" қилиб келсаму, сен-аблаҳ бўлса, менинг юзимга оёқ босиб, сотқинлик қилиб келдинг.

– Сотқинлик қилмадим.

Раҳматилла милтиқ стволини янада тўғрилаб, унинг тепкисини босишга шайланди.

– Отманг. Ахир юртдошмиз-ку!

– Ўргилдим сендақа юртдошдан. Сен менинг ҳамма режаларимни барбод қилдинг, яхшилиқни билмайдиган ҳайвон экансан! Сени ўзимга ёрдамчи қилиб олмоқчи эдим. Халифаликда бурнингача тиқилиб бой-бадавлат яшаган бўлардинг. Энди ануви агент шеригингга ўхшаб итдай ўласан, – дели Иброҳимни кўрсатиб.

– Нима қилиб қўйдингиз, Раҳматилла ака?!

– Сотқиннинг холи шундай бўлади. Сендақаларни ўлдириш катта савоб. Аллоҳга хуш келади. Ё Аллоҳ!!...

Раҳматилла Нормуроднинг пешонасини нишонга олди. Нормурод кўзларини юмди. Унинг кўзи олдига сония-лаҳзалар ичида онаси, отаси, укалари ва Гулбиби келди. "Алвидо сизларга! Эссиз, яхши яшамоқчи эдим", – деди у хаёлан.

Милтиқ варанглади ва тоғ-тошларда акс-садо берди. "Ўлдим, – деди Нормурод, – Қизик, ўқ қаеримга тегди экан? Пешонамгами ёки юрагимгами? Қон кетаётгандир... Охирги марта ҳаётни кўриб қолай", – деди у ва кўзларини очиб юборди. Лекин ҳеч нарсага тушунмади, оёғининг остида Раҳматилла қонга беланиб ер тишлаб ётар, сал нарироқда эса, титраб-қақшаб милтиқ кўтариб олган Гулбиби турарди...

Нормуроднинг оғзи очилиб қолди. Нима деярини билмай тили каловланди. Қизнинг ҳам қўллари қалтираб қўлидан милтиқ тушди-да, ўзи беҳуш бўлиб йиқилди. Нормурод шундагина бу кўраётгани туш эмаслигини ҳис қилди ва севгилисининг олдига чопиб келиб унинг ҳамон титраётган қўлларини ушлади, бошини кўтариб "Гулбиби, сенга нима бўлди?" – дея сўроқлай бошлади. Ниҳоят киз кўзини очди ва "Нормурод ака!" – дея ўзини йигитнинг бағрига ташлади.

– Қўрқмадингми, Гулбиби?

– Сизни ўлдириб қўяди, деб қўрқдим.

– Бу ерга қаердан келиб қолдинг?

– Раҳматилланинг изидан келавердим. Унинг сизни ўлдирмоқчи эканини эшитдим.

– Кимдан?

– Серсенбайдан.

– У ахир...

– Раҳматилла уни қўрқитиб қочган экан.

– Улар қаерда?

– Кўчкининг тагида қолишибди. Мен Серсенбайни қор тагидан қутқариб олдим. Сўнгра у сизларнинг ҳаётингиз хавф остида эканини айтди, – деди қиз шоша-пиша.

– Майли, кейин айтиб берасан, Иброҳимга ёрдам берайлик.

Улар ярадор йигитни пастликдан олиб чиқишди. Иброҳим чап елкаси ва ўнг билагидан ўқ еган, кўп қон йўқотганди. Тезлик билан унга тиббий ёрдам кўрсата бошлашди.

– Лекин милтиқни зўр отаркансан. Бир ўқ билан ер тишлатдинг-а!

– Йўқ мен отмадим, – деди қиз таажжуб билан.

– Унда ким отди?

– Мен отдим! – деган гуруллаган овоз келди тошлар ортидан.

Йигит ва қиз атрофга ҳайрат билан аланглашди. Шу пайт улкан қиррали тош олдида бўйи баланд, елкадор, бошида қундуз қалпоқ эғнида тери пўстин кийиб олган, қўлида милтиқ билан бир киши пайдо бўлди.

– Ануви қиз бўлмаганида сениям ер тишлатардим, – деди у Нормуродга милтиқни ўқталиб.

– Нега энди? – дея шошиб сўради қиз йигитни жуссаси билан тўсаркан.

– Мужоҳидларни кўрарга кўзим йўқ. Улардан қасос олмоқчиман.

– Бу йигит мужоҳид эмас, – деди Гулбиби шоша-пиша.

– Унда ким?

– Ҳ-ҳалиги разведкачи, ўзбекистонлик.

– Ҳой, нималар деяпсан? – деди Нормурод норози оҳангда.

– Унда нега мужоҳидга ўхшаб кийиниб олган? – деб сўради ҳалиги нотаниш киши кўзларини чақчайтириб.

– Хизматимиз шунақа, – деди Нормурод тақдирга тан бериб.

– Ануви йигитлар ким? – деди у Иброҳим ва Раҳматиллани кўрсатиб.

– Менинг шеригим. Сиз отган бўлса ҳақиқатан ҳам душман эди.

– Эҳ, худога шукур, янглишмабман. Лекин сени "Сотқин" деганини ўз қулоғим билан эшитдим-ку.

– Ҳа. Биз ҳамқишлоқмиз. У ваҳҳобийларга ихтиёрий қўшилиб кетган. Мужоҳидлар уни бизга қарши қайрашди.

– Шунақами? Аслида унинг ўзи сотқин экан-да! – деди ҳалиги киши милтиғини беихтиёр қояга суяб қўяркан.

Шу маҳал Иброҳим ўзига келиб ингради.

– Уни ким отди?

– Ана шу сотқин-да.

– Ҳа. Агар уни отиб ташламаганимда сен ҳам асфаласофилинга кетган бўлардинг. Манави қиз бўлса отмасдан лаллайиб тураверарди.

– Милтиғим отилмади-да. Қўлимнинг кучи етмади!...

– Қани, милтиғингни менга бер-чи!

Қиз қорга беланиб ётган милтиқни олиб узатди. Нотаниш киши уни у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди.

– Бунинг ўзи ҳеч отилганми?

– Ҳа, илгари отам ов қиларди.

– Занглаб тамом бўпти-ку! Қурол деганни яхшилаб тозалаб, мойлаб туриш керак-да. Бўпти, уни ўзим созлаб бераман.

– Раҳмат сизга, байке!

– Раҳмат, ака, – деб қўйди Нормурод ҳам.

– Исмин Раҳмат ака эмас, Муҳаммад. Мени Муҳаммад овчи ҳам дейишади. – Қани, ярадорни олингла-чи, мен анави йигитни тошлар билан кўмиб қўяман. Пастда отим турибди, сенинг отинг билан танишяпти – деди Гулбибига қараб кулди-да, сўнг Нормуроднинг елкасига қоқиб қўйди. – Лекин зўр қаллигинг бор эканда... Менинг ҳам аёлим, шу тенги қизим бор эди. Уларни мужоҳидлар ўлдириб кетишди. Шунинг учун қолган умримни уларни йўқ қилишга бағишлаганман. Қасос олиш учун дунёнинг у чеккасига боришга тайёрман.

– Унда бирга борамиз, – деди Нормурод дабдурустан.

– Лекин мана бу жулдир-жавоғингни йиғиштир, – деди Муҳаммад овчи Нормуроднинг камзулидан пастга осилиб турган узун афғонча кўйлагини этакини ва бошидаги қалпоғини кўрсатиб. – Буларни кўрганлар сени соғ қўйишмайди. Ҳамма аламзада...

Нормурод узун кўйлакнинг этакини шимининг ичига тикди. Бошидаги тегарак қалпоқни бўлса, пастлик томон қаҳр билан итқитиб юборди.

– Ана энди одамбашара бўлдинг, ўғлим. Шеригингни ҳам шундоқ қил.

Хуллас овчи уларни самимий қабул қилди. Раҳматилланинг жасадини тошлар билан кўмишгач, ҳаммалари Зардолу томон равона бўлишди.

– Ярадор йигитни дўхтирга кўрсатамиз, – деди овчи.

– Ҳа, лекин яраси оғир бўлса-чи?

– Ярам унчалик оғир эмас, – деди Иброҳим аранг. Унинг иситмаси кўтарилиб бораётгани юз-кўзларида акс этиб турарди.

– Тузалгунча меникида яшаб тураверасизлар. Энди мен ҳам сизларга шерикман, Эркакча гап, то душманларни йўқ қилмагунча ўзимга келолмайман, хотиним билан қизимнинг руҳи мени тинч қўйишмаяпти. Сизларни менга худонинг ўзи юборди, шекилли.

– Йўқ, аксинча, сизни бизга юборгани тўғрироқ бўлса керак. Гулбибининг кўз ўнгидан ўлиб кетган бўлардим, – деди Нормурод чин дилдан тан олиб.

Улар шу зайл қизғин суҳбат куриб йўлда давом этишди. Фақат Қизилтош тепалигида бир қабр дўппайиб қолаверди. Нормурод охири бор йўлдан адашган ҳамқишлоғи Раҳматилланинг кафансиз кўмилган жасади қолган қоя томон сўнгги бор назар ташлаб, оғир хўрсиниб қўйди. У билан кўрган-кечирганларини кўз ўнгидан бир-бир ўтказа бошлади ва "Эссиз, умр..." деб қўйди.

* * *

Раҳматилла қишлоқда безориликда ном чиқарган болалардан эди. Мактабни битириб амакисининг ёрдамида институтга кириб олди, лекин кўп ўтмай ўқишини ташлади, чунки ақидапараст диний экстремистик оқимлар таъсирига кириб қолди. Уйдан қочди. Мужоҳидлар ҳарбий лашкарлари сафига қўшилди. Амирлик орзуси эди... Хуллас ёш жонига жабр қилди. Қишлоқда муштипар онаси қолган. Отаси бўлса ўз жонига қасд қилиб бу дунёни тарк этиб кетди. Бутун бир оила бош ўғил дастидан хонавайрон бўлди. "Мана энди у ҳам йўқ", – дея Нормурод хаёлан ачиниб қўйди.

– Иброҳим байкени тезроқ дўхтирга олиб бориш керак. Ҳали узоқми? – Сўради Гулбиби овчидан.

– Ҳа, анчагина бор. Бўлмаса бундоқ қиламиз. Шу яқин орада бир қирғиз ошнамининг қўтони бор. Ўша ерга бориб турасизлар, мен бориб докторни олиб келаман.

Таклиф маъқул бўлди. Қўтон пастликда – бир дара ичида экан. Олдида бир булоқдан чиқаётган сув жилға бўлиб оқиб қор ичига сингиб кетмоқда эди. Қўтон эгасининг аёли билан Гулбиби елиб-югириб Иброҳимга жой қилиб ётқазди, булоқ сувидан оловда исита бошлади. Доктор келгунича унинг ярасини ювиб-тозалаб қўймоқчи бўлишди.

Бир соатлар ўтгач, Муҳаммад овчи қайтиб келди. Лекин у ёлғиз эди. Жаҳли чиққан, юзлари оқарган, нимадандир норози бўлиб ғудраниб сўкинмоқда эди.

– Қишлоқни мужоҳидлар босибди. Докторни ўлдиришибди. Аблах одамхўрлар! Уйларни талон-торож қилишибди.

– Улар кўпмикан? – деб сўради Нормурод ҳайрон.

– Йўқ, йигирма чоғли дейишди.

Нормурод Гулбибига қаради. Қиз уни тушунди.

– Биз кўчкининг у томонида эдик. Эҳтимол, бу томонидагилар омон қолиб қочиб қолишгандир.

– Янги келаётган жангарилар бўлишмасин?

– Унда ҳукуматга тезроқ хабар бериш керак. Бу жуда хавфли, – деди овчи.

– Ҳа, бир йўла докторни ҳам чақирамиз.

Нормурод рюкзагини олиб, унинг ичидан ҳар бир қисми целлофан пакетга ўраб жойланган алоқа воситаларини чиқарди. Бу сунъий йўлдош орқали фақат ғавқулдда ҳолатларда фойдаланиладиган радиотелефон эди.

Нормурод Марказга аввало жойдаги вазиятни маълум қилди. Шу тумандан асир мужоҳидларнинг кўчки остида қолгани, Зардолуда қандайдир номаълум жангарилар пайдо бўлиб, ҳужум қилишгани, "Карим"нинг оғир яралангани, доктор зарурлиги ва янги топшириқни кутаётгани ҳақида қисқа-қисқа баён қилди.

– Жойлашган жойингизни маълум қилинг.

– Зардолуга етмасдан беш чақиримча қолганида дарё бўйидаги дарада.

– Кутинглар. Олов ёқиб қўйинглар! – деган овоз келди ғўшакдан.

Зудлик билан ташқарига улкан гулхан ёқиш учун ҳозирлик кўрила бошланди. Икки соатлар ўтгач осмондан вертолёт овози келди. Гулхан ёқиб юборилди. Барчанинг қалбини шодлик эгаллади. Вертолёт қўнди. Бир неча автоматли аскарлар ҳаво машинасини кўриқлаш учун ўз позицияларини эгаллашди. Сўнгра доктор тезлик билан Иброҳимни кўришга тутинди. Майор Нормурод билан отхонага киришди.

– Мен миллий хавфсизликдан майор Холтоев бўламан. Бахтиёр Тўраевнинг топшириғи билан келдим. Зардолуга ҳужум қилган мужоҳидлар ҳақида Қирғизистон миллий хавфсизлик хизматига маълум қилдик. Улар ҳам чора кўришмоқда. Лекин бу мужоҳидлар қаердан пайдо бўлиб қолди экан, нима дейсизлар?

– Улар кўчкидан омон қолган асирлар бўлиши мумкин.

– Бирор яширин омборлари бордир?

– Тўғри, лекин янгилар бўлса-чи, бизга ҳужум қилишса-чи?

Нормурод бир оз ўйланиб қолди.

– Бўлиши мумкин.

– Жирғатолдаги лагер Россия ҳарбийлари томонидан йўқ қилинди. Бизга маълум бўлишича Дашти Калайхум томондан Афғонистонга яқин коридор бор экан. Россия чегарачилари у ерни тўлиқ назоратга олиш имкониятига эга эмас экан.

– Бизга қандай топшириқ бор?

– Иброҳимнинг аҳволини билайлик-чи!

– Менинг яхши шерикларим бор.

– Кимлар экан улар?

– Бирови Муҳаммад ака, шу ерлик бир тожик киши, ўзи овчи. У мужоҳидлардан аламзада. Мужоҳидлар унинг оиласини ўлдириб кетишган экан.

– Ишончлими?

– Ҳа. У мени ўлимдан қутқариб қолди. Раҳматиллани эса, отиб ўлдирди.

– Ҳалиги ваҳҳобий Раҳматилланими?

– Ҳа, уни Қизилтошга кўмдик.

– Маъкул. Ватан хоинига бу ҳам кам.

– Яна кимлар бор?

– Гулбиби, боткенлик қиз.

– Э-ҳа, анави зирафурушми?

– Ҳа.

– У бу ерга қаердан келиб қолди?

– Изимиздан. Раҳматилла бизнинг, у эса Раҳматилланинг изидан тушган экан.

– Э, қойил! Қани, юр, мени команданг билан таништир.

Улар ичкарига киришди. Майор Иброҳимдан ҳол-аҳвол сўради ва докторга юзланди.

– Аҳволи қалай?

– Яхши эмас, операция қилмаса бўлмайди.

Нормурод майорни Муҳаммад ва Гулбибилар билан таништирди.

– Жуда хурсандман, – деди зобит самимий. – Агар сизга ўхшаган ватан фидойилари бор экан душман ҳеч нарса қила олмайди. Нормурод айтди, мақсадимиз бир экан. Сизларга раҳмат.

– Сизга ҳам, – деди Муҳаммад дўриллаган овозда.

– Нима учун?

– Менга билдирган ишончингиз учун. Бизлар энди то абад шерикмиз.

– То абад деманг, душманни енггунча денг!

– Ҳа-ҳа, гапга йўқман-да, ака.

– Ҳечқиси йўқ. Гулбиби, сен қийналиб қолмайсанми?

– Йўқ.

– Ота-онанг биладими ё Нормурод олиб қочдимми?

– Билади. Ўзим келдим.

– Буларда одат шунақа экан, – деди Нормурод кулиб.

– Яхши одат экан. Қани энди бизни хотинлар ҳам қидириб келишсайди...

Улар кулиб олишди.

– Майли, яхши хизмат қилинглар. Замон тинчисин, тўйларингни қиламиз. Худо хоҳласа, пойтахтдан уй ҳам олиб берамиз. Чунки шунга лойиқсизлар. Лекин айтиб қўяй, – деди майор Нормуродга "Сени караб тур" – дегандек кўрсаткич бармоғини ўқталиб, – Тўйгача қизнинг қўлини ҳам ушламайсан. Сизга бўлса, овчи ака, уларни назорат қилишни шахсан топшириқ.

– Хўп бўлади, ўртоқ командир, – деди овчи честь бериб ва Нормуродни ушлаб Гулбибининг олдидан бир четга суриб қўйди.

Яна кулги кўтарилди.

– Бўлмаса келишдик. Биз энди қайтамыз. Иброҳимни госпиталга олиб кетамиз. То у тузалгунича сизлар шу ерда коласизлар.

– Ҳа, меникида тураверишади, – деди Муҳаммад ака.

– Яхши, бизга вазият ҳақида маълумот бериб турасизлар. Шу жумладан террорчилар, курул-яроқ наркотик моддаларнинг келиши, ўтиши ва борар манзилини ҳам аниқлашга ҳаракат қиласизлар. Уларнинг Ўзбекистонга киришининг олдини олиш – бизнинг бурчимиз. Ҳар бир шубҳали ҳаракат, бегона одамларни кўздан қочирманглар, тушунарлими?

– Тушунарли!

– Ундай бўлса сизларга озиқ-овқат, иссиқ кийимлар олиб келганмиз, олиб қолинглар. Ҳа, айтмоқчи, сизлар энди бундан буён Халқаро "метеоэкспедиция" гуруҳсизлар, гўёки кўчки, сув тошқинларини аниқлайсизлар. Сўзлашувларимиз ҳам шу мавзуда қоғозга ўралади. Тушунарлими? – Тушунарли!! Қани, дуо қилингчи, отахон.

– Омин, сафарларинг беҳатар бўлсин! Иброҳимжон тезроқ тузалиб кетсин! – деди Муҳаммад овчи қўлларини юзига олиб бориб.

Кўп ўтмай вертолёт самога кўтарилди-да, Сўх дарёсининг соҳили бўйлаб учиб кетди.

XI боб. МУЖОҲИДЛАР ИЗИДАН

Муҳаммад овчи бир ўсмир ўғли билан истиқомат қиларкан. Мужоҳидлар бостириб келган ўша машъум тунда ота-бола тоғда бўлишган. Басавлат овчининг чуқур қайғу-алам билан оиласи ҳақидаги ҳикоясини эшитган Гулбиби йиғлаб юборди. Уларни мусибат яқинлаштирган эди. Кўп ўтмай Гулбиби овчининг ўз қизидай бўлиб қолди. У елиб-югуриб уй ишларини қилар, эркалар бўлса, ов қилиш баҳонасида қишлоқ ва қўтонларга атайин янги маълумотлар олгани чиқиб кетишарди. Кечга яқин яна дастурхон атрофида тўпланиб, йиғилган маълумотларни таҳлил қилишар, режалар тузишарди. Гулбиби мазали овқатлар пишириб берарди. У ҳам кундузлари тез-тез булоқ бошига сув олгани бориб қирғиз ва тожик аёллардан янги-янги маълумотларни олишга ҳаракат қиларди.

– Бадахшонда жудаям баланд тоғлар бормиш. У ерларга одам боласи чиқа олмасмиш. Лекин у ердаги дараларда кўкнори экилармиш. Кўкнорини афғонлар эктиришармиш. Етилгандан сўнг ўзлари олиб кетишармиш, – деди Гулбиби топиб келган янги гапни дастурхон қилиб.

– Бадахшон узоқми? – деб сўради Нормурод.

– Йўқ, – деб жавоб берди Муҳаммад улкан суякнинг илигини қоқаркан. – Эшак билан тўрт кунлик йўл. Қизилсув дарёсидан у ёғи Бадахшон, Тожикистонга қарайди. Улар тожик ҳам, қирғиз ҳам, афғон ҳам эмас, бошқа бир халқ. Уларни Исмоилийлар ҳам дейишади. Пирлари Оғохон деган бадавлат киши. У Афғонистонда яшайди.

– Эҳ-ҳе, рости биланми? Бу жуда зўр хабар-ку!

– Нимаси зўр экан? Буни ҳамма билади-ку!

– У ердан Афғонистонга ўтса бўладими?

– Бўлмасамчи, афғонлар осмондан тушмайди-ку!

Нормуроднинг кўз олдида бир нима "ярқ" этиб ёнгандай бўлди.

– Бу ҳақида нимага вақтлнроқ айтмадингиз?

– Ҳой, гаранг. Мен сенинг каллангга келган гапни қаёқдан билай? – деди овчи қизишиб.

Нормурод ўрнидан туриб кетди. Ўзича ҳаёл қилиб бир нималарни режалаштира бошлади.

– Ҳой бола! У ер сен ўйлаганчалик осонгина борадиган жойлар эмас. Ҳозир эшитдингку, "одам боласи бора олмайдиган" деб.

– Унда афғонлар борар эканку, бадахшонликлар яшар экан-ку!

– Уларнинг йўриғи бошқа. Улар тоғ одамлари. Сенга ўхшаб пахтани ичида туғилиб, бодринг палагида пишиб қолмаган.

– Тушунмадим, ахир кўкнори бу наркотик дегани, наркотик бу жуда қиммат туради, унга қурол-яроқ алмашишади, портловчи моддалар сотиб олишади. Неча-неча одамлар ҳам қуролдан, ҳам наркотик истеъмол қилганидан ёстиғи қуримокда. Мужоҳидларнинг асосий бойлик манбаи ҳам ана шу. Бундан ташқари, бизга ўтиб келаётган душманлар менимча шу томондан келишмокда.

Муҳаммад овчи ҳам энди жиддий ўйланиб қолди.

– Мен бу йўлни тахминан биламан, – деди у тўсатдан бепарволик билан.

Нормурод "дод" деб юборай деди.

– Билсангиз, нега жим ўтирибсиз, айтмайсизми?!

– Сен мендан уни сўрадингми ўзи, қизталоқ! У йўл сен ўйлаганчалик осон йўлмас, деяпманку! Ундан юриш учун махсус тайёргарлик керак, кейин яхши альпинист бўлишинг керак, билдингми!

– Тайёргарлик кўрайлик бўлмаса.

Овчи ўйланиб қолди.

– Махсус кийимлар ҳам, арқонлар ҳам керак. Уларни қаердан оласан?

– Марказдан, у ерга хабар қиламиз, ташлаб кетишади.

– Яхши, бўлмаса эртадан бошлаб тик қоятошларга чиқиб-тушишни, тоғ шароитида жанг қилишни машқ қиламиз.

– Иброҳим байке ҳам тузалиб қайтиб келар, – деди Гулбиби.

– Тўғри, лекин у ярармикан? Тошлардан-тошларга сакраб, осилиб чиқа олармикан?

Даврадагилар бир сония жим қолишди.

Эртасига янги маълумотлар ҳақида марказга хабар қилинди. У ердан альпинизмга оид махсус кийим ва анжомлар сўралди. Бир ҳафтадан сўнг сўралган нарсалар, бир ойлик озиқ-овқат, уст-бош, керакли қурол ва АҚШ, Қирғизистон, Россия ва Афғонистон пулларида ҳам кундалик эҳтиёж учун юборилди. Энг муҳими Иброҳим – "Карим" ҳам даволаниб қайтиб келди. Лекин яраси ҳали тўлиқ битмаган, бир қўли бўйнига илиғлиқ бўлсада, руҳан тетик эди. Нормуроднинг уйдан хат ҳам бор экан. Ота-онаси икки ёшга бахт ва омад тилашибди. Сапаркул ака анча ўзига келиб қолганмиш. Гулбибининг акаси Россиядан келганмиш ва уларга қараётганмиш. Сарчинорда бўлса диний-экстремистик оқимга кириб кетганларнинг баъзилари қамалганмиш, кўпчилиги давлатдан узр сўраб янглишиб кириб қолганликларини тан олишганмиш, уларни авф қилишганмиш. Мужоҳидларнинг Қирғизистондан қувиб чиқазилганини ва уларни енгилаетганини, Жума Намангонийнинг ҳалок бўлганини эшитиб одамлар хурсандмиш. "Ҳа,

Раҳматилла ҳақида эшитишса янаям хурсанд бўлишар", – деб қўйди ҳаёлан Нормурад хатни ўқиб тугатар экан.

Энди унинг бутун фикри-ўйи Бадахшон тоғларида бўлиб қолди. Керакли нарсаларни олишгач, тоғдаги машқлар янгича тус олди. Бу жуда катта жисмоний меҳнат ва спорт маҳоратини талаб қиларди. Гулбиби спортчи қизлардан бўлгани учунми машқларни тез ўзлаштира борди. У чакқонлик билан тик қояларга чумолидек ўрмалаб чиқиб олишга ва хавфсизлик чораларини кўришга анча уста бўлиб қолди. Нормурад ҳам ундан қолишмасликка ҳаракат қиларди. Лекин Муҳаммад овчи басавлат, оғир ва кексайиб қолгани учун тез чарчаб қолар, оёғи сирпалиб кетаверарди.

– Мен ярамайман, шекилли, – деди у ниҳоят тан олиб, – ёшим ўтиб қолибди.

– Наҳотки айланиб ўтиб бўлмаса?! – деб сўради уларни четда кузатаётган Иброҳим!

– Бўлади, лекин мен айтган жойларга бориб бўлмайди. Эҳтимол, Афғонистон томондан йўл бордир, билмадим.

– Вертолёт бормайдими?

– Йўқ. У баландликка вертолёт чиқа олмайди. Чунки кислород етишмайди. Босим ҳам кам. Кейин мамлакатлар ўртасида гап-сўз кўпаяди.

– Жуда баланд экан-да-а? – деди Нормурад суҳбатга аралашиб.

Нормурадининг ҳаёлидан бир гап кечарди. "Иброҳим – "Карим" ролини ижро қилиб юриши шартмикан? Бизнинг Афғонистонга боришимиз-чи? Ҳай, майли, кўраверайлик-чи! Эҳтимол вазиятта қараб янги топшириқлар олармиз".

Муҳаммадининг ҳаёлида эса бошқа ўй кечарди: "Иброҳим байке қийналиб қолмасмикан? Унинг ўрнига бошқа бирор спортчи йигит беришса бўлармиди? Ҳай майли, бу ёғи уларнинг иши..."

Иброҳим ҳам машқларда қатнашиб кўрди. Унинг айтишича альпинизмдан бошқа спортнинг дунёдаги барча турларини ўрганган эмиш. Айниқса, шахматни яхши ўйнаради.

– Бу яхши. Демак, тактикани яхши биласиз, – деди овчи ҳазил қилиб.

– Ҳа, шунинг учун мен қояга охирида чиқаман, яъни тортиб оласизлар.

Кулишиб олишди.

– Йўқ, менинг охири чиққаним маъқулроқ, – деди овчи, – чунки мени вазнимни фақат уч киши кўтариши мумкин.

– Ҳа, қийин бўлади. Чунки сизни эшак ҳам кўтара олмайди.

– Лекин учта эшак кўтара олади, – дея кулиб юборди овчи. Аммо жиддий ўйланиб қолди ва бир оз ўтгач соқолини қашлаб хижолатнома гап бошлади. – Мен сизлар билан дунёнинг у четига ҳам боришга тайёрман..., – деди у бир хўрсиниб олиб. – Лекин ўғилчамнинг аҳволи не кечади? Уйдаги мол-ҳол, от-эшак дегандек. Мободо менга бир гап бўлса-чи?...

– Ҳа, сизга ҳам қийин экан, – деди Нормурад тасалли бериб.

– Бизни манзилга элтиб қўясиз-да қайтаверасиз, – деди Иброҳим.

– Ўша манзилга етишнинг ўзи бўлмайди-да, ука. Биз деярли булутлар орасидан ўтиб боришимиз керак бўлади. Боришга-ку бирга бўлсак, қайтишгачи?...

– Ҳа, тўғри. Бу ҳақда ўйламабмиз.

– Алоқачи, бўладими? – сўради яна Иброҳим.

– Бўлса керак. Яна худо билади...

– Унда сиз бизни эшаклар юра олгунга қадар олиб бориб, сўнг изингизга қайтаверасиз.

– Ахир мен қасос олишим керак-ку! – деди овчи муштларини тутиб.

– Сиз учун қасосни мана биз оламиз. Сизга ҳам телефон қолдирамиз. Шу ерда туриб биз билан алоқа қиласиз.

– Маъқул. Эссиз... Биттаю битта синглим бор, лекин эри қурғур пияниста. Тузукроқ одам бўлганида эди, меникида яшаб туришармиди!...

– Хижолат бўлманг, имкониятингизга қаранг, – деди Нормурод далда бериб.

– Хафа бўлмайсизларми?

– Йўқ.

Шундай дедию ўғли билан яна бир бор маслаҳатлашиб кўришни кўнглидан ўтказди. Ўғли Музаффар балоғатга етиб, кўп нарсаларга ақли етадиган бўлиб қолган, қолаверса, келган меҳмонларнинг суҳбатида бўлиб анча-мунча гаплардан воқиф бўлмоқда эди. Унинг ҳам ёш юрагида онаси ва опаси учун қасос олиш алами ўчмаган, кексайиб қолган отасига раҳми келар, чорва ва уй юмушларига қарашиш учун бир ўзи югуриб-еларди. Қани энди имконият бўлсаю у ҳам бора олса... Лекин наилож, отаси кўнмайди: "Ҳали ғўрсан" дейди.

Муҳаммад овчи ҳар хил ўйлар билан ўчоқ бошида қозон тагига ўт ёқиб уймалашаётган йигитчанинг олдида борди. Ўғли уни тушундими, ўтириш учун дарров бир пўстакни тўшаб берди.

– Ўғлим, анави меҳмонларни қанақа одам эканликларини англагандирсан-а?

– Ҳа, ота.

– Лекин бу ҳақда ҳеч кимга "миқ" эта кўрма, хўпми?

– Нега энди, ота?

– Улар давлат одамлари. Мужоҳидларнинг додини беришмоқчи. Мени ҳам ўзларига шерик қилиб олишмоқчи.

– Қўшилаверинг.

– Сен-чи?

– Катта бўлсам, мен ҳам қўшиламан.

– Ҳа, баракалла, ўғлим! Қани энди каттароқ бўлганингда эди, улар билан жўнатган бўлардим.

– Қаёққа?

– Сафарга, узоқ сафарга...

– Ҳозир ҳам боравераман.

– Йўқ, ҳали ғўрсан. Мактабинг бор. Иннайкейин урушни ўйинчоқ деб ўйлайсан, йўлни ҳам билмайсан.

– Сиз-чи, биласизми?

– Ҳа.

– Улар-чи?

– Йўқ.

Боланинг кўзлари катта-катта очилди:

– Бўлмаса улар билан борақолинг.

– Сен-чи? Бир ўзинг қийналиб қоласанку?

– Эпларман. Ўртоғим Мамарозиқ билан бирга тураверамиз.

Отанинг кўз ўнгида уйларига тез-тез келиб-кешиб ўғлига қарашиб юрадиган бир етим бола намоён бўлди. Унинг ота-онаси ўлиб кетган, ўзи аммасиникида яшарди.

– Яхши. Лекин... – дея ўйланиб қолди мўйсафид "Менга бир нима бўлса-чи?" деб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди. Ўғли буни тушунгандай хавотирли савол назари билан қаради, – Лекин ўртоғинга айт, қорабайиримизни ҳадеб минавермасин, хўпми?

– Ўзингиз-чи, нимани миниб кетасиз?

– Бизлар эшакда борамиз. У томонларга фақат эшак билан бориш мумкин, холос. Юкимиз ҳам бўлади. Эртага бозордан битта хачир, иккита эшак сотиб оламиз. Уларни ва бизники билан еттита бўлади.

– Эҳ-ҳе, унда катта карвон бўларкансизлар-да-а! – деди Музаффар кулиб.

– Ҳа. Зўр карвон бўлади, – деди отаси ўйчан.

Хуллас ота-бола келишишди. Ота кетадиган, бола эса қоладиган бўлди. Нормуродларга бу ҳақида айтмай қўя қолишди. Қайтадими йўқми, вазиятга қарайди. "Ҳарҳолда манзилгача бирга борганим дуруст. "Булар ҳам гўррокка ўхшайди"... – дея кўнглидан ўтказди овчи.

XII боб. САЛОМ БАДАХШОН!

Эртасига овчи нохуш хабар олиб келди. Нима эмиш, Қизилсув дарёси тарафда бир чўпон оиласини бир гала каллакесарлар нобуд қилиб, қўтонга ўт қўйиб кетишганмиш. Бу ўша кўчкидан омон қолган аламзада мужоҳидлар экани аниқ эди. Тезроқ шошилиш, уларнинг изидан тушмоқ керак эди. Бу ҳақида марказга хабар қилишди. Марказ ҳам зудлик билан йўлга чиқишни, иложсиз қолинган тақдирда босқинчиларни аямай йўқ қилишни тавсия қилишди.

Улар сафар олдидан яхшилаб овқатланиб олишди. Сўнгра қўёшнинг заррин нурлари остида узокдан ўзини кўз-кўз қилаётган осмонўпар қорли чўққилар томон равона бўлишди. Осмон мусаффо, кушлар чуғурлашиб баланд парвоз қилишарди. Об-ҳавонинг ўзгариб, пасайиб бориши, шамол ва қорли бўронлар бўлиши, совуқ изғиринлар, қор кўчқиларию тошқинлари ҳали олдинда эди. Уларни шу паллада табиат инжикликлари чўчитмас, балки инсоният бошига бало бўлаётган ҳамда мамлакатлар осойишталигига раҳна солаётган террорчи, гаёхфуруш, ватанфуруш душманлар билан қандай курашиш ўйлатарди. Илоннинг бошини янчиш, газандаларнинг уруғини қуритиш, чаёнлар ўрмалаб кириб келадиған сўқмоқларни аниқлаш мана шу тўрт нафар фидойининг мақсад-муддаоси эди.

– Ҳув ануви кўриниб турган чўққини мўлжаллаб кетаверамиз. Теварак-атрофга хушёр бўлинглар, ҳар бир шитирлаган тош шарпаси эътиборда бўлсин, – деди овчи ёғочдан ясалган хассаси билан йўл четидаги улкан бир тошни уриб қўяркан, – Билиб бўлмайди, қаваклар ичида қочиб юрган мужоҳидлар бўлиши мумкин.

– Бўлмаса қуролларимизни шай қилиб олайлик, – деди Иброҳим.

– Маъкул.

Улар юклардан бирини ечиб ундан кўндоғи йиғиладиган автоматларни олиб, ўқлаб елкаларига ташлаб олишди. Йўл тик қоя тошлардан иборат бўлиб, ҳар бири сирли ва шубҳали кўринарди.

– Бизни қурол билан кўрганлар мужоҳидлар деб ўйлашмасмикан, – деди Нормурод тўсатдан.

– Ҳа, бу гапингда ҳам жон бор, – деди овчи маъқуллаб, – Қуролларингизни оғзини ерга қаратиб, камзуллари остида тақиб олинглар, шунда кўринмайди.

Шундай қилишди-да, шошиб қолганда ундан тезлик билан фойдаланишни машқ қилиб кўришди.

– Передохранителни тортиб қўйинглар, – деди Иброҳим.

Сўқмоқда деярли йўловчилар учрамасди, фақат бир қўй-эчки суруви уларнинг вақтини олди. Чўпоннинг эшаги карвондаги эшакнинг бирига илиқиб ханграй бошлади. Карвон сафидаги эшакнинг юки борлиги учун нақ бўлмаса жарга ағдарилаёзди. Энг муҳим алоқа воситалари айнан шу эшакда эди. Иброҳимнинг жаҳли чиқиб, эси оғаёзди:

– Келиб-келиб нозик аппаратларни шу қанжикқа юклайсизларми?

– Муҳаббат аппаратга қарамайди-да, – деди Нормурод ҳазил қилиб.

Ҳаммалари кулиб юборишди. Уларни кулгисидан қоялар ларзага келди.

– Хой, секинроқ, тошлар тушиб йўлимизни тўсиб қўймасин, – деди Гулбиби.

– Ишқилиб сенинг аппаратинг йўқми, қизим, – деди овчи ҳазилни давом эттириб.

– Бор, фақат жим юрадиган...

Шу зайл ҳазил-мутойиба билан анчагина йўл босишди. Фақат қоронғу туша бошлагандагина кичик бир сой бўйига тўхтаб, палаткаларни тикиб олов ёқишди. Овқатланишдию пинакка кетишди. Уч эркак туни билан навбатчилик қилиб чиқишди. Олов тонгга қадар ўчмади... Олов кимларнингдир эътиборини ўзига жалб қилган бўлиши мумкин эди. Бир тош кулади. Овчи тезлик билан оловга сув сепиб ўчирди.

– Қуролларингни шайлаб қоялар ортига тез яширининглар! – деди у буйруқона шивирлаб.

То тонг отгунча совуқ тошлар орасида мижжа қоқмай чиқишди. Кимлардир уларни кузатаётгандай туюларди. Қуёш бош кўтариши ҳамони улар апил-тапил йўлга отланишди. Тошлари аранг осилиб турган қоялар ваҳимали кўринар, гўё қаттиқроқ акса уриб юборсанг ҳам тўкилиб кетадигандек омонат эди. Бир пайт ана шу омонат тошлар орасидан бир соқолли кишининг боши кўринди:

– Истедтон! (Тўхтанглар!) – деди у ҳайқириб, – Қуролҳо партоед! (Қуролларингни ташланглар!).

– Бизда қурол нима қилсин?

– Калларо гаранг накун! – дея қичқирди овчи ҳам таваккал тожикчалаб. – Мен Зардолу кишлоғидан Муҳаммад овчиман. Булар менинг ҳамроҳларим.

– Гужо меретон! Қаёққа кетаяпсизлар?

– Чўққига. Биз метеоэкспедицияданмиз, – деди Нормурод.

– Қаерликсизлар?

– Ўзбекистонлик, Шохимардондан келаяпмиз.

– Нима мақсадда келаяпсизлар?

– Об-ҳавони ўрганамиз. Сел бўлиш хавфларини аниқлаймиз, – деди йигит ўзининг топқирлигини тантанавор намоиш қилиб.

– Ҳужжатларинг борми?

– Бор.

– Бўлмаса қуролларингни ташланглар-да, ўн қадам олдинга келинглар.

Ҳамсафарлар "нима қиламиз" деган бир-бирларига тезлик билан маъноли нигоҳ ташлаб олишди. Ортда турган Иброҳим аллақачон яшириниб улгурган эди. Кўнгиллари хотиржам бўлган овчи билан Нормурод автоматларини ерга шарақлатиб ташлаб, айтилган ерга оҳиста юришди. Гулбиби эса, хачир

бошчилигидаги карвоннинг юганини ушлаб турар ва ўзини қуролсиздек кўрсатарди.

– Менде милтиқ жўқ, – деди у қирғизчалаб.

Тошлар орасидан қуролланган уч киши чиқиб келишди.

– Биз Тожикистон чегара қўшинларининг маҳаллий посбонларимиз, хужжатларингизни кўрсатинг, – деди уларнинг сардори ўзбекчалаб.

– Э, хайрияте, шунақа демайсизларми? Мужоҳидларми деб ўйлабмиз.

– Биз ҳам сизларни шундоқ деб ўйладик.

– Эссиз, уйқуни белига тепдинглар-да!

– Тунда олов ёқманглар-да. Бу тоғларда ҳақиқатан ҳам мужоҳидлар изғиб юришибди, – деди сардор хужжатларни кўздан кечираркан, – Тўртинчи одамингизни хужжати қани?

– Қайси тўртинчи одам? – деди Нормурод атайин.

– Тош ортида бизга қурол ўқталиб турибди-ку! – деди сардор бамайлихотир, – Қўрқмай чиқаверинг, биз меҳмонларнинг ҳисобини олиб кўямиз, холос. Лекин эҳтиёт бўлинглар, қор кўчкилари ҳам бўлиб турибди.

Сардорнинг ишораси билан ортидаги икки соқчи қуролларини тушириб, бир четга бориб ўтиришди.

– Носотон хастми, акойи Муҳаммад? – деб сўради соқчилардан бири.

Овчи ёнини кавлаб нос халтасини чиқарди.

Шундан сўнг улар тожикчалаб узоқ гаплашишди. Сардор унга йўл-йўриқлар кўрсатди. Яна ўн беш чақиримча юрилса Сурҳоб дарёси, ундан кечиб ўтилгач эса, Пётр I тоғ тизмалари келишини, лекин у тоғлардан эшак юра олмаслигини, фақат пиёда юриш мумкинлигини, у ёқда бўлса помирликлар қабила-қабила бўлиб тоғлар орасида яшашлари ҳақида гапириб берди. Бу орада қуролини елкасига осган Иброҳим ҳам чиқиб келиб, посбонлар билан илиқ саломлашди.

– Қорнимиз очиб кетди, егани бирор нималаринг бордир? – деб қолди сардор.

– Унда бирга нонушта қилақолайлик, – деди овчи – Сизлардан қўрқиб биз ҳам тамадди қилмагандик.

Буни тушунган Гулбиби човгумни олди-да, чаққонлик билан сойга тушиб сув олиб чиқди.

– Мен олов ёқаман, сен дастурхон ёза қол, – деди Нормурод.

Йўл устига дастурхон ёзилиб, атрофига чордона қуришди. Посбонларнинг бераётган кўрсатмалари "сайёҳлар" учун жуда ҳам муҳим эди.

– Мужоҳидлар асосан қайси томондан ўтиб келишяпти, – деб сўради Иброҳим хушёрлик билан.

– Уларми? Асосан дашти Калайхумдан, кейин Рушан томондан ҳам келишлари мумкин.

– Пиёда келишадими?

– Ҳа.

– Қизик, қаерга келишаркин? – деб сўради Нормурод.

– Боткендаги лагерларини қирғиз посбонлари, Жирғатолдагисини бўлса Россия чегара қўшинлари йўқ қилишди. Энди бирор овлоқ жойга янги жой қуришлари мумкин. Иложи бўлса бизлар ўша жойни аниқлашимиз ва бундан рус чегарачиларини хабардор қилишимиз лозим.

– Нима, улар яна қайтишлари мумкинми? – деб сўради Иброҳим.

– Ҳа, билиб бўлмайдими. Чунки бизга келган маълумотларга кўра уларнинг сони беш мингга яқинмиш. Ҳаммаси нашаванд, тарки дунё қилган, тиш-тирноғигача қуролланган каллакесар одамлар экан. Уларнинг кўпчилиги ўзбекистонликлармиш. Албатта, улар бекорга дайдиб юришмас. Кимлардир уларни бошқарса ҳам керак-да.

– Журжоний деганини эшитанмисиз?

– Ҳа, албатта. У яқинда ўлди.

– Ҳозир бошлиқлари ким экан?

– Хўжа Аҳмадилло дегани бўлса керак.

Нормуроднинг эти увишди. Хўжа Аҳмадиллони осонгина қўйиб юборишганини эслаб бошини чангаллади. Буни сезган Иброҳим "ўзингни қўлга ол" дегандек секин туртиб қўйди.

– Нима деб ўйлайсиз, бу йил яна сел бўлиши мумкинми? – деди Иброҳим суҳбат мавзусини ўзгартириш учун.

– Мумкин, чунки тоғларга кўп қор тушган. Бу ёғи об-ҳавога боғлиқ. Агар кун қаттиқ қизиб кетса... Сизлар нима, доимий музликларга кетяпсизларми?

– Ҳа, – деди Иброҳим гапни қисқа қилиш мақсадида. – Музликларни эриш миқдори меъеридан ортиқ бўлса, бу ҳақда зудлик билан Тошкентга хабар беришимиз керак.

– Афсус, йўлимиз бошқа-бошқа экан, – деди сардор фотиҳа қилиб ўрнидан тураркан.

– Нега энди? – деб сўраб қолди овчи.

– Сел-ку бир келганда фақат йўлида дуч келганини ўпириб кетади, лекин терроризм деган бало бор, у пасту баландни танламайди. Ҳай, майли, сизларга омад ёр бўлсин! Ўзларинг музлаб қолиб кетманглар тагин. Ҳа, айтмоқчи, ануви қуролларингизни яшириб олинглар. Мужоҳидлар кўришса аяб ўтиришмайди.

– Мободо уларга йўлиқиб қолсак нима қилайлик?

– Нима қилдиларинг? Оқ рўмолни кўтариб, қўлларингни баланд кўтарасизлар-да! У ёғини билмадим. Ҳа айтмоқчи, кейин бу ҳақда бизга ёки чегарачиларга хабар қилиб қўйсангизлар яхши бўларди.

– Қандай хабар қиламиз? – деб сўради Нормурод.

– Радиотелефонларинг борми?

– Ҳа, бор. Сардор ёнидан ручка ва ён дафтарчасини олдида тоза бир вароқни йиртиб ёза бошлади.

– Мана бу рус чегара қўшинларининг телефони. Уларнинг штаби Хоруғда, подполковник Волковни сўрайсизлар, мана буниси бўлса Душанбедаги бош штабнинг навбатчисиники, – деди у телефон рақамларини дона-дона қилиб ёзаркан. – Биз томонда сел хавфи бўлса ҳам қўнғироқ қилинглари, хўпми?

– Сизлардан илтимос, мободо мужоҳидларга дуч келиб қолсангизлар ёки уларнинг тўпланган жойи ҳақида маълумот бўлса бизга ҳам хабар қилсангизлар. Ҳарҳолда эҳтиёт бўлганимиз яхши-да, – деди Иброҳим Тошкентдаги Бахтиёр Тўраевнинг телефон рақамини ёзиб узатди.

– Ҳа, албатта, улар яхши билан ёмонни ажратиш ўтиришмайди. Ўзбекистонлик эканликларингни билишса, гаровга олишлари турган гап.

– Худо сақласин, – деб юборди овчи жаҳл билан. – Уларга гаров тушгандан кўра, кўчки тагида қолиб ўлган афзал.

– Ундок деманг, нафасингизни иссиқ қилинг, – деди сардор қўл силтаб нари кетаркан.

"Сайёҳлар" йўлда яна давом этишди. Йўл борган сари оғирлашиб жарлик ёкалаб борар, оёқ остидан тошлар шувиллаб пастлик томон тўкиларди. Ҳар бир эшакнинг юганидан боғланиб арқонини биттадан ушлаб олишган, йиқилиш хавфи бўлган эшакни тутиб, соз йўлга тўғрилаб юборишга ҳозир у нозир эдилар. Бу эса катта ҳушёрлик талаб қиларди. Боз устига, худо кўрсатмасин, шу маҳалда мужоҳидларга дуч келиб қолинсами, жанг қилишнинг ҳеч иложи йўқ эди.

– Эшакларни ташлаб юқларни икки баравар камайтирмасак бўлмайди, шекилли, – деди Нормурод эшакнинг юганини минг азоб билан тортаркан.

– Ҳа, лекин бир иложи қилиб Сурҳоб дарёсигача етиб олиб, ундан сузиб ўтишимиз керак, оз қолди, – деди овчи.

– Ишқилиб, қаршимиздан бошқа эшак чиқиб қолмаса бўлгани.

– Унда эшагининг кўзини боғлаб қўяман, – деди овчи кулиб.

– Улар бир-бирини ҳидидан ҳам билишади-ку, – деди Гулбиби гапга аралашиб.

– Унда эшакларингга атир сепиб қўйинглар.

Тўсатдан эшаклардан бири ханграб юборди. Ўрталарида самимий кулги кўтарилди.

– Атирни ёмон кўраркан, – деди Гулбиби.

Ҳазил-мutoйиба билан йўлнинг оғир қисмидан ҳам ўтиб олишди.

– Биз энди сўқмоқдан эмас, тоғ тепалигидан кетганимиз маъқулга ўхшайди, – деди овчи.

– Нега?

– Мужоҳидлар йўлга пистирма қўйишлари мумкин. Ҳарҳолда хавфсизроқ дейман-да.

Улар энди улкан харсангтошлари бўртиб-бўртиб чиқиб турган баландлик сари бурилишди. Ҳар бир тошлар атрофидан айланиб-айланиб, қоқилиб-туртилиб ўтишга тўғри келар, лекин ҳужум бўлиб қолгудек бўлса, яшириниш учун қулай жойлар кўп эди. Ҳарсангларнинг хилма-хиллигини ва ниманингдир ҳайкалига ўхшаб кетишини кўриб ёшлар завқлана бошладилар.

– Анувини қаранг, худди қушга ўхшайди, – деди Гулбиби Нормуродга бир тошни кўрсатиб.

– Ҳа, қойил!...

Улар то қуёш қоялар ортига яширингунга қадар табиат мўъжизаларига маҳлиё бўлган ҳолда хориб-толиб, дарё бўйига етиб олишди. Муздек зилол сувдан тўйиб-тўйиб ичиб, ювиниб олишди-да, тунаш учун қулай макон танлаб, жой ҳозирлай бошладилар.

Иброҳим алоқага чиқиб марказга ўзларининг айти пайтда қаерда эканликларини, мужоҳидлар ҳақида билганларини маълум қилди. "Метеоэкспедиция"ларида ҳозирча муаммо йўқ эканлигини айтиб, кутилаётган об-ҳаво тўғрисида маълумот бериб туришларини сўради. Тошкентдан "Об-ҳаво яхши бўлади. Сизлар сел сувларининг қаерга йиғилишини ва қайси томонга қараб оқиши мумкинлигини аниқланглар" деган топшириқ олинди.

– Нима биз ростдан ҳам сел сувларини аниқлаймизми? – деб сўради Гулбиби соддалик билан пешонасини тириштириб.

– Йўқ, – деди Иброҳим кулиб, – "Сел" дегани – "душман" дегани.

Дарё суви сокин оқар, унинг нариги соҳилида улкан баланд тоғлар, қоялар қорайиб сирли кўринарди. Олов ёкишнинг иложи бўлмади. Шу туфайли пуфлаб шишириладиган спорт қопларининг ичига кириб юзларигача бурканиб олган ҳолда тунашди. Бу совуқ ва шамолга қарши яхши восита экан, ҳатто палаткага ҳам ҳожат йўқ эди. Бу эса юкни камайтиришга, палаткаларни тикиб, душманни ўзига жалб қилмасликка имкон берарди.

Эрта тонгданоқ тамадди қилиб олишгач, дарёдан сузиб ўтишга ҳозирланишди.

– Қани кетдик бўлмаса, – деди Муҳаммад овчи, – Чойни нариги қирғоқда ичамиз. Барибир олов ёкиб қуришиб олишимизга тўғри келади. Биринчи бўлиб арқон билан мен сузиб ўтаман, ҳар эҳтимолга қарши уни бирор дарахтга боғлайман. Иккинчи учини хачирга боғланглар. Ўзларинг ортидан боринглар. Қуролларингни целлофан халтага ўраб олинглар. Худо хоҳласа, ўтиб оламиз.

Шундай қилинди. Муҳаммад овчи аранг сузиб ўтди. Чунки сув ниҳоятда совуқ ва дарёнинг нариги соҳилига яқин жойда эса нишоб бўлиб оқарди. Агар арқон боғлаб қўйилмаганида, эшакларни сув оқизиб кетиши турган гап эди. Уларни чиқариб олиш жуда ҳам оғир кечди. Аввало юкларни бўшатиб тортиб олишга тўғри келди. Палаткалар юкланган охирги эшак бўлса оқиб кетди. Уни ушлаб қолмоқчи бўлган Иброҳимни ҳам оқиб кетишига бир баҳя қолди.

– Э кўявер! – деди овчи қичқириб, – Садқайи сар!

Сув билан олишувдан деярли музлаб қолай дейишди. Овчи тезлик билан олов ёкиб юборди.

– Кийимларингни тез алмаштиринглар. Уялиш йўқ, бўлмаса касал бўлиб қоласизлар.

Шундай қилишди. Дилдираганча кийимларини апил-тапил ечиб, одеалларга ўраниб, олов атрофига ўтиришди.

– Нега кўприкка бормадик? – сўради Нормурод тишларини тақиллатиб.

– Кўприкни хаёлингга ҳам келтирма. Уни сел олиб кетган, – деди овчи маъноли қилиб.

– Палаткаларимиз оқиб кетди-ку, энди нима қиламиз? – деб сўради Гулбиби.

– Ҳечқиси йўқ менда биттаси қолган. Иложи бўлса уни ҳам олмаймиз. Юкимизнинг ярмини шу ерда қолдирамиз, эшаклар ҳам қолади.

– Нега? – деб сўради Нормурод.

– Сенга ўхшаб улар альпинистлик қилиша олмайди, – деди овчи тик қояли тоғларни кўрсатиб.

– Ундай бўлса сиз ҳам қолаверинг, – деди Иброҳим.

– Йўқ, сизларни ҳеч бўлмаса шу довондан олиб ўтиб қўйишим керак. Кейин бир гап бўлар.

– Ўғлингиз-чи? – деб сўради Гулбиби.

– У ўртоғи билан яшайверади. Катта бўлса сизларга қўшилиб олади.

– У катта бўлгунча мужоҳидларни йўқ қиламиз, – деди Нормурод.

– Ҳа қанийди, фарзандларимиз уруш кўрмаса, ўқишларида тинчгина ўқиб, катта одам бўлиб етишишса, – деди овчи чуқур хўрсиниб.

– Худо хоҳласа, айтганингиз келади, – деди Иброҳим.

– Мана, сизларга нима зарур эди, шу муз сувни кечиб. Менга ҳам нима эди?... Демакки, бизларни тақдир йўлиқтирди. Бу дегани, келажак авлод тинч яшаши учун шу ишларни қилиш бизга насиб этган экан-да.

Шундай қилиб юкларнинг деярли ярми бир палаткага ўралиб, дарё соҳилидаги арча тагига яшириб қўйилди. Эшакларни озод қўйиб юбордилар.

– Хайр, яхши қолинглар, – деди овчи хачирини юзига шапатилаб, – Мужоҳидларни кўрсанглар, ханграб бизга хабар беринглар, хўпми?

"Хўп бўлади" дегандек хачир пишқириб қўйди. Унинг бадани ҳамон совуқдан титрар, эгаси ташлаб кетаётганини сезгандай оёқлари билан тинимсиз депсинарди.

Рюкзакларни елкага осган тўрт "метеоэкспедициячи" бир-бирларига арқонни боғлаб олган ҳолда ёғоч хассалару чўкичларига таяниб баландликлар сари равона бўлишди. Дастлаб кичик бир чўққига дуч келишди. Уни айланиб ўтишнинг иложи йўқ эди.

– Қани, биринчи бўлиб ким чиқади?

– Мен чиқақолай, – деди Гулбиби.

– Йўқ, мен чиқаман, – деди Нормурод ва рюкзакни ечиб қояга ёпишди. Сўнгра илгакни юқорироққа итқитди-да чиқишда давом этди.

– Оёқ остидаги ҳар бир тошнинг ҳолатига қараб оёқ бос, эҳтиёт бўл, – деди овчи қичқириб, – Ўз кучингга ишон, пастга қарама!

Нормурод тоққа чиқиш машқини анчагина ўзлаштириб олган кўринарди. У ҳадемай чўққига чиқиб олдида, узун арқонни ташлади. Энди қолганлар ҳам навбат билан бирин-кетин чиқа бошладилар. Келишиб олинганидек юкларни боғлаб узатгач, охирида Муҳаммад овчи ҳам чиқишни бошлади. Лекин аллақердан келган автоматнинг қисқа тириллаган овози уларни чўчитиб юборди. Отишма тоғларда акс-садо бергани учун қаёқ томондан ва кимга қарата отилгани мавҳум эди. Ҳар ҳолда, уларнинг ёнверидан ўқ учиб ўтмади. Демак, у бошқа жойда ва кимларгадир қаратилган эди.

– Яширининглар! – дея овчи шивирлаб ва ўзи тезлик билан арқонга тирмашиб юқорига кўтарилишда давом этди. Автомат бошқа тирилламади.

Аллақадан қандайдир шовқин эшитилди.

– Мужоҳидлар! – деди овчи қўлини Иброҳимга узатаркан, хушёр бўлинглар!

Ҳаммалари тошлар орасига яшириниб, атрофни кузата бошлашди.

– Бизнинг изимиздан тушишмадимикан? – деди Нормурод арқонларни тез тортиб оларкан.

Улар чиқиб олган баланд қояли чўққи устидан дарёнинг қолган қисми кўриниб турарди. Бир пайт Гулбиби ёнида турган Иброҳимни туртди. Узокда дарё қирғоғида икки одам турар, сув ичидан ниманидир тортиб чиқаришмоқда эди.

– Бизнинг эшагимиз, – деди Иброҳим. – Уни тортиб чиқаришяпти. Дурбинни беринглар-чи!

– У рюкзакда эди, – деди Нормурод.

– Оббо! Тез олинглар!

Дурбин орқали соҳилдаги одамлар кузатила бошланди.

– Улар мужоҳидлар, аниқ, – деди Нормурод.

– Камзулларида маълум. Эшагимизни сувдан тортиб олишяпти.

– Ана, яна бошқалари келаяпти, – деди Гулбиби қичқириб.

Қирғоқда яна бир талай мужоҳидлар пайдо бўлишди ва эшак атрофида гурунги кила бошлашди.

– Бизни сезиб қолишибди, – деди Нормурод. – Шу эшак менга ҳеч ёқмаганди-да.

– Лекин чиройли эди. Хачиримга ёкарди, – деди овчи унинг қўлидан дурбинни олиб.

Гулбиби кулдиргичлари ўйнаб оғзини ёпти, лекин кўзлари жовдираб унинг унсиз кулаётгани яққол сезилиб турарди.

– Аммамни ўлишини билганимда бир қоп сомонга алмаштирардим, – деган экан машойихлар. – Ҳа, энди оқти-кетди-да...

– Энди нима қиламиз? – деб сўради Иброҳим мужоҳидларни синчиклаб кузатаркан.

– Улар қочоқлармикан? – деб сўради Гулбиби.

– Бўлиши мумкин. Фақат иккитасидагина курул борга ўхшайди. Қолганларининг қўлида ҳар хил халта, тугунлар... – деди Иброҳим уларни кузатиб.

– Улар ҳам сузиб ўтишармикан?

– Шуни кутамиз. Сузиб ўтишса, демакки йўлимиз бир. Ўтишмаса улар Афғонистон томондан келишаётган бўлади.

– Демак, кутамиз.

– Албатта.

– Кейин уларнинг изидан бораверамизми? – деди Нормурод Иброҳимни туртиб.

Иброҳим ўйланиб қолди.

– Ҳозирча шундай қилганимиз маъкулдир. Лекин нима бўлсаям уларнинг муддаосини аниқламай туриб, кўздан қочирмаслигимиз керак.

– Ундай бўлса навбатчилик қиламиз. Қолганлар мизғийверинглар, – деди овчи бошидан қалпоғини олиб ёстиқ қилиб тоғ шаббадасида тезда пинакка кетди.

– Уларни бериги қирғокда сузиб ўтиш жойини анави қоя тўсиб қоларкан, – деди Нормурод анча наридаги тик қояни кўрсатиб.

– Улар сузиб ўтса, демак бизга ўхшаб исинишади, – минғиллаб қўйди овчи кўзини юмган ҳолда.

– Демак уларни яқинроқдан кузатишимиз керак. Сизлар шу ерда қолаверинглар, мен нариги қоя устига чиқаман, – деди Нормурод.

– Мен ҳам бирга бораман, – деди Гулбиби.

– Лекин улар тунаб қолишса, биз ҳам тунаб қолишимизга тўғри келади.

– Биз ҳам, – деди Гулбиби.

– Ҳа, фақат ўрталарингга пичоқ қўйиб ухланглар, – деди овчи ҳазиллашиб.

– Совқотсак-чи? – деди Нормурод атайин.

– Унда икки йўли бор. Ё мен ўрталарингга бориб ётишим керак бўлади ёки сизларни никоҳлаб қўйишим керак. Шу холос...

– Э, қўйсангизчи ҳазилни, – деди Нормурод, – Яхшиси Гулбиби ҳам қолаверсин.

– Йўқ, бораверинглар, вазият шуни тақозо қилмоқда, – деди Иброҳим, – Бу ерда сизлар жангчиларсиз, топшириқни бажаринглар!

Уларнинг нариги қоя устига чиқиб олишлари учун ҳам анчагина вақт кетди. Бу орада мужоҳидлар сафи янада кўпайгандек бўлди. Бир тўдаси ерда ўтирарди "Асирлар ҳам борга ўхшайди", – деб қўйди Иброҳим ўзича энди бемалол хуррак ота бошлаган овчига нигоҳ ташлаб оларкан.

Ниҳоят Гулбиби билан Нормурод ўз жойларини эгаллаб олгач "Ҳаммаси жойида" дегандек Иброҳим томон қўл кўтариб қўйишди.

Мужоҳидлар узок музокара юргазиб бўлишгач, дастлаб кўллари боғлиқ асирларни сувга туширмоқчи бўлишган кўринарди. Эшакдан олинган ўлжа – чодирларни ҳам бўлиб олишганди. Улар кўк, қизил бўлиб, узокдан ранги ажралиб турарди.

* * *

Осмонда булутлар кўпайиб шамол тобора кучая бошлади. Бир оз мизғиб олган овчи ўрнидан турди.

– Ишлар қалай? – деди қалпоғининг кулоқчинини тушириб оларкан.

– Кузатяпмиз, – деди Иброҳим хотиржам.

– Шамол кучаядиганга ўхшайди, панарокдан жой қилмасак бўлмас. Сиз ўтириб туринг, мен бир разведка қилиб келаман. Йўлимизни тахминан чамалаб олмоғимиз керак.

Овчи куролини олиб уёқ-бу ёғини кўрган бўлди-да, тошлар оралаб нари кетди.

– Анавиларга ўзингизни сездириб қўманг!

– Кўрқманг, мени ҳали тулки ҳам сезмаган. Раҳматилла эсингиздадир...

– Албатта.

– Ундай бўлса, дамингизни олаверинг, ўғлим.

Иброҳим ҳамроҳининг ортидан "Бирор ишқални бошламасайди" дегандек ҳам хавотир, ҳам ҳавас билан қараб қолди.

У ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб марказ билан бемалол гаплашиб олмоқчи бўлди. Алоқа воситаларини тиклар экан қисқа ва лўнда қилиб нима дейиш кераклигини тахминан чамалаб олди.

– Алло, марказ! Мен "метеоэкспедиция", эшитаяпсизми?

Аппаратда чийиллоқ ва шувиллашлараро дўрилдоқ овоз пайдо бўлди:

– Марказ эштади. Тинчликми?

– Шамол кела бошлади, булутлар пайдо бўлди, дарёда сув кўпаймоқда... Бизга қандай топшириқлар бор?

– Сизни тушундик. Сув оқими бўйлаб бораверинглар ва тўпланиш жойини аниқланглар.

– Тўпланмасачи?

– Бораверинглар. Об-ҳавонинг ҳар бир ўзгариши ҳақида хабар қилиб туринглар. Тушунарлими?

– Марказ, сизни тушундим. Бажарилади.

– Омад ёр бўлсин!

"Демак изма-из бораверар эканмиз... Уларни кўздан қочирмаслик керак" деб қўйди фикран Иброҳим.

Совуқ тош устида шамолда ётавериш унинг жонига тегди. Бунинг устига арқондан осилиб чиққани учунми, кўлига куч келиб, ўқ еган елкаси зиркираб оғримокда эди. "Бундан баттар ҳам бўлиши мумкин... Операция энди бошланди. Ёки Нормурод икковимиз мужоҳидлар сафига қўшилиб олганимиз маъқулмикан?". Тан олишмай асир олишса ёки отиб ташлашсачи? Раҳматилла уларга ҳам Нормурод ва Карим ҳақида айтиб берган бўлса-чи?... Демак, бу хавфли. Яхшиси изма-из бораверганимиз маъқул" – дея бир қарорга келди. У ўрнидан туриб улкан тош ортига ўтди ва оёқларининг чигалларини ёзди.

"Демак, улар шохида юради, биз эса баргида. Улар қорда юради, биз эса музда..." – деб қўйди у ўзича сўнгра нариги қоядаги жангчи йигит ва қизни кузатиб

кулиб қўйди: Тавба, ёнида бир жонон ётсаю, кўзи олақарғаларда бўлса... Лекин қирғиз қизга гап йўқ, жасур экан. Қўқмай ўзи топиб келибди-я. Яна Нормуродни қутқарганичи? Қойил қолиш керак... Лекин, менинг севган қизим ҳеч қачон келмаса керак. Тўғриям қилади. Қизик менинг пешонамга ким ёзилган экан?... Бунақа тоғу тошларда юраверсам бир умр уйланмай ўтиб кетсам керак...".

Шу пайт нариги қоя ёнидан тушган тош унинг хаёлларини учириб юборди. Йўлбошловчи Муҳаммад овчининг боши кўринди. У теваарак-атрофни зимдан кузатмоқда эди. Оёғининг остидан бир тош тушиб кетди, шекилли. Шу туфайли "Хавотир олманг, бу мен", дегандек тезгина Иброҳим томон қараб қўйди. Иброҳим ҳам бошқа тош ортидан чиқиб "Ҳаммаси жойида" дегандек кўлини кўтариб қўйди.

Кечга бориб мужоҳидларнинг ҳаммаси дарёни кечиб ўтишиб, гулхан атрофига йиғилишди. Муҳаммад овчи уларни яқинроқдан кузатиш мумкин бўлган жойдан панароқ жой топиб келди. У ер ҳарҳолда ёмғир ва шамолдан сақланиш мумкин бўлган кичикроқ ғор эди. Афсуски, уларга олов ёқиш мумкин эмас ва бундай ҳолатга энди кўникишга тўғри келарди. Бунинг устига сув захиралари ҳам жуда оз қолганди.

– Тавба, олдинда шундай дарё оқиб турсаю, ичгани, ювингани сувинг бўлмаса, – деб қўйди Нормурод.

– Ҳа, сувни иложи борица кўпроқ олишимиз керак. Агар уларнинг ортидан йўлга тушадиган бўлсак ҳафталаб қавакларда ётишимизга тўғри келиши мумкин.

– Тоғларда булоқлар кўп бўлади дейишарди-ку!

– Ҳа тўғри, – деди шу маҳал ёшлар олдида пайдо бўлган Муҳаммад овчи. – Улар айрим ораликларда бўлади холос. Лекин бизлар асосан тепаликлар, чўккилар бўйлаб йўл юрамыз. Мужоҳидларни кўздан қочирмасликнинг қулай йўли шу... Кейин, худо хоҳласа, қорларга етиб оламыз. Ана унда қордан хоҳлаганча еяверасизлар. Анавиларнинг изини ҳам йўқотиб қўймаймиз.

– Кўчки бўлса-чи? – деди Гулбиби ниманидир эслаб.

– Нафасингни иссиқ қил, қизим. Унда ишимиз анча чигаллашади.

– Сиз ҳеч қор кўчкиси тагида қолганмисиз? – деб сўради Нормурод қизиксиниб дамланадиган қопчасининг қулфини томоғигача ғириллатиб тортиб қўяркан.

– Ҳа, бир марта, – деди овчи, – Яхшиямки кўзим бир узун таёққа тушиб қолди. Тепадан қор тушиб келаётганини кўриб қолдим. Аввал унинг шовқини келди. Улкан қоя ортига туриб олдим. Мен турган жойда қор тўрт метрча қалинликда босди. Ёғоч ёрдамида аввалига туйнук очишга уриниб кўриб, сўнгра уни ерга тираб юқорига тезлик билан кўтарила бошладим.

– Қандай ҳаво олдингиз?

– Қор таги сув таги эмас. Унда оз-моз ҳаво бўлади. Ёғочим икки метрча эди. Шу баландликкача бир илож қилиб чиқиб олгач, ёғочимни яна тепага қараб кўтардим, оппоқ туйнук очилди. Елкам билан қорни қотириб чиғаноғим билан оёқ қўйгани жой қилиб боравердим. Қарабсанки...

– Э қойил! – деб юборди Иброҳим, – Сизнинг бу тажрибангизни дунё ҳамжамияти ўртасида тарғиб қилиш керак экан. Қанчадан-қанча одамлар қор тагида нафаси қисилиб нобуд бўлишмоқда.

– Ҳа, ҳамма гап калтақда.

– Демак, бизларнинг бир қўлимизда чўкич, иккинчи қўлимизда узун калтак бўлиши керак экан-да.

– Ҳа тўғри. У ҳам, таёқ ҳам, бир-биримизга ёрдам беришга яхши восита бўлади.

– Қизиқ бу ҳақда мужоҳидлар билишмасмикан? – деди Нормурод улар томондан нигоҳини узмай.

– Бориб, ўргатиб кела қол.

– Йўқ, яхшиси ухлай қолай, – деди у эснаб, – Тушимда албатта ўргатаман.

– Мени бўлса, қўшиқ айтгим келаяпти, – деди Гулбиби.

– Бемалол, мужоҳидлар чакканга доллар қистиришади.

– Тантқиқланмай дамларингни олинглар. Мен қараб тураман, – деди овчи.

– Кейин мени уйғотарсиз, – деди Нормурод.

– Яхши, – деб қўйди овчи.

Иброҳим ҳам дамланувчи қоп ичига ўралиб олди. Лекин уйқуси келмай кўзини ланг очиб ўйланиб ётаверди.

– Ит эмган, ифлослар! – деб қўйди овчи беихтиёр мужоҳидлардан кўзини уза олмай.

– Разведка қилиб келайликмикан? – деди Иброҳим шивирлаб.

– Уйқунгиз келмаётган бўлса...

Иброҳим аста ўрнидан турди ва овчи иккиси тошларни оралаб мужоҳидлар томон паналаб тобора яқинлаша бошлашди. Ниҳоят шундай яқин келишдики, уларнинг ҳатто узук-юлуқ овозларини ҳам эшитиш мумкин эди. Овчи "Бас, бошқа юриш мумкинмас" деган ишора қилиб, бир тош устида ўтирган соқчини кўрсатди. Улар жами йигирма чоғли эди. Яна тўрт асир ҳам бор. Уларнинг қўллари боғлиқ ҳолда тошга суяниб бир четда ўтиришарди.

Бир оз ўтгач улар жойларига қайтиб келишди.

– Оббо, ифлослар-ей! Одам эмас улар. Ануви асирларни кўрдингми, совукдан музлаб қолай дейишибди.

– Афсуски уларни қутқара олмаймиз-да, – деди Иброҳим.

– Нега энди?

– Бизга уларни мутлақо маҳфий кузатиш топширилган. Агар қутқарсак бизларни сезиб қолишади.

– Ҳа тўғри, лекин бир илож қилиб қочириб юбориш мумкиндир... Кимлар экан-а, бу бечоралар, – деб хўрсиниб қўйди овчи.

* * *

Тоғлар қўйнида оппоқ тонг отди.

– Туринглар, улар намоз ўқишяпти. Биз ҳув ануви чўққига эртароқ етиб олайлик. Нонуштани ўша ерда қиламиз, – деди овчи.

– Сув-чи, сувдан олволайлик, – деди Гулбиби дарё томон ишора қилиб.

– Сувга бир киши бориб, ортимиздан етиб олади. Нормурод, буни сен эплайсан.

– Албатта, бўш идишларни беринглар.

– Юкингни менга бер.

Нормурод сув идишларини бир рюкзакка солиб, орқалагач, қуролини қўлга олди.

– Кетаверинглар. Ўша чўққида учрашамиз, – деди у.

Нормурод изга қайтиб дарё томон чаққонлик билан туша бошлади. У ўз навбатида мужоҳидлар томонга ҳам назар ташлаб қўярди. Шу пайт мужоҳидлардан

бирининг баланд бир қоя устига чиқиб радиотелефон аппаратини очиб гаплашаётганига кўзи тушиб қолди ва ўзини пана олди. Лекин дарё шовқинидан унинг нима деяётганини англаб бўлмасди.

Нормурод сувни олиб ўз тўдасига етиб келгани пайтда мужоҳидлар ҳам ўринларидан кўзғалишган ва йўлга отланишганди. Овчи уларнинг ҳаракатини дурбин орқали зимдан кузатар, қолганлар эса нон чайнашмоқда эди.

– Ие, вой ит эмганлар-ей, бошқа томонга бурилишди-ку! – деб юборди тўсатдан йўлбошловчи.

– Қаёққа? – деб сўради Иброҳим шоша-пиша.

– Ҳар ҳолда Жирғатолга эмас, Муксуга қараб юришди.

– Демак, Муксу томонда уларнинг шериклари борга ўхшайди.

– Ҳа, мен уларни аллақасер билан радиотелефон орқали гаплашаётганини кўрдим, – деди Нормурод.

– Демак, ҳаммаси равшан. Улар биз ўйлаганимиздек муз тоғлари томон кетишмоқда.

– Нимани таклиф қиласиз? – сўради Иброҳим.

– Бизлар ҳам пастликка тушиб изма-из бораверсак, яхшироқ бўлар. Акс ҳолда уларни кўздан қочириб қўйишимиз ҳеч гапмас.

– Бўлмаса, шундоқ қилайлик.

– Ортга қайтамиз...

– Нега?

– Эшакларимизни олволамиз. Мен олдинроқда уларни ва сизларни кузатиб бораман.

– Боринг бўлмаса.

– Сизлар бориб карвонимизни тикланглар-да, хув ануви қоя томонга қараб бораверинглар, – деди овчи мужоҳидлар яқинлашиб қолган улкан қояни кўрсатиб.

– Мен ўша қоя остида бўламан.

– Олға! – деди Иброҳим даст ўрнидан туриб.

Овчи ўзи айтган йўналиш бўйича тошлар оралаб тушиб кета бошлади. Қолганлар бўлса шоша-пиша юклар билан ортга қайтишди ва тез орада озод юрган эшакларининг олдига етиб келишди.

Иброҳимнинг лат еган елкаси чидаб бўлмас даражада оғрий бошлади. Лекин тишини-тишига қўйди. Нормурод ва Гулбиби югуриб-елиб эшакларни тутиб келиб Иброҳимнинг қўлига тутқазиб кетишар ва уларнинг устига юкларини чаққонлик билан жойлашмоқда эди. Ҳадемай йўлга ҳам чиқишди. Дарё ёқалаб бориб мужоҳидлар тунаб қолган гулхан ёнидан ўтиб боришди. Тўсатдан Гулбиби чинқариб юборди. Дарё қирғоғида сўйиб кетилган икки асирнинг жасади ётарди.

– Ана, кўриб қўй Иброҳим. Мужоҳидларнинг иши бу..., – деди Нормурод.

– Аблах, фашистлар! – деди Иброҳим қаҳр билан, – Булар қанақа мусулмон экан ўзи?... "Ё Аллоҳ!" деб алжирашадию бошқа мусулмонни ўлдириб, қўммай кетишаверади.

– Нима қилайлик, ўртоқ командир? – деб сўради Гулбиби жиддий.

– Тезда тошлар билан қўмиб кетайлик. Бўлинглар.

Улар аввало икки жасадни бир чуқурликка ташлашди ва Қуръондан калима келтириб, сўнгра тезлик билан қирғоқдаги ҳар хил тошлар билан қўмиб қўйишди.

Карвон айтилган қоя тагига етиб келганида овчи жиғи-бийрони ошиб пешвоз чиқиб келди.

– Намунча имилламасанглар! Уларни ахир йўқотиб қўямиз-ку! – деди ва эшакларни алам билан савалай кетди. Сўнгра хачирини миниб олдида, уни югуртириб кетди. Қолганлар ҳам шошилишди. Мужоҳидлардан қолган излар ҳам уларнинг кўзига ёвдек кўринар, гўё чаёнларни аёвсиз эзиб-эзғилаб, янчиб бораётгандек эдилар...

Шу зайл улар узоқ юришди. Йўл тобора баландликка томон кўтарилиб борар, қарши томондан келаётган шамол юришни қийинлаштирмоқда эди. Ниҳоят хачирли овчи ортига қайрилиб "Тўхтанглар!" дея ишора қилди. Демак, нафас ростлаб олинади, тамадди қилинади. Иброҳим ҳам ён тарафдаги қоя устига чиқиб дурбини билан рақибларни кузата бошлади ва "Дам олинглар" деган ишорани қилди. Узоқда тутун кўринди. Мужоҳидлар олов ёқишган кўринади. Овчи қайтиб келди.

– Бўлинглар тез. Егани ниманглар бор, ўзи? Олинглар.

Улар жимгина ўтириб консерва ейиша бошлашди.

– Асирлари кўринмайди, қаёқда қолди экан? – деб қолди овчи бир пайт.

– Сўйиб кетишибди, – деди Иброҳим бамайлихотир.

Овчининг қўлидан "жаранг" этиб қошиғи тушиб кетди.

– Нима, йўғе!...

– Ҳа, биз уларни кўмдик, – деди Гулбиби шошилиб.

Овчининг томоғи ғиппа бўғилди ва ўрнидан туриб кетди.

– Ҳе, онангни!..., – дея бўралаб сўкинди у, – Нега шуни дарров айтмадинглар?

– Нима ўзгарарди?

– Ҳарҳолда кеч қолганларингнинг сабабини тушунган бўлардим-да.

– Овқатингизни енг.

– Э..., – деди овчи қўл силтаб жаҳл билан – Агар қўйиб берсанглар, уларнинг ҳаммасини бир ўзим асфаласофилинга жўнатаман!

– Қўйинг, бўғилманг. Фойдаси йўқ. Ундан кўра айтинг, улар қаёққа кетишяпти, ўзи?

Овчи ўзини босиб олиб, жойига қайтиб ўтирди.

– Яна ўн чақиримча юрилса Муксу дарёси келади. У ёғи Бадахшон.

– Дарёдан яна сузиб ўтиладими?

– Йўқ бу дарёдан ўтиш жуда хавфли. Ундан сузиб ўтиб бўлмайди. Чунки у жуда баландликдан, ўша доимий музликлардан оқиб тушади.

– Мужоҳидлар қаёққа боришаркин?

– Биз уларни кузатамиз.

Овчи яна хачирига миниб, илдамлаб кетди. Энди тутун кўринмас, мужоҳидлар ҳам йўлга тушишганди. Қор учқунлай бошлади ва юрилган сари у қалинлашиб борар, каллакесарларнинг излари яққол кўзга ташланмоқда эди. Ҳадемай дарё сувининг шовқини эшитила бошлади. Овчи эшакларни бир четга қўйиб тепаликка чиқишга ундади. Тепалик янада совуқ бўлиб, изғирин юз-кўзларни очирмасди.

Ҳақиқатан ҳам мужоҳидлар Муксу дарёсининг соҳилида туриб шаркираб оқаётган сойнинг у қирғоғига қандай ўтишни маслаҳатлашишмоқда эди.

Шу пайт мужоҳидлардан бири радиотелефонни чиқарди ва гаплашишга уриниб кўра бошлади. Лекин сув шовқинида гаплаша олмади шекилли, тўсатдан "метеоэкспедиция" гуруҳи турган тепалик томон чопиб кела бошлади. Гуруҳ зудлик билан қоя тошлар орасига яширинди. Мужоҳид уларга йигирма метрлар

чамаси яқин келиб, пиғиллаб турган радиотелефон антеннасини очдида, пуштун тилида қичқира бошлади. Унинг жаҳли чиқаётгани тинмай бўралиб сўкинаётганидан шундоқ кўриниб турарди.

– Э падари ба лаънат, ту гужонда?! Мо охир мондем, тар шудем-ку!... Тарафи қибла-ба-а? Тарафи кўхи баландис?... Ҳай, – деди у тинчланиб ва пастликка томон тез тушиб кетди. У командасига "кетдик" деган ишора қилди. Қаллақесар қонхўрлар энди дарё оқиб келаётган тарафга, қирғоқдаги сўқмоқ бўйлаб кета бошлашди.

– Мо ҳам рафтем. Ба пеш! – деди овчи тожикчалаб.

– Рафтем бўлса, рафтемлаб кетаверамизда, – деди Нормурод ҳазиллашиб.

Гуруҳ тошларга қоқила-қоқила пастлик томон чопа бошлади. Демак, мужоҳидларни уларнинг шериклари кутишмоқда экан.

– Булар Жирғатолдан келишаётган кўринади. Наригилар бўлса ўша Боткендан келаётганлар бўлишса керак, – деди Муҳаммад овчи тахминий хулоса қилиб.

– Кўчкидан омон қолганларимикан? – сўради Гулбиби.

– Ҳа, шундоқ.

– Унда Хўжа Аҳмадилло ҳам улар билан бўлиши мумкин, – деди Нормурод.

– Албатта, ҳар нарса бўлиши мумкин, ўғлим.

– Ифлослар! Демак Сурхоб бўйидаги қарвонсарою кўтонларни шулар қирғинбарот қилибди-да, – деди Иброҳим.

Унинг асаблари таранглашаётгани терлаб кетган чаккасида ўйнаб турган томирларидан шундоққина сезилиб турарди.

– Яна аввалгидек мен олдинроқда кетаман. Сизлар қарвонимиз билан орқароқда юринглар.

– Қўлга тушиб қолсангиз-чи?

– Тожикчалаб "ов қилиб юрибман" дейман.

– Ҳа, сизга ишонишлари мумкин.

– Ишонишмай кўришсинчи, энағарларга кўрсатиб қўяман, – деди овчи чаққонлик билан ҳақирига ўтирди-да, қамчи босди.

– Яхши одам экан. Қаердан топдинг уни? – деди ҳазил қилиб Иброҳим эшакларнинг орқасига шапиллатиб ураркан.

– Ким билади, уни Гулбибидан сўра... – деди Нормурод қизариб кетган юзидаги терларни артаркан.

Улар ҳам дарё бўйлаб кета бошладилар, лекин сувнинг шовқинида гапларини сира эшитиб бўлмасди. Тинимсиз жавраётган Иброҳимнинг сўзларини эшитмасда-да икки севишган жанговар ҳамроҳлар кулиб "Ҳа-ҳа" дея маъқуллаб боришмоқда эди. Ҳаво шундай тоза эдики, уларнинг чуқур-чуқур нафас олгилари келар, баъзи жойларда тошлардан-тошларга урилаётган сув тўлқинлари сачраб дилларини янада яйратмоқда эди. "Қани энди тинчлик бўлсаю, шу ерларда ов қилсанг", – деган ўй кечарди Нормуроднинг хаёлидан. "Қани энди тинчлик бўлсаю, мана шундай сўлим жойларга ширин-ширин болаларингни эргаштириб томошага олиб келсанг. Болаларинг сувга тош отишса, қийқириб завқланишса..." деган ажиб ўйлар Гулбибининг хаёлини банд қилиб олганди. Қиз шундай ўйлар билан беихтиёр Нормуроднинг кўлтиғидан ушлади, елкасига бош қўйиб чаккасини ишқади. Бу лаҳза, албатта учинчи одам – Иброҳимнинг эътиборини тортмай қолмади. Хаёлидан "Қани энди тинчлик бўлсаю, шу ёшларнинг тўйини кўрсак. Қизиқ, мен-чи? Ким экан ўша менинг маҳбубам?" – деган ўйлар ўта бошлади.

* * *

Шу зайл улар узоқ юришди. Бир маҳал тўсатдан тоғ тепалиги томондан сочларига ҳарир рўмол танғиб олган, енглари узун қизил гулли кўйлак-лозим ва миллий камзул, оёғига футболчиларникига ўхшаш узун жун пайпоқ кийиб олган 15–16 ёшлар чамасидаги бир қиз дод солиб қичқириб тушиб кела бошлади. У ё ўзини тўхтатолмаганиданми, ёхуд атайлабми йиқилиб тушишдан ҳам қўрқмай, тўғри дарё томон тушиб келмоқда эди. Йўловчилар бир лаҳза қотиб қолишди.

– Уни биров қувиб келаяпти, шекилли! – деди Нормурод автоматини зудлик билан жанговар ҳолатга келтирди.

– Уни ушлаб қолмоқ керак, бўлмаса сувга оқиб кетади! – дея қичқирди Гулбиби.

Иброҳим ҳам шундай фикрда эди. У зудлик билан устидаги пўстинини ва бронжилетини еча бошлади. Ҳақиқатан ҳам қиз ўзини тўхтата олмади, чийиллаганича тик қояли қирғоқдан ўзини сувга отди.

– Нормурод, менга арқонни ташла! – дея қичқирди Иброҳим ва қизнинг ортидан ўзини яхдек совуқ сувга ташлади.

Нормурод ҳам тез қуролини итқитиб юбориб эшакнинг бўйнидаги бир ўрам арқонни олдида, чакқонлик билан уни оқиб кетаётганлар устига итқитди. Бўлмади. Ушлай олишмади. Бу пайтда иккинчи ўрамни олишга улгуриб қирғоқдаги сўқмоқ бўйлаб жон жаҳди билан чошиб кетаётган Гулбибининг ташлаган арқони Иброҳимнинг бўйнида чувалашади. Иброҳим ярадор қўли билан арқонни, иккинчи қўли билан эса қизнинг камзулидан тутиб қолишга муваффақ бўлди. Аёвсиз тўлқинлар аждарҳодек пишқирар, ҳар иккисини гўё ютиб юбормоқчидек эди. Гулбиби йиқилиб тушди ва арқон қўлидан чиқиб кетаёзди. Яхшиямки вақтида етиб келган Нормурод арқонни босиб қолди ва уни қўлга олди. Иккаласи бор кучлари билан сувдагиларни торта бошладилар. Тошқин совуқ сув билан олишув давом этди. Ниҳоят сувдагилар қирғоққа яқинлашиб қолишди. Энди Нормурод арқонни ушлаган ҳолда музлари осилиб ётган қирғоқ бўйига бориб уларни қўли билан тортиб чиқариб олишга уриниб кўрмоқчи бўлди. Афсуски, сувлар сачрашидан пайдо бўлган қирғоқдаги силлиқ музлик уни ағдариб солди ва у ҳам сувга тушиб кетаёзди. Ҳамма оғирлик Гулбибига қолди. "Қани энди овчи кела қолсайди" – деган ўй билан қиз ерга ётиб олдида, ортига қараб "Жардам берингдер! Ким бар!" – дея қичқира бошлади. Лекин овчидан дарак бўлавермади... Гулбиби ҳар эҳтимолга қарши арқоннинг қолганини жуссасига ўраб олди ва бағрини улкан тошлардан бирига бериб кўзларини юмиб чидаб тураверди. Нормурод бир илож қилиб қайтиб чиқиб олди ва энди соҳил бўйига тушмаган ҳолда бор кучлари билан сувдагиларни тортиб чиқара бошладилар. Иброҳим билан қизнинг шалаббо ҳолда чиқиб келганини кўрган Гулбиби кўнгли жойига тушиб орқаси билан ўзини қорга ташлади. Унинг нафаси тикилаёзди, юраги ҳаяжондан ҳапримокда эди... "Ушлаб қололмаганимда нима бўларди. Учаласи ҳам оқиб кетиб, музлаб қолишарди-ку!..."

Шу зайл қанча ётди, билмади. Кимдир унинг устига энгашди ва титраб турган лабларидан ширин бўса олди. Бу Нормурод эди...

Бу маҳалда Иброҳим совуқ ва ҳаяжондан шақ-шақ титраётган балоғат ёшига етиб қолган қизга алланималар деяра ва эшакдан юкларни тушириб унга ва ўзига қуруқ кийим қидирмоқда эди.

– Гулбиби, манави қизни кийинтир, бўлмаса ҳозир қотиб қолади! – дея қичқирди у Нормуроднинг бўса олиб тургани ва Гулбибининг қўллари ҳам беихтиёр унинг сочларини силаётганига кўзи тушиб қолди "Оббо, топган вақтларини қаранглар-у. Уйингга боргач, нима қилсанг қилавермайсанларми, тавба" – деб қўйди у ўзича, қизни пўстини билан ўраркан. Қизнинг ҳўл бўлиб кетган рўмолини олиб ташлаб сочиқ билан ўрамоқчи бўлди ва унинг ҳам кўркинчдан, ҳам ҳаяжондан жовдираб турган мовий кўзларига, қирра бурнига тикилди. Кўзлар кўзларга тушди ва ҳар иккисининг ҳам совуқдан дидирашлари ва юрак уришлари бир сония таққа тўхтаб қолгандек туюлди. Сўнгра эса "вертолётнинг парраги" яна айланиб кетди.

– Ҳа, сувпарисини ушлаб олдингми дейман-а? – деди Нормурод кулиб Гулбибининг қўллари билан маҳкам тутиб тураркан. Гулбиби ҳам ўзини босиб олган ва у жуда ҳам очилиб кетганди.

Гулбиби қизни бир четга олиб бориб, унга бир қатор куруқ уст-бошлардан кийинтира бошлади. Сочини сочиқ билан ўради. Нормурод эса, одеал билан тўсиб шундай сўқмоқ устида Иброҳимга ёрдамлаша бошлади. У тўла ечинди. Спортчи бўлгани учун бақувват билаги кўринди. Унинг елкаси зирқираб оғрир ва қонаб ҳам кетганди.

– Гулбиби, Иброҳимга тиббий ёрдам керак. Буни қара, – дея қичқирди Нормурод.

Қизларнинг кўзи ярадор бақувват жуссага тушди.

– Ҳозир, аптечкани топайлик.

Иброҳим эндигина ҳўл шими ва ички иштонини ечиб ҳам бўлган эдики, хачирини чоптириб, ҳовлиқиб Муҳаммад овчи келиб қолди. Бўлган ишлардан баҳабарлиги учун у ниҳоятда жаҳл отига минди. Бамайлихотир қипяланғоч бўлиб чўмилаётган ёшларни кўриб фиғони фалакка чиқди:

– Ҳе, одам бўлмай кетинглар! У ёқда одамлар қирилиб ўлиб ётибдику, шу топда чўмилишга бало борми?! Топган вақтларини...?!

Шу пайт унинг кўзи аллақачон пўстинга ўраб қўйилган қизга тушди.

– Ия, бу яна ким бўлди?

У хачирдан оҳиста тушиб Иброҳимнинг яланғоч елкасига "Узр" дегандек уриб қўйди.

Ҳаммаси тушунарли эди.

– Сен кимнинг қизисан? – деб сўради овчи қизнинг кулоқ-бўйинларидаги тақинчоқлари ва афт-башарасига тикилиб. – Ту духтари ки буди?

Қизнинг лаблари титраб бир нарсалар деб тушунарсиз тилда жавоб қайтарди ва тоғнинг ортига ишора қилиб номаълум тилда ҳаяжонланиб, тинмай бидирлаб жаврай кетди.

– У тоғдан чопиб келиб, ўзини тўхтата олмай дарёга тушиб кетди, – деди Гулбиби ҳам қизнинг тилини тушунмай ҳайрон бўлиб.

Овчи қизнинг совуқ қўллари билан тутди ва қўйнидан қўлқопини олиб меҳр билан кийғизиб, пўстинининг ёқаларини яхшироқ кўтариб қўйди.

– Ту натарс. Мо одами худди будем (кўркма, биз ўз одамнингмиз), – деди овчи тожикчалаб.

Қиз киприкларини пирпиратиб, жовдираб турган кўзларига ёш олди. Гулбиби уни бағрига олди.

– Бечора, бадахшон қизи экан, – деди овчи Гулбибига ва йигитларнинг олдида бориб деди: – Биз Лаъли Бадахшонда эканмиз, биродарлар!

Негадир Иброҳимнинг кўзлари порлаб кетди ва қувониб қичқирди!

– Э-хе-хей! Салом, Бадахшон!!!

Овози қояларда акс-садо бериб, сув тўлқинларига сингиб кетди. Лекин унга яна қандайдир гумбурлаган ва патирлаган автомат овозлари ҳам қўшилди.

Гуруҳ аъзолари шошилишча равишда қуролларга ёпишдилар. Нормурад Иброҳимнинг елкасини боғлаб ҳам улгурмади.

– Сўқмоқдан борсак бизни кўриб қолишади. Манави қиз келган тепаликдан бориб аҳволни билайлик, – деди овчи шошилишча.

– Қизим, сен инжанда бшин. Мо тез рафта биёем, ҳайми? Номи ту чи хели? – сўради овчи бадахшон қиздан.

Қиз жим тураверди. Тушунмади шекилли.

– Ном-ном, номинг нима? Меники Иброҳим, – деди аскар йигит тезлик билан гапга аралашиб ва қизнинг елкасига қўлини ташлаб мовий кўзларига бир бора ўткир нигоҳини қаратдида, тепалик сари чопиб кетди.

– Сарвигул! – дея қичқирди қиз тўсатдан.

Гуруҳ аъзолари бир сония таққа тўхташди.

– Сарвигул экан исми, – деди Нормурад.

– Сарвигул экан, – деди бир пайт Муҳаммад овчи ҳам ҳаяжон билан. – Менинг раҳматли қизимнинг исми Сарвиноз эди.

Овчининг кўзларидан тиркираб ёш оқиб кетди ва қайтиб келиб қизни маҳкам бағрига босди.

Қиз эса бир нарсалар деб йиғлаб, қаҳр билан жаврай кетди.

– Сабр кун духтарам. Мо албата қасос мгрём..., – дедида, яна бадахшон тилида бир нарсалар деб қизни юпатди. Сўнгра тепаликка томон елкаси оғриётгани учун қийналиб чиқаётган Иброҳимга етиб олиб, унинг қўлтиғидан ушлади.

– Раҳмат сенга, ўғлим.

– Нимага?

– Сарвигулни қутқазганинг учун. Унинг отасини ўлдиришибди. Энди у менинг қизим бўлади. Худо хоҳласа, бу ерлардан эсон-омон қайтсак, мен уни бокиб оламан, сўнгра сенга келинликка бераман. Сен менинг кўёвим бўласан-а. Хўш, келишдикми?

Иброҳим кутилмаган бу гапдан довдираб қолди ва нима деб жавоб қайтаришини билолмай каловланди.

– Унинг тилини умуман тушуниб бўлмас эканку!

– Ҳа, лекин гап тилда, миллатда эмас, гап меҳр-оқибатда. Меҳр бор жойда муҳаббат ҳам бўлади. Муҳаббат эса тил ҳам, миллат ҳам танламайди. Сезиб турибман, сенинг меҳринг унга тушиб қолди.

Улар кулишди ва беихтиёр орқадан келаётган қиз томон қараб қўйишди. Лекин Сарвигулнинг чакқонлик билан ортларидан тепалик сайин келаётганини кўришди.

– Ҳой қиз, қайт орқанга! Биз ҳозир келамиз! – қичқирди Иброҳим.

– Қўявер. Ёлғиз қўрқаётгандир-да... Унинг яқинларини ҳам ўлдиришибди. Бечора қочиб қутулибди.

Иброҳим ачиниб кетди ва қизга қандай ёрдам бериш ҳақида ўйлади.

Қиз бир қоя тошни ушлаганича жойида тўхтаб қолди ва барибир аста-секинлик билан тошлар ортига яшириниб изма-из чиқиб келаверди.

Қорли қоялар билан бурканган тоғ тепалигида улар узоқ юришди. Бетиним лайлаккор ёғар, ҳаво жуда ҳам мусаффо ва ёқимли эди. Дарё бурилиб ўтган жойда бир тошқўрғон кўринди. Ўша ерда дарёдан ўтадиган осма кўприк ҳам бор экан. Кўприк ёнида уч-тўрт қуролланган мужоҳидлар гаплашиб ўтиришар, ерда эса бир нечта жасад узала тушиб ётибди. Бир мужоҳид мурдаларнинг ёнларини титкилаб устидаги иссиқ кийимларини ечмоқда эди.

– Вой ифлослар-ей! – деб юборди овчи тўсатдан жаҳли чиқиб.

– Ётинглар! – дея буюрди Иброҳим.

Ҳаммалари тошлар ортига яширинишди. Овчи хавотир олиб ортига қараб қўйди. "Ишқилиб Сарвиғулнинг кўзи тушмасинда..." – деб қўйди ўзича.

– Ҳа, демак мужоҳидларнинг ҳаммаси шу кўрғонга тўпланишган кўринади, – деди Нормурод.

– Ўртоқ командир, рухсат беринг анавиларни ўзим отиб ташлай, – деди овчи Иброҳимни ҳурмат билан сизлаб.

– Йўқ, асло. Операциямиз барбод бўлади. Сабр қилишга тўғри келади.

– Бўлмаса сизлар шу ерда қолинглар. Мен пастроқ тушиб разведка қилиб келаман. Кетишга рухсат этинг, ўртоқ командир.

– Кетишга рухсат, лекин отишга йўқ. Эҳтиёт бўлинг. Худди тулкини овлаганингиздек писиб боринг.

– Есть, – деди русчалаб ва шипиллаб қоялар ортига ўтиб, ғойиб бўлди.

Орадан бир оз вақт ўтди. Мужоҳидлар энди яримьяланғоч мурдаларни шошқин дарёга бирин-кетин итқита бошлашди. Бу ҳолатни кўрган қизнинг кўзлари албатта косасидан чиқиб кетиши турган гап эди. Тўсатдан орқадан унинг чинқириғи эшитилди. Мужоҳидлар "ялт" этиб қараб, қуролларини қўлга олишди.

– Оббо, Сарвиғул бизни билдириб қўймасайди, – деди Иброҳим хавотир олиб.

– Мен бориб тинчлантириб келаман, – деди Гулбиби ва қайтиб бир қоятош ортида мунғайиб йиғлаб ўтирган бадахшон қизини қидириб кетди. Унинг қўлида снайпер милтиғи бўлиб ҳар эҳтимолга қарши қуролни тайёрлаб олганди.

Бу маҳалда Муҳаммад овчининг анчагина пастликка тушиб тошқўрғонга яқинлашиб қолгани кўриниб турарди. У ҳам бўлаётган ишларни ўз кўзи билан кўрди ва дилидан нималар кечгани фақат ўзига аён эди. У аранг ўзини босиб турар, ётган жойида қор аралаш тошларни муштлаб-муштлаб қўяр ва пешонасини ҳам алам билан ишқаб олмоқда эди. Қани энди унга буйруқ берилсаю барча мужоҳидларни ер тишлатса, оғзиларига тош тикса, қасос олса...

Гулбиби ҳўнграб йиғлаб ўтирган Сарвиғулни топиб борди ва милтиғини ёнига қўйиб уни ўз бағрига олмоқчи бўлди. Лекин қиз бир нималар деб алжираб, уни буйдалай ташлади. Гулбиби бўлса унинг аламини тушунар, лекин нималар деб шикоят қилаётганини англамаётганди.

Бу пайтда кўрғондан яна икки мужоҳид чиқиб келди. Уларнинг бирида радиотелефон бўлиб қаёққадир қўнғироқ қилишга уриниб кўрмоқда эди. Овчи ва бошқалар ҳушёрликни оширишди. Алоқа қилиб бўлавермади шекилли, шу маҳал улар овчи турган тепалик томон чиқиб кела бошлашди. Ҳозир улар афғон ёки тожик тилида аллақаяқ билан гаплашишади. Топшириқ олишади. Буларнинг ҳаммасини уларнинг тилини билгувчи Муҳаммад овчи эшитиб олади ва Иброҳимга етказди. Демак, иш кўнгилдагидек кетмоқда... Икки мужоҳид тепаликда пайдо

бўлишди ва алоқа тикланди шекилли гаплашиша бошлади. Овчи бир тош ортидан писиб турар ва уларнинг гапларини пойламоқда эди. Иккинчи мужоҳид бўлса теварак-атрофни кузатарди.

...Эҳ Сарвикул. Албатта, унинг ҳолатини тушунса бўлади. У бир нималар деб болаларча бижирлар, Гулбиби эса унинг оғзини ёпмоқда эди. Лекин эплай олмади. Абжир қиз унинг қўлидан чиқиб кетди. Бу ҳодиса жуда қисқа сонияда бўлиб ўтди. Сарвикул Гулбибининг милтиғини олдида, қочиб кетди ва радиотелефонда гаплашиб турган мужоҳидни ўзича отиб ташламоқчи бўлди.

Гулбиби Сарвикулга ташланди. Мужоҳидлар икки қизни сезиб қолишди ва уларга қарата аёвсиз ўт очдилар. Қўрғон деворидан, тоmidан ва ташқари томондан бир гала мужоҳидлар чопиб чиқиб пала-партиш ўқ ота бошлашди. Ҳатто, душманлардан бири танкка қарши ишлатиладиган стингер қуролини кўтариб чиқди. Бу жуда хавфли эди.

– Гулбиби, ётинглар! – дея шивирлаб буюрди Нормурод.

– Қоя тагидан кетинглар, – дея хитоб қилди Иброҳим.

Иброҳим Сарвикул яна қовун тушириб қўймасин ёки унга бирор дайди ўқ тегиб кетмасин деган хавотирда ўгирилиб, уни қидириб кўрди. Не кўз билан кўрсинки, у қоя тагида стингерга нишон бўлиб, букчайганча титраб-қақшаб ўтирарди. Иброҳимнинг юраги сездими ўзини қиз томон отди ва унинг қўлидан ушлаб, тортиб юборди. Лекин бу пайтда ўқ отилиб, шиддат билан қояга келиб тегди. Тоғ гумбурлаб ларзага келди. Бир лаҳза ичида гўё дунё остин-устин бўлиб кетди ва унинг ўрнини машъум сокинлик эгаллади...

Иброҳимнинг устига улкан бир тош келиб тушгани учун у ерга қапишганча унсиз ётар, Гулбиби ва Нормуроднинг ҳам бошларига тош парчалари теккан, уларнинг ҳар иккиси ҳам беҳуш эдилар. Иткитиб юборилган Сарвикул пастликка думалаб кетган ва уни тепада қандай манзара кутаётганидан ҳали беҳабар эди.

Мужоҳидлар энди шошилиш равишда кўрғонни тарк эта бошлашди. Бир гуруҳ автоматчилар тепаликлардан кўз-қулоқ бўлиб туришарди. Жангарилар бирма-бир чопиб осма кўприкдан ўтиб олишарди-да, нариги қирғоққа ўтиб хавотирсиз жойга яширинишмоқда эди. Писиб ётган Муҳаммад овчи ҳам, титраб-қақшаб қоялар ортига яшириниб турган Сарвикул ҳам уларнинг бу ҳаракатларини иложсиз кузатиб турарди. Ниҳоят қуролли кўрикчилар ўз жойларини тарк этиб бирма-бир кўприк томон чопишди ва эсон-омон ўтиб олишди. Уларнинг мақсади изни йўқотиш ва тезроқ бу ердан жўнаб қолиш эди.

* * *

Даҳшатли манзарани кўрган Сарвикулнинг эси оғаёзди. Бир кунда шунча воқеа, фожеа, яқинларининг ўлдирилиши, қонхўрлар қўлидан қочиш, сувда оқиб кетиш, лекин унинг қутқариб қолиниши ва ниҳоят меҳрибон одамларга дуч келиши, бироқ уларнинг ҳам қонга беланиши...

Қизнинг мурғак қалбига оғирлик қилаётгани, айниқса уни икки бор ўлимдан қутқариб қолган йигитнинг тош остида жонсиз ётиши бечорани бутунлай эсанкиратиб қўйди. Қиз оғир изтироб ичида қовурилиб, Иброҳимнинг тепасига келди. Бўйнидаги томирини оҳиста ушлаб кўрди ва юраги ҳаприқиб кетди. "Тирик экан, тирик!" – дея йигитнинг устидаги тошларни турли томонга итқита бошлади. Тошлардан бири Гулбибининг тиззасига тегди ва у чўчиб ўзига келди. Навбат йигитнинг орқасидаги улкан тошга келганди. Қиз кучи борича уни кўтариб олиб

ташлашга ҳаракат қилар, лекин эплай олмаётганди. Гулбиби ёрдамга шошилди. Биргаликда йигитни тортиб олишди. Бронжилет бўлгани учунми Иброҳимнинг кўкрак, қорин қисмлари лат емаган, балки умуртқаси шикаст еган бўлиб, оёқлари ишламаётганди. Нормуроднинг бўлса пешонасига тош теккани учун ҳамон ўзига келолмаётганди.

"Ярадорларни тошқўрғонга олиб борсакмикан" деган ўй ўтди Гулбибининг кўнглидан, лекин бу фикридан дарҳол қайтди. "У ерда яна мужоҳидлардан қолган бўлса-чи?". Ҳеч зоғ кўринмаётган қўрғон қандайдир шубҳали ва сирли кўринарди. Бундан ташқари, унинг ичкарасида ҳар хил ўликлар бўлиши мумкин. Улар эса Сарвиғулнинг яқинлари. Дод-фарёд чекавериб ўз-ўзини яна бирор нима қилиб қўймасмикан? Мана шулар ҳақида ҳам ўйлаган Гулбиби Сарвиғулга имо-ишора қилиб "У ёққа бормайлик, хавфли, бу ердан тезроқ кетайлик" – деб тушунтирди. Қиз уни тушунгандек бўлди ва баланд тоғ томонни кўрсатиб у ёқда бир хужра борлигини айтди. Демак, ҳозирча ўша ерда кўноқ топишади. Марказ билан боғланишади. У ёғи бир гап бўлар... Энг муҳими, зудлик билан доктор керак. Марказдан вертолёт кела олармикан? Келса хавфсиз бўлармикан? Мужоҳидлар хужум қилиб, уни эгаллаб олиб учувчини гаровга олишса-чи? Йўқ, бу жиддий масалага ўхшайди.

Боши лўқиллаб, кўз олди қоронғилашиб турган Нормурод ҳам ҳеч нима дея олмади. У индамай бошини чангаллаб ўтирар, кантузия бўлиб қолгандек кўринарди. Гулбиби тезлик билан радиотелефонни кидира бошлади. Лекин у Иброҳимнинг ён чўнтагида бўлиб, тош мажақлаб ташлаган экан. Қиз бу ҳақда Нормуродга шипшиди. Нормуроднинг оғриқ боши янада қотди. Демак, энди марказдан умид йўқ. Вазият тақозоси билан иш тутмоқ, тезроқ Иброҳимни даволаш чорасини кўриб, қолаверса, уни Сарвиғул билан қолдириб, ўзлари мужоҳидлар изидан операцияни давом этмоқлари керак. Ким билади, эҳтимол бу яқин орада уларнинг ҳарбий базалари бордир. Навбатдаги юришларга тайёргарлик кўриляётгандир. Ахир халқ посбонлари беш мингга яқин мужоҳидлар лагери борлигини айтишди-ку! Демак, уларнинг қаерлардадир лагерлари ҳам бор. Ана шу лагерлар, базалар ва уларни боғловчи сўқмоқларни аниқламоқ керак эди.

* * *

Тоғларда қуёш тез қайтади, гўё окшом тезроқ чўқади. Чунки қаршингдаги улкан тоғ қуёшни тўсиб олади ва то уни айланиб ўтгунича уфқлар бир қизариб оладию тун бошланади.

Нормурод Иброҳимни опичлаб олди. У ўзига келмагани учун Гулбиби аркон билан Нормуроднинг орқасига боғлаб қўйди. Қизлар эшакларни етаклаб, кўриниб турган улкан тоғ ёнбағридаги тепалик сари жуда қийинчилик билан, оҳиста кетиб борардилар. Муҳаммад овчи ҳам оҳиста салмоқланиб келарди. У ҳар ойнинг бир куни бу ерда бозор бўлиб турадиган тошқўрғон карвонсарой ичига кирган, у ердаги аянчли аҳволдан воқиф бўлган ва ёшларга бу ҳақда айтмай ич-ичидан зил кетиб бормоқда эди.

* * *

Муҳаммад овчи шерикларининг тошқўрғон ичига киришларини лозим топмади. Аксинча, уларнинг ичкаридаги даҳшатга кўзлари тушмаслигини истади. Бу ер карвонсарой эди. Бундай карвонсаройларни қадимги аجدодлар тоғ

ёнбағирларидаги йўловчилар сўқмоқларида қуриб кетишганди. Карвонсаройлар қўниб ўтиш, тунаб қолиш ва ойнанинг қайси бир кунларида бозорлар ташкил қилиш учун неча асрлардан буён хизмат қиларди. Яқин атрофдан савдогарлар оқиб келишади ва ўз молларини айирбош қилишади. Бугун ҳам ана шундай кунларнинг бири эди. Лекин бозор қирғинбарот қилинди. Мужоҳидлар ҳеч кимни аяб ўтиришмади. Улар орасида узоқ Гармчашма қишлоғидан келган Сарвигулнинг отаси ва мол олиб келган ҳамқишлоқлари ҳам бор эди. Сарвигул бўлса ҳар хил тақинчоқлар, пайпоқ, қўлқоп ва турли тўқилган кийимлар олиб келганди. Мужоҳидлар тўсатдан ҳужум қилишди. Сарвигул аранг қочиб қутулган ягона қиз бўлди.

...Ниҳоят узоқдан бир тош кулба кўринди. Ҳеч ким йўқ экан. Уйча олдида бир булоқ бўлиб, булоқ атрофида улкан бақатераклар бўй чўзганди. Бу ер овчиларнинг қароргоҳи бўлса керак. Уй ичида вақтинча яшаш учун деярли ҳамма нарсаси бор эди. Кўрпа-тўшак ўрнига пўстаклар мўл экан. Девоқларда арҳар эчкиларнинг шоҳлари ва ҳар хил доривор гиёҳлар, қурилган гўшт, ёғлар осийлиқ. Ўтириш учун тўшалган пўстаклар қора, қалин жунли аллақандай нотаниш ҳайвонники эди. Кейинчалик маълум бўлди, албатта, қўтосларники экан.

Уйчанинг ўртасида ўчоққа ўхшаш ўт ёқиш жойи бўлиб, томнинг тепасида тутун туйнуғи ҳам бор эди. Сарвигул югуриб-елиб ўчоқ атрофига пўстаклардан жой тўшади. Пўстакларни ўраб ёстиқчалар тайёрлади ва Иброҳимни авайлаб ётқизишди. Сўнгра Сарвигул Гулбибини етаклаб бадахшон тилида бир нималар деб бидирлаб идишлар, емишлар, сув ва ўтинни кўрсатиб қўйди. Нормуроддан пичоқни олдида қурилган гўшлардан бирини моҳирлик билан сомонча қилиб тўғради ва яна кубик шаклида кесди. Бир сиқимча олиб оғзига қаплади. Уни тушунишди. Демак, овқатланиш керак. Аввал олов ёқиб исиниш, сув қайнатиш, иссийқ овқат ҳам тайёрлаш мумкин. Хуллас, қизлар елиб-югуриб ҳамма ишларни бажаришди. Сўнгра эса тоғ қизи бир нималар деб бидирлаб қуруқ гўшдан бир халтачага солиб олди-да, қаёққадир отланди.

– Ҳой, ту гужо мери?! – деб сўради овчи Сарвигулдан, – Қоронғуда бир ўзинг?...

Қиз бир нималар деб Иброҳимни кўрсатди ва "Қайтаман" деган ишора қилди.

– Демак, у доктор чақиргани кетди. Эссиз, ҳамма ишимиз режадагидек кетаётганди. Бунақа бўлиши кимнинг ҳам хаёлига келибди, – деди овчи афсус чекиб ва бир нима хаёлига лоп этиб келиб қолди шекилли: – Мен ҳам у билан бирга борақолай. Ҳой, духтарам, ист! – дея қичқириб чиқиб кетди.

Гулбиби туни билан оловни ўчирмай ўтириб чикди. Нормурод ўй суриб ётганди: "Иброҳим ҳамон ўзига келолмади. Ёмон бўлди. Ёрдам кўрсатмаса у ногирон бўлиб қолиши мумкин. Уни тезроқ госпиталга олиб кетмоқ керак. Лекин энди операция нима бўлади? Наҳотки ҳаммаси тамом! Эссиз, шунча оворагарчилик. Бизга энди ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди. Омон қолганимизга шукур. Лекин ҳалиям кечмас. Иброҳимни Сарвигул билан қолдирамиз. Мужоҳидларни изи ҳали ўчмаган". Шундай қарорга келган Нормурод ўрнидан туриб кетди ва букчайиб ўтириб мудраётган Гулбибига деди:

– Гулбиби, сен бемалол ухлайвер. Энди мен навбатчилик қиламан.

– Вой, тузук бўп қолдингизми? Бошингиз оғримаяптими?

– Чидаса бўлади. Доктор келиши биланок ўзимиз йўлга отланамиз. Шунинг учун дамингни олвол.

– Хўп.

Қиз бошини ёстиққа қўйиб, уйқуга кетди. Нормурод тайёрлаб қўйилган ўтинлардан оловга ташлаб, уни янада гуриллатиб юборди.

– Ҳа, шундай қилганимиз маъқул. Марказ билан алоқа бўлмаса бошқа нима ҳам қила олардик, – деди Нормурод ўзича ғудраниб оловга тикилиб ўтирарди. У Сурхоб дарёси бўйида бошқа нарсалар билан ташлаб келинган иккинчи радиотелефонни эслади. "Эссиз, олволсам бўларкан. Оғирлиги ҳам йўқ эдику..." – деди хаёлан афсусланиб.

* * *

Оппоқ оқариб тонг отди. Қор тинган. Тоғ ҳавоси шундай ёқимли эдики, одамнинг дилини яйратиб юборарди. Дарахтларда қушлар чуғурлай бошлашди. Нормурод ташқарига чиқиб табиат гўзаллигидан лол қолди. Гулбиби ҳам уйғонди ва Нормуроднинг жойи бўшлигини кўриб, шошиб ташқарига отилди. Севгилиси қушларга маҳлиё бўлиб турганини кўриб қувониб кетди, оҳиста яқинлашиб, орқасидан кучоқлади. Нормурод унинг қўлларини силади.

– Зўр жойлар экан-а?

– Ҳа...

– Кейин яна бу ерларга келамизми?

– Албатта келамиз.

– Ким билан?

– Болаларимиз билан.

– Рост биланми?

– Рост...

Қизнинг лаблари йигитнинг лабларига оҳиста яқинлашиб бора бошлади. Қандай тотли эди бу лаҳзалар... Лекин шу пайт тўсатдан пайдо бўлган аллақандай товушлар муҳаббат бўйсанининг капалагини учуриб юборди. Икки ёшнинг беғубор юраклари каби дарахтдаги сайроқи қушлар ҳам бир оз безовталаниб қўйишди.

Кўп ўтмай тошлар орасидан эғнига қора юнгли пўстаксимон уст-бош кийиб олган, кенг елкаларига ўқ-ёй ва ов милтиғи кўтариб олган баланд бўйли, кирра бурун, қора соқолли, мовий кўзлари уккиникидай чакнаб турган уч киши Сарвигул билан шошиб келиб қолишди. Уларнинг узоқ ва оғир йўл босганликлари оёқларидаги юнгли қўлбола пойабзалларнинг титилиб кетганлигидан кўриниб турарди. Улар терлаб-пишиб кетган ва тинмай ҳансирардилар. Қиз эса тамоман беҳол бўлиб, келибоқ ҳужранинг олдидаги тошга ўтириб қолди. Гулбиби дарров унинг остига пўстак солиб берди. Кишилар юзларини булоқ сувида чайиб олишди-да, ҳужра ичига бош суқишди. Сарвигул ўз тилида хавотирлик билан уларга бир нималарни тушунтирди. Улар ҳам қизга ярадорни нимадир қилиш тўғрисида уқтиришди. Нормурод мужоҳидлар лагерида пуштун, тожик ва покистонликлар билан бўлганлиги учун ҳар ҳолда бу тилларни тушуна оларди. Лекин бадахшон тили бутунлай бошқача бўлиб, фақат унга баъзи таниш сўзларнинг аралашиб қолгани учунгина гап нима ҳақида бораётганини илғаб олмоқда эди. Овчининг оёғи оғриб қолганмиш. Келолмай ўша ёқда қолганмиш. "Иброҳимни ўзларинг олиб келаверинглар", деганмиш.

– Беродар? – дея мурожаат қилди бадахшонликлардан бири.

– Ҳа лаббай?! – деди Нормурод жавобан қўл узатиб.

– Табошар, – деди у ҳам ва шерикларини бир-бир таништирди. – Мазхабшо, Додоёр.

– Мен Нормурод, Иброҳим, – деди, Нормурод беморни кўрсатиб.

– Беродар!...

– Ҳа-ҳа, биродар.

– Ту биродар боше брафтем? – деди Табошар исмли киши.

Улар хужрадан тез чиқиб тошқўғонли карвонсарой томон шошиб кета бошлашди.

Сарвигул Нормуродга "Улар билан боринг" дегандек ишора қилди. Нормурод ҳам автоматини қўлига олди-да уларнинг ортидан чопиб кетди. Улар пастлик томон шундай тез чопишдики, кўп ўтмай кечаги тепаликда пайдо бўлишди. Мазхабшо дегани дарҳол бир тошни олдида қўрғон томон итқитиб, ўзи яшириниб олди. Улар аввало ичкарида ким борлигини текшириб олмоқчи бўлишди. Додоёр дегани бўлса, милтигини тайёрлаб, шай турди. Ҳеч қандай садо чиқмагач, Мазхабшо ҳайрон қоларли даражада худди кийикдек қоядан-қояга сакраб, кўз юмиб-очгунча қўрғон олдида пайдо бўлди. У бир сапчиб тош девор устидан ошиб ўтди. Нормурод ва Табошар ҳам ҳар эҳтимолга қарши куролларини шай қилиб олдилар. Табошар автоматни илк бор кўриши шекилли, унга ҳайрон бўлиб кўзини ташлаб қўймоқда эди.

Орадан бир оз ўтгач, Мазхабшо дарвозадан чиқиб келиб пастга бемалол тушаверишлари мумкинлиги ҳақида ишора қилди. Пастга туша бошлашди. Мазхабшо бошини чангаллаб дод солиб, бир нималар деб қайғуриб, икки шеригини қўрғон ичига олиб кириб кетди. Қўрғон ичидан уларнинг нолаю афғонлари эшитилди. Албатта, уларнинг яқинларини ўлдириб кетишгани аниқ бўлиб, Сарвигул ва Муҳаммад овчининг берган хабарлари тўлиқ исботланган эди. Нормурод ҳам уларга ҳамдардлик билдирмоқ учун қўрғон томон яқинлашди.

Мужоҳидлар савдо-сотик мақсадида турли тарафдан келган ёшу қари, хотину болаларни аямай ўлдириб кетишганди. Нормурод бориб бир-бир уларни елкаларига қўлини қўйиб ҳамдардлик билдириб чиқди ва уларни ташқарида ўз шериклари отиб ташлаган бир ўлик мужоҳид олдида кутди. Ичкаридагилар қайғуни бас қилишиб ҳамма жасадларни бир жойга қатор қилиб йиға бошлашди. Бу пайтда Нормурод турли пала-партиш излар қолган, лекин бир оз юрилгач, уларнинг қайси томонга кетганликлари аниқ-равшан кўриниб турган қорли сўқмоқлардаги излар бўйлаб бир чақиримча йўл босди. Излар сирли равишда узоқ-узоқларга кетганди. Нормурод энди ортига қайтди. Унинг калласида бир фикр "ярқ" этди: "Бадахшонликларни қасоскор халқ дейишади. Бизга ёрдам беришармикан?...".

Шундай ўйлар билан Нормурод карвонсарой томонга чопди. У энди ҳеч иккиланмай ўз фикрини баён қилмоқчи бўлди. Тожикчалаб уннаб кўрди. Йигит ичкарига кириб борди-да Табошарни чақирди.

– Ақои Табошар, инжа биед.

Табошар уни тушунди ва ёшли кўзларини артиб унинг ёнига келди.

– Рафтем, – деди.

– Рафтем, – деди Нормурод Табошарни қўлидан ушлаб тортиб. Улар ташқарига чиқишиб ўлик мужоҳид олдида келишди.

– Душмани мо инҳо будаст, – деди Нормурод ва Табошарни кўприкдан олиб ўтиб ҳалиги бориб кўриб келган мужоҳидларнинг изини кўрсатди.

Табошар ҳаммасини тушунгандек бўлди. У чўнкайиб ўтириб бир оз ўйланиб турди-да шашт билан ён тарафда турган тик қоя устига ҳеч қандай арқонсиз ва алпинистик восита ёрдамисиз чакқонлик билан чиқиб кета бошлади. Кўп ўтмай у қоянинг чўққисида пайдо бўлди. У изларнинг қаёққа қараб кетишини тахминан чамаламоқда эди. Табошар чакқонлик билан яна қайтиб тушди ва туша солиб кўрғон томон чопиб кетди. Ҳаммаси равшан: энди "Метеоэкспедиция" ёлғиз эмас, уни қўллайдиганлар бор эди.

Табошар тезлик билан шерикларини чақирди ва уларга ўлиб ётган мужоҳидни важоҳат билан кўрсатиб, бу малъунлардан ўч олиш кераклиги ҳақида ўз тилида бидирлаб тушунтира кетди. Вақт жуда ҳам зиқ эканлиги учун улар биродарларининг жасадини нима қилишини ўйлаб баҳслаша бошладилар ва бор нарсалар билан марҳумларнинг устиларини ёпиб чиқдилар. Бу вақтинчалик чора экани, бу ерга яна қайтиб келишларининг белгиси эди. Дарвозани маҳкамлагач, яна тепалик сари – тош ҳужра томон чопиб кетишди.

XIII боб. БУЛУТЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА

Одатда радиотелефон аппаратига бирор шикаст етгани тақдирда марказга "Тревога" сигнали етиб борар ва компьютер экранидаги махсус географик кенгликлар харитасида ўша аппарат турган жойни қизил сигнал билан кўрсатиб берарди. Фақат Иброҳимгагина маълум бўлган бошқа бир аппарат ҳам бор эдики, у экранда яшил рангда бўлиб сунъий йўлдош орқали "разведкачи"нинг қаерда жойлашганидан хабардор қилиб турар ва бу сигналлар доимо назоратда эди.

– Ўртоқ бошлиқ, баёнот беришга рухсат этинг! – деди навбатчи.

– Рухсат, нима гап?

– "Метеоэкспедиция"дан қизил сигнал келаяпти. Ўзлари эса доимий музликлар томон юқорилаб боришмоқда.

– Харитада кўрсатиб беринг.

– Қизил сигнал Муксу дарёсининг мана бу еридан берилмоқда.

– Қизиқ, демак бу ерда бир гап борга ўхшайди. Сунъий йўлдош орқали боғланишга ҳаракат қилиб кўринг.

– Хўп бўлади.

Бошлиқ қизил тугмани босди.

– Эшитаман, ўртоқ бошлиқ! – деган овоз келди.

– 1-рақамли жанговар тревога! Вертолёт билан махсус отрядингизни олинг-да, "Метеоэкспедиция" изидан бориб келинглار. Вазият тўғрисида хабар бериб туринг.

– Бажарамиз, ўртоқ бошлиқ.

* * *

Сўхдан кўтарилган вертолёт тошкўрғон карвонсаройи яқинига қўнганида қоронғулик тушиб қолганди. Ниқобли махсус отряд эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиб кўрғон атрофини ўраб олишди ва бу ерда мужоҳидлар билан жанг бўлганидан воқиф бўлишди. Кўрғон ичига ҳам оҳиста кириб боришди. Бирорта ҳам тирик жон йўқ эди. Қариялар, болалар, аёллар ва пўстак камзул кийган тоғ одамлари ўлдирилган, савдо учун олиб келинган ҳар хил тижорат моллари сочилиб ётарди. Уларнинг деярли ҳаммаси тез-тез видеотасвирга олина бошланди.

Отряд командирининг радиотелефонидан овоз келди.

- Вазиятни тушунтиринг.
- Оғир. Ҳаммаёқ ўлик ағдар-тўнтар!
- Бизникиларни қидиринг. Иброҳимдан ташқари яна уч киши бўлиши керак.

Тириклик аломати борларни олиб келинглار.

- Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ!
- Марказ бизникиларни топа олмадик.
- Аппаратимизни-чи, аппаратни?!
- Аппаратни топдик, тош билан пачоқланган.
- Ҳаммаси равшан. Демак бизникиларни асир олишибди. Зудлик билан

қайтинглар!

Аммо бошлиқнинг бошини гаранг қиладиган бир сир пайдо бўлди. Бу компьютер Иброҳимнинг "ИК" ("Иброҳим – Карим") белгиси билан номланган, яъни разведкачи Иброҳим Асқаровга шахсан тегишли бўлган нуқтанинг ер юзининг энг баланд жойларидан бирида пайдо бўлиб қолгани эди.

– Тавба, ҳеч ақлга сиғмайди, – деди бошлиқ компьютерчи хизматчига. – Ё сенинг компьютеринг нотўғри ишляпти, ёки менинг эсим оға бошлади.

– Компьютерим тўғри ишляпти, ўртоқ бошлиқ.

Бошлиқ тўсатдан кулиб юборди.

– Қани, кўрамиз ҳали. Сенинг машинанг шундай ишлаб турса, ҳадемай Иброҳим Ҳиндистонда бўлади ёки Ҳиндукушга учиб боради. Демак уни бургут кўтариб кетаётган бўлади, шунақами?

– ...?!

– Машинангни у ёқ-бу ёғини кўриб ол ёки бўлмаса, оёғини осмондан қилиб ағдариб қўй.

– Нега энди, ўртоқ бошлиқ?

– Ахир, мундоқ ўзинг ўйлаб, масофасини ҳисоблаб кўр. У ер текис асфальт йўл эмас. Яна 5000 метр баландликда-я?! Булутлардан юқорида, музликлар ичида "ИК" нима қилади?...

– Билмадим, лекин машинам тўғри ишляпти, ўртоқ бошлиқ, – деди ходим яна жиддий.

– Йўқ, унда мен чарчадим шекилли, – деди бошлиқ ва хонани тарк эта бошлади. Лекин йўлида таққа тўхтаб компьютерчига қарата ўшқирди: – Ҳой йигит! Эртага эрталаб ҳам мободо ўша "ИК" белгиси бошқа давлатда учиб юрадиган бўлса мендан кўрадиганингни кўрасан! Бу ҳазил эмас. Бугун эрталабгача навбатчилик қиласан, тушунарлими?!

Йигит ирғиб ўрнидан туриб, честь берди:

– Ҳаммаси тушунарли, ўртоқ бошлиқ!

Лекин бошлиқнинг хаёлини "ИК" жумбоғи ҳеч тарк этмади. Уйига келиб қандай овқатланди, қандай ётди, билмади. Ниҳоят у компьютерчига қўнғироқ қилди:

– Алло, "ИК" ҳозир қаерда?

– Жойида турибди, ўртоқ бошлиқ.

– Тушунарли. Майли, давом этинг.

Бошлиқ энди масъул навбатчига қўнғироқ қилди:

– Зудлик билан "ИК" белгиси турган жойнинг космик сурати, географик рельефи, умуман ўша жой ҳақида тўлиқ маълумот тўплансин! Эрталаб столимнинг

устиди бўлсин! – дея буюрди у ва ҳайрон тикилиб турган хотинига қараб кулиб қўйди. – Ана энди сал тинчроқ ухлаш мумкин.

– Қайси жойни сўраяпсиз?

– Помирни.

– Помирда асосан бадахшон халқлари қабила-қабила бўлиб яшашади, – деди хотини эснаб бамайлихотир.

– Нима, қабила-қабила, дейсанми?

– Ҳа, менга бунини бир дугонани айтиб берганди. Ташқи дунёдан бутунлай узилиб қолган, ибтидоий ҳолатда яшайдиганлари ҳам бормиш. Улар жуда жангари, қасоскор бўлишармиш. Бўлди, энди ухлайлик.

Лекин эри даст ўрнидан туриб ўтириб олди:

– Қаерда, ўша, ҳалиги?...

– Қопчиғингизми?

– Йўқ, дугонанг?...

– Билмайман, – деди хотини негандир араз қилиб тескари қараб ётиб олди.

Бошлиқ ўй суриб ўйига ета олмаётганди: "Қизиқ, помирликлар билан мужоҳидлар ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин? Ёки мужоҳидларнинг янги базаси ўша ерда ташкил бўлмоқдами? Ҳеч нарсага тушуниб бўлмаяпти. Шу нарса равшанки, бизникилар Афғонистон томонга эмас, Тожикистоннинг баланд музлик тоғликлари томон мужоҳидлар билан бирга кетишмоқда. Лекин алоқанинг узилгани ёмон бўлди. У ёқларга вертолёт ҳам боролмайди. Совуқ, кислород етишмайди, жуда хавфли жойлар. Наилон, кутишга тўғри келади. Бирор хабар келиб қолар. Лекин тоғли бадахшонликларни чуқурроқ ўрганишимизга тўғри келади, шекилли. Улар бизга дўстми ёки душманми?... Эртага бу соҳага оид мутахассисларни жамлаб, олинган маълумотларни таҳлил қилиб чиқишга тўғри келади. Ишқилиб Бин Лодин шу томонларда бирор нарсани режалаштирмаётганмикан?... Нима бўлса ҳам муқаддас Амударёмиз ўша ердан бошланади".

* * *

Нормурод билан уч бадахшон йигит кириб келишганида Гулбиби билан Сарвигул Иброҳимнинг орқа томони, олди ва икки қўлтиғига тахтакачларни маҳкамлаб боғлаб беморнинг оёқларини қимирламайдиган ҳолатга келтиришганди. Баданига ёғоч қаттиқ ботмаслиги учун остидан ва устидан пўстак қоплама қилишди. Гулбибининг тушунишича, уни шундай докторга олиб кетишади. Лекин доктор қаерда, уни билишмайди. Табошар икки шеригига ва Сарвигулга бир нималарни тез-тез тушунтирди-да, ўзи кўриниб турган улкан қорли тоғ томон чопиб кетди. Икки йигит беморни олиб кетиш учун тезлик билан замбил ясашга киришишди. Ҳайвон териларидан бири танлаб олиниб, уни икки ёғочга қалин тери ип билан боғлаб чиқишди. Сарвигул Гулбиби ва Нормуродларни ҳам сафарга шошилтирди.

Эшакларнинг буёғига юра олмаслиги кўриниб турарди. Шу туфайли юкларни хужрага олиб кириб фақат энг кераклиларинигина ажратиб олишди. Арқонлар айниқса керак бўларди. Бир оз озуқа, спорт қопчалари, ўқ-дорилар ва тиббий доридармонлар ҳам олиниб, рюкзакларга жойланди. Уларда икки автомат, бир дона снайпер милтиқ ва тўрт дона граната бор эди. Сарвигул арқонларни ва милтиқни олволди. Икки бадахшон йигит олдинма-кетин бўлиб замбил ушлагичларини бир-

бирига яқинлаштирган ҳолда Иброҳимни елкаларига кўтариб олишди. Бўш елкаларида эса ов қуроллари, белда пичоқ ва болғага ўхшаш кесгир асбоб. Уларни узоқроқдан кўрган одам "Ибтидоий овчилар ўз ўлжасини кўтариб кетишмоқда" деб ўйлашлари табиий эди.

"Ўлжа кўтарганлар" анчагина илгарилаб кетишди. Нормуродлар ҳам улардан ортда қолмаслик учун тошларга туртила-суртила тез-тез бир баландлик, бир пастлик бўлган қор ва муз аралаш қиррали тош сўқмоқлар бўйлаб баландлаб боришар ва уларнинг назарида булутлар тобора пастлашиб қалинлашаётгандек эди. Йўлда гоҳида архар, кийик, кўтосларга дуч келишар, улар нотаниш йўловчиларни кўриб хуркиб қочишарди. Осмонда сокин парвоз қилаётган ёки чўққиларга чўнқайиб ўтириб олган бургутлар ўзларини тоғнинг хўжайинлари мисоли тутишар ва йўловчиларни зимдан кузатишмоқда эди. Сарвиғул чакқонлик билан бу тошдан у тошга сакраб ўтар, худди болалар ўйини ўйнаётгандек бепарво минғирлаб қандайдир помирча қўшиқни хиргойи қилиб кетмоқда эди. Иброҳимни кўтариб олганлар бўлса, бутунлай кўздан йўқолишди. Гулбиби билан Нормурод ўлардек чарчашди. Охири бўлмади. Қиз тиззалаб ўтириб қолди.

– Ҳой Нормурод ака, қаёққа кетяпмиз, ўзи? Кейин изимизга қандай қилиб қайтамыз?

– Сарвиғул, ист! – дея қичқирди Нормурод ва Гулбибига юзланди. – Ҳаммаси яхши бўлади. Булар бизга ёрдам беришади.

– Қаёқдан биласиз?

– Табошар олдинроқ кетди. Муҳаммад ака ҳам ўша ерда. У бекорга қолмаган. Улар менимча халқини йиғишади. Уларни мужоҳидлардан қасос олишга, йўлларини кесиб чиқишга даъват этишади. Биз энди фақат уларнинг ёрдамидагина ишимизни охирига етказишимиз мумкин. Кетдик, тезроқ манзилга етиб олайлик.

– Қаерда ахир, ўша манзил ўлгур? – лабини бурди қиз.

– Бирор қишлоқ бўлса керак-да. Қаёқдан билай... Сарвиғул бизни бошлаб олиб боради!

Йўлнинг қийини энди бошланганди. Ҳам изғирин совуқ кучайган, ҳам қояли тўсиқлар янада кўпайиб борарди. Озгина хатолик қилсанг жаҳаннамга қулаб тушиб кетишинг ҳеч гап эмас.

Разведкачиларимизнинг бошлари қотди. Лекин уларга тангри Сарвиғулни атайин етказгандай, кўзларига бу қиз тўтиё бўлиб кўрина бошлади. У жуда ҳам чакқонлик билан, ҳеч қандай воситаларсиз қоялар тепасида пайдо бўлар ва тап этказиб олдиларига арқоннинг бир тарафини ташларди. Нормурод чиқиб борар, сўнгра юклар ва Гулбибини тортиб олишарди. Иброҳимни қандай олиб чиқиб кетишгани жуда ажабланарли хол эди.

– Ишқилиб Иброҳимга бирор шикаст етказишмадимикан-а? – деди Нормурод дилидаги хавотирлигини яшира олмай.

– Уларни белида ўз арқонлари бор эди. Демак, йўлини қилишгандир-да.

– Ҳа, тоғликларга гап йўқ. Американинг ҳиндулари булардан қолиб кетишаркан. Нега энди бадахшонликлар тўғрисида ҳеч қаерда ёзишмайди-а?

– Улар жуда оз, кам ўрганилган халқ.

– Қизиқ Александр Македонскийнинг аскарлари мана шу ерларга ҳам келган экан-да!

– Улар Ҳиндистонга кетиш йўлида катта талафот кўришган. Душмандан қочиб, шу тоғларда макон қуришган. Маҳаллий қизларга уйланиб, ўтроқ бўлиб қолиб кетишган, дейишади.

– Уфф, чарчадим...

"Шип" этиб навбатдаги арқон тушди.

– Ҳой Сарвиғул, туш пастга, дам мғирем! Овқат бхўрем! – дея қичқирди Нормурод.

Қиз бир нималар дея бидирлади.

– Нима деяпти? – сўради Гулбиби.

– "Оз қолди, чиданг" деяпти, – деди Нормурод ўзидан қўшиб.

– Сўрангчи, у ёқда шаҳар ё касалхона бормикан ўзи?

Нормурод Сарвиғулга қўл ҳаракатлари билан "автомашина юрадимми, касалхонада беморга укол қилинадими, самолётлар борми?" дегандай имо-ишора билан кўрсатиб сўради. Қиз эса ҳеч нарсани тушунмай елкасини қисиб қўя қолди.

Ниҳоят улар йўл юрса ҳам мўл юриб, ҳаво етишмаганидан бурунларидан кон келиб, рюкзакларини судраб, автоматларини хасса қилиб таянган ва тиллари осилган ҳолда манзилга етиб келишганида вақт пешиндан оққанди.

* * *

Тоғлар орасидаги одамтопмас бу жойларда, булутлардан тепада, улкан тошлар орасидан иссиқ булоқ чиқиб сой бўлиб оқаётган яшил дарада мўъжазгина қишлоқ бор экан. Асосан тошлардан қурилган пастқам уйлар, турли баландликларда, тарқоқ жойлашган эди. Дара шундай гўзал эдики, теварак-атрофдаги қорли тоғларда арчалар ва қарағайлар яшнаб ўсиб ётар, улар орасида, сой бўйларида ва уй ораларида кўтос, шохи узайиб эшилиб кетган архару эчкилар ва ҳатто, пастроқда кийиклар ҳам бемалол ўтлаб, сув ичиб юришарди. Бу ерда одамлар билан ҳайвонлар гўё ҳамжиҳатликда аҳил ҳаёт кечиряётгандай, табиат билан жонзот ўзаро уйғунлашиб кетгандай эди. Сув шундай тиниқ эдики, унинг тубидаги ҳар бир тошнинг рангини бемалол ажратса бўларди.

Буларни кўриб Гулбибининг ҳам дарҳол иссиқ ховузда чўмилгиси келди. Сувдан бир кафт ичиб кўрди. У мулойим ва жуда ҳам ширин эди. "Жаннатнинг суви", "тирик сув" деганлари шумикан?" – дея кўнглидан ўтказди қиз. Юзини ювиб кўрди. Дили равшан тортди. Нормурод ҳам юз-қўлларини чайиб, ҳовучини тўлдириб сувдан ичганди, баҳри-дили очилди. Сарвиғул қийқирди. Аллақайқдан болалар югуриб келишиб уларнинг юкларини қўлларидан олишди ва қайси бир кулбага олиб кириб кетишди. Уларни баланд бўйли ва басавлат елкадор бир киши Муҳаммад овчи билан бирга кутиб олишди. У Сарвиғулга кулиб қаради, лекин қизнинг мовий кўзларида қайғу ва алам сезилиб турарди. Аллақайқдан Мазҳабшо ва Додоёрлар ҳам пайдо бўлишди. Уларни кузатаётган қора пўстакли кишилар ва жундан тўқилган ўзига хос либослари чиройли қилиб безатилган, бўйинларидаги хилма-хил маржон тақинчоқлар ялт-ялт товланаётган аёллар ва қизлар тўда-тўда бўлиб қарши олишди.

"Жанговар сайёҳ"ларни баланд айвонли уйлардан бирига олиб киришди. У ерда қишлоқ сардори бор экан. Сарвиғулнинг яқини бўлган, биринчи кутиб олган киши бир нималар деди. Шу пайт орқадан Табошар ҳам табассум қилиб келиб қолди ва Нормуроднинг елкасига мамнун қоқиб ўтди.

– Беродар?!...

– Ха-ха, беродар, – деб жавоб берди Нормурод. Лекин бошқа бирорта сўзини тушунмади.

Сардор мўйнали қалпоғига бургут патларидан танғиб олган, мовий кўзли, истараси иссиқ киши экан. Кийимлари тулки ва қоплоннинг терисидан эди. Улар узоқ баҳслашишди. Сарвигул бир нималарни гапириб берди ва уларнинг қўлидаги қуролларга ишора қилди. Сардор Гулбибининг снайпер милтиғига ишқибоз бўлиб қолгани кўриниб турарди.

Сардорнинг бўлган бор гаплардан хабардор экани сезилиб турар, у ўзини жуда хотиржам тутарди. У бошқа қишлоқларга чопарлар юборган ва уларнинг қайтишини кутмоқда экан.

Улар ташқарига чиқишди. Сардор милтиқни айлантириб кўра бошлади. Гулбиби милтиқнинг бинокли орқали қандай нишонга олиш кераклигини тоғ қоясида турган бир архар эчкига қаратиб кўрсатди. Сардор биноклдаги улкан ҳайвоннинг афтини кўриб бир чўчиб тушди ва кўзларига ишонмай бир неча бор одатий қараб олди ва милтиқни варанглатиб отиб юборди. Овоз тоғларда ажиб аксадо берди. Архар пастга юмалади. Тоғликлар қийқириб юборишди. Сардор бир нима деб қичқирди. "Ўша жонворни сўйиб меҳмонларга егизинглар!", – деган бўлса ажабмас. Тезда уни олиб келиб терисини шила бошлашди.

Уларни бир ҳужрага олиб киришди. Уйнинг деворлари ва шифтлари ҳам мўйналар билан қопланган, иссиқ ва юмшоқ эди. Чойшаблар, кийимлар ҳаммаси жун ипдан тўқилган ва бўялган. Идишлар эса мис ва сополдан эди.

Шу маҳал тўрт киши замбилда бошдан-оёқ ўралган Иброҳимни олиб кириб, юзини оҳиста очишди. Иброҳим жилмайиб турарди.

– Иброҳимни ювинтиришди, – деди овчи.

Нормуроднинг юраги "шувв" этиб кетди:

– Э бормисан оғайни, кўрқитиб юбординг-ку! Тузукмисан?

Сарвигул хурсанд бўлиб, унинг юзидан ўпиб олди.

– Биз қаердамиз ўзи, жаннатдами? – деб сўради Иброҳим ҳаяжон билан аланглаб.

– Осмондан паст, ердан баландда.

– Қаерда бўларди, Бадахшонда-да, – деди овчи қисқа қилиб.

Сарвигул ишва билан бир нималар деди.

– Нима дейди?

Нормурод таваккал кулиб таржима қилди.

– Энди сизга ўзим қарайман, – деяпти.

– Рост биланми? Лекин тахтага қотириб қўйишди, оёғимни қимирлата олмаяпман.

– Ҳечқиси йўқ тузалиб кетасан.

Сарвигул Иброҳимга жой тайёрлади. Уни авайлаб ётқизиб қўйишди. Бир аёл гиёҳли дамлама олиб кирди. Уни беморга ичира бошлашди. Дамлама жуда ҳам хуштаъм эди ва беморга яхши кайфият бағишлади. Иброҳимни унинг қанақа гаёҳдан экани қизиқтирди. Унга бир боғлам қуритилган гиёҳни кўрсатишди. Бу кўкнори кўраги эди...

– Сизлар ҳам чўмилиб келинглари, тириласизлар, – деди Иброҳим аранг.

Уни уйқу элита бошлаганди. Гулбиби Сарвигулни туртди. Сарвигул тушунди.

– Нормурод ака, кетдик. Ҳали иш кўп, биз ҳам чўмилиб келамиз.

Шундай қилишди. Қизлар ҳовузнинг бир четига ўтишди. Нормурод ҳовузга шўнғиди ва ўзини жуда ҳам тетик ҳис қила бошлади.

"Қизик, бунақа сув нега бизда йўқ? Таркиби қанақа экан-а? Худди глициринга ўхшаб мулойим экан. Кумуши ҳам борга ўхшайди. Совун ҳам керакмас. Одам чўкмайдиам. Тиниклигини..."

У сув остига тушиб кўзларини очди ва анча нарида кип-яланғоч худди сувпарилардай чўмилаётган Гулбибининг оппоқ қоматини жуда ҳам яқинликдан кўриб юраги гупиллаб уриб кетди. Лекин қизлар аслида жуда узоқда сузишарди... Хуллас, ана шунақа жаннатмакон жойларга бориб қолган ёшлар жуда ҳам завқланишди. Йўл азобида тортган бутун чарчоқлари бир зумда унут бўлди. Лат еган жойлари ҳам ўзига келиб қолгандай туюлди. Сувдан ўзгача сурур ва латофат билан чиқиб келишди.

Кулбага келишса ўртага зиёфат тайёрлаб қўйилган, бир талай гўшт, ёғоч косада шўрва, бўза, сут-қатиклар муҳайё этилганди. Табошар очиқ чехра билан уларни кутиб олиб дастурхонга таклиф қилди. Гўштан бир бўлагини Иброҳимга узатди. Овқатни зўр иштаҳа билан паққос туширишди. Бу пайтда сардорнинг уйи олдига юзлаб тоғликлар тўпланишаётган эди.

* * *

Кўп ўтмай "кошонаси"дан мўйнали қалпоғида бургут патлари ҳилпираб турган қабила бошлиғи Акои Чоршанбе чиқиб келди ва олдиндан тайёрлаб қўйилган курсига жойлашди. У аввало тўпланганларни содир бўлган фожеали воқеадан воқиф қилди. У олдига Сарвигулни чақириб бошини силади. Унинг етим қолганини маълум қилди. Тўпланганлар сардорнинг нутқини ачиниш ва надомат билан тинглашди. Қонхўр каллакесарларга қарши нафратлари жунбишга келди. Табошар ҳам сўз олиб кўрганларини вазоҳат билан гапирар экан жиноятчилар Дашти Калайхум йўлида пиёда кетишаётганини ва уларнинг йўлини тўсиб қасос олиш мумкинлигини маълум қилди. Тўпланганлар "Уларни ўлдираамиз!" дея қичқиришди.

Шундан сўнг ўртага Муҳаммад овчи чиқди. У Нормурод ва Гулбибини ёнига чорлади. Мажруҳ бўлиб қолган Иброҳимни ҳам олиб келишди. Овчи бадахшонликлар тилида билганича гапирди:

– Биродари азизлар! Мен Зардолу қишлоғидан Муҳаммад овчи бўламан. Лекин менинг ҳам оиламни мужоҳидлар ҳалок қилишди. Мана бу қизим Гулбиби – қирғиз қизи, мана бу йигитлар Нормурод, Иброҳим ўзбек йигитлари. Уларнинг ҳам тақдири бизникидан қолишмайди. Ҳаммамиз мана шу касофати мужоҳидлардан талафот кўрганмиз. Бизни мана шу тақдир, ягона душманни йўқ қилиш мақсади бирлаштириб турибди. Мужоҳидлар демак бутун Осиё халқи учун ҳам душмандир. Улар Покистонда, Афғонистонда одам ўлдириш учун махсус тайёргарлик кўришмоқда. Бизнинг тинч ва осойишта яшашимизни кўролмайдиғанлар уларни энг замонавий қурола-аслаҳа билан таъминлашган. Уларнинг мақсади бутун Осиё халқини ўзларига бўйсундириш. Бунинг учун сизнинг ҳудудингиздан фойдаланиб Афғонистон томондан қурола-яроғ, наркотик афюнларини олиб ўтиб келишмоқда. Улар Тожикистон, Қирғизистон орқали Ўзбекистонга йўллар очишиб, яширин ҳарбий базалар қуришмоқда. Улар йўлларига тўсиқ бўлган ёки қабиҳ ишларига гувоҳ бўлиб қоладиган ҳеч кимни, қайси миллат бўлишидан қатъи назар аяб ўтиришмайди. Йўлда дуч келган ҳар қандай овул, қишлоқларни, қарвонсаройларни

бутунлай йўқ қилишмоқда. Демак бу душманнинг йўлини тўсишимиз, инини қуритишимиз керак! Агар уларнинг замонавий қуроллари кириб келса бемалол тоғ-тошларга вайрон қилаверишади. Мана қаранглар, бу йигит ана шундай қуролдан отилган ўқдан портлаган қоя тагида қолди. Сарвигул қизим, қани ўзинг бўлган ишни гапириб бер-чи...

Сарвигул чиқиб мужоҳидлар бозорга қандай бостириб кирганлари, отаси ва бошқа одамларни қандай ўлдиришгани, орқасидан ўқ отишгани ўзининг аранг қочиб қолгани, аммо дарёга тушиб оқиб кетгани ниҳоят уни дарёдан мана шу йигит кутқариб олгани ва иккинчи марта қоя тагида турганида мужоҳидлар уни сезиб қолиб каттақон қурол билан отишгани, бу сафар ҳам шу йигит уни кутқараман деб, ўзи тош остида қолганини ҳаяжон билан бидиллаб гапириб берди.

Тоғликлар Иброҳимни олқишлашди. Унинг ётган замбилини ўз миллий қахрамонларидек баланд кўтаришди. Сардор "бас" деган ишора қилгачгина жимиб қолишди.

– Демак, биз биринчи навбатда мана шу ўзбек йигитига раҳмат айтамиз!

Яна олқишлар янгради.

– Иккинчидан биз буни нишонлаймиз! Қачон? Қачонки, ҳозир Табошар айтаётган сўқмоқдан Оби Хиноч осма кўприги томон кетаётган каллакесарларни бир ёқлик қилсак! Нима дедингизлар!

Ҳамма сардорнинг гапини маъқуллади.

– Ундай бўлса сизларга оқ йўл! Эҳтиёт бўлиб талафотсиз қайтинглар. Душманнинг қўлида манагина қуроллари бор экан, – деди у снайпер милтиқни кўрсатиб. – Шунинг учун эҳтиёт бўлинглар. Маҳоратингизни, жасоратингизни кўрсатадиган, миллатимиз шаънини ҳимоя қиладиган пайт келди! Ҳаммага тушунарлими?

– Тушунарли!!! – дея ҳайқиришди тоғликлар.

Уларнинг жанговар овозидан қоялар титраб кетгандек туюлди.

– Бўлмаса иккига бўлинасизлар. Биринчи гуруҳга Табошар бошлиқ. Улар Пётр тоғларидан боришади. Иккинчи гуруҳга Додоёр бошлиқ. Улар Дарвоз тоғларидан боришади. Ҳар икки гуруҳ Дашти Калайхум йўлидаги Оби Хиноч кўпригига бориб душманни пойлаб ўртага оласизларда тор-мор қилиб қайтасизлар. Ҳамма қуроллансин! Керакли озуқалар олволинсин! Сизларга худо ёр бўлсин!...

Шундай қилиб, камон-ёй, қилич, ов милтиғи пичоқ паншаҳа ва болтага ўхшаш кесгир асбоблардан иборат қурол-анжомларни олволган ёввойи армия калашников автомати, "стингер" қўл ракетаси ва гранаталарга эга бўлган мужоҳидларга қарши жангга отланди. Нормурод учун бу ҳолат эриш туюлди. Лекин уларнинг ҳаракати жиддий эканини кўриб ўзича ўйлаб қолди: "Эҳтимол овозини варанглатмай, душманни ҳуркитмай, писиб бориб, овозсиз тинчитиб келиш бу қабиланинг ҳарбий тактикасидир... Чунки улар туғма овчилар-ку", – деган фикр ўтди ҳаёлидан.

Гулбиби билан Нормурод Табошар гуруҳида, Муҳаммад овчи эса Додоёр гуруҳи билан кетишди. Уларга бинокли милтиқни беришди. Нормурод ҳар эҳтимолга қарши гранатларни ҳам олволди. Уларда яна дурбин ҳам бор эди. Сарвигул ҳам қўшилиб келаётганди, лекин уни уришиб беришди. У Иброҳимга қараб қоладиган ва отасининг дафн маросимини ўтказиб келадиган бўлди.

Жангчилар деярли бир хил қора теридан камзул кийиб олишган, бошларида ҳам худди шу тусдаги қалпоқ. Улар орасида аёллар ва болалар ёшидаги қизлар ҳам бор эди. Уларда эркагу аёл тенг ҳуқуқли экан. Аёл жангчилар қора камзул остидан

кийиб олган енги узун жиякли кўйлак-лозимлар, бўйинларидаги маржонлари ва орқага ташлаб олган узун кокиллари билан ажралиб туришар, улар ҳам эркак жангчилар каби қоялардан қояларга чиқишга жуда мохир ва абжир эдилар. Маҳаллий лашкарлар баланд тоғлардан катта тезлик ва чакқонлик билан тушиб келиша бошлашди. Нормуродлар ҳам тушишда қийналишмади. Ҳар эҳтимолга қарши Гулбиби билан бир-бирларига арқон ушлаб олишди. Бу эса жуда асқотди. Ҳадемай Гармчашма қишлоғи юқорида, булутлар тепасида қолиб кетди.

Энди эса пастқам бўлмаган илонизисимон девор каби тортилган ва айтарли бир хил баландликда бўлган поёнсиз тоғ бошланди. Улар тоғнинг энг баланд тизмаси бўйлаб кетишарди. Бу ердан юриш ҳар ҳолда осон кечар экан. Тўсиқлар унчалик кўп эмас, энг муҳими, тоғнинг иккала томони ҳам кафтдек кўриниб турарди. Ўзингни гўё бургутга ўхшаб парвоз қилаётгандек эркин ҳис қиласан. Пастликлар, дараларда қўтос ва бошқа ҳайвонлар худди чумолидай ўрмалашади, кўклам табиати ажиб тароват касб этади. Чўққиларда тўсатдан бутун борлиқни назорат қилиб турган бургут қушларга дуч келиб қоласан, улар эса "Нима гап, тинчликми?" дегандай жойларидан безовталаниб пастлик сари қанотларини деярли қоқмай парвоз қилишади ва "тухумларимизни эзиб олишмасинда" дегандек хавотирлик билан зимдан кузатишади.

Ниҳоят Дашти Калайхум йўли деб ном олган сўқмоқ рўпарасига тахминий ҳисоб билан етиб келинди. Мужоҳидлар келиши мумкин бўлган теваарак-атроф дурбин ёрдамида зимдан кузатила бошланди. Ҳар бир ҳаракат, бута ва қоялар синчиклаб ўрганилди. Тоғ ёнбағирлаб пиёда ёки бирор жониворни миниб юриш мумкин бўлган бир жилға бўйлаб келинадиган сўқмоқ бўлиб, жилға улкан қояли тоғ тагида кўздан йўқолар, шу ерга келганида сўқмоқ ҳам ёйилиб кетгандек туюларди.

Нормурод Табошардан қизиқиб тожикчалаб сўради:

– Ин роҳ, бад гужо мерад?

– Даруни кўхба, – деди посбонбоши қисқа қилиб.

– Демак, бу ерда ҳам сув ўтадиган туннел, яъни ғор йўли бор экан-да! Қизик, у кейин қаёқдан чиқаркин? – деди Нормурод Гулбибининг қулоғига.

Улар тоғнинг орқа томонини кузатишди. Ўз заминида ажиб сирларни яширган тоғ ёнбағри фусункорлик билан ястаниб ётганини кўришди.

Ҳадемай қоронғулик ҳам тушди. Лашкарлар шу ерда тунаб ва навбатчилик қиладиган бўлишди. Икки чакқон йигит йўлни кўриб келиш учун разведкага юборилди. Икки киши эса ғор йўлнинг чиқиш жойига кетишди. Бир гап бўлса уккиникига ўхшаш овоз беришаркан. Додоёрлар гуруҳи бўлса мана шу йўлнинг давомида Дарвоз тоғлари этагидан оқадиган Оби Хиноч дарёсига ўрнатилган осма кўприкнинг у томонидан пистирма қўйиб, душманни сиқувга олишадиган бўлди. Шунда оддий қурооллар билан қуроолланган халқ лашкарлари талафот кўрмайди ва душманни осонгина қўлга олади ва ўртага олиб қириб ташлайди, бирортаси ҳам қочиб қутулолмайди. Демак, уларни шу ерда кутиб олиниб ғор йўли орқали ўтказиб юборилади.

Тонгда хабар келди. Бир гуруҳ қуроолланган қорасоқол, афғонча кийинган одамлар карвони яқинлашиб келишаётганмиш.

Бир соатлар чамаси ўтгач, мужоҳидларнинг қораси кўринди. Лекин улар орасида оддий кийимдаги одамлар ҳам бўлиб, улар аллақандай юкларни кўтариб олишганди. Эҳтимол бирор бозордан талон-торож қилинган юклардир. Демакки,

хаммаси равшан, асирлар ҳам бор. Керак бўлса улардан "жонли девор" сифатида ҳам фойдаланишади.

Қуролланган мужоҳидлардан тўрт киши олдинроқда теваарак-атрофга милтик ўқталган ҳолда олазарак кузатиб келишмоқда эди. Улкан қоя тагига келишгач, улар тўхтаб қолишди. Гўё уларни биров кузатаётгандай тепага қараб хушёрликни янада оширишди. Шундай қилиб ўнлаб қуролли, қуролсиз одамлар ғор йўли ичига кириб ғойиб бўлишди. Гулбиби санаб чиқибди. Уларда фақат 22 тасида автомат, 1 тасида "стингер" бор экан. Бу маълумот Нормурод орқали Табошарга етказилди. Демак душман кучли. Биринчи навбатда уларнинг қуроллиларини йўқотмоқ даркор. Асирларни бўлса, бир илож қилиб озод қилмоқ керак. Улар 15 нафар экан. Табошар лашкарлари тошлардан-тошларга сакраб, чакқонлик билан уч километрлар наридаги ғорнинг чиқиш жойига шошилишди. Икки кишини дарёдаги кўприкка – Додоёр лашкарларига хабар қилмоқ учун жўнатилди. Улар шамолдай учиб кетишди. Энди мужоҳидларнинг ҳар бир ҳаракати назоратга олиниб, уларни тоғ тепасидан кузатиб борилди.

Мана ниҳоят улкан шаршара бўлиб бошланадиган Оби Хиноч дарёсига яқин келиб қолинди. Дарёнинг икки томони баланд ва тик қоя бўлган, гўё жуда ҳам чуқур жарликдан оқиб ўтар ва унинг устига эллик метрлар чамасидаги осма кўприк барпо қилинганди. Осма кўприкдан қулаган одам ҳеч қачон омон қолмасди, албатта.

Мужоҳидлар аввалига кўприкдан ўзлари ўтишга қўрқишди. Шунинг учун тўрт асирни олдинга тушириб орқаларидан тўрт қўриқчи автоматчи ўта бошлади. Кўприкнинг ярмидан ўтилганида Табошар "Отилсин!" ишора берди. Мерган лашкарлар тўрттала мужоҳиднинг орқасидан камон ўқ санчишди. Ҳеч қандай овоз чикмади. Ёй қаердан чиққанини сезмай ҳам қолишди. Кўзлари ола-кула бўлган яраланган мужоҳидлар қоялар тепасида тизилишиб турган қора пўстақли қасоскорларга кўзлари тушдию, ўзлари жарлик тубига равона бўлишди. Тўрт асир эсон-омон ўтишиб олди.

Мужоҳидлар эсанкираб қолишди ва тўлиқ жанговар ҳолатига келишди. Лекин кимни отиш, кимдан қочиш керак, бошлари қотганди.

Кўприкдан ўтишга навбатдаги гуруҳ уриниб кўрмоқчи бўлди. Улар гўё асирларни ортига яшириниб, энди орқага томон юриб кўприкдан ўта бошладилар. Табошар нариги қирғоқда турган Додоёрга қарата "Сенинг навбатинг" дегандек ишора қилди. Мужоҳидлар кўрқа-писа тоғлар устидан рақибларини кидириб, автоматни пала-партиш отиб орқа томонлари билан нариги қирғоққа яқинлаша бордилар. Улардан бири асирлардан бирини жарликка итариб юборди-да, ўзи жон ҳалпида олдинга қараб чопди. Лекин бўйни, калласи ва қорнидан учта камон ўқини еб, орқа томонга бир ўгирилди-ю жарликка қулади. Энди мужоҳидлар бу қирғоққа қарата ўт очишди. Муҳаммад овчи қараб туролмади. Энди "снайпер"ини ишга солди. Уларнинг пешонасини мўлжалга олиб ота бошлади. Қолган мужоҳидлар ўзларини пистирмада эканини фаҳмлашди. Улардан бири бериги рўпарадаги қирғоққа қарата "Стингер"ни тўғрилади. Эҳтимол йўлни очиб ёриб ўтиб кетмоқчи бўлгандир. Нормурод буни тушуниб қолди ва гранаталаридан бирини олиб унинг олдига итқитди. Бир неча мужоҳидлар ер тишлаб қолишди. Энди улар тушунишди. Рақиблар анойи эмас, уларда ўқ-камондан ташқари замонавий қурол ҳам бор. Энди ягона йўл-ортга қараб қочиш қолганди ва улар турли тарафга пала-партиш қоча бошлашди. Бироқ бунинг ҳам чораси кўриб қўйилган, қоялар орасида камончилар

шай туришар ва мужоҳидларни қийинчиликсиз нишонга олишарди. Кўприкдан Додоёр лашкарлари ўтиб ёрдамга етиб келишди. Гулбиби билан Нормуродлар ҳам автомат билан саросимада қолган қуролли мужоҳидларни бирма-бир ота бошлашди. Овчи бўлса душманнинг қай бири қўлига қурол олса ўшани аямай тинчитаверди.

Шундай қилиб душманлардан қасос олинди. Асирлар омон қолдирилди. Улардан бири жирғатоллик Омонёр исмли тожик йигит экан. Ундан мужоҳидларнинг бошлиғини кўрсатиш сўралди. У топиб берди. Ўлган кўрбошининг номи Хўжа Аҳмадилло (Аҳмад Хўжакулов) экан. Нормурод уни таниб қолди. Унинг ёнидан бир талай ҳужжатлар ва йўл харитаси чиқиб қолди. Бу айтиш муддао эди. Энди шу харита ёрдамида илоннинг бошини ҳам, инини ҳам янчиб йўқ қилиш мумкин. Бундан ташқари, мужоҳидларда сунъий йўлдош билан боғланишга хизмат қиладиган кичик парабалик антеннали алоқа воситаси ҳам бор экан.

– Иброҳим дўпписини осмонга отадиган бўлди-да, – деди Нормурод хурсанд бўлиб. – Радиотелефонни унга совға қиламиз!

* * *

Марказ. Бошлиқ хонасига хизматчилардан бири хурсанд кириб келиб охири маълумот ҳақида баёнот бера бошлади:

– Ўртоқ бошлиқ бизнинг ҳамкорларимиз бўлган Россия чегара қўшинлари Хоругдан хабар қилишди.

– Хўш-хўш?

– Калайхум дашти яқинида Тожикистоннинг Помир тоғлари томондан келаётган юзлаб мужоҳидлар маҳаллий бадахшонлик лашкарлар томонидан йўқ қилинган.

Бошлиқ ўрнидан туриб кетди ва харитадан Калайхумни излади.

– Демак, улар шу йўлдан ўтиб келишар экан-да!... Ким экан ўша маҳаллий лашкарлар?

– Билмадим. Бу ҳақда маълумот йўқ.

– Бизникилар қаерда экан? Ўлибдими, қолибдими нима гап?!

– ...Бориб жасадларни кўриб келишга тўғри келади, – деди ходим хомуш.

– Ҳа. Рус чегарачилардан ёрдам сўрасакмикан?... Демак ўлганлар орасида Ўзбекистон фуқаролари ҳам бор. Сиз тез Бахтиёр Тўраевни топинг. У билан Хўжанд орқали Хоругга учинглар. Мен Хоруг застава бошлиғи подполковник Волковга қўнғироқ қилишга уриниб кўраман.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ.

Шу маҳал ички телефон жиринглади. Компьютерчи йигит экан.

– Ҳа. Нима гап?

– "ИК"дан хабар келди.

– Нима? У қаерда экан, Калайхумдами?!

– Йўқ, ҳалиям жойида турибди, Федченко музлиги яқинида.

– Маълумотни тезда олиб кириг... Сиз шошманг, – деди у чиқиб кетаётган ходимга. – Тавба булутлар тепасидаги чўққидан, музламадан туриб ҳам хабар қилиш мумкинмикан-а?

Хонага компьютерчи хизматчи йигит кириб келди.

– Киришга рухсат этинг, ўртоқ бошлиқ.

- Рухсат. Нима экан?
Ходим бир қоғозни узатди.
– Иброҳим ака хабар юборибди.
Хабар матни куйидагича эди:

"Бадахшонлик халқ лашкарлари ёрдамида Калайхум дашти йўлида мужоҳидлар тор-мор этилди. Жангда бизникилар ҳам иштирок этиб, мужоҳидларнинг йўл хариталарини қўлга киритишди. Хўжа Аҳмадилло ҳалок бўлди. Биздан талафот йўқ. Хайр "ИК".

– Э қойил-е! Яшавор азаматлар! – дея ҳайкириб юборди бошлиқ ва беихтиёр ходимни кучоқлаб кўтариб олди. – Сенгайм қойил! Мана шундай хушхабарни дунёнинг энг баланд жойидан қабул қилибсан-а, баракалла!

– Ўртоқ бошлиқ биз нима қилайлик? – сўради ходим.

– Отбой! Яшанглар, азаматлар! Бу ишни албатта нишонлаймиз!

Ходимлар чиқиб кетишди. Бошлиқ хурсанд бўлиб яна харита олдига келди.

– Демак тоғликлар қасос олишибди-да. Бу эса бизга қўл келган кўринади. Қизиқ барибир тушунмадим. Шу ишларни қилиш учун тоғ чўққисига чиқиш шартмиди? Эҳ Иброҳим, сенда бир гап бор... Ҳа, йигитларни, иннайкейин ануви қирғиз қизниям муносиб тақдирлашимиз керак. Бу иш осонликча бўлмагандир, албатта!...

* * *

Душман устидан кўрилган талафотсиз ғалаба Гармчашмада катта байрамга айланди. Ёшу қари, қиз-жувонлар, болалар энг янги миллий либосларини кийдилар. Гулбиби, Нормурод, Муҳаммад овчи, ва ҳаттоки, ногирон Иброҳимга ҳам миллий либослар кийгизилди. Ҳаммаларига тилла ранги юритилган ханжар, Гулбибига турли лаъл ва ёқут тошли тақинчоқлар совға қилишди. Гулбиби худди маликалардай очилиб кетди. Улкан мис қозонларда таомлар пиша бошлади, дастурхонларга маю бўзалар тортилди.

Бадахшонликлар улкан давра қуриб олов ёқишди. Ўзига хос миллий мусиқа, қўшиқлар авжига чикди. Раккос ва раққосалар бургутлар мисоли хиром айлаша бошлади. Ҳаммасининг чеҳрасида шоду хуррамлик акс этарди.

Қабила бошлиғи Ақои Чоршанбе меҳмонларни ўз ҳузурида безатилган дастурхонга таклиф қилди. У жуда ҳам хурсанд кўринарди. Уларни бир-бир кучоқ очиб қаршилади. Замбилда олиб кирилган Иброҳимнинг қўлини маҳкам сиқди. Ўзининг никоҳида икки гўзал аёллари ҳам бор экан. Мезбон улар билан ҳам таништирди. Табошар ва Додоёр ҳам ўз аёллари билан кириб келишди. Уларнинг ҳаммалари байрамона кийиниб олишганди.

– Сарвигул кўринмайди, – деб сўраб қолди бир пайт Муҳаммад овчи.

– Сарвигулнинг бўйнида тақинчоғи кўплигидан ўрнидан туролмай қолибди, – деди ақои Чоршанбе хо-холаб кулиб.

Ҳамма кулиб юборди. Шу пайт остонада жилмайиб Сарвигул пайдо бўлди. У шундай гўзал эдики, унинг олдида нари-пайкарлар ҳам бош эгарди. Иброҳимнинг кўзларидан олов чакнаган бўлди ва ўрнидан бир ирғиб туриб унинг қўлларидан тутмоқчи бўлди. Аммо яхшики, михлоғлик эди...

– Мана менинг қизим ҳам келди, – деди қабилабоши.

– Бекорни айтибсиз, бу менинг қизим, – деди Муҳаммад овчи чўрт кесиб, – Ана ишонмасангиз ўзидан сўранг. Қизим, сен кимнинг қизисан-а?

Қиз ҳар иккала "ота бўлмиш"ларга қуллуқ қилиб бош эгди ва чопганича Муҳаммад овчининг ёнига бориб елкасига осилди. Қабила бошлиғи ҳайрон бўлди ва қулидаги суякни норози бўлгандек дастурхонга ташлаб қўйиб деди:

– Ҳой қиз, дашти биебонда яшайдиган бир қари тожикни бошингга урасанми?

– Бу киши менинг тутинган отам бўладилар.

– Ҳа, – деди овчи кўзларига ёш олиб, – Менинг ҳам шундай гўзал қизим бор эди... Исми Сарвиноз эди... Лекин Ақои сардор, сизда бир илтимосим бор-да.

– Қанақа илтимос экан?

– Шу қизимизни мана бу йигитга унаштирсак, – деди у чўзилиб ётган Иброҳимни кўрсатиб, – Куёвим шундай мард, қаҳрамон бўлишини хоҳлардим.

Кутилмаган таклифдан ўртага чуқур жимлик чўкди. Жимликни қабила бошлиғи бузди:

– Ҳўш, Сарвиғул, бу таклифга нима дейсан?

Сарвиғул бир оз ерга қараб туриб сўнгра "Ҳа" ишорасини қилди. Иброҳим шу пайт михланмаганида эди, эҳтимол "андижон полкаси"га ўйинга тушиб кетган бўлармиди! Унинг юраги ҳаприқиб, чаккаларидан маржон-маржон тер дувиллаб оқа бошлади. Учаётган лабларидан қаттиқ ҳаяжонланаётгани шундоққина кўриниб турарди.

– Иброҳим шу ерда қолса, бизга ичкуёв бўлса розиман, – деди сардор ўз қарорини баён қилиб.

Нормуроднинг юраги "шувв" этиб кетди. "Бу энди қанақаси бўлди? Иброҳим нима деркин?" дегандек Гулбибига маъноли қараб қўйди.

– Мен розиман, – деб юборди Иброҳим беихтиёр ўзбекчалаб.

Муҳаммад овчи уни таржима қилиб рози эканини айтди. Барча икки ёшни оқишлади. Қадахлар кўтарилди.

– Уларга янги хужра тайёрланглар! Сепию зеб-зийнати, кийим-кечаклари, овқат-озиғи жойида бўлсин! Эртага унаштириш маросимини қиламиз, шодиёна давом этади! – деди сардор тантанавор. – Худо хоҳласа куёв тузалиб кетса, тўйни ҳам ўтказамиз!

Тўпланганлар хурсанд бўлиб сардорнинг қарорини олқишладилар.

Муҳаммад овчи сўз олди:

– Биродари азизлар! Марказий Осиёда яшаётган турли халқлар, миллатлар учун азиз бўлган, бир умр аجدодларимиз сувларидан баҳраманд бўлиб келаётган дарёи азим бўлмиш Амударё шу ерлардан бошланади. Эҳтимолки Гармчашма шу азим дарёга ўзининг шифобахш оби зам-замини қўшиб бераётир. Бу оби зам-замга яна бу ерда яшаб ўтган неча-неча авлод-аждодаларимизнинг руҳлари ҳам синггандир. Мана шу руҳ бизларга мададкор бўлмоқда. Келинлар, шу қадахнинг қадимий дўст-биродар халқларимизнинг тинчлик ва осойишталиги учун олайлик! Мана шу Гармчашма булоғи биродарлигимизнинг рамзи бўлиб қолсин!

Олқишлар янгради. Ўзига хос миллий чолғу асбоблари билан помирча шўх мусиқалар авж олди. Бургутлар мисоли қанот ёзиб ва уни оҳиста қоқиб ҳиром этиладиган помирча рақс барчанинг кўнглини осмон қадар кўтармоқда эди...

* * *

– Иброҳим сен нима учун бу ерда қолишга рози бўлдинг? Бир қизни дебми? – сўради Нормурод ўзлари ёлғиз қолишгач.

– Йўқ, мен бу ерда юртимиз учун керакман. Помирликларнинг тилини, урф-одатларини ўрганмоқчиман. Бу ер Афғонистонга ҳам, Покистонга ҳам бир қадам. Бу ерда даволанаман. Қайтиб борганим билан мени ногиронлик аравачасига ўтиргизиб қўйиб, нафақага чиқариб юборишади. Бекор қолиш мен учун даҳшат... Иннайкейин, мен бу ерда ўз бахтимни топдим. Бунинг нимаси ёмон?...

– Тўғри, – деди Нормурод хижолат бўлиб. – Лекин бошлиқлардан бир оғиз сўрашинг керакмиди...

– Сўрайман, албатта. Яна бир гап. Бу ерга шу кунларда афғонистонликлар келишармиш. Улар одамларга кўкнори эктиришиб, унинг ширасини олиб кетишармиш. Эвазига курул-аслаҳа, озиқ-овқат, кийим-кечак алмаштиришармиш.

– Шунақами? Буни қаердан билдинг?

– Мени даволаётган табиб хотин айтди. Шунинг учун ҳам мен бу ерда албатта қолишим керак. Мени тушунгандирсан.

– Ҳа, тушундим.

– Сен ҳам ахир Гулбибига уйлансанг керак.

– Тақдир насиб қилса, албатта, – деди Нормурод ўйчан.

– Лекин билиб қўй, уларда аввал қизни олиб қочилади. Ана ундан кейин совчи юборилади.

– Ростданми?

– Ҳа, билмасмидинг?

– Ҳозир бирга юрибмиз-ку!

– Бу олиб қочилган ҳисобмас. Сизлар бу ерда давлат хизматидасизлар, холос.

– Оббо, унда нима қилсам экан-а?

– Қайтиб боргач, Гулбибини уйига қўясан. Сўнг уйингга бориб совчиларни юборасанда, ўзинг от билан Гулбибиникига келиб уни олиб қочиб кетасан.

– Қаёққа?

– Ҳм-м, масалан, Муҳаммад аканикига.

– Вой-бу! Зардолугами?

– Ҳа.

– Иннайкейинчи?

– Уникида бир-икки кун қолиб, у кишини ҳам олиб тўғри Гулбибиникига бораверасизлар. Овчи сенга куёвжўралик қилади. Соғ бўлганимда-ку...

Шу пайт Муҳаммад овчи уларнинг олдига келиб дўстлар суҳбатига кулок тутди.

– Лекин тўй сенсиз ўтармиди, – деди Нормурод.

– Бахтли бўлинглар, дўстим! – дея қўлини қисиб қўйди Иброҳим.

– Ҳой, икковинг нималар тўғрисида гаплашаяпсизлар-а?

– Ўзимиз тўғримизда, – деди Иброҳим кулиб.

Овчи хо-холаб кулди.

– Муҳаммад ака, куёвжўралик қиласизми? – деб сўради Нормурод дабдурустан.

Овчи хайрон бўлди:

– Қалланг жойидами? Ахир Иброҳим ўз куёвим бўлади-ку!

– Йўқ, унга эмас, менга.

Овчи қорнини ушлаб яна хо-холаб кулди. Унинг кулгуси жуда ҳам самимий эди.

– Ҳой, кимдан чикди бунақа фикр?

– Ануви куёвингиздан-да. Гулбибини олиб қочиб сизникига келармишман. Кейин сиз билан бирга совчиликка кетарканмиз.

– Қаёққа?

– Аввал Боткенга, сўнгра бизникига – тўйга-да!

Овчи энди тушунди ва Нормуродни маҳкам бағрига босди. Шундай шукуҳли кунларни кўриш насиб қилганидан Яратганга минг шукроналар айтди.

* * *

Иброҳим ва Сарвигулларни унаштириш маросими миллий расм-русумларга амал қилинган ҳолда шодиёналик билан ўтди. Тахтакач олиб ташланиб, Сарвигул бўлғуси куёв болани булоқ сувида авайлаб чўмилтирди. Иброҳим кўли билан бемалол суза олди. Оёқ учлари ҳам сезилар-сезилмас қимирлагандай туюлди. Демак, умид бор экан.

Айтишларича Гармчашманинг шифобахш булоқ суви мўъжизаларга қодир эмиш. Чунки қишлоқда бир овчининг кўли узилиб кетганида дарҳол унинг суягини тилла сим билан улаб этини тикиб қўйишибди ва булоқ сувида чўмилтираверишибди. Натижада, эти битиб ярим йилдан сўнг кўли ишлай бошлабди. Ҳозир эса умуман кўрмагандек бўлиб кетганмиш. Ундан зўр овчи йўқ эмиш. Эҳтимол бу Иброҳимнинг кўнглини кўтариш учун тўқилган афсонадир. Лекин ҳамма умид қиларди...

Иброҳим хат билан ўзининг оғир ярадорлигини, яъни белидан лат еганини, уйланаётганини ва шу туфайли Гармчашмада қолиб хизматни давом эттиришни сўраб Марказ бошлиғи номига мактуб ёзиб берди. Шунингдек, Марғилондаги ёлғиз онаси ва акасининг номига ҳам нома ёзиб ўзининг соғ-саломат хизматни ўтаб юргани, ундан ҳеч хавотир олмасликларини маълум қилди. Уйлангани ҳақида лом-мим демай қўя қолди. Соғайиб кетса албатта келинни олиб боришни ва тўй маросимини ўтказишни кўнглига тугиб қўйди. Унга албатта барча маҳалла-кўйни, сафдошларини ва бадахшонлик қудаларни таклиф қилади.

У радиотелефон орқали Марказ билан боғланиб "метеоэкспедиция" гуруҳи учун Муксу дарёси бўйидаги карвонсаройга вертолёт юборишларини сўради.

* * *

Шундай қилиб Иброҳим Гармчашмада қолди. Унга наркокуръерлар ҳақида маълумот тўплаш топширилди.

Вертолёт уларни тошқўрғон карвонсаройи олдидан олиб кетди.

– Эссизгина яхши йигит эди, – деди Муҳаммад овчи пастга қараб, хаёл суриб.

– Кимни айтяпсиз? – деб сўради борт командири.

– Хачиримни.

– Э, ҳали у ўғил боламиди?

– Ҳа, бечора ҳали уйланмаганди.

Салонда кулгу кўтарилди. Барча йўловчилар қотиб-қотиб кулишди.

– Парво қилманг, бирортасини ўзи топиб олар.

– Эссиз, тўй қилиб сизларни чақирмоқчийдим-да.

– Тўйни қилаверинг. Фақат қудаларингизни айтмасангиз бўлгани.

Яна кулгу кўтарилди. Аъло кайфият билан кўп ўтмай Зардолу қишлоғи осмонига етиб келишганини ҳам англамай қолишди. Беғубор ва дилкаш Муҳаммад овчи шу ерда тушиб қолди.

– Хўп сизларни кутаман-а, – деди у Нормуродга кичкириб, – тагин Гулбибига айтиб қўйма, яшириниб олади-я!

– Ҳой, нима ҳақида гаплашаяпсизлар? – сўради Гулбиби қизиқиб.

– Ўзимиз тўғримизда, – деди Нормурод сирли.

Овчининг ўғли Музаффар ўртоғи Мамарозиқ билан югуриб етиб келишди ва ҳаво машинаси ортидан улар ҳам қўл силтаб қолишди.

Шундай қилиб замирига турли мўъжизаю сир-асрорларни яширган, бургутларга ошиён бўлган, пурвиқор чўққилари булутларни ёриб чиққан, зира хидлари уфуриб турган улуғвор, поёнсиз тоғлар ортда қолишди. Олдиндан муқаддас ватан тупроғи ястаниб ётар ва бағрини кенг очиб ўзига чорларди...

УЧИНЧИ ҚИСМ "ЧАЁНЛАР СЎҚМОҒИ"

XIV боб. ОРЗУЛАР УШАЛГАНДА

Машаққатли сафардан соғ-омон қайтган Муҳаммад овчининг кайфияти Самонийлар чўққиси қадар баланд эди. У шу кунларда ўта хушчакчақ бўлиб қолганди. Уй юмушларини қовоқаридай ғўнғиллаб, мумтоз қўшиқларидан бирини ўзича "маромига етказиб" миқирлаб хиргойи қилиб, бажариб юарди. Оби Хиночдаги мужоҳидлар устидан қозонилган ғалаба нашидасими, Гармчашмада йўқотган қизи ўрнига бошқа қиз топиб олиб, ҳатто уни муносиб куёвга ҳам узатиб улгурганиданми, ўзини бениҳоя бахтиёр отадек ҳис этарди.

Шу кунларда яна бир хурсандчилик кутилмоқда эди. У ҳам бўлса ёш қуролдош дўстлари бўлмиш Нормурод ҳамда Гулбиби, яъни икки севишган ёшлар турмуш қуришмоқчи. Энг қизиғи уларнинг Муҳаммад овчиникига қиладиган ташрифлари ҳам жуда антиқа. Эмишки, маҳаллий қирғиз қавмларининг урф-одатларига кўра розилик ёки хоҳиш-истак билдирган келин бўлмишни куёв бўлмиш "олиб қочиш"и ва ишончли жўраларидан бириникига олиб бориб қўйиб сўнгра қизникига хабар қилишлари, келин томондагиларнинг бўлса бир неча кунлаб тайёргарлик кўриб икки ёш қурмағурлар ҳамда куёв томоннинг совчиларини кутишлари ва ниҳоят, куёвтўра ишончли вакили бўлмиш куёвжўра билан олиб қочилган келин бўлмиш қиз билан бирга "тўйлар муборак" деб "қийшайиб" кириб келишлари керак экан. Муҳаммад овчига бўлса "Куёвтўранинг ишончли вакили" деган мақом берилганди.

Кутилаётган тантана муносабати билан гўё мактабга комиссия келаётгандай овчининг ўғли Музаффар ўртоғи Мамарозиқ билан югуриб-елиб "тозала-тозала" ишларини бажаришар, кўрғонга кираверишдаги бир уюм гўнгни хаш-паш дегунча замбил билан бир четга ташиб ташлашмоқда эди.

– Э, баракалло, йигитлар! Кам бўлманглар! – деб қўйди овчи уларнинг хизматидан қувониб. – Келинлар, энди бир тамадди қилиб олайлик. Музаффаржон, ўғлим!...

– Лаббай ота!

– Ўчоқ бошидаги чойни олиб кела қол. Мен шўрвани сузаман.

– Хўп бўлади. Юр, қўлимизни ювайлик, – деди у Мамарозиққа.

Улар дастурхон атрофига хушқайфиятлик билан ўтиришди.

– Қани олинларчи, йигитлар, – деди овчи уларнинг олдида катта-катта гўшт бўлакларидан қўйиб қўйкан.

– Энди нима қилайлик, ота? Гўнгни ташиб бўлди...

– Яшанлар! Гўнг олинган жойга қуруқ тупроқ, қипиқдан сепиб чиқинлар, шунда хиди-хуши чиқмайди. Ҳа, айтмоқчи Музаффар, энди яна бир иш қилсак. Меҳмонларимиз ҳали-ҳозир келиб қолишлари ҳам мумкин... Қани ол, Мамарозиқ, нега маззанг йўқ, ўғлим?

– Олаяпман, тоға.

– Мамарозиқ сен қўйларни танлашни яхши билсанг керак-а, ҳарҳолда чўпон боласисанку?

– Ҳа, нима эди?

– Сўйишнинг эпложанг керак-а?

– Э, у қотиради, – дея қўшилди Музаффар.

– Бўлмаса гап бундай. Икковинлар қўрамизга қиринларда иккита яхши қўйдан ажратинлар, хўпми?

– Нега иккита?

– Каттароғини келин-куёвнинг тўйига тортиқ қилиб, кичикроғини пойи-қадамларига жибирган қилсак, нима дейсизлар?

– Яхши ўйлабсиз, ота. Лекин улар аниқ келишармикан? – сўради Музаффар иккилангандай.

– Бу нима деганинг?

– Узоқ йўл, дейманда.

– Худо насиб қилса келиб қолишар...

Шундай дедию, овчи ҳам "Ҳа-я, келишмасачи?" дегандай иккиланиб қолди "Илоҳим тинчлик бўлсинда" деб ўзига-ўзи пичирлаб қўйди.

– Яхши ният қилаверайликчи. Кейин анави ўтинларни ҳам ичкарига ташиб қўйинлар. Мен гузарга тушиб Нормурод акангникиларга қўнғироқ қилиб келаман, хўпми?

Аммо қўнғироқ қилиб бўлмади. Овчи ёшларни шу зайл бир неча кун кутди. Тунлари оромини йўқотди. Хаёлида худди ҳозир эшикни тақиллатиб Нормурод кириб келаётгандай, Гулбиби бўлса тулпорини ушлаб қулдиргичларини ўйнатиб тургандай туюлаверди.

Ёш келин-куёвлардан ҳа деганда дарак бўлавермади. Бунинг жузъий сабаби бўлиб Сапарқул мужоҳидлар оғирлигида ортирган оғир хасталикдан сўнг вафот этганди. Уни жангарилар бир гали аямай тепкилашган ва жигари шикастланган экан, кўп яшай олмади. Шу туфайли совчилик ва умуман, тўй масалаларининг ҳозир мавриди эмасди.

Гулбибинини "олиб қочишга" келган Нормуродга жанозада иштирок этиш насиб этди. Сичқон овламоқчи бўлган мушукдай "пайт пойлаб" келган йигит севгилисининг хонадони олдида бир гуруҳ мотамсара одамлар тўпланиб турганини кўрди. Ичкаридан аёлларнинг йиғи-сиғилари эшитилиб турарди. Шу туфайли у индинига Сарчинорга шалвираб кириб борди. Аммо "хуш билан нохуш қўшқанот бўлади", деган гапнинг исботи ўлароқ Нурмат муаллим ўша куни Тошкентдан яхши бир хабар олганди. Ўғлининг устози Бахтиёр Тўраев қўнғироқ қилиб Нормуроднинг тезлик пойтахтга етиб келиши кераклигини ва ўзи билан бир талай ҳужжатларни ҳам ола келишини маълум қилди.

– Ие, ана холос, бу ёғи чатоқ бўлдику! – деди Нурмат ака ҳаяжон билан.

- Нега энди, тоғажон?
- Ўғлимизнинг бошини иккита қилиб қўяётгандик-да. Кейин сизларни ҳам тўйга айтмоқчи эдик.
- Э, шунақами? Муборак бўлсин! Келин қаердан экан-а?
- Ўзимиздан, – деди мўйсафид ғурур билан, – Гулбиби-да!
- Бахтиёр хурсанд бўлиб кетди.
- Эҳ-ҳа, унда жуда улуг иш бўлибди-да. Чегарада муаммолар йўқми, ишқилиб?
- Бўлса сизлар бор, Қонибек, Жонибеклар борку!
- Ҳа-ҳа, яхши-яхши.
- Лекин негадир Нормуроднинг дарағи йўқ.
- Нега энди, тинчликмикин?
- Келинни олиб қочишга кетганди. Ушлаб олишганми дейман, нима бало?
- Нимага олиб қочади?
- Урф-одатлари шунақамиш. Ҳаммаси рисоладагидек бўлиши керакмиш-да. Кейин Муҳаммад ака уларни кутаётганмиш.
- Нима? Қайси Муҳаммад?
- Зардолулик. Ҳалиги ўзимизнинг одам-чи? У вакил ота бўлармиш.
- Ўх-хў, бўлмаса тўй халқаро микёсида бўларкан-да!
- Ҳа. Тўйга бадахшонликларни ҳам айтар эканмиз. Кунини белгилаб, қушлар орқали хабар қилсак бўлганимиш.
- Бахтиёр чин юракдан мириқиб кулиб олди.
- Зўр иш бўлибдику, лекин! Худо хоҳласа биз ҳам қараб турмаймиз. Нормурод билан Гулбиби ватанимиз осойишталиги учун озмунча заҳмат чекишмади. Тўй, ажойиб тўй бўлади, ҳали? Ҳа, кейин Нормуроднинг чегара қўшинлари ҳарбий Академиясига сиртдан қабул қилиниши ҳам бир "сюрприз" бўлади. Улар бирга ишлайверишади. Ҳукуматимиз уларга уй-жой ҳам ажратади.
- Э, шунақами? Ўғлим энди ҳарбий Академияда ўқийдими? – Севиниб кетди муаллим.
- Ҳа. Энди у мен билан бирга бир сафда хизмат қилади. Нормурод юртимиз хавфсизлиги учун ҳали кўп ишлар қилишга қодир. Фақат унда билим ва малака етишмайди, холос.
- У ўзи физкультура, спорт соҳасига ўқишга кириб, кейинчалик ўша, сиз айтган ўқишга бормоқчи эди. Буни қаранг-га, омад деб шуни айтсалар керакда? Лекин сизга гап йўқ, ука. Нормуроджонга жа кўп яхшиликлар қилдингиз.
- Нормурод бунга ўзининг ҳалол меҳнати билан эришди. Сизга раҳмат! Унга яхши тарбия берган экансиз. Дастлаб адашган бўлса ҳам кейин ўз йўлини топиб олди.
- Йўқ. Унинг йўлини аслида сиз топиб бердингиз. Илоҳим, кам бўлманг!
- Хўш, энди тўйни қачон қилмоқчисизлар?
- Нормуроджон келсинчи, кейин сизга дарров хабар қиламиз-да.
- Яхши. Бўлмаса мен айтган ҳужжатларни тайёрлайверинглар.
- Нормурод келгунича бу иш билан ўзим шуғулланаман.
- Хўп, келишдик ака. Хабарларингизни кутаман.
- Раҳмат, омон бўлинг, ука – деди муаллим мамнунлик билан гўшакни қўйиб қўйдида, хушxabарни хотинига етказмоқ учун уйи томон шошиб йўл олди. У келганида Каромат ая тандирдан иссиқ-иссиқ, бўрсилдоқ нонларни узмоқда эди.

* * *

Нурмат ака Боткенга – Сапарқул ошнасининг маракасига йўл олган куни Нормурод ҳам пойтахтга жўнади. Йигит жуда хурсанд эди. "Наҳотки орзуларимга етишаётган бўлсам. Ҳеч ишонгим келмайди. Демак энди мен мамлакат учун, жамият учун керак эканман. Менга ишонишибди. Энди давлатимизга сидқидилдан хизмат қиламан. Янги-янги дўстлар орттираман, топшириқлар оламан. Ким эдим, ким бўлдим?"...

Нормурод давон ошиб келаётган машинада хаёлларга берилиб ўз-ўзига ана шундай саволлар бериб бораркан, бепоён тоғларни кўриб бир неча йил аввал алданиб олиб кетилган, Жирғатолнинг тоғ йўллари эдига олди. "Қанчалар гўсхўр эканман, ўшанда. Неча ўлимлардан қолдим. Дўстларимни йўқотдим. Ҳаммаси энди ортда қолди. Лекин душманлар ҳамон йўқ бўлганича йўқ. Улар ковакларига кириб кетишди. Улар худди чаёнлар мисоли истаган маҳали бош кўтаришлари, кутилмаганда коваклардан чиқиб келишлари ва ниш уришлари мумкин. Афғонистон наркотик ва қурол яроғлар макони, одамлари ўта онгсиз ва саводсиз. Улар учун инсонни оғу билан заҳарлаш, ўлдириш оддий ҳол. Демак, улар юртимиз, халқимиз учун хавфли. Ўша Афғонистон бўлса бизга бир қадам..."

Нормурод шундай ўйлар билан кетаётганда йўлда бир қиз машиналарига қўл кўтарганига кўзи тушди. У худди Гулбибига ўхшаб кетаркан. Машина тўла бўлгани учун ҳайдовчи парво ҳам қилмади. Аммо Нормуроднинг кўз ўнгига йўловчи қизнинг сиймоси бир оз сақланиб қолди ва бу сиймо энди Гулбибининг чехраси билан алмашди. "Бечора, Гулбибига қийин бўлди-да – отасиз қолди. Яхши ниятлар қилгандик. Сапарқул ака раҳматлига қизининг тўйини кўриш насиб қилмаган экан-да... Мужоҳидларнинг беъмани юришлари, уруш қилишлари Гулбибининг оиласига ҳам катта заҳмат олиб келди. Эҳ-ҳе, неча-неча оилалар динни ниқоб қилиб олган каззобларнинг жабрини кўришди-ю..."

Нормурод сўнгги йиллар ҳаётида рўй берган хуш ва нохуш воқеаларни бир-бир кўз олдига келтириб чиқди. Айниқса, Гулбиби билан ўтказган жанговар сафари, у билан изғирин-совуқда, қоялар тепасида туриб мужоҳидларни пойлаб ётганлари, сўнгра изма-из машаққатли йўл босганлари, гўзал ва бетакрор тоғлар қўйнида қилган орзулари, Қоратош атрофида қувалашиб юрганлари тушларига кира бошлади. Фақатгина ҳайдовчи "қаерга борасиз, ҳой йигит?" дея сўраганидагина аллақачон шаҳарга кириб келишганини билди.

Шундай қилиб Нормурод ҳам ҳарбий Академиянинг курсантига, ҳам хавфсизлик хизмати ходимига айланди. Бу ерда у ҳам назарий, ҳам амалий билимларни пухта эгаллай бошлади.

* * *

Гармчашмада қолган зобит Иброҳим Аскарров иқтидорли йигит бўлгани туфайли бу ерликларнинг тили, маҳаллий урф-одатларини тез ўзлаштира бошлади. Кўп вақт ўтмай тоғлик ёш хотини Сарвиғул билан маиший темада эркин мулоқот қила олди. Афсуски хотини ҳам, бу ердаги бошқалар қатори рус тилини мутлақо билмас экан. Бир-икки бор русча мулоқот қилиб кўрди, лекин фойдаси бўлмади, келинчак елкасини қисиб тураверди. Аммо кунлардан бир куни Сарвиғул уйларига сарикдан келган, кўзлари мовийранг, юз тузилиши, бурнининг қирралиги бу ерликларникига ўхшамайдиган малласоқолли бир кишини етаклаб кириб келди.

Нотаниш малласоч киши ётган Иброҳимга қўл узатиб "Салом-алайкум" деб сўрашган бўлди.

Сарвиғул у кишига "Ақои Алик" деб мурожаат қилиб, бир нималарни ўз тилида тушунтирган бўлди ва ўзи чойга уннаб кетди.

– Мeня зовут Алексей, – дeди нотаниш мeҳмон кутилмаганда, – Здeсь мeня назывaют Аликом и иногдa Алибекoм. Мeня личнo Алибек нравитсa. Говорят, ты русским языкoм владeeшь, да?

– Да. Я Ибрагим, – дeди бeмoр йигит янa қайтa қўл узатиб. – Значит вы русский? А как вы сюдa пoпали?

– Эҳ-ҳе, этo судьба. Любовь мeня сюдa привeла, и думaю, останус здeсь навсeгдa...

Шундан сўнг Алексей ўзининг ўн бeш йиллар чамаси аввал бу ерга қeрдан ва қандай қилиб кeлиб қoлиш тарихини гапириб бeрди. У асли Санкт-Петербурглик экан. Етимхoнадa ўсиб-улғайибди. Ўша етимхoнадa бир Катeрина исмли қиз билан сeвишиб, аҳду паймон қилишибди. Унинг янa бир Григорий исмли қалин жўраси ва унинг ҳам Аня исмли сeвгилиси бўларкан. Айтишича, улар ажралмас дўст бўлишган ва кeлажак орзу-рeжаларини биргаликда тузишибди. Ким билaди, ёшлик шижoатими ёки ёшликда бўладиган қизиқишнинг ўта устунлигими, хулласи калoм Помир тоғларидаги "Коммунизм", яъни ҳoзирги "Сомонийлар" деб аталган чўққини забт этиш, шундан сўнггина турмуш қуришга аҳд қилишибди. Маълум тайёргарликдан сўнг Хоруғ шахрига учиб кeлиб "Қайдасан, орзулар чўққиси?!" дeя альпинист сайёҳлар қaби пийдa йўлга oтланишибди. Маҳаллий аҳолининг урф-oдатлари, гўзал ва бeтакрoр табиат уларни ўзига мафтун қилибди. Саргузашт, ишқибозлик, матонат, бир-бирларига бўлган муҳаббат кучи уларни қаҳрамонликларга чoрлабди. Чўққи сари кўтарилиш давомидa бир қанча азoб-укубатларни бошдан кeчиришибди. Аммо совуқ изғиринлари, йўл машаққатлари уларни бу йўлдан қайтара oлмабди. Пурвиқoр булутлар тепасидa ондa-сондa кўриниб қoладиган ўша чўққининг oҳанрабoси ўзига тортаверибди. Ҳар бир кўтарилган қaдам, йўлдаги ҳар бир кичик қoя тўсиқ устидан ўтиб олишни улар хурсандлик билан қарши олишибди. Афсуски, кўзга осoйишта ва гўзал кўринадиган бу кўркам тоғларда қoр ва тош кўчкилари бўлиб туриши, улар инсонни чумoли қaби улоқтириб ёки эзғилаб ташлаши мумкинлигидан бeҳабар бўлишган экан...

Сухбатининг шу ерига кeлганидa Алексей гапиролмай қoлди. Кўзларига ёш oлди. Чойдан бир хўплаб oлди.

– Кейинчи, нима бўлди? Чўққига чиқa oлдиларингми? – сўрадi Иброҳим бeтoқат. Ўшанда бирoр нoхуш вoқeа бўлганини кўнгли сезиб турарди.

– Йўқ..., – дeди рус йигит хўрсиниб. – Йигирма тўртинчи кун эди. Озуқa захирамиз ҳам дeярли тугаб бўлган, соғлиғимизга аллақачон путур eтганди. Чунки қулоқ-бурунларимизни аллақачон совуқ oлганди. Оёқларим совуқдан дeярли қoтиб қoлди. Биз худди тирик мурдалардeк аранг ҳаракат қилардик. Бизни бу ерга фaқат бир умид чoрлар, гўё ўша чўққини забт этмасак орзуларимиз рўёбга чиқмай қoладигандeк туюларди. Гаплашгимиз кeлардию, аммо oвозимиз чиқмасди. Биз моҳир альпинистларга ўхшаб яхши тайёргарлик кўрмаганимиз яққол сезилиб қoлди. Ҳатто, бир-биримиз арқон ҳам боғлаб oлмагандик... – дeди Алибек бош чайқаб.

– Шeрикларингиз ҳoзир қeрдa?

– Арши-аълода, улар...

– Нима? Музлаб қолишдимми?

– Йўқ. Ундан ҳам баттарроғи рўй берди. Чўққига етай деб қолганимизда қор кўчкисида қолдик, – дея хўрсиниб қўйди рус киши, – Дастлаб кўчки Григорийни олиб кетди. Уни кўз илғамай қолди. Мен бир илож қилиб Катяннинг қўлини ушлаб қолдим. Қорлар орасидан билинар-билинемас чиқиб турган ўткир қоялар ҳам бор экан. Бизлар бир-бир уларга урила бошладик. Катя бошини уриб олди ва чамамда хушидан кетди. Шу маҳал Аня ҳам қорлар қўйнида кўздан ғойиб бўлди. У ҳам Григорийнинг ортидан жуда баланд жарликдан жаҳаннамга равона бўлди. Чунки унинг қичқирганини эшитдим ва жон-жаҳдим билан қояларни ушлаб қолишга ҳаракат қилдим. Ўша жаҳаннам қирғоғидаги қоялардан бирини аранг тутиб қолдим. Аммо Катя қўлимдан чиқиб кетди. Иккинчи қўлим билан бир қоя тошга базўр илиниб қолдим. Мени ҳам муқаррар ўлим ўзига чорлай бошлаганди. Мен бор овозим билан ҳайқирдим...

Иброҳим юз берган фалокатни кўз олдига келтирди ва ўзи тушган ҳолат Алексейники олдига ҳеч гап эмаслигини англаб етди. Рус йигит чинакамига йиғлай бошлади:

– Кечир мени, оғайни. Кўнглим бўшаб кетди, – деб қўйди у.

– Ҳечкиси йўқ. Худойим сабр берсин, – деди Иброҳим унинг қўлига қўлини қўйиб ҳамдардлик билдирган бўлди.

– Сен ҳам тезроқ соғайиб кет. Ҳали кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади... Сен ҳақингда эшитдим. Мард йигит экансан. Помирликлар бундайларни бошларига кўтаришади. Ҳар иккимизнинг тақдиримиз ҳам ўхшаш экан. Бир жиҳатдан ўзимга маслакдош дўст орттирганимдан жуда хурсандман.

– Раҳмат. Мен ҳам.

– Тилимни унутиб юбораманми дегандим, хайрият.

– Кейин нима бўлди? Дўстларингни топдингми? – Сўради Иброҳим.

Бу сафар у Алексейни ўзига яқин олиб сенлай бошлаганди. Бу холдан рус йигит мамнундек туюлди.

– Йўқ..., – деди у чуқур хўрсиниб. – Мен уларни кўп изладим. Улар ҳозир ҳеч қачон эримайдиган доимий қор ва музликлар қаърида бўлишса керак. Мени шу ерлик овчилар беҳуш ҳолда топиб олиб келишибди. Шу-шу бу ерга "доимий прописка"га ўтдим. Дўстларимни икки йил қидирдим... Кейин ўзим ҳам ғирт тоғликка айландим. Шу ерда уйландим. Ҳозир икки фарзандим бор: бири ўғил, бири қиз.

– Исмлари нима?

– Қизим Камила, баъзан уни Катя деб чақираман ўғлимни Гриша демоқчи эдим. Лекин оксоқол кўнмади. Али Қурбон деб исм қўйди. Ёмонмас-а, тўғрими?

– Ҳа. Қурбон сўзи "ҳалок бўлган" деган маънони беради.

– Э, шунақами? Буни қарая, билмас эканман. Хўш, энди ўзинг тўғрингда гапириб бер. Кимсан? Бизнинг маконларга қандай келиб қолдинг?

– Тақдир. Сарвиғул тушларимга кирарди.

Икковлари кулиб олишди.

– Бўпти. Кейин гапириб берарсан. Мен энди борай. Сенга ёввойи кабутардан овлаб келаман. Эркакнинг белини бақувват қилади дейишади. Эртага булоқда ўзим чўмилтираман. У ерда хонбаликлар ҳам бор, тутиб қовуриб бераман, – дея рус йигит ўрнидан кўзғолди. – Хўп, ҳозирча...

Иброҳимнинг кўнгли хотиржам тортди. Энди Алибек келгунича ўзи ҳақида ва бу ерга қандай келиб қолгани тўғрисида бирор ишончли ҳикоя тўқиб қўйиши керак. Ахир "мен разведкачиман, мужоҳидлар изидан келдим", демайдику. Ким билади, бу рус киши қанақа одамлигини? Айтиб берганлари тўғрими, йўқми, суриштириб қўриш керак. "Эҳтимол у бирор қочиб юрган жиноятчи ёки террорчилардандир" деган нохуш ўй Иброҳимнинг хаёлини чулғаб олди. "Унинг шахсини аниқлаш лозим. Кейин ундан қандай фойдаланиш мумкин экан? Ҳар ҳолда у бу ерни яхши билади. Эҳтимол унинг борлиги биз учун бир имкониятдир. Шунинг учун у билан қалин дўст тутунмоғим керак. Ҳар ҳолда у менинг қўл ва оёғимга айланиши мумкин", – деди Иброҳим ўз-ўзига пичирлаб.

Жилмайиб кириб келган Сарвиғул унинг хаёлини бузди. Келинчак эрининг ётавериб зерикиб кетгани учун ўзи билан ажнабий Алибекни бошлаб келганди. Шу туфайли Иброҳим хотинидан миннатдор бўлиб мийиғида жилмайиб қўйди. Сарвиғул эрининг бошини оҳиста кўтардида қошиқчада тоғ асалидан олиб ялатиб қўйди ва кетидан гиёҳли чой ичирди. Иброҳим ҳам унинг қўлидан қошиқчани олиб асални кавлаштирган бўлди ва қошиқни қизнинг ғунчадек лабларига тутди. Бу ҳаракат келинчакка жуда ёқиб тушди ва гулли дўпписининг попукларини ўйнатиб қийқириб кулиб қўйди.

Ташқарида беғубор оппоқ қор ёғарди. Мўъжазгина тош ҳужра ичида эса, "асалли кунлар" кечарди...

* * *

Иброҳим Асқаров Алибек – Алексей билан қалин жўра бўлиб кетишди. Алибек кулбага тез-тез ташриф буюрар ва ҳар сафар қандайдир бирор тансиқ таом, егулик, тоғу тошдан топган аллақандай маъданлар ёки кўрган-эшитган янги гаплар ола келарди-да, улар ҳақида "хузур қилиб" ўз тилида гапириб беради. Алибекнинг маҳаллий халқ ва унинг удуму одатларини чуқур ҳурмат қилиши, бу ерни ўз ватани деб қабул қилгани, фарзандларини чин дилдан яхши кўриши унинг самимий, беғубор инсон эканидан далолат беради.

Бир гали у хотини Моҳигул, қизи Камила ва ўғли Али Қурбон билан кириб келишди. Алибек помир тилини тўлиқ ўзлаштириб олгани ва узоқ йиллар рус тилида ҳеч ким билан ҳамсуҳбат бўлмагани туфайлими фарзандларига ҳам ҳали ўз тилини ўргатмаган экан. Отасининг ногирон Иброҳим билан рус тилида алланималар деб бидирлаб жавраши уларни довдиратиб қўйди.

– Садитесь, пожалуйста, – деди Иброҳим уларга жой кўрсатиб.

Алибекнинг оиласи миқ этмай тураверишди. Яхшики, Сарвиғул келиб қолди ва ўз тилида меҳмонларга мулозамат кўрсатди. Алибек жилмайиб "Улар рус тилини ҳали мутлақо билишмайди" деб қўйди.

– Агар хўп десанг, уларга рус тилини мен ўзим ўргатардим. Бекор ҳам ўтирибманку. Ҳам саводлари чиқади, дунёни ўрганишади.

Алибек учун бу кутилмаган таклиф бўлди. У беҳад қувониб кетди:

– Эҳ, Ибрагим, сен зўр йигит экансан-да! Лекин қийналиб қолмасмикансан-а?

– Йўқ. Улар ота тилларини ўрганишмагунларича ўрнимдан турмайман. Чунки менга ҳали таржимонлар кўп керак бўлади.

Алибек шодон кулиб юборди.

– Улар таржимон бўлгунларича ўзинг ҳам помир тилини ўрганиб улгурасан-ку.

– Ҳа-да, – деди қувониб Иброҳим, – Мақсадим баҳонада ўзим помир тилини ўрганиб олиш.

– Ўҳ-хў, унда аввал ўзингни ўқитмоқчи экансанда-а?

Шундан сўнг Алибек оиласига юзланиб дўсти Иброҳимнинг таклифни гапириб берди. Болалар қувониб кетишди.

Умуман олганда Гармчашма қишлоғи узоқ ва баланд тоғлар оралиғида, доимий музликлар бағрида бўлгани учунми, бу ерга ҳаливери катта ердаги инсоният тараққиёти, электр чироғи ҳам, техника омиллари ҳам етиб келмаган экан. Бу гўшада муаллим тугул саводли одамлар бармоқ билан саноқли бўлиб, улардан бири оқсоқол Ақои Чоршанбе эди. У Душанбеда ўрта мактабда илм олган, бир неча бор Афғонистондаги юртдошлариникига бориб шахсан Оғахон IV билан учрашиб келгани учун бу ерга сардор этиб тайинланган экан.

* * *

Иброҳим болалигидан турли жониворлар ва буюмларнинг суратини чизишни яхши кўрарди. Шу туфайли болаларга сабоқ беришни ўша ондаёқ сурат чизишдан бошлади. У Сарвигулдан қоғоз ва қалам топиб беришни сўради. Сарвигул ҳам бесавод бўлгани учун дастлаб бу сўровга тушунмади. Шунда Алибек унга бир нималарни тайинлаб қаёққадир юборди. Кўп ўтмай у қоғоз ва рангли қаламлар келтирди. Иброҳим тезлик билан қуён, бўри, товуқ ва жўжаларни чизиб уларнинг Бадахшон тилидаги аталишларини ўзи ўрганиб олгани ҳолда энди уларнинг рус тилида қандай аталишини тушунтирди. Натижада Моҳигул, Сарвигуллар ҳам тартибли ўқувчиларга айланишди.

Бундай завқли машғулотларнинг таърифи тез орада мўъжаз қишлоққа тарқалди ва одамлар ўз фарзандларини бир-бир етаклаб келавердилар. Оқсоқолнинг кенжа хотини ҳам бу ҳақида эшитиб қолиб эрига ўғиллари Сангибекнинг иқтидорли экани ва уни ўзбек муаллимга беришни сўради. Шундай қилиб хотин-халаж ва болалар тор ҳужрага тикилиб олишди.

Сангибек жон-дили билан дарсларга фаол қатнаша бошлаган кунларнинг бирида бу ерга қишлоқ оқсоқол Ақои Чоршанбе ҳам ташриф буюриб, остонада кузатувчи сифатида томоша қилиб турди.

Ўқувчиларга рухсат бўлгач, оқсоқол кириб келиб Иброҳимнинг қўлини маҳкам сиқди.

– Раҳмат сенга ўғлим! Худо хоҳласа тузалиб кетсанг сенга бир мактаб очиб берамиз. Алибек иккинги ўша ерни бошқарасизлар. Пойтахтдан бир-икки бор ҳукумат вакиллари келиб мenden шуни қаттиқ талаб қилишаётганди. Мен бўлсам аввал муаллим юборинглар деб шарт қўйгандим. Сени бизга худонинг ўзи етказди. Қасбинг ўзи ўқитувчимми?

Алибек сардорнинг гапларини шошилмай таржима қилиб берди. Иброҳим бир фурсат ўйланиб турдида, ўзи "тўқиб қўйган" биографиясини қисқача баён қилди:

– Йўқ. Метеорологман. Тошкент Алоқа институтини тамомлаганман. Игла чўққисида жойлашган Халқаро метеорологик станциясида алоқачи бўлиб ишлардим. Мужоҳидлар у ерни пачоқлаб ташлаб бизни гаровга олишди. Уларнинг мақсади бизнинг вертолётимизни қўлга олиш эди. Кейин бизларни асир қилиб олиб кетишаётганларида биз қочиб кетдик. Шерикларимни ўлдиришди. Сўнгра мен Муҳаммад овчини, Сарвигулни учратдим. Нормурод ва Гулбибилар ҳам станцияда ишлашарди. Қолган гаплардан хабарингиз бор.

– Ҳа тўғри. Оббо аблах мужоҳидларей, – дея бош силтаб қўйди сардор ва Иброҳимнинг нигоҳига савол назари билан қаради.

– Айтчи ўша станция нима вазифани бажаради, ўзи?

Бунақа станциялар ер юзининг турли жойларига қўйилган. Улар дунё об-хавосини олдиндан билиш, яъни прогноз учун хизмат қилади. Агар ўша бизнинг станция вайрон қилинмаганида эди, эҳтимол Шоҳимардонда бўладиган селни олдиндан хабар қилган бўлардик. Сел оқибатида қанча-қанча қирғиз ва ўзбек қишлоқлари вайрон бўлди, одамлар ҳалок бўлишди. Помир-Олой тоғларда қанча-қанча қор кўчкилари рўй берди. У ерларда ҳам жуда кўп Алибекка ўхшаганлар жабр кўришди.

Алибек алланечук бўлиб кетди. Унинг салмоқли таржимасини эшитган сардор ҳам бир сония жимиб қолди. Қўллари муштлиди. Мужоҳидларга бўлган нафрати ҳар иккисининг қиёфасида тонгги шафақ каби аниқ намоён бўлди.

– Ҳа, мужоҳидлар нияти бузуқ газандалар. Уларнинг уруғи қуририлмаса бутун Осиё халқига яна хавф солаверади, – деди Акои Чоршанбе ўз фикрини баён қилиб.

– Биргина Осиёга эмас, бутун дунё одамларига, – дея қўшиб қўйди Иброҳим жиддий. – Чунки улар героин тарқатишмоқда. Героинни кимёвий йўл билан заводда ишлаб чиқарилади. Ундан одамлар заҳарланиб, қурбон бўлишмоқда, болалар ногирон туғилишмоқда. Бу оғуға ўрганиб қолган бемор бор-будини сотиб бўлса ҳам нафсини қондириш пайида бўлади. Унинг нархи осмонда экани учун мужоҳидларнинг сардорлари жуда бойиб кетиб хориждан одам ўлдирувчи энг замонавий қурол-аслаҳаларни сотиб олишмоқда. Бу қуроллар билан бошқа қўшни давлатларни зўравонлик билан босиб олишни, улар устидан ҳукмронлик қилишни ўйлашмоқда. Масалан, улар Ўзбекистонни босиб олиб исломий халифалик давлатини қуришмоқчи.

– Нега энди Ўзбекистонни, қолганларичи? – сўради Алибек ҳайрон бўлиб.

– Агар Ўзбекистон эгалланса, Тожикистон, Қирғизистон ҳам ўз-ўзидан сўзсиз таслим бўлишади. Шу жумладан тоғли Бадахшон халқлари ҳам ўз-ўзидан ўша газандаларга муте бўлишади-да...

Бу гапнинг таржимасини эшитган Акои Чоршанбенинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Оппоқ соқол-мўйловининг титрашидан унинг ғазабланаётгани сезилиб турарди.

– Оқсоқол, – дея юзланди Алибек ва помир тилида анави бизнинг қишлоққа келиб туришадиган афғонлар ичида мужоҳидларнинг одамлари йўқми, ишқилиб?

Иброҳим "Оқсоқолдан афғонлар ҳақида нимани сўраябсан?", деган маънода кўз ташлаб олди.

– Йўқ, – деди оқсоқол бир оз ўйланиб тургач. – Улар бизнинг эски биродарларимиз, ҳамюртларимиз. Яна тагин ким билади дейсан, ношукур банда, деганлар.

– Уларнинг орасига янгилар ҳам қўшилиб келсачи?

– Ҳа, гапингда жон бор. Лекин ўтган гал уларнинг сардори Кароматшо "ҳосилни кўрқмай йиғаверинглар, уларни жуда қимматга оламиз, сизларга зўр-зўр қуролларни арзон гаровга берамиз, насияга ҳам бўлаверади" деганди. Бу гап нимани англатади?

Иброҳим уларнинг сўзлашувини иложи борида уқиб олишга, аммо ўзини бепарво тутишга ҳаракат қиларди. Сухбат ҳақиқатдан ҳам жиддий тус олиб борарди. Ниҳоят оқсоқол Иброҳимга ишора қилиб деди:

– Куёв бола жуда ўқимишли йигит кўринади. Энди у ҳам ўзимизнинг одам. Сен доим унинг ёнида бўл. У тезроқ оёққа туриб кетиши керак. Бу сенга топшириқ. Маслаҳатлар сўра. Ундан кўп ақлли фикрлар чиқади шекилли, хўпми?

– Хўп бўлади, оқсоқол, – деди Алибек итоат билан.

– Бўпти Иброҳимбек, тезроқ тузалиб кет. Ўзингни кўп уринтириб қўйма. Ҳар куни бир-икки соат машғулотингни ўтказсанг етади. Кейин Алибек билан қишлоққа ҳам чиқинглар. Алибек, сен бу йигитга одамларимизни бир-бир таништир, урф-одатларимизни ўргансин, хўпми?

– Бўпти, мен Иброҳимни энди опичлаб олиб юраман. У мен учун энг қадрли дўст бўлиб қолди.

– Кенжам Сангибекни ҳам бирга олиб юринглар, – деди сардор кулиб.

Оқсоқол чиқиб кетгач "Кейин сизлар нималар ҳақида гаплашдинглар?" деган савол маъносида Иброҳим томоғини қириб қўйди. Алибек уни тушунди чоғи, бўлган гапларни айтиб берди.

– Сендан оқсоқолнинг умиди катта. "Ўқимишли йигит экан, ундан ақлли гаплар кўп чиқади" деяпти, – деди у қўшимча қилиб.

– У мактаб очиб бергани билан, мен муаллимлик қила олмасам керак.

– Ҳали айтдимку, сен аксинча, ўзинг болалардан ўқиб-ўрганаёпсан деб.

Улар кулиб олишди.

– Мактаб учун ахир ўқув қуроллари, ҳар хил китоблар керак бўлади-ку.

– Ҳаммасини топиб берамиз. Яқинда Афғонистоннинг Бадахшон вилоятидан қишлоғимизга афғонистонлик биродар афғонлар келишади.

– Нима, афғонистонлик дейсанми?

– Ҳа. Аслида улар ҳам бадахшон исмоилийлари. Бу ерга ҳар йили ул-бул олиб келиб туришади.

– Улар савдогарларми?

– Йўқ. Улар бу ердаги унумдор, очиқ ерларимизга кўкнори эктиришарди. Сўнгра бизникилар унинг ширасини йиғиб беришади. Ширани мисқоллаб олишади. У жуда қиммат баҳоланади. Хизмат ҳақи эвазига келгуси йили нима буюртма берилса шуни олиб келишади.

– Қурол-яроғни ҳамми?

– Ҳа. Ов учун, ҳимоя учун, дегандек.

– Улар қачон келишаркин?

– Нима эди?

– Ўқув жиҳозларидан ташқари яна бир-иккита нарсa сўрамоқчи эдим-да.

– Нима керак бўлса сен бемалол рўяхатини тузиб қўявер.

– Мужоҳидлар ҳам келишадими?

– Йўқ. Улар тадбиркорлар. Мужоҳидлар дегани у жиҳод қилувчи, зўравон, каллакесар дегани. Улар унақа одамлар эмас. Тўғри, қуроллари бор, фақат ҳимоя учун, холос!

– Нима, Афғонистоннинг Бадахшонида мужоҳидлар йўқми?

– Йўқ. Уларни асосан жанубий Афғонистон ва Покистонда дейишади. "Толибонлар" деган ҳаракат ҳақида эшитганмисан?

– Ҳа.

– Мужоҳидлар асосан ўшалар. Улар фанат бўлишади. Ҳозир ўша жанубий Афғонистонда ҳукумронлик қилишмоқда. Ўзларини ислом лашкарлари деб

аташадию, аммо юриш-туришлари, турмуш тарзлари мусулмончиликка мутлақо зид, ифлос одамлар...

– Афғон бадахшонлари улар билан шерикчилик қилишадими?

– Ҳа, – дея кулиб қўйди Алибек, – Сен худди терговчиларга ўхшайсан-а. Мабодо жосусмасмисан?

– Биз сен билан тақдиримизни бадахшонликлар билан боғладик. Шунинг учун бу халқнинг бир бўлаги сифатида унинг тарихи ва келажаги учун қайғуришга масъулмиз, – деди Иброҳим жиддий.

– Ҳа, тўғри айтасан ошна. Лекин билганларим шуки, бадахшонликларнинг дини исломникидан бир оз фарқ қилади. Уларни Исмоилийлар деб ҳам аташади. Уларнинг Афғонистоннинг Бадахшониди Оғохон исмли пирлари истиқомат қилади. Пирлик Оғохонларга авлоддан-авлодга ўтиб келади. Ҳозирги Оғохон IVнинг ўзи Швецарияда яшармиш. Ўрнига Исмоилияни жияни бошқариб тураркан. Тожикистондаги фуқаролар уруши пайтида жуда кўплаб бадахшонликлар қочоқ сифатида ўз ватанларига қайтиб келишиб оғир қийинчиликларни бошидан кечиришди. Шунда Оғохон IV хориждан доимий хайрия ёрдами жўнатиб турди. Шунинг учун тожикистонлик бадахшон исмоилийлари ҳам уни ўз халаскорлари сифатида кўришади.

– Демак, исмоилийларнинг толибону мужоҳидларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, шундайми?

– Ҳеч қандай. Аксинча, бадахшонликлар ҳам мужоҳидлардан жабр кўриб келишмоқда, кўпчиликни улар аямай ўлдириб юборишди.

– Тўғри. Мен буни ўз кўзим билан кўрдим. Сарвиғул ҳам уларнинг қўлида ҳалок бўлиши мумкин эди.

– Ўша ерда менинг катта қайноғамни ҳам сўйиб кетишибди.

– Демак, улар бизнинг ҳам душманларимиз ҳисобланади, тўғрими?

– Тўғри. Улар нафақат бизнинг, балки бутун инсониятнинг душмани. Чунки улар героин эвазига ҳомийларидан қурол-аслаҳа сотиб олишмоқда.

– Кўкнори шираси ҳам оғу ҳисобланадику?!...

– Ҳа тўғри, ҳар ҳолда бу деҳқончилик, табиий етиштирилади. Ундан меъёрида фойдаланиб фармацевтика саноатида қўллаш мумкин. Аммо оми одамлар ундан бангилик мақсадида фойдаланишади. Ишёқмаслар кайф қилиб ётишлари учун катта маблағ сарфлашади. Бангилик бу сунъий тентакликдан бошқа нарса эмас. Дунёни сув босса ҳам уларнинг парвойига келмайди. Бу ерликлар учун кўкнори етиштириш бир тириклик манбаи ҳолос. Пул бизда умуман ишламайди. Озиқ-овқат, овчилик ўлжалари, терилари ўртада. Жониворлар юнгидан аёлларимиз ҳар хил матолар, уст-бошлар тўқишади, ҳунармандларимиз турли-туман тақинчоқлар ясашади. Хуллас, топган-тутганимизни афғонларга алмашамиз. Улар ўзлари билан турли озиқ-овқат, туз, ёғ, гугурт, кийим-кечак, идиш-товоқ ва биз аввал берган буюртмаларимизни ола келишади.

– Улар қайси тарафдан келишади?

– Гармчашма суви пастроққа тушиб боргач, катта сойга айланади, сўнгра Оби Хиноч дарёсининг бошланмасига қуйилади. Сўнгра, Оби Хиноч Вахила Вахш бўлса Амударёга айланиб боради. Бир ойдан сўнг сойимиз қалин музлайди. Сув музлик тагидан оқаверади. Афғонлар асосан қўтос ва эшаклар қарвони билан ана шу музликлар устидан бемалол ўтиб келишади.

– Нима, бошқа йўл йўқми?

– Йўқ ҳисоб. Бизга ўхшаб альпинист ёки чакқон овчилар учун бор, албатта. Лекин юк билан келиб бўлмайди-да. Кейин музлик бўлмагани пайти сувни кечишнинг иложи йўқ. Сув совуқ, ҳам тез оқади. Энди тушундингми?

– Ҳа дўстим, тушундим.

– Афғонистонликлар келишгунича соғайиб кетишга ҳаракат қил. Ҳеч бўлмаса кўлтиқтаёқда юра олсанг эди. Уларнинг ташрифи биз учун ҳар йили байрам бўлади. Оқсоқолимиз уларни яхши меҳмон қилади. Чунки улар билан Оғахоннинг вакили ҳам келади. У ҳам қуруқ келмайди, албатта. Қайтишда узатилмаган гўзал кизлардан канизакликка олиб кетишади. Сарвиғулни эҳтиёт қилишнинг керак, – деди Алибек қикирлаб кулиб, сўнгра Иброҳимнинг елкасига қўлини қўйиб "Қўрқма, ҳазиллашдим", – деб қўйди.

Шундай қилиб Алибек Иброҳимнинг энг яқин маслаҳатдошига айланди. Иброҳим ҳар куни бир-икки соат ўқувчиларига ўз билганича дарс бергач турли хонадонлардан "бемор – ўзбек муаллим" учун юборилган таомлардан бирга тановул қилишар, сўнгра эса, Алибек уни орқасига опичлаб олган ҳолда ҳар куни ҳар хил хонадон ёки ҳунармандлар ҳузурига ташриф буюришарди. Сангибек ҳам уларнинг "думи" каби доимий ҳамроҳи бўлиб олган бўлиб, турли майда-чуйда юмушларини югуриб-елиб бажариб юрарди.

Сангибек бир жиҳатдан оқсоқолнинг "қулоғи" ҳам бўлгани учунми, хонадон эгалари уларнинг жуда ҳурматини жойига қўйиб кутиб олишар, Иброҳимни қизиқтирган саволларига бажонидил эринмай жавоб беришарди. Ўзига хос миллий урф-одат, анъаналар, овчилик, касаначилик маҳсулотлари, таомлар тайёрлаш, айтиб бериладиган помирча мумтоз қўшиқлару лочинлар мисоли қанот қокмай гўё парвоз қилиб ижро этиладиган миллий рақслар, аёлларнинг енг кенг ва узун либослари, бежирим тақинчоқлари, ҳамма-ҳаммаси жуда қизиқарли ва завқли эди. Аммо Иброҳимнинг ўй-фикрига бир масала ҳукмрон бўлиб олди. Бу ҳам бўлса бўлғуси афғонистонликлар ташрифи бўлиб, уларнинг сиёсий мақсадлари ва мужоҳидлар билан алоқалари бор-йўқлигини билиш, улар орқали героин ва қурол-аслаҳаларнинг кириб келиш сўқмоқларини, қолаверса ўзбекистонлик гумашталарини аниқлаш жуда муҳим эди.

* * *

Ниҳоят хабарчининг "Келишаяпти! Биродарлар келишаяпти!" деган хурсанд кичкириғи янгради. Қишлоқнинг барча ёшу қариси тепаликлар, томларга чиқишиб жуда узоқдан сой ёқалаб келаётган қарвонни интизорлик билан кута бошлашди. Бу пайтда Иброҳимни опичлаб, Сангибекни эргаштириб олган Алибек бир кийгизчининг ишини кузатиб туришган эди. Сангибек ҳам болаларча қизиққонлик билан "Юринглар, афғонлар келишяётган экан, кўрамиз", деб қолди. Оқсоқол ўғлининг амри вожиб, дегандек Алибек "Кетдик", дея Иброҳимни опичлаган ҳолда тоғ баландликларидан бирига "илаша" бошлади. У ердан узоқ-узоқларда келаётган қарвон қораси яққол кўзга ташланарди.

Иброҳим қобилятли бўлгани учун помирликлар тилини тез ўзлаштириб ола бошлади. Аммо аҳоли орасида ҳамон ўзини ҳеч нимани тушунмайдигандек қилиб кўрсатишни афзал деб билди. Шу туфайли, атайин "текин таржимони"дан фойдаланаверди. Шуниси қизиқки, Сангибек ҳам рус тилини жуда тез ўзлаштира бошлади ва тез орада бошқаларга айтиб бўлмас гапларни ҳам уларга "етказадиган" бўлди.

– Тилни сўкишишдан бошлаб ўрганганинг маъқул, – деди Алибек кулиб.

Улар баландлик тепасига ўтириб, келаётган карвонни кузатишиб пастлик томон майда-чуйда тошлардан иргитиб ўтиришди.

– Нега энди? Аввало саломлашиш, яхши гаплардан гаплашиш инсон фазилатику.

– Ўзинг биласанку, биз-русларда одат шунақа. Кейин анави келаётганлар ҳам, мужоҳидлар ҳам негадир фақат сўкиниб гаплашишни хуш кўришади. Улар учун бу бир оддий ҳол. Онаси ҳам қолмайди, бир-бирларини масхара қилишадими-ей...

– Ҳа, бир китобда ўқигандим. Уларнинг тиллари каби дунёқарашлари ҳам, ҳаёт тарзлари ҳам ифлос, қошиқсиз қўлларини ювмай овқатланишади, таналари доим кир-чир, бит босиб, сасиб юришади. Бу ёғи ит ётишу, мирза туриш...

– Ўтган сафар ана шу афғонлардан бири менга қараб "Ҳой, падари лаънати малла, нима, сариқ кучукдан қочиб қолганмисан? Анави арқонни узатиб юбор", деди. Шундай жаҳлим чиқдики. Менинг мўйналаримни сотиб олаётганди-да. Бўлмасамку башарасига бир туширган бўлардим. Бундоқ қарасам кўзи ғилай экан, мен ҳам боладим: "Ҳой, кўзинг эшакни думими, бир у ёқ-бу ёқ ликиллайди? Ёнингда бошқа арқон турибдику", дедим.

Бу гапдан Иброҳим ҳам Сангибек ҳам кулиб юборишди. Кулги жаранги шундай янградики, унинг акс-садоси, ҳатто келаётган карвон эшакларининг кулоқларини ҳам диккайтирди.

XV боб. ХАВОТИРЛИ ХУДУД

Қурол-аслаҳа ва наркотик оғуларининг Афғонистон томондан чегарамизга қўшни республикалар ҳудуди орқали кириб келиш хавфи миллий хавфсизлик хизмати раҳбарларининг диққат марказида турарди. Шу боис штаб бошлиғи, полковник Исфандиёр Ғофурович хонасига кириб келаркан нигоҳи Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий харитасига тушиб унинг олдида бир сония тўхтаб қолди. Унинг диққат-эътиборини ўзи доим "хавотирли ҳудуд" деб аташни муносиб кўрадиган, Фарғона водийсининг жанубий қисми билан Афғонистон чегараларигача бўлган ораликка қаратди. Бу ерлар ҳали ўз ҳудудини кўриқлаш имконияти суст бўлган қўшни Қирғизистон ва Тожикистон республикаларига қарашли бўлиб, тожик-афғон чегараларини кўриқлаётган Россия ҳарбий қўшинларининг ҳам назаридан четроқдаги бепоён Помир-Олой тоғларию Калайхум даштликларини ташкил қиларди. Бошлиқ Рушан, Хоруғ, Афғонистоннинг Файзиобод, Покистоннинг Пешовар шаҳарларига ҳам бир-бир кўз ташлаб олди ва нохуш ҳаёлларга берилди. "Бор-йўғи бир кадам-а", деб қўйди у фикран ва кўз олдида Покистондаги мужоҳидлар лагери, у ердан тоғу тошлар ошиб Фарғона водийси томон келаётган жангарилар келди. Курсига ўтириб стол тортмасидан сўнгги маълумотлар ва фотосуратларни кўздан кечири бошлади. "Эҳ-ҳе, бу ерлардаги чегараларимизни ҳали қачон мустаҳкамлаймизу, – деди у ҳаёлан. – Ҳа, буларнику аста-секин йўлга қўйиб олармиз, аммо газандаларнинг манбаси, уларнинг юртимизга кириб келиш сўқмоқларини аниқлаш, нозик жойларимизни доимий назоратга олиш осон кечмаса керак?...".

Исфандиёр Ғофурович шу каби ўйлар билан бир оз ҳаёл осмонида парвоз қилган бўлди-да, ҳозирок ҳузурига тегишли зобитларни чакириб, маслаҳатлашиб олишни лозим топди.

Кўп ўтмай стол атрофида таклиф этилган миллий хавфсизлик хизмат ходимлари жойлашишди.

– Ўртоқ зобитлар! Сизлар билан бир муҳим масалани кўриб чиқсак. Капитан Бахтиёр Тўраев?!...

– Шу ердаман, ўртоқ бошлик, – деди Тўраев ўрнидан ирғиб туриб.

– Яхши. Анави Помир тоғида қолиб кетган йигит ким эди?

– Катта лейтенант Иброҳим Асқаров.

– Ундан хабар борми?

– Ҳозирча йўқ, ўртоқ бошлик.

– Уни олиб келиб госпиталда даволатиш керакмиди?

– Айтишларича уни маҳаллий аҳоли яхши даволашмоқда. Иброҳим уларнинг миллий қаҳрамонига айланибди, кейин уйлантириб ҳам қўйишибди.

Давра атрофида ўтирган зобитлар мийиғида кулиб қўйишди, шивир-шивир бошланди.

– Бизни ҳам ўша ёққа юборинг, ўртоқ бошлик, – деб юборди шу маҳал Нодир Маҳсумов исмли ходим ҳазил қилиб.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

– Иброҳимдан хафа бўлдим, бизни тўйгаям айтмади, – дея луқма ташлади бошқа биров.

– Тўй ҳам бўлади, – деди Бахтиёр Тўраев жиддий.

– Кулгини бас қилинглар! – деди бошлик.

Ҳамма тек қолгач, у сўзида давом этди.

– Зобит Иброҳим Асқаровни мужоҳидлар билан жанг пайтида тош босиб қолган, – деди у босиқлик билан. Натижада, умуртқа поғонаси дарз кетиб оёқлари ишламай қолибди. Шундай бўлсада, у ўз хизмат вазифасини давом эттирмоқда. У бир бадахшонлик қизни ўлимдан қутқарибди. Шунинг учун уни маҳаллий халқ миллий қаҳрамон деб қабул қилган ва уни шу қизга никоҳлаб қўйишган. Ҳозир у қиз бир жойда бўлиб қолган Иброҳимни ювиб-тараяпти, қараяпти, одамгарчилик қилапти. Сизлар бўлса куласизлар!..

Даврага оғир жимлик чўкди. Кулганлар хижолатдан қизариб-бўзариб кетишди.

– Узр, ўртоқ бошлик, – қўйди Нодир Маҳсумов.

– Биз катта лейтенант Иброҳим Асқаровни "Жасорат" медалига тавсия қилдик. Чунки у бизнинг қаҳрамонимиз ҳисобланади. Хуллас, бугун биз сизлар билан кўриб чиқарадиган масаланинг бир чети ана шу ходимимизга ҳам, қолаверса, ҳаммангизга тегишли.

Шундан сўнг Исфандиёр Ғофурович харита олдига келиб ўз кўнглига тугиб қўйган "хавотирли ҳудуд" ҳақидаги масалани ўртага ташлади.

– Сурхондарёдаги чегараларимиздан ҳар ҳолда кўнглигимиз тўқ. Чунки у ер ўз ҳудудимиз. Амударё соҳилида, қушни учса ҳам кўриш мумкин. Аммо бизнинг бошқа нозик жойларимиз бор. Менинг фикримча, душманларимиз туну кун шу ҳақида бош қотириб ва эҳтимол, аллақачон фаол ҳаракатни бошлаб юборишган бўлишлари ҳам мумкин. Мана, харитага эътибор беринглар. Манави Тожикистоннинг Рушан, Калайхум деган жойи, Афғонистоннинг Бадахшон вилояти ва бизнинг Фарғона водийсидаги ҳудудимиз ораси "бир қадам"га ўхшайди. Бу ерда Калайхум дашти, Помир тоғлари, Бартанг, Оби Хиноч, Сурхоб ва Панж дарёлари ўтган. Улар Амударёнинг бошланиш ирмоқлари ҳисобланади. Кейин

Жирғатол, Қирғизистон тоғлари, манави бизнинг Сўх, Шоҳимардонимиз, Тожикистоннинг Ворўҳи, Исфараси, Хўжанд дарвозаси. Яъни бу ердан бизнинг Сирдарё кириб келиб Қайроққум сув омборига қуйилади. Айтиб қўяй, бу ерда қайиқлар бемалол суза олади...

Бошлиқнинг сўзлари ходимларда кескин қизиқиш уйғотганини уларнинг порлаб турган кўзларидан уқиб олиш қийин эмасди. Улар ҳам бошлиқ билдирмоқчи бўлган фикрни англаб, энди унга қандай таклиф киритиш ҳақида ўй сурардилар.

– Бу ерлар бизларнинг нозик ва хавфли жойларимиз ҳисобланади. Душманларимиз ва жинойтчилар бу жойлардан истаган маҳали, яна такрор айтаман, истаган пайтда от, эшакларга наркотик моддалар, қурол-аслаҳаларни ортиб олиб, юртимиз сарҳадларига қийинчиликсиз кириб келишлари мумкин. Қолаверса, ҳали Фарғона жанубидаги чегара ҳудудимиз ланг очик ҳисоб. Чунки, чегара симлари тортилмаган, чегара қўшимиз ҳали бу ерларда тўлиқ шаклланмаган. Бу ерларда кемтик коваклар, тоғларда сўқмоқлар тикилиб ётибди. Бундан ташқари, Тожикистоннинг Помирдаги чегаралари Россия қўшинлари томонидан яхши назоратга олинмаган. Чунки бунинг иложиям йўқ. Бу ерларда баланд тоғлар, жарликлар, музликлар... Помир тоғлари Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг Ҳиндиқуш тоғларига уланиб кетган. Айтиб қўяй, Покистон дедим. Айнан мана шу Покистоннинг Пешовар вилояти ҳам бизга "бир қадам". У ерда махсус мужоҳидлар лагерлари барпо бўлган. Манави Афғонистон ҳудудида бўлса героин оғуси кичик заводларда мунтазам ишлаб чиқарилмоқда, тоғу тошлар ораликларига очикдан-очик кўкнори экилиб, ширасидан опиум олинмоқда. Демак, наркобизнесменлар, қуролфурушлар, диний-экстремист душманларимиз, қолаверса террорчилар бемалол шу коваклар орқали юртимизга кириб келишлари мумкин. Хўш, бу борада кимда қандай таклиф бор? Ўртоқ Тўраев! Сиз ҳар ҳолда бу ерларни яхши биласиз. Марҳамат!

Капитан Бахтиёр Тўраев итоат билан ўрнидан туриб у ҳам харита олдиға келдида, ўз фикрлари ва таклифларини ўртага ташлади:

– Бошлиқ жуда тўғри айтдилар. Бу жойлар кўринишидан безътибордек туюлади. Чунки бошқа қўшни давлат ҳудудлари ҳисобланади. Шунинг учунми бу уларнинг ички ишлари деб хотиржам бўлишга ўрганиб қолганмиз. Аммо қўшни Тожикистон давлатида содир бўлган фуқаролар уруши туфайли молиявий маблағ етишмовчилиги мавжуд. Қолаверса, қўшни давлатларда ҳали миллий армия тўлиқ шаклланмаган. Айтмоқчиманки, бу айтиб ўтилган сўқмоқларни улар кўриқлаш имкониятига эга эмас. Бу хавф кўпроқ бизнинг мустақил республикамизга тегишли бўлгани учун ўзимизни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш чораларини кўришга мажбурмиз. Яъни "илонни бошидан, чаёни думидан янч" деган ақидага амал қилган ҳолда иш тутишимиз керак бўлади.

– Конкрет таклифларингиз борми?

– Бор, албатта. Вазиятдан хулоса шуки, Калайхум яқинидаги Оби Хиноч кўприги, Сўх ва Шоҳимардон, Ўш-Помир ҳарбий автотрассаси, Амударёнинг бошланиш жойлари ва ниҳоят, манави Сирдарёнинг Тожикистон ҳудудидаги қисми, Зарафшон тоғлари, яъни Ургут тумани билан чегара ҳудудлар, – деди Бахтиёр ҳар бир айтган жойини кўрсатгич таёқчаси билан кўрсатиб. – Бу ерларга ўз кузатувчиларимизни қўйиб доимий назоратга олмоғимизни тақозо этади. Улар албатта ўша ерли ишончли маҳаллий халқ вакиллари ичидан бўлса янада яхши

бўларди. Иложи бўлса ўша жойларда оиласи билан яшаб, ишлаб, бизга керакли бўлган маълумотларни етказиб бериб турадиган фидойилар керак.

– Яхши. Ана зобит Иброҳим Асқаров бизга нима учун ўша ерда керак эканини тушуниб олдингизлар, тўғрими?

– Тўғри! – дейишди ходимлар бараварига.

Мақсад – муддаони тўлиқ англаб етган ходимлар энди анчагина жонланиб қолишди.

– Тушунарли бўлса сизлар уч кун муддат ичида штаб бошлиғи, яъни менинг номимга бу борадаги ўз таклифларингизни баён қилмоқларингиз керак. Тез орада ўша "нозик нуқталар"да ишончли одамларимиз бўлиши ва ўша ердаги вазият ҳақида бизга, яъни Марказга мунтазам маълумотлар келиб туриши лозим. Бу буйруқ, тушунарлими?

– Тушунарли!!! – дейишди ходимлар.

* * *

Капитан Тўраев ўз хузурига курсант Нормурод Тўйчиевни чақиртирди. Ўқиш билан берилиб кетган йигитни у анчадан буён кўрмаганди. У спорт машғулотларида мунтазам иштирок этаётгани, ўзи орзу қилган ўқишда ўқиб кўнгли хотиржам тортаётгани учунми, ҳар холда анчагина ўзгариб, тўлишиб қолганди.

– Ўқишлар қалай?

– Ҳаммаси жойида, устоз, – деди йигит жилмайиб.

– Гулбиби билан хабарлашиб турибсизларми?

– Ҳа. Боткенга қочоқлар қайтганмиш. Ҳаёт яна ўз изига тушиб кетибди.

– Демак, тинчлик, сокинлик денг. Хўп... Аммо мана шу сокинликдан кўрқишимиз керак бўлаяпти-да.

– Нима гап, тинчликми, устоз?

– Чаёнлар яна ғимирлашиб, ковак йўллардан келишлари мумкин деган хулосалар бор. Масалан, Оби Хиноч кўпригидан, – деди Бахтиёр Нормуроднинг юзига синовчан боқиб.

Йигит ҳушёр тортди:

– У ерга бирор пост қўйиш керакмикан?

– У ер бошқа юрт. Бизнинг аралашувимиз мумкин эмаску?!

Нормуроднинг қалин қора қошлари хиёл кўтарилгандай туюлди. Нигоҳида "Нима қилсак экан?" деган савол пайдо бўлганди. Тўраев "ўйлаб кўринг" дегандай унинг елкасига оҳиста қўл ташлади. Йигит буни тушунди чоғи, узоқ ўйланиб қолди.

– Анави овчи ошнаимиз бор эдику, тожик фукароси. У ишончли одамми ўзи? – синовчан сўради Бахтиёр.

– Ҳа-ҳа. Нима эди? – деди Нормурод шоша-пиша.

– Хуллас Иброҳимдан бир хабар олиб, сўнгра Оби Хиноч депарасини яхшилаб ўрганиб келиш зарур бўлиб қолди. Иложи бўлса ўша ерда доимий назорат пунктимизни жойлаштирамиз. Лекин бу ўта махфий бўлиши керак.

– Ҳа, яхши бўларди. У ерликлар бизни метеогуруҳ ходимлари деб билишади. Ўша ерга станциянинг гўё бир тармоғи қурилсачи?

– Яхши фикр. Аммо бу душманларимизнинг эътиборини жалб қилади. У ер пастлик. Одатда, станциялар тепаликлар устига қурилади. Шундай бино бўлиши

керакки, у маҳаллий халқда ҳам, ўтган-кетганларда ҳам бошқача фикр уйғотмасин. Масалан, чойхонага ўхшаш. У ерда тўхтайди, тамадди қилади, эҳтимол ётиб қолар. Хуллас ўткинчи шахслар назоратга олинади. Улар орасида Афғонистон томондан келувчилар ҳам бўлиши мумкин.

– Бунақа жойни чойхона эмас, карвонсарой деб аталади! – деди Нормурод ва кўзлари "ярқ" очилиб кетди.

– Ҳа албатта, карвонсарой. Демак у ерда от-уловларга ҳам, юкларга ҳам жой бўлиши керак. Бизни ўша юклар қизиқтиради, тушунарлими?

– Тушунарли, устоз!

– Ўша юклар нимадан иборат ва борар манзили қаер эканини иложи борича ўша ердаёқ аниқлаб олиш керак. Агар у бизнинг юртимиз томон мўлжалланган бўлса, демакки, улар чегарамизнинг аллақеридан юкни олиб ўтишади ва кимларгадир топширишади. Кейинги вазифа ўша "кимларни" аниқлаш бўлади. Чунки у юклар ё курул ёки наркотик бўлиши мумкин!

– Ҳа, албатта, – деди Нормурод гап нима ҳақида бораётганини англаб, – Лекин тожик-афғон чегаралари бепоён. Ўшандай юки бор йўловчилар айнан Оби Хиночдан эмас, бошқа жойлардан ҳам ўтиши мумкин.

– Аммо ўзингиз айтиб берганингиздай бу осма кўприк ўрнатилган дарё жуда кенг ва чуқур жарликдан иборат. Тўғрими?

– Ҳа.

– Ўша дарёнинг узунлиги тахминан қанча бор? – сўради Бахтиёр бир қоғозга гўё дарёни чизиб.

– Ҳм-м... тахминан 200 километрча.

– Демак ўша 200 километр масофадаги осма ва бошқа майда-чуйда кўприкларни турли усулларда йўқ қилинса, ҳамма йўловчилар Оби Хиночдан ўтишга мажбур бўлишади. У ерда бўлса толиқиб келган йўловчилар учун бизнинг карвонсарой хизмат кўрсатади, а лаббай?

Нормурод буни тасаввур қилиб севиниб кетди.

Тўраев у ўйлаб қўйган фикрни чизмада баён қила кетди. Чизмада осмондаги сунъий йўлдош ва Тошкентдаги Марказ нукталарини ҳам кўрсатди.

– Вақти келиб биз бу кўприкни доимий видео-фото назоратига оламиз. Карвонсаройдан олинган тасвир сунъий йўлдошга, сунъий йўлдошдан Марказга узатилади ва пойтахтдан туриб ўтган-кетганни бемалол ўрганаверамиз. Худди шунга ўхшаш бошқа нозик жойларни ҳам шу тариқа ўз назоратимизга оламиз. Тушунарлими?

– Ҳа, ўртоқ бошлиқ, лекин бу анчагина меҳнат талаб қилади.

– Мана шу сиз учун топшириқ. Шу бугуноқ Иброҳимнинг ёнига жўнайсиз. Ўйлайманки, Иброҳимнинг қайноғалари бу масалада ёрдам беришади.

– Нима? Уни Сарвиғул билан ўша ерда яшайди, демокчимисиз?

– Билмадим Нормурод, билмадим. Лекин нимадир қилишимиз керак. У ерда маҳаллий халқлардан иборат ўз одамларимиз бўлиши зарур. Бўлмаса анави Муҳаммад овчини кўндиринг. Эҳтимол Гулбиби ҳам бу ишларга ёрдами тегар... Хуллас, Оби Хиночда зудлик билан назорат пункти ташкил қилиш керак. У ер бизнинг бирламчи, аммо махфий чегара постимиз бўлади. Бу жуда муҳим топшириқ, яхшилаб ўйлаб кўринг.

– У ерда бир ташландик тошқўрғон бор эди.

– Яхши. Бўлмаса ўша тошқўрғонни таъмирлаш керак.

Кейин, ҳалиги, Гармчашманинг оқсоқоли, исми нима эди?

– Ақои Чоршанбе.

– Ҳа-ҳа, Чоршанбе ақани ўзингиз жуда мард одам деб таърифладингизку. Унга мақсадимизни батафсил тушунтириб, унинг одамлари ёрдамида ҳашар йўли билан қўрғонни таъмирлаш керак бўлади. Тоғларда нима қўп-тош қўп. Тошқўрғон ичига 2–3 та ўтов тикса ҳам бўлаверади. Ўнг муҳими, ўша ер йўловчилар учун қарвонсарой бўлиб танилсин.

– Ҳафтанинг қайси бир кунини белгилаб бозор ҳам ташкил қилса бўлади.

– Э, яшанг! Қаллангиз ўз-ўзидан ишлаб кетаяптия, қаранг, – деди Тўраев ва кулиб юборди. – Ақои Чоршанбе гапни бозор ташкил қилиш таклифидан бошлайсиз. Кейин ўша жойдаги яқин тепаликда метеостанция қурамиз, дейсиз. Уни қўриқлаш учун ўша ерда истиқомат қиладиган жой керак дейилади. Бозордан тушган тушумдан шу ердаги одамлар учун иш ҳақи, овқат пули чиқаверади, чорва ҳам боқилади, нима дейсиз?

– Оби Хиноч жуда чуқур дарё. У ерда қип-қизил форель балиқлари жуда қўп.

– Нима?!... Ростданми? Хонбалиқларни айтаяписизми? – деди бошлиқ эҳтирос билан.

– Ҳа, ўртоқ бошлиқ.

– Бу зўрку!... Эҳ, бўлмаса ўзим ҳам борсаммикан-а? Нима дейсиз?...

– Боринг. Ишларга ўзингиз бош бўласиз. Бирга бўлсак ҳозирги айтилган режаларни тезроқ амалга оширадик.

– Яхши. Бўлмаса мен бошлиқ номига ўз таклифимни баён қилай. Бўпти, иложи бўлса бирга жўнай қоламиз. Сиз йўл ҳозирлигингизни қўраверинг.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ, – дея ҳарбийча ҳаёт берди Нормурод ва қоидали бурилиб чиқиб кета бошлади.

– Ҳой, тўхтанг! – деди шу пайт устози.

Нормурод ҳарбийчасига тўхтаб, орқа томонга ўгирилди.

– Ростданам ўша ерда форель бор эканми-а?...

– Бўлмаса бозор борку, ўртоқ бошлиқ, – деди Нормурод қошини кўтариб.

Тўраев кулиб юборди "Э яшанг, сизга руҳсат!" деди у.

* * *

Бахтиёр Тўраев Муҳаммад овчига Нормурод ва Гулбибини олиб бораётгани ҳақида телефон орқали хабар қилди.

– Э, ақои Бахтиёр, нима, келинни бирга олиб келадиган бўлдиларингми? – деб сўради овчи соддалик билан.

– Қанақа келин? Сиз йўл ҳозирлигингизни кўринг, Гармчашмага бориб қизингиз билан куёвингизни кўриб келамиз.

– Э, баракалла! Жуда улуг иш бўлибдику! Тинчликми, ишқилиб?

– Ҳа, тинчлик. Иброҳимдан бир ҳол-аҳвол сўраб келамизда. Иложи бўлса уни госпиталга жойлашимиз керак. Марғилондагилар ҳали бундан беҳабар.

– Бўлди, тушундим. Бош устига, сизларни кутаман!

Эртаси Бахтиёр Тўраев билан Нормурод Тўйчиев йўлга отланишди.

Эндиликда фуқаролар уруши ҳам тўхтаган ва қўшни давлатлар сарҳадларининг даҳлсизлиги таъминлангани учун Помир томонларга вертолёт билан бориш мумкин эмасди. Учта йўл бор эди: бири Ўш-Хоруғ автотрассаси орқали машинада, иккинчиси Душанбе-Хоруғ самолётида, учинчиси улов-эшакда

бўлиб, учинчиси бир оз қийинчилиги бору, бироқ беғалва ва бош оғриқсиз, қулайроқ кўринади. Чунки йўлдан Гулбибини ва Муҳаммад овчини ҳам олволиш керак бўлади.

Тоғ сўқмоқлари орқали борилса маҳаллий одамларда ортиқча шубҳа уйғотмайди. Халқаро метео хизмати бўйича ҳужжатлари ишончлироқ ҳам тайинлироқ эди. Ҳар ҳолда Сўхга қадар Боткен орқали УАЗ машинасида кетишди. Йўлда Гулбибиларникига тушиб марҳум Сапарқул аканинг руҳига тиловат қилишди. Аммо Гулбиби улар билан ҳозирча кета олмаслигини, чунки онаси Кунсулув ая анчагина бетоб эканлигини маълум қилди.

– Кейинги сафар бора қолай, – деди Гулбиби узрини айтиб.

– Майли, Гулбиби, сиз шу ерда ҳам кераксиз. Қайтишда сизни ва онангизни Сарчинорга олиб кетамиз. Келгуси ишларни режалаштириб оламиз, хўпми? – деди Бахтиёр Тўраев.

Нормурод Гулбибининг кўнглини кўтариб бир четда узоқ суҳбатлашди. Ниҳоят улар Гулбиби ва унинг онаси билан самимий хайрлашдилар. Боткен – Ҳайдаркон автотрассаси текис ва равон экан. Сўхга зум ўтмай бемалол кириб боришди. У ердаги ҳарбий қисмдан от-улов ва йўл учун керакли анжомлар, бир ҳафталик қуруқ озуқа, чодир олишди. Сўнгра Ҳушёр қишлоғидан ўтиб Зардолу томон дарё бўйлаб кетишди.

* * *

...Муҳаммад овчи уларни илиқ қарши олди. У ҳам тулпорини сафарга тайёрлабди. Узоқ йўл олдидан тамадди қилиб олишди.

– Бизлар аввал тўғри Оби Хиночга борамиз. У ердаги ҳолатни ўргангач Гармчашмага ўтамиз. Сўнгра мақсад-муддаоимизни оқсоқолга тушунтирамиз. Нима дейсиз, Муҳаммад ака, Ақои Чоршанбе бизга ёрдам берармикин?

– Шу ҳам савол бўлдимми? Гап бўлиши мумкин эмас. Мен уни, албатта кўндираман. Фақат сиз менга нимани сўрашни ва нима қилиш кераклигини тушунтирсангиз, бас.

– Яхши. Оби Хиноч кўприги олдада ташландиқ тошқўрғон бор деб эшитдим. Ўша ерни карвонсаройга айлантирамиз, кейин ўзимизнинг "метеохизматимиз" учун мосламалар ўрнатамиз, дейсиз. Иброҳим тузалиб қолган бўлса аёли билан ўша ерда яшайверишади. Кейин ёнида яна бир-иккита хўжалик бўлса ҳам ёмон бўлмайди. Ҳафтанинг бир кунини бозор бўладиган кун қилиб белгиланса бўларди. У ерда чорва ҳам боқилади. Хуллас, ўша ердан тушган тушумлар ўзи учун хизмат қилаверади. Асосий мақсад "метеостанция"ни қўриқлаш. Бунинг учун бизда керакли маблағ ажратилган. Хуллас, шу ишни тез амалга оширишимиз керак. Бу жуда ҳам муҳим. Иложи бўлса сиз ўзингиз ҳам ўша ерда маълум муддат яшаб, ишларни йўлга қўйиб беришингиз лозим бўлади.

– Масалан қанча?

– Камида бир ой. Истасангиз доимий кўчиб боринг. Ойлик маошингиз, озиқ-овқат пули ҳам тайин. Ёки ўзингизга ҳам баъзан бориб турадиган жой ҳозирланг. Чунки сиз маҳаллий халқни ва Афғонистон томондан ўтиб келувчи бегона одамларни тез фарқлай оласиз, қолаверса, улар билан яхши муомала қиласиз.

– Эҳ-ҳа, гап бу ёқда денг! Тавба, Бахтиёржон, каллани гаранг қилмай муддаоингизни шартга айтиб қўя қолмайсизми-а. Хўп, мен рози. Нима десангиз бажарилади. Халқимиз тинчлиги учун шу керакми, ўзи?

– Ҳа! Керак.

– Унда мен тайёрман! Рафтемми? – дея қўл узатди овчи.

– Рафтем! – дея қўл ташлади Тўраев ҳам.

– Илоҳи омин, сафаримиз беҳатар бўлсин, нима яхши ният қилган бўлсак, бароридан келаверсин!

Уч отлиқ бир пайтлар эшак карвони билан кетилган сўқмоқдан Бадахшон тоғлари томон равона бўлишди. У пайтда мужоҳидлардан қўрқиб-писиб оғир юк ортилган карвонни базўр яёв олиб кетишган бўлишса, бу сафар отлар ёрдамида озод кетиб боришарди. Сурхоб дарёсидан кечиш ҳам унчалик қийин кечмади. Ёз фасли бўлгани ва отларнинг сузувчан экани туфайли улкан дарёдан бир амаллаб ўтиб олишди. Дарёнинг у соҳилида уст-бошларини алмаштириб олов атрофида ўтириб ўша ерга чодир тикишди ва тунаб қолишга қарор қилишди. Маҳобатли дарё суви шитоб билан оқар, тунда у ой нурида жилоланиб ўзгача гўзаллик намоён қиларди.

– Бу дарё кейин бориб Вахшга айланади. Вахш Амударёнинг асосий ирмоғи ҳисобланади, – деб қўйди Муҳаммад овчи ғурур билан.

– Ҳа, жуда улкан экан. Агар унинг йўлини тўсиб улкан сув омбори қурилса зўр бўлса керак-а? – сўради Нормурод ўзича бир нималарни тасаввур қилиб.

– Ҳа, бўлади. Бу дарё ўзанига кудратли электростанциялар ҳам қурилган. Масалан, Норак ГЭСи. Эҳ-ҳе, Амударёга қуйилгунига қадар бу дарёга яна бир қанча кичик станциялар курса бўлади. Бу қувват бутун Тожикистондан ортиб қолади. Демак, ортиғини сотса ҳам етади. Давлатимиз ғазнасига катта маблағ тушади, – деб қўйди овчи ўйчан.

– Агар ўша бир қанча кичик-кичик тўғон қилмай ҳаммасининг ўрнига битта улкан ГЭС қурилсачи? Шунақа лойиҳа борлиги ҳақида мен илгари бир газетада ўқигандим. У Роғун ГЭСининг лойиҳаси эди, шекилли, – деди Тўраев оловни кавлаштирар экан.

– Ҳа. У Собик Иттифоқ пайтида тайёрланган энг катта лойиҳалардан эди. Лекин бу ҳом ҳаёл. Уни ким кураман деса, демакки, у нодон одам бўлади, – деди овчи ва оғзидаги носини бир четга ижирғаниб тупуриб қўйди.

– Нега унақа дейсиз, тоға? Уни дунёдаги энг баланд ГЭС қилиб қурилса Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киритилиши мумкин.

– Ана гап қаерда? Демак бу иш кимгадир шуҳрат, Осиё халқига бўлса жабр келтиради.

– Қанақасига жабр келтираркан, аксинча, бу фойдали-ку, – ажабланди Нормурод.

– Йўк, Нормурод, – деди Бахтиёр Тўраев гапга аралашиб. – овчи ака тўғри айтаяптилар. Дарёнинг олдини баҳайбат бетон билан тўсиш мумкин. Лекин тоғларнинг ён атрофини бетонлаб бўлмайди. Қаерлардадир қоялар емирилиши, тупроқ қатламли жойлар ивиб ювилиб кетиши мумкин. Бунинг устига бу ерлар сейсмик жиҳатдан жуда хавфли жой, ўсувчи тоғлар ҳисобланади. Бир газетада ўқиганман. Сайсмик олимларнинг маълумотларига кўра бу ерда Помир-Олой ва Тянь-Шан тоғлари ер қаърида учрашармиш, улкан ер ости ўпқони бормиш. Шу туфайли бу ерларда тез-тез ер силкиниб турармиш. Масалан, Мурғоб дарёсининг йўлида улкан Сарез деган кўл бор. Бу кўл 1910 йилда содир бўлган 8–9 балли зилзила маҳали тоғлар ўпирилиб, дарё ўзанини тўсиб қўйиши натижасида вужудга келган экан.

– Нега у кўлни Сарез дейишади?

– Икки тоғнинг оралиғида Сарез деб аталган катта қишлоқ бўлган. Ўртасидан Мурғоб оқиб ўтган. Кейин зилзила содир бўлгач дарёнинг йўли тўсилиб қолган ва сув тўпланиб кўл ҳосил бўла бошлаган. Зилзиладан омон қолган қишлоқликлар уй-жойларини ташлаб тоғлар орти томон кўчиб кетишган. Қишлоқ бўлса кўлнинг тубида қолиб кетган. Шунинг учун у кўлни Сарез кўли деб номлашган. У кўлнинг узунлигини 60, энини 20 километрча дейишади. Худо кўрсатмасин яна қаттиқроқ зилзила бўлса сув босими ортиқлиги туфайли тўсиқни ювиб кетиши ҳам мумкин. Бу-ку табиатнинг кутилмаган бир кулфати бўлган. Аммо Роғун ГЭСини қуриш ғояси – бу инсониятнинг нодонлиги бошқа нарса эмас. Хуллас, лойиҳани бизнинг Марказий Осиё халқлари душманлари – Қизил империя корчалонлари атайин тузишган бўлишса керак. Мабодо Тожикистон раҳбарлари бир кун келиб бу ишга кўл урадиган бўлишса, демакки, жуда катта тарихий хатоликка йўл қўйган бўлишади.

– Мен барибир яхши тушунмадим. Бунинг нимаси хавфли? – елкасини қисиб қўйди Нормурод.

– Бир куни сув уриб кетиши мумкин-да, ахир. Кейин Тожикистон давлати фуқаролар урушидан чиқди, жуда ночор. Ўзининг чегараларини қўриқлашга қурби етмаганидек ГЭСни қўриқлашига ҳеч қанақа қафолат бера олмайди. Душманларимиз учун бу ҳам кўл келиши мумкин. Мабодо ўша тўғон қурилса Сарез кўлидан икки баробар катта янги кўл ҳосил бўлади. Бундай кўлни тўлдириш учун камида 12 йил керак бўларкан, тушундингизми? – деди Тўраев чуқур тин олиб.

– Бу дегани Амударёга шунча вақт сув тушиши камаяди. Орол денгизи тўлиқ қурийдими. Тўғрими? – сўради Муҳаммад овчи ҳам жиддий ва қорли чўққилар томон кўл чўзди. – Ундан туз чанглари ҳавога кўтарилиб, булутлар ёрдамида ҳув анави Помир чўққиларига етиб келади ва доимий музликларимизни тезликда эрита бошлайди. Чучук сув захиралари йўқолиб боради. Ер шарининг мувозанати бузилади. Энг ёмони, агар ўша сув омбори очилиб кетса сув 4000 метр тепаликдан шиддат билан пастликка томон тушиб йўлида дуч келган ҳар қандай иншоотни, масалан, Норак ГЭСини, Тожикистоннинг ўз қишлоқларини, Афғонистон, Ўзбекистон, Туркменистондаги аҳоли пунктларини баланд сув босади. Минглаб одамлар бемаврид қурбон бўлишади, уй-жойсиз қолишади, юқумли касалликлар тарқалади, эҳ-хе...

Нормуроднинг эти жунжикиб кетди.

– Бу ҳақида сираям ўйлаб кўрмаган эканман, даҳшатку! – деб қўйди йигит.

– Ҳа. Бу ҳам биз учун кутилаётган улкан бир хавфга айланади, – деб қўйди Тўраев бошини сарак-сарак қилиб.

– Худо асрасин. Ишқилиб пошшоларимизга инсоф берсин, Илоҳим уларнинг ҳаёлига ана шунақа ГЭС-песни қуриш ғояси келмасин, – деб қўйди овчи жиддий ва самимий қўшиб қўйди: – ...Тожикистон – менинг ватаним бўлади. Аждодларим шу дарё депарасида униб-ўсишган. Отам ҳам, бобом ҳам менга ўхшаб чорвадор, овчи бўлишган. Бир умр ҳалол ҳаёт кечиришган. Шунинг учун бу азим дарё биз учун жуда азиз. Лекин кимнингдир нодонлиги туфайли унинг одамларга хавф туғдиришини ўйлаб кўриб ёввойи тукларим ҳам ҳозир тикка бўлиб кетди. Ахир ўзинг ўйлаб кўр ўғлим, шу лойиҳага кўл урадиган одамларнинг мужоҳидлардан қаери кам?! Улар ҳам қирғин қилади, булар ҳам.

– Тўғри айтасиз, – деди Бахтиёр ўйчан.

Орага жимлик чўкди. Маҳобатли Сурхоб сувларига қараб узоқ тикилиб ўтиришди. Нормурод бир эснаб олди. Уйқуси келди шекилли бир четга ёнбошлади.

– Э, қўйинглари, ўша сиёсатга аралашмайлик. Беҳуда хаёлга берилмай, ундан кўра ётиб ухлайликда, ўз ишимизни қилайлик, – деди у яна бир эснаб олиб.

– Бу бемаъни мавзуларни ўзингиз бошладингиз. Биз ҳам айтдик, қўйдик-да, – деди Бахтиёр кулиб, – Ҳай майли, дам ола қолайлик.

Улар шу зайл ётиб ухлаб қолишди. Ким билади, шу тобда овчининг тушига ота-бобоси, Бахтиёрникига сув тошқини, Нормуродникига бўлса Гулбиби кирган бўлса ажабмас.

Сув шовқини ўта оромбахш эди... Тонг саҳари совуқдан этлари жунжикиб уйғонишди. Бахтиёр билан Нормурод бадантарбия қилган бўлишди, Муҳаммад овчи чой қўйди.

– Бахтиёр ака юринг, соҳил бўйлаб чопиб бир жойга бориб келамиз! – деди Нормурод алланималарни ёдига олиб.

– Бўпти. Қаяққа?

– Юраверинг, – деди йигит маъноли қилиб ва ўзи чопиб кетди.

Кўп ўтмай улар бир пайтлар чиқиб мужоҳидларни кузатган қоялар тепалигининг бошланишига етиб келишди. У ердаги тошлар орасига жуда кўп спорт арқон-анжомлари, бир дона чодир, алоқа воситаси ва бир оз озиқ-овқат захиралари беркитиб қўйилган эди. Ҳаммаси яхши сақланибди. Бахтиёр Тўраев ўзида йўқ қувониб кетди.

– Эҳ-ҳе, зўр иш бўлди-да, лекин!

– Биз келажакни олдиндан кўрадиганларданмизда, ака! – деб қўйди Нормурод.

– Э, қойил! – деб қўйди Бахтиёр.

Улар нарсаларни орқаларига юклаб изларига қайтишди. Бу ҳақида овчининг ҳам хаёлидан фаромуш бўлган чоғи, уларни кўриб ҳайрат билан "Э, боракалло!", дея қичқириб юборди. Сўнгра иштаҳа билан овқатланишиб бир вақтлар мужоҳидлар изидан кўрқиб-писиб юрган сўқмоқлардан виқор билан от-уловларини кишнатиб яна равона бўлишди.

Йўл юришди, йўл юрса ҳам мўл юришди. Ниҳоят кечки оқшом мужоҳидлар одамларни қирғинбарот қилган Муксу дарёси яқинидаги карвонсаройга етиб келишди. Теварак-атрофда ҳеч зог кўринмас, кўрғон ичи сирли туюларди.

– Бугун қайси кун, Нормурод?

– Пайшанба.

– Ие. Унда, ахир эртага бу ерда бозор бўлиши керак-ку!

– Ҳа, шунақа эди, шекилли – деди Нормурод.

– Ўртоқ командир, бўлмаса биз тўғри Оби Хиночга кетадиган бўлсак, шу ерда тунаб қолаверайлик. Чунки бу ерга эрта-саҳар Гармчашмадан, кейин бошқа қишлоқлардан бозорчилар келиши мумкин. Гармчашмаликларга бизнинг таширимиз ҳақида хабар қилсак яхши бўлармиди, нима дейсиз?

– Маъкул, – деди Бахтиёр Тўраев бир оз ўйланиб олиб. – Унда мени Иброҳимнинг акаси деб таништирасизлар. Сўраганларга бизлар ҳамон ўша метеогуруҳданмиз, тушунарлими?

– Тушунарли.

– Бозорга афғонлар ҳам келиши мумкин, нима дейсиз? – сўради Нормурод.

– Эҳтимол, – деди Бахтиёр ва овчига юзланди. – Айтингчи, афғон чегараси бу ердан узоқми?

– Тахминан икки юз километрлар бордир-ов.

– Ҳа, майли. Менда харита бор, текшириб кўя қоламиз, – деди Бахтиёр ва сумкачасидан харитани олиб ёйди. – Хўш..., биз тахминан мана бу ердамиз. Мана Сурхоб, тоғликлар, Оби Хиноч дарёси, лекин Гармчашма кўрсатилмаган экан.

– У тахминан манави ерда, – деди Нормурод тоғлар тепасини англатувчи бир чет жойни кўрсатиб.

– Яхши. Демак Оби Хиночга яна бир кун, ундан кейин Гармчашмага ҳам бир кун юрарканмиз.

– Текис йўл бўлсаку уч-тўрт соат.

– Бўлмаса шу ерда тунай қоламиз. Бир четроққа, панароқ жойга чодир тикайлик.

– Кўрғон ичигами?

– Йўқ. Кўрғон ичи кўриниб турадиган тоғ тепалигида. Ҳар ҳолда эҳтиёт бўлган яхшида.

– Ҳа. Бизнинг бегона эканимиз шундоқ билиниб турибди, – деди овчи афсусланганнамо.

– Курсант Тўйчиев.

– Лаббай, ўртоқ бошлиқ.

– Бугундан бошлаб сизга соқол олиш ман этилади!

– Ўзи бир ҳафтадан буён олганим йўқ-ку.

– Унда нега ҳалиги, пати юлинган товукдай...

– Майли, ҳечқиси йўқ. Йигитни уялтирманг, "така бўлсин, сут берсин" деган гап бор, – деди овчи кулиб.

– Мен ҳам ҳазиллашдим. Яхшиям толибонмасман. Уларда соқолни лампа-шишага солиб кўришармиш. Шиша тўлиб турмаса жазолашармиш, – деди Бахтиёр иягидаги кичик соқолини мамнун силаб олиб.

– Вой-бў, бўлмаса уларнинг ақли соқолида эканда-а?

– Нимасини айтасиз. Уларда хотинларга ёлғиз юриш мумкин эмас экан. Бирга юришадиган бўлишса ўзлари хотинларидан ўн қадам орқада юришаркан.

– Нега энди орқада? Олдиндамас?

– Йўлда мина бўлиши мумкин-да, ахир.

Муҳаммад овчи шарақлаб кулиб юборди. Кулгусидан бир гала қарғалар "гувв" учишди. Овози тоғларда акс-садо берди. Шунинг учунми овчи "Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ" деб қўйди.

* * *

Дарвоза ёпиқ, аммо устидан кулфланмаган ёки бирор нима билан боғлаб қўйилмаганди. Бу ҳолни Бахтиёр Тўраев дурбин орқали кўриб пайқади.

– Бўлмаса сизлар шу ерда яшириниб тура турунглар, мен разведка қилиб келаман. Бир гап бўлса ишора қиламан, – деди Муҳаммад овчи ва елкасига хуржунини ташлаб тожикча мумтоз қўшиқлардан бирини варанг қўйди-да, дарвоза томон кетди.

Дарвозага етиб боргач хиргойисини тўхтатди ва дарвозани итариб кўрди. Ичидан илиқлик экан. "Ҳой, ягон зиндаги хастме?!", дея қичкириб кўрди.

Дарвозани бир мўйсафид очди ва овчи билан худди эски ошналардай хушқайфият билан сўрашишди.

– Қани-қани, марҳамат, хуш омадетон, дароед! – деди мўйсафид овчини ичкарига таклиф қилиб ва ўзи теварак-атрофни олазарак кузатиб қўйган бўлди.

Овчи қўрғон ичкарисиди анчагина қолиб кетди. Бахтиёр бу ҳолдан хавотир ола бошлади ва қўйнидаги ички камардан тўппончасини олиб ҳар эҳтимолга қарши текшириб қўйди. Аммо бир оз вақтдан сўнг овчи чиқиб келди. У доимгидек хушёр ва зийраклик билан шерикларининг олдида қайтиб келиб, билганлари ҳақида қисқача баёнот берди.

– Рафиқ командир, ҳеч гап не, ҳаммаси жойида, – деди у хотиржам.

– Намунча қолиб кетдингиз?

– Карвонсаройни эгаси менга ўхшаган эзма эканда. У десам, бу дейди...

– Қисқароқ қилинг.

– Хуллас, эртага тонг саҳардан бозор бўлиши аниқ экан. Лекин илгариги замондақа катта бозор бўлмай қолибди. Бу ерда бир-икки марта одамларни ўлдириб кетишгач, қўрқиб қолишганмиш.

– Анави чол ким экан?

– Бир ғармлик мўйсафид. Ҳеч кими йўқмиш. Шу ерда бир нави тирикчилик қилаётганмиш.

– Ичкарида яна ким бор экан?

– Иккита қирғиз, учта бадахшонлик кишилар, холос.

– Биз тўғримизда айтдингизми?

– Йўқ. У ерда бир хона бор экан холос. Қозон-ўчоғи ичида. Қарта ўйнаб ўтиришибди. У жой чамамда сизга тўғри келмайди.

– Бўлмаса биз ҳув анави тепалик ортига чодир тикиб тунаймиз. Тепаликдан келган-кетганни кузатиш қулай. Сиз улар билан бўлиб вазиятни ўрганинг, келишдикми?

– Ҳай.

– Бозор қачон бошланар экан?

– Тонг саҳари теварак-атрофдаги тоғлардан тушиб келишаркан.

– Қанақа пул ишларкан? – қизиқсиниб сўради Нормурод.

– Бу ерда деярли пул ишламайди. Тожик пули сомонийда баҳоланадию моллар ўзаро айрбош қилинади. Масалан, бадахшонликлар мўйна, тўқилган юнгли кийим-бошлар, ов маҳсулотлари, қирғизлар асосан чорва ва паррандалар, тожиклар гурунч, туз, гугурт, совун ва шунга ўхшаш озиқ-овқат, рўзғорбоп буюмлар олиб келишади. Бунақа бозорлар тоғлар орасида ҳафтанинг маълум бир кунлари бўлиб туради-да.

– Биз ҳам Оби Хиноч кўприги олдида мана шундай ҳафтанинг бир кунини бозор қилиб белгилатиб олишимиз, кейин уни асосан чегарадаги кишлоқларга эълон қилишимиз керак бўлади. Карвонсаройда чойхона ҳам, ошхона ҳам бўлади. Унда бу бозорни яхшилаб ўрганайлик. Муҳаммад ака, бўлмаса сиз бораверинг. Биз ҳам эрталаб бозор қизигани маҳал киши билмас йўловчи харидорлар сифатида кириб борамиз. Мабодо ғармчашмалик танишларингиз келиб қолишса бизларни таништирасиз.

– Хўп майли. Яхши дам олинглар.

– Агар бир гап бўлса, жойимизни биласиз. Тез хабардор қилинг.

– Маъқул, – деди овчи ва уловни етаклаб изига қайтди.

Бахтиёр билан Нормурод чодирни кўрғон ичи бемалол кўриниб турадиган тепаликлардан бирининг устига қуриб олишди. Консервалардан очиб тамадди қилишдида, узок йўл чарчоғи туфайли тез пинакка кетишди. Тулпорлар эса бўйинларини бир-бирларига ишқаб пишқира-пишқира тунги навбатчилиқни қабул қилишди.

* * *

Сўфининг азони тоғ қоялари орасида ўзгача акс-садо берарди. Дурбинни олиб ғира-шира кўринаётган кўрғон ичини кузатишди. Айвонда керосинли лампа липилларди. Сўфи овозига яна қандайдир дупурлаган, қўй-эчкиларнинг маъраган, отларнинг пишқирган овозлари ҳам қўшилиб кетди. "Демак, бозорчилар келишяпти", деб қўйди ўзича ва шогирди Нормуродга кўз ташлади. Йигит юзида ним табассум билан яна пишиллаб ухламоқда эди. "Тушида Гулбибини кўраяпти, шекилли", деб ўйлади фикран командир.

Осмон орти қизариб, ёруғлик чимматини оча бошлади. Атрофни кушларнинг чуғурлаган овози тутиб кетди. Бу овозларга, эҳтимол сотгани олиб келинган хўрозларнинг қичқирғи ҳам, одамларнинг ғала-ғовури ҳам қўшилиб кетди. Айвонда бир неча кишилар қатори бомдод намозини ўқиётган Муҳаммад овчининг тили калимадаю, нигоҳи "олма терарди"...

Овчи калима қайтараркан нигоҳи билан атрофидаги намозхонларни бир-бир кузатар ва уларни ким ва қаердан эканига тахминан хулоса чиқарарди. Келганларнинг учтаси Кўлобий, иккитаси ғармлик, иккитаси жирғатоллик ва яна иккитаси бадахшонликларга ўхшаб кетарди. Яна беш-олти бадахшонийлар кириб келишиб намозга аралашмай ўз ишлари билан банд бўлишди. Улар юкларини тушириб шам ёқишди ва олиб келган молларидан намуналарни ерга ёзилган бўз устига териб қўя бошлашди.

Кўп ўтмай ёруғлик атрофга ёйилади. Сўқмоқларда эшак-улов етаклаган қора-кура кишилар ва ҳатто, кўйлак-рўмолининг қизиллигидан ажралиб турган хотин-халажлар ҳам кўринарди. Кўрғон ташқариси, дарвоза олдида ҳайвонлар, ичкарида бўлса буюм бозори қизий бошлади. Ғала-ғовур кучайгандан-кучайиб борарди. Бир четда қўй-эчкилар сўйилиб, қора қозонлар ҳам қайнай бошлади. Пишаётган кабобнинг тутуни тепаликдаги ҳар икки "меҳмон"нинг ҳам димоқларини қитиклади. Ниҳоят улар ҳам "метеохизмат" нишони тақилган ярим ҳарбийча уст-бошларини кийиб, бозорга худди саёхатчилар каби кириб бордилар. Муҳаммад овчи аллақачон гармчашмалик танишларини топиб олган ва улар билан бир четда чордона қуриб, кабоб еб, чой ичиб чақчақлашиб ўтирарди.

...Бозор то тушликка қадар давом этди, холос. Одамлар яна келган томонларига қайтиб кета бошлашди. Қўй-эчки сотгани келган ва тўйиб ичган бир қирғиз йигитни отига аранг миндириб қўйишди. У олган харажатларини ҳам отга юклаб қўйишди-да, ортидан "Чух!" деб ҳайдаб солишди. Бу йигит ҳар сафар шундай қилармиш, оти ақлли экан, ўзи уйини кечгача топиб борармиш.

Муҳаммад овчи гармчашмаликлар билан ҳам келишиб олди ва уч-тўрт кун ичида меҳмон бўлиб бориб қолишларини, пойтахтдан ҳам одам борлигини, улар ҳозирча метеостанция учун янги жой қидиришаётганини маълум қилди. Улар самимий хайрлашдилар. Кўп ўтмай тошкўрғонли карвонсаройда бир мўйсафиддан бошқа ҳеч ким қолмади. Фақатгина ҳайвонлардан қолган янги тезаклар, турли

коғозу бўшаган бакалашкаларгина бу ерда маҳаллий бозор бўлиб ўтганидан далолат бериб турарди.

Бозорда Афғонистон томондан ўтиб келганлар кўринмади, ёхуд бўлса ҳам, улар маҳаллий кўринишда бўлгани учунми, ажратиб бўлмасди. Бу ерда фақатгина бир шахс кўшни кам кўрган нусха сифатида кескин фаркланиб турди. Бу ҳам бўлса Бахтиёр Тўраев эди. Бозорчилар Нормурод иккисига суқланиб қарашар ва уларни ажнабий деб ҳисоблаб чуғурлашиб сотаётган молларини уларга кўз-кўз қилишарди. Бахтиёр сомоний пулига турли тақинчоқлар, юнгли пайпоқлар ва йўлга егуликлар сотиб олди.

Шундай қилиб тушликдан сўнг катта таассуротлар билан бир пайтлар мужоҳидлар кетган сўқмоқ орқали Оби Хиноч сари йўл олишди. Йўлда, бир сўлим булоқ бўйида тунаб қолишди. Бу ер зиёратгоҳ шекилли, дарахтларга ният қилиб ҳар хил латта-лутталар илиб ташланибди. Зиёратгоҳ баланд тоғлар этагида калин дарахтлар бурканиб ўсган дарада жойлашган бўлиб, бир уйча ва бир неча супачалардан иборат экан.

Йўлда ўтган-кетган йўловчилар ҳам энди кўпроқ учрай бошлашди. Улар асосан помирликлар бўлиб, от, эшак ва баъзилари қўтос миниб ҳам ўтиб қолишар, қўллари кўксида илиқ салом беришарди. Муҳаммад овчи иложи борица улар билан йўл-йўлакай ҳамсухбат бўларкан, Оби Хиноч кўпригига ва афғон чегарасигача яна қанча масофа қолгани ҳақида суриштирар, сўнгра исмини, қаерлик эканини сўраб хушчақчақ хайрлашарди.

Ниҳоят эртаси тушликка яқин улар кўзлаган манзилларига етиб келишди. Дастлаб осма кўприкни ва жарлик тубида шаркираб оқаётган дарё сувини узоқ томоша қилишди, иккала томон соҳилларини ўрганишди. Кўприк анчагина эскириб таъмирталаб бўлиб қолибди. Ундан от-уловларни аста етаклаб ўтиш лозим эди, чунки кўприк тебраниб турарди. Ўтаётган одам тушиб кетса борми, унинг омон қолиши даргумон экан. Чунки дарё суви мавжли бўлиб, у улкан тошлардан-тошларга шиддат билан урилиб, баланд шовқин чиқариб оқарди. Сўнгра улар кўприкка кириш жойидан анчагина берирокдаги бир вақтлар чўпонларнинг қўтони бўлиб хизмат қилган тошдеворли қўрғонни кўздан кечиришди. Қадимги қўрғон бир неча хона ва айвонлардан иборат бўлиб, эшик ва деразалари йўқ, томларининг айрим жойлари чириб тушиб кетганди. Фақат деворларигина яхши сақланибди.

– Бу ерни яхшилаб таъмирланса ҳам карвонсарой, ҳам бозор учун қулай жой экан, – деди Тўраев хулоса қилиб, – Гармчашма қайси томонда?

– Ҳе-ле, чўккига чиқиб борасиз, – деди овчи пурвиқор булутлар бағрига сингиб кетган қорли тоғ тепалигини кўрсатиб.

– Узоқми?

– Пиёда ярим кунлик йўл. Баландликка чиқиб борилади-да.

– Бу ерга ўша ерликлар келиб яшашлари мумкинми?

– Ҳа энди керак бўлса уч-тўрт оилани кўндирамиз-да. Ўзлари кўнмаса оқсоқол буюради. Бу ёғига кўнглингиз тўқ бўлсин, – деб овчи бир тўнка устига жойлашиб ўтириб оларкан. – Келинлар, бир зум дам олайлик.

– Бир йўла овқатланиб оламиз. Бозордан олган пиширилган гўштимиздан ҳали бор эди, – деди Нормурод.

– Унда чойгумга бир чой қўйайлик.

– Сувни-чи қаердан оламиз?

– Ҳа-я, дарё сатҳи жуда паст-ку.

- Чойгумни арқонга боғлаб ташлай қолинглар.
- Нормурод, тушундингизми?
- Ҳа, – деди йигит ва от эгарига илиб қўйилган узун арқон ўрамини еча бошлади.
- Умуман, энди теваарак-атрофдаги булоқларни ҳам ўрганиб чиқишимиз керак, шекилли. Чунки бу ерда сув, ўтин масалалари жуда муҳим.
- Устоз, электроэнергия масаласи нима бўлади. Прибор аппаратларимиз қандай ишлайди? – сўради Нормурод.
- Дастлаб электр движок ўрнатамиз. Кейинроқ, эҳтимол манави дарёни тўсиб биз ҳам электростанция қурамиз, – деди Бахтиёр ҳазиллашиб.
- Движокка ёқилғини қаердан оламиз?
- Шу атрофдан сотиб олаверамиз-да. "Пул бўлса-чангалда шўрва" деганлар.
- Нормурод арқон ва кумғонни олиб кўприк сари чошиб кетди. Бахтиёр билан овчи ўтин-чўп тера бошлашди.
- Ҳа айтмоқчи, ўртоқ командир.
- Лаббай. Лекин сиз бегоналарнинг олдида мени бошқа "ўртоқ командир" дея кўрманг-а. Энг яхшиси, "ўғлим" деб чақира қолинг.
- Муҳаммад овчи бир оз тин қолди "Бахтиёр ҳақ. Уларнинг бегона юртдан эканини ниҳоятда сир сақлашим лозим. Мен ҳам шерик эканман, демакки, бизнинг олий мақсадимиз бир – бу хавфсизлик", деб қўйди мўйсафид хаёлан.
- Ҳа, айтмоқчи, ҳалиги, ўғлим, бозордаги тунаб қолган икки қирғиздан бир муҳим гапни билиб олувдим.
- Қанақа гап экан?
- Улар бу ерга Лаккон деган жойдан келишибди.
- Нима? У жой қаерда?
- Исфара яқинида. У ерга Ворух орқали боришаркан. Бу ердан жуда яқин сўқмоқ йўл бормиш.
- Нима дедингиз?! – ҳаяжонланиб қичқириб юборди Бахтиёр. – Нега бу гапни менга дарров айтмадингиз?
- Сиз ўзингиз сўраганингиз йўқку, тавба...
- Хўш. Бозорга қандай келишибди?
- Сурхобдан ўтиладиган кўприк бор экан. Жирғатол орқали келишибди. Бозордаги қўй-эчкиларни асосан ўшалар сотиб олиб кетишди.
- Нима?!.. Демак, улар чорвани бемалол пиёда ҳайдаб кетишди, денг?
- Ҳа, шунақа. Машиналари йўқку, ахир. Бўлса ҳам келолмайди.
- Ана масала қаерда, ҳаммаси энди ойдинлашяпти, – деди Тўраев ўйчан.
- Қанақа масала?
- Мужоҳидлар демак Оби Хиноч орқали ўтиб Жирғатолда лагер қуриб, у ердан Боткенга ўтишган эканда. Биз бўлсак сув кечиш юрибмиз.
- Биз Сўх томондан келдикда.
- Ҳа тўғри, тушунарли. Демакки қурол-яроғлар, наркотикларни бемалол Исфара томонга олиб бориш мумкин...
- Шундай дея Бахтиёр чуқур ўйга толди.
- Қизиқмисиз, ўғлим. Нима, уларни Қайроққумга олиб бориб балиқларга беришармиди? – дея эътироз билдирган бўлди овчи.
- Балиқлар... Тўхтанг, балиқлар дедингизми?

Шу маҳал Нормурод келиб қолди ва гапга аралашди. Унинг кўзлари қувончдан порларди.

– Ўртоқ бошлиқ, мен кўрдим!

– Нимани? ...Тез гапиринг! – кичқирди командир ҳаяжон билан.

– Форель балиқларни! Улар жуда кўп, катта-катта экан. Уларни хонбалиқ ҳам дейишади-ку! Тутмаймизми-а?

– Тутамиз, Нормурод, тутамиз, – деди Тўраев ҳам ҳаяжонини яшира олмай, – фақат бу ерда эмас, балиқларни Қайроққумда тутамиз!

– Қайроққум?! Нега энди?... – Ажабланди йигит.

– Чунки Қайроққум сув омборига бизнинг Сирдарё куйилади. Сирдарёдан оқимга қарши қайиқларда сузиб қуролими, гўрди-балоними бемалол Ўзбекистонга олиб ўтишлари мумкин-да!

– Ҳа!!! – деб юборди Нормурод.

Унинг қўлидан сув тўла чойгум тушиб кетаёзди.

– Яшанг, ўртоқ командир! Қидирган нарсангизни топганингиздан хурсандман, – деди овчи Тўраевнинг елкасини қоқиб кўяркан.

– Сизга юз марта айтдим, бошқа "Командир" деманг, деб!

– Хўп бўлади, ўрт..., – дея овчи кулиб юборди.

Учовлон хурсандликда бир-бирлари билан худди ота-болалардек қучоқлашиб кўришдилар.

– Муҳаммад ака, сиз балосиз, кўп нарсани биласиз. Фақат секин чиқарасиз-да.

Овчи ва Нормурод гап мавзуси аскияга айланишини англаб, шодон кулиб юборишди.

– Яхши от кейин чопади-да, чунки олдинда кетаётганинг орқаси яхши кўринади! – деди овчи баралла овозда.

Яна кулгу кўтарилди.

– Отингиз хавфли экан. Энди бундан буён фақат олдинда юради.

– Фақат узоқроқ.

– Ҳа. Чунки одам кексайганидан кейин фақат узоқдан яхши кўрадиган бўлиб қоларкан.

Кулгудан тулпорларнинг ҳам кулоқлари диккайиб, қимирлаб кўйишди. Улардан бири "бизларни аския қилишаяпти" дегандай безовталаниб, депсиниб ҳам олди.

Улар шу зайл ҳазил-хузул билан тушлик қилишди. Сўнгра кўприк устига бориб дарё четида баъзан кўриниб қолаётган қизил тусли балиқларни дурбин орқали кузатишди.

– Эҳ-ҳе, бунақа балиқлар Гармчашмадаги илиқ булоқда тўлиб ётибди, тўғрими Нормурод, – деди овчи.

– Ҳа. Уларни кўл билан бемалол ушлаш ҳам мумкин. Чўмилсанг сув ичидан ҳам худди аквариумдагидек кўринаркан, – деди Нормурод.

– Йўғе. Чўмилганмисизлар?

– Ҳа. У ерда ҳамма, ҳатто аёллар ҳам чўмиларкан. Суви шифобахш эмиш. Иброҳимниям олиб бориб чўмилтириб туришади. Ўша ерлик табиб аёл айтибди. Шу сув билан у даво топиб кетармиш.

– Ҳозир у ерга афғонлар келган деб эшитдим. Улар ҳам чўмилишаётгандир, – деди овчи беихтиёр балиқларни кўздан кечиаркан.

– Нима дедингиз?! – ажабланиб сўради Бахтиёр, – Қанақа афғон?!...

– Н-нима, мен сизларга бу ҳақида ҳали айтмадимми? Гармчашмаликлар айтишди. Ҳозир у ерга ҳар йили келиб турадиган афғонлар келганмиш, меҳмон бўлишаётганмиш.

– Отларга!!! – дея қичқирди Бахтиёр жиддий – Бўлинглар тез, қолганини йўлда гаплашамиз.

– Намунча шошилмасангиз-а?

– Ўша афғонлар кетиб қолишлари мумкин? Улар қайси йўлдан, қайси ковакдан келишади. Буни аниқлашимиз жуда муҳим. Демак, тоғлар орасида биз билмаган яна бошқа сўқмоқлар бор!

Улар тезлик билан лаш-лушларини йиғиштириб отларга жойлаб йўлга тушишди. Бахтиёр шошилар, у тулпорини деярли чоптириб баландлик сари илдамлаб борарди.

– Ҳой, шошилманг, баландликка отни бунақа чоптириб чиқиб бўлмайди! – қичқирди овчи.

Бахтиёр бир пайт тулпорининг юганини тортиб таққа тўхтади. Йўқ, уни овчининг танбеҳи эмас, балки хаёлига келган бир нохуш фикр тўхтатганди.

– Муҳаммад ака. Афғонлар Гармчашмага нима мақсадда келишади?

– Билмасам.

– Нахотки гармчашмаликлар афғонлару мужоҳидлар билан ҳамкорлик қилишса?..

– Й-йўғе, фашистлар бошқа, немислар бошқа бўлганидек мужоҳидлар ҳам, афғонлар ҳам бошқа-бошқа бўлади. Кейин мужоҳидлар ҳар хил миллатнинг бемаза одамларидан иборат. Улар ичида ўзбеклар ҳам, тожиклар ҳам бор. Афғонистонда жуда кўп бадахшон қавмлари яшайди. Улар қон-қариндош, бир-бири билан қуданда, дегандай. Менимча улар Гармчашмага товар айирбош қилишгани келишади.

– Ҳа тўғри, – деди Нормурод гапга қўшилиб, – Мен ҳам бу ҳақида эшитгандим.

– Демак наркотик ҳам олиб келишади, шунақами?

– Йўқ, аксинча, олиб кетишади.

– Нима?! Ҳой, сиз мен билан ҳазиллашаяпсизми? Мен жиддий сўраяпман!

– Афғонлар у ерда кўкнори етиштиришади-да.

– Буни қаердан биласиз?

– Иброҳим айтувди. Унга табиб аёл ўша ўсимликдан дамлама тайёрлаб бераркан. Кейин Сарвиғул олиб келган бир халтачада кўкнори бошларида кўзим тушганди.

– Қизиқку, бу. – Ҳайрон бўлди Тўраев ва отини янада илдам юришга ундади. – Нега энди қорадорини улар Афғонистонга олиб кетишади. Шу ернинг ўзидан бизнинг чегараларга юборишса бўлмайдими?

– Уларнинг харидори Афғонистонда бўлса керак-да.

– Ҳа, улгуржи бозори демокчисизда. Демак ўша бозорниям бир кўриб қўйсак ёмон бўлмасди.

– Иброҳим ҳам анойи йигитлардан эмас. У анча-мунча маълумот йиғиб қўйган бўлса кераг-ов, – деб қўйди овчи.

– Лекин бунга ишончим комил эмас, – деди Бахтиёр афсусланиб, – Чунки у ногирон, ҳужрасидан чикмай қимир этмай ётади. Бу ҳам майли, помирликлар тилини умуман билмайди. "Сеники, меники" деган маиший гапларни тушуниш

бошқа, сиёсий аҳамиятга молик сўзларни билиш бошқа. Ҳа айтмоқчи, эҳтимол у рус тилида гаплашаётгандир?...

– Йўқ, – деди овчи чўрт кесиб. – Улар рус тилини мутлақо билишмайди. Гапингиз тўғри, демак, Иброҳимдан маънироқ маълумот кутмасак ҳам бўлаверади. Ҳали у тўлиқ тил ўргангунича камида беш йил керак бўлса керак.

– Ҳа, у ҳозирча соғлиғини тиклаб олса ҳам катта гап. У барибир бизга кейинчалик ҳам керак бўлади. У ўз тақдирини ўзи белгилайди.

– Эҳтимол у аллақачон зерикиб ватанга қайтишга йўл кидираётгандир. Нима бўлсаям "ичкуёв"да. Кейин шаҳарлик йигитнинг тўсатдан ёввойи ҳаётга тушиб қолиши, ҳар куни бангилардай кўкнори чой ичиши – негадир менга бу ишлар ёқмаяпти-да. Уни олиб кетганимиз маъқулмикан.

– Қандай қилиб, тоғдан замбилда олиб тушамизми?

– Эшак йўли бўлиши керак. У фақат узокроқ, айланиб юрилади, холос.

– Демак, узок бўлса ҳам наркотик ва қурол-яроғ олиб келиш йўли бор. Ҳеч ким уларнинг йўлини тўсмайди. Тожикистон ҳарбийлари қаёққа қарайди ўзи? – деди Бахтиёр норози ғудраниб. – Кейин қарабсизки, бизда қанча-қанча оворагарчилик, вақт, маблағ сарфланади. Қўлга олинисаку майли, олинмаганлари қанча? Қорадорини қабул қилиб нобуд бўлаётган, хонавайрон бўлаётган оилалар қанча? Неча-неча болалар ногирон туғилишмоқда?... Демак, бу ерлардаги умумий лоқайдлик безътиборлик, оғуни оддий тирикчилик манбаига айлантириб олганликлари кўпчилик одамларнинг тақдирини ўзгартириб юбормоқда, умрлари завол кетмоқда. Бу ҳам уруш – чунки одамлар қурбон бўлишмоқда. Сиз билан биз бўлса шу уруш ичига кириб бормоқдамиз. Демакки, фронт ичига...

Бахтиёр Тўраевнинг куйиб-пишиб сўзлаши ҳар икки ҳамроҳини ҳам танг қолдирди. Бахтиёр афсусланиб ва бошини сарак-сарак қилиб, эҳтиросларга лиммо-лим маърузасида яна давом этди:

– Бораётган жойимизда ҳозир душманларимиз ҳам бўлиши мумкин. Улар ҳам анойилардан эмас. Ўзимизни шундай тутишимиз керакки, гўё бизлар ҳам улар каби лоқайд, маишатвоз. Улар нима таклиф қилишса йўқ демай, ўзимизни сиёсатдан узок, ўта содда қилиб кўрсатишимиз керак.

– Нима, наша чек деса чекаверамизми?

– Ҳа. Лекин эҳтиёт бўлиб, меъёрни билиб, чунки хизматчилик. Бошингиз айлана бошладими, демак чекишни тўхтатиб гўё маст бўлиб ухлаб қолганга соласизда, уларнинг суҳбатига қулоқ тутасиз. Алжиб-алжирайверишса оёғингизни қўлга оласиз у ерни тарк этиб, жойни ўзгартирасиз. Иложи борича очик ҳавога чиқинг, лекин ичкаридаги гаплар эшитилиб турсин.

– Лекин бунақа ҳолатда жуда қийин бўлади. Чунки мен лагерда чекиб кўрганман, – деди Нормурод. – У ерда чекмасанг ҳам тутуни таъсир қилади. Чикиб кетмоқчи бўлсанг зил-замбилдай оёғингни жилдира олмайсан. Бу ҳол ўзингга кулгули туюлади. Кейин ўз-ўзингдан кулаверасан.

– Бунақа жойда ўтирмаган маъқул, – деди овчи жиддий, – Чунки у ерда ўзингнинг кимлигингни сотиб қўйиш ҳам ҳеч гапмас.

– Тўғри айтасиз, Муҳаммад ака, – деди Бахтиёр.

– Лекин одамнинг ичидагисини гапиртириш борасида кўкнорига етмайди. Мен бангиларнинг кўпини кўрганман. Унга пиёлада чой каби қуйиб узатаверсанг, унинг меҳри товланиб бор сирини тўкиб солаверади, – дея қулиб қўйди овчи.

– Демак, биз кўкноридан фойдаланишимиз мумкин. Ўзимиз ундан истеъмол қилмасликка, қолаверса, ҳушёр бўлишимизга имконият бор.

– Тушунарли. Бўлмаса ишни нимадан бошлаймиз? – сўради Нормурод.

– Чўмилишдан, – деди Бахтиёр.

– Нима дедингиз? – Ажабланди овчи.

– Биринчидан, ваннада чўмилмаганимга бир ҳафта бўлди. Иккинчидан, афғон-меҳмонлар билан чўмилсак яхши бўлади. Чунки уларда кимнинг елкасида камар изи бўлса, демакки у жангари бўлади. Эсингиздами, Нормурод?

– Ҳа-ҳа, – деди йигит. "Ислом лашкари" экани фош бўлган кунни ёдига олиб қулиб қўйди.

– Учинчидан, – деди Бахтиёр сўзида давом этиб. – Аввало ўша форель балиқларини, ундан кейин келгинди афғонларни яқиндан кўргим келаяпти.

* * *

Афғонистонлик меҳмонларнинг Гармчашмага ташрифи ҳақиқатдан ҳам катта байрамга айланди. Уларга жой ҳозирлаб қўйилган, карвонсарой олдидаги майдонда уларнинг шарафига дастурхон ёзилди. Тўрига одатдагидек оқсоқол Ақои Чоршанбе ёнига икки аёлини ўтказди. Исмоилия вакили Аҳмадзодага бўлса бу ёнидан жой кўрсатди. Унинг ёнига каниз сифатида ҳадя қилишга мўлжаллаб қўйилган гўзал қизлардан бирини ўтқазиб қўйишди.

Оқсоқол маъруза қилиб аввало меҳмонларни қутлуғ ташриф билан қутлади. Меҳмонлар унга ва унинг хотинларига олиб келган совға-саломларини бир-бир инъом қилиб чиқишди. Ўртада бир ҳофиз-бахши ғижжакка ўхшаш асбобни чалиб кўшиқ куйлашни, қизлар бўлса помирча рақс хиром этишни бошладилар. Пиширилган қўй, кийик, кўтос кабоблари, ов қилинган қушлар ва балиқ гўштидан таомлар тортилди. Меҳмонлар ҳам ўзлари билан олиб келган турли-туман спиртли ичимликлар ва ширинликларни дастурхонга қўйишди. Орқада томоша қилаётган хотинлар ва болаларга конфету ширинликлар улашдилар. Бўйи етган қизлар меҳмонлар ичидан ўзларига муносиб қаллиқ қидиришаётган бўлишса, зиёфатда ўтирган бақувват меҳмон йигитларнинг нигоҳи ҳам тобора ўткирлашиб бормоқда эди. Фақатгина ҳадеб орқадагиларни бу ердан нарироқ кетишга ундаётган жангари қишлоқ йигитларигина мовий кўзларини лўқ қилиб олиб нигоҳлар нишонини бузаётгандилар.

Алибек ва Сарвигул Иброҳимни оёқости бўлмасин деб меҳмондорчиликни бемалол кузатиш мумкин бўлган хонадонлардан бирининг ташқи супасига баланд қилиб ётқазиб бошини кўтариб қўйишди. Алибек узокдан туриб бўлсада, меҳмонларни уст-боши ёки бирор белгисига қараб билганича бир-бир таништира кетди.

Сарвигул икки дўстининг олдига дастурхон ёзди ва нозу неъматлардан олиб келиб қўйди. Улар орасида меҳмонлар олиб келган ширинликлардан ҳам бор эди. Иброҳим конфетлардан бирини очиб оғзига солдида, қоғозини синчиклаб ўқиди. Унда "АҚШда тайёрланган" деган ёзув бор эди. "Эҳ, шундан кўра Фарғонанинг туршаги бўлмайдими, – деб қўйди у хаёлан. – Бирортаси мендан мундоқ хабар ҳам олишмайди. Уйдагилар менинг бундай аҳволимдан беҳабар, йўқса акам албатта мени қидириб топиб келган бўларди. Алибек мендан нега қариндошларим ҳақида сўраганида мен унга акам ҳақида гапириб қўйдим. Ишқилиб, хато қилмадиммикин? Бир вақтлар етимхонада улғайганман, ҳеч кимим йўқ дегандим.

Энди бирор нима ўйлаб топишим керак. Ҳа, уни тоғам катта қилган дейман. Эҳ, ватанимни шундай соғиндимки..."

Шу маҳал уларнинг олдига Вадидшо исмли бир йигит келди. Унинг кўзлари қувончдан порлаб турарди. У одатдагидек помир тилида Алибекка қарата бир хушxabар олиб келганини айтди. Иброҳим нима гап эканини тушуниб турган, ичи ёниб кетаётган бўлса ҳам ўзини босиб Алибекка қараб рус тилида, "Что случилось?" деб сўради.

– Вадидшо кеча бозорга тушган экан, сенинг акангни кўрибди. Улар уч киши эмиш, бир ишлари бор экан. Ишларини битириб, сўнг шу ерга келишармиш.

Иброҳим эндигина ўзини чексиз қувониб кетган қилиб кўрсатди. Сарвигул ҳам "Отам келарканлар!" дея хурсанд қичқириб юборди.

– Учинчиси ким экан? – Атайин сўради Иброҳим.

– Ҳалиги шу ерга келган бир йигит, ўртоғинг шекилли.

– Ҳа-ҳа, раҳмат – деди Иброҳим севиниб ва "Бу албатта Нормурод бўлса керак", деб кўнглидан ўтказди.

Иброҳим албатта "Аканг келаётган экан" дейилганида Марғилондаги ўз акаси Икромжонни кўз олдига келтиргани ва "Оббо, ишхонадагилар унга айтишибдида. Нормуродни, Муҳаммад акани олгану келаверган" деган ўйга борди. Аммо у янглишганди. Бу ерга Икромжон эмас, балки бўлим бошлиқлари Бахтиёр Тўраевнинг шахсан ўзи халқаро хавфсизликка молик улкан лойиҳа билан келаётганидан беxabар эди.

– Вадидшо, келаётган меҳмонлар ҳақида оқсоқолга айтилдими? – деб сўради Алибек.

– Йўқ. Кўрмаяпсанми? У ўзи билан ўзи овора. – Шу кунларда унинг яқинига йўлаб бўлмаслигини биласанку.

– Демак, Иброҳимнинг меҳмонлари эртага етиб келишлари мумкин. Соқчиларни огоҳлантириб, уларга ҳам жой тайёрлаб қўйишимиз лозим бўлади.

– Бундай кўрсатмани фақат оқсоқол беради. Бир илож қилиб гапни унга етказишимиз керак. Нима қилсак экан-а?

– Сангибекдан фойдаланамиз. У қани? Сарвигул, илтимос сендан Сангибекни топиб кел. Устозинг Иброҳим чақираяпти, де.

Сарвигул "Хўп бўлади" дея чопиб тушиб кетди ва болалардан сўраб-суриштира бошлади. Кўп ўтмай қўлида улкан хўрозқанд ялаб Сангибек пайдо бўлди. Алибек унга нима қилиш кераклигини тушунтирди.

Сангибекнинг етказган хабари Акои Чоршанбени безовта қилиб қўйди. "Нима? Учинчи одам – пойтахтдан эканми? Ким экан у? Иброҳим ҳеч кимим йўқ дегандику" деб қўйди. У хавотирга тушиб "Ҳар ҳолда уларни манави меҳмонлар орасига қўшмай, алоҳида кутиб олингани маъқул. Алибек ҳам барибир ўрисда. Мусофирлар тез тил топишиб, энди бирор ножўя ҳаракатни бошламасмикин, ишқилиб... Демак уларнинг ортидан одам қўяман. Рус тилини биладиган ким бор? Ҳа-ҳа, фақат ўғлим Сангибек. Унга "меҳмонларнинг ёнидан жилма, гапларини яхшилаб уқ", деб тушунтиришим керак. Лекин улар ўзбек тилида гаплашишсачи? Бу тилни ким билади?.. Ҳа, фақат ўша тожик Муҳаммад, холос. У кимнинг одами ўзи? Пойтахтлик Душанбедан ортимдан қўйилган хуфия одам бўлсачи? Афғонистонликларнинг ташрифи ҳақида ҳукуматдагиларга етказиб қўйсачи? Сўнг "кўкнори экиш ноқонуний" деб ғирт гирбонимдан олишсачи? Умуман Иброҳимни

куёв қилиб тўғри иш қилдиммикан? Эҳтимол, ҳали ҳам кеч эмас, уни хотини билан ватанига жўнатиб юборсамчи?..."

Ўйин-кулги ва рақслар давом этаркан, канизакликка номзод қиз билан суюлиб гаплашиб ўтирган Аҳмадзода "Ҳа, тинчликми, оқсоқол?" деб лукма ташлаб қўйди. "Ҳа-ҳа, ҳаммаси жойида, қани олдик" деди сир бой бермай қадахни қўлига олиб. Сўнгра орқасида ҳамон жавоб кутиб, қарсак чалиб турган Сангибекка имо қилди.

– Улар қаерда?

– Ким? Меҳмонлар ҳали келгани йўқ, ота.

– Э йўқ, ануви устозларинг?

– Ҳув ана, Шамсуллоҳ аканинг айвонида ўтиришибди. – деди болакай тепаликни кўрсатиб.

Оқсоқол ўша томон бир назар ташлаб қўйди ва олдида турган бир шиша рус ароғини олиб ўғлига узатди.

– Ма, манавини уларга олиб бор, байрам қилишсин. Мен ҳам фурсат топиб улар билан учрашаман.

Ароқни кўрган Алибекнинг хурсандликдан кўзига ёш келди. У келганидан буён бунақа ароқни илк бор кўриши эди. Ўтган йили у оқсоқол олдида бориб келган меҳмонларга албатта бир яшик буюртма беришини илтимос қилганди. "Демак, сўзида турибди-да. Баракалла, оқсоқол" деб қўйди у қувониб.

– Манави бошқа гап! Рус ароғини ичмаганимга минг йил бўлганди. Оқсоқолга раҳмат. Бу атайин мен учун олдиртириб келибди. Кел, дўстим, бугунги хушxabарни бир нишонлаймиз.

– Мен ҳеч ичмаганман, – деди Иброҳим атайин.

– Э, қўйсангчи. Ичмаган бўлсанг, бугун мен учун ичасан. Сендек дўст топиб берган, худога шукурлар бўлсин! – деди Алибек беҳад хурсанд бўлиб пиёлаларни тўлатди. – Қани олдик, дўстлигимиз абадий бўлсин!

"Хўп" деди Иброҳим қўлини қайтаришга бошқа ботина олмай, қадахни уруштирган бўлди ва озроқ ичди.

– Оқсоқолимиз зўр инсонда, лекин! – деб қўйди Алибек ва яна қадахларни тўлатди. – Кел, унинг соғлиғи учун ичамиз! Қани ол! Олмасанг ҳафа бўламан, тўғрими Сангибек? – деди у болакайга ва унинг елкасини қоқиб қўйди. – Сен ҳам озгина тотиб кўрасанми-а?

– Йўқ, отам урушадилар.

– Озгина. Отангнинг соғлиғи учун, – деди ва пиёлага қуйиб узатди.

Болакай уни ичиб кўриб тез тупуриб ташлади. Алибек кулиб юборди.

* * *

Оқсоқолнинг боши котди. У ҳеч қачон бундай қийин ҳолатга тушмаганди. "Учинчи одам ҳақиқатдан ҳам пойтахтдан, ҳукумат вакили бўлиб чиқсачи?" деган ўй уни қийнай бошлаганди ва Вадидшони чақириб унинг юз тузилиши ва кийинишлари ҳақида сўради. Вадидшонинг келтирган таърифи унинг фикрини тасдиқламоқда эди.

– Ўзбекбашара эди. Юзи оппоқ, шаҳарлик, – деди Вадидшо.

– Демак, у пойтахтдан, асли хўжандлик бўлса керакда-а. Хўжандликларнинг ўзбеклардан фарқи йўқ, – деб қўйди ўзича.

– Ҳа тўғри, – деб қўйди Вадидшо.

Оқсоқол зудлик билан кескин чоралар кўриб қўйишга аҳд қилди:

– Вадидшо сен бориб қишлоқ фаолларини тез ҳузуримга чақириб кел, маслаҳатли иш чиқиб қолди.

Кўп ўтмай фаоллар ичкарига бир-бир кириб келиб, даврага чордона қуриб ўтира бошлашди.

– Бўлмаса гап бундай, миллатдошлар! Менга маълум бўлишича, эрта ёки индин бизга яна учта меҳмон келиши кутилмоқда. Лекин улар шимолдан, бири пойтахтдан-ҳукумат одами бўлса керак. Улар атроф қишлоқларда нимадир қилиб юришганмиш. Биласизлар, кўкнори ва нашани экиш ман этилган. Кейин, бу ердаги афғонистонлик меҳмонларимиздан уларнинг воқиф бўлишлари тўғри келмайди. Шунинг учун менда таклиф бор: кўкнори пояларни йўқ қилиб куйдириб юбориш, афғон меҳмонлар билан тезда ҳисоб-китоб қилиб, уларни кетказиб юбориш, агар бу ишларга улгура олмасак анави учовини бир илож қилиб йўлда ушлаб туриш керак бўлади. Нима дейсизлар?

Табошар сўз олди:

– Биринчидан, ҳали шираларни тўлиқ йиғиб ололганимиз йўқ. Бу сафар улар ҳар йилгидан кўп мол олиб келишибди, қарздор бўлиб қоламиз, иккинчидан, уларга "тез кет" дейиш ҳурматсизлик бўлади, учинчи йўл тузук. Чунки тоғда турли ҳодисалар бўлиб туриши табиий ҳол...

– Лекин эҳтиёт бўлинглар. Нима бўлса ҳам ҳамкорларимиз яхши одамлар, уларни эҳтиёт қилганимиз маъқул. – деди оқсоқол ва томоғини маъноли қириб қўйди. – Кейин Ақои Муҳаммад билан қуда тутинганмиз. Нима бўлса ҳам улар азиз меҳмонимиз бўлишади. Фақат озгина вақтдан ютишимиз, яъни улар кутишлари керак. Ҳар эҳтимолга қарши атрофга соқчиларни кўпайтиринглар. Соқчилар "Гармчашма бу ёқда эмас" деб уларга бошқа тоғларни кўрсатиб юборишаверишсин.

– Бир тоғларимизни саёҳат қилишар эканда-а, – деди Табошар қулиб.

– Уларни кўздан қочирманглар. Тунаб қолишса жойларини аниқланглар. Зарурат бўлса бошқа томонга адашиб кетишларининг иложини топинглар.

– Улар неча кун адашиб юришлари керак?

– Камида уч кун, – деди оқсоқол ва чилимни олиб уни қуриллатиб тортдида, ҳузур қилиб оғзи ва бурнидан тутунини чиқарди. Бу унинг "Гап тамом" дегани эди.

* * *

Уч сайёҳ баландлик сари узоқ йўл юришди. Ўзлари ҳам, етаклаб олган тулпорлари ҳам ҳолдан тойишди. Чунки баландлик сари чиқиб бориш, оёқ остидаги сирпанчиқ қиррали тошлар устида юриш жуда қийин эди. Бунинг устига борган сари изғирин шамол кучайгандан-кучайиб борар ва қор учқунлари кўпайиб кўз очиргани қўйишмаётганди.

– Нима бало, у қишлоқ шунақа узоқми? – сўради Бахтиёр ниҳоят тоқати-тоқ бўлиб.

– Биз юрганимизда бунақа шамол, қор йўқ эди, энди бўлса ҳаммаёқ оппоқ, бу ёғи оқшом ҳам тушиб қолди.

– Ишқилиб адашиб қолмадикмикин?

– Ҳув анави чўққининг орти эди, шекилли. Бирортаси учраб қолса сўраймизда.

– Бўлмаса бирор панароқ жой топиб ўт ёқайликда ўша ерда тунайлик. Иссиқ булоқда чўмилиш бугун бизга насиб қилмаган кўринади.

Улар шамолдан панароқ кўринган бир улкан қоя тош тагига етиб олишди. У ерда ғорсимон ковакка кўзлари тушди ва ўша ерда чодир тикишга киришишди. Кийимларни устидан яна бор қалин уст-бошларини кийиб олишди. Ўтин-чўплар теришди. Олов ёқиб, қор тўлдирган чойгумни унинг ёнига қўйишди.

– Майли, бир тун, минг тун бўлмайдику. Ташвиш қилманглар. Бунинг ҳам ўз гашти бор. Фақат музлаб қолмасак бўлгани, – деди Муҳаммад овчи тинчлантириб.

– Сизлар бўлмаса ўтириб туринглар. Рухсат этинг, ўртоқ бошлиқ, мен шу атрофни разведка қилиб келаман, эҳтимол қишлоқ шу яқин орададир, – деди Нормурод.

– Яқин бўлса бу ердан жўнаймиз. Майли, аниқлаб келинг. Сизга рухсат. Лекин эҳтиёт бўлинг. Яхши хабар билан келинг.

– Тагин йўлда Помир қизларига илакишиб қолманг, – деб ҳазиллашиб кесатиб қўйди овчи. – Уйда Бибигулингиз кутаяпти-я!...

– Ҳа. Гулбиби ҳали оптимиздан пойлаб келиб қолиши ҳам мумкин, – дея Бахтиёр кулиб қўйди.

Нормурод олдиндаги чўққи томон шашт билан пиёда чиқиб кетди. У тезроқ Гармчашмани топиш ва ортига қувониб хушxabар билан қайтишга орзуманд эди. "Эҳтимол Иброҳимни кўриш менга насиб этар" деб қўйди ўзича. Аммо тўсатдан қоялардан бирининг тепасида эгнига пўстин ва қалпоқ кийиб олган милтиқли бир киши пайдо бўлди. У ўз тилида "Ҳой йигит, сен кимсан?!" дея қичқирди.

– Мен Нормурод, Иброҳимнинг ўртоғиман! Акои Чоршанбе мени яхши билади! – деди йигит ўзбекчалаб.

– Гужо мери?! (Қаёққа кетаяпсан?!)

– Гармчашмага!

– Гармчашма ин тарафда не! Вай қишлоқ дигар тарафанда, – деди соқчи жиддий тожикчалаб.

Бошқа қоялар тепасида яна икки-учта қалпоқли каллалар кўринди. Улардан бири ўрнидан турди чоғи "Вай, кўҳи баланди тарафандаб", – дея қичқириб анча наридаги осмонўпар қорли чўққилардан бирини кўрсатди.

– Рости?!... – Сўради Нормурод ишонгиси келмай.

– Ҳа-ҳа, ту рав-рав! – деб қўйди биринчи соқчи тасдиқлаб.

Нормуроднинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Одамлар унга бутунлай нотаниш жуда узоқ томонни кўрсатишмоқда эди. "Наҳотки адашган бўлсак? Бир кунлик йўлимиз беҳуда кетди-я. Бу ёғи озиқ-овқат ҳам деярли қолмади. Отларга бугун умуман ем берилмади. Қор ялаб туришибди, бечоралар" деган фикр ўтди кўнглидан.

Йигит соқчилардан кўп нарсалар сўрагиси келди. Аммо тилни билмаганлиги учун ўзига эп кўрмади. Изига қайтди. Бўлган гапларни эшитган Муҳаммад овчининг фиғони ошди.

– Ҳе, эссиз, мен боришим керак эди. Сизни ёш бола қилиб майна қилишган, шекилли.

– Э, йўғе. Улар жиддий эди.

– Ўзимиз бориб гаплашиб келайликми-а, ўртоқ командир?

– Қўяверинг. Эрталаб ҳаммаси аён бўлади. Дамингизни олинг, – деди Бахтиёр бир эснаб олиб.

У бунақа узоқ ва довлонлар ошиб юришга кўникмагани учун оёқлари зиркираб оғрир, ўзи ҳам жуда толиққанди. Шу туфайли тезда қаттиқ уйқуга кетди. Мўйсафид ҳам норози ҳолда тожикчалаб ғудиллай-ғудиллай ниҳоят тин қолди.

Тунда совуқ кучли бўлди. Қор кўп ёғди. Эрталаб уйғонишганида қорнинг оғирлигидан чодирнинг икки ёни ичкари томон осилиб, деярли босиб қолибди. Бир тарафдаги дўппайган қор босими Бахтиёрнинг елкасини бутунлай босиб турарди. Қаттиқ уйқу туфайли у буни сезмабди. Шунинг учунми у тез-тез йўтала бошлади. Иссиғи ҳам кўтарилиб кетди.

Муҳаммад овчи даст ўрнидан туриб кетди. У ўт ёқиб, чойгумга чой қўйиб юбормоқчи эди. Бу ёғи ўтин-чўп ҳам қолмаган. Нормуродни уйғотди ва устидаги одеял ва ўз пўстинини Бахтиёрнинг устига тўшади. Ён тарафига одеялни қистираётганди Бахтиёрнинг бадани нам эканлигини сезди.

– Оббо, командир ишқилиб касал бўлиб қолмасайди.

Тезда ич кийимини алмаштириш керак. "Нормурод, тез олов ёқинг, олов!" – деб қўйди мўйсафид ва Бахтиёрни уйғотишга тутинди.

Нормурод чодирнинг тирқишидан аранг чикди. Чунки тиззадан баланд қор ёққанди. Ўтин-чўпни қаердан топишга ҳайрон бўлди. Отлар ёнига бормоқчи бўлди. Лекин не кўз билан кўрсинки, тулпорлар жойида йўқ эди.

– Муҳаммад ака!!! – дея қичқирди Нормурод.

– Ҳа, не гап, ўғлим?!

– Отларимиз йўқ!

Овчи ўзини ташқарига отди.

– Ғафлатда қолибмизку, эҳ! – деди у ачиниб. – Бу кимнинг иши бўлиши мумкин-а?

– Кечаги мен учратганларники бўлса керак-да.

– Демак улар муттаҳам ўғрилар эканда... Излари қолдимикан? – деди овчи ва қорларни синчиклаб қарай бошлади.

Туёқ излари қоя тагида бир оз кўриниб турар, аммо сал нарироқдан бутунлай йўқолганди.

– Демак, кимдир бизнинг уйқуга кетишимизни пойлаган. Чунки қор кейин ёғиб, изларни кўмиб юборибди. Ишқилиб юқларимиз жойидамикан, бориб қарайликчи.

Улар чодир четидаги юқларни қорни титкилаб топиб олишди ва "Ҳайрият" деб қўйишди.

– Нормурод. Бўлар иш бўлди. Сиз оловнинг ҳаракатини қилинг. Мен Бахтиёрга дори ичириб, кийимини алмаштирай. Озроқ кечаги чойдан қолганди. Эҳ, музлаб қолмаган бўлсайди.

Нормурод қоя тошлар ораликларидан хас-чўплар тўплай кетди. Совуқдан қўллари яхлади. Аммо топган-тутганлари урвоқ ҳам бўлмади. Нариги тепалик ортида қандайдир дарахтларнинг учи кўриниб турарди. "Унақа жойларда булоқ бўлади. Булоқ атрофи дарахтзор бўлади. Эҳтимол овчилар хужраси ҳам бордир" деб қўйди Нормурод фикран ва Муҳаммад овчига бу ҳақида маълум қилди.

– Ҳа, тўғри, – дея тасдиқлади овчи. – Эҳтимол отларимиз ҳам ўша ердадир.

У шундай дея Бахтиёрга юзланди. Сардор кийимни алмаштириб олган ва ўқтин-ўқтин йўталиб оларди.

– Сиз, Муҳаммад ака кеча Нормурод учратган одамларни қидириб кўринг. Нормурод ўша айтган жойидан ўтин олиб келсин. Мен бир нави ётиб турарман, – деди у беҳол.

Шундай қилиб икковлон икки тарафга кетишди. Қор энди худди ун каби майда эланар, яхшики шамол тинганди. Муҳаммад овчи тўсатдан улкан тошлар ёнида қорга ботган изларга дуч келиб қолди "Демак, кимдир бизни кузатибди", – деб қўйди у.

Излар ён тарафдаги қоялар томон кетганди. Овчи Нормурод кеча бориб келган тепалик томон чиқмади, балки худди тулки овлагандай ўша из бўйлаб зийраклик билан бора бошлади. "От ўғриси бўлган номард, мен сенга ҳали кўрсатиб қўяман", – деди у ўз-ўзига. Бир жойга бориб излар кўпайди. "Эҳ-ҳа, шериги ҳам бор эканда". Излар бир тарафи жарлик бўлган тик қояларга тақаларди. Тунги меҳмонлар қоя ёнбағирлаб хавфли сўқмоқдан кетишгани яққол кўриниб турарди. Овчи сўқмоқдаги изларни синчиклаб текширган бўлди. "От излари йўқ. Демак, улар олмаган. Кейин бундай жойлардан от юролмайди", деган хулосага келди у. "Қизиқ, булар ким бўлиши мумкин? Ҳм-м..., демак кеча Нормурод учратган одамлар – соқчилар. Гармчашмаликларми? Унда нега бошқа томонни кўрсатишди. "Эҳ, бача. Тилни билмаганда, тилни...", деб қўйди у ўзича ва эҳтиёткорлик билан совуқ тошларни пайпаслаб хавфли сўқмоқдан йўлга тушди. Бундай сўқмоқлар унинг учун кўрқинчли эмасди. Фақат эғнидаги қўпол чакмони бир оз халақит қилаётганди.

* * *

Нормурод улкан тошли бир тепаликни ошиб ўтди ва қалин дарахтзор қоплаган дара устидан чиқиб қолди. Тиканли чўп-чангаллар, дўлана буталари оралаб эҳтиётлик билан пастликка туша бошлади. Айрим жойлар шундай қалин эдики, у ерлардан ўтишнинг ҳеч иложи йўқ бўлиб, фақат майда жониворларгина ўрмалаб юришлари мумкин эди. Шу туфайли йигитнинг боши қотди. "Тушишгаку тушиб оларман, лекин яна изимга қайтишчи" деб ўйлади у ва иссиғида ортга қайтишга қарор қилди. Қўлида бирор асбоби ҳам йўқ эди. Шунинг учун куриган шохларни қўли билан синдириб аранг бир боғлам ўтин тўпладида, яна тепаликка чиқди. Сўнгра ўтинни бир ерга қўйди ва тепалик устида айланиб дарахтзор дара ичига тушадиган жой қидириб кетди. Узоқ юрди, ниҳоят пастроқда қоя бўйлаб тушиб кетган бир сўқмоқни топди. Бу тоғ эчки ва бошқа ҳайвонлар юрадиган йўл шекилли, паст-баланд тиканли буталарда жониворларнинг юнглари илашиб қолганди.

"Нима қилсамикин, тушиб борайинми ё Бахтиёр аканинг олдига қайтиб олов ёқайинми? Тушиб-чиққунимча яна бир соат кетади" деган ўйга борди. Яхшиси, туша қоламан. "Эҳтимол у ерда бирор хужрами, кулбами бордир ёки кимнидир учратарман. Бахтиёр акани шу ерга олиб келамиз. Кейин бир гап бўлар" дедида йигит қорни кечиб пастлик сари шашт билан туша бошлади. У шундай тезлаб кетдики, йиқилиб, думалаб кетишига бир баҳя қолди. Яхшиямки дара тубига етиб қолган экан, ўзини аранг тўхтатиб қолди. Бироқ оёқлари юпқа муз остида жилдираб оқаётган сувга ботди. Ботинкаси муздай сувга тўлди. Йигитнинг хуноби ошди. "Оббо, энди шуниси етмай турувди" деб жилгадан чиқиб олди. Муз ёриғидан қўлида сув олиб, бир-икки хўплам ичиб кўрди. Сув жуда ширину аммо яхдай эди. Шу кўй қорга ўтириб пойабзалини ечди. Пайпоқларини сикди. Совуқдан алвон рангига кирган бармоқларини ишқади. Олов ёқиб пайпоқ, ботинкасини қуритиш

фикрида ўтин-чўп йиғмоқчи бўлди. Лекин не кўз билан кўрсинки, ўзидан юз метрлар нарида тошдан қурилган бир хужра турарди. Хужра томон қорларни кечиб чопа кетди. Хужра эшиги кулф эди. Кичкинагина темир панжара қилинган туйнукнинг ойнасидан мўралади. Шу маҳал бир милтиқнинг совуқ стволи пешонасига тиралди...

* * *

Муҳаммад овчи ҳам жонини жабборга бериб хавфли сўқмоқлардан аранг ўтиб борди. Лекин ҳеч зоғ кўринмас, каклик ва бошқа қушларнинг сайрашлари унга завқ бағишларди. Яна қоялар поёнсиз тоғлар, аммо излар изсиз йўқолди. Шу маҳал қоялардан бирининг тепасида бир тўда какликлар "гувв" кўтарилишди, майда тошлар шувиллаб тушди. У ерда икки қурулланган соқчи туришарди.

– Мондаҳо! Ассалому алайкум! – дея қичқирди овчи.

– Хуш омадед! – дея жавоб берди бирови.

Овчи ҳам гоҳ тожикча, гоҳ бадахшонликлар тилида тутилмай гапни илиб кетди:

– Бу какликларнинг нега парвози баланд десам, тепада иккита лочин бор эканда-а?

– Ҳа. Бизку тирикчилик, ўзингиз бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

– Мен овчиман, лекин лочинларга ҳурматим баланд. Аммо қўлимга тушиб қолишса албатта уларнинг патларини юлган бўлардим.

– Нега энди? Бизлар нима ёмонлик қилдик?! – сўради бирови кулиб.

– Отларимиз қани, номардлар?! Помирликларни мард халқ дейишадику. Ё сизларниям от ўғрилардан фарқингиз қолмаганми-а?

– Сал ўйлаб гапиринг, ҳой меҳмон! Бизлар отингизни кўрмадик. Кейин бу ерларда от юра олмайдику!

– Ҳа-я, узр, биродарлар. Демак, пастдан чиқиб олиб кетишибди-да-а?

Соқчилардан бири хо-холаб кулиб юборди. Унинг кулгусидан яна бошқа какликлар гуриллаб учишди.

– Унда ўғрини қароқчи урибдику-а!

– Ҳа. Тўғри айтасан, биродар. Майли, бўлар иш бўлди. Мен ҳақиқатдан ҳам сизларнинг қишлоғингизга меҳмон бўлиб келаяпман.

– Қайси қишлоқ-қа?

– Гармчашмага-да.

– Биз гармчашмалик эмасмиз-да, биродар.

– Менга фарқи йўқ гармми (иссиқми), тармми (совуқми), шеригимнинг мазаси қочиб қолди. У қаттиқ шамоллаган шекилли, шунга табиб керак эди. Хўш, ёрдам берасизларми?

– Ҳа, албатта. "Меҳмон – атои худо" деганлар. Хабар қиламиз. Сиз бемалол қайтиб кетаверинг.

– Ҳой, қанақа одамсанлар ўзи? "Меҳмон-меҳмон" дейсанлару бир пиёла чой беришга ярамайсанлар. Ким сенларни бадахшоний деб айтади.

– Биз посбонлармиз, холос, тоғажон.

– Кимни посбонисизлар?

– Мана шу тоғларнида.

– Ахир, сардоринглар бордир.

– Албатта бор.

– Акои Чоршанбеми?

– Йўқ... Сангибек, – деб қўйди бировчи ва ўзи кўздан ғойиб бўлди.

У бир четга ўтиб кулмокда эди. Шериғи унга хўмрайиб қўйди ва овчига томон кичкирди.

– Хой биродар! Сиз шерикларингизнинг ёнига қайтиб бораверинг. Биз табибни ва бир чойнак чойни олиб борамиз!

– Ишонсам бўладими?!

– Тоғликлар битта гапиради, биродар!

"Хўп майли, кутамиз бўлмасам" деди овчи ва изига қайтди. "Қизик, Сангибек дейди. Қишлоғининг номини айтгиси келмаяпти. Бирор гап бормикан-а? Ёки бизга ишонмай қўйишдими? Ишқилиб Иброҳим омонмикан? Адашганимиз рост бўлсинда, ишқилиб. Унда Гармчашма қаерда қолди? Майли ўша табибни кутамиз. Сўнгра мен ўзим нариги тоғга ўтиб Гармчашмани қидириб келаман. Эҳ, мана шу какликлардан Бахтиёрга бир иссиқ шўрва пишириб берсам эди...".

Мўйсафид яна тепалик томон қаради. Аммо ҳеч ким кўринмасди. Киссаларини титкилаб кўрди. Бир сиқимча чақилмаган қора писта чикди. Нариги тепаликдан каклик қушларининг овози келарди. Ўша ёққа шошиб борди-да, оёғи билан қорга чуқурчалар қилиб писталардан сепиб қўйди. Бу какликлар учун тузоқлар эди.

* * *

Шериклар икки тарафга кетишганидан сўнг ёлғиз қолган Бахтиёрнинг танасига титроқ кирди. Совуқ уни ўз исканжасига олмокда эди. Икки дона юпка одеял қор қилмаётганди. Рюкзагида кутилмаган ҳолатларда истеъмол қиладиган кукунли антибиотиклар бор эди. Лекин уларни ичиш учун қайноқ сув зарур, сўнгра ўралиб терлаб ётиш лозим. Шу ҳақида ўйлай бошлаган Бахтиёрнинг хаёлига юмшоқ жойига уқоқ сифатида қабул қилиш мумкин бўлган дорилар ҳам борлиги ёдига тушди. Лекин энди на шифокор ва на бирор шериклари бор. У таваккал ўз-ўзига уқоқ қилмоқчи бўлди. Лекин тана ҳароратининг тобора ошиб бораётгани ва совуққотаётгани туфайли ётаверди. Шу маҳал қўйнидаги алоқа воситасининг жуда секин "дудулаган" овозини эшитди. Уни тез қўйнидан чиқарди. Воситанинг қизил чироғи ёниб-ўчмокда эди. Антеннасини чиқариб алоқа кодларини терди. Мурувватларини созлади. Аппаратдан "Метео! Метео! Жавоб беринг, қаердасиз?" деган овоз келди.

– Марказ! Марказ! Мен "Метео", сизни эшитаяпман! Мен Помир тоғларининг бир четидаман. Қор бўронида адашиб қолдик. Маззам қочди. Илтимос, йўлдош орқали боғланиб Гармчашма қишлоғининг координатларини аниқлаб беринглар.

– Сизни тушундим. Ярим соатдан кейин алоқага чиқинг.

Бахтиёр аранг ўрнидан турди-да ўз рюкзagini қидирди. Дориларини топгунича терлаб-пишиб кетди, қўллари бетўхтов титраётгани учун шприцни очиб ампула ичига киритмоқчи бўлганди у тўкилиб кетди "Жин урсин!" деб қўйди у асабий. Иккинчисини очди ва бутун эътиборини ўзини босишга қаратиб шприцга суюқ дорини сўрдириб олди. Энди бир оз спирт керак эди, титкилаб тополмади. Соқол олганида сепадиган одеколон ёдига тушди, уни топди. Аммо қават-қават кийимлари борлиги учун юмшоқ жойини очиш қийин кечди. Одеколонни суртди-да, тишини-тишига қўйиб шприцни санчди. Бу тана ҳароратини туширувчи дори эди. Энди ҳеч бўлмаганда антибиотик дорилардан бирини "уриб" олиши керак эди.

Уни ҳам бир илож қилиб эплади. Сочигини бошига рўмол қилиб ўраб, устидан қалин спорт шапкасини бостириб кийиб олди. Шу маҳал яна "Марказ"дан сигнал келди. Аппаратнинг мўъжаз экранида у турган жой координатларининг ёзуви чиқди ва шу жойнинг тепадан кўриниши кўрсатила бошлади. Бахтиёр энди тегишли тугмачаларни босиб, уни ўзи катталаштириб, ҳам ёнверига суриб кўраверди. Дори таъсир қилдими, ҳар ҳолда иситмаси тушиб, кўзи равшан тортди.

* * *

Ўша кунлари Гармчашма оқсоқоли учун ниҳоятда оғир бўлди. Бир томондан афғонистонлик меҳмонларнинг кўнглини овлаш, ҳисоб-китоб ишлари, иккинчи томондан келаётган меҳмонларни ҳозирча "яқинлаштирмаслик" учун ҳаракат, Иброҳим ва Алибекка нисбатан шубҳалар, кўкнори ва наша плантацияларини йўқ қилиш режалари, уларга одамларни жалб қилиш, ҳаммасини ўта сир сақлашга уриниш уни гўё кечгача хўроз қувлагандай толиқтирди.

У Сарвиғулни йўқлаттирганди. Хизматкор унинг ҳужрасида йўқ экани, бошқа аёллар қатори далага ишга кетгани ҳақида гап топиб келди.

– Иброҳим қаерда?! – қичқирди оқсоқол асабий.

– Уйида ўша-ўша, ётибди.

Оқсоқолнинг баттар хуноби ошди. Нима деярини билмай яна ўшқирди:

– Нега эрини ёлғиз ташлаб кетади?! Бор, даладан тез топиб кел. Алибек қани!

– У ҳам посбонликка кетган. Ахир ўзингиз "ҳамма овчилар қишлоқни кўриқлашга, аёл ва болалар далага боришсин", дебсизку.

– Ҳа майли. Хабарчига айт, Алибек ҳам тез ҳузуримга келсин.

Хизматкор чопиб чиқиб кетди. Оқсоқол бошидаги бир жуфт чиройли қуш пати тақиб қўйилган тулки терисидан тикилган каллапўшини ечиб, терлаб кетган кал бошини ва бўйинларини ҳафсала билан артдида, яқиндагина карвон сардори Кароматшо билан бўлган суҳбатни эслади.

– Узр, дўстим. Ҳукумат одамлари хитланган кўринади. Бўлмаса бизнинг қишлоққа ҳечам пойтахтдан одам келмаган эди. Тўғри Хоруғдан, Рушандан ўзимизнинг бадахшонийларимиздан келиб-кедиб туришарди. Ёб-ичиб, ов қилиб, дам олиб, улушини олардию кетишарди. Мен бу ерга илгари бирорта ажнабий – ўрисми, ўзбекми, ҳатто тожикни ҳам яқинлаштирмагандим. Ҳаммасига ўша ярамас мужоҳидлар сабабчи! Ўшалардан қасос оламиз деб ажнабийлар билан билиб-билмай ҳамроҳ бўлиб қолдим. Ҳатто, биттасини куёв ҳам қилиб олдим.

– Ие, қанақа куёв? – сўради Кароматшо қизиқиб.

– Яхши йигит, ўзбек. Ўзи фарғоналик. Лекин унинг кўлидан ҳуфия ишлар келмаса керак. Чунки у бир жойда қимир этмай ётибди, оёқлари ишламайди. Сарвиғул жиянимни қутқараман деб шундай аҳволга тушибди. Раҳмим келди. Қиз ҳам ўша йигитни деб туриб олди. Уни катта шаҳарга касалхонага ҳам олиб боришнинг иложи йўқ.

– Унда бу ердаги ишларимиз ҳақида пойтахтга ким хабар етказиши мумкин?

– Муҳаммад овчи деган бир тожик. Ҳозир пойтахтлик одамни ўша бошлаб келаётганмиш. Эҳ, мен – каллаварам ўшанга ишониб ўтирибман. У жуда фирибгар экан "Иброҳимни ўғлим, Сарвиғулни қизим", деб шундай ичимизга кирди, қолди. Ҳай майли, бу ёғи бир гап бўлар. Лекин сизлар зудлик билан изларингга қайтишларинг керак. Кўкнори ширалари тайёр, лекин нашаларни териб улгура олмадик. Уларни ёқиб юборишга мажбурмиз.

– Э йўге, нималар деяпсиз! Ёқманг уларни. Бир четга тўплаб устидан ўраб қўйишсин. Ахир биз қанча ҳаракат қилмадик. Кейин мижозлардан ҳақ олиб қўйганман. Қуруқ қайтсам Саййид Камол мени нақд ўлдирадия!

– Хўп. Унда кўкнориларни йўқ қиламиз. Шираси олинган қуруқ кўракларни нима ҳам қилардинглар?

– Ие, акои, ахир уруғи, биласизми, қанча туради? Аёлларга айтинг кўракларини териб поясини ёкаверишсин. Ҳар килограмм қуруқ кўрак учун 50 доллардан ҳақ бераман.

– Хўп. Лекин айтиб қўяй. Наша пояларини хитланиб қолишгудек бўлишса ҳаммасига ўт қўяман. Сезишмаса сизлар уларни кейин тез олиб кетасизлар.

– Майли, акои Чоршанбе. Бўлмаса мундоқ қилайлик: ҳозир қора дорингизни мен одамнингиздан мисқоллаб ўлчаб олайин. Кейин бор одамларимни кўрак теришга жалб қилай. Уларни ҳам тортиб оламизда, ҳисоб-китобни қилиб жўнаб кетаверамиз. Сиз ануви меҳмонларингизни кузатиб бўлгач, агар ҳаммаси тинчликда бўлса, наша пояларни шамоллатиб ёйиб, қуритинг. Сўнг қопларга жойлатиб ортимиздан карвон қилиб жўнатасиз. Биз юкни ўша ёқда тортиб оламиз. Одамларингизни яхшилаб меҳмон қиламиз, юкнинг пулини берамиз. Одамларингиз Файзиобод бозоридан сизларга нима керак бўлса сотиб олишаверади. Пуллари етмаса биз берамиз. Ҳозир бизда жуда катта бозор барпо бўлган. Бу ёғи Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Арабистон моллари тикилиб кетган.

– Менга қара, ҳалиги, "ойнаи жаҳон" деган нарса ҳам борми? Шундоқ бурасанг дунёни кўрсатармиш-ку.

– Ҳа бор. Лекин у электр қувватида ишлайди. Унинг ёнига движок деган нарса керак бўлади. Движок бензинда ишлайди.

– Эҳ-ҳе, ғалваси кўп эканку. Мен кенжам Сангибекни замонавий, дунё илмини эгаллаган йигит қилиб тарбияламоқчиман. Бизку ўтиб кетамиз. Лекин келажагимиз ёшларники. Иброҳимни кўриб ҳавасим келди. У бир оддий ўзбек боласи экан, лекин гапларини эшитсанг ҳайрон қоласан. Ўзбекистон жудаям ривожланиб кетганмиш.

– Нима, у йигит бизнинг тилни биладими?

– Йўқ. Таржимоним бор. Алибек деган ўрис. Унинг ҳам калласи кучли.

– Сиз шу ажнабийлардан эҳтиёт бўлганингиз маъқул. Нима бўлса ҳам уларнинг ватани бошқа. Барибир бир куни сизни чув тушириб кетишлари мумкин. Яхшиси, уларни йўқотингда, тинчгина айшингизни қилиб юраверинг.

– Ахир, қанақа қилиб..?

– Йўқотишми? Ундан осони йўқ. Тоғда нима кўп – тош кўчки, қор кўчкиси кўп. Буни бир палакат, бахтсиз ҳодиса дейдилар.

– Қўй, Кароматшо. Мени бундай гуноҳ ишларга бошлама. Мен уларни, яхшиси юртларига қайтариб юбораман. Майли, хотинларини ҳам олиб кетишсин. Бошқа юртлардаям бизнинг одамимиз бўлгани маъқул.

– Хўп, оқсоқол. Айтдим-қўйдимда. Бу ёғини ўзингиз ҳал қиласиз. Лекин бизнинг деҳқончилик ишларимиз тўхтаб қолмаслиги керак. Ҳар ҳолда эски кадрдонлармиз. Давлатлар ўзгараверади, подшолар келиб кетаверади, аммо сизу биз бир халқмиз, куда-андамиз. Шуни унутмайлик.

– Бўлмаса ануви исмоилиялик Оғахон пиримизнинг вакили яна уч-тўрт кун меҳмонимиз бўлиб туради. У жанобни мен ўша наша пояси ортилган карвон билан

юбора қоламан. Қолган ишларни келишдик, — деди оқсоқол ва карвон сардори Кароматшонинг қўлларини маҳкам сиқиб қўйди.

* * *

Сарвигул келиб оқсоқолнинг қўлини кўзига суртди.

— Яхши юрибсанми, жиян?

— Раҳмат. Пойи-мартабангиз соясида униб-ўсиб... Борингизга шукур, амакижон.

Оқсоқолнинг тунд чехраси бирдан ёришди.

— Куёвинг қалай, тузукми?

— Ҳа. Бир нави эплаяпман.

— Менга қара. Биласан, сенинг ҳаётинг мен учун бефарқ эмас. Сенинг бахтли-тахтли бўлиб яшашингни истайман. Сен менинг энг ёқтирган жигаримсан. Фақат менга тўғрисини айт, қани, кўзимга қарачи...

Қиз жовдираб турган мовий кўзларини оқсоқолнинг сирли кўзларига боқди. Боқдию негадир эти жимирлаб кетди. Баданига енгил титроқ кирди.

— Тўғрисини айт, — дея сўзини такрорлади оқсоқол. — Сен Иброҳим билан бахтлимисан?

Қиз довдираб қолди. Ғунча лаблари титради, қовоқлари учди ва бошини силкитиб "ҳа" ишорасини қилди.

— "Ҳа"ми ё "Йўқми"? Овозингни эшитишим керак.

— Ҳа, — деб қўйди қиз.

— Нега? Агар у бутунлай тузалиб кетмасачи? Нима бир умр шундай ҳаёт кечирмоқчимисан?

Қиз индамади. Лекин унинг "йўқ" дея олмаслиги шундоқ сезилиб турарди.

— Сени тушунаман, қизим. У сени ўлимдан қутқарди, мард йигит. Аммо у бизга ҳеч қачон эл бўлолмайди.

— Акои Алибекчи?

— Алибекнинг йўриғи бошқа. Унинг тўрт мучаси соғ. Кейин фарзандлариям бор.

Сарвигул "ялт" этиб қаради. Унинг кўзларида ажабтовур бир маъно бор эди.

— Сенинг фарзандларинг бўлмасачи?... Ўздан зурриёт қолдириш ҳар қандай аёлнинг вазифаси ҳисобланади. Усиз аёл бахтли бўла олмайди. Эрсиз ўтиш мумкин, лекин фарзандсиз аёл...

— Агар менинг фарзандим бўлсачи? — сўради қиз дабдурустан.

— Нима? Қанақасига ахир?..

— Мен юклиман, амаки, — деди қиз ва юзлари қизарди.

Оқсоқол учун бу кутилмаган янгилик эди. Қувониб кетди.

— Йўғ-е! Ростдан-а?!...

Сарвигул одатдагидек боши билан "ҳа" ишорасини қилди. Оқсоқол уни бағрига босди.

— Табриклайман, қизим! Қулоқларимга ҳеч ишонгим келмаяпти. Демак, Иброҳим яна бир жасорат кўрсатибди-да-а? Обба, куёв-ей! Биз бу воқеани албатта нишонлаймиз.

— Фарзандим бўлмаса ҳам мен барибир ундан воз кечмайман, амаки.

— Нега, қизим?

– Мен уни яхши кўраман, – деди киз ва кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди. – Мана кўрасиз, у ҳали тузалиб кетади.

– Хўп, қизим. Бўлмаса сенга бир гап. Мабодо сизларни эрингнинг юртига юборсамчи? У ёқда яхши касалхоналар бор, дейишади. Кейин ўша ёқда яшайверардинглар.

– Лекин эрим ақои Алибекка сўз берди. "Тузалсам ҳам кетмайман. Сен билан қоламан" деди.

– Э-ҳа, шунақами? Улар жуда қалин дўст бўлиб қолишибдида-а?

– Сангибек улар билан бемалол гаплашяпти. Эрим унга "Тошкентда ўқийсан. Сўнг бу ерга ўқимишли бўлиб қайтасан. Помирликлар тараққиётдан жуда орқада қолиб кетибди" деб айтибди. Шу кунларда унинг ўртоғи Нормурод ака келармиш. Агар сиз рози бўлсангиз, ўғлингизни у билан жўнатиб юбормоқчи.

– Нима? Ҳали у ёшқу.

– Мактабда ўқиркан.

– Нега унда менга чурқ этмади?

– Ақои Нормурод келишини кутаяпти-да.

– Эшитишимча, пойтахтдан яна бир одам келаётганмиш. У ҳақида биларканми?

– Ҳа. Ўша киши Тошкент деган жойдан экан. Об-ҳаво бўйича бошлиқларимиш.

– Нима, Тошкентдан?!... У ҳали Душанбедан эмас эканми?

– Йўқ.

Оқсоқол "Эҳ, хайрият-ей", дегандай қувониб кетди. "Тавба, унда мен нимадан чўчияпман?" деб қўйди ҳаёлан ва энди анчагина хотиржам тортди. Чунки бу ерда Ўзбекистон қонунлари амал қилмаслигини у яхши биларди.

Кўп ўтмай хабарчи келди. Алибекни топиша олмаётганмиш. Кейин келаётган меҳмонлардан бири йўлда бетоб бўлиб қолибди, унга табиб керакмиш.

– Қаердан билдинглар?

– Тожик овчи айтибди.

– Майли, табиб борсин. Меҳмонларни топиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб тўғри меҳмонхонамга олиб келинглар! Тушунарлими?

– Тушунарли!

Аммо Гармчашма посбонлари ва табиб меҳмонлар чодирига етиб келишганида у ерда ҳеч ким йўқ, фақат нарсаларигина қолган, харита худди дастурхон каби ёзиғлиқ эди. Муҳаммад овчи қўйган тузоқлардан бирига бир жуфт каклик ҳам тушган экан, табиб уларни ҳам ола келибди. Посбонлар табибни чодир ичида қолдириб, ўзлари излар бўйлаб чопиб кетишди.

* * *

Нормурод пешонасига тиралган муздек стволни ҳис қилгач, аввалига ўрганган ўз-ўзини ҳимоялаш усулларида бирини қўллашга чоғланди. Аммо уни таъқиб қилаётган бир киши эмас, балки бир нечта одам бўлиши ва отиб қўйишлари мумкинлигини ўйлаб, ўзини босди. Ҳақиқатдан ҳам улар икки ниқобли киши экан. Бири милтиғини тираб турган бўлса, иккинчиси Нормуроднинг ёнларини пайпаслади. Яхшики, тўппончасини рюкзагида қолдирганди. Унинг қўлини боғлаб хужра ичига олиб киришди ва аллақандай тушунарсиз тилда ўзаро гаплашиб олишди. Улар тахминан шундай дейишди:

– Булар уч киши экан.
– Ҳа, изидан шериклари ҳам етиб келишлари мумкин.
– Нима қиламиз, кутамизми?
– Уларни ҳам қўлга олишимиз керак.
– Бўлмаса бу йигитнинг оғзини боғлаб қўямиз. Шериклари барибир уни қидириб келишади.

Улар шундай қилишди. Нормуроднинг оғзини, оёғини ҳам боғлаб бир четга суяб қўйишди-да, ўзлари ташқарига чиқиб тузоққа илинадиган одамларни овлаш учун икки тарафга ажралишди. Одам овининг иккинчи катта ўлжаси Бахтиёр Тўраев эди.

Бир пайт унинг шарпаси сезилди. У ҳам тепаликдан судралиб тўғри жилға сувига тушиб оёғини шалаббо қилди. Албатта хужрага кўзи тушди. Из ўша тарафга кетганди. Бахтиёрнинг ҳам хуноби ошди. Аммо қандайдир нохушликни ҳис қилди "Нормурод!" деб қичқирди у "Ҳой, Нормурод, қаердасиз?!". Оғир жимлик ҳукмрон эди. Қаердандир отнинг кишнагани эшитилди. "Ие, отларимиз шу ёқда, шекилли. Демак, Нормурод уларни қидириб кетган эканда" деган фикрга борди у ва аввалига хужрага бориб пайабзалини қуриб олишни ўйлади. Хужра томон оҳиста юра бошлади. Қаерлардандир қушлар гувв учишди. Қандайдир шарпа уни қузатаётгандай туюлди. У тўппончасини ўқлаб теварак-атрофни синчиклаб қузатди "Эссиз, дурбиним қолиб кетибди", деб қўйди. Хужра томон оҳиста юриб келди ва хужра ортида бир сояни сезгандай бўлди.

– Эҳ-ҳе-ҳей, Нормурод! – дея қичқирди у.

Қушлар гувв учишди. Нормурод буни кутмаганди. "Бу ёққа келманг", деб айтмоқчи бўлиб чирана бошлади. Ётиб юмаладида, боғлиқ оёғи билан тош деворни тепа бошлади.

Бахтиёрнинг овози Муҳаммад овчининг ҳам қулоғига чалинди. У бу пайтда эндигина изма-из Нормурод тўплаб қўйган ўтин олдиға етиб келганди.

– Тавба, касал одам қимир этмай ётса бўлмайдими, – деб ғудраниб қўйди у ва дара ичидаги овозни эшитгач "Бахтиёр, қаердасиз!" деб қичқирди.

Нормурод деворни дукуллатаётгани учун соқчилардан бири хужрага қайтиб кирдида, "Жим бўл" дегандай Нормуроднинг биқинига зарб билан бир тепди. Йигит бир инграб жим қолди. Сўнгра уни ўрнидан турғазиб милтиқни яна пешонасига тираб унинг ташқаридан шериги кириб келишини кутди. Ниҳоят писиб-пойлаб Бахтиёр Тўраев остонада пайдо бўлди ва қуролланган ниқобли шахс томон тўппончасини ўқталди.

– Қўйвор уни! Кимсан?

Ниқобли киши миқ этмай кўзини лўқ қилиб тураверди. Унинг жавоби ўрнига шу маҳал орқа томондан бошқа баланд, қўпол овоз келди:

– Қуролҳо парто!

Нормурод "Орқангизда!" демокчидай кўзлари билан инграб ишора қилди.

– Сенга айтаяпман қуролнингни ташла! Бўлмаса отиб ташлайман! – дея қичқирди овоз яна ўз тилида.

Бахтиёр икки ўт ўртасида қолди. Ўзини шартта панаға олиб, отиб ташлай деса Нормуродни ўлдиришади. Гаплашай деса тил билмайди. Иложсиз тўппончани ташлади ва ўзбекча-русча қилиб таваккал мулоқот қилмоқчи бўлди.

– Биз – меҳмонмиз, меҳмон! Мы из метеослужба. Об-ҳавони таҳлил қиламиз. Отпустите нас. Мы из международной организации ООН.

Аммо қуролланган кишилар уни тушунишни ҳам исташмади. Бирови ёнини титкилаб кўрди. Яхшики, алоқа воситасини топа олмади. Шу маҳал тепадан овчининг "Бахтиёр!!!" деб қичқирган овози эшитилди. Ниқоблилар Бахтиёрнинг ҳам қўли ва оғзини боғлашди. Сўнгра икки асирни қаёққадир тез олиб кета бошлашди. Булоқ бошининг олдида бешта от боғлиқ турарди. Бунинг учтаси кеча тунда ўғирлаб олиб кетилган ўзларининг отлари эди. Тепадан яна "Қаердасиз?!!" деган қичқириқ келди. Бу қичқириқ посбонлардан бири бўлган Алибекнинг ҳам қулоғига етиб борди ва у даранинг нариги томонидаги тепалик бўйлаб бу ерга томон келаверади.

Ниқоблилар Муҳаммад овчини ҳам ҳеч қийинчиликсиз қўлга олишди. Унинг ҳам оғзи ва қўли боғланди. Учовини ҳам отларга миндиришиб аллақайёққа олиб кета бошлашди. Алибекнинг дурбини бор эди. У тепаликдан туриб бу ҳолатни кузатиб турди ва Муҳаммад овчини таниб қолди. "Ахир бу Иброҳимнинг меҳмонларику" деган ўйга борди у.

У ниқоблиларнинг ким эканига қизиқиб қолди. Негадир улар ҳамқишлоқларига ўхшамасди. Яқинроқ бориб бирор белгиси ёки қийимидан аниқламоқчи бўлди ва уларнинг йўлини пойлаб қоялар ортидан кузатиб турди. Чунки улар сўқмоқ бўйлаб у турган тепалик томон чиқиб келишмоқда эди.

"Қизиқ. Меҳмонларни қаёққа олиб кетишяпти? Бундан оқсоқолнинг хабари бормикан?" деган ўйга борди Алибек ва теварак-атрофдан ўз шерикларини қидириб кўрди. Шу маҳал даранинг нариги томонида табибни ва оқсоқолнинг хабарини олиб келган икки посбоннинг қораси кўринди. Улар ҳам излар бўйлаб дара сари боришмоқда эди.

Алибекнинг қарғага ўхшаб овоз бера олувчи ўзига хос қобилияти бор эди. Бу овоздан фақат унинг энг яқин овчи дўстлари хабардор бўлиб, ов маҳали ўлжани топгани ва уни "хуркитиб юбормаслик керак" ёки "хавфли ҳаракат" деган маъноларни билдирувчи қағиллаш овозини бера оларди. Унинг шу маҳал "хавфли ҳаракат" дея овоз бериши албатта икки посбоннинг эътиборини жалб қилди. Уларнинг бирида ҳам дурбин бор эди. Овоз келган томонга эътиборини қаратиб Алибекни кўрди. Алибек овчиларга хос бармоқ ишоралари ва қағиллашлари билан нима воқеа содир бўлаётганини хабар берарди.

Ниқобли номаълум шахслар асирларни тепалик устидан олиб ўтишиб қори қалин бўлган тик оралиқ тагига келишдида, уларни отдан туширишди. Сўнгра оёқларини боғлаб юз тубан ерга қаратиб ётқизиб қўйишди. Алибек бунга кўрди ва улар меҳмонларни отишга ҳаракат қилгудек бўлишса осмонга ўқ узиб қичқиришга чоғланди. Аммо улар учала отни олиб нари кета бошлашди.

Алибек чақирган икки соқчи ҳам ниҳоят унинг ёнига етиб келишди ва воқеанинг нима билан якунланишини, ниқоблиларнинг нима мақсадда бундай қилишаётганини қизиқиб кузатишди.

Шу маҳал икки ниқобли асирларга қарата эмас, балки баланд қорли тоғ томон милтиқ ота бошлашди. Алибек ҳам улар томон ўқ узди. Тегмади. Улар қочиб қолишди. Тепадаги қор уюми ҳаракатга келди ва у йўлакай аста-аста катталашиб қор қўчкисига айлана борди. Ниқоблилар уч отни ҳам етовга олиб пастлик томон чоптириб кетишди. Алибек тушунди. Демак, мақсад уч одамни қор қўчкиси тагида қолдириш экан. Учала посбон шиддат билан уларга ёрдамга отилишди ва шашт билан пастликка томон тушиб кетишди. Чунки бу пайтда хабарчи Алибекка оқсоқолнинг буйруғини етказиб улгурганди. "Демак, меҳмонларни йўқ қилиш

кимгадир керак. Демак ниқоблилар нариги томон одамлари – мужоҳидлар", деб қўйди Алибек ўзича.

Посбонлар меҳмонларнинг оёқларидаги арқонларни кесибоқ сал наридаги улкан қоя панасига томон чопишди. Етиб келишлари биланок улкан қор оқими бостириб келди ва қояга гумбурлаб урилди. Улар ҳам қорга кўмилишди, аммо бу унчалик хавфли эмасди. Тезлик билан бир-бирларини кавлаб олишди. Асирларнинг оғиз ва қўлларини бўшатишди.

– Акои Муҳаммад шумоме? – сўради хабарчи посбон уни таниб.

– Ҳа-ҳа, – деди овчи шошиб.

– Вы узбеки, да? – деб сўради Алибек қувониб.

У дўстининг меҳмонларини қутқариб қола олганидан беҳад хурсанд эди. Аммо бу ишни қилиш кимга керак бўлиб қолганини билишни ва икки ниқобли кишини ушлаш кераклигини бадахшон тилида шерикларига уқтирди. Хабарчи қоя тепасига чаққонлик билан чиқиб кетди ва худди кема хабарчиларига ўхшаб қизил рўмол билан нариги қоялардаги посбонлар ва хабарчилар томон сигнал бера бошлади. Қолганлар қалин қорни бир илож қилиб кечиб тепаликка етиб олишди.

– Падари лаънати, улар кимлар экан-а? – деди Муҳаммад овчи ва тожикчалаб бўралиб сўкиниб қўйди.

– Мен уларнинг изини топиб изма-из бораман. Сизларни манави шеригим қишлоққа олиб кетади, – деди Алибек.

– Ҳа, сизларни чодирингизда табиб кутиб ўтирибди, – деди хабарчи.

– Тузукмисиз, Бахтиёр. Узр, манави ишлар билан бўлиб, ҳол-аҳвол ҳам сўролмадим.

– Ҳа эндиам иссиқ ванна қабул қилмасак бўлмайди, шекилли. Бу ёғи дабдала... Сизлар бўлмаса чодирга тез бориб нарсаларингизни тайёрланглар. Мен манави йигит билан бир масалани ҳал қилиб, сўнг етиб бораман, ҳўпми?

– Алибек, я с тобой. Есть разговор, – деди Бахтиёр имо қилиб.

– Я слушаю. Только говорите быстрее. Они уйдут же.

– Никуда не уйдут. Скажика, ты самом деле русский, да?

– Да. Но здесь моя родина. Жена, дети. Как у Ибрагима.

Бахтиёр Алибек – Алексейдан аввалига энг зарур маълумотларни билиб олиб, унинг ишончли одам эканига амин бўлди ва қўйнидан алоқа воситасини чиқарди. Унинг антеннасини чиқариб марказ билан боғланди. Алибек кетмоқчи бўлганди, унинг қўлидан тутиб тўхтатиб қолди.

– Марказ, мени сунъий йўлдош билан боғланг, илтимос!

Шу маҳал экранда координат рақамлари чикди. Бахтиёр аппаратнинг керакли тугмаларни босиб тегишли кодни терди. Экранда ўзлари турган жой намоён бўлди.

– Ни фига себе! – деб юборди Алибек. – Это что за аппарат?!

– Метеохизматники. Сунъий йўлдошга уланган. У орқали об-ҳавони кузатамиз. Мана ҳозир бу ерда қор қўчкиси содир бўлди. Уни қайд қилиб қўямиз. Лекин уни табиат эмас, манавилар уюштиришди, – деди Бахтиёр бамайлихотир кулиб ва кетаётган беш қора нуқта, яъни икки отлик ва уч отни кўрсатди.

Алибекнинг оғзи очилиб қолди. У техниканинг ўта тараққий этиб кетганидан лол эди. Бунақасини етти ухлаб тушидаям кўрмаганди. Бахтиёр тасвирни кичиклаштириб, йириклаштириб ҳам уларнинг қаерда кетаётганини тахминан аниқлашга ҳаракат қилди:

– Улар дарани айланиб Гармчашма томон кетишмоқда, – деди Тўраев.

– Яқинроқдан кўриб бўлмайдими? Мен у ифлосларнинг кимлигини аниқламоқчиман.

– Афсуски йўқ. Улар афгонлар. Гармчашмага келган меҳмонларингиз-да.

– Йўғ-е! – деб юборди Алибек. – Бўлиши мумкин эмас.

– Мен уларнинг кийими, гаплашишларидан билдим. Сизлар манагина футболчиларга ўхшаб тиззагача тўкиладиган юнгли пайпоқ киясизлар. Улар бўлса бунақа нарса кийишмаганди. Ичи жун махси кийишган. Демак помирлик эмас, ҳиндикушлик улар.

– Э қойил! Сен метеохизматда эмас, разведкада ишласангиз бўларкан, ошна.

– Қўйсангчи. Бунақа нарсаларни ҳар ким билиши керак. Қайси юртда яшаётган бўлсанг, ўша ернинг тили, миллий маданияти, урф-одатини ўрганиш керак бўлади. Мана сендан қиёс. Ўзинг рус экансан. Лекин бу ернинг нусхасига кириб қолибсан. Ё рус разведкачисимисан-а?

– Э йўқ. Буни тақдир деб қўйибдилар. Мен бир шўрпешона "Коммунизм" чўққисига чиқишни орзу қилган хаваскор альпинист эдим, холос.

– Юр, кетдик. Бир олов ёқиб оёқни қурийтиб олмасам батамом бетоб бўлиб ётиб қоламан. Мени табиб ҳам кутаётганмиш. Йўл-йўлакай гаплашиб кетамиз. Сенга катта раҳмат. Бизни омон сақлаб қолдинг. Бир умр қарздормиз.

– Ҳечқиси йўқ, бўлиб туради. Анувиларни ортидан бормаимизми?

– Мана кўриб турибмизку. Хоҳлайсанми, мен сенга яна бир нимани кўрсатаман.

– Ҳа-ҳа, қани?

– Бахтиёр аппаратнинг мурватларини бураб айрим рақамларни териб "Окей" деган тугмани босди. Унда Гармчашма қишлоғи ва у ердан қайтиб кетаётган карвон кўрсатилди.

– Эҳ-ҳе, демак ҳозирги отликлар карвонни тўсиб чиқишади, шунақами?

– Тўсиб чиқмайди, балки уларга қўшилиб олишади, – деди Бахтиёр ишонч билан.

– Демак, бу аппарат хотирасига ҳам ёзиб қўярканда-а?

– Ҳа, бу асли рашкчи хотинлар учун ўйлаб топилган матоҳ эди. Ҳозир инсониятга об-ҳавони аниқлашда қўл келмоқда, – деди Бахтиёр кулиб.

– Вот ты даёшь! – дея кулиб юборди Алибек. – Сен ўзи Ўзбекистонликмисан?

– Йўқ, мен ер сайёрасиданман. Она замин ватаним бўлади.

– Менинг ҳам, – деди Алибек кулиб.

– Ер юзини турли миллатлар бўлиб олишган. Лекин тирикликнинг тўрт унсури – ҳавони, қуёшни, тупроқни ва сувни бўлишолмайди. Улар ҳамманики, умумий, тушунарлими?

– Тўғриси айт, қаерда ишлайсан ўзи?

– Бирлашган Миллатлар ташкилотининг об-ҳаво бюросида. Бизга ҳамма мамлакатлар бўйсунди. Ҳозир агар бир оғиз хабар қилсам Хоруғдаги рус чегара қўшинлари ҳам, ҳатто Москвадан "ОМОН"чилар ҳам бу ерга етиб келишлари мумкин.

– Нима, сенга бу ер жиноятчилар уясимида?

– Ҳа. Ундан ҳам баттар. Гармчашмаликлар афғонистонликлар билан ҳамкорлик қилиб чегаралар тўғрисидаги халқаро нормаларни бузишмоқда. Улардан қурол-яроғ олиб, эвазига бўлса марихуана етказиб беришмоқда. Нима бу

жиноят эмасми? Керак бўлса наша пояларини ўриб қаерга тўплаб қўйишганини ҳам ҳозир кўрсата оламан.

Алибекнинг оғзи ванг очилиб, бир сония тўхтаб қолди. Бахтиёр уни атайин чўчитиб қўймоқчи ва ҳамкорлик қилишини таклиф қилиш ниятида эди. Шу зайлда яна сўзида давом этди:

– Тўғри, Тожикистон ночор, ҳатто ўз чегараларини қўриқлай олмайдиган кучсиз мамлакат. Лекин бу дунё чегаралари бедарвоза дегани эмас. Унинг дарвозаси бўлса Афғонистон томондан баралла очилиб қолган. У ердан наркотик, курол-яроғ ўтиб қўшни мамлакатлар осойишталигига таҳдид солмоқда. Россия, Европа ва Америка давлатлари аҳолисига опиум, героин, марихуана деб аталган захарли оғулар етиб бориб минглаб бегуноҳ инсонларнинг ёстиғини қуритмоқда. Наркоманлардан қинғир-қийшиқ ва телба болалар дунёга келишмоқда. Қуролданку "пақ" этиб отишса ўласан. Аммо наркотик дегани уруғ-аймоғингни ҳам йўқ қиладиган курол. Афғонистонлик мужоҳидлар ҳозир бутун инсониятга қарши яширин уруш-жиҳод эълон қилишган. Демак биз ҳозир урушда, фронт чизиғидамыз, тушундингми?! – деди Бахтиёр жиддий.

Алибек довдираб жойидан кўзгалолмай қолди. Бахтиёр шиддат билан қор кечишда давом этди. У ўзида ғайриоддий куч пайдо бўлганини ҳис қиларди. Бахтиёр яна бир сонияга тўхтадида, Алибекни бош бармоғи билан тик кўрсатиб ғазаб билан деди:

– Билиб қўй, Гармчашмаликлар душманга ёрдам беришяпти! Улар хоин! Шулар ичида сен ҳам, оиланг ҳам бор! Сизлар нафақат ватанга, балки бутун инсониятга хиёнат қилаяпсизлар!

Алибекнинг қўлидан милтиғи тушиб кетди. Уни олиб тез қордан тозалади-да, бурилиб олға кетаётган Бахтиёрга қаратди:

– Тўхта!

Бахтиёр бўлса ортига қарамади. Кетаверди.

Алибекнинг қўллари қалтираб кетди ва тиззалаб ўтириб қолди. У нима қиларини билмай қолганди. Алаmidан русчалаб сўкиниб милтиқни қорга зарб билан урди. Милтиқ варанглаб отилиб кетди. Бахтиёр буни кутмаганди. Ортига "ялт" этиб қаради ва пешонасини қорга тираб тиззалаб ётган ҳамроҳига кўзи тушди. Уни ўз-ўзини отиб қўйди шекилли, деган хаёл билан ортига қайтди ва келиб рус йигитнинг қадини кўтарди. Алибек тинмай титраб-қақшамокда эди.

– М-мен, бунақа бўлишини сираям ўйлаб кўрмаган эканман. Мени кечир...

– Тур ўрнингдан, – деди Бахтиёр унга ёрдамлашаркан.

Сўнгра қор ичидаги милтиқни олдида, уни беихтиёр Алибекка узатди.

– Ма, ол, предохранителени тортиб қўй. Хуллас, сен бориб оқсоқолга хабар қил. У карвонни тез изига қайтарсин! Агар қайтармаса ҳалиги айтилган гап. Мендаги манави аппаратни тортиб олиб пачоқлашларинг мумкин. Лекин ҳаммаси Марказдаги компьютерга ҳам ёзиб олинган. Бу хабар бир сония ичида бутун дунёга тарқалиши мумкин. Натижада, Гармчашма бомбардимон қилиниб, ер юзидан супуриб ташланади. Мана эшит, – деди Бахтиёр атайин ва диктофонига ёзиб қўйилган ҳозирги овозни яна қайтариб эшиттирди.

Алибек беихтиёр тиззалаб тиз чўкди.

– Бундай қилма, Бахтиёр!

– Сен бизни муқаррар ўлимдан қутқардинг. Менинг ёмон ниятим йўқ. Лекин сен ва оқсоқолга бир шартим бор.

– Қанақа шарт?

– Буни оқсоқолга учрашганимда айтаман. Ҳозир бўлса тез анави от ўғрилари ушлаб уларни жинойтчи сифатида бутун қишлоқ жамоаси олдида жазолайсизлар. Хўш ундайларга қандай жазо берилади?

– Қўли кесилади.

– Яхши. Сенга рухсат, бора қол!

Алибек бир оз олдинда кетаётган Бахтиёр ортидан анграйиб қараб турдида, қишлоқни тўсиб турган қоялар томон чопиб кетди.

* * *

Бахтиёр чодирларига қайтиб келиб Муҳаммад овчи билан табибнинг улкан қоя тагида олов ёқиб қозончада алланима пишираётганига кўзи тушди.

– Ана, ниҳоят арши аълодан беморимиз ҳам қайтдилар! – дея хурсанд қичқирди овчи ва тожикчалаб уни табибга таништирди.

– Нима қиляпсизлар?

– Каклик шўрва. Сизга қувват бўлади-да.

– Оёғим музлади. Худди ёғоч оёқда юргандек бўлаяпман.

– Чодирга кириб тез ечинг. Мана, тошлардан иситиб қўйдик.

Табиб унинг оёқларини спирт билан яхшилаб ишқалади. Овчи иситилган тошларни чойшабга ўраб узатди. Беморни ётқизиб оёғининг кафтига тошларни қўйиб, пўстинга ўрашдида, чойгумда тайёрлаб қўйилган хушбўй гиёҳли дамламадан қуйиб беришди. Бахтиёрнинг танасига қайта жон кирди.

– Ҳа айтмоқчи, Нормурод қани?

– Улар анави соқчи йигит билан ўтинга кетишди. Унинг ҳам оёғини шундай қилдик.

– Сизникиям ҳўл бўлганмиди?

– Йўқ, мен ўша жилғадан сакраб ўтганимда йиқилдим. Қарасам, тепамда бир ниқобли киши милтиқ ўқталиб турибди. Яна шундоқ қарасам отимизга миниб, сизлар ҳам турибсизлар. "Э-ҳей!" деб бақирмоқчийдим, оғзимни боғлаб қўйишди, қизталоқлар.

Бахтиёр кулиб юборди.

– Буни қаранг-а ҳаммаси кўз юмиб очгунча бўлиб ўтди. Бир ўлимдан ҳам қолдик.

– Ҳа, бир худо асради.

Табиб Бахтиёрнинг кўзини ва оғзини очиб тилини кўрди. Кафтини ушлаб томир уришини текширди ва "Нағз-нағз" деб қўйди кулиб. У шамоллаганмиш, тез ўтиб кетармиш. Бахтиёр Муҳаммад овчига қарата деди:

– Сўрангчи, иссиқ булоқда чўмилсам бўлармикан? Овчи бу гапни тажрима қилиб берди. Табиб самимий табассум билан "Мешавад" деб жавоб берди.

* * *

Ниҳоят Гармчашма уларга бағрини очди. Оғир рюкзакни кўтариб олган Нормурод ликонглаб иссиқ булоқ томон чопди. У ерда ёш болалар чуғурлашиб чўмилишмоқда эди. Ажнабий кишини кўриб тек қотишди. Нормурод уларга қарата гўё қушлар тўдасини кўргандай қийқирди. Болалар ҳам жавоб қайтаришди. Уларга ярим ҳарбийча ола-була кийим кийган мусофирнинг қандай завқ билан ечиниби, ўзини сувга отиши қизиқ эди. Нормурод худди болалардай завқланиб мулойим

илиқ сувда сузар, теваарак-атрофнинг совуқ ва оппоқ қор эканига хайрон эди. Шўнғиб кўзларини очди ва қизил, оқ форель балиқларига кўзи тушди. Овчи ҳам бу онда етиб келган, Бахтиёрни бўлса, табиб анча нарида аста етаклаб келарди.

– Бахтиёр ака, форель!! – дея қичқирди Нормурод.

Бахтиёр бемор эканини унутди ва чашма томон қушдай парвоз қилди. У уст-боши билан ҳам сувга сакрашга тайёр эди. Ўзини аранг босди. Чунки эғнида бронежелет, алоқа воситаси, харита, тўппонча ғилофи ва бошқа хужжатлар бор эди. Шошиб-пишиб ечиниб, у ҳам ўзини болалар ичига отди. Овчи бўлса оёқларини ечиб сувга солдида, ҳамроҳларининг уст-бошларини кўриқлаб, завқланиб чўмилаётган ёшларни томоша қилиб ўтирди. Табиб "Майли, меҳмон, мен сизларга гиёҳ дамламалардан тайёрлаб тураман, Иброҳимнинг ёнида бўламан", деб қишлоқ томон кетди.

Кўп ўтмай суви буғланиб турган булоқ ҳовузи олдида Алибек пайдо бўлди. У болаларга қарата "Ҳаммаларинг кетинглар, меҳмонларни ҳурмат қилинглар" деган маънода бадахшон тилида қичқирган эди, зум ўтмай ҳовуз бўшаб тиниклашиб қолди.

– Сувга шўнғиб кўзингизни очинг, кўркманг Бахтиёр ака, мўъжизани кўрасиз!

Бахтиёр ҳовуз тубига шўнғиди ва ҳақиқатдан ҳам тилла балиқчалар каби жилоланаётган қизил балиқларга кўзи тушиб қувонганидан қичқириб юборди. Аммо оғзи сувга тўлиб уни ютиб қўя қолди. Сув бениҳоя тотли эди. Нафаси қайтаёзди ва сув юзига чиқиб кулиб турган Алибекка кўзи тушди.

– Алёша, что стоиш? Давай купатся.

Алибек кўлини кўксига қўйиб "Хўп" дея ишора қилдида, у ҳам ечиниб ўзини сувга отди. Бирга чўмилиша бошлашди.

– Муҳаммад ака, сиз ҳам чўмилинг.

– Э-йўғе.

– Йўқ-йўқ, ташланг. Бу буйруқ. Сиз ҳали бизга кўп керак бўласиз! – Қичқирди Тўраев.

Овчи ҳам ноилож ечиниб бир четда чўмила бошлади. "Ҳай-хай!" дея қийқириб қўярди у баъзан.

– Хўш Алибек, оламда нима гап?

– Оқсоқолга бор гапни тушунтирдим. У чўчиб кетди. Кейин карвонни қайтаришга хабарчисини юборди.

– Қайтмасачи?

– Қайтади. Чунки оқсоқол унга меҳмонлар, яъни сизлар қайтиб кетганингизни, кейин бир-икки кун меҳмон бўлиб юкнинг қолганини ҳам олиб кетиши мумкинлигини айтди.

– Қанақа юк, ҳалигинданми? – сўради Бахтиёр ўз кўрсаткич ва жимжилок бармоғи билан ишора қилиб.

Бу наркоманлар орасида "қуруғидан" сўзини англатадиган ишора эди.

– Ҳа, – деди беихтиёр Алибек уни тушуниб.

– Хўш, кейинчи? От ўғрилари тўғрисидаям айтдингми?

– Ҳа, айтдим. Лекин у уларга нисбатан бошқачароқ жазо тайин қилмоқчи.

– Қанақа?

– Билмасам. Дарра уриш эски замонники, дейди.

– Э-ҳа, демак, Ақои Чоршанбе замонавий тараққиёт тарафдори эканда, шундайми?

- Ҳа, шундай, – кулиб қўйди Алибек.
- Иброҳим қандай?
- Яхши. Сизларни интизор бўлиб кутаяпти.

Алибек қишлоқ томон қараб қўйди ва бир болакайнинг чопиб келаётганини кўрди.

- Ана, Сангибек келаяпти.

- У ким?

– Оқсоқолнинг кенжа ўғли, Иброҳимнинг шогирди. У биздан рус тилини анча-мунча ўрганиб олди. Анча иқтидорли бола. Иложи бўлса уни ўзларинг билан олиб кетсанглар, ўқитсанглар, яхши бўларди.

– Албатта ўқитамиз. У бизнинг кадр бўлади. Келажакда бу ерларни ривожлантиради. Биласанми нима, бу ерга хорижий туристлар жалб қилинса, катта даромад келади.

- Ҳа тўғри. Биз бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаганмиз.

– Чунки сизларда бошқа ноқонуний даромад бор. Лекин у ҳаром пул. Бу ерда демак, ажойиб профилактория ҳам ташкил қилса бўлади. Қарая, 5000 метр баландликда шундай булоқ бўлиши кимнинг ҳам хаёлига келибди. Тагин форель балиқлариям бор. Қойил! – деб қўйди Бахтиёр фахр билан.

Сангибек булоқ бўйига чопиб келдида соф рус тилида: "Здравствуйте, уважаемые гости!" деб қичқирди.

- Салом Сангибек, қалайсан? – сўради Бахтиёр ҳам русчалаб.

- Таниш, бу киши устозингнинг устози бўлади. Демак, сенинг ҳам устозинг.

– Ҳа, мен сени катта шаҳарга олиб кетгани келдим! – деди Бахтиёр чин юракдан қичқириб

– Ростданми?! Ур-ре! – дея қичқирди болакай ва кимларгадир бу хушхабарни етказмоқ учун қишлоқ томон чопиб кетди.

- Қаёққа кетди у? – сўради Бахтиёр.

– Отасидан суюнчи олгани. Бир жиҳатдан яхши бўлди. Энди отаси бизга боғланиб қолади.

– Ҳа, Алибек. Бизнинг ва сенинг эндиги вазифамиз қандай қилиб бўлмасин қишлоқни афғонлар таъсиридан қутқариш. Қишлоққа нима керак бўлса мана биз етказиб берамиз. Биз уларни ҳайрия ёрдами сифатида етказамиз. Эҳтимол кичик электростанция, мактаб, касалхона ташкил қилиб берармиз.

– Яхши, лекин бизда одамлар деярли касал бўлишмайди. Синган, чиққанларни ҳисобга олмаганда, албатта.

- Ўртача қанча умр кўришади?

– Тахминан 110–120 йил. Қишлоғимизда 154 га кирган бир кампир ҳам бор. Ҳали у тетик. Гимирлаб ишларини қилиб юрибди.

- Эҳ-ҳе, зўрку!

– Тибет бизга яқин. Таъсири бўлса керакда. Ҳа айтмоқчи, Тибетда қирқ йил табобатни ўрганиб келган бир табиб чол бор.

- Ҳалиги кишими?

– Йўқ. У шогирдларидан бири эди холос. Хуллас ўша табиб Иброҳимни операция қилмоқчи.

- Хўш, Иброҳимнинг ўзи нима деяпти?

– У сизлар билан маслаҳатлашмоқчи. Уни ҳам олиб кетасизларми ёки қоладими, билмадим.

* * *

Булоқ сувида покланиб олган "Халқаро метеохизмати" ходимлари ҳамкасблари бўлмиш Иброҳимнинг хужрасига ташриф буюришди. Улар у ерда ногирон йигитдан ҳол-аҳвол сўрашиб турган бир пайтда карвон изига қайтиб келди. Оқсоқол Мазҳабшога карвонсаройда меҳмонлар учун яхши дастурхон тайёрлашни топширган бўлса, Табошарга барча овчилар ва соқчиларни бир жойга йиғишни, уларга муҳим топшириқ борлигини айтди. У ишларни энди Алибек билан бамаслаҳат қилмоқда эди.

Ниҳоят оқсоқол ҳузурига карвон сардори Кароматшони чақиртирди. Кароматшо келганида оқсоқол деразадан қишлоқ томон жиддий қараб турарди ва ўгирилиб қарамади ҳам.

– Нега бировнинг отларини ўғирладинг? – тўсатдан савол берди оқсоқол.

– Қанақа от?

– Учта от!

– Қаёқдаги арзимаган отларни қўйинг, ишдан гаплашайлик.

– Мен сендан сўраяпман!! – Жаҳл билан қичқирди сардор.

– Отлар, эгасиз дайдиб юришган шекиллида, қаёқдан билай.

– Хўп. Сенга яна бир савол. Бизнинг авлод-аждодимизда от ўғриси бўлганми?

– ...

– Сендан сўраяпман, ярамас!!

– Йўқ, албатта.

– Ҳа, баракалла. Лекин сенинг икки одамнинг ўғирлашибди. Ким улар? Жавоб бер!

– Шу холосми?

– Шу холос.

– Ануви, ҳалиги, Қаноатулла билан Эртош.

– Ҳар иккисини ҳозироқ шу ерга чақиртсак, ўзинг хижолат бўлиб қолмайсанми?

Кароматшо кесатгандек кинояли кулиб қўйди.

– Тинчликми, ақои сардор?..

– Тинчлик эмас. Сен миллатимиз шаънига доғ туширдинг!

– Сизга нечта от керак? Ўнтасининг ҳаққини бераман, ҳозир.

– Пулингни пишириб е. Олиб келган анави ҳамма нарсаларингнинг ҳаммасини қайтиб олиб кетавер! Бизга улар керакмас.

– Нима бало, пойтахтлик келгинди орамизга ғов солган кўринади. Кузатишингиз бошқача эдику...

– Ўътиборинг учун у одам пойтахтлик эмас экан.

– Ким унда, худонинг ердаги хабарчиси – набийларидан эканми?

– Ҳа. Шундай десак ҳам бўлади. Лекин аввало ўғирланган отлар масаласини ҳал қиламиз.

– Уф-ф... Яна бошланди.

Оқсоқол Алибек ва хизматкорни чақирди. Алибекка шу ерда бўлишни, хизматкорга Табошарни чақиртиришни топширди. Зум ўтмай Табошар милтиқли соқчилар билан кириб келди.

– Кароматшони тинтинглап!

Соқчиларнинг иккитаси чоғиб келиб унинг қўлларини қайиришди, қолганлар милтиқ ўқталиб туришди. Унинг ёнидан тўппонча, тилла сопли ханжар, махси кўнжисидан ҳам пичоқлар чиқди.

– Бу нима қилганингиз, оқсоқол?

– Табошар!

– Лаббай, хожа.

– Карвонсаройдаги меҳмонларнинг ҳаммасини худди шу зайл тинтиб, қуролсизлантиринглар. Кейин Қаноатулло билан Эртош деганнинг қўлини боғлаб шу ерга тез олиб келинглар. Қаршилиқ қилганларни отиб ташланглар. Икки соқчи шу ерда қолсин.

Табошар итоат билан чиқиб кетди.

– Биз нима гуноҳ қилдик, оқсоқол? Минг йиллик анъаналаримиз, меҳмондўстлигимиз қаерда қолди?

– Ўша учала от менинг отим эди, галварс!

Кароматшо энди ҳайрон бўлиб жим қолди. Кўзларини олазарак қилиб, илож топса бу ердан қочиб қолиш чорасини излади. Унинг бу ҳаракатини Ақои Чоршанбе фаҳмлаб турарди.

– Қочишни ўйлама!

– Қочадиган айб иш қилганим йўқку, ахир.

– Яхши. Унда айтчи, нега учта меҳмонни қор остига бостириб ўлдирдинглар?

Нима, бу билан одам ўлдиришнинг янги усулини ўйлаб топдингми?

– Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас.

– Бахтсиз ҳодиса демоқчисанда-а?

– Б-бўлиши мумкин. Нима улар ўлибдими?

– Ҳа. Лекин ўша от ўғрилари уларни шундай ўлдиришни сен буюрганингни айтиб беришса, нима қиламиз, унда-а?

Кароматшонинг ранги "қувв" ўчди. "Демак, унинг гувоҳи бор. Лекин мен тан олмаслигим керак" деб қўйди ҳаёлан ва Алибек томон олайиб қараб қўйди. Кўп ўтмай икки "от ўғриси"ни олиб келишди.

– Табошар, бизда от ўғрилари қандай жазо берилади?

Табошар бир оз довдираб турди: билганича жавоб қайтарди.

– Биринчи марта бир қўли кесилади. Кейинги сафар...

– Отнинг тақасини куйдириб баданига босилсачи?

Ҳамма турганлар сесканиб кетишди. Оқсоқол давом этди:

– Бўлмаса уния-буния қиламиз – деди у ва ҳар икки айбдорнинг олдига келиб бир-бир иякларини кўтариб кўзларига қаради. – Агар учта меҳмонимизни ўлдиришни ким буюрганини айтсанглар, майли, тамға босмаймиз. Хўш, манави одам буюрганми?! Гапир, деяпман! – деб бировининг, сўнгра иккинчисининг қорнига қарата зарб билан тепди.

Аммо ҳар иккови ҳам жим тураверишди. Бу ҳолдан Кароматшо руҳланиб кетдими, ҳар ҳолда кескин ҳимояга чоғланди. У оқсоқолга яқинлашиб жаҳл билан "Бу тухмат, исботингиз йўқ!" дея қичқирган ҳам эдики, икки бақувват соқчи икки қўлидан ушлаб бир четга олиб бориб қўйишди.

– Алибек!

– Лаббай, хожа.

– Ҳақиқатдан ҳам исботинг борми?! – қатъий сўради у.

– Ҳа, бор.

- Унда олиб кел.
- Улар шу ерда, сизни кутиб туришибди.

Алибек ҳозиргина Иброҳимнинг ҳузуридан келиб, айвондаги сўрида ўтирган уч меҳмонни чақирди.

- Бахтиёр, анави аппаратинг ёнингдами?
- Ҳа, албатта.
- Сизларни оқсоқол йўқлаяпти.

Улар ичкарига кириб келишганида икки боғлиқ кишининг кўзлари олайиб кетди. Кароматшо ҳам бир чўчиб тушди, лекин у сир бой бермасликка ҳаракат қиларди. Ич-ичида "Оббо, ўлишмаган эканку" деб қўйган бўлса ажабмас. Лекин, энг муҳими, оқсоқол от учун эмас, балки гап уларнинг амалга ошмаган "қор кўчкиси"да эканини англаб олди.

Алибек таржимонлик қилиш билан бир қаторда меҳмонларни бир-бир таништирди ва уларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарашли Халқаро метеохизматидан, деб атади.

– Демак, об-ҳавоимизнинг эгалари, шундайми? – сўради оқсоқол самимий кулиб.

– Ҳа, фақат сизнинг об-ҳавоингиздан қора дорининг ҳиди келаяпти. Бу дори Афғонистондан бутун дунёга тарқалиб, бутун инсониятни заҳарлаяпти. Бунда сизларнинг ҳам муносиб ҳиссаларинг бор, – деди Бахтиёр жиддий кесатиб.

– Йўғе, сал оширвормадингизми, меҳмон? – сўради оқсоқол истехзо билан кулиб.

– Қора дори, марихуана етиштириш, героин ишлаб чиқариш, уни сотиш ва тарқатиш дунё бўйича тақиқланган. Хитой, Сингапур ва бир неча мамлакатларда бу иш учун ўлим жазоси, бошқа мамлакатларда 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, етиштириладиган майдон ва жойларни йўқ қилиш қўлланилиб келинмоқда. Сизлар ҳар иккингиз ҳам бу соҳада ҳамкорсизлар. Демакки, қонунбузарсизлар.

– Нималар деяпсиз, исботингиз борми? – бетоқат сўради Кароматшо.

– Бор, марҳамат, – деди Тўраев ва қўлидаги аппаратни ишга солиб ўрилайётган наша поялари, кетаётган карвон, уларни қўлга олган никоблилар ва сунъий қор кўчкисини тез-тез ўтказиб кўрсатди, – Мана, биз бу ерга тўғри арши-аълодан келдик. Демак сизларнинг наркобизнес ишларингизга бизни ҳалакит қилади деб шу ишни буюрдингиз. Нима, одам ўлдиришнинг бошқа усуллари хали билмайсизми?! – деди Бахтиёр Кароматшонинг кўзларига тик боқиб.

Кароматшо саросимада қичқирди:

– Оқсоқол, нега қараб турибсиз?! Бу келгиндиларни гумдон қилинг! Нега уларни ҳимоя қилаяпсиз?!

– Ҳозирги кўрганларингизни, овсар, буларнинг марказидаги хотираларига муҳрлаб қўйишибди. Ҳозирги мана шу гапларимизни эшитиб туришибди. – деди оқсоқол ва Алибекка "ялт" этиб қаради.

– Бахтиёр, ҳозирги гапларни ёзиб олган бўлсанг қайтариб эшиттира оласанми?

Бахтиёр аппаратларининг мурвватларини буради ва Кароматшонинг гапларини қаттиқ овозда эшиттирди.

– Булар жосус! Уларга кулоқ солманг! Улар орамизга адоват солишмоқчи! – дея қичқирди карвонбоши.

– Жим бўл! – дея ўшқирди оқсоқол.

– Хуллас, келишинглар. Агар шу қишлоқда тинчлик, осойишталик бўлишини истасанглар мен бу ашёвий далилларни қайтиб кўтармайман. Лекин наркобизнес ва курол-аслаҳа савдо-сотиғини давом эттирадиган бўлсанглар Россия ва Американинг махсус ҳарбий бўлинмаларига хабар қилиб бу ерларни кунпая-кун қилдираман. Билиб қўйинглар, Хоруғда Россия чегара қўшинлари, Ҳинд океанида Америка авианосецлари шай туришибди. Бу ерга Хитой қўшинлари ҳам бир қадам.

– Сиз ўзбекистонлик бўлсангиз, нима қиласиз, бу ишларга бурнингизни суқиб! – ўшқирди Кароматшо.

– Тўғри, миллатим ўзбек. Лекин мен бутун дунё учун муҳим бўлган жойда хизмат қиламан. Чунки афғон мужоҳидлари барча ер юзи халқларига ўзининг ифлос героину наркотиклари билан таҳдид солишмоқда, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам. Бу қора оғудан жаҳоннинг 14 миллионлик аҳолиси азият чекмоқда, тиришиб ўлмоқда, болалар ногирон туғилишмоқда. Героинни ишлаб чиқараётган диний ақидапарастлар гўё бу билан одамзотга қарши жиҳод эълон қилишган. Одам ўлдириш, у қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, гуноҳи азим ҳисобланмайдими? Сизлар бўлса азиз ва мўътабар тупроғимизда оғу етиштирмоқдасиз, кимларнингдир ўлими сизларга катта даромад келтирмоқда. Бу ҳаром ишқу, ахир!... Шунинг учун сизлар ҳаммангиз гуноҳқорсиз! Яратган ҳаммасини кўриб турибди. Қаерда қора ишлар, гуноҳи азим кўпайса ўша жойда зилзила бўлади, ер ютади ёки ёниб битади. Сарез қишлоғи сув остида қолиб кетади деб ким ўйлаганди? Тожикистонда фуқаролар уруши қаердан келиб чиқди? Юзлаб бугуноҳ одамлар нега қурбон бўлди? Ўйлаб кўринглар, ахир!..

Даврадагилар бир сония сукутда қолишди. Бахтиёрнинг куйиб-пишиб қилган рус тилидаги маърузасини Алибек аранг таржима қилиб улгураётган бўлсада, эшитаётганларда қаттиқ таъсир қилди. Нормурод устозининг бундай жасорати ва шижоатига қойил қолди. Бу ерда ўлиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Шундай шароитда, тил билмас, деярли саводсиз, ёввойи ҳаёт шароитида бу ернинг оқсоқолини жиловлай билиш юксак дипломатия, собит ва матонат талаб этарди.

* * *

Ақои Чоршанбе от ўғирликда айбланган уч қаллобни ҳибсга олдирди. Улар учун бошқа айб юкланди. Бу Бахтиёр Тўраевнинг илтимоси эди.

– Йўқ, – деди оқсоқол, – энди буёғини менга қўйиб беринг, сиз бизнинг ички ишларимизга аралашманг. Халқаро қонунларда шунақа дейиладими?

– Ҳа-ҳа, албатта.

– Лекин қўяётган кейинги шартингиз жуда ҳам ғализ. Бир йил меҳнат қилиб етиштирган ҳосилни одамлар кўз ўнгида йўқ қилиш, жуда оғир масала...

– Бошқа иложимиз йўқ, оқсоқол. Бу билан сиз қанча-қанча бегуноҳ одамларнинг жонини сақлаб қолиб савоб ишга қўл урасиз. Мен бу жараёни суратга олиб, далолатнома ёзиб ҳужжатлаштириб ҳам қўяман.

– Хўш, яна бизнинг нима қилишимизни истасиз?

– Бизга Оби-Хиноч дарёси ва ундаги кўприкларни назоратга олишга ёрдам берасиз.

– Хих, – деб қўйди оқсоқол қулиб, – Афғон чегараси ахир бу ерда эмас, Панждаку.

– Тўғри. Панж ва Амударёни Россия чегара қўшинлари қўриқлашмоқда. Лекин улар Помирдаги кемтикларни, баъзи яширин сўқмоқларни назорат қила

олишмайди. Шунинг учун улардан ўтган қора ниятлилар Оби-Хиночда тутилиши ёки назоратга олиб қўйилиши керак. Кейин уларни Ўзбекистон чегарасида бемалол қўлга олиш имкони бўлади.

– Э-ҳа, демак биз иккинчи чегара эканмизда, дуруст-дуруст.

– Бунинг учун Оби-Хиночда ягона ўтиш кўприги ташкил қиламиз. Ўша сизлар мужоҳидларни тор-мор қилган кўприк маъқул. У ерда ташландиқ бир тошқўрғон бор экан. У ерда қарвонсарой ташкил қилиб, ҳафтанинг бир кунини бозор этиб эълон қилдирасиз. Чунки у бозор ва у ерда яшовчи, хизмат кўрсатувчилар сизнинг одамларингиз бўлади. Дарёдаги бошқа осма кўприклар олиб ташланади. Хўш, бу таклифимга нима дейсиз?

– Эҳ-ҳе, иш қўлами каттаку. Бунга ахир қанча ҳаракат, чиқим керак бўлади.

– Ҳаракат сиздан, чиқими биздан. Ишни дастлаб қарвонсарой ташкил қилишдан бошлаймиз. У ерни таъмирлаб уч тўрт оила яшаши учун жой ҳозирлаш керак. Кейин биз у ерга метеостанциямизнинг қурилмаларини ўрнатамиз. Одамлар ҳам ишлайди, ҳам қўриқлайди. Уларга иш ҳақи берамиз. Бозордан ҳам даромад келади. Ўз молларингизни сотасизлар. Хуллас, у ер Гармчашманинг бир бўлагига айланади.

Оқсоқол лойиҳа миқёсини чамалаб қалин қошларини кўтариб қўйди. Тўраев лойиҳаси ҳақида сўзлашда, Алибек бўлса тилмочлик қилишда давом этишди:

– Гармчашмада ҳам катта янгиликлар қиламиз. Одамларингиз наша, наркотик ўрнига буғдой, маккажўхори, картошка ва бошқа сабзавотлар экишади. Хайрия ёрдами сифатида бу ерга мактаб, касалхона, новойхона, сартарошхона ташкил қилиб берамиз.

– Нега энди сартарошхона?

– Одамларингиз соч-соқолини олиб сал маданиятлироқ бўлиб юришади-да. Кейин телевизор ва электродвижок ҳам совға қиламиз.

– Ҳа ўғилчам, мен ўқишга борар эканман, дегандек қилаяпти.

– Албатта. Агар рухсат берсангиз уни Тошкентга олиб кетиб ўқитамиз. Ҳар йили ёзда келиб туради.

Оқсоқол бу гапдан хурсанд бўлиб кетди ва Бахтиёрнинг елкасини меҳр билан қоқиб қўйди.

– Раҳмат сизга, меҳмон. Бошим осмонга етди!

– Ҳа. Биз ҳозир сиз билан ҳақиқатдан ҳам осмонда, яъни 5000 метр баландликда халқаро битим тузаяпмиз.

– Яхши. Бу ишларни, худо хоҳласа, амалга оширамиз. Мен ҳаммасига розиман, – деди оқсоқол қўлини бериб, – Аммо куёвим масаласини нима қиламиз, бошим қотган.

– Иброҳимни мен кўрдим. Думғаза суяклари мажақланибди. Лекин умуртқа суяги нима бўлган, билмадим. Буни махсус рентген аппаратида кўрилади. Уни операция қилиш жуда хавфли.

– Бизда яхши бир табиб бор. У киши суякларни тилла ип, сим билан тикади. Агар рози бўлсанглар уриниб кўрсинми?

– Йўқ. Бизда кучли докторлар бор. Бўлмаса Россияга элтамиз. Олиб кетганимиз маъқул, шекилли.

– Унда жияним Сарвиғул нима қилади?

– Эр қаерда бўлса хотин ҳам ўша ерда бўлади-да. Иннайкейин қадимги аجدодларимиз давлатлар ўзаро тинч-осойишта ҳаёт кечириши учун бир-бирларидан қиз олиб қиз беришган экан.

Оқсоқол Алибекдан бу таржимани эшитиб шодон кулиб юборди ва Бахтиёрни бағрига босди.

– Бўлмаса энди сизлар бизга қиз берасизлар. Муаллим ёки шифокор бўлсин, хўпми?

– Бўпти, Сангибекка келинни ўша ёқдан топа қоламиз.

– Унда ўзингизнинг қизларингиздан берасиз, келишдикми?

– Қизим ҳали кичкинада, 3-синфда ўқияпти, холос.

– Унда ўғлимга айтаман, қулоғини тишлаб қўяди.

– Тақдир-насиб-да, омон бўлишсин.

– Ўх-хў, бир зумда қуда-анда бўлиб кетдингларми? – деди Алибек кулиб.

Оқсоқол Алибекка юзланди:

– Ҳа айтмоқчи, Оби-Хиночга сен раис бўласан. Яна менинг қайноғам Киромиддин, Мазхабшо, ана Вадидшонинг оиласи ҳам кўчиб боришади.

– Акои Мухаммад ҳам у ерда бош-қош бўлади, – кўшиб қўйди Алибек.

– Ҳа, у киши сизлар учун яшаш шароитини яратишга ёрдамлашади. У ерда ов қиласизлар, чорва боқасизлар, эҳтимол деҳқончиликка ҳам ер топилиб қолар, – деди Бахтиёр хурсанд.

– Майли нафасларинг сиқилиб кетганида бу ердаги уйларингга ҳам келиб турасизлар, – дея кўшиб қўйди оқсоқол.

У бўлаётган ишлардан жуда ҳам мамнун кўринарди.

* * *

Эртаси қишлоқ гузаридаги кенг майдонга улкан гулхан ёқилди. Унинг атрофида куй-қўшиқ, помирча рақслар ижро этила бошланди. Оқсоқол Сарвиғулнинг ҳомилали бўлганини байрам қилиб нишонламоқчи эканини эълон қилди. Одамлар ҳайронда эди. Бир томондан афғон меҳмонларнинг қуроллари тортиб олиниб, сардорлари ҳибсга олинган ва уларни жазолаш кутилаётган бўлса, иккинчи томондан ажнабий ногирондан кутилаётган фарзанд шукуҳи, янги келган меҳмонлар билан ўзгача келишув, хуллас, янги гаплар бўлиши барчани қизиқтираётганди.

Оқсоқолнинг буйруғи билан бир пайт ҳибсдаги "от ўғрилари" олиб чиқилди. Соқчилар уларни илгари келишилиб қўйилган дара томон олиб кетишди. Оқсоқол бошчилигидаги меҳмонлар ҳам улар ортидан эргашишди ва баланд бир дара тепасида пайдо бўлишди. Оқсоқол соқчилар сардори Табошарни бир четга чақириб қулоғига алланималар деб шипшиди. Соқчилар ҳибсдагиларни пастлик томон олиб тушиб кетишди. У ер жуда ҳам чуқурлик бўлиб кўп ўтмай пастдагилар кумурсқадай нуқтага айланишди.

– Қаёққа кетишаяпти? – қизиқсиниб сўради Нормурод.

– Жинойтчиларни жазолашса керак-да, – деди Мухаммад овчи.

– Йўғе, ахир биз келишгандик-ку. Оқсоқол уларни ўлдирмасликка ваъда бердику! – ажабланди Бахтиёр ва Алибекка мурожаат қилди, – Нима гап, Алибек?

– Оқсоқол уларни бир чўчитиб қўймоқчи, шекилли.

– Ундай бўлса майли, – деди Бахтиёр кулиб.

Алибек дурбинни олволган эди. Бир вақт уни оқсоқолга узатди. Оқсоқол бўлса мийиғида кулиб қўйди-да сўнгра Бахтиёрга узатди. "От ўғрилари"нинг оёғини ҳам боғлаб тиклик тагига юзларини ерга қаратиб ётқизишди. Табошар "хаммаси тайёр" дегандек осмонга милтиқ отиб хабар берди. Оқсоқол тепадаги афғон карвони одамларию барча тўпланганларга қорлардан думалоқ коптоқлар ясашни буюрди ва ўзи ҳам ёш болалардай уннаб кетди. Улкан коптоқлар ясалди. Қор ёпишқоқ бўлгани учунми бир зумда коптоқлар бир уюм бўлди.

– Қулоқ солинглар! – дея қичқирди оқсоқол, – мен қўлимдагини пастга улоқтиришим билан сизлар ҳам бирдай ташлайсизлар!

Шундай қилишди, қор коптоқлар пастликка юмалаб, тобора катталашиб бошқа қорларни ҳам суриб, кўчки мисол олиб тушиб кета бошлади. Пастдаги соқчилар қочиб қолишди. Унча катта бўлмаган сунъий қор кўчкиси уч гуноҳкор бандини кўмиб юборди. Пастдагилар қийқириб кулишди. Оқсоқол соқчилардан бирининг милтиғини олди ва бир оз ўтгач "Уларни қутқаринглар!" деган маънода осмонга ўқ узди. Пастдаги соқчилар қорни ковлай кетишди.

– Кетдик! – дея қичқирди оқсоқол.

– Уларчи? – сўради Алибек.

– Улар ҳам арши-аълодан қайтиб келишади-да, – деди оқсоқол бепарво.

Ҳаммалари кулиб юборишди. Қайтиб келиб гулхан олдида зиёфат дастурхони тайёрлаб қўйилган махсус жойга жойлашиб ўтиришди. Мусиқа ва рақс давом этарди. Оқсоқол Алибекка бир нималар деди. Алибек Бахтиёрнинг қулоғига шипшиди: "Ҳужжатларни тайёрлаб қўяркансиз".

– Неча кило опиум, марихуана, яна, ҳалиги кўкнори кўраги? – деб сўради у.

Алибек бориб билиб келди.

– 7 кило опиум, яъни кўкнори шираси, 250 кило кўрак, наша пояси ҳали тортилмабди. У ўрилгану лекин ҳўл. Далада экан.

– Ўша ерда ёндириларканми?

– Шунақа шекилли.

– Майли. Ўтган йили қанча топширгандинглар?

– Бир тонна эди шекилли.

– Бўпти, бир тонна деб ёзиб қўяман, – деди Бахтиёр ва сумкачасидан қоғоз, ручка олиб икки нусхада рус тилида далолатнома ёзди.

Далолатноманинг мазмунини тахминан қуйидагича эди:

"Бизларким қуйида имзо қўйиб тасдиқловчилар, туздик мазкур далолатномани шу ҳақдаки, Тоғли Бадахшон Автоном вилояти Гармчаишма қишлоғининг маҳаллий аҳолиси ҳамда Тожикистон, Ўзбекистон, Афғонистон, Собиқ Иттифоқ ва Тоғли Бадахшон вакиллари иштирокида тубандаги наркотрофик маҳсулотларни оловда ёқиш йўли билан йўқ қилинди:

1. Кўкнори шираси (опиум) – 7 (етти) кг.

2. Қурилган кўкнори кўраги – 250 (икки юз эллик) кг.

3. Қурилган наша пояси (марихуана) – 1000 (минг) кг.

Наркотрофик маҳсулотларнинг ҳаммаси қуйдирилиш йўли билан йўқ қилинди ва бу жараён фототасвирга ҳамда сунъий йўлдош орқали видеотасвирга олиб қўйилди.

Имзо қўювчилар:

Бахтиёр Тўраев – Ўзбекистон фуқароси;

Чоршанбе Ализода – Тожикистон, ТБАВ фуқароси, Гармчашма қишлоқ оқсоқоли;

Муҳаммад Зоҳир ўғли – Тожикистон фуқароси;

Аҳмадзода Исмоилий – Афғонистон фуқароси;

Алексей (Алибек) Сорокин – Собиқ Иттифоқ (Россия) фуқароси.

1998 йил, 20 май. Гармчашма қишлоғи."

Сўзни қишлоқ оқсоқоли Ақои Чоршанбе олиб, аввало бу ерга келган меҳмонларни бирма-бир таништирди. Айниқса, Бахтиёрга келганида "Бўлғуси кудам" деганди, ҳамма қийқириб, кулиб юборди. Афғонистондан келган вакил Аҳмадзода Исмоилий бундан бир оз хижолат тортди. Сўнгра оқсоқол Сарвигулни йўқлади ва уни фарзандли бўлаётгани билан муборакбод қилди. Одамлар уни олқишлашди.

– Куёвим қани? – сўради оқсоқол.

Тўрт йигит чоғиб кетишди ва кўп ўтмай қимир этмай ётган Иброҳимни замбили билан баланд кўтариб даврага олиб чиқишди-да, Сарвигул иккисини олов теvaraгида айлантира бошлашди. Барча қишлоқликлар, шу жумладан меҳмонлар уларни олқишлашди.

Айниқса, Муҳаммад овчи хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Оқсоқол Аҳмадзода Исмоилийга хурсандчилик сабабини тушунтирди. У "Эҳ-ҳе, қойил!" деб юборди. Оқсоқолнинг ишораси билан Иброҳимнинг замбилини ёнларидаги сўрига кўйишди. Алибек ҳам чексиз хурсанд эди. У Мазҳабшонинг қулоғига шипшиб, рус ароғидан келтиргизди ва пиёлаларга тўлатиб қуйиб чиқди. Иброҳимга ҳам узатди ва ўзи ҳам бадахшон, ҳам рус тилида қадаҳ сўзи айтиб барчани ичишга ундади.

Помирча шўх мусикалардан бири чалина бошлади. Алибек, Муҳаммад овчи, Бахтиёр, Аҳмадзода, оқсоқол Ақои Чоршанбе ўртага чиқиб мириқиб узоқ ўйнашди. Фақат қор кўчкиси тагида кўмдирилган Кароматшо ва унинг икки одамани олиб келишгандагина мусикани такка тўхтатишди. Орага оғир жимлик чўкди.

Учала маҳбус амалдорлар ва меҳмонлар олдида келиб тиз чўкишди. Кароматшо Бахтиёрга қарата қўлини кўксига қўйиб деди:

– Кечиринг, меҳмон. Бошқа бундай нобакорлик қилмаймиз.

Бахтиёр бориб унинг ўрнидан турғазиб қўйди. Улар кучоқ очиб кўришдилар. Ҳамма уларни олқишлади. Сўнгра Кароматшо оқсоқолга таъзим қилиб шундай деди:

– Энди бизнинг танзимиз сизники. Хоҳланг қул қилиб олиб қолинг ёки энди бизга жавоб беринг, кетайлик.

– Хўп, кетасизлар. Биз сизлар билан миллатдош-қариндошмиз. Ўртамизда хатоликлар бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон ришталаримиз узилмаслиги керак. Нима дедингиз ҳазрат? – дея Аҳмадзодага юзланди у.

– Албатта, албатта, – дея тасдиқлади Исмоилий.

– Майли ўтиринглар, йўл олдида тамадди қилинлар. Ҳозир бир қизик томошамиз бор, уни кўрасизлар.

– Йўқ раҳмат, сафаримиз қариди, оқсоқол.

– Сенга ўтир дедим! Кейин бир тилхат ҳам ёзиб берасан!

– Тилхат?! Нима дейман.

– "Мен ким фалончи-пистончи, фалончи кун, фалончи жойда ушбунни ёзиб тасдиқлайман. Гармчашма қишлоқ оқсоқоли Ақои Чоршанбе ва унинг

кишлоқдошларига ҳеч қандай давои-достоним, хусуматим, олди-берди қарзларим йўқ. Агар бу масалани кўтарадиган бўлсам фил тепсин!" деб ёз, – деди-да оқсоқол мазза қилиб хохолаб кулди.

Уни эшитган даврадагилар ҳам мириқиб кулишди. Бу эҳтимол ароқнинг таъсири эди. Кароматшо ҳам, ёнидаги икки шериги ҳам жилмайиб қўйишди. Ниҳоят кулгини бас қилгач оқсоқол жиддийлашди.

– Беҳазил Ақои Бахтиёр, меҳманба яқта қоғоз-қалам те! – деди ҳужжатларни қайта мутолаа қилиб ўтирган Тўраевга. Сўнгра "Инжа биё, бшин!" деб Кароматшога ёнидан жой кўрсатди.

Кароматшо иложсиз унинг ёнига бориб ўтирди-да, оқсоқолнинг айтиб ўтирган сўзларини араб ёзувида бекаму кўст қилиб ёзиб, тагига имзолаб берди.

– Ана бўлди, – деди оқсоқол ва тилхатни орқада турган Вадидшога узатди.

Кароматшо ўрнидан турмоқчи эди. Оқсоқол унга "ўтир" деб ишора қилди. Ўртада турган икки шерикларига ҳам бошқаларнинг олдига боришга рухсат берди.

– Алибек!

– Лаббай, хожаи?!

– Кароматшогаям, умуман, ҳаммамизга яна биттадан қуй. Бечора шамоллаб қолмасин, тагин.

Уни тушунган Кароматшо "Мен ичмайман" деб эътироз билдирди. "Ичасан, ичмай ҳам кўрчи. Ароқни ўзинг олиб келгансан. Эҳтимол у заҳардир...", деб қўйди оқсоқол қулоғига пичирлаб.

Яна қадаҳлар тўлатилди. Энди тинчлик, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик учун ичилди. Алибек келиб оқсоқолнинг қулоғига "Ҳужжатлар тайёр. Анави тадбирни амалга оширмаймизми?!" дея шипшиди.

– Ҳа-ҳа, жиминглар! – дея қичқирди қизиб олган оқсоқол.

– Жаноблар, ҳамқишлоқлар! Қулоқ солинглар, ҳозир битта кичкинагина тадбир ўтказамиз! Табошар! Қани Табошар?!...

– Лаббай, хожаи!

– Ҳалиги айтганларнинг ҳаммасини шу ерга келтиринглар! Хой ким оловга қараяпти, уни баландлатинглар!...

Нормурод чўзилиб ётган Иброҳимдан секин сўради:

– Оқсоқол ҳозир нима деди?

– Оловни баландлатинглар, деди.

Нормурод ўрнидан шашт билан туриб ўтинларни тартибга келтиришга, янги ўтинлардан устига ташлашга киришиб кетди. Тўраев унинг ишидан мамнун бўлди.

Табошар ўзи бир халтани кўтариб олиб келиб оқсоқолнинг олдига қўйди. Соқчилар бўлса карвондан ечиб олинган ўн қопча кўкнори кўракларини келтириб қўйишди. Оқсоқол Бахтиёрни имлаб чақириб олди ва унга халта ичидаги опиум солинган салафан пакетчаларни кўрсатди. Бахтиёр бирини очиб уни хидлаб текшириб кўрди. Кароматшо безовталаниб қолди ва кўзлари аланг-жалаи бўла бошлади.

Орага оғир жимлик чўкди. Фақат оловнинг "чирс-чурс" ёнгани ва чўғларнинг шитирлаб қулаши эшитиларди холос. Бахтиёр ҳамманинг кўз ўнгида қўлидаги аппаратнинг антеннасини чиқариб аллақар билан гаплашди. Сўнгра халтадаги салафан пачкаларини ерга бир қатор териб чиқиб осмонга бир қараб қўл силтаб қўйди. Ўзи ҳам ердагиларни ва ўтирганларни сурагга олди. Оқсоқол олдига

самимий табассум билан келиб "Одамларга қарата бир нима деб юборсинлар, таксир" деб қўйди.

– Гапимни ёзиб оласизми? – сўради оқсоқол кулиб.

– Албатта. Тарихимиз учун, келажак авлодлар учун эсдалик-да...

– Бўпти, – деди у ва ўрнидан туриб юртдош, миллатдошларига қарата ваъз ўқий бошлади. – Бу "қора дори" дегани неча-неча одамларнинг ёстиғини қуритаётган экан. Бизлар бўлса билиб-билмай шу гуноҳ ишларга қўл ураётибмиз. Энди ерларимизда бунақа ҳаром, ифлос гиёҳларни экмаймиз. Унинг ўрнига бугдой ва сабзавотлар етиштирамиз. Бугун сизлар бу қора дориларнинг охиргисини гувоҳи бўлиб турибсизлар! Энди бундан буён Гармчашмада уни кўрмайсизлар. Болаларимиз ҳам энди бунақа жирканч нарсани борлигини билишмасин!

Оқсоқол шундай дея давра олдида дангал чиқиб, ердаги опиумларни бир-бир оловга итқитди. Тўпланганлар "Ув-в!!!" деб юборишди. Кароматшо юрагини чангаллаб қолди. Сўнгра оқсоқол "Парто!" деб қопларга ишора қилди. Соқчилар кўкнори кўраклари солинган қопларни ҳам оловга ташлаша бошлашди. Нормурод ҳам қараб ўтирмади. Қоплардан бирини олиб оловга итқитди. Гармчашманинг беғубор осмонига қоп-қора, аччиқ тутун бўралиб чиқа бошлади. Тезлик билан Кароматшони ўраб олдилар. У орқаси билан йиқилган эди, уни ичкарига кўтариб кириб кетишди.

Шундан сўнг Бахтиёр Тўраев сўз олиб рус тилида тузилган далолатномани баралла ўқиб эшиттирди. Алибек бўлса уларни сўзма-сўз таржима қилиб турди. Хужжатда исми-шарифи зикр этилганлар қоғозларни имзолашди. Имзолар қўйиб бўлингач, Ақои Чоршанбе билан Бахтиёр Тўраевлар кучоқлашиб бир-бирларини кутладилар. Қарсақлар янгради. Афғонистонлик Исмоилия вакили ҳам қаттиқ таъсирланди. У ҳам бугунги тарихий кун билан миллатдошларини кизгин табриклади. Алоқа воситасининг экранда "Табриклаймиз! Ҳаммаси жойида" деган ёзув пайдо бўлди.

Шундан сўнг ўйин-кулги, шодиёна давом этди. Бахтиёр Табошар ва бир неча соқчилар билан далага бориб, нашо ғарамларига ҳам ўт қўйиб келишди. Қора тутун то тонгга қадар буруқсиб турди. Ўша тунда Кароматшонинг жони узилди. Инфаркт бўлганмиш...

* * *

Эртаси Кароматшонинг жанозаси ўқилди. Сўнгра карвондагилар ортларига қуруқ қайтдилар. Уларга йўлда тамадди қилиб кетиш учун егуликлар тайёрлаб беришди.

Иброҳим ва Сарвиғул ҳам сафарга тайёргарлик кўришарди. Бахтиёр, Муҳаммад овчи, Нормурод ва Алибеклар оқсоқолнинг ҳузурида нонушта қилишди.

– Энди бизнинг ҳам бу ердаги сафаримиз қариди. Қишлоғингиз учун нималар зарурлигини ёзиб олдик. Энди иложи бўлса сиз билан Оби-Хиночга бориб ишларимизни режалаштирсак. Кейин биз ўша ердан нари изимизга қайтамыз.

– Бўлмаса бугун тайёргарлик кўрайлик. Иброҳимни қандай олиб кетмоқчисизлар?

– Мен бошлиқ билан гаплашдим. Оби-Хиночга Халқаро Қизил Хож ташкилотининг вертолёти келадиган бўлди. У беморлар учун махсус ишланган. Шифокори ҳам бор. Бизни тўғри госпиталга олиб боради. У ерда Сарвиғул икковларига жой ҳам тайёрлаб қўйишади. Ўғлингиз Сангибекни махсус интернат-

мактабга жойлаштираман. У ерда уст-бош, беш маҳал овқат беришади. Тарбиячилар назоратида бўлади. Ўзбек, рус, инглиз тилларини, компьютер ва замонавий техникаларни ўзлаштиради.

– Анавинақасини ҳамми? – сўради оқсоқол Бахтиёрнинг кўлидаги аппаратни кўрсатиб.

– Ҳа. Ҳозир бундан ҳам зўрлари чиққан. Бутун дунёни бемалол кўриб, ҳатто гаплашиб турса ҳам бўлади. Уни интернет дейишади.

– Ўғлимга битта ўшанақасидан олиб берарсиз-да, хўпми?

– Албатта. Кейин сизга ҳам олиб бераман. Ўғлингиз билан бемалол гаплашиб тураверарсизлар.

Оқсоқол қалин қошларини кўтариб қўйди.

XVI боб. СЎҚМОҚЛАР БЎЙЛАБ

Эртаси Оби-Хиноч кўпригининг теварак-атрофи гармчашмаликлар билан гавжум бўлди. Барчанинг чехрасида хушнудлик кайфияти ҳукмрон эди. Улар бу ерга оқсоқол Ақои Чоршанбе бошчилигида от-улов ва пиёда етиб келишди. Мазҳабшо бошчилигидаги дурадгор усталар гуруҳи ташландиқ тошқўрғонни таъмирлашга киришиб кетишди. Субҳишо исмли қассоб янги иш бошланаётган жойда ишлар бароридан келиши учун бир улкан қўчқорни қурбонлик қилди. Бибизода исмли аёллар гуруҳи тушлик учун овқат тайёрлашга киришиб кетишди. Дарё бўйига улкан мисқозон ўрнатилди. Кимдир челаққа узун арқон боғлаб худди қудуқдан оладигандек қилиб сувни дарё тубидан тортиб олиб турди.

Оқсоқол меҳмонлари Бахтиёр, Муҳаммад овчи, Нормурод ҳамда Алибек, Табошар, Вадидшо ва яна бир неча соқчи йигитлар билан бўлғуси карвонсарой, бозор, чойхона, бу ерда келиб истиқомат қилувчилар учун уй-жой лойиҳаси ва бошқа шарт-шароитлар ҳақида мулоҳаза юритишарди. Оқсоқол Табошарга одамларини дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб икки тарафига, яна бир неча соқчи-овчиларни теварак-атрофдаги булоқлар, ов учун яроқли жониворлар, деҳқончилик қилиш учун ерларни ўрганиб келиш учун юборди.

Яна бир гуруҳ йўлда шошилмай келмоқда эди. Бу Сарвиғул, Али Қурбон, Сангибек, унинг акалари ва бир неча бақувват кишилардан иборат бўлиб, улар Иброҳим солинган замбилни навбатма-навбат елкаларига кўтариб олишганди. Чунки Бахтиёр Тўраев Халқаро Қизил Ҳож ташкилотининг "тез ёрдам" вертолётни Оби-Хиночга тушлиқдан сўнг етиб келишини аниқлаганди. Вертолётда Бахтиёр, Сарвиғул, Иброҳим ва Сангибеклар Тошкентга учиб кетишади ва тўғри госпитал ҳовлисида қўнишади.

Бахтиёр Тўраев йўл-йўлакай бугун эрталаб ўйлаб қўйган режасини Нормурод ва Муҳаммад овчига баён қилиб, уларга алоҳида топшириқ берди:

– Сизлар қолиб бу ёғига ҳам отлиқ кетарсизлар.

– Худога шукур, отимиз ҳам, жонимиз ҳам омон қолди, – деди Муҳаммад овчи. – Энди пиёда кетмаймиз, албатта.

– Тўғри, лекин Зардолуга эмас.

Овчи "Қаёққа бўлмасам?" дегандек "ярқ" этиб қаради. Бахтиёр уни тушуниб қулиб қўйди.

– Исфара томонга. Ахир янги ташкил қилаётган бозоримизга бозорчилар қайси йўллардан тез ва қийинчиликсиз етиб келишларини аниқлашимиз керакку.

Нормурод бошлиқнинг фикрини тушунди ва "Тўғри", деб тасдиқлаб қўйди. Бахтиёр фикрида давом этди:

– Хуллас, бу ердан борилса бўладиган сўқмоқлар, кишлоклар, сойлар, дарёлар, кўприкларни аниқлайсизлар. Тахминий харитасини чизиб берасизлар. Бошқа сўқмоқларни ҳам йўл-йўлакай одамлардан суриштирасизлар. Дуч келган йўловчидан "Исфарага қандай борилади?" деб сўрайверинглар, хўпми?

– Нега энди айнан Исфарага, Фарғона томонга эмас? – Сўради Муҳаммад овчи қизиксиниб.

– Чунки ўрганадиган йўлимиз отлиқ, эшакли, пиёда учун Ўзбекистон сари энг қисқа йўл бўлади. Бу йўлдан қурол-аслаҳа, наркотик моддаларни бемалол карвон билан олиб борса бўлади. Шунинг учун, келинлар, бу йўлни "Чаёнлар сўқмоғи" деб атаймиз.

– Дейлик "Чаёнлар сўқмоғи" Исфарага олиб боради. Хўш, кейинчи?

– Кейинми? Қайроққум сув омборига борилади. "Чаёнлар" қайиққа ўтириб ё сув омборининг у қирғоғига ўтишади ёки Сирдарёмининг оқимида қарши сузиб ҳеч қийинчиликсиз Бешариқ туманига кириб боришади. Хуллас, мен сизларни ўша ерда – Шодикозиқ қишлоғида кутиб оламан. Кейин Нормуродларникига бориб Нурмат муаллим билан тўй маслаҳатини қиламиз. Иннайкикин сизни Тошкентга олиб кетамиз. Куёвингиз билан қизингизниям кўриб келасиз-да.

– Ўх-хў, дунёни кезарканмизда-а?

– Сизга ҳам манагинақа аппарат совға қиламиз, малакангизни оширасиз. Кейин доимо алоқада бўлиб турамиз. Ойлик-маош тайин қиламиз. Хуллас, инсоният хавфсизлиги учун масъул шахслардан бирига айланасиз.

– Жа, кўтарилиб кетарканманда-а. Ундан кўра ўғлим Музаффаржонниям ўқитсангизлар яхши бўлармиди.

– Яхши фикр. Албатта ўқитамиз. Сангибек билан ўқийверишади.

– Ҳалиги, ўғлимнинг ўртоғи борку, етим...

– У ҳам ўқийди. Лекин уйингизга, чорваларингизга ким қарайди? Бундан ташқари Оби-Хиночдаги ишларга ўзингиз бош-қош бўлиб туришингиз керак бўлади.

– Бўпти. Ундай бўлса ҳалиги, бизлар ўтган Сурхоб дарёсигаям бир дона осма кўприк қуриб беринглар. Ўшанда агар бўзчининг моккисидай қатнамасам, одаммасман.

– Яхши. "Кўприк қуриш – улуғ савоб иш" деганлар. Мен буни ҳам ўз режамга киритиб қўяман. Натижада, бизнинг назоратимизда яна бир фаол сўқмоқ пайдо бўлади.

– Одамлар бозор-ўчарга келишади. Дўстлик алоқалари мустаҳкамланади.

– Ҳа, албатта.

Бахтиёр блокнотини очиб алланималарни қайд қилиб қўйди. Нормуроднинг хаёлидан бўлса негадир сув омборидан моторли қайиқда сузиб кетаётганлар ўтарди. Гўё Сирдарё соҳилидаги баланд қум тепалик устида бир қиз улар томон рўмолини силкитиб турарди. Бу Гулбиби эди... "Бошлиқ "тўй маслаҳати" деди. Демак, менинг тақдиримга бефарқ эмас. Бечора Муҳаммад ака, ҳамон сўққабош. У ҳам бирорта бева аёлга уйланиб олса яхши бўлармиди? Бева аёл, ҳа-я, ахир Кунсулув ая-чи?..". Нормуроднинг кўзлари "ярқ" этиб очилгандай туюлиб, хаёлига келган бир фикрдан ўзи кулиб юборди.

– Ҳа, тинчликми? – сўради Тўраев.

– Хаёлимга бир қизик фикр келди-да.
– Эшитсак бўладими?
– Бўлади, – деди йигит ва Муҳаммад овчи томон ишора қилиб яна кулди. – Муҳаммад аканиям уйлантириб қўйсак, нима дейсиз?
– Ёпирай, астағфируллох!... – деб юбоди овчи.
– Ҳа, нима бўпти? Яхши таклиф, – деди Бахтиёр.
– Тўғри. Сендек тушунган ўғилни садағаси кетай, дейманда.
Учовлари шодон кулиб юборишди. Олдинда келаётган оқсоқол бошлиқ отлиқлар тўдаси бир тўхтаб ортларига қараб олишди. Оқсоқол Алибекдан "Нима гап?" деб сўраган бўлди. "Ҳа, тинчликми?!" дея рус тилида Нормурод томон қичқирди Алибек.
– Ҳа, тинчлик. Муҳаммад ака ҳам уйланмоқчи бўлаяптилар.
Оқсоқол ва бошқалар ҳам кулиб олишди.
– Келин нақд, – деди оқсоқол қичқириб. – Менинг қайнонам бева, шу йили 118 ёшга кирдилар.
Ўртада гуриллаб кулгу кўтарилди.
– Майли, мен рози. – Овчи мутоибани давом эттирди – Фақат тўйга суратимни юбораман, холос.
Яна кулишди. Нормурод Бахтиёрга овчи нима деганини таржима қилиб берди. Аскияга беихтиёр Бахтиёр ҳам қўшилди.
– Акои Чоршанбе! Сиз куёв тўрадан асло қўрқманг.
– Нега? – деган жавоб келди Алибек орқали.
– Ака Муҳаммад суратга белигача тушадилар, холос.
Алибек уни таржима қилгач, гуриллаб шодон кулги кўтарилди ва бу овоз чўккилар бўйлаб таралди. Кулги турли миллат вакиллариининг юракларига самимийлик ва хушқайфият бахшида қилди. Улар шу тариқа ҳазил-хузул билан манзилларига қандай етиб келиб қолишганларини ҳам англамай қолишди.
Бахтиёр яхши мавзу бошлагани учун Нормуроднинг елкасини қоқиб миннатдорчилик билдириб сўради:
– Обба, сизей. Нима бўлса ҳам фарғоналиксизда-а, аскияга жуда уста экансиз.
– Йўқ. Мен аския қилмоқчи эмасдим. Муҳаммад ака чиндан ҳам уйланса ёмон бўлмасди, деб жиддий айтмоқчи эдим.
– Хўш, масалан кимга?
– Кунсулув холага.
– Ия, ануви бўлғуси қайнонангизгами?
– Ҳа, нима бўпти. Ўзим ҳалиги ўртакаш, жўракаш бўлармидим.
Бахтиёр бу гапни сал олдинроқда келиб отини бир дарахтга боғлаётган Муҳаммад овчига етказди. Овчи "Обба, хумпарей!" деб кулиб қўйди.
– Ҳой Нормурод! – деди у қичқириб, – кетадиганлар кетиб, ҳали ҳаммаси тинчисин, биз сиз билан алоҳида гаплашамиз, хўпми жўра!
– Жўра эмас, "куёвтўра" денг. Ахир сиз у кишига "қайнота" бўласизку!
– Кўёв жўра демоқчиман. Қанақа овсар командирсиз, ўзи?
Бахтиёр олайиб қараб қўйди. Яхшики, атрофдагилар ўзбек тилини тушунишмади. Овчи "тилим курсин" дегандек қошларини чимириб бир қулоғини чимчиб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди. У "командир" сўзини ўринсиз ишлатиб қўйганидан жуда хижолатда қолганди. "Ҳах, шайтоним курсин-а", дер эди, тинмай.

* * *

Аммо Муҳаммад овчи бир гали ўзининг топқирлиги ва тажрибали овчи экани билан кўпчилиكنинг, шу жумладан Акои Чоршанбенинг ҳам таҳсинига сазовор бўлди. Ҳатто Бахтиёр ҳам уни қутлаб кўлини маҳкам сиқиб кўйди. Орадаги хижолатомузлик барҳам топди. Воқеа шундай содир бўлди:

Маслаҳат кенгаши аъзолари эни 60, чуқурлиги 40 метрлар чамасида бўлган, тубида дарё шарқираб оқаётган жарлик устига ўрнатилган осма кўприк устида қизгин баҳслашиб қолдилар.

Масала "Агар мана шу кўприк бўлмаса инсон бир оз юки билан у қирғоқдан бу қирғоққа қандай ўтиши мумкин?" деган саволга тўхтаган эди. Кўпчилик "Бунинг иложи йўқ" дейишди. Муҳаммад овчи бўлса "Бунинг иложи бор, фақат эшак ёрдамида" деди. Тўпланганлар кулиб юборишди.

– Нима бало, қанотли эшагингиз борми, дейман-а? – сўради Акои Чоршанбе ним табассум билан.

– Йўқ, – деди овчи, – Бу жудаям осон, қанотнинг асло кераги йўқ.

Оқсоқол овчидан бу гапини батафсил тушунтириб беришини сўради.

– Бунинг учун бу қирғоқдан бир одам нариги қирғоқдаги одамга ёки ҳеч ким бўлмаса бирор дарахтга илгакли арқонни ташлайди. Сўнг бу учини эшагининг бўйнига маҳкам боғлайди. Шу арқонга осилиб одам бемалол ўтиб кетиши мумкин. Чунки эшак деган жонивор шундай қайсар ҳайвонки, уни жарликнинг қирғоғидан ўша жарга қараб тортсангиз у ҳеч қачон олдинга қараб юрмайди, балки жон-жаҳди билан олдинги оёқларини қирғоққа тираб тураверади. Битта эшак 100 килоли одамни бемалол кўтаради.

– Гапингиз рост бўлса уни тасдиқлай оласизми? – сўради оқсоқол.

Овчи пешонасини тириштириб, уни қашлаб олди.

– У қирғоққаку ўтишга ярамасам керак. Чунки қариб қолдим. Лекин жарнинг тубига эшак билан тушиб чиқишим мумкин.

– Ҳисоб. Эшак келтиринглар! Арқон ҳам! – Хитоб қилди оқсоқол.

Бир зумда бир эшагу 50 метрлар чамасидаги арқон муҳайё қилинди. Арқоннинг бир учи эшак бўйнига маҳкам боғланди. Ҳар эҳтимолга қарши яна бир арқонни боғлаб тортиб турадиган бўлишди. Мабодо эшак жарликка кулаб кетадиган бўлса уни ушлаб қолиш учун бақувват йигитлар тайёр туришди. Овчи устидаги чакмони ва бош кийимини ечиб кўйди "Қани омин, сафарим беҳатар бўлсин!" деб кўйди ва ёнига бир челақни боғлаб олди. Сўнгра, эшакнинг юзини меҳр билан бир силаб кўйдида, ўзи арқондан осилиб пастликка томон туша бошлади.

Эшак қаддини тик тутишга ҳаракат қилар, олд оёқларини ҳақиқатдан ҳам қирғоқдаги харсангтошга маҳкам тираб олганди. Кузатувчиларни тобора тубсиз жарлик томон тушиб бораётган овчи эмас, балки эшакнинг матонати қизиқтирмоқда эди. Ниҳоят ўн дақиқалар ўтгач эшакнинг бўйни холи бўлди. Овчи пастга тушиб олган кўринарди.

– Ҳой нима гап?! – дея қичқиришди тепадагилар. Шовқинли жарлик ичидан "Яхши!" деган ишора бўлди. Оқсоқол дурбинни олиб кўприк ўртасига борди ва Бахтиёрни имлаб чақирди. "Ина бинет" деди у дурбинни узатиб. Овчи ғимирлаб сув бўйида нимадир қилмоқда эди.

– Эҳ-ҳе-ҳей! Нима қилаяпсиз?! – қичқириб сўради Тўраев.

Овчи жавоб ўрнига кўлини силкиб қўя қолди.

– Эҳтиёт бошет! – дея қичкирди оқсоқол.

Орадан ярим соатлар ўтди чоғи, эшакнинг бўйни яна оғир юкни ҳис қилди – оёқлари керилиб ўзини орқага тортди. Йигитлар ҳам ҳушёрликни оширишди. Бир оз вақт ўтганидан сўнг эшак тумшугининг рўпарасида бакрайиб овчининг қорача башараси пайдо бўлди.

Уни юқорига тортиб олишди.

– Эҳтиёт бўлинглар челақдаги нарса тушиб кетмасин – деди у чиқа солиб.

У белига осилтириб челақни боғлаб олган экан. Челақ ичида бир оз сув бўлиб, унда бир жуфт катта-кичик қип-қизил хон балиқлар сузиб юришарди.

Ҳаммалари хурсандликдан қийқириб юборишди. Айниқса, Бахтиёр кувончининг чеки йўқ эди. Овчи челақни Бахтиёрга тутқазди.

– Бу сизга совға, шаҳардагиларга кўрсатасиз. Далилий ашё бўлади.

– Э, раҳмат. Сизлар энди бизни бундан буён форель билан таъминлаб турасизлар.

– Буюк саркарда Александр Македонский ҳам менимча мана шу балиқларга шайдо бўлиб Ҳиндистонга бора олмай қолиб кетган бўлса керак-да, – деди у беҳад кувониб.

– Бу гапда жон бор, – деди оқсоқол кулиб. – Бу тарихий жумбоқни биз еча олмайгандик, мана сиз ечдингиз.

Ҳаммалари Муҳаммад овчини олқишладилар. Уни кўтариб осмонга отмоқчи ҳам бўлишди.

– Э йўқ, нима қиляпсизлар. Эшакни кўтаринглар, эшакни! Ҳақиқий қаҳрамон у-ку, ахир!

Эшак бу гапни тушундими, тўсатдан шаталоқ отиб қочиб қолди. Бу ҳолат ҳам гулдирос кулгуга сабаб бўлди.

Аёллар тушлик тайёр бўлганини билдиришди. Бу орада кўприкдан ўтиш учун у томондан икки бегона йўловчи эшакларида юки билан ўтиб келишди. Улар бу ердаги гавжум одамларни кўриб аввалига бир оз иккиланиб ҳайрон бўлиб туришди. Сўнгра оқсоқолнинг "Келаверинглар, бемалол!" деган ишорасидан кейин ўтиб келишди. Ҳамманинг хурсанд, хушқайфиятда кўришиб, кўнгиллари хотиржам тортди. Уларни ҳам дастурхонга таклиф қилишди.

– Афсус, Бахтиёр ҳафа бўлмайсиз-да, ароғимиз қолмабди, – деди Алибек.

– Ана, келишдик. Ароқ энди биздан, хонбалиқ сизлардан бўлади, – деди у челақдаги балиқлардан бирини меҳр билан силаб. – Ҳа айтмоқчи, Алибек, овқатланиб олайлик, кейин сенда муҳим гапим бор. Иккимиз хув анави тепаликка чиқиб келамиз, хўпми?

– Вертолёт қачон келади?

– Яна икки соатларда. Иброҳимлар ҳам келиб қолишгандир.

Улар тез-тез овқатланишди-да, гўё метеоаппаратларни ўрнатиш учун жой танлагани баланд бир тепалик томон чиқиб кетишди. Муҳаммад овчи бўлса йўловчиларнинг ёнига ўтириб, уларни гапга солди. Нормурод гармчашмаликларнинг хатти-ҳаракатларига, билганича гап-сўзларига эътибор бериб, кўз-қулоқ бўлиб ўтирар, оғзи овқатдаю, қулоғи гапда эди. Чамаси ҳамма ишлар жойида бўлиб, ўз олдиларига нима мақсад қўйишган бўлишса, режалари кўнгилдагидек амалга ошаётганди.

Тепаликка чиқиб олишгач Бахтиёр даб-дурустан муддаога ўтиб қўя қолди. Чунки ҳадемай вертолёт келиб қолса кейин фурсати бўлмасди.

– Исминг Алексей Сорокин, шундайми?

– Ҳа.

– Шарифингчи?

– Андреевич.

– Демак, гап шундоқ, Алексей Андреевич. Биз бу ерга электр движок, унга ёқилғи, телевизор, компьютер, параболик антенна ва яна бир-иккита "об-ҳавони" кузатиш мосламаларини олиб келиб ўрнатамиз.

– Нима, ростдан ҳам об-ҳаво маълумотини йиғамизми?

– Йўқ. Кўрган кўзга, сўраганларга шундай дейилади. Асл мақсадимиз кўприкка нисбатан доимий видеокузатувни ўрнатиш бўлади. Ким, қанақа юк билан ўтаяпти ва қайси томонга кетаётгани доимий назоратга олинади. Параболик антенна ички мақсадда хизмат қилади. У ёрдамида сунъий йўлдош орқали ўзаро боғланиб турамиз. Манави аппарат билан фақат баъзи ҳоллардагина фойдаланиш мумкин. Лекин бу билан шахсинг аниқ қиёфаси ва хатти-ҳаракатларини аниқ кузатиб бўлмайди. Бу асосан Марказ билан тезкор боғланиш, маълумотлар алмашиш учун ярайдиган ҳолос. Эҳтимол кейинчалик янада такомиллашган аппаратлар ҳам яратилар.

– Жуда қизиқ экан, – деди Алибек аппаратни айлантириб кўраркан.

– Мана қара, буни қандай ишлатишни кўрсатаман. Агар Марказдан бирор хабар бўлса, манави қизил тугмача ёниб-ўчиб туради, "дудулаган" овоз келади. Агар хабар юбормоқчи бўлсанг, манави тугмалар билан 8371 кодиги терасан, – деди Бахтиёр ва бошқа алоқа жараёнларини ҳам тез тушунтира бошлади.

Алибек уларни тез ёдига олиб қоларди.

– Тушунарлими?, – сўради Бахтиёр ниҳоят.

– Ҳа, лекин менга буларни нега тушунтираяпсан?

– Чунки бу аппарат энди сеники-да.

Алексейнинг кўзлари порлаб кетди. "Йўғ-е!" деб юборди у.

– Ҳа, Алексей Андреевич. Мана, бир-биримиз билан бир оз синашта бўлдик. Сен энди шу ерда ишлайсан. Бу ердан ўтиб кетадиган қонунбузар контрабандачилар нафақат россияликларга, балки бутун дунё аҳолисига зиён-заҳмат етказмоқда. Шу ерда туриб ўз ватанингни ва бутун инсониятни ҳимоя қилмоқдамиз, деб ҳисоблайвер. Бу борада бизнинг Хоруғдаги Россия қўшинлари билан ҳам ўзаро келишувимиз бор. Бу ерни чегарачилар "2-фильтр" деб аташади. Биз "Фильтр"дан ўтувчиларнинг изидан тушамиз. Юкни кимга етказишини аниқлаймиз. Сўнг юкни қабул қилувчиларни далилий ашё билан қўлга оламиз.

– Эплай олармиканман?

– Эплайсан. Инсон дунёга бир марта келади, жўра. Иложи борида одамларга қай маънода яхшилик қилиб яшашимиз керак. Уларни умумий хавфдан асрамоқ керак. Болаларинг катта бўлишяпти. Нима, улар ҳам ёввойи бўлиб ўтишармиди. Бу ерликлар тараққиётдан анчагина ортда қолиб кетишибди. Хуллас, биз сенга ишонамиз. Сени ишга расмийлаштирамиз, ойлик маош белгилаймиз. Меҳнат фаолиятинг кетади, қарилик нафақанг тайин бўлади. Барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Сен энди расмий чегара ходими бўласан. Хўш келишдикми?

– Келишдик. Фақат бир илтимосим бор эди-да.

– Қанақа илтимос?

– Менинг ҳам ўғлимни ўқишга олиб кетсанг дегандим?

– Ҳа-я. Нега шу ҳақида ўйламадик. Эссиз, уни ҳам ҳозир олиб кетган бўлардим.

– Мен шуни айтмоқчи бўлувдим. Лекин у ҳам ҳар эҳтимолга қарши Сангибек билан бирга келаяпти, олиб кетсанглар-кетади, бўлмаса қолаверади.

– Эҳ, зўр иш бўлибди-да. Албатта олиб кетаман! Кел, бўлмаса Марказ билан бир боғланиб кўрамиз, – деди Бахтиёр ва алоқа воситасининг антеннасини чиқариб у ёққа рус тилида ёзиб хабар жўнатди.

– Паспортинг қаерники?

– Паспортим қизил, собиқ иттифокники, – деди Алексей.

– Ҳозир ёнингдами?

– Ҳа, – деди у ва титилиб сарғайиб кетган ҳужжатни чиқарди.

Бахтиёр унинг барча ёзувларини кўчириб ёзиб олди.

– Архивдан топиб оламиз. Хўш, ишлаймизми? – сўради Тўраев кўлини узатиб.

– Ҳа. Бор, таваккал, – деди рус йигит кўлини ташлаб.

Узоқда осмондан вертолёт овози келди. Ҳадемай бир қора нукта Қизил Ҳож белгили улкан темир кушга айланди ва теварак-атрофни тўзатиб оҳиста ерга қўнди. Бахтиёр билан Алибек пастлик томон ошиқшди.

* * *

Нормурод билан Муҳаммад овчи бетакрор тоғ даралари, мафтункор гўзал табиат қўйнидаги ёлғизоёқ сўқмоқлар бўйлаб отлиқ йўлга тушишди. Баъзан йўлда от-уловли ёки пиёда йўловчилар, қўй-эчкисини тўдалатиб ҳайдаган чўпонларга дуч келишарди. Овчи уларнинг ҳар бирлари билан иложи борица куюқ салом-алик қилар, боғдан-тоғдан суриштирар ва орада Исфара йўлини ҳам эслатиб кўярди. Тоғу тошда кўпдан буён ўзига суҳбатдош тополмай "жағи оғриб" юрган йўловчилар у билан жон деб гап сотишар ва билганларича саволларга самимий жавоб қайтаришарди. Шу туфайли йўлдан адашмай, дуч келиши мумкин бўлган "объектлар"га худди аввал ҳам бу ерларда бўлгандек кириб боришарди. Йўлда жуда кўп булоқлар, зиёратгоҳлар, тош билан қурилган қўтонлар ва чўпонларнинг пасткам уйлари ҳам дуч келишди.

Ана шундай қўтонларнинг бирида ғимирлаб юрган бир чўпон қораси кўринди. Муҳаммад овчи унга узоқдан туриб ўз тилида "Ҳо-хой, хормасинлар!" дея қичқирди. "Саломат бўлсинлар. Келинлар, меҳмонлар, бир пиёла чойим бор!" деб жавоб қайтарди чўпон.

– Биз чой ичмаймиз, "пой" ичамиз! – деди овчи кулиб.

– Қаймоқли қатик бор!

– Эчкиникими?!

– Йўқ, бияники!

– Биянгиз турмушга чиққанми, ўзи?!

– Э, қизиқмисиз, бўлмаса сут берармиди!

– Ҳай майли. Сўққабаш қолганимдан бери бия сути ичмагандим!

– Марҳамат, келаверинглар!

Икки ҳамроҳ уловларининг бошини беихтиёр қўтон томон буришди. Тушлик вақти ҳам бўлиб қолган учун қоринлари "помирча мусиқани" бошлаганди. Мезбон уларни тош билан қурилган чоғроқ кулбасига бошлаб кирди. Чўпоннинг оиласи тоғлик ғармий тожиклардан экан. Мезбон овчининг лаҳжаси, юз-кўзидан ўзининг қавмидан, қолаверса, зардолулик эканидан беҳад қувониб кетди. Шу туфайлими

жаврай-жаврай дастурхонга бор будини олиб келиб сочиб-сочиб ташлайверди. Қанд-курс, писта-ёнғоқ, курту туршак аралаш-куралаш бўлиб кетди. Нормурод унинг бу ҳаракатидан ҳайрон бўлиб аввалига ҳеч нима емай ўтираверди, овчининг оғзи бўлса гапдан ҳам, егулик чайнашдан ҳам тўхтамасди.

Мезбон бир пайт товоқда қўйилган қовун-тарвуз ҳам олиб келди. Аммо дастурхон устига оёқ кийими билан тўғри чиқиб келиб худди молнинг охурига ем солгандай сочиб, "Бгрет, меҳмон, бгрет" деб қўйди. Йигитнинг иштаҳаси гип бўғилди. Сўнгра бепарво қовун бўлагини тишлаётган овчига савол нигоҳи билан қаради.

– Олинг ўғлим. Нега ҳеч нима емаяпсиз? – сўради у.

– Туппа-тузук егуликларни нега сочиб ташлаяпти?

– Буларнинг одати шунақа. "Олавер-еявер" деб борини меҳмон олдиға сочишади. Бу улардаги "тўқлик-фаровонлик" дегани-да. Сочганларини тугиб олиб кетсангиз ҳам хурсанд бўлишади. "Меҳмон атои худо" дейишади.

Шу маҳал мезбон икки косада тўлатиб бир нима олиб кириб қолди. Уни кўрган Нормурод тўсатдан ирғиб ўрнидан туриб кетдида, шошиб бориб косаларни кўлидан олди, қатик экан.

– Ие, ҳа ўғлим? – деди овчи "Нега турдингиз?" деган маънода.

– Шундай яхши нарсани сочиб юборишмасин, дейман-да, – деди йигит ўзбек тилида.

Чўпон ўзбек тилини тушунмас экан шекилли, қавмдош меҳмонга ҳайрон бўлиб қаради. Овчи ҳамроҳининг "қип-қизил ўзбек" экани ва ғармийларнинг манавинақа одатларини билмаслиги ва кўлидаги қатикни сочиб юборади деб кўрқиб кетганини тожикчалаб дoston қилди. Икковлари мириқиб кулиб олишди. Шундан сўнг овчи ҳамроҳини таништирди. Унинг ҳатто яқинда боткенлик қирғиз кизга уйланаётгани, ўзининг куёв жўра эканини ҳам эслатиб қўйди. Ўзининг бўлса гармчашмада бир ўғли яна бир Исфарада бир қизи борлиги, ҳозир ўша ёққа кетишаётгани ва бу йўллардан илк бор юришаётганлари ҳақида узундан узок жавради. Мақсади Исфарага элтувчи энг қисқа ва айланма йўллар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш эди. Нормуродга кейинроқ тушунтиришни кўнглига тугиб қўйди.

Чўпоннинг исми Муборак экан. У ҳам ўз оиласи, бу ердаги шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди. Бир пайт эғнига еғи кенг ва узун миллий қўйлак, жиякли лозим кийиб, бошига катта-катта гулли улкан рўмол ташлаб олган аёли ёғоч товоқда шўрва кўтариб кирди. Муборак чўпон тоқчадан ёғоч қошиқлардан олди ва дастурхонда синдирилмай турган, қозонда пиширилган улкан юпка чавати нонларни бурдалаб шўрва ичига тўғради. Аёл бир тоғорачада яна шўрва сувидан олиб кириб қўйди. Тўғралган юпка устига яна шўрва сувидан қуйилди. Шундан сўнг учовлари таомни паққос туширишди. Тоғорачадаги шўрванинг ҳам, юпка чаватиларнинг ҳам ранги ўчди. Шундан сўнг йўловчилар қўл очиб мезбоннинг оиласига яхши дуолар қилишди-да, яна йўлга тушишди.

– Яхши одам экан, – деб қўйди Нормурод кузатиб қолган Муборак тоғага қуллуқ қиларкан.

– Ҳа, худога шукур, кўз тегмасин одамларимиз яхши, фақат баъзи пулдор сиёсатчиларимиз ёмон, холос. Героин сотишния, қурол савдосиниям ўшалар ташкил қилишади. Бу ажал уруғлари қанча кўп сотилса, демакки, шунча кўп инсон

курбон бўлади. Улар янаям бойишади. Аммо манави Муборакка ўхшаб биргина меҳмоннинг кўнглини олиш қўлларидан келмайди.

– Тўғри, – деди Нормурод, – Хориж киноларини кўрсангиз, ўша сиз айтган наркобизнес, мафиозчилар тўй қилишса биргина кўчқорни ҳам сўйишолмайди. Тик туриб қадахни чўқиштириб ғийбатлашиб юришади. Шу ҳам тўй бўлдию. Худди расмий мажлисга ўхшайди.

– Ҳа, ўғлим. Ўзбек билан тожик бир умр тўй қилай, янги иморат курай деб ўтиб кетишади. Тўй қилсаям ўша ўнта миллиардерларингдан зиёда қилишади. Афсуски, ўша сиз айтган зодагонлар инсониятнинг осойишта ҳаётини кўришолмайди. Улар одам ўлдириш билан пул топишади, бойлик орттиришади. Мен уларни одамни ичидан чиқадиган битларга ўхшатаман. Қани энди уларни тирноғинг орасига олиб битта-битталаб янчиб ташлай олсанг.

– Ҳай-ҳай, секинроқ, тошларнинг ҳам қулоғи бор-а...

– Эшитишса-эшитишар, кўрқадиган жойим йўқ... Эҳ афсус-афсус...

– Намунча куюнасиз, тоға?

– Мана шу кетаётган сўқмоғимиз наҳотки ўшанақанги маълунларга ҳам хизмат қилаётган бўлса. Ҳеч ишонгим келмайди. Тасаввур қилингда, ўғлим, курол-яроғ, наркотик юкланган карвон мана шу йўлдан ўтиб боради. Бай-бай-бай, уларни шу қора ер қандай кўтараркин-а?! Агар чиндан ҳам худо қудратли бўлса, зилзила пайдо қилиб ўша ғаламисларни тош билан янчиб ташлолмайдимиз?!

Овчининг негадир асаби қўзиб, чиндан ҳам жиғи-бийрони ошиб бормокда эди.

– Тоғажон, кўп бўғилаверманг. Буни кураш деб қўйибдилар. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Бу ерларга келишимиз кимнинг ҳам ҳаёлига келибди. Ахир биз шу мақсадда юрибмизку.

– Ҳа, тўғри айтасиз, ўғлим. Эҳтимол Яратган эгам сиз билан мени мана шу кураш майдонига бекорга юбормагандир. Бўлмаса сизлар қаерда эдинглару, мен қаерда?..

Тоғ даралари бўйлаб узок юришди. Баландлиги инсон белидан келадиган гиёҳли анвойи гулларнинг ҳиди эсни оғдирадиган даражада эди. Бир тепалик ёнбағрида тўхтаб, отларга дам беришди. Нормурод ўзини гуллар қўйнига чалқанча ташлаб, беғубор осмонда беозор парвоз қилаётган бир жуфт бургутни томоша қилиб ётди. Асалари ва бошқа ҳашаротларнинг ғинғиллаган товушидан кулоқ коматга келарди. Овчи ҳам ёнбошлаб ётиб ҳадемай пинакка кетди. Отлар бўлса хурсандликдан депсиниб, пишқира-пишқира асалариларни тумшуклари билан у ёқ-бу ёқ ҳайдаб, хушхўр ўтлардан чимдий бошлашди.

– Қандай ажойиб-а! – дея хитоб қилди йигит.

– Ҳа, ҳавосиям жуда бошқача, – деб қўйди овчи кўзларини очмай.

– Яна қанча юрарканмиз-а, тоға?

– Худо хоҳласа эртага Сурхоб дарёсига етиб оламиз. Кейин кўприк оркали Жирғатолга.

– У ўша мужоҳидлар лагери бўлган жойда-а?

– Ҳа.

– Демак, Боткенга курол-аслаҳа шу йўлдан борган эканда.

– Жирғатолдан машина қатнайдиган йўл бор. Бир томони Фарму Душанбе, бир томони Сўх у Хитой чегарасидаги Иркештом. Хуллас Қирғизистон ерларидан ҳам ўтамыз.

– Қирғизистон билан Тожикистон ўртасида чегарачилар йўқми, дейман?

– Ҳамма ёқ тоғу тошу музлик. Бу икки давлат жуда камбағал, аскарларни базўр боқади. Бир ёғи Афғон, бир ёғи бепоеён Хитой.

– Демак бу жойлар чиндан ҳам Ўзбекистон учун хавфли эканда.

– Ҳа ўғлим, шунақа... Йўлимиз ҳали анча олис. Энди бир зум дам олволайлик.

Шундай қилиб икки ҳамроҳ қаттиқ уйқуга кетишди. Фақат отлардан бирови безовта кишнаб юборгандагина кўзларини очишди. Бахтиёр Тўраевнинг юк ортилган оқ тулпори бир улкан қора чаённи босиб турарди...

– Осойишта оромимизни бузди-я, ярамас газанда! – деди овчи ва янчилган чаённи бир калтак учида олиб нарироққа итқитди. – Бизлар ҳамиша мана шу отлар каби ҳушёр бўлмоғимиз керак!

– Тўғри айтасиз, тоға. Бу тоғларнинг гўзаллиги одамни ром қилар экану, пайт пойлаб даф ҳам қила оларкан.

– Яшанг, ўғлим. Манави гуллар ҳиди одамни маст қилиб қарахтлаб қўйиши ҳам ҳеч гапмас. Яхшиям отлар, ўша чаён бор экан. Булар, эҳтимол, ҳаммаси яхшилиққадир. Бўлмаса ким билади, туни билан шу ерда қотиб қолармидик. Кетдик, йўлда давом этамиз.

– Ҳа, тунаш учун бизга бундай жойлар тўғри келмас экан. Бирор сой бўйига бориб ўша ерда чодир тикамиз.

– Ба пешми?!

– Олға!..

Улар шу тариқа қалин дарахтзор оралаб узок йўл юришди ва жуда баландликдан тушиб турган шаршара тагига етиб олишди. Шу ерда чодир тикишди. Шаршарадан келаётган лаззатбахш ҳаво, унинг латофати дилни яйратарди.

– Яратганга шукур, мана шундай гўзал жойларга етказганига шукур! – деб кўйди Мухаммад тоға.

Шаршара рўпарасида аланга ёкиб чой қўйишди, Акои Чоршанбе йўлга деб ажратиб берган қайнатилган кўй гўштидан олиб тамадди қилишди. Тун қўйнида, олов олдида узок вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Сўнгра шовуллаган овоз қўйнида мириқиб дам олишди. Аммо кўп ухлашолмади. Чунки бир қават одеял юпқалик қилдими, совуқдан жунжикиб чиқишди. Ҳали қош оқармаёқ шаршара олдидаги дарахтзор дарани булбуллар овози тутиб кетди. Эҳтимол шу туфайлими, барвақт уйғониб олов ёкишди ва шаршара овози билан уйғунлашиб кетаётган қушлар хонишини тинглаб нонушта қилишди. Уларни олдинда табиатнинг яна минг турли ажиб манзаралари, ёввойи ҳайвонот ва наботот дунёси, боз устига, уларнинг замирига яширинган ўргимчаклар тўри мисоли тарвақайлаб кетган сирли сўқмоқлар кутарди.

Нормурод йўл-йўлакай борган манзилларнинг маҳаллий номлари билан кўлбола харитасига белгилаб борди.

– Манави шаршаранинг номи нима экан, тоға?

– "Санги сиёҳ" дейишди, чамам.

– Энди қаерга бораркинмиз?

– Чилу чор чашмага.

– Бу нима дегани?

– "Қирқ бир кўзли булоқ" дегани. Демак шунақа муқаддас булоқ бўлса керакда. У ерни қадамжо зиёратгоҳ дейишади. Ана ўша ерда тушлик қиламиз. Кейин худо хоҳласа азим дарёга етиб оламиз. У ёғи бир қадам.

– Икки суткали йўл бир қадам бўлса энди бир қадамгина юрибмизда.

– Ҳа энди, борамизда, ўғлим. Бу йўлларда тез юриб бўлмаса...

Шундай дея Муҳаммад овчи бир мумтоз қўшиқни варанглатиб хиргойи қилиб кета бошлади. Уччала отлар туёғи унинг қўшиғига ҳамоҳанг "тақа-туқ" қилиб боришарди.

Тошлар остида ошган қирқ бир булоқ кўзларидан чиқиб келаётган зилол сув бир ўртача катталиқдаги кўм-кўк сойга айланиб пастлик томон шарқираб оқиб кетарди. Ана шу сой бўйлаб эса арава сикгули йўл кетибди. Булоқбошида муқаддас олабош балиқлар тўдаси ғужғон ўйнарди. Булоқнинг теваарак-атрофидаги дов-дарахтлар бўлса неча асрлардан буён кимлардир томонидан ният қилиб боғлаб кетилган латта-лутталар билан тўлиб тошганди. Булоқ ичига ташланган тангалар ялт-юлт қиларди. Айтишларича бу қадамжога бефарзанд эр-хотинлар келиб шу булоқда чўмилишиб, яхши ниятлар қилишса, албатта фарзандли бўлишармиш. Зиёратгоҳ теваарагида айвонли махсус сўри жойлар қилинган бўлиб, у ер зиёратчилар билан гавжум эди.

Муҳаммад овчи билан унинг ҳамроҳини бу ерда яхши кутиб олишди ва қурбонлик сўйиб хайру-эхсон қилаётганлардан бирининг дастурхонига таклиф қилишди. Овчи ўтирибоқ Қуръондан калима келтириб яхши дуолар қилди. Зиёфат қуюқ бўлди. Овчи ҳам гап бериб, ҳам гап олди. Яхши бўлди. Анчагина маълумот тўплашди.

Зиёратгоҳнинг шайхи бир мужоҳиднинг шу ерда ўтириб автомати билан булоқдаги муқаддас балиқларга қарата ўт очгани, булоқ сувининг ранги кип-қизил бўлгани, яраланган балиқларни олиб чиқиб пишириб ейишганини, бу ерда ҳар хил бузуқликлар қилишгани ҳақида гапириб берди. Даврадагилар уларнинг шаънига лаънатлар айтишди.

– Бу йўлда ҳар хил одам ўтади-да, тоғажон – деди бир ола чопон, гулдор попукли дўппи кийган ғармий йигит, – яхшиси ҳам бор, ёмон ниятлиси ҳам.

– Ёмон ниятлиларни фарқлаб оласизларми? – сўради овчи бурда суяк гўштини майдаларкан.

– Ҳа албатта. Мана сизларнинг самимий инсон эканингиз шундоқ кўриниб турибди. Уларники бўлса кўзлари бежо, худди чўғ устида ўтиргандай ўтиришади, – қўшиб қўйди шайх.

– Шунақалар кўп ўтишадими?

– Ҳа ўтиб туришади. Баъзилари шу сўриларда ётиб ҳам қолишади.

– Улар ким – афғонликларми?

– Йўқ. Ҳар хил миллат, ўзбек ҳам бор, хўжандлик тожиклар. Бир марта инглизлар ҳам ўтишган, кўпроқ бадахшонийлар, афғонистонликлар ҳам ўтишади.

– Эҳ-ҳе. Унда шу ерда карвонсарой қуриб, бозор ташкил қилсак ҳам бўларканку-а? – дея овчи Нормурод томон маъноли қараб қўйди.

– Албатта. Яхши бўларди, – деди кимдир.

– Э, йўқ бу ер муқаддас жой, унақа бозорларни дарё бўйида қилган маъқул, – дея эътироз билдирди шайх.

– Сурхобни айтаяпсизми? У ер яқинми? – сўради овчи.

– Шу ердан ўн чақиримча холос. Мана шу сой ёқалаб кетаверасизлар. Сув ўша дарёга қуйилади.

– Жирғатол кўпригичи узоқми?

– Дарё бўйлаб кетган тош йўлдан чапга беш чақиримча юрилади. Йўл ўзи олиб боради.

– Нима бошқа кўприк йўқми?

– Бор улардан отлик ўтиб бўлмайди, осма кўприк.

– Дарёда паромлар, кейин қайиқлар ҳам бор.

– Яхши. Биродарлар, бўлмаса бизга рухсат берсангизлар.

– Хўп, меҳмон. Мусофирнинг дуоси вожиб бўлади, дейишади. Мана шу акои Муҳаммадилло шаънига бир дуо қилсинлар, – деди шайх жиккакина ийманиб ўтирган бир йигитни кўрсатиб.

Овчининг ёнидаги попукли ола-була дўппи кийган йигит қулоғига шипшиди: "Бачаба фарзанд даркор...".

– Қани илоҳи омин, – деди Муҳаммад ака уни тушуниб, – Мана шу азиз жойларга яхши ниятлар билан келиб Муҳаммадилложоннинг қилган хайру-эхсонлари қабул бўлсин, худойим у кишига кўчқордай ўғил берсин!

Ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишди ва йўловчиларга оқ йўл тилаб кузатиб қолишди.

Дарё ҳақиқатдан ҳам унчалик узоқ эмас экан. Ҳадемай кўприкка ҳам етиб олишди. Дарёнинг у соҳилида бўлса машиналар бемалол қатнаётган йўл бор экан.

– Манави йўлдан машинада бемалол Душанбе, Хўжанд, Панжикент орқали Самарқандга ҳам борса бўлади.

– Исфарагачи?

– Исфарага ҳам Хўжанд орқали айланиб бориш керак. Бу жуда узоқ. Шунинг учун биз отлик сўқмалаймиз.

– Демак, Афғонистондан олиб ўтилган контрабанда юкларни шу ергача отуловда олиб келиб бу ёғига бемалол машинада олиб кетса бўлар экан-да, – деди Нормурод ўзича мулоҳаза қилиб.

– Ҳа ўлманг. Бу йўлдан ўнга қараб кетилса, Боткен, Сўх, ҳатто Хитойга ҳам кетса бўлади.

– Демак бу кўприкни ҳам албатта назоратга олиш керак экан.

– Ҳа. Мен ҳам шу фикрдаман. Нимадир қилиш керак. Чойхонами, ошхонами, билмадим.

– Бу биз учун 3-чегара бўлади.

– Жилла қолса мен Тожикистон ҳукуматига хат билан чиқиб шу ерга шлангбаумли ҳарбий пост қўйишларини илтимос қиламан. Бу ахир Тожикистон хавфсизлиги учун ҳам зарур-ку.

– Шу фикрингзи маъқулга ўхшайди. Иложи бўлса бошқа кўприкларни йўқ қилиб ҳамма йўловчини шу ердан ўтишга мажбур қилиш керак.

– Яхши. Сиз Бахтиёр Тўраевга шу таклифларимизни айтинг. Улар эҳтимол бу масалада ҳамкорлик қилишар. Энди бўлса жўнайлик. Исфарага Шўроб орқали кетамиз. Бу ёқда йўл унчалик оғир эмас. Чунки улар қадимий, серқатнов йўл деб эшитганман.

Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлиб чиқди. Бу тош сўқмоқдан арава ёки "Нива" русумли енгил машиналарда ҳам бемалол юрса бўларкан. Фақат қарши томондан келаётгани бир четга чиқиб йўл бериб кутиб туриши керак экан. Энди от-уловли,

аравали, мотоциклли, пиёда йўловчилар сони кўпайди. Йўлдаги сўлим жойларда чойхоналар, тунаб қолиш, дам олиш учун жойлар кўп экан. Бойваччаларнинг дала ховлилари, болалар ороғоҳлари ҳам кўп. Улар кечки оқшомга қадар Исфара дарёсининг бошланиши ҳисобланадиган оқ сойга етиб олишди. Сўнгра сой бўйлаб юриб Ворўхдаги шинам чойхоналардан бирида тунаб қолишди. Бу ерда қирғиз миллатига мансуб йўловчилар ҳам кўп учрар, улар асосан Лайлаклик ва Боткенликлар эди. Елкасига оқ дурани ташлаб олган шоп мўйловли чойхоначи одамларнинг миллатини тез ажратиб олар ва уларнинг тилида тилла тишларини кўз-кўз қилган ҳолда жилмайиб муомала қиларди. Нормуроднинг ҳамроҳига ўзбек тилида сўзлаганини пайқаб қолдими, дарҳол ўзбек тилида бийрон бўлиб муомала қила бошлади:

– Хуш келибсизлар, меҳмонлар, чой-пойлар борми? Ош дамлаб берайинми, гўштми?

– Бизга омихта қилиб шовла қилиб бера қолинг. Анчадан буён Ворўхнинг шавласини емагандим.

– Жоним билан. Сизлар Қўқонданмисизлар дейман-а?

– Бешарикдан, – деди атайин Нормурод.

– Эҳ-ҳа, мен ҳам асли Конибодомданман. Уйим Андарҳонга яқин. Ўзбекистонга бир жияним тушган. Тўй-тўйчиқ қилса бориб тураман, улар келишади. Хўш, мен бўлмаса овқат буюриб қўяй кейин бафуржа гурунглашамиз, хўпми? Сизлар бемалола-а...

Ўша куни ҳамроҳлар шоп мўйловли Шоқосим чойхоначидан кўп маълумотларга эга бўлишди. Маълум бўлишича бу йўлдан асосан Хитой, Эрон, Афғон молларини олиб ўтиб туришаркан.

– Ўзбекистонга қаердан олиб ўтишади? – сўради Нормурод.

– Қаердан бўларди?... – дея тилла тишларини ялтиратиб жилмайиб қўйди Шоқосим, – Биласизку ука, "шамол йўли"дан-да.

– "Шамол йўли", дейсизми? Нима товарлар хаводан учиб ўтадимиз? – соддалик билан сўради Муҳаммад овчи.

– Ие, отахон сиз хали "шамол йўли"ни билмайсизми?

– Э, йўқ.

– Фарғона водийсига шамол қаердан боради ўзи, биласизми?

– Қўқон шамоли ҳақида эшитганим бор.

– Ҳа албатта. Ўша айнан Қўқон шамоли бошланадиган жой Сирдарёнинг Қайроққумга қўйлиши жойи, яъни Хўжанд дарвозаси ҳисобланади-да.

– Э шундай демайсизми? Хўжанд дарвозаси доимо очиқ денг.

Чойхоначи билан овчи мириқиб кулиб олишди. Муҳаммад овчи пинакка кетгач, икковлари келишиб олган режа бўйича Нормурод чойхоначининг ёнига бориб секин сўради:

– Ўша "шамол йўли"ни бир бориб, кўрса бўлармикан-а, амаки?

– Албатта бўлади, – деди ва Нормуроднинг кўзига синовчан назар ташлади, сўнгра қулоғига аста шипшиди: – Нима сизда ҳам анавинақа молдан борми, дейман-а? – деб сўради у қўлининг жимжилоғи ва бош бармоқлари билан "қуруғидан" деган ишорани қилиб қўйди.

– Э йўқ. Унақа нарса билан шуғулланмайман. Мен ҳам бу ёғдан товар олиб ўтиб тирикчилик қилмоқчиман, холос.

– Ҳа тушунарли. Постни айланиб ўтмоқчиман, денг.

- Шунга бирор танишларингиз борми?
- Қанақа юк ўзи?
- Хитой моллари-да. Бизда уларни олиб ўтишни тақиқлаб қўйишган. Биласиз Қўқонда жаҳон бозори бор. Шу ерга етказиб туришим керак – деди Нормурод атайин ва қўшиб қўйди: – Сизниям куруқ қўймайман.
- Э яхши. Омон бўлинг, ука. Менку товар олиб ўтмаганман. Лекин ёшлигимда дўстларим билан балиқ овига кўп борардик.
- "Шамол йўли"гами?
- Ҳа, ўша дарвозага. Балиқлар уруғ қўйиш учун баҳорда Сирдарё суви бўйлаб юқорига сузиб кетишади, кейин август ойларида қайтишади. Жуда кўп тутардик.
- Демак у ер "Балиқ йўли" ҳам эканда.
- Шунақа десаям бўлаверади. Чойдан ичсинлар, – деди Шоқосим суҳбатдошига илтифот билан. – Хуллас, сузиб бориш қийинмас. Қайиқларда, молни сувда олиб ўтиб берадиганлар сероб. Пулини тўласангиз бўлди. Сувдаги таксида у...
- Нима, у ерда чегарачилар йўқми?
- Йўқ ҳисоб. У ерда дарё инспекторлари моторли қайиқ билан баъзан ўтиб қолишади. Шунда қармоқни ташлаб тек тураверасиз. Таксистларнинг қармоғи ҳам, ов учун рухсатлари ҳам бор. Лекин май, июн ойлари балиқ овлаш мумкин эмас.
- Нега?
- Балиқлар урчидиган маҳали бўлади-да. Бу пайтда тугилган балиқни еб ҳам бўлмайди.
- Ўша қайиқчи-таксистларда бирор ишончли танишларингиз йўқми?
- Уларни ўғлим билади. Истасангиз унга хат ёзиб бераман, ёрдам қилади.
- Бизнинг отларимиз ҳам борку.
- Э шунақами? Унда отларингиз ўғлимникида қолаверади, қайтишда олиб кетаверасизлар-да. Нима анави ҳамроҳингизни ҳам олиб ўтмоқчимисиз?
- Ҳа. Биз йўлда ҳамроҳ бўлиб қолдик. У кишини уйимизга олиб бориб меҳмон қилмоқчиман. Кейин бозордан ул-бул олмоқчи экан, ёрдам бераман.
- Яхши, – деди Шоқосим ва бир қоғоз олиб хат ёзиб узатди. – Мана, меҳмон. Ўғлимнинг исми Ўрмонжон. Уйимиз шундоқ темирйўли бекатига яқин, йўл бўйида. Шоқосим аканинг ўғли, десангиз ҳамма танийди.
- Нормурод Шоқосим акага чуқур миннатдорчилик билдирди.
- Ҳамроҳлар хўроз қичқиргани ҳамона уйғонишиб нонушта қилиб олишди-да, Шоқосим чойхоначи билан самимий хайрлашиб йўлга тушишди. Энди борар жойлари, манзиллари аниқ эди.

* * *

Ўрмонжон дадасининг илтимосини беками-кўст бажарди. Ўзи ҳам балиққа ишқибоз экан. Бир яқин танишини топиб тунда унинг қайиғида тўртовлон "шамол йўли" томон кетиб, ҳеч қийинчиликсиз "балиқ йўли"га чиқиб олишди. Қайиқчи-таксистнинг исми Валижон экан. Маҳобатли азим Сирдарёнинг оқимиға қарши сузишнинг ҳам ўз сир-асрори бор экан. Улар сув оқими тез бўлган дарё ўрталиғидан эмас балки камишлар билан бурканган сувнинг тинч жойида кетишди. Йўл-йўлакай қармоқни сувга ташлаб балиқ тутишди. Чиндан ҳам балиқ кўп эди. Йўл-йўлакай ўзларига ўхшаш "браконер" қайиқлардан бирига ҳам учради. Улар юк

ўтказиб келаётган бўлишса керак қайиқ эгаси Ўрмонжонни таниб, ундан ҳолаҳволни сўраб суриштириб ўтиб кетаверишди.

– Улар оқимдан тез қайтишса ҳам бўлардику? – сўради Нормурод Ўрмонжондан.

– Улар ҳам бизга ўхшаб балиқ овига чиқишганда. Балиқни тинч жойда тутилади, – деди Ўрмонжон охиста эшакни эшаркан.

Кўп ўтмай Нормурод ҳам эшакни сўраб ўзи ўтирди. Қайиқ бакувват қўллар хукмига тез кўникди ва ҳадемай Ўзбекистон чегараларига тегишли ҳудуддан ўтиб боришди. Дарё қирғоғига Ўзбекистон чегарасини англатувчи белгига кўзи тушган Нормуроднинг юраги беихтиёр хапқириб кетди.

– Ур-ра, етиб келибмиз! – дея қичқирди у.

– Ҳой, қичқирманг. Чегарачилар бўлиши мумкин. Бизни қамаб қўйишади, – деди киракаш қайиқчи.

Валижон эшакни ўз қўлига олиб жуда хушёрлик билан шалоплатмай қайиқни атайин қамиш ёки бошқа қорайиб кўринган тўсиқлар ортига олиб қирғоқ бўйлаб сузиб борар, қўл фонарларини ўчиртириб қўйганди.

– Биз энди қайтамыз, – деди у ниҳоят. Қаишзор орқали анави сўқмоқ билан бир оз юрсанглар тупроқ йўл келади. Кейин бир чақиримча юрсанглар Шодикозик қишлоғи бор. У ёғига бемалол.

Нормурод киракашнинг йўл ҳақини узатди ва Ўрмонжон билан қуюқ хайрлашди.

– Меҳмон бўлиб кетинг, Ўрмонжон.

– Э йўқ. Эрталаб ишга боришим керак. Бирор фурсати бўлиб қолар. Қайтишда тушаверасизлар.

– Ҳа, отларимиз сизга омонат.

Ўрмонжон ушалган балиқлардан катта-каттасини пакетга солиб узатди.

– Манави сизларга меҳмон ҳам қилолмадим.

– Э йўқ. Ўзингизгачи?

– Биз Валижон билан яна ушлаймиз.

Улар дарё қирғоғида хайр-хўш қилиб қолишди. Қайиқдагилар ўрталик оқимгача сузиб боришди-да, ой нурлари чароғон қилиб турган дарёнинг оқими бўйлаб тез сузиб кетишди.

Икки ҳамроҳ шамолларда шовуллаб тебранаётган қалин қаишзорлар оралаб боришаркан она ер тупроғи билқиллар, кулоқни батанг қилаётган қурбақалар вақирю чивинларнинг юз-кўзларини очирмаётгани Нормуродга роҳат бахш этарди. Шу туфайлими, у дадил илдамлаб борар, кекса овчи бўлса, кўп ўтмай анчагина ортда қолиб кетди.

* * *

Вертолёт шамолларда доимо ўз жойини ўзгартириб турадиган улкан қумтепалик ёнига қўнди. Бу ер белгиланган жой эди. Бахтиёр Тўраев ҳаво кемасидан ирғиб тушиб келдида, ҳамроҳлари билан қучоқ очиб кўришди ва уларни тезроқ қум тўзонидан қутқармоқ учун ҳаво кемаси томон бошлади. Кема Сирдарёнинг Қайроққумга қуйилиш қисми ва Шодикозик қишлоғи устида гир айланиб дарё бўйлаб парвоз қилди.

– Нормурод яхшилаб қаранг. Манави Сирдарё энди сизнинг иш жойингиз бўлади. Бошлиқ сизни бу ерга "Дарё инспектори" этиб тайинламоқчи.

Шодикозикдаги котеждлардан бири сизники бўлади. У ерда оилангиз билан яшайверасиз, тушунарлими?!

– Нима, ота-онам биланми?

– Ҳой овсар бола, командир Гулбиби билан демоқчи, – дея гапга аралашди Мухаммад овчи жилмайиб.

Номрурод ширин энтикиб олди. Юраги гупиллаб уриб кетганди.

– Бир ўзим ишлайманми? – сўради у довдираб.

– Э йўқ. Бу ерда бизнинг махсус кичик бўлинмамиз бўлади. Бўлинманинг зиммасига энг масъулиятли вазифа юклатилади. Мана сизлар ҳозир бемалол ўтиб келдинглар, тўғрими?

– Ўз энасиникига келгандай, албатта, – қўшиб қўйди овчи кулиб.

– Бу ер ватанимизнинг дарвозаси бўлади, – деди Бахтиёр Тўраев.

– Хўжанд дарвозаси. Сизлар ана шу дарвозага қоровул бўлар экансизлар, – деди овчи.

Овчи Бахтиёрнинг қўлига самимий қўл ташлади.

– "Шамоллар йўли"га ҳам – қўшиб қўйди Номрурод.

– Анавини қаранглар дарёнинг бу юзи Тожикистон, бу юзи бизнинг Бешарик тумани. Бу масофа 30–40 километрча бўлса керак. Контрабанда моллари олиб ўтиш учун жуда қулай жой.

– Ҳа, хизматингиз жуда оғир бўлиши кўриниб турибди, ўғлим.

– Бундан баттариниям кўрдикку, тоға.

– Сизларни "сўқмоқлар"ни ўрганиш учун бекорга юбормадим. Энди яхши тасаввурга эгасизлар деб ўйлайман.

– Ҳа, биз айтадиган таклифлар кўп. Сиз ҳам Бахтиёр, хали кўп иш қилишингизга тўғри келади.

– Ҳаммамиз биргаликда, албатта.

– Ҳа, ёдимдан кўтарилмай айтиб қўяй: Жирғатол кўпригини албатта назоратга олиш керак. Чунки у ердан бу ёғи Хитой, бу ёғи Ургутгача машина йўли бор экан.

– Демак Сурхоб дарёсини ҳам назоратга олиш керак. Ҳай майли, пойтахтга етиб олайлик, сизларнинг барча таклифларингизни пухта ўрганиб чиқамиз.

Шу маҳал дарё ортда қолиб вертолёт йўналишини пойтахт билан водийни боғловчи автойўл устидан уча бошлади.

– Анавилар нима экан-а, ахудди тоғдаги чумолиларга ўхшашадия, кўнғизлариям бор..., – деди овчи пастга хайрон тикилиб.

– Бу довон йўли. Уни кенгайтириб таъмирлашмоқда. Кейинчалик Тошкент билан Қашқарни боғловчи халқаро йўлга айланади. Шу тариқа қадимги "Буюк ипак йўли" қайта тикланади.

– Эҳ-хе, қойил-е! Машиналарнинг қўплигини... Ана қаранглар худди чумолиларга ўхшаб битта ковакка кириб кетишаяпти.

– Ковак эмас, бу тунелку, тоға – деди Нормурод.

– Нима? Қанақа тунел?

– "Тешик тоғ", дегани.

– Эшак билан ҳам кирса бўладими? – сўради овчи соддалик билан.

– Эшаклар, кузғунлар, чаёнлар алоҳида сўқмоқлардан юришади, – дея жавоб берди Бахтиёр маъноли қилиб! – Биз билан сизнинг вазифангиз ана шу сўқмоқларни назорат қилиш.

– Ҳа, тушундим, обба сизей, – деб қўйди овчи ва Бахтиёр Тўраевнинг елкасини самимий қоқиб қўйди.

Довон тугаб энди вертолёт шаҳар ва кишлоқлар устидан учиб ўта бошлади. Бунақа гавжум, серодам жойларни илгари кўрмаган овчи ҳайронликда бошини силтаб "Хай-хайлаб" борарди.

– Ҳай-хай, мамлакатларингизга кўз тегмасин! Қурилишларни қаранг, техникаларни кўринг. Ўзбекистон анчагина ривожланиб кетибди, бай-бай-бай. Бизни Тожикистон бўлса эллик йиллар орқада қолди-ёв!

– Чунки у ерда фуқаролар уруши бўлди. Афғон чегараларининг аҳволини кўриб турибсиз, осойишталик йўқ. Мамлакат иқтисодиёти ёмон аҳволда.

– Ҳа тўғри, ука. Сизларга ҳавасим келади. Кўриб турибман, ватанларинг осойишталиги учун ҳар бирларинг чинакам қайғурасизлар. Бўлмаса афғон чегараси қаердаю Шодиқозик қаерда?...

XVII боб. ЭЛЛИК ДОЛЛАРЛИ ЭШАК

Орадан бир неча йиллар ўтди. Бу орада Нормурод Гулбиби билан турмуш қуришди ва чегарадаги Шодиқозик қишлоғига хизматга бориб, ўша ерда истиқомат қила бошлашди. Муҳаммад овчи бўлса Кунсулув аяни никоҳига олди ва уни Зардолуга олиб кетди. Шу туфайли овчи Нормуродга расман, Иброҳимга бўлса норасман қайнотага айланди. Натижада "Зардолу – Оби-Хиноч – Жирғатол – Шодиқозик" чизмасидан иборат қардош куда-андаларнинг ришталаридан кўринмас "ички чегара"га асос солинди.

Ўзбекистон ҳукумати табиий офатларда жабр кўрган Тожикистон аҳолисига юборган халқаро ҳайрия эшалони таркибида тоғли Бадахшондаги Гармчашмаликлар учун йўналтирилган электрдвижоклар, ўқув жиҳозлари, доридармонлар, иссиқ кийим-кечаклар, озиқ-овқат, кўприкларни таъмирлаш ва уйлар қуриш учун қурилиш материаллари, чодир ва кўрпа-тўшаклар ҳам бор эди.

Иброҳим операциядан яхши чиқди ва энди кўлтиқтаёқ билан юра бошлади. Уни эндиликда хизматни давом эттириш учун Сурхоб кўпригига юборишмоқчи. У ерда Сарвигулнинг номига "Мини-маркет" очишмоқчи эди. Аммо савдо-сотик ишлари яхшими ёки "Автомобилларга хизмат кўрсатиш шахобчаси" очган дурустми? Бу масалани ҳал қилиш вазифаси Муҳаммад акага юкланди.

Кўприкдан ўтиб келадиган ҳар бир юк ва улар ортиладиган машиналар ва уларнинг йўналишини албатта назоратга олинмоғи зарур эди. Демак доимий видео кузатув ва алоқа воситалари туну-кун ишлаб туриши лозим. Бундай кузатув пунктларини бошқа "кўринмас чегара" нуқталарида ҳам ташкил қилиш масаласи билан унвони бир поғонага кўтарилган Бахтиёр Тўраев шахсан ўзи машғул эди.

Кунлардан бир куни унинг ҳузурига алоқачи-оператор йигит кириб келди:

– Рухсат этинг, ўртоқ майор.

– Нима гап?

– Алибекдан муҳим хабар келди. Шубҳали юк ортилган эшаклар қарвони Жирғатол томон йўл олганмиш.

– Нима?! Муҳаммад ака билан боғланинг. У киши зудлик билан Сурхоб кўпригига етиб борсин. Э йўқ, яхшиси менинг ўзимга уланг, ўзим тушунтираман.

– Ҳўп бўлади, ўртоқ бошлик.

– Ҳа кейин Нормурод Тўйчиев билан боғланинг, менга тез қўнғироқ қилсин!

– "Шамол йўли"дагини айтаяписизми?

– Ҳа-ҳа, ўша, Шодикозик.

Сержант йигит честь бериб чиқиб кетди. Кўп ўтмай ўша табиатан қувнок Муҳаммад овчи билан алоқа боғланди.

– Алло, Муҳаммад ака, ассалому-алайкум. Қаердасиз?!

– Во-алайкум-ассалом. Мен Оби-Хиночдаман.

– Карвондан хабарингиз борми?

– Ҳа-ҳа, Алибекка ўзим айтдим.

– Ундаги юкнинг нималигини аниқладингизми?

– Аниқладим. Қурол-яроғ, яна аллам-бало порохга ўхшаган кукун бўлса керагов. Озгинаси ерга тўкилган экан, ёқиб кўрдим, пишиллаб портлаб кетди.

– Тахминан қанча юк бор?

– 42 та эшакда 14 отлик киши, тожик-ўзбек аралаш чопонини ичида қуроллари бор.

– Буни қандай билдингиз?

– Эшагим ёрдам қилди.

– Э, қўйинг ҳазилни. Мен жиддий сўраяпман.

– Мен ҳам сизга жиддий айтаяпманда, ахир!

– Узр, тоға. Менга батафсил маълумот керак.

– Хўп. Эшитинг бўлмаса ука. Мени бир чиройли қанжиқ эшагим бор. Уни кўприк олдида атайин боғлаб қўйганман. Алибек унинг пешонасига узукнинг кўзидай телевизорга оладику, халиги нима дейди?...

– Ҳа-ҳа, тушунарли. Гапираверинг!

– Ўшанака нарса ўрнатиб қўйиб қўйди. Ўзи ичкарида компьютерда келган-кетганни кўриб ҳам овозларини эшитиб попирос чекиб ўтирарди-да. Хўш... Хуллас, анави карвондаги эшаклар ичида бир хангиси ҳам бор экан. Ўшанга мени эшагим ёқтиб қолибди-да, қаранг. Уни шунча савалашсаям юрмай, искалиб тураверибди. Кейин халиги ханги жаҳл қилиб "Ана бўлмаса, севгимга тўсиқ бўлганинг учун" деб шаталоқ отиб юборган экан устидаги юк ерга ағанаб тушибди. Мен ичкарида овқат қилаётгандим. Шарақлаган овозни эшитиб қолдим. Бу худди темир-терсак ерга тушганига ўхшарди. Чопиб чиқиб қарасам, ҳақиқатдан ҳам яшик очилиб кетиб ичидан бир неча автоматлар сочилиб кетибди. Уни тез йиғиштира бошлашди. Мен уларни сезмаганга олдим. Буларни ҳаммасини Алибек хотирага ёзиб олибди. Улар юкларни боғлаб бўлишганларидан кейин, атайин ёнларига бориб эшагимни ечиб олдим. "Эшагим сизнинг эшагингизга ёқиб қолибди, хоҳласангиз сотаман" дедим. Бу гап карвонбошига маъқул тушди, қўлимга 50 доллар тутқазди. Мен "роҳи сафед!" деб қолавердим.

– Эшагингизни олиб кетишдимми?

– Ҳа-ҳа, у 43-эшак бўлди, охирида кетди. Унга ҳам бир нима юклашди, шекилли.

– Эшакдаги мослама турибдимми?

– Ҳа. Уни эшагимдан бошқа ҳеч ким билмайди.

– Яшанг! Зўр эшак экан. Унга медал бериш керак!

– Йўқ медалмас, унга битта яхши куёв керак, холос.

– Баракалла, Муҳаммад ака! Мана шундай ишлаш керак! Мен бўлмаса Алибек билан боғланман, саломат бўлинг.

Бахтиёр Тўраев Алибек билан рус тилида "Алексей Андреевич приветствую! Какие у нас успехи?" – дея гап бошлади. Алексей эшакдаги видеоалоқа мосламасининг шифрини айтди. Бахтиёр оператор билан боғланиб уни тўғридан-тўғри бошқарма бошлиғининг хонасидаги улашни буюрдида, ўзи ҳам ўша хона томон чопди.

– Рухсат этинг, ўртоқ генерал!

– Нима гап?

– Экранингизни ёқинг. Муҳим хабар бор!

Тўғридаги катта экран ёқилди. Унда эшаклар ўртасидаги ишқий мулоқот, сўнгра юкнинг ағанаши, овтоматларнинг ерга сочилиши..., Муҳаммад овчининг келиши, унга пул тутқазишлари, ҳар хил тушунарсиз ҳаракатлар ва кетаётган карвон худди кинолардаги каби тасвирларда намоён бўлди.

Бошлиқ бир тугмачани босди: "Барча бўлим бошлиқлари! Зудлик билан менинг хонамга!.. Барча чегара қисмлари, чегара постлари жанговар ҳолатга келтирилсин!" деган хитоб янгради.

Зум ўтмай бўлим бошлиқлари кириб келишди. Бошлиқ уларга "Экранга эътибор беринглар!" дегандай ишора қилди. Экранда аста юриб бораётган эшакли карвоннинг орқа томондан кўриниши акс этмоқда эди.

– Ўртоқ зобитлар! Кўриб турганларингиз ҳозир тўғридан-тўғри жонли кўрсатилмоқда. Бу карвон юртимиз чегараларига қараб келмоқда! Ўртоқ Тўраев ўзингиз батафсил тушунтиринг.

– Хўп бўлади, ўртоқ генерал. Хуллас, бу карвон тўғри Афғон чегарасидан ўтиб ҳозир Жирғатол томон келмоқда. Видео кузатув мосламамиз бир эшакнинг пешонасига ўрнатилган. Бизнинг тахминимизча карвон Жирғатол яқинидаги Сурхоб кўпригидан ўтиб ё юк, яъни қурол-аслаҳа машиналарга юкланиб тарқалади ёки тўғри Исфара томон йўналади. Демак, барча Жанубий Фарғона чегарадагилар хушёр туришлари керак. Карвон юки таркибида қурол-аслаҳадан ташқари бизга номаълум бўлган қора кукун ҳам бор экан. Бу кукун портлатувчи модда бўлиши мумкин, ва демакки, бевосита террорчилар учун хизмат қилади.

Сўзни бошлиқ давом эттирди:

– Карвоннинг ҳар бир қадами иложи борица кузатувга олинсин! Бу юк қаердан ўтиб келади. Уни кимлар кутмоқда ва нимани мақсад қилинган? Бу бўйича барча бўлинмалар зудлик билан иш олиб боришсин! Қамокхонадаги қўлга олинган барча қўпоровчилар, "Ҳиз-бут таҳрир" экстремистлари айнан шу масалада қайта сўроқ қилинсин! Уларнинг гумашталари, шубҳа остига олинган шахслар кузатувга олинсин! "Карвон" операцияси тугамагунча барча чегаралари бўйича жанговар ҳолат эълон қилинсин! Тушунарлими!

– Тушунарли!!!

– Сизларга рухсат. Майор Тўраев, криминалистика бўлими бошлиғи майор Тўлаганов! Сизлар қолинглар... Анави карвонни олиб кетаётганларнинг шахсни аниқлашга уриниб кўришимиз керак. Эҳ, ўша карвонда ўз одамимиз бўлганида эди!.. Хуллас, видеотасвирни туну-кун кузатасизлар. Улар ҳали дам олишади, овқатланишади. Нима ҳам қила олардик, эшагимизга омад тилаймиз, холос. Тушундингизми ўртоқ майор?!

– Тушунарли, ўртоқ генерал!

– Бажаринг! Менга ахборот бериб турасиз. Ана биттасининг башараси аниқ кўринди. Зудлик билан унинг шахсини аниқлашга ҳаракат қилинг.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ!

Майор чиқиб кетди ва бошлиқ Тўраев билан ўзаро мулоҳаза қилиб видеокузатув томошасини давом эттиришди. Бир фурсатдан сўнг майор рухсат сўраб қайтиб кирди.

– Ўша одамнинг шахсини аниқладик. Оллоберди Ҳақбердиев, 1953 йилда туғилган, Тожикистон фуқароси, миллати ўзбек. Одам ўлдиргани учун муқаддам судланган ва қамалган. 1997 йили Қўрғонтепа шаҳридаги қамокдан қочган. Ҳозир қидирувда экан хавфли рецедивист.

– Раҳмат, ишингизда давом этинг! Сизга ҳам рухсат Тўраев. Ҳа айтмоқчи, анави одамингиз борку эшакнинг эгаси.

– Ҳа-ҳа, Муҳаммад ака.

– Унга айтинг, карвоннинг изидан тушсин. Эҳтиёт бўлсин.

* * *

...Сурхобдан, Муҳаммад акадан хабар келди. Карвон юкининг деярли ярми оқ фургонга юкланибди. Бу сунъий йўлдош орқали тасвирда ҳам ўз тасдиғини топди. Қолгани араваларга ортилиб Исфара томон йўналди. Одамларнинг олтитаси фургонда Душанбе томон кетишди. Аммо кейинги кунлари оқ фургон кузатувдан йўқолди. Муҳаммад овчи бўлса икки арава ҳамда саккиз отлиқлар изидан бораверди. Унинг эшагини арава ортига боғлаб олишган, шунинг учунми анча "хафа" кўринар, ерга қараб исканиб борарди.

Шодиқозикда операцияга қизгин тайёргарлик кўрила бошланди. Дарё ўртасидаги оролчага видеокузатув мосламаси ўрнатилди. Гулбиби ва балиқ ови учун дам олгани келган Нурмат муаллим дарё соҳилига келаётган бегона одамларни киши билмас суратга олишар, ўзаро суҳбат қуриб, гапга тутишарди. Гулбибининг суратга тушириш мосламаси унинг балиқчиларга гумма сотиб келадиган карзинкасига, Нурмат аканики бўлса бевосита қармоғига ўрнатилган бўлиб у кун бўйи соҳилда балиқ тутиб ўтирар, баъзида эса, келини унга егулик олиб келиб сўнгги ахборотлардан воқиф қиларди. Дарё инспектори Нормурод ҳам баъзан маторли қайиғини вариллатиб ўтиб қоларди. Баъзан у ҳам Гулбиби ёнига келиб у олиб келган егуликларни олардида, оролгача бориб у ерда пистирмада ётган махсус отряд аскарлари билан тамадди қилиб оларди. "Сухой поек" жонларига теккан аскарлар Гулбиби пиширган балиқ димлама, бешбармоқ ёки у юборган иссиқ пиёзли нон, картошкали гуммани мазза қилиб еб олишарди.

– Ўртоқ лейтенант яқин қолишдими? – сўради қора ниқобини тушириб олган сержант Мансуров.

– Ҳа улар бугун кечаси шу ерда бўлишади. Тожикистон қирғоғидаги ҳув анави иккита балиқчини кўраяпсизларми? Кўздан қочирманглар, хўпми?

– Биз томондагичи?

– Ҳув анави, отам. Яна тўртта балиқчи, кейин бир хонадонга балиқхўрликка келган меҳмонлар бор, холос.

– Ие, ўртоқ лейтенант гумманинг ичида хотинингиз ёзган хат бор эканку.

Нормурод хатни ўқиб кўрди. Унда Жаббор сарикникига аллақандай тўртта нотаниш меҳмонлар қўноқ топишгани, мотоциклда яна иккитаси келишганини ёзибди.

– Демак, ҳаммаси тушунарли. Мен марказга хабар қиламан, – деди Нормурод ва констрлардан бирини олдида шу томонни дурбинида кузатиб турган бир

кишини кўрмаганга олиб қайиғининг бакига бензин қўйиб олди. Снайпер йигитлардан бири дурбинли йигитни ҳар эҳтимолга қарши нишонга олиб турди.

Қумтепадаги қалин қамишзор ичидаги қамиш ғарами ичида ҳам махсус отряд йигитлари шай туришар, улар ўша жанговар тревога эълон қилинган пайтдаёқ оқим бўйлаб қайиқлар ёрдамида шовқин чиқармай етиб келишганди. Улар учун аввалдан бундай жойлар тайёрлаб қўйилганди.

Кечки пайт Муҳаммад овчи отлиқ етиб келди. У хали сим тортилмаган чегарадаги қўшни қишлоқ далалари орқали ўтиб келаверибди. Ҳеч ким ундан шубҳа қилмаганмиш. У Нурмат муаллим билан кучоқлашиб кўришди. Икки кадрдон қудалар анчадан буён кўришишмаганди.

– Хуллас қуда, куёв тўрани чақиринг, муҳим иш бор.

– Мана ҳозирда.

Нурмат муаллим кўчага чиқиб узоқдан карзина кўтариб олган келинига кўзи тушди.

– Ҳой, Гулбиби, тез келинг! Отангиз келди!

Қиз бир фурсат қотиб қолди. Сўнгра чопиб кела бошлади.

– Нормуродни тез чақиринг. Азиз меҳмон бор.

– Вой, ҳозир, рациядан чақира қоламан.

– Яхши мен балиқ тозалайман. Боринг аввал отангиз билан кўришинг.

– Вой, ойим ҳам келибдиларми?

– Йўқ. Буни ўзидан сўрайсизда.

Кўп ўтмай жамоат жам бўлишди. Хонтахта депараси учта, республика муаммоларини ҳал қиладиган халқаро анжуманга айланди қўйди. Ташқарида кимдир Нормуродни чақирди. Бу маҳалда овчи инспекторга карвон ҳақидаги сўнгги ахборотни етказётганди. Уларнинг суҳбатини бузмаслик учун. Ўғилнинг ўрнига кўчага ота чиқиб борди.

– Ассалому-алайкум, – дея ўта тавозе билан саломлашди бир нотаниш йигит.

– Во-алайкум...

– Тўйчиев сиз бўласизми, тоғажон?

– Ҳа-ҳа, нимаиди?

– Валижон ака сизга салом айтди.

– Саломат бўлсин. Хўш хизмат?...

Нурмат муаллим йигитнинг муддаосини билишга қизиқиб қолди. Чунки ҳеч қанақа Валижонни танимасди.

– Сиз билан бир нарсани келишиб олгани мени элчи сифатида жўнатишувдида. "Элчига ўлим йўқ", деганларку.

– Ҳа, албатта.

– Хуллас, бугун тунда озгина юкимиз бўлади. Шунини беқилтирик ўтказиб олишимиз, керак. Сизни яхшилаб рози қиламиз, албатта.

– Яхши. Лекин рози бўлмасамчи?

– Рози қиламизда, тоғажон, – деди йигит беўхшов тиржайиб ва у ёқ-бу ёқ олазarak қараб қўйди. – Чунки катта пул тешиб чиқмайди. Иш силлиқ битса мукофотиям бўлади.

– Қанақа юк экан, ўзи?

– Чет молларида. Яшиқларда, қопларда...

– Қанақа қоп? – сўради мўйсафид атайин.

– Ун, шакар... Ҳа энди узумини еб боғини суриштира, даганларку.

Отахон бошини қашиб ўйланиб қолди: "Бу анави операция билан боғлиқ нарсасига ўхшайди. Мени Нормурод билан адаштиришди, чоғи. Нима қилсам экан? Муддаосини билиб Нормуродга етказа қолай".

– Хўш... Қанча бермоқчисизлар ўзи?

– Икки минг кўкидан. Иш яхши якун топса яна шунча оласиз.

– Йўқ бўлмайди беш мингни олдиндан тўлайсизлар.

Йигит бир оз ўйланиб турди. Сўнгра рози бўлди.

– Хўп. Келишдик.

Йигит чўнтагидан бир пачка пул чиқариб отахоннинг кўлига чаққонлик билан қистириб қўйди. Мўйсафиднинг кўли чўғни тутгандай қизиқ кетди.

– Бўлмаса ярим тунда бизни сув омбори бошланишида қайиғингиз билан кутиб оласизда, хавфсизлигимизни таъминлайсиз. Юкни куруқликка тушириб машинага ортгунимизча бизни ҳимоя қилиб турасиз. Кетганимиздан сўнг "сиз бизни кўрмадингиз, биз сизни...". Ҳеч кимга чурқ этмайсиз. Ҳаққингизни олдингиз ишингизни ҳалол бажарасиз, деб ўйлайман тоғажон. Хўп, мен кетдим, бўлмаса.

Йигит кета бошлади. Бир гап отахоннинг ёдига тушди.

– Ҳой тўхтанг. Бу ерда ҳар хил ўтиб турадиган одамлар кўп. Уларни қандай танийман. Бошлиғингиз ким ўзи?

– Валижон қайиқчи сизни танийдику, тўғрими?

– Ўзингиз ҳам бўласизми?

– Ҳа, албатта.

– Исмингиз нима эди?

– Шамширбек.

– Бу ёкда, юкни оладиганларчи? Кимлар улар? Бирортасини менга танитиб қўймайсизми?

– Шарт эмас. Лекин улар сизни яхши танишади. Шунинг ўзи етарли эмасми? Хўп ишни бузиб қўйманг тагин. Оқибати ёмон бўлади-я. Манави уйингиз омонат, тоғажон.

– Хўп-хўп. Чой ичиб кетинг.

– Раҳмат аввал иш битсин.

Нурмат муаллим аста эшикни ёпди-да, ғишт деворнинг тиркишидан келган йигитнинг қаерда кетаётганини кузатди. Кўлидаги пулни жаҳл билан ғижимлади. У Жаббор сарикникига кириб кетди. Демак шериклари ўша ерда. Уларнинг суратини олиш керак. Машина рақамларини ҳам билиб келиш керак.

– Келин, хой келин! – дея қичқирди у ва шитоб билан ошхонада балиқ кўғираётган Гулбибининг олдида кириб борди – Муҳим иш бор, қизим. Ануви Жаббор сарикникидагиларни тез суратга олишимиз керак.

– Аллақачон олиб чиққанман, ота.

– Ие, ростданми?

– Ҳа. Улар кўзимга шубҳали кўринишувди. Қатикни баҳона қилиб кўшниникига кириб чиққандим.

– "Россия" деган ёзуви бор, қора спортча кийим кийиб олганим бормиди? – сўради отахон Шамширбек деганни назарда тутиб.

– Ҳа, у кейин бир мотоциклли билан чегарадаги дала йўлдан келди, чоғим.

Отахон Гулбиби билан ичкарига пиширилган балиқ ва чой олиб киришганида икки жанговар ҳамроҳ ўртасидаги баҳс ҳамон давом этарди.

– "Аввал таом, бадъаз калом" деганлар, – деди Нурмат муаллим пинагини бузмай, – Сиёсатни бас қилинглар, барибир фойдаси йўқ.

– Ие, нега фойдаси йўқ дейсиз? – ҳайрон бўлди Муҳаммад овчи.

– Баҳслашишларингни-да.– Ҳа энди, бошқа қиладиган ишимиз бўлмаганидан кейин баҳслашамиз, талашамиз, тортишамиз-да?

– Биз Гулбиби билан ҳамма масалани ҳал қилиб бўлдик.

– Қанақа масалани? – ҳайрон бўлди Нормурод ҳам.

– Тунги юк масаласини. Уни ким олиб келади, ким қабул қиладиди? Олинглари таомни ейлик, совуқ қолмасин.

Нормурод отасидан бундай гап кутмаганди. Ҳайрон қараб тураверди. Гулбиби майин табассум қилиб уларга бирми-бир чой узатди. Қудалар қовурилган балиқдан тақсимчаларига солиб олишиб "бисмиллоҳ" дея ея бошлашди.

– Ол ўғлим. Нега қараб турибсан?

Нормурод ҳам бир бўлак балиқни олиб энди чайнай бошлаган ҳам эдики, Нурмат муаллим қиссасидаги рўмолчани олмоқчи бўлганди, "топ" этиб бир пачка "доллар" тушди.

– У қанақа пул, ота? – сўради Нормурод ажабланиб.

– Пора, – деди ота қуруқ қилиб.

– ...?!

– Ҳа, буни анувилар беришди. Юкларини олиб ўтишга ёрдам берармишман, – деди бепарво ота овқатни чапиллатиб еб, чойдан ҳўриллатиб ичиб оларкан.

Нормурод балиқни чайнамай ютиб юбордими, еган балиғи қилтириғи билан томоғида туриб қолди ва "Нима?!" демоқчи бўлганди, йўтал тутиб қолди. Гулбиби бориб унинг орқасига гурсиллатиб ургачгина у аранг ўзига келди.

– Пулни кўриб чўчиб кетди, бечора, – деди овчи ҳам бамайлихотир.

– Тезда нон еб юбор. Ол, чойдан ич, – деди ота ҳеч нима бўлмагандай бепарво.

Нормурод нафаси қисилиб тўхтовсиз йўталар, юзлари бир зумда қизариб кетганди. Шундай бўлсада, у чираниб эътироз билдирди:

– Нималар қилиб юрибсиз, ота?!...

– Вазифамни бажараяпман.

– Қанақа вазифа? Пора билан-а? Ахир бу...

– Тўғри ўғлим. Овқатингни е.

Йигитнинг иштаҳаси гип бўғилди. Операция режасини барбод қиладигани учун отасидан ранжиди. Махсус отряд жангчилар бу ерда шай туришгани ва бу жараён юкорининг назоратида эканидан Нурмат ака беҳабар эди, албатта. Лекин унинг ўзича нимадир режалаштиргани унинг самимий ва хотиржам тутишидан сезилиб турарди.

– Кимдан олдингиз уни?

– Ўша, қайикда қурол-аслаҳа олиб келадиганлардан-да.

Муҳаммад овчи "Астағфируллоҳ!" деб юборди.

– Нега олдингиз?

– Чегарадан ўтиб олишганидан кейин уларни бемалол қўлга олиш мумкин-да. "Йўқ олмайман" деб, пулни олмасам унда улар барибир бошқа туйнук қидиришарди. Бизга шу ер маъқул.

– Ҳам улар тузоққа илинади, ҳам пул ёнга қолади, шундайми? – ишонч билан сўради овчи.

– Бу пулни давлатга топшираман. Бу ҳам бир далил бўлади-да, ўғлим. "Арзимаган" товар учун бунча пул берилмайди. Ҳа айтмоқчи юкларни Валижон деган йигит олиб келармиш. Улар киракашни сиқув-бастига олишган кўринади.

Нормурод анча ўзига келди. "Хўш отам ўрнида мен бўлганимда нима қилардим? Пулни олмасдим, албатта. Демак, операциянинг барбод бўлиши янаям аниқ эди-ку. Бу жиҳатдан яхши бўпти. Энди бўлак режадаги ишларни ойдинлаштириб олишимиз керак".

– Майли ота, раҳмат. Энди бу ёғига сиз аралашмайсиз.

– Нега аралашмас эканман? Нима, мамлакатимизга бузуқ ниятли одамлар кириб келишади-ю, мен тек қараб ўтирармидим. Додини бераман, уларни ҳали! – дея мўйсафид ва жаҳл билан ирғиб ўрнидан туриб кетди.

– Ҳай-ҳай, талашмайлик, ақл билан иш қилайлик. Бўлар иш бўпти, энди бу ёғига биргаликда иш қилишимизга тўғри келади. Ундан кўра бугун ким, нима билан шуғулланишини келишиб олайлик, – деди овчи босиқлик билан.

– Хўп, ота. Фақат ўзингизни эҳтиёт қиласиз. Улардан ҳар нарсани кутиш мумкин. Улар қўлга олинишади, лекин сиз пул олиб қўйгансиз. Демак "лабзсиз одам" бўлиб чиқасиз.

– Бўлсам нима бўпти? У йигитга "Берган пулинг қалбаки экан", дейман, вассалом!

Муҳаммад овчи ва Гулбиби шарақлаб кулиб юборишди.

– Нормурод ака, ундан кўра, бўлинг, компьютерингизни ёқинг, меҳмонларнинг суратини олиб чиққаман.

– Ҳа-ҳа, бошлиғинга ҳам хабар қил. Айт, балиқхўрликка келишсин.

– Нима бу ерда ҳам "форель" деган хонбалиқ борми? – ҳайрон бўлиб сўради овчи.

– Йўқ. Хонбалиқ бу ерда нима қилади? Ўзимизнинг сазан, лаққалар-да...

– Бахтиёржон хонбалиқни яхши кўради-да. Агар шу ерда ҳам бор экан, дейилса, учиб етиб келарди.

Кулишди. Нормурод ҳам қўшилди ва бўлган ишлар ёдига тушдими, кайфияти кўтарилди. У шу тариқа Марказ билан боғланди.

* * *

Карвонни кутиб олиш учун тунда ота-бола боришларига тўғри келди. Чунки Валижон қичқирса Нормурод, Шамширбек қичқирса Нурмат ота жавоб қайтаришга келишиб олишди. Муҳаммад овчи билан Гулбиби қўшни хонадондаги меҳмонлар устидан назорат қилиб, чордоқда биттадан милтиқ билан пистирма қуриб олишди. Юкни тушириш жойи ва уни қуршовга олишнинг тактик режаси ишлаб чиқилди.

* * *

Ниҳоят сокин дарё устидан тўлин ой жилваланидган сирли тун чўкди. Дарё тугаб Қайроққум сув омбори бошланган жойдан бошлаб гўё осмон юлдузлари ерга дувиллаб тўкилганга ўхшарди. Бундай тунда фақат романтик севишганлар, ашаддий балиқ овловчилар ёки жиноятчи гуруҳларгина бўлиши мумкин эди, холос. Юлдузлар уммонида ана шундай қайиқларнинг қораси кўринди. Улар овоз чиқармай сузишга ҳаракат қилишар ва баъзан эшакларнинг чилиплагани қулоққа чалиниб қоларди.

Дарё оқими томонидан бўлса тун бағрини ёриб, овозини батанг қўйиб, олд чироқни ёкиб олган "Дарё инспектори"нинг қайиғи шитоб билан сузиб келарди.

Нормурод қайиқларни кўрди, аммо кўрмаганга солиб тўғри сув омбори сувлари томон ўтиб кетди. У қайиқни илдам бошқариб борар, отаси бўлса ётиб олганди. Қайиқ улкан доира қуриб энди рулни қайиқлар томон сузиб кела бошлади. Биринчи қайиқда кимдир оқ рўмол силатди. Бу Валижон эди. Нормурод "Ҳаммаси жойида" дегандай чироғини ёкиб ўчирди. Бу махсус отряд учун ҳам сигнал бўлиб хизмат қиларди.

– Валижон! Юраверинглар!!! – деб қичқирди Нормурод.

– Хўп бўлади! – қичқирди Валижон.

Нормурод тезликни оширмай оҳиста сузиб кетди. Сўнгра шубҳа уйғотмасликлари учун яна бир бор улкан доира ясади. Шундан сўнггина қайиқлар хотиржам суза бошлашди. Яна тўхтади. Шу зайл беш-олти бор доира ясаб сузиб келди. Гўё бу билан карвоннинг хавфсизлигини таъминламоқда эди. Ниҳоят қайиқлар чегара чизигини кесиб ўтишди. Нормурод дарё бўйлаб бир дозор юриши қилди ва гўё дарё соҳилини текшириб, аслида у ердаги ўз одамларини хушёрликка чорлаб қўйиш эди. Анчагина узоқлаб кетди ва қайтишда нариги Тожикистон худудига тегишли қирғоқни текшириб сузган бўлди. Оролчага қайтди ва у ерда Нурмат муаллимни тушириб қолдириб, ўрнига махсус отряд аскарларидан тўрттасини жойлаб олдида, яна сув оқими бўйлаб тез сузиб кетиб, аввалгидек улкан доира ясади ва карвон қайиқлари ортидан оҳиста йўлга тушди.

Қайиқдаги жангарилар ҳам анойилардан эмасди. Улар хушёрликни ошириб аллақачон жанговар ҳолатга келиб олишган, фақат бакуват эшакчиларгина зўр бериб, терлаб-пишиб эшак эшишарди. Уларни катта пул ёки кўрқитиш эвазига ёллаб олишгани маълум эди. Аммо улар орасида Шамширбек йўқ эди. У яна бир шериги билан қайиқдагиларни қийғос қамиш-қийёқлар босган соҳилда кузатиб туришлари, қолган тўрт киши эса юк машинасини кутиб олишлари, сўнгра юкни машинага юклаб олгач, олдинда енгил машина ва орқада мотоцикл кузатувида Бешарикнинг дала йўллари орқали Қўқонга етиб келишлари зарур эди. Қўқондаги ҳамкорлар юкни қабул қилиб олишади. Шу билан уларнинг вазифаси якун топади. Чегара ортига қайтиб катта пул ишлаб олишади, яна янги карвон ташкил бўлишини кутишади. Бизнес тили билан айтилганда "Маҳсулотга эҳтиёж бўлгач, харидорни интизор қилмаслик даркор".

Уй чордоғида писиб ётган Муҳаммад овчи қўшни уйдан чиқиб кетган икки кишига кўзи тушди. Улар дарё тарафдаги қалин қамишзорлар ичида ғойиб бўлишди.

– Гулбиби, – деди овчи шошилиб, – Сиз чердакда қимирламай ётиб ануви уйдаги тўрт кишининг қачон чиқишини ва қайси тарафга юришини пойланг, мана дурбин. Мен иккитасининг ортидан кетдим. Бир гап бўлса осмонга қараб ўқ узасиз, хўпми?

– Хўп. Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

– Мендек овчидан ҳали тулкилар қутилолмаган. Улар ҳозир инсон қиёфасида, холос.

Гулбиби чордоққа кўтарилиб овчининг ортидан узоқ кузатиб қолди. Бу ердан соҳилдаги қамишзор, бутазорлар, қумтепаликлар, дарё ўртасидаги оролча ва дала томонидан келган тупроқ йўл бемалол кўриниб турар ва у ерлардаги ҳаракатни дурбин орқали кузатиш мумкин эди. Агар фавқулодда ҳодиса юз бермаса

операциянинг яхши якун топишига келинчак ишончи комил эди. Аммо воқеалар ривожини бошқачароқ тус олди.

Сувлари маҳзун чайқалиб турган маҳобатли дарё соҳилига чиқиб олган Шамширбек яқинлашиб келаётган "Дарё инспектори" томон дурбинини қаратди. Аммо рулда у гаплашган отахони эмас аскарча кийимдаги бошқа одам, яъни Нормуродга кўзи тушди.

– Тўхта Солиҳ, – деди аста шеригига, – Бу ерда иш бошқачага ўхшайдику.

– Нима гап?

– Қайиқдаги мен гаплашган одам эмас. У кексароқ эди.

– Эҳтимол бу унинг ўғлидир-да. Мазаси қочиб қолгандир.

– Э йўқ. Тоға бизни лақиллатган кўринади. Тузоқ қўйилган бўлсачи-а?...

– Э қўйсангчи, қанча-қанча товарлар ўтиб ётибди, дейишяптику.

Ҳа улар майда-чуйда Хитой товарлари. Қўлга тушгани билан ё ташлаб қочишади, ё мусодара қилишади. Биз юкимизни ташлаб қочишга ҳам, ундан воз кечишга ҳам ҳаққимиз йўқ, тушундингми? Чунки бунга бизнинг Қўлобдаги оилаларимиз гаровга қўйилган. Бир гап бўлса зотимизни қириб ташлашади. Аксинча юкни эсон-омон эгасига топширсак бизни катта инъомлар кутади.

– Унда нима қиламиз?

– Тоғани топиш керак.

– Сен шу ерда туриб инспекторни нишонга олиб ётасан. Мен тез бориб тоғадан хабар оламан. Мабодо отишма бошланиб қолса сен уни ўлдир. Кейин сузиб бориб қайиғини оласанда қайиқларимизни шатакка олиб оқим бўйлаб сузиб кетасан. Бу ернинг аскарлари чегара чизигидан у ёғига ўтиша олмайди, тушундингми?

– Нега ўтишолмайди?

– Чунки чегарани бузиш мумкин эмас-да. Катта жанжал чиқиши мумкин.

– Ҳозирчи, биз бузмаяпмизми?

– Бунинг бизга даҳли йўқ. Мен ҳукумат аскарларини айтаяпман. Бўпти, мен тез келаман.

Шамширбек яна келган изига қайтди. Писиб ётган овчини пайқамади. Гулбиби унинг чопиб келаётганини кўрди ва хавотирга тушиб қолди, "Ишқилиб тинчликмикин?" деб қўйди у ўзича. Йигит шу маҳал уйнинг орқа томонидан келдида, юзига қора ниқобни тақиб деворни ошиб ўтди. Гулбибининг юраги гупиллаб уриб кетди. Милтигининг ўқини текшириб олди. Уй ичкарасида ҳеч ким йўқ, эшиклар ланг очик эди. У секин-аста ичкарига кириб борди. Хоналарни бир-бир текшириб чиқа бошлади. Келин-куёв суратига ва компьютерга кўзи тушди. У ерда рация қурилмаси ҳам бор эди. Шу маҳал аксига олиб қурилма ишлаб кетди.

– "Шамол йўли", "Шамол йўли" вазият тўғрисида Марказга хабар беринг!

Шамширбек қурилмани бузиб ташлаш, ташламасликни ҳам билолмай хайронликда қолди. Ҳар эҳтимолга қарши пултли портлатгич ўрнатиб қўйди ва шериклари билан маслаҳатлашиб олишга қарор қилди, шекилли, келин-куёвнинг суратини олди-да, оҳисталик билан ташқарига қадам қўйди. Аммо Гулбиби бу ҳолатни сирнинг фош бўлишига йўйди ва эндигина деворга тармашган босқинчи ортидан ўқ узди.

Милтиқ овози бутун соҳилни тутиб кетди. Аммо унинг қаердан чиққанини англай олишмаган бўлсада, у отишмаларнинг бошланишига сабабчи бўлди.

Муҳаммад овчи Солиҳнинг ортидан таппа босди ва орқа томонидан гурзидай мушти билан бир тушириб уни беҳуш қилиб, қуролсизлантирди. Ҳар эҳтимолга қарши қўл-оёғи ва оғзини боғлаб буталар ортига яшириб қўйди. Бу маҳалда қайиқлар қарвони ҳам манзилига етай деб қолганди.

Милтиқ овози махсус отряд аскарлари учун ҳам сигнал бўлди. Оролчада қолган аскарлар ғовос кийимини кийиб тайёр туришарди. Улар ўртасидаги ўзаро алоқа тикланди. Қуруқликдаги аскарларнинг бир қисми Жабор Сарикниқини қуршаб олишди. Шу маҳал тупроқ йўлда фургонли юк машинаси пайдо бўлди ва тўхтаб сигнал берди.

Тўртов "меҳмон" чопиб чиқишди-да уни соҳил томон иложи борица яқинроқ боришини талаб қилишди.

– У ёқ ботқоқ машинам ботиб қолади, – дея қичқирди ҳайдовчи.

– Бўпти, шу ерда қимир этмай тур, – деди биров ва машинанинг калитини суғуриб олди.

– Милтиқни ким отди экан? – сўради уларнинг сардори хавотирли оҳангда.

– Қўшни уйга бир овчи қариндошлари келган дейишди. Ўша ов қилаётгандирда. Бу ерда нима кўп, тўнғиз кўп.

– Бизнинг ишимизга ҳалақит қиладиган бўлса уни дарҳол уни гумдон қилингларида, мурдасини дарёга ташланглари! Овчининг гўшти балиқларга яхши емиш бўлади дейишади.

Нормурод қайиқ чироғини бир ўчириб ёқди. Бу махсус отряд учун сигнал эди. Қарвонни қўлга олиш операцияси бошланди. Инспектор қайиқни гир айлантириб яна қарвоннинг орт тарафига ўтиб олди, ғоввослар ўзларини сув оқимида ташлашди, соҳилдаги аскарлар тунда ҳам кўриш имкони бўлган дурбин билан яқинлашиб келаётган қайиқларни кузатиб туришарди. Қўлга олиш умумий буйруқ билан алоқа воситаси орқали бир пайтда амалга оширилиши мўлжалланган эди. Нормурод моторли қайиғини қарвон қайиқларининг ён тарафига келиб тўхтатди. Сув остидагиларнинг қайиқ тагидан ўтиб орқа томондан чиқиб олишларини кутди. Сигнал келди. Дарё инспектори прожекторини қарвон томон қаратди ва овозни қучайтиргич орқали қичқирди:

– Сизлар Ўзбекистон Республикаси чегаралирини ноқонуний бузиб ўтдингиз. Қуршовга олингансиз, қаршилиқ кўрсатиш бефойда. Қуролларингизни ташланг!

Бирови Нормуродни отмоқчи бўлганди орқа томондан сув ичидан чиқиб келган акваланг кийимидаги аскар уни отиб ташлади. Қайиқдаги аскарлар ҳам осмонга ўқ узишди.

Конунбузар жангарилар ва эшкакчилар қўлларини кўтаришди. Улар қуролларини бири сувга бири қайиқдаги юк устига ташлашди. Аквалангчилардан бири "Қуролни буёққа узат!" деганди, узатаётиб уни отиб юборди. Ўзи ҳам сувга кулади.

Нормурод қайиқни яқин олиб келди. Аскарлар жангариларни бир-бир текшириб қўлларини кишанлаб моторли қайиққа олиша бошлашди.

– Валижон ака! Сизнинг эшкакчиларингиз қолишсин.

Бир жангари бир эшкакчининг биқинига пичоқ суқиб унинг ўрнини эгаллаб олганди. Уни сезмай қолишди. Нормуроднинг қайиғига олти жангари ва икки аскар ўтиришди. Юк ортиқлиги учун қайиқ ўрнидан аранг кўзгалди.

Аквалангчи аскарлар қайиқларни яна эллик метр наридаги соҳилга олиб боришни буюришди. Аммо шу маҳал охириги қайиқ эшкакчиси тўппончасидан

"Дарё инспектори"га қарата ўқ узди. Эшкакчини бўлса қирғоқдан туриб кимдир отиб қўйди. Бу Муҳаммад овчининг иши эди. Моторли қайиқ чайқалиб йўналишини ўзгартирди. Яраланган Нормурод жон-жаҳди билан рулни қирғоққа бурди. Қайиқ хайбат билан бориб қамишзор билан қопланган қумлик соҳил ичига кириб тўхтади. Ҳаммалари қулаб тушдилар. Яхшики жангарилар кишанланган эди. Шундай бўлсада қоча бошладилар. Аммо бу энди бефойда эди. Чунки қуруқликдаги махсус отряд ҳам рўпарадан қамишзор оралаб боришарди. Шу маҳал чегара ҳисобланган дарё у соҳили томондан ўқ отила бошланди.

* * *

Муҳаммад овчи чордоқ тепасида ранги оқариб бошини ушлаб ўтириб қолган Гулбибини кўрди. Унинг қўлида милтиғи бор эди.

– Секин туша қол, қизим. Мен шу ердаман.

Келин нарвондан оҳиста тушиб келди ва девор тагида итдай ғингшиб ётган жангарини кўрсатди. Ўқ унинг елкасига теккан, аммо қўлида қуроли бор эди.

Хавфни сезган овчи дарҳол Гулбибини панага олди.

– Ҳой, қурулингни ташла! Бўлмаса итдай отиб ташлайман! – дея қичқирди у.

Ярадор йигит автоматини бир четга итқитди. Нурмат муаллим ҳам уй томондан ўқ овози келганини эшитиб тезликда резина қайиқда сузиб келганди. Овчи ярадор жангарининг соғ қўлини оёқларига қўшиб боғлаб ётқизиб қўйди.

– Гулбиби, сизлар бунинг ярасини боғланглар! Мен кетдим. У ёқда бунинг шериги кутиб турибди, – деди у ва қамишзор томон шошиб кетди.

Гулбиби билан қайнотаси ярадор йигитга биринчи тиббий ёрдам кўрсата бошлашди. Бир оз ўтгач йигит ўзига келди ва тепасида аҳдлашувни бузган одамни кўрди. Жаҳли чиқди:

– Сиз номард экансиз, тоға! Лабзингиз йўқ экан!

Нурмат муаллимга бу гап қаттиқ таъсир қилди чоғи, шарт ўрнидан турди-да, киссасини кавлаштириб йигит ҳадя қилган доллар пачкасини чиқиб уни йигитнинг башарасига қарата итқитди. Пуллар сочилиб унинг юзини қоплади.

– Пулингни пишириб е, муттаҳам! Нима, сен мени ҳали ватанини пулга сотадиган пасткаш деб ўйладингми?!

– Ватанмиш, – деди масхараомуз иршайди ярадор. – Минг урининг – фойдаси йўқ. Барибир ҳамма кавакни ёполмайсизлар... Ҳали кўрасиз, шаҳарларингиз кунаёқун бўлади. Манави уйингизниям ер билан яксон қиламиз. Итдай ўласизлар! Нима, бизни аҳмоқ деб ўйладингизми?...

Шундай дея йигит ярадор қўлини минг азоб билан ишга солди ва киссасидаги пульта ушлаб олдида унинг тугмаларини пайпаслаб туриб "Ё Аллоҳ!" дея пичирлаб босиб юборди. Гумбурлаб уй портлади. Улкан аланга қўкка кўтарилиб, портлаш зарбидан томнинг шифер ва ёғочлари турли тарафга сочилди.

Келин ва қайнота ўзларини сигирнинг охури сифатида фойдаланиладиган бетон лоток ортига ташлашди.

– Эҳтиёт бўлинг, қизим! – қичқирди ота.

– Ҳа-ҳа. Ўзингизни оловдан асранг, бошингизни беркитинг, ота! – дея қичқирди Гулбиби ҳам.

Ярадор йигит "Номард киши"дан яхшигина ўч олганиданми ёки юзини доллар қоплаб олиб ҳузур қилаётганиданми, ўринсиз қиҳ-қиҳлаб куларди. Аммо бир

оловли ёғоч шундоқ унинг башараси ёнига тушди ва олов пулларга илашди. Кўп ўтмай ярадор ўкира бошлади.

– Ота! Анави йигитнинг юзидаги пуллар ёнаяпти-ку!

– Ҳаром қоғозлар ёнса ёнибди-да. Унинг ўзи юзсиз одам экан.

– Унинг юзи қуяпти-ку, ахир!

– Ҳечқиси йўқ, қилмишига яраша жазо бу! Қалбаки долларнинг тиртиғи унга бир умр мактаб бўлади. "Тиртиқ" деган лақаб олади, ҳали! Шамшир тиртиқ, ўла!... – қичқирди Нурмат ака атайин мазах қилиб.

Аммо йигитга чиндан раҳми келдими, олдидаги кумлардан ҳовучлаб олиб йигитнинг башараси томон соча кетди. Йигит бўлса азобдан тинимсиз ўкирарди. Яхшики, махсус отряд аскарлари чопиб келиб уни қутқаришди. Йўкса боши куйдирган каллага айланиши муқаррар эди.

Гулбиби ерга қапишиб ётган маҳали йигитнинг нарироғида алангага илашиб қолаётган Нормурод билан никоҳ тўйи кунлари тушишган суратларига кўзи тушиб қолганди. Хавфли бўлишига қарамай ўзини сурат томон отди ва тўсатдан кўнглини хавотирлик чулғаб олди. "Нормурод акамга нима бўлдийкин? Ҳозир у киши қаерда экан? Ишқилиб омонмикан?" деган нохуш ўйлар хаёлида яшин каби чакнади. Сўнгра ирғиб туриб пастқам девордан сакраб ўтди-да дарё томон чопди. Ортидан бир аскар қувиб етиб олди ва уни тутиб панага яширди.

– Ҳой, қаёққа?! Нариги соҳилдан отишайптику, ахир!

Шу маҳал ҳавода "Қора ақула" деб ном олган ҳарбий вертолёт пайдо бўлди ва нариги қирғоқда отаётган жангариларга қарата ўт очди.

Қулоқни қоматга келтиргудек портлашлар юз берди. Баланд, тупроқли соҳил сувга қулади. Ундан ҳосил бўлган улкан тўлқин ўртадаги оролга ва бериги қирғоққа келиб урилди...

Ниҳоят чегарадаги отишмалар барҳам топди. Қумтепалик ёнига бошқа вертолёт келиб қўнди. Унга қурбон бўлган ва ярадорларни юклай бошлашди. Яраланганлар орасида Нормурод ҳам бўлиб, унинг болдирига автомат ўқи текканди.

Воқеа тафсилотлари кейинчалик пухта ўрганилди ва Нормурод кўрсатган хизматлари учун "Жасорат" медали билан тақдирланди.

* * *

Нормурод госпиталда олти ой даволанди. Энг хунуги шифокорлар унинг ярасини тез тикиб қўя қолишмади. Чунки хорижий ўқнинг заҳарланиш даражаси маълум бўлмагунча уни тикиб бўлмасмиш. Чунки ўрганилмаган заҳар бутун тана бўйлаб тарқалиб кетиши ҳам мумкинмиш. Шу туфайли жароҳат бир муддат боғланмай, очиқ ҳолатда инфекцияга қарши ювиб турилди, холос. Шу алпозда бир ой бардош билан қимир этмай ётишга мажбур бўлди. Гулбиби унинг ёнидан қимир этмади.

Ана шу госпиталдаги кунларнинг бирида пойтахт шаҳарнинг турли жойларида портлашлар содир бўлди. Портлашларнинг бири зарбидан Нормурод ётган палатанинг дераза ойнаси ҳам чил-чил синди. Бу 1999 йил 16 февралдаги Тошкент шаҳрида содир этилган террористик портлашлар эди.

Кейинчалик маълум бўлишича, портлатгич қукунлари юкланган оқ фургон Жирғатолдан Панжикент орқали келиб Ургутнинг "Чап" деган постидан чегарамизни бузиб ўтишга муваффақ бўлган экан. Жиноятчилар постдаги

навбатчилик алмашуви вақтини пухта ўрганиб, пайт пойлашибди. Чунки навбатчилик алмашуви маҳали чегарачиларимиз ўз қуроллари ва ўқларини санаб топширишларини, янгилар бўлса қуролларни қабул қилиб олишлари учун кетадиган дақиқаларни яхши ўрганишган бўлиб, айти шу жараён маҳали қуролсиз қолган чегара постидаги аскарлар томон ҳужум уюштириб, шлангбаумни синдириб ўтиб кета олишган экан. Бу ерда ҳам аскарлар оғир яраланибди, ва ҳатто қурбонлар ҳам бўлибди. Ана шундай ярадор йигитлардан Сафарали исмли йигит Нормурод билан ҳамхона бўлди.

Бахтиёр Тўраев содир бўлган бу воқеаларни ўта ачиниш ва надомат ила маълум қилди:

– Эҳ, ўшанда биз оқ фургонни кўздан қочиргандик... Жуда катта хатоимиз бўлди бу. Афсус, кўп ишончли йигитларимиздан айрилдик. Баъзилари бир умрга ногирон ҳам бўлиб қолишди...

Кўп ўтмай Нормурод соғайиб чикди. Оёғидаги тиртиқ унга Шодикозикдан эсдалик бўлиб қолди. Бир муддат кишлоқда ота-онасининг бағрида, севикли хотини Гулбиби билан бирга истиқомат қилишди. Унга ногиронлик нафақасига чиқишни ҳам таклиф қилишди. Аммо йигит ўзининг соппа-соғ ва яроқли эканини билдирди. 2001 йилга қадар ўқишини давом эттириб тамомлади. Унвонини оширишди ва уни янги вазифага тайинлашди. Уни Қўқон шаҳар бошқармаси ҳузуридаги "коррупцияга қарши кураш" бўлинмасига бошлиқ ўрнибосари этиб тайинлашди. Янги вазифада фаолият бошлаган кунларининг бирида оламшумул нохуш воқеа ҳам содир бўлди. Бу воқеа бутун жаҳон афғор оммасини ларзага солди. 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШда фукаролар самолётлари ёрдамида уюштирилган террористик ҳуружлар барчани ҳушёрликка даъват этди. Мужоҳидлар инсониятга қарши яна янги хил кўринишда жиҳод қила бошлашди.

Мужоҳидлар ўзларининг бу хатти-ҳаракатлари билан ҳали тинч ётмаётганликларини, аксинча, бутун дунё аҳолисига очикдан-очик уруш эълон қилганликларини билдиришганди. АҚШ ҳукумати бир пайтлар АҚШ Марказий разведка бошқармасининг жосуси бўлиб хизмат қилиб келган, яъни ўз одами бўлган ва кейинчалик, "келишолмай" қолган Бин Лодин исмли арабни "№1 террорчи" деб эълон қилиб, уни гўё Афғонистонда паноҳ топган деган баҳона билан Афғонистонга қарши ҳаводан бомбардимон қила бошлади ва ўз ҳарбийларини олиб киришга эришди. Аммо 1-рақамли "террорчи" – Бин Лодинни топа олишмади.

Сўнгра террористик ҳуружлар дунёнинг бошқа тинч мамлакатларида ҳам содир этила бошланди. Минглаб одамлар ўзини-ўзи "Ё Аллоҳ!" деб портлатиб юбуровчи-камикадзеларнинг қурбонига айландилар. Яна минглаб одамлар бўлса Афғонистон ҳудудида саноат усулида кўлами янада кенгайиб бораётган ишлаб чиқарувчи героин оғусининг "ўргимчак тўри"га илиниша бошлади. Чегара ҳудудлари ва яширин сўқмоқлар бўйлаб яна чаёнлар ғимирлаб қолишди.

Ўзбекистон ҳукумати Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ёрдамида Тожикистон ва Қирғизистон чегара ҳудудлари бўйлаб симли тўсиқлар ўрнатиш, кириш-чиқишнинг қатъий визали тизимни йўлга қўйиш чораларини кўра бошлади. Афғонистон томондан келадиган хавф туфайли неча минг йиллардан буён қон-қариндош, қардош ҳисобланиб келинган Марказий Осиё халқлари ўртасида миллий чегара тўсиқлари пайдо бўлди. Аммо газандалар чегараларимизни

бузиб ноқонуний молларни, қолаверса наркотик моддаларни ҳам турли усуллар билан Ўзбекистон ҳудуди орқали Европага олиб ўтишни қанда қилишмади.

ХОТИМА ЎРНИДА

Нормурод Тўйчиев МХХ таркибидан сидкидилдан хизматни давом эттирди ва 2011 йилларга келиб майор унвонига эришди. Уни пойтахтга, бошқармага ишга олишди.

Кунлардан бир куни ички телефондан унга полковник Бахтиёр Тўраев қўнғироқ қилиб қолди:

– Нормурод!...

– Эшитаман, ўртоқ полковник.

– Тожикистон чегарасида яна бир одам героин билан қўлга олинганмиш. Куқун унинг ошқозонида экан. У терговчига "юк"ни Қўқонга, Қоракўз исмли лўли аёлга олиб кетаётганини тан олибди. Ўша аёл эсингиздами?

– Ҳа-ҳа, ўртоқ полковник, эсимда. Демак энди Қоракўзни қўлга олиш чорасини кўрамизми?

– Ҳа, у ҳаддидан ошиб кетганга ўхшайди. Лекин у жуда муттаҳам аёл. Эҳтиёт бўлинглар. Фақат ашёвий далиллар, гувоҳлар иштирокида қўлга олиш чоралари кўрилсин.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ!

– Ишнинг қандай кетаётгани билан мени хабардор қилиб тулинг.

– Бажарилади, ўртоқ бошлиқ!

Бошлиқ гўшакни қўйиб қўйди. Нормуроднинг кўз олдига бундан уч йил аввал гўдаги билан қўлга олинган ўша аёл келди. Ўшанда Нормурод Андархон божхона постига хизмат юзасидан борганди. Чегарадан ўтиш жойидаги наватда турганлар орасида бир лўли кишининг қўлида йўргакка ўроғлиқ бир гўдак бўлиб, у шундай қаттиқ безовта йиғлардики, одамлар раҳми келиб уни наватсиз ўтказиб юбормоқчи бўлишди.

– Намунча?... Бу боланинг онаси қани? – сўради ходима.

– У касалхонада, бетоб, – деб қўйди гўдак кўтарган киши.

– Қорни очган уни! Овқат беринг. Сут йўқми, сут? – Қичқирди орқароқда турган бир лўли аёл.

– Уларни тезроқ ўтказиб юборинглар! – деди биров.

– Менинг сутим бор. Беринг, эмиза қолай, – деди ҳалиги қичқирган аёл.

– Ҳа-ҳа, бўла қолинг, сиз ҳам ўтинг, опа, – деди гўдак қичқирғи жонига теккан ходима ва уларни текширувсиз ўтказиб юборди.

Аёл гўдакни қўлига олди ва ҳалиги киши билан шошиб ўтиб кетишди. Уларни бир енгил машина кутиб турган экан, ўтиришдию жўнаб қолишди.

Нормурод ходимани бир четга чақирди.

– Нега гўдак ва аёлни кўздан кечирмадингиз?

– Вой нималар деяпсиз? Одамлар гўдакдан фойдаланишмаса керак. Бунчалик паст кетишмас-е...

– Нима, жиноятчи оғуфурушларнинг жуда пасткаш эканидан хабарингиз йўқми? Бу ишингиз учун сизга нисбатан маъмурий чора қўлланилади. Айтиб қўяй, бу сафарча огоҳлантириласиз.

Шундан сўнг Нормурод чегарадан ўтиб кетган гўдакли киши изидан тушиб кейинчалик сут бермоқчи бўлган аёл у билан шерик экани ва унинг исми Қоракўз эканини аниқлади. Лекин улар қўлга олинмади, балки арқонни узун ташлаб қўйилди...

– Эҳ Қоракўз, Қоракўз..., – дея пичирлади Нормурод ўша воқеани ёдига олиб.
– Бу сафар энди кутулолмайсан!

Шу маҳал эшик тикиллади ва лейтенант Зокиров жиддий киёфада пайдо бўлди.

– Рухсат этинг, ўртоқ майор!

– Рухсат, – деди Нормурод хаёли бўлиниб.

– Бекобод худудида бир қонунбузар, чегара бузувчи автомашина қўлга олинбди.

– Хўш-хўш?

– Унда бизнинг республикадан Тожикистонга олиб ўтилаётган контрабанда юк бор экан.

– Нима экан?

– Цемент.

– Нима, цемент?! ...Уни қаёққа олиб кетишаётган экан?

– Қурилаётган янги Роғун ГЭСига дейишди. Нима қилайлик? Одатдагидек юкни мусодара қилиб, жаримага тортаверайликми?

– Қонунбузарлар кимлар экан?

– Ўзбекистон фуқаролари.

Нормурод тўсатдан жаҳл билан ўрнидан туриб кетди.

– Нима дедингиз?! Ўз фуқароларимиз эканми?!.. Ахир қандай қилиб?!.. Бу ахир, хоинлик-ку!

Лейтенант ажабланди:

– Нега энди, ўртоқ бошлиқ? Унчалик эмас-е, оддий цемент-ку...

– Йўқ-йўқ, у стратегик хом ашё ҳисобланади, – деди Нормурод бир вақтлар Сурхоб дарёсининг соҳилида Муҳаммад овчи, Бахтиёр Тўраевлар билан бўлган ўзаро суҳбатни эслаб қизишиб кетди. – Бу оддий савдо-сотик эмас, ҳозирги пайтда цементнинг ҳар бир килограммини чегарадан Тожикистонга ноқонуний олиб ўтган юртдошимиз ватан хоини ҳисобланади! Чунки цемент ёрдамида қад кўтараётган ўша Роғун ГЭСи бутун Марказий Осиё халқлари учун хатарли. Бу ГЭС оқибати ўйланмай тез-тез зилзила бўлиб турадиган хавфли жойга қурилмоқда. Худо кўрсатмасин, мабодо тўғон ўпирилиб кетгудек бўлса 330 метр баландликдаги сув уммони 4000 метр тоғ тепасидан 480 км тезлик билан тушиб келиб йўлида дуч келган бошқа тўғонлар, қишлоқларни вайрон қилади. Неча минглаб одамлар бемаъни нобуд бўлишади. У ГЭС эмас қирғин келтирадиган қуролдир! Айтинглар, чегараларимиздан бир кило ҳам цемент ўтказилмасин! Бу буйруқ!

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ. Лекин бу билан ГЭС қурилишини тўхтатиб бўлмайди-ку.

– Ҳа, бўлмайди. Аммо билиб қўйинг, бизнинг цементимиз халқимизга қарши қаратилган қурол бўлиб хизмат қилмаслиги керак. Майли, у кўприк бўлсин, бошпана бўлсин, одамлар учун хизмат қилсин. Аммо унинг одамлар ҳаёти учун хавф солишга биз ҳеч қачон йўл қўёлмаймиз. Шунинг учун анави қонунбузарларни ватан хоини сифатида расмийлаштиринглар, токи бошқаларга ўрнак бўлсин, тушунарлими?

– Тушунарли, ўртоқ бошлик!

– Сизга рухсат.

Ҳайратланган лейтенант чиқиб кетди. Лекин майор Нормурод Тўйчиевнинг қалбида ғашлик пайдо бўлди. Юраги сиқилди. Балкон эшигини очиб баҳор ҳавоси гупурлаб уфуриб турган айвонга чиқди. Сайлгоҳ депарасига экилган гилослар қийғос гуллабди. Шаҳарда баҳор гўзаллиги ўз тароватини кўз-кўз қиларди. У чуқур нафас олди. Димоғи бир таниш ҳидни туйгандек бўлди. Бу ўша чегара қишлоқ – Қорабулоқ тоғларидан уфуриб турадиган зира ҳидига ўхшаб кетарди. Нормурод тушунди. Бу ўзгача ҳид – осойишта ва беғубор Ватан ҳиди эди...

...Қўл телефонининг овози унинг фикрини бўлди. Гулбиби экан:

– Алло, дадаси.

– Ҳа, лаббай.

– Бугун ўртоғингиз Иброҳим аканинг туғилган куни-я, эсингиздами?

– Э, шунақами?

– Оилавий бормасак, Сарвиғул хафа бўлади.

– Ҳа-ҳа, бўлмаса тайёргарлик кўраверинг. Иброҳим бешбармоқни яхши кўради. Ўғлимиз, кейин қизчамиз Ойгулнияма яхшилаб кийинтиринг, хўпми?

– Хўп. Айтмоқчи, Сангибек келувди. Гармчашмадан хонбалиқ юборишибди, Бахтиёр аканиям таклиф қилиш ёдингиздан чиқмасин-а, дадаси?

– Хўп-хўп. Унда биз бирга ўтамиз. Сиз болаларни олиб бораверинг, Сарвиғулга қарашиб юборинг, хўпми?

– Айтмоқчи, Қўқондан Аҳрор ўртоғингиз ҳам қўнғироқ қилиб салом айтди. У ҳам ҳозир довонда келаётган бўлсалар керак.

...Нормуроднинг юрагини ғашлик туйғуси бутунлай тарк этди ва Аҳрорни эслаб "Яна чанқагандирда..." деб мийиғида кулиб қўйди.

Тамом!

*Фарғона–Тошкент,
2003–2012 йиллар*